

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ
ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ЖИZZАХ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**ЎЗБЕК ТИЛИ ВА УНИ ЎҚИТИШ УСЛУБИЯТИ
КАФЕДРАСИ**

**УМУМФИЛОЛОГИК
ТАДҚИҚОТЛАР:
МУАММО ВА ЕЧИМЛАР**

**Таниқли олим, филология фанлари номзоди,
профессор Худайберган Жўраевнинг 80 йиллик юбилейига
багишланган илмий-амалий анжуман**

МАТЕРИАЛЛАРИ

Жиззах – 2014

Тўплам филология фанлари номзоди, профессор Худайберган Жўраевнинг 80 йиллик юбилейи муносабати билан чоп этилган бўлиб, ундан филология фанлари ҳамда уларни ўқитиш билан боғлиқ бўлган муаммоларга бағишлиланган илмий ва илмий – методик мавзуидаги мақолалар ўрин эгаллади.

Ташкилий қўмита: проф. О.Дўсматов (раис), проф. Н.Алимов, доц. А.Тангиров, доц. М.Султонов, п.ф.н.Қ.М.Ядгаров (раис ўринбосари), ф.ф.н.Ш.Хайдаров, доц.Т.Алмаматов, доц.Б.Файзуллаев, доц.М.Турсунпўлатов, ф.ф.н.А.Турсунқулов, ф.ф.н.Ю.Каримова.

Бош мухаррир: проф.О.М.Дўсматов

Маъсул мухаррир: п.ф.н.Қ.М.Ядгаров

Мухаррирлар: доц.Т.Алмаматов, доц.М.Турсунпўлатов, доц.Б.Файзуллаев, ф.ф.н.А.Турсунқулов.

Техник мухаррир: З.Қаршибоева

Мақолаларнинг илмий савияси учун муаллифларнинг ўзлари масъуллар.

Тўплам Абдулла Қодирий номидаги жizzах давлат педагогика институти Илмий кенгашининг 2014 йил 29 январдаги йиғилиши қарорига мувофиқ нашрга тавсия этилган.

©Абдулла Қодирий номидаги Жizzах давлат педагогика институти, 2014 йил

ТҮЙХАТ ЎРНИДА ***Устозга эҳтиром***

Янгиланган, бутунлай ўзгача сифат босқичига кўтарилиган таълим-тарбия жараёнидан кўзланган асосий мақсад ёш авлодни, юртбошимиз таъкидлаганларидек, ҳар томонлама етук ва баркамол этиб камол топтиришдан иборатdir. Ана шу мақсадни амалга оширишда юксак тайёргарликка эга, фунқаментал илмий билимлар эгаси бўлган устоз-мураббийлар, бир сўз билан айтганда, ўз ишининг устаси бўлган профессионал ходимларнинг роли ҳамда фаолияти ўта муҳим аҳамиятга эга.

Кўхна Жиззах воҳасининг ҳозирги кундаги асосий ва муҳим таълим-тарбия ўчоғи бўлиб келаётган педагогика олий ўқув юрти бир неча ўн йиллардан бери нафақат Жиззах вилояти, балки Республикализнинг барча ҳудудлари учун зарурый мутахассис кадрларни етказиб бермоқда. Бунинг учун малакали илмий-педагогик кадрларнинг бир қанча авлоди ўз ишини такомилига етказиб самарали фаолият юритиб келмоқда. Бунда, айниқса, “кatta авлод” дея аталмиш бўғин вакилларининг ўрни бекиёс. Худди мана шу сабабга кўра, бизнинг институтимизда устоз-мураббийлар, отахон профессор-ўқитувчиларга бўлган эътибор яхшиланса-яхшиланиб бормоқдаки, лекин бир муддат ҳам сусайгани йўқ. Бунинг маҳсули сифатида кейинги йиллар давомида ўтказиб келинаётган қатор юбилейлар, муҳим аҳамиятга эга бўлган “Устоз-шогирд” тизимининг борган сари такомиллашиб бораётгани, кекса авлод рағбатига йўналтирилган бошқа ҳил тадбирларни кўрсатишимиз мумкин. Халқимизнинг пурхикмат “Оталар сўзи – ақлнинг кўзи” нақлига монанд, ёши улуғ устозларимизнинг ҳар бир сўзию маслаҳати инобатда, ўzlари эса хурмату иззатда.

Бугун ана шу катта авлод вакилларидан бўлган филология фанлари номзоди, профессор Худайберган aka Жўраевнинг юбилейини нишонламоқдамиз. Устоз 1974 йил институт ташкил топгандан бошлаб институтида фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу даврда кафедра мудири, факультет декани лавозимларида фаолият кўрсатди.

Х.Жўраев 1975 йилда “Турк калтатой ўзбек шеваларининг фонетик, морфологик хусусиятлари” мавзусида номзодлик диссератациясини ҳимоя қилди. 1991 йилда Олий аттестатция комиссиясининг қарорига асосан бошланғич таълим тиллар кафедраси професори илмий унвонига сазовор бўлди.

Професор Х.Жўраев педагогик фаолияти давомида 5 та монография, 3 та илмий услубий қўлланма, 260 дан ортиқ илмий-оммабоп мақолалар муаллифdir.

Устоз олим ҳозирда 80 ёшга қадам қўйдилар. Мана шу давр мобайнида халқ таълими соҳасидаги хизматлари учун “Шавкатли меҳнати учун”, “Меҳнат фахрийси” ва “Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси” унвонлари билан тақдирланди.

Кўплаб шогирдларнинг беназир устози бўлмиш ушбу инсон ҳақида кўп ва хўб сўз юритиши мумкин, лекин мен ушбу жонкуяр ва тиришқоқ, меҳрибон ва талабчан, филология илмининг таниқли билимдони ҳақидаги фикрларни мухтасар қилган холда таъкидлашни лозим деб биламанки, худди устоз Худайберган акага ўхшаган мутахассисларнинг ўrnak бўларли фаолияти Жиззах педагогика институтининг институт бўлиб шаклланишида, ҳозирги кун даражасига етишида белгиловчи омил бўлиб хизмат қилган.

**О.М.Дўсматов ЖДПИ ректори,
Физика-математика фанлари доктори, профессор**

ASRLARGA TATIGULIK UMR

Do'stim Jo'raye Xudoybergan Jo'rayevichni 1950-yildan beri taniyman. O'sha yili ikkalamiz Samarqanddagi o'qituvchilar tayyorlash 2 yillik pedagogika institutiga talabalikka qabul qilingan edik. Shu davrdan boshlab bizning do'stligimiz boshlangan edi. Do'stim X Jo'rayev Baxmal tumanining O'smat shaharchasidagi Yo'ldoshboy mahallasida oddiy mehnatkash oilasida 1934-yil 1-yanvar kuni dunyoga kelgan. Ilm olishga ishtiyoqi baland X.Jo'rayev 6 yoshidan boshlab boshlang'ich maktabda ta'lim ola boshlagan. O'quvchilik yillarida maktab dasturida berilgan mavzularni puxta o'zlashtirganligi sababli o'sha davr qonun qoidasiga binoan bir yilda 2 sinf dasturini to'la o'zlashtira olgan.

Maktab ma'muriyati va o'qituvchilar jamoasi Xudoybergandagi ilmga bo'lган chanqoqlikni sezib, uning qobiliyatiga alohida e'tibor berib, boshlang'ich sinfning o'zidayoq 2-sinfdan birdaniga 4-sinfga ko'chirib o'qitishni ma'qul ko'rishib tegishli qaror qilishgan.

Tirishqoq, ilm olishga ishtiyoqi baland Xudoybergan o'zidan ikki-uch katta yoshli o'quvchilar orasida yana o'zini ko'rsata boshladi. Mana shu ilmga chanqoqlik,ilm olishga havas Xudoybergan do'stimizni 7-sinfga borganida yana o'qituvchilar –maktab jamoasi va rahbariyatining diqqat-e'tiborini o'ziga tortdi. Natijada maktab rahbariyati 7-sinfdan birdaniga bir yil sakratib 9-sinf o'quvchisiga aylantirishdi. Shunday qilib do'stimiz X Jo'rayev 10 yillik umumiy o'rtta ta'limni 8 yilda tamomlab 16 yoshida Samarqanddagi o'qituvchilar tayyorlash pedagogika institutining ikki yillik o'qishiga qabul qilingan. Xudoybergan Jo'rayev bu jabbada o'zini ko'rsata bildi. Ustozlari bu talabaning o'qishga bo'lган havasini mashg'ulotlarga bo'lган qiziqishini ko'rib, boshqa talabalarga na'muna sifatida ko'rsatar edilar. Shu o'qish davridanoq Xudoybergan Jo'rayev institut qoshidagi devoriy gazetada ilmiy maqolalar bilan ishtirok eta boshladi.

Aniq esimda, 2-kursda o'qir edik bir kuni qarasam devoriy gazetada yosh olim 2-bosqich tolibi Xudoybergan Jo'rayevning "Dialektologiya fani va uning ravnaqi" mavzusida maqolasi e'lon qilinibdi. Devoriy gazetadagi ushbu maqola X. Jo'rayevga institut olimlarining nigohini qaratdi. Shunday qilib institutni tamomlab hammamiz o'z tumanimizda yosh mataxassis sifatida faoliyat ko'rsata boshladik. Men ikki yil Jizzaxda o'qituvchilik qildim va 1954-yil Alisher Navoiy nomidagi Samarqand Davlat Universitetining fizika-matematika fakultetiga qabul qilindim.

Universitetda ijtimoiy fanlardan o‘tiladigan mashg‘ulotlar 2 ta 3 ta fakultetning parallel kurslarida birga qo‘shilgan holda ma’ruzalar o‘tilar edi.

1-sentabr darsga borsam qay ko‘z bilan qarayki, auditoriyaning 1-partasida Xudoybergan o‘tiribdi. Uni ko‘rdimu xursand bo‘lib ko‘rishib qoldim. Bildimki, Xudoybergan universitetning filologiya fakulteti 1-kursiga qabul qilingan edi. Biz ikkimizga yana 5 yil birga o‘qish, hamnafas bo‘lish nasib etdi.

Ustozlarimiz professorlar Ulug‘ Tursunov, Sulaymon Ato, Xudoyberdi Doniyorov, Rahim Muqimov, J.Hamdamov, Abdujabbor Muxtorov, G.Ibragimovlar hamisha Xudoyberganning ilmga bo‘lgan qiziqishini maqtar edilar. Kursdoshlarimizdan professor B.O‘rinboyev, E.Begmatov, do‘stlarimiz Akram Tojiboyev, marhum O‘ktam Zokirovich Olimov, Karim Soatovlar ham uning iqtidoriga havas bilan qarashar edi. Shunday qilib talabalik yillari ham tugab yana hammamiz har tomonga uchirma bo‘lib ketdik. 1973- yil sobiq hukumatimizning maxsus qarori bilan Jizzax viloyati tashkil etildi. 1974- yilning o‘zidayoq A.Qodiriy nomi bilan pedagogika instituti tashkil etildi. Shu yillari men tuman hokimiyatida rahbarlik lavozimida faoliyat ko‘rsatar edim. Viloyat miqyosidagi bir yig‘ilishga borsam yana do‘stim Xudoybergan Jo‘rayev o‘tiribdi. Keyinchalik suhbatlashib bildimki, do‘stim universitetni tamomlagandan so‘ng mакtabda ishlash bilan birga ilmiy izlanish olib borib 1970- yillarda Samarqand davlat pedagogika institutining birinchi rektori professor Orifjon Ikromov nigoliga tushib, u kishining taklifiga binoan institutga ishga qabul qilinibdi. Tez orada ustozimiz professor U.T.Tursunov va Abdujabbor Muxtorov rahbarligida “Turk – Kaltatoy o‘zbek shevalarining fonetik – morfologik va leksik xususiyatlari” mavzusida nomzodlik dissertatsiyasini himoya qilibdi.

Xudoybergan Jo‘rayevning ilmga chanqoqligi sabab bo‘ldi shekilli, bizni yana hayot so‘qmoqlarida uchrashtirdi. O‘sha yillardan to shu kunlargacha ancha vaqtlar o‘tdi. Do‘stimiz institutda bir necha yillar kafedra mudiri, fakultet dekani kabi rahbarlik lavozimlarida ishlab ilmiy maqolalar, monografiyalar e’lon qildi va avval dotsent keyin professorlik darajasigacha ko‘tarildi. Taqdirning taqozosini qarangki, davlatimiz o‘z mustqilligini e’lon qilgandan so‘ng Jizzax davlat pedagogika instituti qoshida iqtidorli bolalar litseyi tashkil etilib, men rahbar bo‘lib qoldim va yana yoshlikdagi do‘stim hozir professor Xudoybergan Jo‘rayev bilan birga ishlash nasib etib turibdi. Mana shu

litseyda yigirma yildan oshdiki, men do'stim, birodarim – Xudoybergan Jo'rayev bilan yelkama - yelka turib yosh avlodni komil inson, intellektual qobiliyatlarini shakllantirishdek ulug'vor ishga birga qo'l ushlashib mehnat qilib kelmoqdamiz.

Xudoybergan Jo'rayevning hayotiy faoliyati faqat yoshlarni o'qitish, ularga tegishli ko'nikma va malakalar hosil qilishga to'liq qaratilgan emas, balki mustaqil O'zbekistonimizning mustaqilligini mustahkamlashga, institut, litsey va mahalladagi turli tarbiyaviy tadbirdarda faolligi bilan ham ajralib turadi. Ayniqsa, mahalladagi ko'pgina ta'lim – tarbiyaviy ishlarda – yoshlar tarbiyasi, oila tarbiyasi kabi masalalarda ko'pgina maqola va ocherklarning ham avtoridir. Do'stimiz X.Jo'rayev esini tanibdiki, yoshlar ta'lim-tarbiyasi, ularning turmush tarzi, yashash sharoitlari, orzu-havaslari, qiziqish va intilishlari zamirida yashab kelmoqda. Shu bois X.Jo'rayevni pedagogik faoliyati va tashkilotchilik qobiliyati hamda el-yurt tashvish-u quvonchlari bilan har doim band bo'lib yurishiga nazar solsak, ulug' mutafakkir Mir Alisher Navoiyning xalq g'ami, tashvishi, farovon hayot qurish uchun fidokorona mehnat qilayotgan insonlarga nisbatan

Odami ersang demagil odamiy,

Onikim yo'q xalq g'amidin g'ami, -

degan o'lmas satrlari xuddi shu X.Jo'rayevga o'xshagan insonlarga qarata aytilgan chaqiriqdek tuyuladi.

X.Jo'rayev bugunda 60 yildan beri yoshlar ta'lim- tarbiyasida faollik ko'rsatmoqda. 60 yil hazil gap emas, ammo ustoz domlaning shijoati baland, yurishi, turishi, kiyinishi, fikr bildirishi, mashg'ulotlardagi talabchanlik, kuzatuvchanlik, o'z talabalariga mehribonligi, yuksak bilimi talabalar ta'lim- tarbiyasida, ularning mustaqil hayotga bo'lgan munosabatlarida, insoniy fazilatlarining shakllanishida beqiyos ibrat namunasidir. Men do'stim, hamkasbim – professor Xudoybergan Jo'rayevga yoshlarga ta'lim-tarbiya berishda ulkan zafarlar, omadlar, asrlarga yetgulik umr, sihat- salomatlik tilayman.

**Marat Zokirov
O'zbekiston Qahramoni**

САМАРҚАНД ТИЛШУНОСЛИК МАКТАБИННИГ ЗАБАРДАСТ ВАКИЛИ

Бугун таваллудига саксон йил тўлишини нишонлаётган, профессор Худойберган Жўраевнинг камолга етиши, мамлакатимизнинг кўзга кўринган тилшунос олимларидан бири, филологик таълим ташкилотчиси даражасига эришувида Самарқанд Давлат университетининг жуда катта ҳиссаси бор. Негаки, ўқитувчиликка, илмга чанқоқ ўн олти ёшлик йигитча 1950 йилда ўзи туғилиб ўсан Бахмал туманидан илк бор Самарқанд шаҳрига келиб, икки йил давомида шаҳардаги ўқитувчилар тайёрлаш институтида таълим олди. Шундан кейин ўрта маҳсус маълумотга эга бўлган Худойберган Жўраев Бахмалдаги ўзи ўқиган 12-ўрта мактабда она тили ва адабиёт фанидан дарс берди. Ўз билимини ошириш, олий филологик маълумот олишга кучли иштиёқ туфайли у 1954 йилда иккинчи марта Самарқанд шаҳрига илм олиш истагида қадам қўйди. Худди шу йили у ЎзДУ (ҳозирги СамДУ) филология факультетига ўқишига кирди. У факультетда Улуг Турсунов, Воҳид Абдуллаев, Абдулла Сулаймонов, Ҳамдам Бердиёров, Худойберди Дониёров, Ориф Икромов, Маҳмудали Юнусов, Абдужаббор Мухторов қаби йирик тилшунос ва адабиётшунос олимлардан билим сирларини мукаммал ўрганди ҳамда бу устозлар билан доимо яқин алоқада бўлди. Талабалик йиллари давомида у сўз оламининг сехри нимадалигини билиш иштиёқи билан яшади, бадиий асарлар ўқиб, улардаги улкан сўз санъаткорларининг маҳоратидан баҳраманд бўлди, халқ орасида юриб, адабий тилимизда унутилаёзган сўзларни эринмай тўплаб, саралаб борди.

Х.Жўраев 1959 йилда университетни муваффақиятли тутатгач, ўз жонажон диёри Бахмалга яна қайтиб келди. Чунки бир инсоний масъулият унга тинчлик бермасди, яъни уни вояга етказган, ўқитган, олий маълумотли филолог ўқитувчилар сафига қўшган ўз эли Бахмал тумани олдидаги қарзидан оз бўлса-да қутилиши лозим эди. Шунинг учун у 1959-1969 йиллар давомида Бахмал туманидаги мактабларда ўқитувчи ва илмий бўлим мудири сифатида самарали фаолият кўрсатди, минг-минглаб ёш илмсевар ёшларга она тили ва адабиётдан сабоқ бериб, уларнинг илм сари парвоз қилишига яқиндан қўмаклашди.

1969 йилда Х.Жўраев устозлари О.Икромов, В.Эгамов, А.Мухторовларнинг даъвати билан С.Айний номидаги Самарқанд

давлат педагогика институтига ишга келди, ўзбек тилшунослиги кафедрасида ўқитувчи, кейинчалик катта ўқитувчи бўлиб ишлади. Устоз тилшунос олим, проф.У.Турсунов илм олиши истагида бўлган X.Жўраевга Бахмал ва Галлаорол туманларида яшовчи турк-калтатой шеваси вакилларининг нутқини жиддий кузатиш, шу шевага доир материаллар тўплашдек муҳим вазифани топширади. Бу мавзунинг танланиши ва номзодлик диссертацияси сифатида ёш тадқиқотчига берилишида таниқли диалектолог олим Худойберди Дониёровнинг ўша йилларда москвалик ўзбекшунос олима Г.Ф..Благова билан ҳамкорликда Москвада эълон қилинган йирик мақоласи ҳам сабабчи бўлган, деб ўйлаймиз [1].

Х.Жўраев илмий-педагогик тақдирида унинг собиқ курсдоши Бозорбой Ўринбоевнинг алоҳида ўрни бор. Чунки X.Жўраевни СамДПИга ишга келишни даъват этган, уни устоз, проф.У.Турсунов ёнига олиб бориб, номзодлик иши учун мавзу танлашга кўмаклашган киши ҳам ўша вақтда СамДПИ ўқув ишлари проректори, доц. Б.Ўринбоев бўлади. Х.Жўраев турк-калтатой шевасининг фонетик, морфологик ва лексик хусусиятларини ўрганишга бағишлиланган ўндан ортиқ илмий мақолаларини синчиклаб қўриб берган, таҳrir қилган Б.Ўринбоев бу ишларнинг СамДПИ ва СамДУ илмий тўпламларида нашр этилишида ҳам бош-қош бўлди. Устоз, проф.Улуғ Турсуновнинг вафоти (1971)дан кейин X.Жўраевга бошлаган илмий ишини ниҳоясига етказиш, уни ташлаб қўймасликка унданған Б.Ўринбоев аста-секинлик билан X.Жўраевнинг илмий иши номзодлик иши сифатида якунланиши ва кафедра йиғилишида муҳокама қилинишига ҳам яқиндан кўмаклашди. 1975 йилга келиб, X.Жўраевнинг илмий иши Ашхабод шаҳридаги илмий кенгашда муваффақиятли равишда ҳимоя қилинади [2]. Бу ишга проф.У.Турсунов илмий раҳбарлик қилган бўлса, яна бир устоз, проф.А.Мухторов илмий маслаҳатчи сифатида унинг якунланишига, номзодлик иши сифатида шаклланишига яқиндан ёрдам берди.

Шуниси эътиборлики, X.Жўраев 1974 йилдан эътиборан ўз иш фаолиятининг қўриқ ерда янгидан ташкил этилган Жиззах давлат педагогика институтида давом эттириб келмоқда. Бу илм масканида X.Жўраев дастлаб ўзбек тилшунослиги кафедрасининг доценти (1974-1989), кейинчалик кафедра мудири (1974-1975), ўзбек тили ва адабиёти факультетининг декани (1975-1978), бошланғич таълим факультети декани (1978-1985) сифатида самарали фаолият

кўрсатиб келди [3]. У собиқ курсдоши, институт ректори, проф.Б.Ўринбоевнинг даъвати ва яқин кўмаги туфайли ҳимоя қилинган номзодлик иши материаллари асосида иккита йирик монографик тадқиқотни тайёрлаш ва нашр этишга муваффақ бўлди [4]. Шу билан бирга олим ўзбек тилшунослиги, айниқса, унинг диалектология, лексикология, грамматика соҳаларига оид эллиқдан ортиқ илмий мақолалар, ўнга яқин ўқув қўлланмалари ва услубий тавсиялар муаллифи саналади. Ана шу ишлар самараси сифатида 1989 йилда собиқ Иттифоқ ОАКи қарори билан Х.Жўраевга профессорлик унвони берилган эди. 1979 йилда Х.Жўраев Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси нишони ҳам тақдирланган. Ҳозирги вақтда саксон баҳорни қаршилаётган проф.Х.Жўраев талабаларга тилшунослик сирларини ўргатишда янги педагогик технологиялардан кенг фойдаланиш, ўзбек тилшунослигининг диалектология, лексикология ва этимология соҳаларига оид янги илмий асарлар яратиш иштиёқи билан меҳнат қилмоқда. Биз Самарқанд тилшунослик мактабининг забардаст вакилларидан бири, ёшларнинг меҳрибон устози, профессор Худойберган Жўраевга келгусида мустаҳкам сиҳат-саломатлик, ёшлар тарбиясидек эзгу ишларида янада улкан ютуқлар тилаб қоламиз.

Адабиётлар:

1. Благова Г.Ф., Данияров Х.Д. Говоры “тюрков” Узбекистана в их отношениях к языку староузбекской литературы // журнал “Вопросы языкоznания”, 1966, № 6. – С. 92-106.
2. Джураев Х. Фонетико-морфологические и лексические особенности узбекских говоров, носящих этническое название “тюрк-калтатой” (по материалам Самаркандской, Джизакской и Сырларынской областей Узбекской ССР). Автореф. дисс... канд.филол.наук. – Ашхабад, 1975. – 25 с.
3. Бу ҳақда қаранг: Шукуров Ш., Базарова Д. Узбекское... языкоznание. Биобиблиографические очерки (по 1982 г.). – Ташкент: “Фан”, 1986. – С. 107-108; Ўринбоев Б., Ўринбоева Д. Улуғ Турсун ва Самарқанд тилшунослик мактаби. Ўқув қўлланма. - Самарқанд: СамДУ нашри, 2004. – Б. 27-28.

Бекмурод Йўлдошев
Филология фанлари доктори, профессор

ДИЛБАР ИНСОН, УСТОЗ, ОЛИМ

Билими бор жойнинг бўлар олими,
Олими бор жойнинг бўлар таълими.
Тартиб ҳам, одоб ҳам шундан билинар,
Булари йўқ жойнинг кўпдир золими.

деган ибратли фикрни қашқадарёлик Қодир бахши бежизга айтмаганлар. Зеро, олимлар қаерда кўп бўлса, ўша ерда самарали изланишлар, илмий-ижодий ютуқлар бўлади, ёш авлодга нисбатан ўша ерда таълим ҳам, тарбия ҳам бўлади. Таълимнинг яхши йўлга қўйилиши тарбияни янада мукаммаллаштиради. Бутун умри давомида илм ва тарбия бериш мақсадида юзлаб ва минглаб ёшларни ўз фарзандидай кўриб меҳнат қилган устознинг бутун эл-юрт орасида, сидқидилдан меҳнат қилган жамоаси ўртасида ҳурмати энг баланд бўлади, замондошларининг устозга нисбатан ҳақиқий иззат-эҳтироми чексиз, сий-сифати хайрли, қутлуғ ва чин кўнгилдан туғилади.

Олимлик рутбаси ва таълим-тарбия соҳаси ҳақида гап бораракан, бу албатта, тилшунослиқда олим сифатида тан олинган, ҳаётда ниҳоятда дилбар инсон сифатида ҳурматга сазовор бўлган муҳтарам устозимиз, профессор Худойберган Жўраевнинг илмий-педагогик фаолиятига ҳам бевосита тааллукли, - десак муболаға бўлмайди. Кундалик ва турмуш фаолиятидаги камтаринлилик, кечиримлилик, диёнатлилик, дўстларга садоқатлилик, ҳамкаслар ва шогирдларга меҳрибонлилик, тўғри сўзлик ва иймони бутунлик, елкадошлиқ ва ҳамфирлилик, зукколик, самимийлик ва саховатлилик, раҳбарлик давридаги ташкилотчилик ва фидоийлик – буларнинг ҳаммаси олим, устоз-педагог Худойберган Жўраевга хос хислат ва фазилатлар саналади.

Ушбу мулоҳазаларни айтишимга бир мунча маънавий-хуқуқий асосларим бор: мен талабалик чоғимда устознинг маърузаларини тинглаганман, фарзандларимнинг айримлари ва бошланғич таълим факультетидаги бир гурух ҳамкаслар, кўпчилик шогирдларимиз ҳам домланинг маърузаларини тинглаган, сабоқ олган. Шахсан менинг ёшим кичик, устозга ука ва шогирдман. Шу маънода, биз иккаламиз устоз-шогирдмиз. Домла устоз-шогирдлик тизимини ниҳоятда қадрлайди, ҳар бир учрашув ва суҳбатда янги-янги маънавий озуқа улашади, ҳаётий тажрибасидан келиб чиқиб маслаҳатлар беради; амру маъруф қилиб

эмас, устозга хос ва акага мос нуқтаи-назар билан, ниҳоятда ахлоқу одобга эга бир маданиятли зиёли ва тажрибали инсон сифатида мулоқатда бўлади. Шу ўринда, шогирдлик бурчимни ҳис қилган ҳолда устоз ҳақидаги қўнгилдаги айрим мулоҳазаларимни айтишни бурчим деб билдим.

Таъкидлаш лозимки, домла жуссасидаги чаққонлик, тоғ боласига хос орият ва ғуур, нозик кўнглидан жой олган ҳар бир инсон учун ўзининг борини бахшида қилиш феъли, ўзаро сухбатлардаги кўнгли очиқлиги кўпчиликни ҳайратга солади. Аслида бу бевафо дунёда ҳар хил одам бор. Бирорга мазмун билан манфаат эгизакдек. Аммо устоз учун бу асосий эмас. Домла дўстлари учун, шогирдлари учун, ҳамкаслари учун, оғайни ва маҳалладошлари учун бору-йўғида ҳам, ҳаётнинг баланд-пастида ҳам бир хил. Буни кундалик ҳаётдаги муносабатлар тўлиқ тасдиқлай олишини ҳамма бирдек билади, тасдиқлайди.

Бу инсондаги ёшларга сабоқ беришлик маъсулияти таълимтарбиявий ва илмий фаолиятида ниҳоятда устивор. Шу боисдан, энг аввало, олимнинг олимлигини кўрсатадиган жиҳатларга, домладаги илмга бўлган чанқоқликларга замин тайёрлаган илк маърифат масканларига эътиборни қаратмоқчиман.

Профессор Худойберган Жўраевдаги илмга бўлган кучли иштиёқ интилишилик фазилати туғилиб ўсган ва вояга етган жойдаги маърифат масканлари – Бахмал туманидаги 14 сонли ўрта мактабда илк куртак ёзди. Самарқанд шаҳридаги ўқитувчилар тайёрлаш педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетидаги талабалик даврида шаклланди, қисқа муддатларда Бахмал туманидаги 14-15-ўрта мактаблардаги ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчилиги фаолиятида назарий билим билан амалиёт боғланди, бу жараён эса илмий бўлим мудири, мактаб директор вазифаларида ишлаган кезларида бой тажрибалар тўплашига сабаб бўлди. Илмга ихлосмандлик ва педагогик касбкорига меҳр-муҳаббат иштиёқи устозни Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетининг филология факультетига ўқишига етаклади ва устозлари академик В.Абдуллаев, профессорлардан У.Турсунов, А.Мухторов ва бошқалардан маърузалар тинглади. Садриддин Айний номидаги Самарқанд давлат педагогика институтида устоз педагоглардан А.Фаттаев, А.Чориев, С.Ўтаназаров, филолог олимлардан А.Мухторов, В.Эгамов, О.Икромов, И.Салоҳиддинов, Т.Очилов, Х.Умиров,

Б.Үринбоев, И.Сувонқулов каби устоз олимлар билан биргаликда педагогик фаолиятини олиб борди. 1969 йилдан ҳозирги вақтгача иккита олий таълим (Самарқанд давлат педагогика институти ва Жиззах давлат педагогика институти)даги ўқув жараёни ҳамда раҳбарлик фаолияти устозни янада пишишти: олим, ташкилотчи, раҳбар сифатида эл орасида, вилоят миқёсида танитди. Ҳеч иккиланмай шуни таъкидлаш лозимки, Самарқанд ва Жиззахдаги педагогика олий ўқув юртлари домланинг илмий фаолиятида алоҳида босқич сифатида муҳрланиб қолди, яъни, илмий фаолиятининг шаклланиши ва янада ривож топишига муайян сабаб бўлди.

Кўрамизки, Худойберган Жўраевнинг илмий-педагогик фаолиятига замин тайёрлаган маърифат масканлари 3 та: Бахмал туманидаги ўрта мактаблар, СамДПИ ва Жиззах давлат педагогика институти. Устознинг шу кунга қадар эълон қилган ишларини қўйидаги йўналишларга ажратиб ўрганиш мумкин:

Биринчи йўналиш – “ўзбек шевалари лисоний хусусиятларининг тадқиқи” номли йўналиш. Профессор Худойберган Жўраев илмий тадқиқотлари ва таҳлилларининг маркази, бош йўналиши – турк-қалтатой ўзбек шеваларининг фонетик-морфологик ва лексик хусусиятлари. Устоз ушбу мавзу бўйича 1975 йилда Туркманистон давлат университетининг илмий кенгашида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Шундан сўнг 3 та монография, 2 та ўқув қўлланма ва элликдан ортиқ илмий-оммабоп мақолалар эълон қилишибди ва уларнинг ҳаммаси мазкур мавзунинг турли қирраларини қамраб олди. Бу ўринда айрим мисолларни келтириш билан чегараланамиз: Ўзбек тили турк-қалтатой шевасининг лексикаси (Т.: Фан, 1982); Ўзбек тили турк-қалтатой шевасининг грамматик хусусиятлари (Т.: Фан, 1985); Ўзбек тили диалектологияси (Жиззах: Сангзор, 1986, 1992); Ўзбек тили турк-қалтатой шевасида феъл категорияси (1968); Турк-қалтатой шевасининг баъзи фонетик хусусиятлари (2008) ва бошқалар.

Иккинчи йўналиш – яъни “таълим ва тарбия” туркумидаги мақолалар устоз-педагогнинг илмий-ижодий фаолиятида алоҳида ўрин тутади. Уларнинг ёзилишига ва эълон қилинишига муайян сабаблар, кундалик ҳаётий заруриятлар бор, буларнинг ҳаммаси ҳозирги ва келажак авлодлар учун қимматли маълумотлар, тегишли сабоқлар беришлик аждодлар руҳини ёд этишлик, қилган ва амалга

оширган ишлардан хабардор бўлишлик, шу йўл орқали яна кейинги авлодларга етказишилик каби улуғ ва савобли вазифаларни бажаришга хизмат қиласди. Бу ўринда устознинг “Гўзаллик нимада?” (1963), “Болалар тарбиясида онанинг ўрни” (1964), “Адабиёт ва эстетик тарбия” (1974), “Ота-оналар билан олиб бориладиган индивидуал ишлар ва уларнинг бола тарбиясидаги аҳамияти” (1972), “Болалар тарбиясида оила ва мактабнинг ҳамкорликдаги ишлари” (1973), “Бола тарбиясида меҳнатнинг роли” (1985), “Тил миллатнинг қалби” (2004), “Тил ва халқ” (2005), “Тилга эътибор - элга эътибор” (2008), “Мирфозил калтатоийнинг адабий мероси” (2009), “Навоий асарларининг тили” (2009), “Навоийнинг нотиқлик санъати” (2010), “Она тили дарсларида ўқувчиларга миллий истиқлол руҳини сингдириш” (2010) ва бошқа илмий-оммабоп мақолаларни фикримизга биргина далил сифатида келтириш мумкин. Устоз бу мақолалари орқали ёшлар онгида аждодларимиз ва улар қолдирган бой меросга меҳр-муҳаббат, Ватанга садоқат, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини шакллантиради, улардан ибрат олиб, Ватан равнақига ўз бунёдкорлиги билан ҳисса қўшишга ундейди.

Учинчи йўналиш – яъни, ўзбек тилининг илмий-назарий ва амалий масалаларига бағишлиланган ишлар туркуми. Устознинг бу соҳадаги ишларининг яратилишига талабаларни ўқитишдаги ҳаётий зарурият, ҳозирги давр тилшунослик соҳасидаги янгича қарашлар ва талқинлар сабаб бўлди. Бундай ишлар кўп йиллик педагогик тажрибалар натижасида юзага келди: “Ўзбек сўзлашув услуби” (1991), “Ҳозирги ўзбек тили морфологияси” (2001), “Ҳозирги ўзбек тилида морфемика ва сўз ясалиши” (2001), “Сўз бирикмаси ва содда гап синтаксиси” (2002), “Ўзбек тилида қўшма гаплар ва уларни таҳлил қилиш” (2003), “Синтактик таҳлил тартиби ва намунаси” (2003), “Фонетик таҳлил тартиби ва намунаси” (2003), “Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси” (2007) каби йигирмадан ортиқ ишлари, ўнга яқин маъруза матнлари ҳамда ўқув-услубий мажмуалари тилимизнинг илмий-назарий ва амалий масалаларини олий мактаб талабаларини ўқитишда ўқув методик манбалар вазифасини ўтаб келмоқда.

Яна бир алоҳида урғу билан охирги таъкидни айтмасак, инсофдан бўлмас. Ҳамкасб устозимизнинг обрўсини янада оширишга хизмат қилган, барча муваффақиятларининг гарови бўлган ҳаётий омил бор: у оилавий муҳит ҳисобланади. Албатта, бу

ерда устоз-педагогнинг турмуш ўртоғи, катта оиланинг “бош вазири” ҳисобланмиш Мукаррама онамизнинг хизматларини назарда тутаяпмиз. Оиладаги хотиржамлик, илм йўлида яратиб берилган барча шарт-шароитлар, ҳаётдаги вақтинчалик қийинчиликларга бардош бера олишлиқ, энг муҳими, фарзандлар тарбияси фаолиятида Мукаррама онанинг хизматлари чексиз ва бенихоя.

Ҳамма ҳавас қиласа арзийдиган бу оиланинг бош раҳбари – устоз Х.Жўраев халқ таълими тизимида узоқ йиллар ҳалол ва самарали меҳнат қилиб келаётган бўлса, оиланинг “молия вазири” – Мукаррама онамиз болалар (фарзандлар, неваралар ва чеварадар) тарбияси билан машғул. Устоз-педагогдаги ташкилотчилик ва раҳбарлик қобилияти нафақат шогирдларига, балки ўз оила аъзоларига ҳам ўтган. Хусусан, қизлари Нурхон, Гулжахон, Хосият ва бошқа фарзандлари кўп йиллар давомида халқ таълими тизимида раҳбарлик лавозимларида сидқи дилдан меҳнат қилиб келмоқда Бошқа фарзандлар ҳам турли соҳалар бўйича олий маълумот олган, эл-халқ учун хизмат қилмоқдалар. Устоз Худойберган Жўраев билан Мукаррама онамиз учун, уларнинг оиласи учун ҳаётда бундан ортиқ мукофот бўлмаса керак.

Ҳаётдаги камтарин ва дилбар инсон, бағри кенг олим, пок ва беғараз қалб соҳиби, меҳрибон устоз Худойберган Жўраев бугун куттуғ 80 ёшга кираётган экан, ҳамкасбимга, маслакдошимга оиламизнинг барча аъзолари номидан тан-сиҳатлик, хонаободлик, илмий ва мурабайлик фаолиятида зафар ва омадлар тилайман. Шогирдлик таъзимини қабул қилгайсиз, муҳтарам устоз!

У.А.Жуманазаров
филология фанлари доктори, профессор

ҚУВНОҚ ВА ЗУККО УСТОЗ

Профессор Худойберган Жўраев қарийб эллик йилдан бери илмий-педагогик фаолият билан шуғулланиб, тильтуносликнинг долзарб муаммолари, шу жумладан, Турк-калтатой ўзбек шеваларининг фонетик-морфологик ва лексик хусусиятлари сирларини кашф этиб келмоқда. Унинг ҳаёти ва ижодий йўли кўпчиликка ўрнак бўлса арзиди.

Олим-педагогнинг илмий фаолиятини тўрт йўналишга бўлиб ўрганиш мумкин. Шахсан мен унинг икки йўналиши гувоҳиман.

1971 йил С. Айний номидаги Самарқанд давлат педагогика институти ўзбек тили ва адабиёти факультети II босқич талабаси, “А” грух сардориман. “Б” грух сардори кўп йиллар халқ таълими муассасаларида раҳбар бўлиб ишлаган Мирзабеков Саидаҳмад эди. Тез орада педагогика фанидан ёш, билимдон ўқитувчи дарсга киравмиш деган гап тарқалди. Дарс жадвали бўйича сесланба I пара педагогикадан аудиторияга ёш, чақон, қадам олишлари дадил, соchlари жингалаксимон, орқага тараалган, костюм-шимда, оқ кўйлак қора галстукда истараси иссиқ бир ўқитувчи кириб келди. Уни институт ректори проф. Орифжон Иқромов ишга таклиф қилган экан. Биринчи дарсдаёқ, қани сардорлар биринчи партага, деб Мирзабеков С. ва мени биринчи партага ўтказиб қўйди.

Бу ажойиб инсон қарийб ўн йил Бахмал туманининг турли мактабларида ўқитувчи, директор вазифаларида ишлаган Худойберган Жўраев эди. Тез орада биз домла билан тил топишиб кетдик. Устоз педагогикага оид қизиқарли ва жўшқин маъruzалари билан барчамизни ҳайратда қолдириди. Икки йилга яқин маъruzаларини тингладик. Сессияларда бирга бўлдик. Навбатдаги сессияда билет асосида оғзаки имтиҳон қабул қилиш жараёни бошланди. Имтиҳон кеч соат 17 00-18 00 ларгача чўзиларди. Домлани чарчатиб қўймаслик учун тушлик-бир пиёла чойга таклиф этдик. Тушлик кафедрада бир чойнак чой ва 4 та сомсадан (жами 20 тийин) иборат эди. Бу ҳолни кўриб X.Жўраевнинг авзойи бузилди. “Мен сенларнинг 20 тийинлик сомсангга зорманми? Ўткир, тезда ўзларинг еб олинглар”, деб икки сардорга мажбуран едирди ва қаттиқ танбех берди. Ўшанда биз шогирдлар устознинг ҳаллоллигига, мардлигига, талабанинг ҳақига хиёнат қилмаслигига қойил қолган эдик.

Унинг жўшқин педагогик фаолият билан бирга ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари, турк-калтатой ўзбек шеваларига, диалектологик экспедицияга, чорвачилик лексикасига, болалар тарбиясига, маънавиятга оид ўнлаб мақолалар ёзганлигининг гувоҳи бўлдик.

Мен институтни битириб ўзбек адабиёти кафедрасида ишда қолдим. 1974 йил. Бирдан X. Жўраевни йўқотиб қўйдик. Кейинчалик билсак, 1974 йил янги очилган А. Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институти педагогика ва психология кафедраси мудири вазифасига таклиф қилинган экан.

1975 йил олим фаолиятида яна бир ўсиш бўлди. Туркманистон давлат университети илмий кенгашида “Турк-калтатой ўзбек шеваларининг фонетик-морфологик ва лексик хусусиятлари” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган экан. Эшишиб, келиб табриклаб кетдик...

1994 йил 21 декабрь. Халқ таълими вазирлигининг тавсиясида асосан, кўчириб ўтказиш йўли билан мен Жиззах давлат педагогика институти ўзбек адабиёти кафедрасида доцент вазифасида ишлай бошладим. Устоз ўзбек тилшунослиги кафедрасида профессорлик вазифасида фаолият кўрсатаётган экан. Унинг чаққонлиги, ҳаракатчанлиги, ишчанлиги, фидойилиги барчани ўзига мафтун этарди. Республиканинг турли матбуот органларида унинг тадқиқотлари, мақолалари тинимсиз чиқиб турарди.

“Турк-калтатой” ўзбек шеваларининг фонетик-морфологик ва лексик хусусиятлари” мавзуси атрофидаги туркум мақолалари ўзбек тилшунослиги учун катта янгилик эди. “Ўзбек тили турк-калтатой шевасида феъл формалари” (1990), “Ўзбек тили турк-калтатой шевасида боғловчилар” (1991), “Турк-калтатой шевасининг баъзи хусусиятлари” (1991) каби тадқиқотлар шулар жумласидандир. Бундан ташқари, домланинг ҳозирги ўзбек тили тараққиёти муаммоларига бағишлиланган ўнлаб мақолалари маълумдир. “Ҳозирги ўзбек тили морфологияси” (2001), “Сўз бирикмаси ва содда гап синтаксиси” (2002), “Ўзбек тили назарий грамматикаси” (2002), “Ўзбек тилида кўшма гаплар ва уларни таҳлил қилиш муаммоси” (2003), “Морфологик таҳлил тартиби ва унинг намунаси” (2003), “Синтаксис муаммолари” (2006), “Навоийнинг нотиқлик санъати” (2009) каби қизиқарли тадқиқотлар шулар жумласидандир.

Худойберган Жўраев ўзининг меҳнатсеварлиги, фидойилиги, айниқса, талабаларга ғамхўрлиги, касбдошлари билан самимий муносабатлари, талабчанлиги, ҳамма ишга масъулият билан ёндашиши, хушчақчақлиги каби жуда қўп инсоний фазилатлари билан кўпчиликнинг ҳурматини қозонган. Кўп йиллик илмий-педагогик фаолияти давомида Жиззах давлат педагогика институти шарафини ниҳоятда эъзозлаб келмоқда. Етакчи педагог сифатида ёшларга намуна бўлиб, магистр ва ўнлаб битирув-малакавий ишларига илмий раҳбарлик, маслаҳатчилик, 4 фан номзодига ҳакамлик қилди.

Х. Жўраев талабаларнинг севимли устозидир. Ўз касбининг устаси сифатида бор билимини маъруза ва амалий машғулотларида тўкиб солади. Кўпроқ муаммоли дарс ўтишга интилади. Ёши саксонга яқинлашганига қарамасдан, янги педагогик технологияинг барча турларидан дарс жараёнида фойдаланишга ҳаракат қиласи. Худойберган Жўраев умр мазмунини ҳамиша элга фойда келтиришда деб билади. Устозга мустаҳкам соғлиқ, келгусидаги ишларida омад ёр бўлишини тилаб қоламан.

Исомиддин Икромов
филология фанлари номзоди доцент

I. O'ZBEK TILI VA UNI O'QITISH MUAMMOLARI

ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИ ТИЛИДАГИ СИФАТ МЕТАФОРАЛАРНИНГ ЛИНГВОПОЭТИК ХУСУСИЯТЛАРИ проф. С.А. Каримов (СамДУ), ф.ф.н. Г.У. Жуманазарова (ЖДПИ)

Фозил шоир достонлари лексикасидаги поэтик кўчимлар масаласи лисоний нуқтаи назардан ҳанузгача қониқарли даражада ўрганилмаган. Шу боисдан, ушбу мақолада халқ достонларидағи метафораларниң сўз туркумларига боғлиқлигига, хусусан, сифат метафораларниң лингвопоэтик табиатига доир кузатишларимизни баён этамиз. Бундай метафоралар ҳам достонлар тилида анчагина учрайди, улар тимсолнинг белги хусусиятларини тингловчига лўнда ва аниқ, тасвирий ва ҳиссий бир тарзда етказиб беришга хизмат қилган. Метафоралар сифат билан ифодаланганда муайян бир объектни ташқи ва ички хусусиятлари жиҳатидан характерлаб келган: *Кўнглинг бўлиб хафа бўлма, / Нозик дилбар, менга жонон* (Ф.Ш.:256); *Сиз ҳам энди сарвинозим, / Ширин деса қилма қаҳр* (Ф.Ш.:256) каби. Биринчи мисолда *нозик* сифати бирорта қўшимчасиз қўлланилган бўлса, иккинчи мисолда *сарвиноз* сифатига -им эгалик қўшимчалиб, достондаги эпик қаҳрамонлардан бирининг назокатини, гўзаллигини, суюклигини *сарвиноз* сўзи ва -им аффикси ёрдамида бера олаяпти. Қуйидаги мисолларда эса сифат сўз туркуми билан ифодаланган метафоралар отлашиб, эгалик ва келишик қўшимчаларини бириктириб келган: *Мерган отар, билгин, кўлнинг гозини, / Эр йигит ташларми сарвинозини?!* (Н.:146); *Ота, эшишт менинг айтган сўзимни, / Он кеп берай кўрган сарвинозингни* (М.а.: 12); *Тўрт бўп қолди икки кўзим, / Кўлдан кетди сарвинозим* (З.:160) каби.

Энди юқоридаги матнлар асосида яна семантик учбурчак моҳиятини белгиловчи лисоний мезон тамойилига амал қилиб, таҳлилни давом эттирамиз. Кўрамизки, *сарвиноз* – сифат, айни чоғда у қиз, қайлиқ маъносида ишлатилган. Вазифасига кўра отлашиб, у эгалик қўшимчалиб, тушум келишигининг аффиксларини ўзига бириктириб келган. Лекин, бу ҳол қайлиқнинг севимли ёр, йигитнинг бўлажак умр йўлдоши эканлигини, шунинг учун ҳам унинг малоҳиятига мағрур бўлгани ёки унинг акси

бўлгани учун муайян эпик қаҳрамонлар томонидан кўрсатилмоқда, матнда алоҳида тавсиф этилмоқда. Айрим дарсликларда қайд этилганидек, одатда, кишиларга белги, сифатни билдирувчи Бахтиёр, Баҳодир, Гўзал, Равшан каби исмлар қўйилганда шахсни билдирувчи бу сифатлар мутлақо отлашиб кетади¹. Достонлар тилидаги сифат сўз туркуми билан ифодаланган поэтик метафораларда ҳам деярлик шундай лингвистик ҳолатни кузатдик. Улар матнда от сўз туркуми бажарган барча лисоний вазифаларни бажаради, бироқ шу билан бирга эпик қаҳрамонларнинг белги ва хусусиятини ҳам англатади. Бунга яна юқорида қайд этилган *сарвинозим* сифат метафораси мисол бўла олади. Сифат метафораларда белгининг маъноси чегараланган бўлиши ҳам мумкин. Лекин, достонлар матнида қўлланилган баъзи сифат метафоралар образни ташқи белгилари асосида характерласа, бошқалари уни ички томондан эпик тасвирлаш учун хизмат қиласди. Масалан, юқоридаги матнлардаги *сарвинозим* ташқи тавсиф метафораси саналади. Лугатларда *сарв* сўзи аслида форсча эканлиги, “қадди-қомати, басти келишган, хушқомат” каби кўчма поэтик маъноларни англатиши; шунингдек, *сарвиноз* сўзи ҳам форсча сарвдек юриш маъносидан олинган бўлиб, “қадди-қомати келишган, юриши жозибали гўзал (аёл); нозанин; севимли ёр”² маъноларида қўлланиши ҳақида маълумотлар берилган. Бундай изоҳлардан шу нарса аниқланадики, юқорида берилган матнлардаги *сарвиноз* сўзида бошқалардан қадди-қомати келишган, севимли ёр экани ҳақидаги яширин маъно ётади. Энг муҳими, -им қўшимчаси бу *сарвинознинг* эпик қаҳрамонларнинг бирига алоқаси борлигини кўрсатади. Ушбу мулоҳазалардан келиб чиқиб, кузатишларимизга дахлдор яна бир лисоний ҳолатни таъкидламоқчимиз: достонлар тилида фаол қўлланилган *сарвинозим* ифодаси матнда ундалма саналади.

Сифат метафораларининг тилида матнида қўлланилиши ҳақида гап борар экан, бу ўринда, ранг-тусни билдирувчи сифатларнинг кўчма маъно ифодалашининг ўзига хос услубий жиҳатлари эътиборга лойиқлигини таъкидламоқчимиз. Мисол учун, оқ ва қора ранглари асосида шаклланган сифат метафораларини олайлик. Ижодкор халқ тасавурида оқ ранг – тозалиқ, покизалиқ,

¹ Шомақсудов А., Расулов И., Кўнгурев Р., Рустамов Х. Ўзбек тили стилистикаси. – Т.:Ўқитувчи, 1983. – 237-б.

² Ўзбек тилининг изоҳли лугати. Беш томлик. – Т. 3. Тошкент: ЎзбМЭ, 2006. - 447 б.

ёруғлик, эъзозлилик рамзи. Оқ ранг ўзбек фольклорида “эзгулик ва баҳт белгиси”³ з сифатида талқин этилади ва у бошқа ранглар учун асос бўлиб хизмат қиласи. Тасвирий санъатда оқ ранг – рангларнинг подшоси. Оқ рангдаги ижобий экспрессивлик⁴ ниҳоятда кучли бўлганлиги учун ҳам кўчма маънони ифодалайдиган сифат метафораларини шакллантиришга замин тайёрлаган.

Қора рангнинг халқ достонлари тилида сифатловчи ва рамз вазифаларидаги хусусиятлари ҳам филологик тадқиқотларда турли талқинларни келтириб чиқарган. Масалан, жонли сўзлашув нутқидаги кўзимнинг қораси метафорасида инсонга азиз ва қадрли фарзанд маъносини ифодалаш етакчилик қиласи. Мумтоз адабиётда қора ранг “шарофатлилик ифодаси”⁵ бўлса, халқ қўшиқларида баъзан нейтрал ҳолатда, баъзан “ўлим” маъносини англатади. Бу борада Ш.Турдимовнинг фикрлари ва кузатишлари эътиборга лойиқ⁶. А.Рустамов ҳам қора сўзининг халқ қўшиқларида кўпроқ салбий маънодаги тушунчаларни ифодалаб келишини таъкидлайди⁷. С.Рўзимбоев Хоразм достонларида қора ранг ҳамиша омадсизлик, баҳтсизлик маъноларини англатишини таъкидлаб, “Бозиргон ўлдирилгач, синглиси Ойсугон марсия айтганида, “қора” сўзини “ўлим” маъносида ишлатганини”⁸ қайд этади. Қора рангнинг бундай талқинларини бошқа манбалардан ҳам топиш ва келтириш мумкин.

Бу ўринда бир савол туғилади: хўш, қора ранг биз тадқиқ этган достонлар тилида қандай маъноларда қўлланилган? Кўчма маънони ифодалайдиган метафораларнинг қайси турларини шакллантиришга замин тайёрлаган? Бу борадаги кузатишларимиз шуни тасдиқлайдики, достонлар матнида қора ранги ҳам баъзан “ўлим”, баъзан “айрилиқ ва мусибат”, баъзан “баҳти қаро”, баъзан “кийимнинг қораси” каби семантик маъноларини ифодалашга хизмат қиласи. Лекин, бундай лисоний-рамзий маънолар бир гипонимик тушунча таркибига кирувчи гипонимик номлар ифодаси бўлган иккита сўз орқали ифодалангандигини кузатамиз: булар батамом бошқа-бошқа тушунчалар бўлса ҳам, бир-бирига нисбатан

³ Рўзимбоев С.Хоразм достонларида рамзлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 1992, №6 (12) – 52-6.

⁴ Лосев А.Ф. Философия. Мифология. Культура. – М.:Восточ.литер., 1991. – с. 54.

⁵ Ҳаққулов И. Занжирбанд шер кошида. – Т.: Адабиёт ва санъат нашириёти, 1991. – 86-6.

⁶ Якуббекова М.М. Ўзбек халқ қўшикларининг лингвопоэтик хусусиятлари. ДД. – Т., 2005. –173-174-б.

⁷ Турдимов Ш. Поэтические символы в узбекских народных песнях:АКД. – Т., 1987. – 22 с.

⁸ Рустамов А. Сўз хусусида сўз. – Т.: Ёш гвардия, 1987. – 18-б.

⁹ Рўзимбоев С. Хоразм достонларида рамзлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 1992, №6 (12) – 52-6.

алоқадор умумийлик асосида гипонимик тушунчани англатиб туради, яъни, матнаги айни ҳол уларни метонимияга бирмунча яқинлаштирган: *Булар бунда, ўз ҳолига Шириннинг ишқида мамлакати хароб бўлгандай бўп, қора кийиб*, аза қилгандай бўп қолди (Ф.Ш.:239); *Сўз сўзласа, қабогингни уясан, / Биринг эмас, баринг қора киясан* (Р.403); *Қора кунда йиғлар эдик бу замон, / Бандадан умиддир, худодан раҳмат* (М.а.: 90); *Ёши олтмиши бешга етган момолар, / Бахтим қора дейди, чолдан айрилса* (Б.Г.:71); Энди кенг Чамбилда тирик юрганча, / Ўзим бориб қора гўрга кирайин (Б.:15) каби.

Кўрамизки, намуна сифатида келтирилган матнлардаги сифат метафоралар достонлар тилида фақат рангни кўрсатибгина қолмай, балки эпик қаҳрамоннинг оғир мусибатли ҳолатини, руҳий кайфиятини қўрсатишга хизмат қила олган. Буларнинг ҳаммаси Фозил бахши достонлари тилининг жозибадорлиги, сюжетининг қизиқарли бўлиши, ўқувчи эътиборини жалб этишини таъминлашга, достонларнинг услубий хусусиятларини янада бойитишга хизмат қиласи.

Шартли қисқартмалар:

1. **Б.Г. - Бахром ва Гуландом.** - Т.: F.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. – 5-119-бетлар.
2. **З. - Зевархон.** // Бахром ва Гуландом. Т.: F.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. – 120-198-бетлар.
3. **Р. - Рустамхон.** Т.: F.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985. – 349-445-бетлар.
4. **Н. - Нурали.** Т.: F.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. – 118-193-бетлар.
5. **М.а. - Малиқаи айёр.** Т.: F.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. – 6-208-бетлар.
6. **Б. - Балогардон.** Т.: F.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. – 5-98-бетлар.
7. **Ф.Ш. - Фарҳод ва Ширин.** // Бахром ва Гуландом. Т.: F.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. – 120-277-бетлар.

ФРАЗЕМАЛАР ТАРКИБИДА СЎЗ- КОМПОНЕНТЛАРНИНГ ЖОЙЛАШИШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА *ф.ф.д., проф. Бекмурод Йўлдошев (СамДУ), Феруза Назарова – СамДУ магистранти*

Маълумки, фраземалар семантик ва грамматик белгиларига кўра эркин сўз бирикмаларидан фаркланади [1,168]. Бу фарқ, айниқса, эркин синтактик бирикмаларни ва бундай бирикмалардан тузилган гапларнинг таркибидаги алоҳида сўзларнинг жойлашиш

тартиби жиҳатдан солиштирганда кўзга яққол ташланади. Эркин синтактик бирикмалар ва улардан тузилган гаплар таркибидаги сўзларнинг жойлашиш ўрнини ўзгаришиш бирмунча осондир. Масалан: *Эртасига ҳам, индинига ҳам шоҳга сўз қотгулик эмас эди* (Э.Самандар. Тангри қудуғи, 111). Юқорида келтирилган гапни *Шоҳга эртасига ҳам, индинига ҳам сўз қотгулик эмас эди* тарзида ўзгаришишимиз мумкин. Лекин шу гап таркибидаги сўз қотмоқ турғун бирикмаси фразема (ибора) бўлиб [ЎТИФЛ, 66], унинг таркибини қотмоқ сўз тарзида ўзгаришиш, инверсияга учратиш фақат шеърий матнларда, муайян ҳолатлардагина амалга ошириш мумкин.

Фраземаларда компонентлар тартибини ўзгаришиш имконияти жуда чекланган, бундай бирликлар таркибидаги сўзларнинг жойлашиш тартиби асосан қатъий белгиланган бўлади. Масалан: *Оёгинги қўлингга олиб гизилла* (Э.Аъзам); *Биронинг дилини сиёҳ қилмай юрадиган кун ҳам келармикин?* (Н.Аминов); *Нега энди сизлар ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, тарвузларинг қўлтиқларингдан тушиб ўтирибсанлар* (Н.Аминов); ...*Ишқилиб барака топсин докторлар, бошинг ёстиққа етганда жонингга оро киришади.* (Сайд Аҳмад); *Ҳозирча ишлаб туради, - деди Йўлдош ака, - дурустроқ билимдон киши топилгач, паттаси қўлига тегади* (Х. Тўхтабоев) кабилар.

Юқорида келтирилган мисоллар таркибидаги оёгини қўлига олмоқ, дилини сиёҳ қилмаслик, тарвузи қўлтиқидан тушибмоқ, боши ёстиққа етмоқ, жонига оро кирмоқ, паттаси қўлига тегмоқ фраземаларининг компонент тартиби ўзгармаган, қатъий ҳолатда ўзлари иштирок этаётган гапларга бирикиб келган. Аммо шуни ҳам инобатга олиш лозимки, барча фраземалар таркибидаги сўзларнинг жойлашиш тартиби нисбатан турғун бўлса-да, бу абсолют ҳолат эмас. Фраземалар компонентлари тартибининг «барқарорлиги»ни ҳам нисбий баҳолаш керак. Буни фраземаларга хос куйидаги хусусиятларда кўрамиз:

1. Айрим фраземалар таркибидаги компонентлар орасига бошка сўз-компонентлар киритиш мумкин. Масалан, *Кавушини тўғрилаб қўйиш керак*: қурилишини ҳам, жамоани ҳам *сарик чақага сомади*. (Аскад Мухтор); *Минг ҳилл масала билан бош қотиришига ҳар кун тўғри келади. Она қўзи тўрт бўлиб ҳар дақиқа йўлга қарайди* (Сайд Аҳмад) кабилар.

2. Баъзи фраземалар таркибидаги айрим сўзларни бошка сўзлар билан алмаштириш мумкин: *оғзидан бол томади // тилидан*

бол томади; күнгли жойига тушди // юраги жойига тушди; күнгли гаш булди // күнгли хира бўлди; ерга урса кўкка сакрайди // ерга урса осмонга сакрайди кабилар.

3. Айрим фраземалар таркибидаги сўз-компонентлар жойлашишидаги турғунликнинг ва фраземалар баркарорлигининг нисбий ҳолат эканлигини яна шу нарса кўрсатадики, баъзан фразема таркибидаги айрим сўз-компонентлар ҳам инверсияга учраши мумкин. Фразема таркибидаги сўзлар одатдаги тартибининг бузилиш холатлари умуман жуда камдан-кам учрайди. Фраземалар инверсияси тилнинг ҳамма қатламларида бир хил эмас, у ёзма нутқда жонли сўзлашув тилига нисбатан кўпроқ учрайди. Фразема таркибидаги сўзлар одатдаги тартибининг бузилиш ўринлари ёзма нутқнинг, жумладан, бадиий нутқнинг жанрларида ҳам ҳар хил хусусиятга эга. Прозаик ва драматик асарларда фразема таркибидаги сўз-компонентлар инверсияси деярли учрамайди. Бошка жанрларга қараганда поэзияда фразема таркибиға кирган сўзлар кўпроқ инверсияга учрайди. Бу поэтик жанрнинг ўзига хос қонуниятларидан келиб чикади.

Ҳар қандай фразема шоир томонидан шеърнинг ритм, банд, вазн, қофия каби воситалари талабларига бўйсундирилган ҳолда қўлланилади. Шеърий нутқнинг бу талаблари фразема таркибидаги сўз-компонентларнинг жойлашиш тартибиға ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Масалан, шоир Эркин Воҳидов асарларида жуда кўплаб мақол, матал қўринишли фраземалар айнан қўлланиши билан бирга, уларнинг қисқарган шаклидан ёки образли асосидан фойдаланишга ҳаракат қилинади. Жумладан, “Бизлар ишляяпмиз” шеърида “*машаққатсиз ҳунар бўлмас*”, “*темирни қизигида бос*”, “*от тенкисини от кўтарар*” сингари мақол типидаги фраземаларнинг тўла шакллари билан бирга “*бир кун эрта эксанг...*” фраземасининг қисқарган шакли ҳам қўлланган: *Фан-ку, ўз йўлига, пахтага туйғу // Илми гайб дегандек, сезги ҳам керак // Бир кун эрта эксанг*, эрта бўлар-у // *Бир кун кеч қадасанг, кеч қолдинг, демак* [2-том, 58-59]. Адабий тилда китобий характердаги “*билмайин босдим тиканни, тортадурман жабрини*” мақол-фраземаси қўлланади. “Шаҳр аро...” ғазалида бу мақол-фраземанинг дастлабки қисми қўлланиб, матнда мавҳум, ички руҳий тушунча ифодаловчи услубий воситага айланган: *Мен кўнгил кўйига кирсам // Билмайин боссам тикан // Туи билиб, таъбир этингким // Ўнгда бир гулшан топай* [3-том, 19] кабилар.

Айрим олимлар фразеология доирасига фақат фраземаларнигина киритсалар, баъзилар эса мақол, топишмоқ, афоризм, илмий терминология ва штамп ибораларни ҳам фразеология таркибига киритадилар [4, 55-56]. Агар мақол-фраземанинг мазмуни таркибидаги сўзларнинг тўғри маъносига асосланилса, ўша мақолдаги инверсия эркин синтактик бирикмадаги инверсия каби осон аниқланади. Мақол-фраземада воситали тўлдирувчи билан кесим инверсияси кўзга яққол ташланади: *Бироз вақт эртароқ, сабр қил, ўғлон, «Шошган қиз ёлчимас эрга» деганлар...*(F.F.) Агар мақол-фраземанинг умумий мазмуни таркибидаги сўзлар алоҳида олингандан англатадиган лексик маънолардан келиб чиқмаса мақол таркибидаги сўзлар инверсияси ҳам мураккаб характерга эга бўлади: Масалан, *Айтинг, қачон чиқар якка қўлдан қарсак* (F.F.) мисолида «*қарс икки қўлдан чикади*» деган мақол-фразема сингдирилган. Шоир бу мақол-фраземани шеърга тўппа-тўғри эмас, ижодий қайта ишланган, инверсияга учраган холда сингдиради, яъни макол-фразема таркибидаги айрим формалар туширилган, баъзи сўзлар бошқа сўз билан алмаштирилган: *икки // якка* компонентлари одатдаги тартибда эмас, инверсион тартибда жойлаштирилган: *чиқар...қарсак*.

Баъзан инверсия мақол-фраземани белгилашда ҳал килувчи омиллардан бири бўлиб келади. Инверсия туфайли оддий гап барқарорлик касб этади, ўша гап макол-фраземага айланади, образлилик, ҳаётийлик касб этади. Лекин бундан гапнинг макол бўлиши учун унинг таркибидаги сўзлар албатта инверсияга учраган бўлиши шарт, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Таркибидаги сўзлар одатдаги тартиб коидалари асосида жойлашган мақол-фраземалар ўзбёк тилида кўпчиликни ташкил этади. Бундан ташқари, тилимизда яна шундай макол-фраземалар ҳам мавжудки, аслида уларнинг таркибидаги сўзлар инверсияга учраган бўлиб, улар ёзувчи томонидан қайта ишланади: таркиби одатдаги тартиб нормалари асосида (инверсиясиз) жойлаштирилади.

Умуман олганда, ўзбек тили фразеологиясида фраземаларнинг компонент тартибидаги ўзига хос конуниятлар, унда инверсияга йўл кўйилиш холатлари янада чукуррок ўрганилиши лозим.

Адабиётлар:

1. Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги адабий ўзбек тили. Дарслик. Иккинчи китоб. – Тошкент: “Мумтоз сўз”, 2010. – Б. 162-196.

2. Ҳайитметов К. Фразеологик бирликларда сўзлар тартиби масаласига доир // Ўзбек тили ва адабиёти, 1966. № 2. – Б. 49-53.
3. Раҳматуллаев Ш. Феъл туркумига тўғри келувчи фразеологик бирликлар грамматик қурилишининг асосий кўринишлари // Ўрта Осиё Давлат университетининг илмий асарлари. Ўзбек тили масалалари. – Тошкент, 1957. – Б. 121-122.
4. Пинхасов Я.Д. Ҳозирги ўзбек адабий тили (лексикология ва фразеология). – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1969. – 96 б.

БАДИЙ МАТН ВА СЎЗ ҚАДРИ

Ф.Ф.д. Абдураҳим СОЛИЕВ, (СамДУ).

Абдуқаҳдор Иброҳимовни драматургия соҳасида ҳажвиёт устаси десак муболага бўлмайди. Чунки, унинг аксарият драматик асарларида кишилар фаолиятида учровчи иллатларни фош этиш авж пардасига кўтарилади. Бу шунчаки иллатлар бўлмай, жамиятнинг олға босишга тўғаноқ бўлувчи, қутилиш лозим бўлган иллатлардир. Шу жиҳатдан олиб қараганда, “Пуч” ҳажвий асари эътиборлидир¹⁰. Мазкур комедия бош қаҳрамони Тўлаган Тўхтамиш ўғли фанда анча шухрат қозонган, жумҳурият Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси даражасига етган инсон. У ўзини шундай характерлайди: “Мана булар умрим мазмуни, асосий бойлигим... Жами эллик учта катта-кичик китоб... монографиялар, рисолалар тўпламлари, мақолалар тўпламлари, дарсликлар, методик қўлланмалар. Ёшим олтмиш бешга бориб орттирганим шу”. Унинг сўзларини тинглаб турган, “гап”га йиғилган кишилар – бош врач, мактаб директори, ички ишлар бўлимининг бошлифи, журналист, давлат хўжалиги директори, универмаг директори, ижроқўм раиси, тарихчи олим, руҳоний мударрис. Асар воқеликни бериш усули жиҳатидан драматург Машраб Бобоевнинг “Гурунг” асарини эслатади. У муҳим муаммони кўтариб чиқиш нуқтаи назаридан аҳамиятлидир.

Биз асар қаҳрамонларини ширакайф ҳолда учратамиз. Уларнинг пуч маънавий қиёфалари мазкур фонда, ўз хатти-ҳаракатлари ва сўзлари орқали очила боради.

“Гап”га келган тўққиз кишининг ҳаммаси ҳам бир-биридан ўтиб, Тўлаганга ўзини яқин тутади. Тўлаган меҳмонларни баҳузур ҳордиқ чиқаришга таклиф эта туриб: “Айтгандай, бугун эрталаб мен Келган Ўтаровичнинг ҳузурларида бўлдим. Ўзлари ҳамманга салом айтдилар”, - дейди ва ҳаммасидан “Саломат бўлсинлар”

¹⁰ Иброҳимов А. Пуч. Трагокомедия // Шарқ юлдузи, 1990. - № 12. Шу манба асосида фикр юритилади.

деган жавоб олади. Демак, Келган Ўтарович ҳам қайсиdir томонлари билан бу гурухга алоқадор.

Икки талаба – Тўлиной ва Ёруғкун ҳамда аспирант Севилнинг дастурхон тузатиши баҳонасида кириб келиши, олтмишдан ёши ошган бўлишига қарамай қуйилмаган гуруҳ аъзоларининг маънавий қиёфасини тасвирилашда қўл келади. Бу ширакайф Қайтмаснинг Тўлаганга қаратага айтган сўзларидан англашилиб туради: “Тўлаган оғайнни, сенларга қулай-да, бирини студентим дейсанлар, иккинчисини аспирантим дейсанлар, яна бошқасига консультантиман, дейсанлар-да, хоҳласанг, оқсоқ қилиб тутасанлар. Хоҳласанг текин хизматкор қилиб фойдаланасанлар, эпини қилолсанг, ўйнашлиқ вазифасини ҳам юклайверасанлар”.

Мактаб директори Қайтмаснинг бу гапига Тўлаган жавоб ҳам бермайди, бош врач Суюн: “Йўғ-эй, йўғ-эй, шундай қайта қуриш замонида-я! Тўлаган инсофли, диёнатли, тақвоси кучли одам-ку”, - дейиш билан Тўлаганга ён босгандек бўлади. Кейинги воқеалар давомида бу соҳада Суюн ҳам Тўлаган билан ҳамтовоқ эканлиги фош этилади.

Тўлаганинг фош этилган иккинчи томони, унинг олимликдаги сохта шуҳрати эди. У ўз бисотини кўз-кўз этиб, ҳамду сано эшитмок учун, китобларини олиб чиққанда, бу содир бўлади. Унинг эллик уч номдаги китобини даврада бирор киши, ҳатто ўзи ҳам ўқимаганлиги маълум бўлади. Йиғилганлар унинг ҳали чоп этилмаган асарлари бор-йўқлиги билан ҳам қизиқишиди. Унинг чоп этилмай қолган асарлари бирорларга ёзган некрологлари бўлиб чиқади. У ўзича фанга доир деб билган, лекин ҳеч ким учун қизиқиши уйғотмаган бўлса-да, ҳамма ёзганларини чоп этишга муваффақ бўлган эди.

Комедияда гапнинг некрологга келиб тақалиши воқелик ривожига қизиқиши уйқотади. Зоро, ёзилган некрологлар фақат вафот этган кишиларгагина эмас, ҳали ҳаёт кишиларга ҳам ёзилганлиги йиғилганларга маълум бўлади. Қизифи, даврадагиларнинг ўзларига ҳам некролог ёзиб қўйилган эди. Тўлаганинг ўзига некролог ёзилмаган эди. Тўлаганин ўзи ҳақида некролог қандай бўлиши ва унинг ўлими муносабати билан айтилиши мумкин бўлган фикрлар қизиқтиради. Иштирокчилардан бири айтгандек, “Бу ҳам бир ўйин-да”, - деб у ёлғондан ўлишга рози бўлади ва қолганлар унинг устида нутқ сўзлайди.

Қайтмас. Ҳо, нега энди мен Тўлагандан олдин ўлишим шарт экан. Йўқ, ҳали ушалмаган орзу-ҳавасларим кўп, режаларим бисёр.

Оғабек. Вей, эсингни едингми ўзи, ўша орзу-ҳавасларинг, режаларинг Тўлагансиз амалга ошармиди.

Қайтмас. Ҳа, масаланинг бу ёғини ўйламаган эканман, узр. Тўғри, Тўлагансиз ҳаммамиз ҳечмиз. Тўлаганнинг ўзи эса Келган Ўтаровичсиз пучдир.

Масала яна Келган Ўтаровичга бориб тақалади. Келган Ўтаровичнинг тўсатдан вафоти ҳақидаги хабар ўтирганларнинг бутун кайфиятини ўзгартириб юборди. Тўлаганнинг юзига гап қайтарувчилар ҳам топилди. Уларни безовта қилган нарса, Келган Ўтарович ўрнига ким бўлиши, у кимга яқин одам эканлиги қизиқтиради. Яқингинада, Тўлаганга ўзини яқин олиб, унинг ёнидан жой олишга ошиқсан гурӯҳ аъзолари, энди Келган Ўтарович туфайли Тўлаганга боғлик сирлари очилишидан чўчиб, жонини қўйишга жой топа олмай қолдилар. “Тўлагансиз ҳаммамиз ҳечмиз. Тўлаганнинг ўзи Келган Ўтаровичсиз пучдир”, - деб билган кимсалар, ҳозиргина, Тўлаган биздан кейин қолиши лозим деб турган бўлса-да, энди унинг тезроқ ўлишини хоҳлаб қоладилар, ҳатто ўзи ўлмаса, ўлдиришга ҳам тайёрлар.

Метин (*Қайтмасга*). Ҳм, гап тагида гап бор, тезроқ бу ердан туёқни шиққиллатиш керак дегин.

Қайтмас. Шу-да. Ҳамманг бир одамнинг одамлари, мафиясан, деб тихирлик қилиб қолишлари мумкин-а.

(Тўлаганнинг ўнг бети қийшайиб кетади, тилдан қолади, ғўлдирайди ва биллиард устига қулаб тушади.)

Суюн (*Тўлаганнинг қўл томирларини тутиб*). Юраги уришдан тўхтади. Учинчи марта инфарк миокард. (*Устига тўнини ташлаб қўяди*).

Бойсунқор. Кутидинг-еј.

Кўпчилик. Ҳайрият.

Персонаж нутқи – диалог ва монолог ҳар қандай асарда вазиятни англашда ҳам, характерлар қиёфасини тасаввур этишда ҳам, ҳаракатни юзага чиқаришда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Албатта, поэзия ва прозада портрет тасвири, пейзаж, муаллиф нутқи, характеристикаси кабиларнинг ҳам ўрни бор. Лекин драматик асарда бу тасвирлардан фойдаланишнинг имкони бўлмаганлигидан, уларнинг фазилати диалог ва монолог зиммасига тушади. Персонаж нутқи орқали муҳитни ҳам, шарт-шароитни

ҳам, вазиятни ҳам, характерлар қиёфасини ҳам, ҳаракатни ҳам кузатиш имкониятига эга бўламиз.

Драматик асарнинг фазилати ва қиммати ҳам, драматург маҳорати ҳам диалог ва монологларнинг асарда қанчалик ўз ўрнида келтирилганлиги, улар орқали драматик вазият, характерлараро тўқнашув, характер қиёфаси, портрети, ҳолати, характерлараро муносабатнинг юзага чиқиши ва энг асосийси, драматик ҳаракатнинг таъмин этилишидадир.

Биз бу ўринда «Пуч» драматик асари мисолида диалог ва монологнинг драматик асардаги ўрнини қўрсатишга ҳаракат қилдик. Аслида, драматик асар борки, барчасида диалог ва монологсиз характерни ҳам, ҳаракатни ҳам, ҳаётни ҳам тасаввур этиш қийин. Умумий драматик ҳаракатдан четга чиқиш, сўзбозлик касали, асарнинг сахна учун яроқсизлиги ва бадиий қашшоқлиги исботидир.

“ТАНГРИ ҚУДУФИ” РОМАНИДА АНТРОПОНИМЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ ҲАҚИДА

Ф.ф.д.проф, Бекмурод Йўлдошев, (СамДУ)

**Моҳигул Исроилова – СамДУ 4-курс
талаабаси**

Маълумки, “антропоним” сўзи юононча *anthropos* – одам, опута – ном, яъни кишининг атоқли оти, исми деган маънони англатади [7, 16]. Ўзбек тилшунослигига антропонимия ва тарихий антропонимия масалалари Э.Бегматов ва унинг шогирдлари томонидан маҳсус тадқиқ этилган [1, 3-12; 2, 32-121; 3, 39-128]. Ёзувчи Эркин Самандарнинг “Тангри қудуфи” тарихий романидаги антропонимлар ҳам киши дикқатини ўзига жалб этади. Тарихий романларда қўлланган антропонимлар эски ўзбек тили лугат таркибининг ажralmas бир қисми сифатида морфологик ва синтактик жиҳатдан ўша давр тил меъёрларига, қоида-қонунларига бўйсунадилар. Аммо улар қолган турдош отлар (аппелятивлар)дан аниқ шахс – индивидуал одамни бошқа кўпчилик одамлардан ажратиш билан фарқ қиласидилар. Проф.Э.Киличевнинг таъкидлашича, антропонимлар, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, пайдо бўлиш ва ривожланиш тарихи, маъно ва мазмуни ҳамда стилистик қўлланилиши каби масалалар рус ва ўзбек тилшунослигига атрофлича ўрганилган ва ўрганилмоқда. Чунки антропонимларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳар томонлама

ўрганиш, айниқса, уларнинг бадиий адабиётдаги услубий ролини аниқлаш мухим назарий ва амалий аҳамиятга эга [4, 64].

“Тангри қудуғи” тарихий романидаги персонажлар номига диққат қилар эканмиз, уларда ижтимоий тенгсизлик, табақаланиш, ҳоким-тобелик муносабати кўриниб туради. Персонажларнинг номларида руҳонийлар, дин вакиллари, хон, бек, амир, шоҳ, хўжа, сайд, мирзо, султон каби турли хил мансаб ва табақа белгилари ўз ифодасини топган. Масалан, *Арабмуҳаммадхон*, *Эрниёз Шариф*, *Муҳиддинбек*, *И момқулихон*, *Назархожи*, *Курбонхожи*, *Садрхўжса эшон*, *Хисрав Судтон*, *Абулғози*, *Шайх Баҳойи*, *Шайх Носиридин* кабилар.

Асарда кўлланган антропонимларни таркибий жиҳатдан қуидагича гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Биринчи компоненти “абу (л)” сўзи билан ифодаланган антропонимлар: *Абулғози*, *Абутурк* кабилар: “Оломон тарқагандан сўнг Абутурк бошлиқ катхудолар билан бўлган учрашувода Исфандиёр султон таклифини жазабийлар бажонидил қабул қилдилар...” (Т.қ., 215); “Абулғози отга минди. Салоҳиддин камзули ва этигини ечиб, ўзини дарёга отди. Абулғози унинг қушдай учиб, сувга юмишоқ шўнгиганини кўрди” (Т.қ., 21) кабилар.
2. Биринчи компоненти “алп” сўзи билан ифодаланган антропонимлар: *Алп Арслон* кабилар: “Яна бир неча йўриғ бергандан сўнг хон Алп Арслонга ишора қилиб: - Сардорга бўлак сарпо бўлсин, - деди. Камдан-кам бўладиган бундай иноятдан Алп Арслон қулогигача қизарди” (Т.қ., 87) кабилар.
3. Охирги компоненти “хон” сўзи билан ифодаланган антропонимлар: *Арабмуҳаммадхон*, *Эшиимхон*, *Турсунхон*, *И момқулихон*, *Ёдгорхон* кабилар: “Гап нимадалигини уққан Арабмуҳаммадхон аравада унсиз фарёд этар, қалбида кечеётган галаён ҳудуд билмас эди” (Т.қ., 27); “И момқулихон шаҳзодани илиқ қабул қилгани билан кўнглида нима борлигини ким билар, И момқулихон аравада яқинда хабар келиб, Абулғозини қошига чорлаганида И момқулихон руҳсат бергани йўқ” (Т.қ., 57); “- Хоразм тарафиндан мундоқ киши бизга ҳали келмабдуур, - деди Туркистон хони Эшиимхон Тошкент хони Турсунхонга Абулғози султонни пешкаш қилиб. –Улуғ бобоси Ёдгорхон туурур. Падари бузруквори Арабмуҳаммадхон... бизга қурбат эрдилар” (Т.қ., 345-346) кабилар.

4. “Бек” компоненти қўшимча сифатида қўлланган антропонимлар: *Муртазобек*, *Муҳиддинбек*, *Муҳаммад Ҳусайнбек*, *Исҳоқбек* кабилар: “*Карвон ҳақидаги гапни эшиштанида Муҳиддинбек эгарда бир қўзгалди*” (Т.к., 81); “*Ҳусайнбекнинг отаси эллик йил давомида Абулхоннинг жиловини қўлида маҳкам ушлаб, бултур ёзда ҳақ раҳматига кетганидан сўнг ўрам аҳли унинг етти ўғли ичидан энг кенжасини – Муҳаммад Ҳусайнбекни танлаб, волийликка кўтарди*” (Т.к., 211); “*Абулгозининг юраги қон бўлиб юрган пайтида Бухорои шарифнинг мартабали зотларидан қози калон Муртазобек* унга ҳамдардлик билдириб ёрдам қўлини чўзди. *Бугун ҳам Муртазобек Абулгози ҳузурига ташриф буюради. Шаҳзода уни кутаяпти*” (Т.к., 58) кабилар.

5. Охирги компоненти “бону” сўзи билан ифодаланган антропонимлар: *Гулсумбону*, *Фотима бону*, *Меҳрибону*, *Муҳайёбону* кабилар: “*Абулгози сulton билан яқинлашишига Муртазобекни унинг жуфти ҳалоли Фотима бону даъват этган эди. Фотима бону* хоразмлик бўлиб, унинг отаси Бухорои шарифда Исҳоқбек билан битта мадрасада таҳсил кўрган, улар дўстлашиб қолган ва *Исҳоқбек* хоразмлик ўткир мулла, тутинган инисининг қизи *Фотима бонуни* ўғли *Муртазобекка олиб берган эди*” (Т.к., 62) кабилар.

6. Антропонимлар орасида –ий билан ҳосил қилинган киши исмлари кўпчиликни ташкил этади. Улар тахаллусларга, машҳур кишилар, олиму фозилларнинг исмларига қўшилади. Бундай хусусият XV-XVI аср эски ўзбек тили антропонимик тизими учун меъёрий ҳодиса эканлигини Н.Ҳусанов ҳам алоҳида таъкидлаган эди [3, 68]: *Носируддин Рабгузий, Шамий, Шарафуддин Али Яздий, Муҳаммад ал-Хоразмий, Сулаймон Боқирғоний, Ёқут Ҳамавий, Замахшарий, Беруний* кабилар: “*Суҳбат давомида токчаларда тартиб билан териб қўйилган китобларни кўздан кечиришиди. Ибн Батута, Ёқут Ҳамавий, Шарафуддин Али Яздий тарихий рисолалари, Паҳлавон Маҳмуд, Носируддин Рабгузий, Сулаймон Боқирғонийнинг руҳият дунёсига оид ҳикматларини, Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Райхон Беруний, аз-Замахшарийнинг риёзиёт, илми нужум, одоб ва лугат ҳақидаги китобларни кўриб, айрим муаммолар устида фикр ҳам юргизишиди*” (Т.к., 293) кабилар.

Шундай қилиб, таҳлиллар шуни кўрсатадики, “Тангри қудуғи” тарихий романида антропонимлар юздан ортиқ миқдорда қўлланган бўлиб, улар, бир томондан, XVI-XVII асрлар эски ўзбек адабий тили луғавий қатламини ҳам ўзида ёрқин акс эттиради, иккинчи томондан, китобхонга ўша давр тили ва Хоразм воҳаси антропонимияси ҳақида аниқ тасаввур беришга хизмат қиласди. Биз тўплаган бу материални ёзувчи Эркин Самандарнинг “Жалолиддин Мангуберди”, “Қуюн излари ёҳуд Оғаҳий” каби тарихий романлари материаллари билан қиёсий йўналишда ўрганиш ўзбек тарихий номшунослигини, антропонимиясини янги факт ва далиллар билан тўлдиришга хизмат қиласди, деб ўйлаймиз.

Адабиётлар:

1. Бегматов Э.А. Антропонимия узбекского языка. Автореф. дисс... канд.филол.наук. – Ташкент, 1965. – С. 3-12.
2. Ҳусанов Н. ХУ аср ўзбек ёзма ёдгорликлари тилидаги антропонимларнинг лексик-семантик ва услубий хусусиятлари. 1-китоб. – Тошкент, “Ёзувчи”, 1996. – Б. 32-121.
3. Ҳусанов Н. ХУ аср ўзбек ёзма ёдгорликлари тилидаги антропонимларнинг лексик-семантик ва услубий хусусиятлари. П-китоб. – Тошкент, “Ёзувчи”, 1997. – Б. 39-128.
4. Қиличев Э. Бадиий тасвирнинг лексик воситалари. – Тошкент: Фан, 1982. – 88 б.
5. Эркин Самандар. Тангри қудуғи. Тарихий роман. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2012. – 368 б. Ишда романдан олинган мисоллар асарнинг шу нашридан келтирилади, қавс ичida Т.қ. қисқартмаси билан асар сахифаси кўрсатилади.
6. Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2002. – 178 б.

АБДУЛЛА ҚАҲХОР ҲИКОЯЛАРИДА ЎХШАТИШЛАР
доцент Т.Алмаматов,
Л.Қаюмова-2-босқич магистранти

Ўхшатишга атама сифатида луғатларда бир-бирига яқин бўлган таърифлар берилган. Чунончи,” Адабиётшунослик терминлари луғати”да нарса, ҳодиса ёки тушунчани маълум умумийликка, ўхшашликка эга бўлган бошқа нарса, ҳодиса ёки тушунча билан чоғишириш”¹¹, деб кўрсатилса, ”Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да икки нарса ёки воқеа-ҳодисалар ўртасидаги ўхшашликка асосланиб, уларнинг бири орқалаш иккинчисининг

¹¹ Ҳ.Ҳомидий,Ш.Абдуллаева,С,Иброҳимова.Адабиётшунослик терминлари луғати.Тошкент,1967,262-бет

белгисини,моҳиятини тўлароқ,бўрттириброқ қўрсатиб беришдан иборат бадий тасвир воситаси, кўчимнинг содда тури”¹²- деб изоҳланади. “Философия луғати”да:”айнан бирдай бўлмаган обьектлар ўртасидаги баъзи томонлар,сифатлар ва муносабатлардаги ўхшашликларни аниқлаш, мувофиқлик юзасидан хулоса чиқариш –шундай ўхшашлик асосида қилинадиган хулосалардир”¹³, деб ўхшатишга таъриф-тавсиф берилади.

Берилган таърифларга эътибор қаратсак,”Философия луғати”да кенг қамровли тушунчалар берилган бўлса, аниқ фанлар луғатларида нисбатан тор доирада аниқ таъриф ва тавсифлар берилган. Бу таърифлар асосида мутахассислар ўхшатиш муносабатининг тўрт унсур(увз)ини қўрсатишади: 1) ўхшатиш субъекти,2) ўхшатиш эталони,3) ўхшатиш асоси,4) ўхшатишнинг шакл қўрсаткичи.¹⁴

Моҳир сўз санъаткори Абдулла Қаҳҳор ҳикоялари тилини кузатар эканмиз, унда ўхшатишнинг ҳамма унсурларини кўрамиз.Чунончи “Маҳалла” ҳикоясида Ҳикмат буванинг ҳолати шундай тасвирланади:”Шундок Ҳикмат бува бир ҳафта ўттар ўтмас бир ҳовуч сүяк бўлди-қолди” .¹⁵

Бу ўринда ўхшатиш субъекти Ҳикмат бува ўхшатиш эталони – Ҳикмат буванинг бир ҳовуч сүякка қиёсланиши, ўхшатиш асоси-Ҳикмат буванинг ҳолати бир умр бирга бўлган кампиридан ажрагандаги кўриниши.Ўхшатишнинг шакл қўрсаткичи лексик-грамматик бирликлар-бир ҳовуч сүяк ҳамда феълнинг аналитик шакли бўлди-қолди.

Буюк сўз устаси Ҳикмат бувани бир ҳовуч сүякка ўхшатиш орқали миллатимиз қадрияти йиллар давомида шаклланган меҳроқибат, бу меҳр кўрсатувидан мосуво бўлиш ўта чиройли ва қаҳҳорона сиқиқлик билан ифодаланмоқда. Ҳикмат бува ҳолатини тасвирлаш билан ўзбекларда мавжуд бўлган яна бир руҳий кечинма” қадрдон кишисига мансуб бўлган буюм,ашё,тегишли нарсалар орқалиуни хотирлаш берилади”. Бундай хотирлаш

¹² Ўзбек тилининг изоҳли лугати,5 томлик,5 –том,Ўзбекистон миллий энциклопдияси нашриёти, Тош.2008 й.,185-бет.

¹³ Философия луғати.”Ўзбекистон”нашриёти,Тошкент,1976,23-бет.

¹⁴ Н.Махмудов.Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик-синтактик ассиметрия.”Ўқитувчи”нашриёти.Тошкент,1984;Д.Худойберганова.Семантический и стилистический анализ конструкций уподобления в узбекском языке.АКД-Тошкент,1989;М.Йўлдошев,Чўлпон сўзининг сирлари,”Маънавият” нашриёти,Тошкент,2002.

¹⁵ Абдулла Қаҳҳор,Асарлар,1-том,F.Гулом номидаги бадий адабиёт нашриёти,Тошкент,1967,307-бет.(Бундан кейинги мисоллар шу томдан бети қўрсатилади).

кимларга нисбатан бўлади? Бу сўроқнинг жавоби аниқ. Ҳикмат буванинг ҳолатидаги бир детал ўқувчини ларзага келтиради.

“Кампир бир оёғи оғриб шишганда шу калишнинг жағини кесиб кийган эди.Чол бориб калишни олди, авайлаб артди,уйга олиб кирди.Чол учун кампир гўё қайтадан ўлди”(308-бет). Ҳикмат буванинг “яраси” янгиланди,кампири ўлгандагидан ҳам оғирроқ юк юкланди.Бу парчада, биринчидан,ўхшатиш субъекти-калиш ва унинг эталони калишнинг жағи,калишнинг чекка қисми одам ёки ҳайвон жағига ўхшатиш ҳолати ташқи ўхшашлик, ўхшатишнинг шаклий кўрсаткичи лексик воситалар-калиш жағи –калишнинг орқа қисмидир. Иккинчидан, бу эпизод орқали Ҳикмат бува яна бир марта мотамга дуч келмоқда(бу ҳолат кўпчилик одамларнинг бошидан кечган воқеалардир),яъни кампири қайта ўлди,охирги илинжи ҳам йўқолди,ундан фақатгина жағи йўқ калиш хотира бўлиб қолди.

Абдулла Қахҳор ҳикояларида лексик-грамматик воситалар ёрдамида ясалган ўхшатишларнинг манбалари хилма-хилдир.Уларни бу хусусиятларига кўра бир неча гуруҳга ажратиш мумкин.Шулардан бири энг кўп қўллангани нарса ва предметларга ўхшатишдир.

Нарса-предметларга ўхшатиш,аксарият,лексик воситалар ёрдамида тасвирланган.Чунончи, совук эталони шундай берилади:”Йўл бўйидаги ариқлар афти буришганича музлаб қолган, дараҳтлар чўлтоқ супургига ўхшайди”(1-том,280-бет).”Каравот”ҳикоясидаги табиат инжиқлиги , яъни совук, Фанижоннинг қувончига тўсиқ бўла олмаслиги ўта қисқа ифодаланмоқда.

-дай аффикси воситасида яратилган ўхшатиш:”Ўнбошининг бошига қандайдир милтиқнинг қундоғи зарб билан тушиб қовоқдай ёрди”.(“Кўр кўзнинг очилиши”,78-бет),”Сулаймонов бедананинг сувкўрагидай кичкина хурмачани олдига тортид ва бўлак гап тополмай, қаймоқнинг таърифини қилди”.(“Икки ёрти бир бутун”,150-бет),”Ер худди от олиб қочган аравадай кишини ирғитиб-ирғитиб ташлар эди”(“Олтин юлдуз”212-бет).

Билан кўмакчиси воситасида:”Домлага қўл уриш билан маҳалланинг файзини ўғирлаган ,одамларнинг дилини ҳамиша ёритиб турадиган чирғни сўндирган бу аёлни кўрган ҳам, кўрмаган ҳам тошни тешадиган бир ғазаб билан ёмон кўрар эди”(“Тўйда аза”,171-бет).

Шунингдек, Қаҳҳор ҳикояларида икки марта “калит” лексемаси воситасида ўхшатиш яратилган: “баҳтнинг калити” (“Мастон”, 85-бет), “муҳаббатни ҳар қандай қулфга тушадиган калитга айлантириб” (“Хотинлар”, 265-бет).

Абдулла Қаҳҳор ҳикоялари матнида лексик-грамматик воситалар ёрдамида ўхшатиш қурилмалар ҳосил қилинган. Улар ёзувчи мақсадини ҳам лексик йўл билан, ҳам грамматик (морфологик-сintактик) йўл билан амалга оширишга хизмат қилган. Буюк ижодкор ҳикоялари тилини ўрганиш унинг асарлари лингвопоэтикасини ишлашга қўшилган ҳиссадир.

ЎЗБЕК ТИЛИ ЛУҒАТ СОСТАВИДА ДИАЛЕКТАЛ ЛЕКСИКАНИНГ ЎРНИ

**Доцент Файзуллаев Баҳодир,
ўқитувчи Д.Файзуллаева.**

Мазкур мақолада ўзбек тили таркибида истеъмол доираси чегараланган лексиканинг бир тури ҳисобланмиш диалектизмлар (асосан, диалектал лексика) ва унинг адабий тилга муносабати юзасидан баъзи фикр-мулоҳазаларимизни билдиришни мақсад қилдик.

Диалектизм нима? Диалектал лексика нима? Аввало, ушбу саволларга жавоб қидирмоқ ўринлидир. Адабиётларда ушбу тил қатлами юзасидан турли фикрлар мавжуд(1). Бир қарашда бу масала унчалик қийин кўринмайди. Бу борада ўзбек, рус ва бошқа тиллар тилшунослигида ҳам мунозарали ҳолатлар кўзга ташланади. Диалектизм атамаси ўз номидан маълумки, у маҳаллий шеваларга, маълум территорияларда яшайдиган кишилар нутқигагина хос тил ҳодисасидир.(2) Диалектизмлар маълум услубий мақсадларда қўлланилинган шеваларга оид тил ҳодисаларидир. Айрим манбаларда таъкидланганидек, диалектизмлар адабий тилга маҳаллий шевалардан қабул қилинган тил бирликлари эмас. Чунки улар адабий тилга ўзлашса, ўз-ўзидан истеъмол доираси чегараланган қатlam доирасидан чиқиб, чегараланмаган қатlam доирасига ўтади. Бунда эса диалектизм атамаси ўз моҳиятини йўқотади. Шундай экан, турли жанрлардаги бадиий асарлар тилида бадиий, услубий мақсадларни кўзлаб асар тилига киритилган шеваларга оид тил кўринишлари диалектизм ҳисобланади. (3).

Диалектизмлар тилнинг барча сатҳлари учун хос ҳодиса эканлигини кўрамиз. Шунга кўра уларнинг қуидаги турлари мавжуд:

1. Фонетик диалектизмлар.
2. Грамматик диалектизмлар.
3. Лексик диалектизмлар.
4. Фразеологик диалектизмлар.

Нутқда қўлланадиган диалектизмларнинг салмоқли қисмини лексик диалектизмлар ташкил этади. Чунки маълум ҳудуддаги воқеа-ҳодисалар тасвирланар экан шу ҳудуд маҳаллий аҳолиси касб-кори, улар яшаётган жой, ижтимоий ҳаётига боғлиқ бўлган сўзларни қўлламасдан воқеаликни ҳаққоний тасвирлаш қийин. Шундай экан юқоридаги сабабларга кўра бадиий матнга киритилган сўз ёки лисоний бирликлар лексик диалектизмлар дейилади. Лексик диалектизмлар йифиндиси эса адабий тил таркибида диалектал лексикани ташкил қиласди.

Демак, лексик диалектизмлар маҳаллий шевалардан олинган сўзлардир. Лексик диалектизмлар характери жиҳатидан қуидаги турларга бўлинади:

1. Диалектизм – сўз (соф лексик диалектизм).
2. Диалектизм – маъно (омоним ёки семантический диалектизм).
3. Этнографик диалектизмлар.
4. Фразеологик диалектизмлар.

Маълумки, ўзбек миллий тили лексикасининг бойишида маҳаллий лаҗжалар катта ўрин тутади ва ҳозирги кунда ҳам бу жараён давом этмоқда. Айниқса, миллий тил лексикасидаги ўзгаришлар ўткан аср ўрталарида, яъни миллий тилимиз шаклланиш жараёнида анча сезиларли даражада бўлган. Ҳозирги кунда ҳам бу ҳолат тил тараққиётининг ички манбаи сифатида алоҳида ўрин тутмоқда. Албатта, адабий тил билан диалектал лексиканинг ўзаро таъсири масаласи жуда мураккаб жараёндир. Чунки бунда сўзларнинг ўзига хос характери, яъни бетараф предмет ифодаланиши, этнографиклиги, маълум ҳудудгагина хослиги ва асосан, нутқ талаби муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбек адабий тили лексикасининг маҳаллий шеваларга таъсири диалектал лексикани маълум даражада камайтирса-да, бу таъсир адабий тилга маҳаллий шевалардан кириб келаётган керакли сўзларни ўзлаштириш жараёнинг асло тўхтатаолмайди. Адабий тил

таркибида қўлланаётган диалектал лексика ҳам икки хил кўринишга эгадир:

1. Прогрессив диалектизмлар.
2. Регрессив диалектизмлар.

Прогрессив диалектизмларнинг адабий тилда эквиваленти бўлмайди. Шева вакиллари тилда қўлланувчи бундай сўзлар маълум предмет ва ҳодисаларнинг номидир. Бундай қатлам сўзлар аста-секин адабий тилга қабул қилиниб, унинг лексикасини бойитувчи манбага айланади. Бунинг исботи сифатида Пиримқул Қодировнинг “Қора кўзлар”(4) романи тилидан олинган бир парчага эътиборингизни қаратмоқчимиз. “Бу ерда четан билан ўралган мол қўраси бор эди. Қўрага иккита соғин сигир, эчки кўканлаб қўйилган эди” (17-бет).

Ушбу парчадаги қўканламоқ сўзи диалектизмдир. Шу сабабли ҳам ёзувчи ҳаволада унга изоҳ беради: “Кўкан – ушоқ молларни бир қатор қилиб боғлашга мослашган маҳсус арқон”. Мавжуд луғатларга эътибор қаратадиган бўлсак, ушбу сўзга қуидагича изоҳлар берилганини кўрамиз.

Кўкан – (Жўш, Найман) қўй ва эчкilarни боғлашга мослашган илмоқли арқон (Ўзбек халқ шевалари луғати, 148).

Кўкан – қўй, эчки ва шунингдек, отларни соғища боғланадиган мослама (Девони луғатит турк, 393).

Кўклади – боғлади (Девони луғатит турк, 393).

Кўган – қўй-қўзиларни боғлашда ишлатиладиган маҳсус арқон (ўзбек диалектологиясидан материаллар, 340).

Кўриниб турибдики, юқоридаги изоҳлардан қўкан сўзи уй ҳайвонларини боғлашда қўлланадиган маҳсус илмоқли арқон экан. Кўканламоқ сўзи эса шу сўзнинг ўзагига – ла аффиксини қўшиш (кўкан+лакўканла) орқали ҳосил бўлгандир. Демак, адабий тилда худди шу ҳолатни ифодаловчи лексема мавжуд эмас. Шундай экан бундай сўзларни адабий тилга киритиш ўринлидир. Шунингдек, бу асарда қўлланилган кулликламоқ-мол ва қўйларни сўйишида тўрт оёғини бир жойга тўплаб боғлаш, кабеда-майдаланган сомон ва беда аралашмаси, бароз – тоғдан тушадиган тик йўл қаби сўзларга ҳам алоҳида эътибор қаратиш ўринлидир.

Регрессив диалектизмлар адабий тилда муқобил варианга эгадир. Лекин улар фонетик ва грамматик томондан бироз бошқача кўринишида бўлади. Булар бадиий асар тилида персонаж ва қаҳрамонларнинг ўзига хос нутқини яратишда бадиий восита

сифатида кўпроқ қўлланади. Масалан: “Замонали Сабоҳат билан қувониб кўришди. Сабоҳат ундан ҳол-аҳвол сўраган эди, Замонали ҳазиллашиб тожикча талаффуз билан:

-Ёмон йўқ, -деди.

Сабоҳатхон ўзининг ўтган йилги машҳур бўлган бу иборасини эслаб хандон ташлаб қулди-да, ҳазилга ҳазил билан жавоб бергиси келди. Машина ёруғида Замоналининг соқоли ўсиб қолганини кўриб:

-Соқолингиз баланд бўлипту, -деди (К.к.-284).

Унинг онаси паставкина кампир жуссасига мос бўлмаган кучли товуш билан Фаргона шевасидан гапиради.

-Таладан келганимда шатта турган эди-я! (К.к.55)”.

Юқоридаги тагига чизилган сўзлар регрессив диалектизмлар ҳисобланиб, маълум бир стилистик вазифани бажариш мақсадида қўлланилгандир. Улар адабий қатламга қабул қилинмайди.

Демак, адабий тилда муқобил варианти бўлмаган прогрессив лексик диалектизмлар адабий тилни бойитувчи манба сифатида муҳим аҳамиятга эгадир.

Адабиётлар:

1. Прохорова В.Н. Диалектизмы в языке художественной литературы. М., 1957, с.7; Шанский Н.М. Лексикология современного русского языка. М., 1972, с.120.
2. Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек тили. Т., 1978, 160-б; Йўлдошов М. Бадиий матн лингво поэтикаси. Т., 2008 24 б.
3. Файзуллаев Б. Диалектизмы в языке художественной литературы. АҚД. Тошкент, 1979.
4. Қодиров П. Қора кўзлар. Тошкент, 1970.

ҚОН-ҚАРИНДОШЛИК МУНОСАБАТИНИ ИФОДАЛОВЧИ ЭРКАЛОВ СЎЗЛАРИ

**Доцент М.Турсунпўлатов,
ўқитувчи О.Хидиров.**

Қон-қариндошлик терминлари ўзига хос маъноларга эга бўлиб, умумтуркий асосга эгадир. Қон-қариндошлик терминлари ҳақидаги фикрларни рус ва ўзбек тилшунослари А.А.Юлдашев, Л.А.Покровская, А.Ғ.Ғуломов, И.Исмоилов, Б.У.Ўринбоев, А.Ишаевларнинг ишларида учратамиз. Ушбу ишларда қон-қариндошлик терминларини тарихий ва ҳозирда қўлланиши, уларнинг характерли хусусиятларига кўра группаланишлари, вокатив формада қўлланишлари хусусида фикр баён этилади-ю, аммо уларнинг сўзлашув нутқидаги ўрни ёритилмайди.

Ўзбек сўзлашув нутқида кенг қўлланувчи баъзи эркалаш-кичрайтириш сўzlари қуидагилардир:

Бўталоғим. Бу форма қариндошлик атамалари билан параллел ҳолда қўлланилади ва эркалаш, севиш, кичрайтиш маъноларини англашиб келади. Масалан: -Нима ҳам қиласдим, -деди бобо ерга қараб, -насибанг ўша ёқларга сочилган экан. Отлан, бўталоғим, ҳаяллама.(А.Мухтор)

Тилда ўғил ва қиз атамалари бола сўзи билан бир сўз бирикмасини ташкил этади. Ушбу сўзга тегишли аффикслар қўшилиши билан (-гина, -гинам, -ча) кичрайтиш, эркалаш маъноси ифодаланади. Масалан: -Болагинам! Мени ташлаб қаёқса кетаяпсан!(Р.Файзий) Мисолимиздаги “болагинам” сўзида қариндошлик, қарашлилик, кичрайтиш-эркалаш маънолари мавжуддир. Кейинги маъно аффикс орқали реаллашгандир.

“Она” сўзи билан ўзаро сўзлашув нутқида ўз онасига ва ҳар қандай қарироқ хотинга ҳам мурожаат қилинади. Мурожаат ва чақириш формуласи ифодаланганди она сўзидан кейин “субъектив баҳо” формаси ва эгалик, кўплек аффикслари қўшилиб келиши мумкин. Масалан: Ассалому алайкум онажон! (“Саодат” 1970), - Онажон! Щу бургахона қўрада нима бор?(Н.Сафаров)

Сўзлашув нутқида –гина, - лок аффикслари ҳам сўзларга қўшилиб келиши натижасида эркалаш-кичрайтиш маъноларини ифодалайди. Масалан. Мана, ҳозир акагинаси пўлат қушга миниб, Янгибод қишлоғи осмонида жавлон ураётир.(Ҳ.Назир) Масалан: Қизалоқ бўлса улар ортидан сакраб-сакраб чопиб зўрға етиб оларди.(Н.Носов) Каминанинг биттагина қизалоқлари бор.(И.Ўқтамов)

Тойлоқ сўзи сўзлашув нутқида ёш жиҳатидан кичик бўлган ўғил болаларга нисбатан қўлланилади ва эркалаш - севиш маъноларини ифодалайди. Масалан: Бахтимга сен омон бўл, тойлоғим! (“Шарқ юлдузи”)

-той аффикси киши номларига қўшилиб келиб, севиш-эркалаш маъноларини ифодалайди. Масалан: - Э, кел, чироғим Каримтой, - деди Салимбобо (Т.Расулов)

Қўзичноғим сўзи ёш болаларга нисбатан ота-оналар томонидан ўзаро мурожаатда қўлланилади. Бундай ҳолатда севиш-эркалаш, ўхшатиш, қиёс бериш маънолари англашилади. Масалан: Исок пиқиллаб келган Махмуджонни бағрига босиб сўйди. (“Шарқ юлдузи”)

Кўзичноғим сўзи қўзи сўзидан келиб чиққан бўлиб, қўзи сўзига –чоқ кичрайтиш аффикси қўшилиши натижасида эркалаш маъноси, “им” эгалик аффикси қўшилиши натижасида қарашлилик маъноси англашилган.

Отажоним, отахоним. Ота сўзи тарихан ҳам ҳозирги тарзда кенг қўлланилган. Ота термини ҳамма қабилалар учун умумий бўлиб, баъзи қабилаларда шу маъно “оба” тариқасида қўлланилган.

Ота сўзига “жон”, “хон” аффикслари қўшилиши орқали ўз отасига ва ҳар қандай оқсоқол кишига хушмуомалалик билан бўладиган мурожаат, эркалашиш маънолари англашилган. Масалан: Темур. Отагинам! Отахонлар! Йиғламанг! Йиғламанглар! (К.Яшин Танланган асарлар)

Сингилгинам, укагинам, укажоним. Бу термин кўпроқ ака-сингиллар, опа-сингилларнинг ўзаро мурожаатида қўлланилади. Сингил, ука сўзига “гинам”, “жоним” аффикслари қўшилганда хушмуомалалик, эркалаш-севиш маъно оттенкалари ҳосил бўлади. Масалан: -Силгилгинам, пахталарингни топширдингми?(Н.Сафаров)

Сўзлашув нутқида қўлланувчи мисол муомала билдирувчи сўзлар ўзларининг гапда бажарган вазифалари ва тутган ўринларига қараб сўзлашув нутқига хосланган барча сўзлардан тубдан фарқ қиласи.

Эркакларга хурмат юзасидан мурожаат қилинганда уларнинг номи олдидан “бек”, “бой”, “той”, “жон” аффикслари қўшиб ишлатилса, хотин-қизларга хурмат юзасидан мурожаат қилинганда уларнинг номи (исми) олдидан эркалаш, севиш, кичрайтиш маъноларини ифодаловчи “хон”, “жон”, “нисо”, “ой”, “биби”, “бону”, “пошша”, “зор” каби аффикслар қўшиб ишлатилади.

“Хон”, “царь” аффиклари ҳам ҳурмат севиш, эркалаш, кичрайтириш маъноларини ифодалайди.

Ой (“луна”) аффикси ҳам хотин-қизлар номига қўшилиб келади ва модаллик, хурмат, эркалаш-севиш, кичрайтириш маъноларини ифодалаб келади. Масалан: Сизни кўрсам ҳамма ташвишларимни эсдан чиқараман, Орзугулой(“Шарқ юлдузи”).

Нисо (“женщина”) аффикси ҳам хотин-қизлар номига қўшилиб келиб эркалаш, севиш, маъноларини ифодалайди. Масалан: -Сиздан бир ўтинчим бор, Шаҳринисо (“Жиззах ҳақиқати”).

Хулоса қилиб айтганда сўзлашув нутқида киши исмларига қўшилиб келувчи, -гина, -қина, -ча, -лоқ, -той, -хон, -нисо, бону аффикслари эркалаш, севиш-кичрайтириш, ҳурмат қилиш маъноларини, баъзан пичинг, киноя, кесатик каби маъноларни ҳам ифода этади.

Адабиётлар:

1. А.А.Юлдашев Звательные слова в тюркских языках, ИСГТЯ, Ч.Н.М., 1965.
2. Л.А.Покровская Термины родства тюркских языках. ВСб «Историческое развитие лексики тюркских языков», М., 1961, с.24
3. И.Исмоилов “Туркий тилларда қавм-қариндошлик терминлари”. Тошкент., 1966.
4. Б.Ў.Ўринбоев “Ҳозирги ўзбек тилида вокатив категория”, Тошкент, 1972.

КИРИШ БЎЛАКЛАР ВА КИРИТМАЛАР БИЛАН МУРАККАБЛАШГАН СОДДА ГАПЛАРДА БЎЛАКЛАР ТАРТИБИ

**доцент А.Мусаев,
ӯқитувчи Г.Умурзоқова.**

Ўзбек тилшунослигига кириш бўлаклар ва киритмалар гап бўлаклари билан грамматик жиҳатдан боғланмаган бўлаклар сифатида ўрганиб келинмоқда. Лекин кейинги йилларда баъзи тадқиқотчилар томонидан улар учинчи даражали бўлак деб ҳам талқин этилмоқда /57:125;64:64;39:70/.

Кириш бўлаклар ва киритмалар содда гаплар таркибида келиб, уларни мураккаблаштиради. Улар гап бўлаклари билан мослашув, бошқарув, битишув орқали боғланмаса ҳам, гап ва унинг бўлакларига тегишли бўлиб, сўзловчининг айтилаётган фикрга муносабати, жавоби, ўз сухбатдошига мурожаати каби маъноларни билдиради .

Кириш бўлакларнинг семантик хусусияти, қайси гап бўлагига ёки гапга тааллукли эканлиги билан унинг гапдаги ўрни белгиланади. Кириш бўлаклар гап таркибида эмоционаллик, модаллик ва бошқа маъноларни ифодалайди. Шунга кўра, кириш бўлаклар гапнинг боши, ўртаси ва охирида келиши мумкин.

Мураккаблашган содда гаплардаги кириш бўлаклар қуйидаги маъноларни ифодалаганда гап бошида келади:

1. Кириш бўлаклар гумон, шубҳа, тахмин маъноларини англатганда, фикр бутун гап мазмунига алоқадор бўлганда: Эҳтимол, бир онаси қолгандир бағрин ёқиб, эҳтимолки, бу қиз бир савдогарнинг қизидир, эҳтимол, бир суқсур, бир парининг ўзидир /Ҳамид Олимжон.1.18/. Билмадим, кичкинам кўп касал бўла

берганидан яхши ўсмади /Ш.Ю.1996.4,27/. Эҳтимол, кампирнинг ёрдами тегар /И.Р.1.20/.

2. Менимча, унинг гапига қараганда, унинг гапи бўйича, унинг айтишига қараганда каби кириш бўлаклар мазмуни бутун гапга алоқадор бўлиб, айтилаётган фикрнинг манбани билдирганда: Менимча, сал қўрпачага қараб оёқ узатиш керак /Ш.Р.33/. Унинг гапи бўйича, биринчи хотини ҳам Усмонжон билан туришни хоҳламабди /С.3.46/. Унинг айтишига қараганда, зиёфат тез тугабди /0.66/.

3. Кириш бўлаклар айтилаётган фикрнинг аввалги фикр билан алоқасини, бирининг иккинчисига сабаб бўлишини, хулосасини англатганда:

Шундай қилиб, бола уйига эсон-омон етиб борди /Ҳаким Назир.76/. Бундан келиб чиқадики, бугун телефонда овоз жуда яхши эшитиларди /П.Қод.96/. Демак, меҳмонларнинг келишига ҳамма нарса тахт /А.Қаҳ.1.118/.

4. Кириш бўлаклар сўзловчи учун характерли бўлган фикрнинг ўзаро муносабатини, унинг тартибини, изчиллигини билдирганда: Аввало, пашшадан фил ясаш эмас бу /С.Аҳ.16/. Биринчидан, уни мен танимайман, иккинчидан, бу ишга менинг қандай алоқам бор? /Ҳ.Ғ.86/.

5. Мазмунан бутун гапга алоқадор бўлган маънони ифодаловчи ҳайрият, яхши ҳамки, бир нави каби кириш бўлаклар: Бир нави, қашшоқликдан иш қидириб узоқ шаҳарларга кетар эдим /Парда Турсун.26/. Ҳайрият, ичкарида бошқа меҳмонлар ҳам бор экан /0.56/.

6. Кесатиш маъносидаги сабил, сабил қолгур, зорманда қолгур каби кириш бўлаклар гап бошида келади: Сабил, душманини ўз қуроли билан уриш керак /Мирзакалон Исмоилий.37/. Зормонда қолгур, моллар қаёққа тарқалиб кетган экан /Ш.Ю.1996.4.32/. Зорманда қолгурей, нега шунча кериласан /М.И.37/.

Агар кириш бўлаклар афсусланиш, ачиниш, кесатиш маъноларини ифодалаганда гап охирида, бирор бўлакка оид бўлса, ўша бўлакдан кейин келади: Ольга Петровнадан ҳам миннатдор, албатта /М.И.101/. Ўша ер унга отасидан қолган экан, билишимча /С.Аҳ.94/.

Ифодалаётган фикрнинг айрим ҳаракат-ҳолат хусусиятнинг оддийлиги, одатда рўй берувчи ҳодиса эканлигини ифодалаганда кириш бўлак гап ўртасида келади: Кўчалар, одатдагича, гавжум,

ғалағовир /Ш.Ю.1996.4.36/. Еб ичиб ўтиришини, одатдагича хушомадгүйлик билан таклиф қилди /0.88/.

Агар сўзловчининг муносабати бирор сўзга ёки гапнинг бирор қисмига қаратилган бўлса қариш бўлаклар ўша сўз ва гап бўлагидан сўнг келади:

Анвар, билмай... ҳа, дарвоҷе, нега ундан бўлди?... /Ш.ЮЛ. 1996.4.26/. Мулла Рўзи. Ҳа, албатта, бўлади, хотиржам бўлинг /Х.4.33/. Ҳаммаси. Ҳа, ҳа, албатта, шундай /Х.4.8I/. -Ўзи, айтмоқчи, қайси бўлимида эдингиз? /Ш.ЮЛ.1996.4.3I/. - Бизга келса, бўлади, албатта, - деди Каримбой чой хўпларкан, дудмол қилиб /К.Я.Ҳамза. I82/.

Демак, гапдаги сўзловчининг турлича қарашларини билдирувчи кириш бўлаклар услубий талаб ва сухбатдош хоҳишига қараб гапнинг боши, ўртаси ва охирида келади.

Киритмалар ва изоҳларнинг гапдаги ўрни. Маълумки, ўзбек тилшунослигида киритма ва изоҳлар хусусида бирмунча илмий ишлар вужудга келди /68;69/. Бу ишларда киритма ва изоҳларнинг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг ажратилган бўлакларга ўхшаш ва фарқли томонлари, услубий аҳамияти бирмунча ёритилган.

Ўзбек сўзлашув нутқида ҳам асосий гапга қўшимча равища янги фикрлар баён қилиш усули-киритма ва изоҳлар кўп учрайди. Киритма ва изоҳлар ўз таркибига кўра киритма ва изоҳ сўз, бирикма ва гаплардан иборат бўлади.

Киритма ва изоҳлар мураккаблашган содда гаплар таркибида келганда, кўпинча, гап ўртасида ва охирида келади.

Киритма ва изоҳлар гап ўртасида келганда қуйидаги ҳолатлар ўз ифодасини топади:

1. Фикрга аниқлик киритиш учун хизмат қиласи:

Бу кўкатлардан янги униб чиққан вақтда (авжи март ойининг бошларида) овқат тайёрлаш маъқул /Ш.Ю.1996.4.38/. Фақат овқатни ўғиллари, келин ва набиралари билан биргалиқда ейишни (мехмонлар бўлганда) ўзи учун шарт қилиб олган /О.33/.

2. Маълум ҳаракат, ҳолат, хусусиятининг қандай шароитда рўй беришини ифодалайди: Шундан сўнг йўл юрмокчи эдим (улар машинани олов олдириб турувди) яна чақиришиб қолди (Сўзлашувдан).

3. Маълум ҳаракат-ҳолат ёки хусусиятни эслатиш, таъкидлаш маъноларини англатади: Отаси тез одам эди (бизлар эс-эс биламиз) жуда тез ларзага келар эди /Ш.Ю.1996.4.128/.

4. Маълум ҳаракат-ҳолат ёки предметни, хусусиятни характерлайди:

Катта шаҳарнинг бозорини кўрмаган эдим, тўғри келган эшикдан кириб бораяпман (энди ўзим ёш, оёғим остига қарамай юрган вақтим), киришим билан бозорга равона бўлдим /Фафур Гулом.108/.

5. Айтилган фикрнинг аввал ҳам баён этилганини изоҳлаш мақсадини билдирганда: Ўтган беш йилликни (мен аввал айтиб ўтдим) муддатидан олдин бажардик /Ш.Ю.1996.4.119/.

Кириш ва изоҳлар қўйидаги ҳолатларда гап охирида келади:

1. Сабаб маъносини изоҳлаганда: Қизиқ одатларимиз борда, шупургини деворга суюб, тикка қилиб қўймайдилар - ёмон хислат белгиси деб айтадилар (Сўзлашувдан).

2. Воқеа-ҳодиса юз берган вақтни аниқлаганда: Уйга бориб сандалга киради (илгари уйларда сандал бўларди) (Сўзлашувдан).

3. Ўрин-жойни аниқлаганда: Доимо йўли тушганда қизнинг отаси уйи ёнидан ўтарди (қизнинг отаси уйи йўл устида эди) /Ш.Ю.1996.4.201/.

Хуллас, киритмалар ва изоҳлар гап ўртаси ва охирида келиб, асосий гапдан англашилган мазмунга ёки унинг таркибидаги айрим бўлакларнинг маъносига қўшимча маълумотлар, изоҳлар ва тузатишлар киритади.

Адабиётлар:

1. Руднев А.Р.Синтаксис осложненного предложения. М., 1959. 125-с.
2. Современный татарский литературный язык. М. 1970. 64-с.
3. Закиев М.З. Синтаксической строй татарского языка. Казан. 1963. 70-с.
4. Тошлиев И. Восточные конструкции в современном узбекском литературном языке: Автореферат. Ташкент, 1972.

ТАҚҚОСЛАБ ТУШУНТИРИШ ЎҚУВЧИ ТАФАККУРИНИ ОШИРИШ ОМИЛИ СИФАТИДА

**П.Ф.Н. Қ.Ядгаров,
Ў.Алимов 2-босқич магистранти.**

Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши тилимизнинг равнақи ва келажаги ҳақидаги давлат ғамхўрлигининг олий даражаси бўлди. Мустақиллигимизнинг қўлга киритилиши бу Қонунга қанот бағишилади. Унинг амалиётга жорий этилиши учун реал имкониятларни кафолатлади. Бугун бу тил ўзбек халқининг миллий тафаккурини шакллантириш ва ривожлантиришга астойдил хизмат қилмоқда. Уни ўрганишнинг мақсад ва йўналишлари тобора

кенгайиб бормоқда. Бадий асар тилини тадқиқ этиш уларнинг бир тармоғи, холос.

Бадий матнда сўзнинг шунчаки иштирок этмаслигини англаб этиш бадий асар тили таҳлилидаги энг муҳим нуқталардан биридир. Сўзнинг факат қотиб қолган бир маънодагина иштирок этиши ҳақидаги тасаввурлар ўқувчининг бадий асар тили ҳақидаги тасаввурларининг энг паст даражаси ҳақидаги кўрсаткич бўла олади. Ваҳоланки, сўзнинг бадий матнаги маъно товланишларини идрок этиш, аниқроғи идрок эта олиш даражасига кўтарилиш бу тасаввурларнинг юқори даражасини англатади.

Бадий адабиётнинг тилини ўрганиш ўқувчи тафаккурини оширувчи восита бўлибгина қолмай, балки уни адабий тилда услубий равон ифодалаш учун таъсири нечоғлик юқори эканлигини англаб этишдадир.

Асарда тасвиrlанаётган ҳар бир деталга ўқувчилар диққатини қаратиш орқали муаллиф мақсадини илғаб олиш малакасини шакллантириб бориш керак. Биз ўқувчилар диққатини асардаги ҳар бир сўз ҳар бир жумлага қаратишимиз ўқувчиларни ҳар бир деталдан умумлашма чиқаришга одатлантиришимиз лозим. Чунки бадий асарни ҳамма ўқийди, лекин аксарият ҳолларда улар воқеалар тасвирини юзаки холатда тушунишади. Асарда келтирилган деталлар орқали ижодкор нима демоқчи эканлигини излаб қидирмай ёки бунга лаёқати етмайди. Жумладан XX аср адабиётида алоҳида ўрин тутувчи “Улуғбек хазинаси” романида ҳам шундай ўринлар борки ўқувчи буни бир қараашда илғаб олиши, идрок этиши қийин. Худди шу жойда ўқитувчидан педагогик маҳорат талаб қиласди. Масалан: “Кун ботган атроф ҳали ёриқ эди. Тушда пасайган изғирин қайта кучайиб совуқ ёқимсиз довулга айланмоқда. Еру кўк чанг тўзон ва чархпалак хазонларга тўлиб кетди. Хазонлар худди ҳавода пуртанада қолган қушлардай бетинч чарх урар, юз кузларини аёвсиз савалар эди”. Оддий олиб қараганда бу парча бошқа асарларда қўплаб учрайдиган табиат тасвиридан фарқ қилмагандек туйилади. Лекин ана шу парча роман қаҳрамонининг хис туйғулари, кайфияти рухий олами билан боғланиб кетган. Бу парчасиз роман бадий жиҳатидан анчагина қашшоқлашиб қолиши мумкин. Шу сабабли ўқитувчи ушбу парча устида ўқувчининг чуқур ишлашини таъминлаш мақсадида ёзувчи ниятини – қаҳрамоннинг рухий олами ва табиат тасвири ўртасидаги боғлиқликни тушунтириши лозим. Шунингдек, ўқувчига

ёзувчининг услубий маҳоратини тушунтириш, яъни ёзувчи табиат манзараси (пейсаж)ни ҳам қаҳрамонларнинг ҳолатига, уларнинг ҳис-туйғуларига мос ҳолда қилиб тасвирланганини айтиб ўтиши керак. Чунки худди мана шу манзара тасвири берилган жойда асар қаҳрамонининг (М.Улугбек) ҳам қалби пуртанада қолган, ҳаёлини совуқ ва ёқимсиз ҳаёллар чулғаб олган эди.

Ёки бунга ўхшаган ҳолатни буюк адибимиз Ойбек асарларида кўплаб учратиш мумкин. масалан, “Қутлуғ қон” романидаги бадиий воситалар – сифатлаш, ўхшатиш, жонлантириш ва муболағалар тасвирланаётган воқеа билан узвий боғланган. Шунинг учун ҳам романда қўлланилган бадиий воситалар воқеаларнинг моҳиятини, образлар ҳарактерини очиб беришга, пейзажнинг жонли ва аниқ бўлишига хизмат қилган.

Ёзувчи образлар яратишда табиат манзараси, буюмлар тасвирида уларнинг маълум бир сифатини аниқ қўрсатишга ҳаракат қиласи. Бу ёзувчига хос усулдир. Романда ижобий образлар ҳарактери тасвири табиатдаги энг ёқимли, гўзал ва жозибали манзаралар тасвири билан узвий боғланади: бунда кўпинча баҳор тонги, қуёшнинг иссиқ ҳарорати, қушларнинг сайраши, оромбахш шабода образ ҳарактерини очишга хизмат қиласи. Аксинча, салбий образлар талқинида ўзгача ҳолни кўрамиз:

“Кечикиб кирган қиши энди кун сайин совуғини кучайтира бошлаган эди. Қор йўқ, лекин эрталаб ялонғоч дарахтларда ва томларда қалингина қиров ялтирайди, Мирзакаримбойнинг оиласи бир ярим ойдан буён шаҳарда (71-бет), “Эшик ёпилгандан кейин қоронғулик даҳшатли равишда қуюқлашди. Нури туртина-туртина чодир томонга бориб, ўтиришга тиришди. Кўрқувданми, қоронғиданми, унинг нафаси тиқилди...” (207-бет).

Биринчи мисолда Мирзакаримбой ҳарактери билан боғлиқ бўлса, иккинчисида Нурида юз берган ҳолат тасвирланган. Кўринадики, салбий образлар ҳарактерини яратишда табиатдаги кўнгилсиз ҳодисалар: совуқ, изғирин, қоронғилик, қўкни булут қоплаши каби ҳодисаларни чизади. Салбий образлар ҳарактерини ана шу кўнгилсиз ҳодисалар билан уйғунлаштиради. Биз бу ўринда сўз маъноларининг ўсиб, узгариб бориши билан бир қаторда ўкувчи онги ва тасаввурида ҳам акс этишини назарда тутмоғимиз керак.

Бунинг учун биз бадиий асар таркибидаги сўз қўлланишидаги меъёр ва унинг бузилишларини ўрганамиз. Одатда, меъёр ҳар доим кўницилган ҳолатлар билан боғлиқ. Бу сўзнинг қўлланишида ҳам,

сўз таркибидаги товушлар тизимида ҳам, гапнинг қурилишида ҳам кўзга ташланиб туради.

Бадиий асрда сўз ўзининг комуникатив вазифасидан ташқари образли ифодалаш вазифасини бажаради, ўзининг ифодалилик қирраларини намоён қиласди. Сўзниң бу хусусиятини ўрганиш ўқувчи тафаккурини ривожлантиради, унинг сўз жозибасига бўлган муносабати ўзгаради, воқеаликка нисбатан эстетик муносабати ўзгаради. Ёки худди шунга ўхшаш манзарани, ёзувчи маҳоратини унинг табиат манзарасини ҳам маълум мақсадда тасвирлашини А.Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романидан олинган қуйидаги мисол асосида ҳам таққослаб кўрсатиш мумкин. Масалан, асар оҳирида Отабекнинг қабристондаги тасвири: “Кеча ойдин, қабристон тип-тинч, узокроқда қуръон товуши эши билар эди. Икки туб чинор бутоқларида қўниб ўлтирган уч тўртдан бояқушлар, қабр ёнига тизилган ва юқори куи думбойган қабрлар бу тиловатга соъми каби эдилар. Қабр ёнига тиз чўккан йигитнинг кўз ёшлари қуръон оятларига қўшилиб оқар эди”.

Бу оддийгина бадиий манзара эмас. Абдулла Қодирийнинг буюк сўз устаси романнинг бадиий эстетик хусусиятини ривожлантириш учун бадиятга хос барча унсурлардан унумли ва ўринли фойдаланадиган исътедод соҳиби. Ёзувчининг исътедодига хос бўлган ана шу хусусиятни ўқувчига етказишда юқорида келтирилган лавҳани ўқувчилар билан ҳар томонлама мукаммал ўрганиш талаб қилинади.

Ёзувчи асарда табиат манзарасининг қаҳрамонлари кайфиятига қараши қўйган ҳолда ҳам тасвирланишини кўрсатиш ўқувчилар диққатини янада оширади. Масалан: Яна шу тилга олинган баҳор манзараси Отабек Зайнабга унаширилган Марғилонга, “Сувга тушган нондек букиб бушашиб” кетяпти. Кумушга “Кўтариб бўлмайдирғон бир қайғу, чидам билмайтурғон бир хасрат” бўлиб бораяпти.

... Ҳозир қўклам кунлари: қирлар, тоғлар, сойлар; Кўк-қизил, оқ-қора, сариқ, зангори тағин аллақанча рангли чечаклар билан устларини безаб аранг етишган ошиқларига янги хаёт, янги умид берадилар...” Ёзувчимиз бу ҳолда кўзниң дилгир манзарасини чизса ҳам бўлар эди. Аммо ёзувчи бошқа мақсадни кўзлайди. Табиат яшнаган, қушлар ашён қўриш ташвишида, бу Отабекнинг ҳолатига тамоман зид. Хатто қушлар ин кураяпти-ю, “Ота-она орзузи” эса унинг ошёнини бузаяпти.

Үқувчи буларни ҳис қиладио табиат манзараси ҳаёлида умрбод муҳрланиб қолади. Шу ўринда ўқитувчи ёзувчининг бадий маҳоратини янада ёрқинроқ кўрсатиш мақсадида адабиётшуносликка хос бўлган типологик-қиёсий услубдан ҳам ўринли фойдаланса мақсадга мувофиқ бўлади. Таққослаб тушунтириш ўқувчи фикрлаш қобилиятини оширишда асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Бадий асар тилини ўрганиш орқали ўқувчилар бадий асарнинг асл моҳиятини, персонажларнинг характерини равшанроқ тушунишга катта ёрдам беради. Асар тилидаги бу ўзига хосликлар тасвирланаётган воқеа ва образлар характерини реаллаштиришда, унинг таъсири кучини оширишда муҳим рўл ўйнашини англаб оладилар.

ЛИНГВОПОЭТИКАНИНГ БАЪЗИ МУАММОЛАРИ

**Ф.Ф.н.Ш.Ҳайдаров,
С.Каримов талаба.**

Экспрессив синтаксис бадий нутқ тузилишининг энг характерли жиҳатларидан бири эканлиги маълум ҳақиқатдир. Шунинг учун ҳам экспрессив синтаксиснинг алоҳида диққатга сазовор усулларидан бўлмиш нутқ оқимида гапни бўлаклаш, муайян қисмларни гапдан ташқарига чиқариш ёки муайян қисмни гапга тиркаш натижасида юзага келадиган парцеллятив ёки илова конструкцияларга (албатта, парцелляция ва илова бир-биридан фарқли ҳодисалар) жуда кўп тадқиқотчилар эътибор берганлар.

Ҳозирги болгар бадий насрода парцелляция ҳодисасини батафсил тадқиқ этган М.О.Ступкинанинг кўрсатишича, ёзма нутқда парцеллятив қурилмаларнинг юзага келиши олимлар томонидан анча илгари қайд этилган. Хусусан, болгар тилшуноси И.Хаджов ўтган асрнинг 30-йилларида шундай конструкцияларни биринчилардан бўлиб тилга олган. У гапнинг асосий таркибидан “вақтидан олдинроқ” нуқта қўйиш йўли билан муайян қисмни узиб олиш мумкинлигига эътиборни қаратган.¹⁶ Айни шу ўринда М.О.Ступкина рус тилшуноси Л.Ю.Максимовнинг ёзма нутқда гапни бўлаклаш ҳодисасини ифодалаш учун 1936 йилда “парцелляция” терминини қўллаганлигини, шунингдек, 50-йилларда А.Ф.Ефимов ҳам (бундай конструкцияларни синтактик

¹⁶ Ступкина М.О. Парцелляция в современном болгарском языке (на материале художественной прозы): Дисс. ...канд. филол. наук. – Санкт-Петербург, 2008. – С. 3, 10.

меъёрлардан чекиниш сифатида баҳолаган ҳолда) ана шундай қурилмалар учун айнан “парцелляция” терминини таклиф этганлигини айтади.

Парцеллятив конструкциялар билан боғлиқ муаммоларга қизиқиши, уларни турли нұқтаи назарлардан үрганиш рус тилшунослигиде, айниқса, XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб жуда ҳам кенг тус олганлигини кузатиш мумкин.

Ўзбек тилшунослигиде эса бу ҳодиса юқорида айтиб ўтилганидек, асосан, “иловали (ёки илова) конструкциялар” деган ном остида текширилган.

Рус тилшунослигидаги лингвистик терминлар изоҳига бағишенгандан луғат-маълумотномада парцелляцияга шундай изоҳ берилган: “Парцелляция гапнинг шундай бўлинишики, унда жумланинг мазмуни битта эмас, балки икки ва ундан ортиқ интонацион-маъновий нутқий бирликларда реаллашади. Бундай бирликлар бири иккинчисидан ажратувчи пауза билан чегараланганд ҳолда кетма-кет келади”.¹⁷ Айни пайтда луғат муаллифлари “бу ҳодиса парцелляция рўй берган (узиладиган, бўлинадиган) қисмларнинг асосий гап ташқарисида бўлиши билан бошқа ҳодисалардан фарқ қиласи, иловали қурилмалар асосий гап доирасида ҳам, асосий гап ташқарисида ҳам бўлиши мумкин”,¹⁸ деган фикрни илгари сурганлар.

Рус тилидаги боғловчисиз қўшма гаплар муаммоси бўйича жиддий тадқиқотлар олиб борган олим Е.Н. Ширяев мазкур ҳодиса билан ҳам қизиқиб, парцелляция ҳақида шундай дейди: «Парцелляциянинг моҳияти шундаки, экспрессив-стилистик жихатдан бетараф бўлган битта коммуникатив бирлик экспрессив-стилистик таъсирчанликка эришиш учун иккита бирликка бўлакланади», айни пайтда у қўшма гапларнинг парцелляцияланиши ҳақида гапириш асносида парцелляцияланган конструкцияларнинг иккиласида бўлишига урғу беради.¹⁹

Тадқиқотчининг фикрича, бу ҳодиса экспрессив-стилистик таъсирчанликни ошириш мақсадида қўлланади ва натижада битта коммуникатив бирлик икки қисмга – асосий қисм ва узинди қисмга бўлинниб кетади. Асосий қисмдан узиб олинган бўлак алоҳида

¹⁷ Розенталь Д.Э., Теленкова М.А. Словарь-справочник лингвистических терминов. – М.: Просвещение, 1985. – С. 272.

¹⁸ Розенталь Д.Э., Теленкова М.А. Кўрсатилган асар. – С. 273.

¹⁹ Ширяев Е.Н. Бессоюзное сложное предложение в современном русском языке. – М.: Наука, 1986. – С. 12.

урғуга ва интонацияга эга бўлади. Лекин асосий қисмсиз мазмуний тугалликка эга бўла олмайди. Парцелляция фақатгина боғлиқ текст, матн сатҳида ўз аксини топади.

Агар парцелляция коммуникатив нуқтаи назардан ўрганилса, унга фақат нутқий қурилмани ташкил қилувчи узвлари билан зич боғланган матн бирлиги сифатида ёндашиш керак. Парцелляция фақат унга алоқадор асосий гап билан эмас, балки мураккаб синтактик бутунликнинг бошқа бирликлари билан ҳам лексик-семантик ва коммуникатив жиҳатдан зич боғланган бўлиши мавзуга алоқадор адабиётларда қайд этилган.²⁰ Парцелляция матн яратишнинг ўзига хос усули эканлигига ҳам тадқиқотчилар томонидан кўп бор урғу берилган.²¹

Фақат матн сатҳида содир бўладиган мазкур ҳодиса бир коммуникатив бирликни икки ёки ундан ортиқ коммуникатив бирликларга бўлиб ташлар экан, бу жараён гапнинг актуал бўлинishi билан бевосита алоқадор. Адабиётларда парцелляция туфайли яхлит коммуникатив бирликнинг икки қисмга – тема ва ремага ажратилиши кўп таъкидланади.²² Бунда ифоданинг нуқтагача бўлган қисми тема, нуқтадан кейин келадиган қисми рема эканлиги айтилади.

Маълумки, “коммуникатив (актуал) вазифа нуқтаи назаридан жумлани ташкил этувчи элементлар тема (маълум) ва рема (янги) қисмларга бўлинади. Жумланинг рема қисми коммуникатив энг аҳамиятли қисм – коммуникатив марказ ҳисобланади. Савол гапнинг шу коммуникатив марказини – ремани аниқлаш учун берилади. Жумланинг тема қисми аввалдан маълум бўлганлиги учун саволда ҳам айнан такрорланади. Шунга кўра, биринчи ҳолатда (*Карим нима қилди?* сўроғига жавоб бўлганда) *Карим* – тема (маълум), *Москвага кетди* – рема (янги), иккинчи ҳолатда (*Москвага ким кетди?* сўроғига жавоб бўлганда) *Москвага кетди* – тема (маълум), *Карим* – рема (янги), учинчи ҳолатда (*Карим қаерга кетди?* сўроғига жавоб бўлганда) *Карим кетди* – тема (маълум), *Москвага* – рема (янги) ҳисобланади”²³.

²⁰ Рычкова И.А. О текстообразующих функциях парцелляции в сложном синтаксическом целом // Синтаксис предложения и сверхфразового единства. – Ростов н/Д., 1977. – С. 103.

²¹ Ступкина М.О. Парцелляция в современном болгарском языке (на материале художественной прозы): Дисс. ...канд. филол. наук. – Санкт-Петербург, 2008. - 167 с.

²² Масалан, қар: Ступкина М.О. Кўрсатилган дисс. – Б. 11.

²³ Нурмонов А., Махмудов Н., Ахмедов А., Солихўжаева С. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. – Тошкент: Фан, 1992. – Б. 94-95.

Парцеллятив конструкцияларда парцелляцияга учраган бўлак ремани ташкил этади. Чунки сўзловчи тингловчига маълум бир хабарни етказиш жараёнида ўша хабар ичидағи энг муҳим бўлган қисмни алоҳида таъкидлашга ҳаракат қилади. Бундай таъкид оғзаки нутқда интонация, пауза, логик урғу каби просодик воситалар ёрдамида амалга оширилса, ёзма нутқда парцелляция орқали рўёбга чиқарилади. Бу ҳодиса сўзловчининг ўз коммуникатив мақсадига эришишига ёрдам беради. Шунинг учун парцелляция туфайли битта коммуникатив бирлик икки ва ундан ортиқ қисмларга бўлингандা, биринчи қисм иккинчи қисмга нисбатан тема бўлиб келади, парцелляцияга учраган қисм эса рема мақомида бўлади.²⁴

Шундай қилиб, парцелляция коммуникатив, экспрессив синтаксисда, хусусан, бадиий матнда бениҳоя муҳим аҳамиятга эга бўлган синтактик ҳодиса ҳисобланади. Бундай конструкциялар туфайли экспрессив жиҳатдан бетараф бўлган, стандарт тузилишга эга яхлит коммуникатив бутунлик таъкидни кучайтириш мақсадида икки ёки ундан ортиқ коммуникатив бирликка ажралади. Бу ҳодиса содда гап сатҳида ҳам, қўшма гап сатҳида ҳам, мураккаб синтактик бутунлик сатҳида ҳам намоён бўлади.

МАКТАБДА SINONIMLARNI O`TISHDA TARQATMA MATERIALLARNI QO`LLASH

Dots.T.Almamatov,
M.Abdug`aniyeva 4-kurs talabasi.

Maktabda ona tili darslarini o`tish jarayonida turli xil pedtexnologiyalardan foydalanish takomillashib bormoqda. Turli xil metod va usullar dars samaradorligini oshirishda muhim vosita ekanligi o`z isbotini topib ulgurdi. Dars jarayonida tarqatma materiallarni qo`llash ham o`quvchilarning faolligini oshirish, ularning barchasining bilimini baholash imkonini beradi. Tarqatma materiallar har bir darsda qo`llash mumkin bo`lgan usul hisoblanadi. Jumladan, 5-sinf ona tili darsligidan o`rin olgan “Sinonimlar” mavzusini o`tishda bu usul juda yaxshi samara beradi.

Ma'lumki, o`zbek tilidagi so`zlar shakl va ma'no munosabatiga ko`ra bir qancha turlarga bo`linadi. Ya'ni:

1. Sinonimlar
2. Antonimlar

²⁴ Слюсарева Н.А. Проблемы функционального синтаксиса современного английского языка. – М.: Наука, 1981. – С. 69, 94.

3. Omonimlar

Bir umumiy ma'noni ifodalovchi ikki va undan ortiq so'zlarga sinonimlar (ma'nodosh so'zlar) deyiladi. Sinonimlar bir ma'noni xilmashil so'zlar orqali turli nozik ma'no qirralari bilan ifodalashda, so'z sehrini namoyish etishda, nutqni bezashda, ta'sirchanligini ta'minlashda katta ahamiyatga ega. Sinonimlar bir tushunchani turli so'zlar bilan ifodalash imkonini beradi. Shu sababli ular o'quvchilar so'z boyligini oshiruvchi vositadir. So'zlarning sinonimlarini bilish orqali o'quvchilar o'z nutqlarini zerikarli bo'lib qolishdan saqlaydilar. Ma'nodosh so'zlarning bir qatorga tizilib kelishiga sinonimlik qatori deyiladi. Boshqalariga nisbatan nutqda keng qo'llanadigan va ma'nosи barchaga tushunarli bo`lgan so'z bosh so'z deb yuritiladi. Masalan, *kulmoq, jilmaymoq, iljaymoq, tirjaymoq, qah-qah urmoq, xanda otmoq, hiringlamoq* ma'nodoshlik qatoridagi *kulmoq* so'zi boshqalariga nisbatan nutqda ko'proq qo'llanadi va uning ma'nosи barchaga tushunarli bo'ladi. Shunga ko`ra bu bosh so'z sanaladi. Shu o'rinda bir jihatga e'tibor qaratish lozim. Sinonimlar o'zaro ma'nodosh bo`lgani bilan ular turli ma'no nozikliklariga ega bo'ladi, uslubiy xoslanishi va ijobjiy-salbiy bo`yoqdorlikka egaligiga ko`ra bir-biridan farq qiladi. Ularning bu xususiyatlarni bilmaslik o'quvchi nutqida g`alizlik keltirib chiqaradi, hatto uni kulguga qo'yishi mumkin. Buni "yuz" so'zining sinonimlari misolida ko'rib chiqsak: *oraz, uzor, ruxsor, chehra, yuz, aft, bashara, nusxa, turq*. Bu sinonimik qatorda yuz so'zidan oldingi so'zlarda ijobjiy baho va badiiy uslubga xoslanish belgisi bo`lsa, undan keyingi so'zlarda salbiy baho munosabati mavjud va bu salbiy baho ularda darajalanib, kuchayib boradi. Yuz so'zi esa bu so'zlarning ichida bosh so'z hisoblanadi. Agar o'quvchi yuqoridagi sinonimik qatorga tegishli xususiyatlarni yaxshi bilmasdan biri o'rniga boshqasini qo'llasa, uning nutqi g`aliz chiqadi. O'qituvchi o'quvchilarga sinonimlarning bu kabi jihatlarini aytib o'tishi lozim.

Sinonimlarni o'rganish jarayonida tarqatma materiallar yaxshi samara berishini yuqorida ta'kidlab o'tgandik. Tarqatma materiallar o'zida turli savol va topshiriqlarni aks ettiradi. Bu esa mavzuni mustahkamlash va o'quvchilar bilimini baholash imkonini beradi. Sinonimlar mavzusi 5-sinfda o'tiladi. Bu yoshdagи o'quvchilarning o'yinga bo`lgan qiziqishini hisobga olib, tarqatma materiallarni ham o`yin bilan bog`lash maqsadga muvofiq bo'ladi. Tarqatma materiallarni turli xil qushlar, hayvonlar, o'simliklar, o'quv qurollari bilan bezatish o'quvchilarning darsga bo`lgan qiziqishini va faolligini orttiradi.

Sinonimlar mavzusiga darslikda uch soat dars ajratilgan. Birinchi soatda o`quvchilarni darsga jalb qilish uchun nisbatan osonroq bo`lgan tarqatma materiallarni qo`llash mumkin. Bunda o`qituvchi o`quvchilarning bilim darajasini hisobga olgan holda o`zaro kuchlar teng bo`lgan to`rt guruhga ajratadi. Har bir guruhdan bittadan vakil chiqib tarqatma materialdan birini tanlaydi. Bu qog`ozlarga bitta so`z yozilgan bo`ladi. Masalan, *yuz*, *odam*, *chiroyli*, *gapirmoq*. Har bir guruh o`ziga tegishli so`zning sinonimlarini topishi lozim bo`ladi. O`qituvchi o`quvchilarga yordam tariqasida bu so`zlarning sinonimlarini ham qog`ozchalarga yozib, parta ustiga terib qo`yadi. Guruhlardan o`quvchilar navbati bilan chiqib, o`ziga tegishli bitta so`zni topib, sinonimik qatorga qo`shadi. Bu topshiriq jo`n ko`rinsa ham u o`quvchilarda guruh bo`lib ishlash ko`nikmalarini shakllantiradi.

Sinonimlarga ajratilgan keyingi darslarda o`qituvchi tarqatma materiallarni savol ko`rinishida tashkillashtirishi mumkin. Quyidagi savollarni tarqatma materialarga yozish maqsadga muvofiq:

1. *Sinonimlar deb nimaga aytildi?*
2. *Odam so`zining sinonimlarini toping.*
3. *Sovg`a, tortiq, hadya, armug`on sinonimik qatorida bosh so`z qaysi?*
4. *Chehra va bashara so`zlari o`zaro sinonim. Lekin ular bir xususiyatiga ko`ra farqlanadi. Qaysi xususiyatiga ko`ra?*
5. *Sinonimlar qaysi so`z turkumlari doirasida bo`ladi?*
6. *Yurt so`zining sinonimlarini aytинг.*

O`quvchilarni darsga yanada qiziqtirish uchun tarqatma materiallarni shar ichiga joylashtirib, sharlarni shishirib va yorib so`ngra undagi savolga javob beriladi.

Sinonimlar mavzusiga tegishli uchinchi darsni o`tayotganda umumlashtirish va bilimlarni baholash maqsadida quyidagi o`yinni o`tkazish mumkin. Bu o`yin “Kimning ayig`i tez yasaladi” deb nomlanadi. Bunda ham tarqatma materiallar asosiy o`rin tutadi. O`qituvchi sinfni ikki guruhga ajratadi. Guruh a`zolari navbatma-navbat chiqib, savollardan birini oladi va javob beradi. Agar o`quvchi savolga javob bera olsa, o`qituvchi stolida turgan ayiq tanasi qismlaridan birini doskaga yopishtiradi. Javob bera olmasa, bu imkoniyatdan foydalana olmaydi. Har bir guruhdan ikkitadan o`quvchi parallel chiqadi. Qaysi guruhning ayiqchasi tez tayyor bo`lsa, g`olib bo`ladi. Javobsiz qolgan savollarga javob bergen o`quvchilar qo`shimcha baho olishadi. Bu o`yin

оргали ham mavzu mustahkamlanadi, ham o`quvchilar o`zaro guruh bo`lib ishlaydilar, ham baholanadilar.

Shunday qilib, sinonimlar o`quvchilar so`z boyligini oshiruvchi vosita hisoblanadi. Sinonimlarni o`tishda tarqatma materiallarni qo`llash o`quvchilarning bu borada olgan bilimlarini mustahkamlash, ularni baholash, guruh bilan ishlay olish ko`nikmalarini shakllantirish imkonini beradi.

БАДИЙ МАТНДА ФОНЕТИК ТАКРОР

Доцент Б.Файзуллаев,
ўқитувчи Х.Ибрагимов.

Тилнинг эстетик таъсиранлиги масаласи тилшуносликдаги муҳим ва асосий масалалардан бўлиб, ўз навбатида бадиий адабиёт тилини ҳам сўз эстетикаси, тил эстетикаси, эстетик таъсир этувчи эмоционал-экспрессив воситаларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бадиий асар тилининг эстетик таъсиранлиги тушунчаси кенг тушунча бўлиб, эстетик таъсиранлик тилнинг бошқа шаклларида ҳам мавжуд. Чунончи, умумхалқ тилида ҳам эстетик таъсир этувчи ифодали воситалар қўплаб мавжуд бўлганидек, халқ мақолларида, оддий сўзлашувга хос бўлган кўпгина луғавий бирликларда ҳам эстетик таъсиранлик кўп. Бироқ бундай воситаларнинг барчасини бадиий адабиёт тили ўзида қамраб олади ва бу воситаларнинг таъсир кучи янада ошади. Шунинг учун ҳам эстетик таъсиран воситаларнинг қўплаб қўлланиши бадиий адабиёт тилининг ўзига хос хусусиятларини белгиловчи омиллардан биридир.

Бадиий адабиёт тили умумхалқ тилида мавжуд бўлган барча воситаларни ўзида акс эттиргани учун ҳам адабий тилнинг ривожланиш босқичига бевосита таъсир этиб боради. Маълумки, бадиий адабиёт тилини бойитиб борувчи ҳар қандай воситалар дастлаб бадиий матнларда ўз аксини топади.

Бадиий матн таҳлили тилшуносликнинг деярли барча соҳасини ўз ичига қамраб олиши барчамизга маълум. Айниқса, бадиий матнда эстетик вазифа бажаришдаги услубшуносликнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Сабаби, фонетик такрорлар ҳам бадиий матнда бевосита товушларнинг экспрессив ҳолатларини ифодалашида номоён бўлади. Шу ўринда услубшуносликнинг фоностилистика деб номланувчи тармоғига эътибор қаратмоқчимиз.

Маълумки, “Фоностилистика” термини тилшуносликда биринчи марта Н.С.Трубецкой томонидан таклиф қилинган эди(1).

Кейинчалик бу соҳа “товуш стилистикаси”, “стилистик фонетика” ёки “фонетик стилистика” деб аталадиган бўлди.

“Фонетик стилистика фақат сўз ва сўз бирикмаларининг талаффуз вариантларинигина эмас, балки, сўз маъноларини фарқлаш ва гап, жумла, абзац, бутун бир текст доирасидаги фоноэкспрессив хусусиятларни ҳам текширади. Масалан, туркий тилларнинг ҳаммаси учун хос бўлган сингорманизм қонуни аслида фонетик ҳодиса бўлишига қарамасдан, у тилга, шу жумладан, адабий тил ва бадиий услубга уч аспект бўйича хизмат қиласди: а) талаффузни аниқлашга, б) маънони фарқлашга, в) аффиксларни ўзакнинг характеристига мослаб тўғри кўллашга ёрдам беради. Биргина ўша фактнинг ўзи ҳам фонетик стилистикани ўрганишнинг қанчалик аҳамияти борлигини сўзсиз тасдиқлайди. Шунга кўра, фонетик стилистика маълум бир тилдаги барча фонетик воситаларнинг экспрессив томонларини ўрганувчи соҳадир, деб тариф бериш мақсадга мувофиқ кўринади”(2). Мана шундай фонетик воситалардан бири бу фонетик такрорлар бўлиб, улар матнда товушларнинг экспрессив вазифани бажариш мақсадидаги такрорга асосланади.

Шунга кўра фонетик такрор товушларнинг унли ва ундошлигига қараб икки кўринишда бўлади: аллитерация ва ассонанс.

“Аллитерация – мисралар, ундаги сўзлар бошида бир хил ундош товушларнинг такрор кўлланиши”(3). Аллитерация насрий матнга нисбатан шеърий мисраларда кўплаб учрайди. Бадиий нутқнинг оҳангдорлигини ва таъсирчанлигини таъминлашда аллитерациянинг ўрни бекиёсдир. Шеърий нутқда мисралар, ундаги сўзлар ҳамда бўғинлар бошида ёки охирида бир хил ундош товушларнинг такрор қўлланишига аллитерация дейилади.

Товушлар замиридаги мусиқийликка асосланган бу усул қадимдан Шарқ шеъриятида кенг қўлланиб келинган. Кўхна бадиятшунослик (“илми бадеъ”)да аллитерация “тавзиз санъати”деб юритилган(4).

Аллитерация ҳодисасининг насрга нисбатан шеъриятда кўпроқ учрашини таъкидлаб ўтган эдик. Худди шунингдек, аллитерация шеърий мисраларда қўлланганда, унинг оҳангдорлигини, мусиқавийлигини таъминлайди. Тингловчини ўзига ром этади, уни сехрлайди. Бу эса муаллифнинг ўз ижод асарини яратишдан кўзлаган энг олий мақсади ҳисобланади:

Сабрингизни синамоқчиман,
Сизни севиб сийламоқчиман,
Севиклигим сирларим сизга,
Сир сақламай сўйламоқчиман. (Д.Эшонқурова)

Насрий матнда ҳам аллитерациянинг учраб туриши бу бевосита муаллифнинг бадиј маҳоратини белгилайди. Чунки аллитерация ҳодисасини насрий матнда қўллаш жуда мураккаб бўлиб, муаллифнинг матн мазмунини очиб берувчи ҳар бир сўзнинг бошида ёки охирида бир хил ундош товушни такрор қўллаши керак бўлади. Кўриниб турибдики, бу жараёнда муаллифдан катта ижодий маҳорат талаб қилинади. Бадиј матнда шу жиҳатдан аллитерация ҳодисасини юзага келтирувчи бир хил ундош товушлар кўп ҳолларда гапдаги ҳамма сўз таркибида ҳам келавермайди. Мисол сифатида Тоғай Мурод асарларидан намуналар келтирамиз:

“Қадимни қўтариб-қўтариб керишаман.” (“Отамдан қолган далалар”)

“Қизалоқлар қўғирчоқ-қўғирчоқ ўйнайди.” (“Ойдинда юрган одамлар”)

Келтирилган мисолларимизда муаллиф “Қ” ва “К” товушлари орқали матнда аллитерация ҳодисасини шакллантириш билан бирга, шу жараённинг ўзида такрорий сўзлардан ҳам фойдалана олган.

Бутун бет-бошим биж-биж ажин бўлди. **Бутун бет-бошим гуж-гуж** ажин бўлди.

Бет-бошим бет-бош бўлмади дарз-дарз ер бўлди. **Бет-бошим бет-бош бўлмади. Қақроқ-қақроқ** ер бўлди. **Бет-бошим бет-бош бўлмади. Шўр-шўр** ер бўлди! (“Отамдан қолган далалар”).

Аҳамият берилса, аллитерация ҳодисасини юзага келтирган товушлар матндаги ҳар бир сўзнинг бошида ёки охирида, умуман олганда, сўз бўғинларининг барчасида иштирок этмаган. Ушбу ҳолатни аллитерациянинг насрий матндаги одатий кўриниши, десак ҳам бўлади. Аммо аллитерациянинг бундай кўриниши, муаллифнинг матнда ифодаламоқчи бўлган эмоционал-экспрессив ҳолатига ҳеч қандай салбий таъсир кўрсатмаган. Аксинча, муаллиф матнда аллитерация ҳодисасидан тўғри фойдалана олганлиги, шу билан бир қаторда такрорий сўзларни ҳам ўз ўрнида қўллаганлиги боис, ўз тингловчисининг диққатини асарга тезда жалб қила олган.

Ундош товушлар такорига асосланган аллитерация ҳодисаси юқори ўринларда таъкидлаганимиздек, насрий матнларда кам учрайди. Бироқ Тоғай Мурод асарларида бу ҳодиса муаллифнинг таъсирчан, экспрессив ҳолатларини ифодалашга йўналтирилган мақсадларга бўйсундирилади. Қолаверса, Тоғай Мурод бир матннинг ўзида такорий сўзларни қўллаш билан аллитерацияни юзага келтиради. Бу эса ижодкорнинг бошқалардан фарқли бўлган ўзига хос бадиий маҳорати, бадиий усули, десак янгишмаймиз.

Кизиллар бир-бировига қараб-қараб қўяди.

Кизиллар қулоғи қирқта бўлади. (“Отамдан қолган далалар”).

-Ўзи бўлган-бўлдиги шул, холаси.

-Бўлган-булдиги шул, бўлган-бўлдиги шул! (“Отамдан қолган далалар”).

Биз юқоридаги фикр ва мулоҳазаларимиз орқали қисман бўлсада бундай вазифани фақатгина аллитерация орқали яъни, ундош товушлар мисолидагина қўриб ўтишга муваффақ бўлдик, холос.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- 1.Тубецкой Н.С. Основъ фонологии. М., 1960 год с.35
- 2.Дониёров Х., Йшлдошев Б. Адабий тил ва бадиий стиль. Ўекистон, “Фан”, 1988 й. 71- бет.
- 3.Хожиев А. “Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати” Тошкент, “УМЭ”, 2002 й.
- 4.Йўлдошев М. Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. Ўз.Рес.Ф.А.”Фан”, 2007 й. 45-бет.
5. Тоғай Мурод. Отамдан қолган далалар. Шарқ, Т.: 1994й.

БАХМАЛ ТУМАНИДА ЯШОВЧИ ТУРКИЙ ҚАВМЛАР ЛЕКСИКАСИ

**Доц. М.Турсунпўлатов,
А. Турсунпўлатова талаба.**

Туркий қавмлар республикамизнинг барча вилоятларида яшайдилар ва улар ҳақида кўплаб манбаларда маълумотлар берилган. Жумладан, профессор X.Жўраев ўзининг “ўзбек тили турк-калтатой шевасининг фонетик ва лексик хусусиятлари” номли монографиясида турк қавмлари ҳақида шундай ёзади: “... турк-калтатой қавмларига тегишли бўлган йлашган шаҳар шеваларга хос бўлган қишлоқ шевасида сўзлашувчи аҳолининг тарихи ва калтатой сўзининг этимологияси ҳақидаги ривоят ҳамда тарихий манбалар кўплаб учрайди. Турк-калтатой сўзи маълум бир уруғнинг номи бўлмай, балки бир неча ўзбек уруғларининг умумий атамаси бўлиб,

кейинчалик замон талаби натижасида уруғ номига айланиб қолганлигидан далолат беради²⁵".

Тилшунос олимлардан В.В.Решетовлар ва Ш.Шоабдурахмонов ўзларининг "Ўзбек диалектологияси" номли китобида "калтатой" сўзига таъриф бериб, унинг луғавий маъноси бир ёшдан икки ёшигача бўлган йилқи боласи атамаси билан боғлиқ деб таъриф берадилар.

"Ўзбекистон миллий энциклопедияси"да тўрк сўзи шундай изоҳланади: "Турк. Турк Ибн Ёфас, Ёфас ўғлон, Туркхон қадимги диний ақидаларга қўра, Ёфаснинг тўртинчи ўғли. Отаси вафотидан сўнг тўркий ўлкаларни бошқарган хон. Мирза Улуғбекнинг қайд этишича, Қаюрмас замондоши бўлган. Қаюрмас Шарқий Эроннинг биринчи хукумдори бўлганидек, Турк машриқ диёри хукумдорларининг биринчи хақони бўлган..."

Турк, туркийлар-жаҳондаги энг қадимги ва йирик этнослардан бирининг номи... қадимги хитой манбаларида маълумотларга қўра, ушбу атама бундан 3,5-4 минг йил муқаддам расимсимон иегро-глифлар билан ёзилган битикларда "тиек" ва "тиаук" шаклида учрайди. Турк сўзи бақувват, баркамол, одиллик каби маъноларни англатади, ... Қадимги хитой манбаларида турклар қиёфаси чуқур кўзли, қирра бурунли, басавлат ва серсоч деб кўрсатилади.

... Ўзбек турклари таркибидаги этник гуруҳлар 4 йирик қавимга(турк, мусабозори, калтатой ва борлослар) бўлинади. Улар 6-16 асрларда ҳозирги Ўзбекистон худудига келиб жойлашган.

Биз ушбу мақоламида турк этноними ҳақида тўхталмоқчи эмасмиз, балки Бахмал туманида яшовчи туркий қавмларнинг лексиконида мавжуд бўлиб, ҳозирги ўзбек адабий тили луғат таркибида (бошқа туркий қавмлар лекиконида учраши мумкин) учрамайдиган баъзи сўзлар изоҳига тўхталамиз. Бундай сўзлар анча-мунча бўлиб, булардан бири испаррай сўзиdir.

Мазкур сўз озгин, касалманд, қийинчилик ва рўзғор ташвишларидан озиб-тўзиб кетган афтода бир ҳолга тушиб қолган ёки касаллик зарбидан ранглари сарғайиб кетган, қийналгани ранг-рўйидан кўриниб турган касалманд киши маъносига қўлланилади. Масалан: Шўрликнинг дарди оғир шекилли, бери қарааш ўрнига ранглари испаррайдай, дармони кам. Ҳа дегани ҳоли йўқ (жонли нутқдан).

²⁵ Жўраев Х. Ўзбек тили турк-калтатой шевасининг фонетик лексик хусусиятлари. Тошкент, 1981, 6-бет

Шунингдек, ушбу қавм тилида куз сўзи ҳам ишлатилади. Бу сўз қуёш нури тушмайдиган, қишида қор тўпланиб қолиб қуёш нури тушмаслиги натижасида қор музга айланиб қолган жойни англатади. М: Бу арнанинг юқори қисми куз. Музи саротонга бориб эрийди. Бу куз жойларда ўсимликлар ҳам кам ўсади (“Меҳнат байроғи”). Бундан ташқари мазкур шевада алоқатиш, чимвич, тўрсиқ каби сўзлар ҳам учрайди.

Алоқашат сўзи баҳор ойлари бошланиши билан офтоб нури тик тушадиган, автоб нури тушиши натижасида қорларининг бир қисми эриб кетган жойлар тушунилади. Масалан. Искантеванинг кўп тепаликлари алоқашат бўлиб, моллар ўтлайдиган бўлиб қолипти(ЖС).

Чимвич сўзи эса ёшига етмай тукқан эчкининг биринчи боласи маъносини англатади.

Тўрсиқ сўзи чоллар, кампирлар доимо ўзи билан қаерга борса ёнида олиб юрадиган эрка набираси маъносини англатади.

Кетибўш бўш ерларда, асосан, шудгор қилинган ерларда ўсади. Бу ўсимликни моллар хуш кўриб истеъмол қиласи унинг бўйи 30-40см бўлади. Шоҳлари айлана бўйлаб ўсади. Айлана диаметри 60-70см бўлади.

Оқкуврай. Бу ўсимлик эса жарлик ва бўз ерларда кўп учрайди. Бу ўсимликни кишилар қамиш ўрнида том устига босадилар. Оқкуврай ўсмилигининг пояси жуда чидамли бўлиб 20-25 йилгача чиримайди. Иккинчидан, тандирга ўтин ўрнида ҳам ишлатилади, чунки чўғи яхши бўлади. Оқкувройга пишган нонларда ўзгача бир ёқимли ҳиди бўлади. Учинчидан, барги доривор бўллиб, чўғда ёки оловда озгина тоблаб чипқон ёки бошқа яраларга боғланса, тез тузалишига ёрдам беради. Турк қавмлари нутқида айрим кийимлар ҳам алоҳида номланади. Жумладан, фотиха қилинган қизлар то келин бўлиб боргунларига қадар турмуш ўртоғининг ота- онасига, яқин қариндошларига юзларини кўрсатмасликлари учун бошига ёпиниб юрадиган ярим паранжи шаклидаги кийим. Мазкур кийим қизил алвон ёки қизил баҳмалдан тикилади. Желайнинг икки енги бўлиб, икки енги орқага бирлаштирилиб тикилади ва турли мўнчоқлар билан безатилиди.

Ушбу қавм шевасида айрим қариндошликка, озиқ овқат турларига оид сўзлар ҳам мавжуд.

Оқсоғлок. Бу овқатни тайёрлаш учун қурит сувда эзилади ва унга аралаштирилиб суюқ ҳолда қайнатилади. Обдон

қайнатилгандан кейин қуиилиб атала ҳолига келади. Сўнгра сариёғ эритибга қуиилади ва хамирдан тайёрланган юпқанинг ярми аталага ботирилиб устма-уст ҳолда зич қилиб териб чиқилади, кейин яна унинг устидан эритилган сариёғ қуиилади. Шу тариқа ақсоғлоқ тайёрланади.

Япоғи. Бу кийим ҳисори ёки дегриз зотли қўйларнинг жунидан (бу қўйларнинг жуни ўта майин, сув юқмайдиган бўлади) йигириб тўқилади бундан ташқари бу жундан кийгиз ҳам тайёрланади кийгизлари ўта бежирим, енгил, чидамли бўлади. ундан тайёрланган кийимнинг номи чекмон деб аталади.

Борчин, боргин, барчин бўй,
Бўзда қўйинг яйрасин.
Жапоғидан кийғиз қил,
Ёмғир ёғса ўтмасин(Халқ қўшиғи).

Яна ҳеч қайси ўзбек шеваларида учрамайдиган қануч (нг) сўзи ҳам ишлатилади.

Қан(нг) сўзи ҳеч қачон семирмайдиган қотма, қоқсуяқ кишига нисбатан қўлланилади. Бужўр деб номланган ўсимлик ҳам мавжуд, бу ўсимлик ўзбек адабиё тилида “туютоппон” деб аталади. Туютопонимнинг ер устидаги борглари қат-қат ва майда бўлиб қаварик бўлса ер остидаги ҳосили шунчалик қатта ва ширин бўлади. Бу туркий тилда “бужур мўталоқ” номи билан ҳам юритилади. Бужур мўталоқларни кишилар хуш кўриб истеъмол қилишади.

Хулоса қилиб айтганда, Бахмал тумани қавмлари лексиканида шўх ер, оқсоғлақ, болдиғон, қўмоч нон, беткай, яполоқбош, зоранг, пишол, какра, иш-иш, (крапива), чағат, ошув, (тоғ, тепалиқнинг ўрта қисми), шаррай (тепалиқдан тушадиган сув) бери қараш (касалманд одамнинг соғайиши) каби бошқа тип шеваларда учрамайдиган сўзлар жуда кўп.

ФРАЗЕМАЛАР ТАРКИБИДАГИ КОМПОНЕНТЛАР

Ф.Н.Ш.Алмаматова.

Тилнинг лексик бойлигини ташкил этувчи фраземалар тилшуносларнинг доимо дикқат эътиборида бўлган. Фраземалар мураккаб тил ҳодисаси сифатида икки ёки ундан ортиқ компонентлардан ташкил топади. Шу маънода фраземаларни амалий ва илмий ўрганиш ўзига хос ёндашувни, ўзига хос метод ва услубни тақозо этади. Тилшунослик, хусусан ўзбек тилшунослиги

тариҳида фраземалар лексикология илмининг таркибий қисми сифатида қаралган. Ўзбек тили фраземаларини тадқиқ этиш проф.Ш.Рахматуллаев номи билан боғлиқдир. У ўзининг қатор илмий ишларида фраземаларнинг тил ҳодисаси сифатида ўзига хосликлари, бошқа тил ҳодисалари билан ўхшаш ва фарқли хусусиятлари ва грамматик табиатини ўрганди, илк бор ўзбек фраземаларининг изоҳли луғатини яратди.

Фраземалар структурал, семантиқ, функционал-услубий жиҳатлардан мураккаб ҳодиса эканлиги барча тилшунослар томонидан эътироф этилган. Фраземаларнинг таркибий ва маъновий шаклланиши лексикага нисбатан мураккаб амалга ошади. Ўзбек тилшунослигига фраземалар “сўзга муқобил” назарияси асосида тадқиқ ва тавсиф этилди. Бу назарияга кўра, фраземалар ҳам лексемалар каби номинатив хусусиятига эга бўлган тил бирлигидир деб эътироф этилиб, лексеманинг алоҳида шакли сифатида тадқиқ этилади ва лексикология таркибида ўрганилади. Дарҳақиқат, фраземаларнинг вазифавий хусусиятлари лексемаларга монанд бўлса-да, фраземалар мураккаб тил бирлиги бўлганлигидан лексемалардек тадқиқ ва тавсиф этиш етарли эмас. Фраземалар сўз ва сўз шаклларидан шаклан таркиб топади. Лексемаларнинг генетик асоси фраземаларнинг юзага келиши учун асосий манба ҳисобланади, чунки айнан лексемалар фраземалар учун “курилиш ашёси”дир. Аммо “фразеологик бирлик ифода плани билан мазмун планининг ўзига хос қарама-қаршилиги ва бирлиги сифатида юзага келади, шунга кўра, фразеологик бирликлар алоҳида ёндашишни, ўрганишни талаб қиласи”.

Аввало, фраземалар муайян шаклга эга бўлиб, уларнинг шаклланиши учун лексемалар моддий асос бўлади. Турли лексемаларнинг хилма-хил (семантиқ уйғун ёки семантиқ ноуйғун) комбинациялари фраземаларни шакллантиради ва уларнинг таркибида турли маъноли лексемалар иштирок этади. Бу эса лексемаларнинг фразеологик комбинациялар таркибидаги ўрнини аниқлашни тақозо этади. Ўзбек тили фраземаларининг қарор топишида фаол ва нофаол лексемалар иштирок этиб, улар фраземаларнинг нафақат шаклан, балки семантиқ қарор топишида асос бўлади.

Кўринадики, тилшуносликда фраземалар таркибидаги сўзлар лексик маъносини йўқотган, сўздан ташқаридаги тил ҳодисаси сифатида қаралса, бошқа тилшунослар компонентлар ўзларининг

лексик хусусиятларини сақлаб қолади, аммо бу турли фраземаларда турлича юз беради, деб эътироф этадилар. Аксарият тилшунослар лексемалар фраземалар таркибига киргандан кейин ҳам ўзларининг лексик маъноларини сақлаб қолишини эътироф этадилар. Аммо айрим фраземаларда лексик маъно тўлиқ сақланади, бошқаларида эса лексик маъно бир қадар кучизланади.

Демак, фраземаларнинг компонентларини лексемалар деб ҳисоблаш, аммо уларнинг қўлланиш даражаси, муайян фраземанинг шаклланишидаги ролини алоҳида ўрганиш лозим. Масалан, *оғиздан гулламоқ – ножӯя, ноўрин гапларни гапирмоқ* фраземаси таркибидаги оғиз компоненти семантиқ таянч аъзо бўлса, *гулламоқ* компоненти эса грамматик таянч компонентdir.

Фраземалар таркибидаги лексемалар турли сўз туркумлари ва лексик-семантиқ гурухларга тегишлидир. Изоҳли фразеологик луғатлар, русча – ўзбекча ва ўзбекча-русча умумфилологик луғатларда ўз ифодасини топган фраземалар компонентларининг турли-туманлиги фикримизни яққол тасдиқлайди.

Айрим лексемалар *Дақёнусдан қолган, Алмисоқдан қолган, чучварани хом санамоқ, тарвузи қўлтигидан тушди* каби ягона фразема таркибидагина, иштирок этса, юкрак, қўз, қулоқ, юз, қўл каби соматик, сичқон, туж, ит каби зоонимиқ, тушмоқ, ўтмоқ, тиқмоқ каби ҳаракатни ифодаловчи лексемалар ўнтадан юзтагача ва ундан ортиқ фраземаларнинг таркибида компонент сифатида қатнашади. Фраземаларнинг грамматик шаклланишида феъл компонент алоҳида ўрин эгаллайди. Ўзбек тили фраземаларининг кўпи феъл лексемалар воситасида шаклланиб, феъл грамматик таянч компонент сифатида қатнашади ва ўзбек тили фраземаларининг асосий қисмини феъл фраземалар ташкил этади. Фраземаларнинг таркибидаги семантиқ таянч компонентлар фраземаларнинг семантиқ тизимини шакллантиради.

Лексемаларнинг хусусий маъно тизимлари фраземаларнинг семантиқ тизимини, образли маъноларининг тараққиётини белгилайди. Лексемалар фраземалар таркибида эркин боғлама маъноси билан муайян узвлар билан боғланади. Дастребки маъно тизимлари трансформация қилиниб, фраземик маъно шаклланади. Шаклий жиҳатдан сўз бирикмаси, гап, фраземалар лексемаларнинг комбинациясидан ташкил топади. Пастки сатҳлар юқори сатҳларнинг шаклланиши учун асос бўлиши тилнинг қонунияти бўлганидек, лексемалар фраземаларнинг шаклий ва маъновий

шаклланишида моддий асосдир. Лексемалар фразема таркибида ўзининг маъноларини йўқотиши ёки янгича маъноларга эга бўлиши мумкин. Бу жараёнда компонентларнинг ўзаро алоқадорлиги асосида компонентларнинг маъноларидан ифодаланган маъно ёки уларга боғлиқ бўлмаган фраземик маъно ҳосил бўлади.

Шаклий жиҳатдан фраземалар сўзларнинг уюшмаси асосида шаклланганлиги учун ҳам “иборанинг ифода плани деб лексемалар ва уларни боғлаш учун хизмат қиласиган морфемалар кўзда тутилади”.

Фраземаларнинг ифодавий шаклланишида лексемалар ўзаро қандай боғлашувга киришиши ҳам муҳим ҳисобланади. Сўзларнинг бошқа сўзлар билан ўзига хос йўллар воситасида бирикуви натижасида турғун, образли, экспрессив, яхлит маънога эга бўлган янги структурали ва янги маъноли фраземалар шаклланади.

ONA TILI DARSALARIDA INTERFAOL USULLARDAN FOYDALANISHNING AFZALLIKLARI

**Dots. A K. Suvonqulov,
o‘qituvchi Z. Atamurodova.**

Nostandart darslarida o‘yin ko‘rinishlari mashg‘ulotlarni ham o‘tkazish mumkin. U butun bir dars davomida uning qandaydir bir bosqichida o‘tqaziladi. Bajarilishi kerak bo‘lgan o‘yin mashg‘ulot oldindan tayyorlanish tuzilgan bo‘ladi. O‘yin albatta bilimga oid loyiha tarzidagi o‘quv ishiga qiziqtiradigan omil bo‘lishi lozim.

“**Rolli o‘yin**” darsi. Ko‘p mavzularni o‘yin shaklida o‘rganish qulayroq bo‘lib, uni barcha fanlarda qo‘llash mumkin. Bugungi kunda milliy g‘yani ijtimoiy ong sifatida shakllantirishga yo‘naltirilgan aniq chora tadbirlar tizimini ishlab chiqish, uning jamiyatimiz tomonidan o‘zlashtirilishi uchun sharoit yaratishni taqozo etadi. Bu esa o‘z navbatida milliy dasturni amalga oshirishda belgilangan vazifalar bilan chambarchas bog‘liqdir. Shunga erishish lozimki, har bir fuqaro o‘ziga savol berib: “Men jamiyat, vatan uchun nima qildim?”, - deb o‘ylasin va mamlakatimiz taraqqiyotiga yurt ravnaqi, gullab yashnashiga o‘zining munosib ulushini qo‘sha olsin.

Ta’lim tarbiya ishida rasmiyatchilik va beparvolik kabi illatlardan voz kechish lozimligi hozirgi zamонави dars o‘tish texnologiyasida ochiq oydin namoyon bo‘lib qoladi. Keng ma’noda

tarbiya avloddan-avlodga asrlar davomida to‘plangan ijtimoiy madaniy tajribani uzatish hamda mustaqil shaxs rivojlanishi uchun shart-sharoitlarni yaratish maqsadida maxsus tashkil etilgan va yo‘naltirilgan jarayondir.

Ta’limni insonparvarlashtirish yosh avlodda boy estetik hissiyat, yuksak ma’naviyat, madaniy va ijtimoiy tafakkurni shakllantirish va har taraflama rivojlangan shaxsni tarbiyalashning ustivor yo‘nalishlarini o‘z ichiga oladi. Ta’lim tarbiya dasturlarini takomillashtirish nazarda tutiladi. O‘quvchida mustaqil shaxs ruhiyatini va ijtimoiy faoliyatini, oshirish, mustaqil fikrlash hamda shaxsiy g‘urur, ishonch kabi hislatlarni hosil qilishga alohida e’tibor berilishi kerak.⁹

Ta’limni interfaol usullarda o‘tish bugungi kun talabi bo‘lib, o‘quvchilarning shaxsiy ehtiyojlari, layoqati, imkoniyatlari, qiziqishlari, kasb tanlashdan kelib chiqqan holda turli ko‘rinishda bilim olish imkoniyatini beradi. O‘quvchilarning ona tili darslarida og‘zaki va yozma nutqini o‘stirishda qiziqarli faoliyat turi bo‘lgan o‘yinlarning ahamiyati katta, chunki o‘yin kichik maktab yoshidagi o‘quvchilar faoliyatida asosiy o‘rinni egallaydi. O‘quvchilarning yo‘sh va psixologik xususiyatidan kelib chiqib aytadigan bo‘lsak, o‘yin dunyonи va o‘zlikni anglashda, bog;lanishli nutqni o‘stirishda asosiy vosita hisoblanadi.

“Sinkveyn” usuli-o‘rganilayotgan materialni to‘laqonli anglash uchun qo‘llaniladi. Sinkveyn-fransuzcha besh qatorli o‘ziga xos, qofiyasiz she’r bo‘lib, unda o‘rganilayotgan tushuncha (hodisa, voqeа, mavzu) to‘g‘risidagi axborot yozilgan holda o‘quv so‘zi turli variantlarda va turli nuqtai nazar orqali ifodalanadi. Sinkveyn tuzish qoidasi quyidagicha:-birinchi qatorda mavzu (topshiriq) bir so‘z, odatda ot so‘z turkumi bilan ifodalanadi.(kim? nima?). –ikkinchi qatorga mavzuga oid ikkita sifat yoziladi.(qanday?

qanaqa).-uchinchchi qatorga mavzu doirasidagi hatti-harakat uchta so‘z (fe’l) bilan ifodalanadi.-to‘rtinchi qatorga mavzuga nisbatan tasavvur anglatuvchi va to‘rta so‘zdan iborat bo‘lgan fikr yoziladi.-ohirgi qatorga mavzu mohiyatini takrorlaydigan, ma’nosи unga o‘xhash bo‘lgan bitta so‘z (sinonim) yoziladi.

“Klaster” (g‘uncha, bog‘lam, shoda) usuli ta’lim oluvchilarga ixtiyoriy muammolar xususida erkin, ochiq o‘ylash va shaxsiy fikrlarni bemalol bayon etish uchun sharoit yaratishga yordam beradi. Bu turli xil g‘oyalar o‘rtasidagi aloqalar to`g‘risida fikrlash

imkoniyatini beruvchi tuzilmani aniqlashni talab etadi. Klaster usuli aniq obyektga yo‘naltirilmagan fikrlash shakli sanaladi. Muayyan mavzuning ta’lim oluvchilar tomonidan puxta o‘zlashtirilguniga qadar fikrlash faoliyatini bir maromda bo‘lishini ta’minlashga xizmat qiladi. Usuldan ta’lim oluvchilar bilan yakka tartibda yoki guruh asosida tashkil etiladigan mashg‘ulotlar jarayonida foydalanish mumkin. Bunda ilgari surilgan g‘oyalarni umumlashtirish va ular o‘rtasidagi aloqalarni topish imkoniyati yaratiladi. Klaster usulidan foydalanishda quyidagi shartlarga rioya qilish talab etiladi:

-nimaniki o‘ylagan bo‘lsangiz shuni qog‘ozga yozish; -fikringizning sifati to‘g‘risida o‘ylab o‘tirmay, ularni shunchaki yozib borish; - so‘zlardagi imlo xatolar va boshqa jihatlarga e’tibor bermaslik; - belgilangan vaqt nihoyasiga yetmaguncha, yozishdan to‘xtamaslik; -agar ma’lum bir muddat biror bir g‘oyani o‘ylay olmasangiz, u holda qog‘ozga biror narsani rasmini chiza boshlash, bu harakatni yangi g‘oya tug‘ulguniga qadar davom ettirish; -muayyan tushuncha doirasida imkon qadar ko‘proq yangi g‘oyalarni ilgari surish hamda g‘oyalar o‘rtasidagi o‘zaro bog‘liqlikni ko‘rsatishga harakat qilish; -g‘oyalar yig‘indisining sifati va ular o‘rtasidagi aloqalarni ko‘rsatishni cheklamaslik.

“T”-chizma-ma’lum bir masalani ikki tomonlama taqqoslash asosida tahlil qilish usulidir. Juft (ijobiy/salbiy; ha/yo‘q; rozi/qarshi kabi) javob yoki taqqoslashlarni qayd etuvchi serqirra yozma ishni tashkil etishda ko‘maklashuvchi usuldir.

O‘xhash jihatlar	Farqli jihatlar

B.B.B.

“Bilaman, bilishni xohlayman, bilib oldim ” o‘yini.

Oyinning maqsadi: o‘quvchilarning o‘ziga bo‘lgan ishonchini orttiradi, bundanda faol bo‘lishga undaydi va ularning mustaqil fikrlash qobiliyatini shakllantiradi. O‘qituvchi xattaxtaga bir necha so‘z yozib qo‘yadi.

Masalan: Quyosh, Yomg‘ir, soat, kabi.....

O‘quvchilar mustaqil ravishda shu so‘zlar ishtirotida hikoya tuzadilar. Bunda ularning so‘z boyligi oshishi bilan birga, gaplarni to‘g‘ri tuzish, tovushlarni to‘g‘ri talaffuz qilish, ijodiy va mustaqil fikrlash qobiliyatini shakllanadi.

O‘qituvchi faol ishtirotchilarni vaqtiga bilan rag‘batlantirib faol bo‘lishga undaydi. Mazkur o‘yindan darsdan tashqari mashg‘ulotlarda va to‘garaklarda ham bemalol foydalanish mumkin.

Бу о‘yinlarni qo‘llab dars o‘tilganda, sinfda qoloq o‘zlashtiradigan o‘quvchi qolmaydi.

ЎТКИР ҲОШИМОВНИНГ “ИККИ ЭШИК ОРАСИ” АСАРИДА УЮШИҚ БЎЛАКЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИШИ

**Доцент Б.Файзуллаев,
Ўқитувчи И.Умаров**

Бир гап таркибида бир турдаги бўлаклар бирдан ортиқ ҳолда қатор келиши мумкин: Сарой учун аллақанча тахта, ёғоч, тунука олдириб қўйган (С.Аҳмад).

Бу мисолда “тахта, ёғоч, тунука” бўлаклари воситасиз тўлдирувчи вазифасида келган. Бундай бирдан ортиқ қатор келган бир турдаги бўлаклар гапнинг уюшиқ бўлакларини ташкил қилади. Бундай бўлакли гаплар уюшиқ бўлакли гаплар ҳисобланади (1).

Уюшиқ бўлак компонентлари бир-бири билан ҳам, гапдаги бошқа бўлаклар билан ҳам синтактик алоқага киришади. Аммо бу синтактик алоқа икки хил характерда бўлади: уюшиқ бўлак компонентлари ўзаро teng алоқада, бошқа бўлаклар билан эса тобе алоқада бўлади. Уюшиқ бўлак компонентлари одатда бир хил грамматик формада бўлади ва бир хил синтактик вазифани бажаради (2).

Биз ушбу мақолада Ўткир Ҳошимовнинг “Икки эшик ораси”(3) асарида уюшган бўлакларнинг қўлланиши, унинг асар тилига хос лингвопоэтик хусусиятлари, уюшиқ бўлакларини қўллашда муаллиф имкониятлари ва маҳорати ҳақида фикр-мулоҳазалар билдириш мақсадидамиз. Чунки Ўткир Ҳошимов катта сўз устаси сифатида тилимизнинг барча кўринишлари в имкониятларидан тўғри ва ўринли фойдаланганли сабабли халқ юрагини зabit эта оладиган адабиётлар яратди.

Биз ёзувчининг “Икки эшик ораси” асари тилини таҳлил қилас эканмиз, унда уюшиқ бўлакларнинг қўлланиши ҳақида янги-янги фикр-мулоҳазалар пайдо бўлишининг гувоҳи бўлдик. Асар тилидаги уюшиқ бўлакларни ўргана эканмиз, ёзувчи халқ тилини нозик қирраларигача яхши билишини унинг ҳақиқий сўз устаси эканлигини ҳис этамиз.

Ёзувчи ўз асари тилида тил бойликларидан, айниқса уюшиқ бўлаклардан фойдаланаар экан, унда ўзбек тилининг барча нозик қирраларини акс эттиришга ҳаракат қилган. Ушбу асар таҳлили шуни кўрсатадики, унда уюшган бўлакларнинг барча

кўринишларини учратиш мумкин. Жумладан, уюшган бош бўлаклар (эга ва кесим), уюшган иккинчи даражали бўлаклар (аниқловчи, тўлдирувчи, ҳол) асар матнида ўзига хос услубда ўз ифодасини топган. Масалан: Қийқириқ, кулги қулоқни ёргудек бўлади (3.18 б). Қаламда тортилгандек кошлари, ёниб турган қопқора хумор кўзлар, суттай оппоқ юз, ингичка иягидаги митти холи, ангишвонадек оғзи – ҳаммаси атайлаб чизиб қўйилган суратга ўхшарди (3. 83 б.). Димоғимга машина мойининг чучмал иси, қулоғимга вагонларнинг шарақ-шурук урилиши, ғилдирак садолари, парвознинг видолашгандек нолан гудок чалиши маҳкам ўрнашиб қолди (3. 98 б.).

Юқорида келтирилган мисолларда эганинг турли кўринишларда уюшиши акс этган. Биринчи мисолда якка ҳолдаги эгалар уюшиб келган бўлса, иккинчи гапда эса уюшган эгалар ўз аниқловчилари билан кенгайиб келган ва бу уюшган эгалар умумлаштирувчи сўз (ҳаммаси) билан жамланган. Учинчи гапда эса барча уюшган бўлаклар бирикмали ҳоллатда, кенгайган ҳолда уюшиб келган. Уюшган бўлакларнинг ҳар бирига автор китобхон эътиборини қаратишга ҳаракат қилган.

Кимсан акам бир йўла шунча мақтовни умрида энди эшитаётгани учунми, шолғомдек қизариб, gox ерга қарап, gox дарахтларнинг учини томуша қилар, нуқул шимининг чўнтағига қўлини суқиб атрофга аланглар, чамаси бунақа “азоб”дан тезроқ қутилишини ўйлар эди (3.92 б).

Ушбу гапда кесим бўлаги “қарап, томуша қилар, аланглар, ўйлар эди” уюшган бўлакларни ташкил этмоқда. Уюшган кесимларни шакллантирувчи восита (эди) уюшган бўлакнинг ҳар бирига эмас, балки охиргисига қўшилиб фикрнинг тугаллигига эришилган.

Уюшган иккинчи даражали бўлаклар ҳам асар тилида ўринли қўлланилган бўлиб, улар қаҳрамон характерини яратишда ёзувчига бадиий восита сифатида хизмат қилганлигини қўрамиз. Жумладан, қуидаги уюшган аниқловчилар иштирок этган гапга эътибор қаратсак: Анчадан кейин оппоқ, узун яктак кийган, кўкрак чўнтағида соат занжири ялтираб турган чол билан баҳслашиб чиқди (3. 42 б.). Ушбу гапда уюшган аниқловчиларнинг мураккаб ҳолатини кузатиш мумкин. Жумладаги “оппоқ узун яктак кийган”, “кўкрак чўнтағида соат занжири ялтираб турган” бирликлар чолга нисбатан аниқловчи ҳисобланиб, улар ҳам уюшган ҳолда, ҳам эса

мураккаб бирикмали ҳолда қўлланмоқда. Бундан ташқари, бирикмали уюшган аниқловчининг таркибида якка ҳолдаги уюшган аниқловчиларни ҳам кузатамиз, яъни “оппоқ, узун” сўзлари яктакка нисбатан содда уюшган аниқловчини ҳосил қилмоқда.

Ёзувчи воқеаларни тасвирлар экан, қаҳрамонларни гапиртирар экан, у оддийликдан қочиб, тасвирни мукаммал ифодалашга алоҳида эътибор қаратганининг гувоҳи бўламиз. Бунда у ўз олдига қўйган мақсадни китобхонага тўлиқ етказишни ният қилган. Қуйидаги уюшган тўлдирувчиларга эътибор қаратсак: Ойим кексайиб қолганини, соchlари оқариб кетганини, қовоқлари салқиб, юзи йиллаб тўшакка ёпишиб етган одамдек сарғимтил-захил тусга кирганини энди пайқадим. Бу гапдаги уюшган тўлдирувчиларга эътибор қаратадиган бўлсак, гап таркибидаги уюшган мураккаб тўлдирувчилар тузилиши жиҳатидан қарайиб гапга teng мазмун ифодаламоқда.

Маълумки, ҳоллар хилма-хил турларга эгалиги билан гап бўлаклари сирасида алоҳида ажралиб турди. Бу ҳолат биз ўрганаётган асар тилида ҳам ўз аксини топган. Унда уюшган ҳолларнинг турли кўринишлари қўлланилган. Масалан: Оқсоқол ҳамон ўзига келмас, соқоли титраб, пишқириб нафас отарди (3.186 б.). Табиб ҳижолат чекиб тураг, гоҳ сахнадагиларга, гоҳ залга қарап, чамаси нима қилишини билмасди (3.198 б.). Энтикиб нафас олаётгани учунми, ҳаво совуқлигиданми, оппоқ мўйлови тагидан қуйуқ ҳовур кўтариляпти (3.185 б.). Мисоллардан ҳам кўриниб турибдики, ёзувчи қаҳрамонлар ҳолатини, улар билан боғлиқ воқеа-ходисаларни ҳаққоний тасвиrlаш мақсадида уюшган ҳолларнинг турли кўринишларини маҳорат билан қўллай олган. Уларда содда, бирикмали, ҳолларнинг уюшганини кўрамиз.

Хулоса қилиб айтганимизда, моҳир сўз устаси Ўткир Ҳошимов қандай жанрдаги асар яратишга қўл урмасин, у тилимизнинг барча кўриниш ва бойликларидан усталик билан фойдалана олган ва ўлмас асарлар яратадиган.

Адабиётлар:

1. Ғуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент, 1987, 140 б.
2. Ўзбек тили грамматикаси. 2-том. Синтаксис. – Тошкент, 1976, 163 б.
3. Ҳошимов Ў. Икки эшик ораси. – Тошкент, 1988.

LEKSIKALOGIYA BO‘YICHA UMUMIY MA’LUMOT MAVZUSINI O‘TISHDA GRAMMATIK O‘YIN- TOPSHIRIQLAR QO‘LLASH

**Dots. T.Almamatov,
N. Xasanova 4-kurs talabasi**

Ma’lumki leksikalologiyaga oid mavzularni o‘tishdan asosiy maqsad o‘qituvchilarga so‘z va uning ma’no nozikliklarini o‘quvchilarga tushuntirishdan iborat. Bu o‘rinda leksikalologiyaga oid ayrim mavzularni o‘tishda foydalanish mumkin bo‘lgan ayrim grammatik o‘yinlarni tavsiya qilamiz . Chunonchi bir ma’noli va ko‘p ma’noli so‘zlar yuzasidan ma’lumot berishda quyidagicha ish tutish mumkin.

Tilimizdagи ba’zi so‘zlar gapdan tashqari ham, gap ichida ham birgina ma’noni bildiradi. Masalan: kecha, qush, kitob, uy, daftar kabi.

Leksikamizda yana shunday so‘zlar guruhi ham borki, ular gap ichida bir ma’noni ifodalasa, gapdan tashqarida esa boshqa ma’noni ifodalab keladi . Bunday so‘zlar guruhi ko‘p ma’nolilik yoki polisimantik so‘zlar deyiladi. Masalan: ko‘z, qulqoq, etak, bosh, yuz kabilar .

Ko‘p ma’noli so‘zlarning o‘ziga xos hususiyati, so‘zning ma’no qirralari bosh ma’noga asoslanadi va bir turkum doirasiga tegishli bo‘ladi. Masalan: qulqoq so‘zi insonning eshitish a’zosi hisoblanadi.

Nutqimizda esa bu so‘zning “qozonning qulogi”, “devorning qulog‘i” kabi ko‘chma ma’nolari qo‘llanadi. Bularning nutqidan tashqaridagi ma’nosи asl ya’ni o‘z ma’nosи hisoblanadi. Bu so‘z qancha ma’noda ishlatsa-da bir so‘z turkumi ya’ni ot so‘z turkumiga, oid so‘zning ko‘chma ma’nosini nutqdagi boshqa so‘zlar yordamida anglashiladi va bir-biriga bog‘liq bo‘ladi.

Shakldosh so‘zlar ya’ni omonimlar talaffuzi bir xil, ammo atash ma’nosи har xil so‘zlardir. Bunday so‘zlar turli so‘z turkumiga oid bo‘ladi. Omonim so‘zlarning ma’nolari o‘rtasida bog‘lanish bo‘lmaydi. Masalan: ot-ism (ot so‘z turkumi) ot-otmoq (fe’l so‘z turkumi) ot-hayvon (ot so‘z turkumi); tush- uyqudagи tush(ot so‘z turkumi), tush-otdan tushmoq (fe’l so‘z turkumi) tush – payt, kunning quyosh tikkaga kelgan vaqt (ravish so‘z turkumi).

Yuqoridagi so‘zlarni bir bosh ma’noga birlashtirib bo‘lmaydi. Chunki bu so‘zlar turli so‘z turkumi doirasida yuz beradi.

Demak, ko‘p ma’noli so‘zlar bir so‘zning o‘z va ko‘chma ma’nolarda qo‘llashdan kelib chiqqan. Shakldosh so‘zlar esa shakli va aytilishi bir xil ikki va undan ortiq so‘zlardir. Agar ko‘p ma’noli so‘zlar

ma'nolari o'rtasida aloqa uzilsa, omonimlik yuzaga keladi. Yuqoridagi misollar orqali so'zlarni izohlash o'quvchilarga omonim va ko'p ma'noli so'zlarni tushuntirishni yengillashtiradi.

O'quvchilarni fikrlash qobiliyatini o'stirish, to'g'ri va ravon nutq madaniyatini egallash uchun qator grammatik o'yinlarni qo'llash mumkin.

Jumladan "Bir ma'noli va ko'p ma'noli" so'zlarni o'tishda "Bittami yoki ko'pmi" o'yinidan foydalanish mumkin. Bu o'yinda o'qituvchi bir qator so'zlarni o'qib eshittiradi: kitob, qalam, daftar, etak, buloq, qosh, bel, ko'z, tosh, quyon, qulqoq, og'iz kabi. O'quvchilar shu so'zlarni 2 guruhga ajratib, daftarlariга yozadilar. 1-qatorga bir ma'noli, 2-qatorga ko'p ma'noli so'zlarni yozadilar.

I qator	II qator
Kitob	etak
Qalam	qosh
Daftar	bel
Buloq	ko'z
Quyon	tosh

Ushbu o'yin topshiriq orqali o'quvchilarning bir ma'noli va ko'p ma'noli so'zlarni farqini topish, so'zlarni to'g'ri guruhlay olish malakalari ortib boradi.

O'quvchilarning so'z ma'nolarini aniqlashdagi asosiy qiyinchiliklaridan biri bu so'zning leksik ma'nosini bilmasligi; Ikkinchisi omonim va ko'p ma'noli so'zlarni farqlay olmaslik; Uchinchisi nutqda so'zlarni noto'g'ri qo'llashi va buning natijasida paronim so'zga aylanib qolishi; iboralarning bir so'zga teng keladigan juftini ma'nosini aniqlay olmaslidir.

Bunday muammolarni bartaraf etish o'qituvchi zimmasiga yuklanadi. Dars jarayonida o'qituvchi turli amaliy o'yinlarni qo'llashi orqali o'quvchilar ongiga oson kirib boriladi va eslab qolish ya'ni yodda saqlash qobiliyati o'stiriladi. Bunda o'quvchi o'z kuch va imkoniyatiga ega bo'lishi talab qilinadi.

Leksikologiya bo'limining iboralar (frazeologik birliklar) mavzusini o'tishda quyidagi o'yindan foydalanish mumkin. O'yin sharti quyidagicha. Bir qancha so'zlar beriladi va shu so'zga teng keladigan iboralar aniqlanadi.

1-Topshiriq. Sevindi, befoyda ranjidi, unutmoq, tortishuv, maqtanmoq, hayratlanmoq.

Javob: "shodligi ichiga sig'madi", "shamolga uchirmoq", "ta'bi xira bo'ldi", "yodidan ko'tarilmoq", "sen-menga bormoq", "aravani qurib olib qochmoq", "yoqasini ushlamoq".

2-Topshiriq. Quyidagi iboralarning sinonimini aniqlang.

I qator	II qator
Do'ppisini osmonga otdi	boshi osmonga yetdi
Og'ziga talqon soldi	lom-mim demadi
Joni uzildi	olamdan ko'z yumdi
Mijja qoqmadi	ko'z yummadi
Kapalagi uchdi	o'takasi yorildi
Qo'ldan berdi	boy berdi.

Iboralarni o'tishda yana shunday o'yin qo'llash mumkin. "Ma'nosini kim chaqadi" o'yini. Bu o'yinda o'quvchilar 2 guruhga bo'linadi va doskada 2 ustunda iboralar beriladi. Bu iboralarning antonimini topish topshiriladi. Topshiriq tezkorlik bilan bajariladi.

I qator	II qator
Boshi osmonga yetdi	lom-mim demadi
Qulog'idan oy ko'rinati	mijja qoqmadi
Ko'zi ilindi	qo'y og'zidan cho'p olmagan
Boshiga ko'tarmoq	fig'oni falakka yetdi
Jag'i ochildi	bo'rdoqiga boqilgan
Yulduzni benarvon uradi	yerga urmoq

Yuqoridagi grammatik o'yinlardan foydalanish orqali o'quvchilar diqqati bir joyga jamlanadi, xotirasi mustahkamlanadi o'quvchilarni chaqqonlikka o'rgatadi, darsda o'quvchilarning zerikishiga yo'l qo'yilmaydi, antonim sinonimlar haqidagi bilimlari boyib, kengayib boradi.

Xullas, grammatik o'yin-topshiriqlar dars samaradorligini oshirishda, o'quvchilarning mavzuni oson o'zlashtirishda asosiy vositalardan biri sanaladi.

ЎЗБЕК ФРАЗЕМАЛАРИДА САЛБИЙ МУНОСАБАТНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Доцент. Б.Файзуллаев,
С.Абдурасурова 4-курс талабаси.

Тилда ва нутқда учрайдиган сўзлар эмоционал-экспрессив жиҳатидан бетараф. Эмоционал-экспрессив жиҳатдан бўёқдор сўзларга ажralади. Эмоционал-экспрессив жиҳатдан бўёқдор

сўзларда унинг асосий (аташ) маъносидан ташқари услубий бўёклар ҳам мавжуд бўлади (1). Масалан, мусича англатган бош маъно-қуш. Бу күш бошқа қушлардан ўзининг юввошлиги, беозорлиги, инсонларга яқинлиги билан бошқа қушлардан ажралади. Мана шу ҳолатлар маълум нутқий жараёнда бошқа предметларга, яъни инсонга ҳам кўчирилиши мумкин: Мусичадай юввош, мусичадай беозор каби. Бу ҳолат эса сўзниг асосий маъносидан ташқари (куш) иккиласми маъно (бўёқдорлик)ни келтириб чиқаради. Яъни, нутқий жараёнда камсуқим, юввош табиатли, беозор кишиларга нисбатан “мусичадай”, “мусичадай беозор”, “мусичадай юввош” сўзлари қўлланилиб мусича сўзининг иккиласми номланиши ҳосил бўлади.

Лексемалар билан бир қаторда фразеологизмлар ҳам эмоционал-экспрессивликни ифода этади.(2) Айниқса, нутқда салбий муносабат билдириш жараёнида иборалардан кўплаб фойдаланилади. Иборалар одатда ёши катта кишилар нутқида турли вариантларда учрайди. Масалан: “бағри тош” фраземаси бемехр, илтифоти йўқ маъноларини ифодалайди. Унинг “бағри қаттиқ”, “тош юрак”, “кўнгли қаттиқ” каби вариантлари бор... “ўзи хоҳлаб текканининг саёқлиги ва бағри тошлигидан нолиш, очиғи, ор қиларди” (Ҳ.Назир).

Одатда иборалар, асосан, сўзловчи нутқини янада таъсирили қилишга ва эмоционал муносабатини яққол тасвиrlашга хизмат қиласи(2). Фикримизнинг тасдиғи учун қуйидаги мисолни кўриб чиқамиз: “Бектемирдан кўнглим тўқ, -деди Али тажанг, -калласи ишлайди. Аммо Сафар чўтири – у ҳам кўрқоқ, ҳам аммамнинг бузоғи” (Ойбек).

Бу гапда ландовур ёки лапашанг сўзининг ўрнига “аммамнинг бузоғи” ибораси қўлланган ва бу фразема Сафар чўтирга нисбатан Али тажаннинг салбий муносабатини кучлироқ формада ифодалаб келган.

Лексемалараро даражаланиш қаторини кўриб чиқсан эдик. Бу ҳолатни фразема вариантлари ўртасида ҳам кузатишими мумкин. Масалан, “бурнини суқмоқ” ибораси қаергадир кирмоқ, нимагадир аралашмоқ маъноларини ифода этади. Бу иборага нисбатан юмшоқроқ тарзда қўлланиши “бошини суқмоқ” иборасини қўллаш орқали амалга ошади. Бу икки вариантидан ҳам кучлироқ салбий муносабатни ифодаланиши “тумшуғини тиқмоқ” фраземасида

юзага чиқади. Унинг даражаланиши чизмасини қуидагича беришимиз мумкин:

Бошини суқмоқ	Бурнини тиқмоқ	Тумшуғини тиқмоқ
-1	-2	-3

Мисоллар:

Ойқиз бўлса ҳаддан ошиб кетди, ҳамма ишга бурнини сукяпти. – Масаланинг моҳиятига тумшуғингни тиқма, сен фақат ижрочисан.

“Елка (си)нинг чуқури кўрсин!” ибораси ҳам нутқда фаол қўлланади ва салбий муносабат ифода этади. Бу фразема “нимадандир безор бўлишлик, яна қайтадан ҳеч қачон кўрмаслик” маъноларини ифодалайди. Бу иборага вариант сифатида унинг инкор формаси ҳам мавжуд: елкасининг чуқури ҳам кўрмасин! Мисол: Бўлди энди, ўша Сумбат домланинг мактабини елкангнинг чуқури кўрмасин! (М.Исмоилий).

Одатда ибора бир сўз маъносига teng бўлади. “Илоннинг ёғини ялаган” ибораси жуда айёр, муғомбир, кув сўзларига teng келади ва салбий муносабатни кучли тарзда ифодалайди. Иборага ибора синоним бўла олиши ҳам мумкин бўлган ҳолатни “ilonni ёғини ялаган” фраземасига “шайтонни авраган” фраземасининг синоним бўлиб келишида кузатишими мумкин. Мисол: Бектемиров илоннинг ёғини ялаган одам. (С.Аҳмад).

Ёмон нияти, бошқаларга яхшиликни право кўрмайдиган кишиларга нисбатан эса “ичи қора” ибораси қўлланади. Шокир ичи қора бир одам эди. Ичи қораликдан у ҳам роҳатланар ҳам азобланар эди.

Такаббурланиб кетган, яқинларини таниб-танимаганга олиб қолган кишига нисбатан “кўзини ёғ (шира) босди” ибораси ишлатилади.

Ўтакетган даражада ёмон кўрган инсонга бўлган муносабатни ифодалаш учун одатда нутқимизда “кўргани кўзи йўқ, отгани ўқи йўқ” ибораси қўлланади: Ойқиз билан Олимжонни ҳам, Муродали билан Олтинсойни ҳам кўргани кўзи, отгани ўқи йўқ эди. (С.Аҳмад).

“Мияси айниди” ибораси ҳам сўзловчининг фикр билдирилган одам ҳақида салбий муносабатни ифодалаб келади. Раис мияси айнигана чол бўлса керак... (Ойбек).

Кўп ҳолларда кесатик, пичинг аралаш салбий экспрессивликни ифодаловчи фраземаларга “кўзи учиб турибдими?”, “сиркаси сув кўтармайди”, “тил деган бир қариҷ” иборалари киради.

Ёмон ният билан деярли айби йўқ кишининг фаолиятидан айб топишга ҳаракат қилиш – “тирноқ орасидан кир қидиришдир. Бу иборада салбийлик белгиси доимо кучли даражада бўлди.

Адабиётлар:

1. Жамолхонов X. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент, 2004, 70-бет.
2. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. – Тошкент, 1992; Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивликнинг ифодаланиши. – Тошкент, 1983.
3. Йўлдошов М. Бадиий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. – Тошкент, “Фан”, 2007, 62-бет.

O‘QUVCHILAR FIKRLASH QOBILIYATINI O`STIRISH USULLARI

**P.f.n. Q.M.Yadgarov,
G.Nurmatova 1-bosqich magistranti.**

Yangilangan ta’lim mazmuni asosida yaratilgan darsliklarda tilshunoslikning hamma bo`limlariga mo`ljallangan mashg‘ulotlarda darslar ta’rif, qoida bilan boshlanmasdan, ya’ni o’quvchilarga bilimlar tayyor holida berilmasdan har bir mavzu uchun mo`ljallangan topshiriqlar tahlili bilan boshlanadi. Mana shu o`rinda o`qituvchi mahorati, qobiliyati, uquvi namoyon bo`ladi. Bu jarayonda bir faoliyat usulidan bosqichma-bosqich ikkinchi faoliyat usuliga o’tishi, ya’ni kuzatishdan umumiy xususiyatlari asosida guruhlashga, takrorlashdan o`xhash va farqli tomonlarini aniqlash asosida umumlashmalar shakllanadi. Shundagina berilgan topshiriqlar til hodisalarining mohiyatini ochishga xizmat qiladi.

Ma’lumki, so`z ma’nolari uning tarkibidagi sema (ma’no qirralari)larni kuzatish, farqlash, qiyoslash orqali uning ma’nolaridagi umumiyligani aniqlanadi. Bu jarayonda o`qituvchining ijodkorligi asosida tashkil etilgan munozara darslari eng maqbul usullardan biri sanaladi. Ko`p ma’noli so`zlar ustida ishlashda so`zlarning ma’no nozikliklarini farqlash, ulardan nutqda foydalanish uchun **suv** so`zini misol keltiramiz.

“Suv” leksemasining semalarini aniqlash orqali so`z ma’no taraqqiyoti aniqlanadi, o`quvchilar tafakkuri rivojlanadi. Bunga o`xhash so`zlarda mavjud bo`lgan umumiy va xususiy ma’no nozikliklarini **suv** umumiy mavzusida jamlangan ma’nolarni aniqlash orqali ham o`quvchilar fikrlash qobiliyatini o`stirish mumkin. Buning uchun o`qituvchi o`quvchilarga quyidagicha murojaat qiladi:

- Suv umumiy mavzusiga qanday so`zlar kiradi?
- Irmoq, jilg`a, ko`l, dengiz, okean, botqoq, baliq, buloq, soy kabi.

Bu so`zlar aniqlangandan keyin ular bir-biriga qiyoslash, solishtirish orqali har biriga xos umumiy va xususiy belgilar aniqlanadi.

O`quvchilar bu so`zlarning umumiy belgisi sifatida **suvning yerni o`yib oqishi, qirg`oqqa ega bo`lishi, to`lqinlanishi** kabilarni ko`rsatishi mumkin.

O`qituvchi bu belgilar vositasida bu so`zlarning aloqadorlik mundarijasini so`raydi: **jilg`a, irmoq, soy, daryo, ko`l, dengiz, okean** so`zları **suv, qirg`oq(sohil), baliq, to`lqin** semalari bilan umumiy belgi asosida birlashishini, semantik maydon hosil qilishni aytishadi. **Suv** semasining etakchilik qilishi ta`kidlanadi.

Shuni ham aytish kerakki, o`quvchilar yuqoridagi xulosaga kelishga qiynalsa, o`qituvchi yordamlashishi zarur.

Shundan so`ng mazkur so`zlarning o`ziga xos xususiyatlarini topish uchun: “**Jilg`a, irmoq, soy, daryo, so`zları ko`l, dengiz ,okean** so`zlaridan qanday tomonlari bilan farq qiladi?” degan savol o`rtaga tashlanadi.

Bu so`zlar bitta umumiy mavzuga birlashsa-da, bir-biridan o`zidagi suvning oqib turishi yoki turg`unligiga ko`ra keskin farqlanishini o`quvchilar aytishadi. Shuning uchun ham birinchi guruhdagi so`zlar **oqmoq**, ikkinchi guruhdagilar esa **turmoq** fe`llari bilan semantik-sintaktik aloqa qilishi haqidagi xulosaga kelishadi. Misol: Sangzor daryosi shovullab **oqayapti**.// Aydarko`l ko`z oldimizda jilvalanib **turibdi**.

Yuqoridagi so`zlarning har birining hos tomonlarini aniqlash uchun “**Xatoni toping**” o`yinini o`tkazish mumkin.Buning uchun: Ko`l jimirlab oqardi, jilg`ada to`fon turdi, soyda kema qatnovi to`xtadi, irmoqda delfinlar to`dasi ko`rindi gaplaridagi xato o`rnlarni topishni buyuradi.

O`quvchilar ko`lda suvning turg`un bo`lishini, jilg`ada to`fon bo`lmasligini, soyda kema qatnmasligini, irmoqda delfinlar yashamasligini ta`kidlashganlaridan keyin ularni bir-biridan ajratib turuvchi asosiy belgi - hajm ekanligi aniqlanib, so`zlardagi quyidagicha ketma-ketlik munosabati mavjudligi ochib beriladi: **jilg`a – irmoq – soy – daryo - ko`l - dengiz - okean**. Bu munosabatlarda real borliq ifodalinilayotganligi tushuntiriladi.

Shundan so`ng, fikr taraqqiyotining mantiqiy davomi sifatida o`qituvchi uch yoki to`rtta so`zni doskaga bir necha ustunga bo`lib

yozadi. Har bir ustunga bittadan o`quvchi chiqib, yozilgan so`zlardan qo`shma ot yasab, ma`nolari izohlanadi.

Ko`l	daryo	buloq
Aydarko`l	Sirdaryo	Muzbuloq
Issiqko`l	Amudaryo	Mullabuloq
To`rtko`l	Qashqadaryo	Tomchibuloq
Sho`rko`l	Surxondaryo	Sho`rbuloq
Oyko`l	Qoradaryo	Oqbuloq

Bu ustunlar to`rtta bo`lsa ham bo`ladi. Bunda sinf komandalarga bo`linsa yanada yaxshi bo`ladi. Yuqoridagi so`zlarning (jilg`a, irmoq, soy, daryo, ko`l, dengiz, okean kabi) har birini qatnashtirib qo`shma so`zlar tuzdirish mumkin.

Doskadagi so`zlarni o`quvchilar quyidagicha izohlashi mumkin: Suvi sho`r bo`lgani uchun Sho`rko`l, Aydar cho`lida ko`l hosil bo`lgani uchun Aydarko`l (1), ko`rinishi chiroyli bo`lgani uchun Issiqko`l (2), atrofi o`ralgan qishloq qo`rg`on bo`lgani uchun To`rtko`l (3), oyga o`xshagan ko`l Oyko`l, sirli daryo Sirdaryo, Amudaryo qadimda O`kuz deb atalgan, u “daryo” demakdir(4), Qashqa – ola chalpoq (qurub qolgani uchun) holiga kelgani uchun Qashqadaryo nomini olgan(5), suvi qizil qumlarni yuvib o`tgani uchun Surxondaryo, rangidan kelib chiqib Qoradaryo, sovuqlikka nisbat berib Muzbuloq, qo`riqlanadigan bo`lgani uchun Mullabuloq, suvi kam bo`lgani uchun Tomchibuloq, suvi sho`r bo`lgani uchun Sho`rbuloq, sizib chiqqani uchun Oqbuloq deb izohlaydi.

Bunday izohlashda o`qituvchi ham ishtirot etishi mumkin. Chunki keltirilgn hamma misollar etimologiyasini o`quvchilar bilmasliklari mumkin. Bunday izohlash orqali, birinchidan, o`quvchilarning fikrlash doirasi kengayadi, ikkinchidan, fanlararo integratsiya o`rnataladi.

Har bir so`zga berilgan izoh uning ma`no qirralarini anglab olish imkoniyatini yaratadi va bu so`zga aloqador so`zlarning g`oyaviy (ideografik), ongda hosil bo`ladigan mikromaydoni shakllanadi.

Demak, ona tili fanida mavhum tushunchalar, ta`rif va qoidalar juda ko`p.O`quvchi har bir til hodisasini mustaqil o`rganmasa, bu hodisalar ustida mustaqil ijodiy ish bajarmasa, fikrlash, kuzatish, qiyoslash, taqqoslash, guruhash, umumlashtirish kabi aqliy faoliyat bilan shug`ullanmasa, til hodisalarining mohiyatini anglay olmaydi va ularni puxta o`zlashtira olmaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Aydar – ustida tosh parchalari uyulib qolgan qir, tepa, do`nglar, ya`ni tosh kokilli do`nglar. S.Qorayev, P.G`ulomov, R Rahimbekov. “Geografik terminlar va tushunchalar izohli lug`ati”. Toshkent, 1979, 10-bet.
2. Z. Do`simov, X Egamov. “Joy nomlarining qisqacha izohli lug`ati”, Toshkent, 1977, 72-bet.
3. S. Qorayev, P. G`ulomov, R. Rahimbekov. “Geografik terminlar va tushunchalar izohli lug`ati”. Toshkent, 1979, 132-bet.
4. S. Qorayev. ”Geografik nomlar ma`nosini bilasizmi?” Toshkent, 1970, 12-13-bet.
5. Z. Do`simov, X Egamov. “Joy nomlarining qisqacha izohli lug`ati”, Toshkent, 1977, 153-bet

HOLNI O‘TISHDA YANGI PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARINI QO’LLASH

**Dots.T. Almamatov,
Sh.Saidova 4-kurs talabasi**

Til kishilar orasida eng muhim muomala vositasi bo‘lib xizmat qiladi. Kishilarning borliq, hayot hodisalari haqidagi fikr va tuyg‘ulari til vositasida ifodalanadi. Muomala vositasining eng kichik birligi gapdir. Gap hosil qilish uchun zarur so‘z va so‘z birikmalarini bosh bo‘lak va ikkinchi darajali bo‘laklarni tashlab ularni grammatik qonun-qoidalar asosida bir-biri bilan bog‘lash kerak. Gapning bosh bo‘laklarini ega va kesim, uning ikkinchi darajali bo‘laklariga aniqlovchi, to‘ldiruvchi, hol kiradi. Ikkinci darajali bo‘laklar gapning kesimiga yoki egasiga ergashib keladi va gapni uning ayrim bo‘laklarni kengaytirishga, aniqlashga xizmat qiladi. Hol ko‘proq gap markazi kesimga bog‘lanib undan anglashilgan ish-harakatning o‘rnini, paytini, holatini , bajarilish sababini, maqsadini, daraja-miqdorini bildiradi. O‘quvchi ongiga gapning ma’nosini oson va ta’sirchan yetib borishiga yordam beradi. Umuman olganda, holni o‘rganish murakkabdir. Holning xilma-xil ma’nolarini, ifodalanishini o‘quvchilar ongiga yetkazish o‘qituvchidan puxta tayyorgarlikni, ijodiy izlanishni talab etadi. Holni gapning boshqa ikkinchi darajali bo‘laklari: aniqlovchi va to‘ldiruvchi bilan o‘xhash va farqli tomonlarini tushuntirib berish darsning samarali o‘tishi uchun xizmat qiladi. Buning uchun **“Vena diagrammasi”** usulidan foydalanib to‘ldiruvchi va holning o‘xhash va farqli tomonlarini topish mumkin.

Olaylik to‘ldiruvchi va hol ikkinchi darajali bo‘lak gap tarkibida kesimga bog‘lanib keladi. Bu ularning o‘xhash tomonlari hisoblanadi. Ularning farqli tomonlari hol harakat-holatning belgisini bildiradi, fe’lning vazifadosh shakllari otlashmasa ham hol vazifasini bajaradi.

To‘ldiruvchi, asosan, fe’l kesimga bog‘lanadi. Fe’lning vazifadosh shakllari faqat otlashsagina to‘ldiruvchi vazifasini bajaradi.

Yana darsni tushunilishini ta’minlash maqsadida “**Aqliy hujum**” metodidan foydalanish mumkin. Mazkur metod bilimlarni puxta o‘zlashtirish, o‘quvchilarning fikrlash, tafakkur yuritish layoqatlarini shakllantirishlarida muhim ahamiyatga ega. Metod o‘quvchini shaxsiy imkoniyatlarini sinab ko‘rish istagida bo‘lganlarga qulay imkoniyat yaratadi. O‘qituvchi sinfni 3 guruhga bo‘ladi va guruh o‘qituvchi tomonidan hoxlagan nom bilan nomlanadi. Masalan, “**Bilag‘on**”, “**Topqir**”, “**Ilg‘or**” deb nomlash mumkin. Har bir guruh nomidan bittadan o‘quvchi turib o‘qituvchi tomonidan berilgan tayanch so‘zlarning holning qaysi turiga mansubligini idrok qilib tezkor javob berishlari zarur. Savollarning murakkablik darajasiga ko‘ra har bir savolga berilgan javob uchun baldan belgilanadi. Yakuniy ballarning o‘rtacha arifmetik qiymatini topish asosida o‘quvchilarning tafakkur tezligi aniqlanadi.

O‘quvchining mavzuni oson va samarali tushunishlari uchun “**Kim ko‘p biladi?**” o‘yinidan foydalanish mumkin. Bu ta’limiy o‘yinda o‘quvchilarning guruh bo‘lib ishslash malakasi shakllanadi. Sinf o‘quvchilari 3 yoki 4 ta guruhga bo‘linadilar. O‘yinning sharti: Har bir guruh alohida varaqchaga hol mavzusi yuzasidan ma’lumotlarni yozadilar. 10 daqiqadan so‘ng o‘qituvchi varaqchalarni yig‘ib oladi. Qaysi guruh eng muhim va ko‘p ma’lumot keltirgan bo‘lsa, shu asosda baholanadi. Bunda o‘quvchilarning hol mavzusi yuzasidan qanday tushunchaga egaligi aniqlanadi. Chunki hol ikkinchi darajali bo‘laklar ichida murakkabi bo‘lib, gapdagi vazifasi, fikriy rang-barangligi nutq faoliyatidagi o‘rni kabi holatlar o‘quvchilar uchun bir kunga qiyinchilik tug‘diradi.

Ikkinchi darajali bo‘laklar , xususan, hol va uning ma’no turlarini o‘tishda turli grammatik o‘yin-topshiriqlar, tarqatma materiallardan foydalanish, birinchidan o‘qituvchi mas’uliyatini oshiradi, ikkinchidan, o‘quvchilar nutqini, tafakkurini o‘stiruvchi vosita sanaladi.

Hol mavzusini o‘tishda tarqatma materiallardan foydalanish ham samarali usul hisoblanadi. Tarqatma material sifatida turli xil savol kartochkalaridan foydalanish mumkin. Kartochkalarda holning ma’no guruhlariga oid misollar, holning ma’no turlariga oid savollar, hol ishtiroy etgan gaplar tuzish uchun tayanch so‘zlar bo‘lishi mumkin.

Masalan: Holning ma’no guruhlarini aniqlang?

Kartochka-1.

1. U qasddan Suqsuroyni xonga chaqib berdi.
2. U uyan ko‘zlar bilan Botirga qarab sekin gapirdi.
3. Joni halqumiga kelgan Sattor alamidan baqirib yig‘lab yubordi
4. Bolalar sayohatga jo‘nash uchun tayyorgarlik ko‘rdilar.
5. Siz bilan bir-ikki og‘iz gaplashmoqchi edim.
6. Allaqayerda chigirtkalarning chirillashi eshitildi.

Kartochka-2.

1. Nima uchun? so‘rog‘i holning ma’no turidan qaysi biriga tegishli?
2. Qanchalab? so‘rog‘i holning ma’no turidan qaysi biriga tegishli?
3. Qayergacha? so‘rog‘i holning ma’no turidan qaysi biriga tegishli?
4. Qachondan buyon? so‘rog‘i holning ma’no turidan qaysi biriga tegishli?
5. Nimaga? so‘rog‘i holning ma’no turidan qaysi biriga tegishli?

Kartochka-3.

Tayanch so‘zlar: qo‘qqisdan, allaqayerda, avval, dastlab, bafurja, picha, qittak, noilojdan, ataylab.

Misol: Dars qilmagani uchun darsga ataylab kirmadi.

“МАҲБУБ УЛ-ҚУЛУБ” ДА ИМЛО ҚОИДАЛАРИ ВА НУТҚ МАДАНИЯТИ

Ф.ф.н. Ж.Жўраев.

Алишер Навоийдан бизгача йигирмага яқин насрий асарлар маънавий мерос сифатида етиб келган. Шулардан бири “Маҳбубул-қулуб” асаридир. “Маҳбубул-қулуб” Алишер Навоийнинг энг йирик насрий асари бўлиб, у ҳижрий 906 –йил (мелодий 1500-1501 йиллар), яъни муаллиф умрининг охирги йили қаламдан чиқсан. Шу жиҳатдан қараганда, бу асар буюк мутафаккирнинг мазмунли ва сермашаққат ҳаёти давомида тўплаган ғоят бой турмуш тажрибаси ва ҳулосаларини ўз ичига олган.

Навоий инсонни комил бўлиши учун нималар қилиш лозимлигини ҳақида “Маҳбубул-қулуб” асарида муфассал баён қилган.

“Маҳбубул-қулуб”да, Алишер Навоий тилшунослик соҳаларида бўлган нотиклик одобларига ва муаллиф даврида касб даражасига кўтарилиган котиблик маданиятига эътборини қаратади.

Асарнинг биринчи қисми, ўн еттинчи “Котиблар зикри” фаслида котиб қандай бўлиши кераклигини тавсифлайди. “Котиблар шуаро сўзининг варақнигоридур”-дейди яъни,

котиблар шоирларнинг асарларини кўчирувчи касб эгаларидир, кўчираётганда қандай ёзилган бўлса шундай ёзиши дейди.

Котиб агар хато ёзадиган бўлса сўзнинг маъноси ўзгариб кетиши мумкин ёки гапдаги маъно салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини мисоллар ёрдамида тушунтиради. Эски ўзбек алифбоси араб алифбосига асосланган бўлиб, араб алифбоси баъзи ҳарфлари шакли бир хилдир. Уларни фақат нуқталаридангина фарқлаб олиш мумкин. Масалан: "Ҳ" шаклида тўртта ҳарф мавжуд ёки "Ҷ" шаклидаги ҳарфлар ҳам тўртта бўлиб, "Р" шаклидаги ҳарфлар иккита ва ҳаказо.

“Улки, бежо нуқта била حبیب (ҳабиб)ни خبیث (хабис) қилғай ва محبت (муҳаббат)ни محنۃ (мехнат)”.²⁶ Яъни, агар котиб хато қилиб “Хое ҳутти” ҳарфининг устига нуқта қўйиб қўйса “хе” бўлади ва “бе”ни нуқтасини устига адашиб уч нуқта қўйса “се” ҳарфи бўлиб қолади. “Ҳабиб” -“дўст”ни “ҳабис”-“ёмонлик”га айлантириб қўяди. Ёки, “муҳаббат” ўрнига “мехнат” деб ёзиб қўйиши мумкин дейди. Ана шундай хато ёзувчиларни қаттиқ танқид қилиб, хато қилмасдан ёзишга чақиради ва шундай дейди:

Қайси бир котиблини, ул сўзга қалам сургай хилоф,

Ул қаро юзлук боши бўлсун қалам янглиғ шикоф.

“Инсонлар ўртасидаги мулоқот тил воситалари орқали юз берса-да, унинг юқори маданиятли бўлиши нафақат тил бирликларидан адабий тил меъёрларига амал қилган ҳолда, нутқ маданияти талаблари даражасида суҳбатлашишни, балки бошқа бир қанча омилларни ҳам ҳисобга олиш талаб этилади”²⁷ –дейди пофессор А. Абдусаидов ва олтига омилни келтиради. Яна, мақоласида профессор Б. Ўринбоевнинг мулоқот жараёнида еттига қоидага риоя қилиш кераклиги тўғрисидаги иқтибосни келиради.

Шунингдек, Алишер Навоий “Маҳбубул-қулуб” асарининг учинчи қисми 48 - 60- “танбех”ларида нутқ маданияти ҳақида ғоятда қимматли фикрларни билдиради. 48-танбехда “*Тилга ихтиёrsiz-элга эътиборсиз*”²⁸. Нутқ қилаётган киши эшитувчиларининг кўнглига ботмайдиган, чиройли ва қисқа сўзламоғи лозим. 60-танбехда эса “*Kўп дегувчи мумил; мукаррап*

²⁶ Алишер Навоий. “Маҳбубул-қулуб”. Асарлар. Ўн учинчи том. -Т.: Faafur Fulom nomidagi badiy adabiёт nashriёti. Toшkent-1966, 22-bet

²⁷ Абдусаидов А. Мулоқот маданиятининг асосий сифатлари. Умумфилологик тадқиқотлар: муаммо ва ечимлар. Таникли олим, ф.ф.н., доц. Баҳодир Файзулаевнинг 60 йиллик юбелейига бағишлиланган илмий-амалий анжуман материаллари. Жиззах-2011, 29-bet

²⁸ Алишер Навоий. “Маҳбубул-қулуб”. Асарлар. Ўн учинчи том. -Т.: Faafur Fulom nomidagi badiy adabiёт nashriёti. Toшkent-1966, 59-bet

дегувчи лояъқил" яъни, кўп гапиравчи умидвордир; такрор-такрор гапиравчи (эса) ақлсиздир. "*Сўзки фасоҳат зеваридин музайян эмасдур, анга чинлиқ зевари басдур*". Сўзловчининг сўзи чиройли сўзлар билан безанмаган бўлсада, унинг рост гапириши етарлидир. "*Ёлғончи ҳар неча сўзида фасихроқ, сўзи қабиҳроқ*". Ёлғончи қанча чиройли сўзлагани билан унинг сўзларида ёмонлик бор. "*Чин сўз нечаким бетакаллуф, қойилга иборат содалигидин йўқ таассуф*". Рост сўз гўзал қилиб айтилмасада унинг соддалигига айб йўқ.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, Алишер Навоийнинг "Махбубул-кулуб" асарида имло қоидалари ҳақидаги фикрлари нафақат шоир замонига тегишли, балки ҳозирги замонда лотин ёки кирилл ёзувида эътиборсизлик билан ёзадиган бўлсак бир сўз бошқа бир маънони англатиб юбориши мумкин.

Нотиқ рост сўзловчи бўлса нутқининг баъзи камчиликлари кечирилади, Навоий таъбири билан айтганда "*гулга йиртуқ либос*" кийгизилганда янада гўзаллашганидек "*дурға бадшакл садаф*" ўрнатилганда эса унинг қимматини янада оширади дея таърифлайди.

"BOBURNOMA"DA FORSCHA SONLARNING QO`LANILISHI VA ULARNING MA`NOLARI

Katta o‘qituvchi A.Abduvaliyev.

Ma`lumki, o`zbek tilida sonlar bir so`zdan yoki ikki va undan ortiq so`zning qo`shilishidan tuziladi. Zahiriddin Muhammad Boburning "Boburnoma" asarida o`zbekcha sonlar qatorida forscha sonlar ham ko`p qo`llangan. Hozirgi o`zbek adabiy tilida qo`llanilgan forscha sodda sonlar yak, du, se, chor (chahor), panj, shash, haft sonlari bilan bir qatorda, o`zbek tilida qo`llanilmaydigan sonlarni ham asarda qo`llanilganini ko`ramiz. "Boburnoma"da qo`llangan forscha son, sanaladigan predmet bilan qo`llanilishi va qo`llanilmasligi ham mumkin. Fors tilidan "Boburnoma" asari tilida qatnashganyak, du, se, chor, panj, shash va haft (1-7 gacha) sonlari, asosan, *son+ot* qolipida qo`llangan. Masalan: *son+ot* (forscha+forscha), (forscha+arabcha) holatida quyidagicha qo`llangan: *yakchiroq* (40-bet), *yakro`* (49-bet), *yakdast* (128, 197, 212-betlar), *yahdil* (361-bet), *yakraha* (175-bet), *yakrang* (256, 257, 258-betlar), *yakpore* (302, 312, 325-betlar) qo`llangan. "Xon tilab turib, Jahongir mirzog`a berilsa, xon bila tamom yahro` bo`lmoq

kerak edi".²⁹ Yuqoridagi sonlarda son+ot qolipida ishlatilgan bo`lsa, ayrim joylarda son+fe`l qolipida ham qo`llanganini ko`ramiz. Lekin bunday son turkumiga tegishli so`zlar asarda oz bo`lsa-da, uchraydi.

Yakandoz so`zida *yak+andoz* so`zlaridan tarkib topgan so`z bir necha joyda qo`llangan. -andoz so`zi forscha *andohtan* (otmoq, tashlamoq, solmoq) fe`linining hozirgi zamon negizi hisoblanib, aslida ma`no jihatidan“bir kishi uchun solinadiganbuyum” manosida qo`llanilishi mumkin. Lekin “Boburnoma”dayakandoz so`zi – “bir xil, teng; uzun, bir qavat solinadigan ko`rpacha” ma`nolarida qo`llangan.³⁰

Shuni ta`kidlash lozimki, hozirgi o`zbek adabiy tilida qo`llanadigan birdan yettigacha bo`lgan sonlar “Boburnoma”da, asosan, qo`shma so`zlar tarkibida qo`llangan. Masalan: *yakchiroq* (40-bet), *dudar*, *dutahiy* (36, 63-betlar), *semoha*, *seyoran*, *setabaqa* (125, 126-betlar), *se* (uch) soni ayrim so`zlarda son+fel qolipida ham qo`llangan *sepech* (147-bet) *se-uch*, *pech-pechidan* (**ora**) felining hozirgi zamon negizi shaklida.

Chor (chahor), *chorbog`*, *chahorbog`*, *chordara*, *chorsu* (150, 322,172-betlar), *panjbarga* (264-bet), *panjgoh* (229-bet), *panjpahlu* (261-bet), *shashnal* (257-bet), *shashpech* (94-bet), *haftrang* (220-bet), *haftbacha* (119-bet), *haftpayher*, *haftmanzil* (164-bet) larda kelib, aksar joylarda joy nomlarini anglatib kelgan. Sodda sonlarday sakkiz, to`qqiz va o`n sonlari ham, forscha son shaklida ayrim joylarda qo`llangan. *Hashtbihisht*, *hashtiyak* (hasht-sakkiz) va kasr son *hashtiyak* 1/8 shaklida qo`llanganini ko`ramiz.Bu kasr son hozirgi o`zbek adabiy tilida juda kam qo`llaniladi. *Hashtbihisht* joy nomi ma`nosini anglatib kelgan: *jo`ndin o`tub*, “*Hasht bihisht*” *bog`iga keldim* (317-bet).

Hashtiyak kasr soni ham joy nomi ma`nosida ishlatilgan: *Xo`jandning qudug`i*, *kentlari* “*Hashtiyak*” *bag`risi bila mutavajjh bo`ldik* (88- bet).

Forscha o`nlik sonlardan esa *dah* (o`n), *si* (o`ttiz), *chehil* (qirq) kabi sonlar ham asarda qo`llangan. Bu o`nliklar ham joy nomini bildiruvchi so`zlarda, ya`ni *Dahkat* (84-85-bet) va kasr va ***** sonlar ma`nolarida ham qo`llangan. Asarda qo`llangan ushbu sonlarning aksariyati hozirgi o`zbek adabiy tilida hatto o`zbek klassik asarlarida ham juda kam qo`llangan.

Ma`lumki, narsalarning hisobi bilan o`lchash o`bek tilida juda ko`p uchraydigan hodisadir. Hozirgio`zbek adabiy tilida bunday hisoblar,

²⁹Zahriddin Muhammad Bobur“Boburnoma” 49-bet (Keyingi o`rinlarda asarning sahifasi qavs ichida ko`rsatiladi.)

³⁰O`zbek tilining izohli lug`ati 5-tom 101-bet.

asosan, o`zbekcha sonlar bilan ifodalanadi. “Boburnoma”da esa forscha o`nliklarni ifodalovchi sonlarni ham qo`llanganini ko`ramiz: *Ko`p savdogarlar bo`lg`aykim, dah si, dah chihilg`a (o`nga o`ttiz, o`nga qirq – 1/3, 1/4) rozi bo`lmag`ay* (117-bet).

Ayrim sonlarda forscha ko`makchilar ham birga qo`llangan: *Buyurdimkim, butuzalgan yerda hammomning kursisini qo`zg`ondin so`ng hammom tarhini solg`aylar.* Bu hammomning bir uyida dahidardah hovuz buyurdim (327-bet). *Dahidardah so`zidagi dar so`zi aslida o`zbek tilida -da o`rin-payt kelishigi ma`nosida qo`llanadi.* Lekin bu so`z birikmasida -ga ma`nosida qo`llanib, o`nga-o`n hajmdagi o`lchovni bildirgan. Asarda forscha *sad* (yuz), *hazor* (ming) kabi sonlar ham qo`llangan.

Cherik yarog`ig`a va to`p va tufakchining doru va jidog`ig`a payshanba kuni safar oyiningsekkizida jami vajhdorning vajhidin sad-u si farmon bo`ldikim, devong`a bushurib, bu asbob va alobg`a sarf va xarj qilg`aylar (317-bet). Bu gapdagi *sad-usi* bir yuz o`ttiz raqamiga to`g`ri keladi. *Hazor*(ming) soni asarda yigirmadan ortiqo`rinda qo`llangan. *Hazoralar Afg`onistondagи ming qabilalariga tegishli son sifatida qo`llangan.* *Hazoralardin kulliyrog`i Sulton Mas`udiy Hazoradur, afg`onlardin kulliyrog`i mahmand Afg`oniydur* (128-bet).

Jami “Boburnoma”da 114ta forscha sonlar qo`llangan va bularning aksariyati bir va bir necha marotaba takrorlanganligini ko`ramiz.

Asarda sanoq sonlardan tashqari forscha kasr sonlar ham qo`llangan. *O`zbekning son va chahoryak (1/4) chopqonini xabar topib, Qosimbekni cherik bila chopqunchini ustiga yuborduk* (167-bet). *Chahoriyak* so`zi joy ma'nosini anglatib kelgan. Yuqorida ta'kidlanganidek, *hashtiyak* (1/8) kasr soni ham joy nomi ma'nosida qo`llangan. *Yakdahsi, dahchil* (117-bet) o`n-u o`ttiz, o`n-u qirq ham 1/3 va 1/4 bir ma'nolarida qo`llanganini ko`ramiz. Bobur o`z asarlarida forscha sonlarning ham so`zlashuv nutqidagi ham adabiy shakldagi holatda ishlatgan.

Hozirgi o`zbek adabiy tilida chorak (1/4), nimchorak (1/8) so`zлари ham kasr son hisoblanadi. Bu so`z ham yarim so`ziga o`xshash -ta, -tacha, -tadan kabi son affikslarini qabul qila oladi: *chorakta, choraktadan, choraktacha* kabi.³¹

“Boburnoma”da chorak bilan birga *chahoriyak* ***** ham qo`llanilgan va bir ma'noni (1/4) bildirgan.

³¹O`zbektiligrammatikasi. I tom, 329-bet.

Xullas, "Boburnoma"da qo'llangan forscha sonlarning hammasi ham hozirgi o'zbek adabiy tilida qo'llanmaydi. Muallif forscha sonlarni o'sha davr talabiga binoan, asosan, joy nomlari va o'lchov so`zlar ma'nolarida ishlatgan. Asarda qo'llangan *bayakbor*, *chilso`ta*, *chahorqab*, *chahordon*, *dudong* kabi so`zlar o'zbekcha lug`atlarda keltirilmagan. Chunki bunday sonlar hozirgi o'zbek adabiy tilida qo'llanilmaydi. "Boburnoma"da qo'llangan forscha sonlar, asosan, toponimlar tarkibida ot turkumi doirasida ishlatilgan. Asardagi sonlarni o'rghanishda o'quvchi ko`proq lug`atlarga e'tibor berishi lozim.

К ВОПРОСУ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ИНТЕРАКТИВНЫХ УПРАЖНЕНИЙ И ЗАДАНИЙ НА УРОКАХ РУССКОГО ЯЗЫКА

**Ф.С. Касымова,
Х.Бекиева.**

С развитием общества изменяются и приоритеты в образовании. Только недавно мы начинали внедрять активные методы обучения, а сегодня многие основные методические инновации связаны уже с применением интерактивных методов обучения.

Интерактивный ("Inter" - это взаимный, "act" - действовать) – означает взаимодействовать, находится в режиме беседы, диалога с кем-либо. Другими словами, в отличие от активных методов, интерактивные ориентированы на более широкое взаимодействие учеников не только с учителем, но и друг с другом и на доминирование активности учащихся в процессе обучения.

Суть интерактивного обучения состоит в том, что учебный процесс организован таким образом, что практически все учащиеся оказываются вовлеченными в процесс познания, они имеют возможность понимать и рефлектировать по поводу того, что они знают и думают. Совместная деятельность учащихся в процессе познания, освоения учебного материала означает, что каждый вносит свой особый индивидуальный вклад, идет обмен знаниями, идеями, способами деятельности. Причем, происходит это в атмосфере доброжелательности и взаимной поддержки, что позволяет не только получать новое знание, но и развивает саму познавательную деятельность и навыки взаимодействия, переводит ее на более высокие формы кооперации и сотрудничества.

В ходе диалогового обучения учащиеся учатся критически мыслить, решать сложные проблемы на основе анализа обстоятельств и соответствующей информации, взвешивать альтернативные мнения, принимать обдуманные решения, участвовать в дискуссиях, общаться с другими людьми. Для этого на уроках организуются индивидуальная, парная и групповая работа, применяются исследовательские проекты, ролевые игры, идет работа с документами и различными источниками информации, используются творческие работы. Место учителя в интерактивных уроках сводится к направлению деятельности учащихся на достижение целей урока.

Основными составляющими интерактивных уроков являются интерактивные упражнения и задания, которые выполняются учащимися. Важное отличие интерактивных упражнений и заданий от обычных в том, что, выполняя их, учащиеся не только закрепляют уже изученный материал, но и изучают новый.

К интерактивным методам обучения в начальной школе относятся: "Мозаика", "Займи позицию", "Микрофон", "Прима", "Ледокол", "Дерево решений", "Ковер идей", "Пустое кресло", "6x6x6", "Мозговой штурм", "Незаконченное предложение", ролевые игры, проектная деятельность учащихся, и др. Очень оригинальна методика "Шесть мыслительных шляп Дебано", благодаря которой у ребенка развиваются творческие способности.

Методика 6 x 6 x 6 («Шесть на шесть»).

Работа проходит в два этапа.

На первом этапе каждая группа получает отдельное задание. В результате работы участники в группах получают новые знания и умения, при этом каждый из них готовится представить результаты работы своей группы участникам других групп.

На втором этапе идёт смена групп таким образом, чтобы в каждой из новых групп были представители всех групп с первого этапа. Сначала каждый участник в новой группе представляет результаты работы своей группы с первого этапа, а потом вся группа вместе выполняет задания, используя знания или умения, полученные на первом этапе, т. е. рассматривают один вопрос с трёх позиций и вырабатывают общий вывод трёхстороннего сотрудничества.

«Пустое кресло» – дискуссионная методика.

Цель: найти ответ на чётко поставленный вопрос путём обмена мнений. Этот поиск должен подвести учащихся к открытию правды, к определению фактического состояния вещей. Методика «Пустого кресла» развивает критическое мышление, учит аргументировать, задавать вопросы, активизирует большое количество участников, учит культуре дискуссии.

На 3-4 стульях разложить мнения на поставленную проблему разных людей, записанных на альбомных листах бумаги и лист со знаком вопроса «?». Учащиеся знакомятся с разными мнениями и становятся у избранной точки зрения. Тот, кто имеет совершенно другое мнение, становится у знака «?». Каждая группа обсуждает выбранное мнение и выдвигает представителя для дискуссии. Все участники дискуссии сидят по кругу. Дискуссию начинают представители групп, которые сидят на стульях, стоящих друг против друга. Ведущий (учитель) ставит ещё один стул. Если кто-то другой хочет высказаться, то он садится в пустое кресло. В кресле можно сидеть одновременно только одну минуту. Как только учитель (ведущий) услышит то, что является самым важным, прекращает дискуссию.

Интерактивная деятельность на уроках предполагает организацию и развитие диалогового общения, которое ведет к взаимопониманию, взаимодействию, к совместному решению общих, но значимых для каждого участника задач. Интерактивное обучение исключает доминирование как одного выступающего, так и одного мнения над другим.

Использованная литература.

1. Кларин М.В. Педагогическая технология в учебном процессе. – М.: Знание, 2000.
2. Махмутов М.И. Современный урок. – М.: Педагогика, 2003.
3. Махмутов М.И., Ибрагимов Г.И., Чошанов М.А. Педагогические технологии развития мышления учащихся. Казань, тип. ГЖИ, 2001. 88 с.

Жиззах шахри, «Заргарлик» махалласи 32/27.

Электрон почта: biryuza_66@mail.ru.

Телефон: +99893-308-44-25.

АБДУЛЛА ҚАХХОР ҲИКОЯЛАРИДА ЎХШАТИШЛАР

Доцент Т.Алмаматов,
Л.Қаюмова-2-босқич магистранти.

Ўхшатишига атама сифатида луғатларда бир-бирига яқин бўлган таърифлар берилган. Чунончи,” Адабиётшунослик терминлари луғати”да:” Нарса,ҳодиса ёки тушунчани маълум умумийликка, ўхшашликка эга бўлган бошқа нарса, ҳодиса ёки тушунча билан чоғиштириш”³², деб кўрсатилса,”Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да:” Икки нарса ёки воқеа-ҳодисалар ўртасидаги ўхшашликка асосланиб, уларнинг бири орқали иккинчисининг белгисини,моҳиятини тўлароқ,бўрттириброқ кўрсатиб беришдан иборат бадиий тасвир воситаси, кўчимнинг содда тури”³³- деб изоҳланади. “Философия луғати”да:”Айнан бирдай бўлмаган обьектлар ўртасидаги баъзи томонлар,сифатлар ва муносабатлардаги ўхшашликларни аниқлаш, мувофиқлик юзасидан хулоса чиқариш –шундай ўхшашлик асосида қилинадиган хулосалардир”³⁴, деб ўхшатишига таъриф-тавсиф берилади.

Берилган таърифларга эътибор қаратсак,”Философия луғати”да кенг қамровли тушунчалар берилган бўлса, аниқ фанлар луғатларида нисбатан тор доирада аниқ таъриф берилган. Бу таърифларни умумлаштириб, мутахассислар ўхшатиши муносабатининг тўрт унсур(увз)ини кўрсатишади: 1) ўхшатиши субъекти,2) ўхшатиши эталони,3) ўхшатиши асоси,4) ўхшатишининг шакл кўрсаткичи.³⁵

Моҳир сўз санъаткори Абдулла Қаҳхор ҳикоялари тил хусусиятларини ўрганаар эканмиз, унда ўхшатишининг ҳамма унсурларини кўрамиз. Чунончи “Маҳалла” ҳикоясида Ҳикмат буванинг ҳолати шундай тасвирланади.”Шундок Ҳикмат бува бир хафта ўтар ўтмас бир ҳовуч суюк бўлди-қолди” .³⁶

Бу ўринда ўхшатиши субъекти Ҳикмат бува, ўхшатиши эталони –Ҳикмат буванинг бир ҳовуч суюкка қиёсланиши, ўхшатиши асоси-

³² Ҳ.Хомидий,Ш.Абдуллаева,С.Иброҳимова.Адабиётшунослик терминлари лугати.Тошкент,1967,262-бет

³³ Ўзбек тилининг изоҳли лугати,5 томлик,5 –том,Ўзбекистон миллий энциклопедияси нашриёти, Тош.2008 й,185-бет.

³⁴ Философия лугати.”Ўзбекистон”нашриёти,Тошкент,1976,23-бет.

³⁵ Н.Махмудов.Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик-синтактик асимметрия.”Ўқитувчи”нашриёти.Тошкент,1984;Д.Худойберганова.Семантический и стилистический анализ конструкций уподобления в узбекском языке.АКД-Тошкент,1989;М.Йўлдошев,Чўлпон сўзининг сирлари,”Маънавият” нашриёти,Тошкент,2002.

³⁶ Абдулла Қаҳхор,Асарлар,1-том,F.Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти,Тошкент,1967,307-бет.(Бундан кейинги мисоллар шу томдан бети кўрсатилади).

Ҳикмат буванинг ҳолати-бир умр бирга бўлган кампиридан ажрагандаги кўриниши. Ўхшатишнинг шакл кўрсаткичи –лексик грамматик бирликлар-бир ҳовуч суюк ҳамда феълнинг аналитик шакли –бўлди-қолди.

Буюк сўз устаси Ҳикмат бувани бир ҳовуч суюкка ўхшатиш орқали миллатимиз қадрияти –йиллар давомида шаклланган меҳроқибат, бу меҳр кўрсатувидан мосуво бўлиш ўта чиройли ва қаҳхорона сиқиқлик билан ифодаланмоқда. Ҳикмат бува ҳолатини тасвирлаш билан ўзбекларда мавжуд бўлган ва миллий қадрият даражасига кўтарилиган яна бир руҳий кечинма:”қадрдон кишисига мансуб бўлган буюм, ашё, тегишли нарсалар орқали уни хотирлаш берилади”. Бундай хотирлаш кимларга нисбатан бўлади? Бу сўроқнинг жавоби аниқ.

Ҳикмат буванинг ҳолатидаги бир деталь ўқувчини ларзага келтиради. “Кампир бир оёғи оғриб шишганда шу калишнинг жағини кесиб кийган эди. Чол бориб калишни олди, авайлаб артди, уйга олиб кирди. Чол учун кампир гўё қайтадан ўлди”(308-бет). Ҳикмат буванинг “яраси” янгиланди, кампири ўлгандагидан ҳам оғирроқ юк юкланди. Бу парчада, биринчидан, ўхшатиш субъекти-калиш ва унинг эталони калишнинг жағи, калишнинг чекка қисми одам ёки ҳайвон жағига ўхшатиш ҳолати ташки ўхшашлик, ўхшатишнинг шаклий кўрсаткичи лексик воситалар-калиш жағи –калишнинг орқа қисмидир. Иккинчидан, бу эпизод орқали Ҳикмат бува яна бир марта мотамга дуч келмоқда(бу ҳолат кўпчилик одамларнинг бошидан кечган воқеалардир), яъни кампири қайта ўлди, охирги илинжи ҳам йўқолди, ундан фақатгина жағи йўқ калиш хотира бўлиб қолди.

Абдулла Қаҳҳор ҳикояларида лексик-грамматик воситалар ёрдамида ясалган ўхшатишларнинг манбалари хилмажилдир. Уларни бу хусусиятларига кўра бир неча гурухга ажратиш мумкин. Шулардан энг кўп қўлланиладиганини нарса ва предметларга ўхшатишдир.

Нарса-предметларга ўхшатиш, аксарият, лексик воситалар ёрдамида тасвирланган. Чунончи, совуқ эталони шундай берилади:”Йўл бўйидаги ариқлар афти буришганича музлаб қолган, дарахтлар чўлтоқ супургига ўхшайди”(1-том, 280-бет). ” Каравот” ҳикоясида олинган бу парчада табиат инжиқлиги, яъни совуқ, Фаниジョンнинг қувончига тўсиқ бўла олмаслиги ўта қисқа ифодаланмоқда.

-дай аффикси воситасида яратилган ўхшатиш:” Ўнбошининг бошига қандайдир милтиқнинг қундоғи зарб билан тушиб қовоқдай ёрди”. (“Кўр кўзниңг очилиши”, 78-бет), ”Сулаймонов бедананинг сувқўрагидай кичкина хурмачани олдига тортди ва бўлак гап тополмай, қаймоқнинг таърифини қилди”. (“Икки ёрти бир бутун”, 150-бет), ”Ер худди от олиб қочган аравадай кишини иргитиб-ирғитиб ташлар эди” (“Олтин юлдуз” 212-бет).

Билан кўмакчиси воситасида:”Домлага қўл уриш билан маҳалланинг файзини ўғирлаган , одамларнинг дилини ҳамиша ёритиб турадиган чирғни сўндирган бу аёлни кўрган ҳам, кўрмаган ҳам тошни тешадиган бир ғазаб билан ёмон кўтарар эди” (“Тўйда аза”, 171-бет).

Шунингдек, Қаҳҳор ҳикояларида икки марта “калит” лексемаси воситасида ўхшатиш яратилган:”бахтнинг калити” (“Мастон”, 85-бет), ”муҳаббатни ҳар қандай қулфга тушадиган калитга айлантириб” (“Хотинлар”, 265-бет).

Хуллас, Абдулла Қаҳҳор ҳикоялари матнида лексик-грамматик воситалар ёрдамида ўхшатиш қурилмалар ҳосил қилинган. Улар ёзувчи мақсадини ҳам лексик йўл билан, ҳам грамматик(морфологик-синтактик) йўл билан амалга оширишга хизмат қилган. Буюк ижодкор ҳикоялари тилини ўрганиш унинг асарлари лингвопоэтикасини ишлашга қўшилган ҳиссадир.

АЛИШЕР НАВОЙНИНГ “МУҲОКАМАТУЛ ЛУГАТАЙН” АСАРИНИНГ БАЪЗИ ТИЛ ХУСУСИЯТЛАРИ

Катта ўқитувчи

**З.Узокова, З.Абдумўминова
магистрант СамДЧТИ**

Алишер Навоийнинг ижодини адабиётшунослик нуқтаи назаридан ўрганиш қанчалик зарур ва аҳамиятли бўлса, унинг тилини, лингвистик фаолиятини, ўзбек адабий тилини яратиш соҳасидаги буюк хизматларини тилшунослик нуқтаи назаридан ўрганиб чиқиш ҳам зарурдир.

Алишер Навоийнинг “Мухокаматул лугатайн” (икки тил муҳокамаси) номли асари шоир вафотидан икки йил олдин, яъни хижрий 905, милодий 1499 йилда ёзилган.

Асарда Алишер Навоийнинг лингвистик қарашлари, тилнинг кишилилк жамиятида тутган ўрни ва аҳамияти, тил ва тафаккурнинг ўзаро боғлиқлиги, айрим тилларнинг келиб чиқиши, туркий (ўзбек)

тил лексикасининг бойлиги баъзи фонетик хусусиятлари, турли услубий воситалари, сўз ясалиши каби масалалар теран ёритилган.

Алишер Навоий асарлари тили бутун бир давр, бутун бир халқнинг адабий тилидир. Чунки Алишер Навоий XV асрда ўзбек адабий тилини яратар экан, бир қанча халқларнинг тилларидан озиқланганидек у асос солган адабий тилдан биргина ўзбек халқи эмас, балки бутун Ўрта Осиё ва айрим бошқа туркий халқлар ҳам фойдаланиб келганлар. (Х.Дониёров Алишер Навоий ва ўзбек адабий тили Т. 1972 5-6-бетлар)

Алишер Навоий ушбу асарида ўз халқининг она тилини ёқлаб, унга юксак баҳо бериб, унинг тўла қонли равишда адабий тил бўла олиш ҳуқуқига эга эканлигини алоҳида таъкидлайди. Бунда турк (ўзбек) ва сарт (форс-тожик) тилларини бир-бирига қиёслайди. Икки тилнинг айрим хусусиятларини ўзаро солиширишдан кўзланган асосий мақсад турк (ўзбек) тилининг бой, шу билан бир қаторда мукаммал тил эканлигини, нозик ҳис-туйғуларни, мураккаб фикрларни бемалол ифодалаши, ўзаро алоқа эҳтиёжларини қондира олиш мумкинлигини кўрсатиб берган.

Алишер Навоий ўз давридаги адабий тилнинг барча фонетик хусусиятлари тўғрисида фикр юритади. Шу билан бир қаторда араб алифбосидаги (вов) ҳамда (ёй) ҳарфлари иштирок этган сўзлар сони форс тилида иккidan ошмаслиги, туркий тилда эса уч-тўртдан кўплиги ҳақида тушунтириб, шу ҳарфлар ифодалайдиган унли товушларининг ҳар хил талаффуз қилинишига алоҳида тўхталиб ўтади. Масалан:

От-олов

От-ўтишга буйруқ

Ут-қиморда ютмоққа буйруқ

Ут-каллани оловга тутиб, тукини кетказишга буйруқ

Ёки

Тор-қуш овланадиган тўр

Тор-қуш ўтирадиган ёғоч

Тор-эшик ёки деразадан нақшли парда

Тор-уйнинг хонанинг тўри

Биз-кишилик олмоши

Бэз-гўштдаги без

Би з-бигиз

Тэр-теришга буйруқ

Тэр-бадандан чиқадиган тер

Тир-ўқ, найза (Х.Дониёров Алишер Навоий ва ўзбек адабий тили Т. 1972. 143-144 –бетлар.

Ушбу Алишер Навоий томонидан маъноси изоҳланган сўзларнинг фонетик таркибидаги унлилар эски ўзбек тилида бир-биридан фарқланганлигини кўрамиз. Жумладан орқа қатор а, ў, у, о олд қатор унлилар а, э, и, о, у.

“Муҳокаматул луғатайн” асарида ўзбек тилидаги сўзларнинг ясалиши, айрим сўз ва сўз формасини ясовчи қўшимчалар ҳақида фикр юритилади. Жумладан –чи қўшимчаси ўша давр тилида сермаҳсул от ясовчи қўшимчалардир. Шу қўшимча орқали ясалган қўйидаги сўзлар форс-тожик тилига ўзлашиб қолган. Масалан:

Улар биринчидан, мансаб, касб ва хунар отлари ясади. Кўрчи (гвардиячи), сувчи (мироб)

Иккинчидан, баъзи сўзлар охирига –вул қўшимчаси қўшилиб мансаб отлари ясалади. Бундай сўзлар подшоҳларнинг қўшинлари ва саройларида ишлайдиган ҳарбий атамалардир. Масалан хировул (авангард, қўшин бошида борадиган отряд), сақовул (қаровул бошлиғи), шифовул (элчиларни кузатиб борувчи).

Учинчидан, айрим ҳарбий атамалар яна –л қўшимчаси билан ҳам ясалади. Масалан кабал (қамал), тўскол (соқчи, қоровул), севарғол ёки суғорғол (инъом этилган улуш), тутқол (хазиначи, қимматбаҳо буюмларни сакловчи)

Тўртинчидан, аслий сифатларни такрорлаш ва такрорланувчи сўзнинг бош қисмига п ёки м товушини қўшиш орқали сифатнинг интиنسив шакли, яъни белгининг ўта ортиқлигини кўрсатувчи сифат ясалади. Масалан бўм-бўз, чуп-чукур, яп-яssi, сап-сариф, қоп-қора ва бошқалар.

Бешинчидан, феъл ўзагига –т қўшимчаси қўшиш орқали феълнинг ортирима нисбат шакли ясалади. Масалан югурт, қилдирт, яшурт ва бошқалар. (Х.Дониёров Алишер Навоий ва ўзбек адабий тили Т. 1972. 145-147-бетлар)

А.Навоийнинг “Муҳокаматул луғатайн” асарида кўрсатилган мисоллар ўзбек тилининг тарихий морфологиясини хусусан, сўз ясалиши масалаларини ўрганишда бекиёс аҳамиятга эга. Бунда кўрсатилган баъзи сўз шакллари ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳам қўлланиб келинмоқда.

Бугун бобомиз орзу қилганadolat туғу баланд, инсон қадри азиз, маърифат нури чароғон бўлган мустақил диёrimизда азиз

хотирасини муносиб эҳтиром билан ёдга олиш, асарларидағи эзгу ғояларни ҳаётимиз тамойиллариға айлантириш, чексиз фахр ва ифтихор туйғуларини бахш этади. Навоий даҳоси ва унинг бой мероси том маънода чексиз ибрат ва илҳом манбаидир.

SIFATLARNING YASALISHINI O‘TISHDA GRAMMATIK O‘YIN TOPSHIRIQLAR QO‘LLASH

Dots. T.Almamatov,

M. Egamjonova 4-kurs talabasi

Uzviylashtirilgan davlat ta’lim standartlariga ko‘ra, она тили о‘qitishda ko‘rgazmalilik hamda turli grammatik o‘yin topshiriqlar qo‘llash asosiy vazifa qilib belgilangan. Darhaqiqat, dars jarayonida turli xil o‘yin-topshiriqlarni qo‘llash, birinchidan, dars samaradorligini oshirsa, ikkinchidan o‘quvchilarni toliqtirmaydi. Darsning har qanday o‘rnida xususan o‘quvchining ruhiy holatiga qarab o‘yin-topshiriqlarni qo‘llash ko‘zlangan maqsadni beradi. Biz bu o‘rinda yasama sifatlarni o‘tishda qo‘llash mumkin bo‘lgan ayrim o‘yin-topshiriqlarni qo‘llashni tavsiya qilamiz.

O‘quvchilar sifat mavzusini morfologiya bo‘limida o‘rganadilar. Sifat boshqa so‘z turkumlaridan farqli ravishda predmetning belgisini bildiradi. Ammo shuni ta’kidlash lozimki, belgini faqat sifat bildirmaydi, belgi bildiruvchi so‘z turkumlariga ravishni ham misol tariqasida keltirish mumkin. Ravishlar harakat belgisini va belgining belgisini sifat kabi darajalab, boshqalariga chog‘ishtirib ko‘rsatish xususiyatiga ega.

M: Zaynab, ilgariroq, Kumush keyinroq ichkariga kirishdi.

Ayrim ravishlar otga bog‘lanib, narsaning belgisini bildirishi mumkin.

M: Oz so‘z—soz so‘z.

Ammo belgi ma’nosini anglatish xususiyati, vazifasi va boshqa – boshqa so‘zlarga bog‘lanishi jihatdan ravishlar sifatdan farq qiladi. Sifat asosan otga bog‘lanib narsaga xos turg‘un belgini bildiradi va sifatlovchi vazifasida keladi.

Solishtiramiz: Ona qizining tim qora sochlarni, uzun nozik, barmoqlari bilan siladi (sifat).

Muhiddin bilan Salimjon ruxsat so‘rab, ichkari kirishdi (ravish).

O‘quvchilarga sifat mavzusini yaxshiroq tushunishlari uchun quyidagi o‘yin- topshiriqlarni o‘tkazish mumkin.

Sinf o‘quvchilarini 3 guruhga bo‘lamiz. Ularni qanday? qanaqa? qaysi? guruhlariga ajratamiz. Ular shu so‘roqlarga javob bo‘luvchi so‘zlarni topib guruhlarga ajratishadi.

Qanday?
baland bino

Qanaqa?
qiziq gap

Qaysi?
kuzgi ekin

Bu shartni belgilangan vaqt ichida yakunlagan guruh o‘quvchilariga rag‘bat beriladi. Bunday o‘yinlarni yangi mavzuni o‘tish oldidan o‘tkazib, sifat haqidagi o‘quvchilarni dastlabki bilimlarini olib, undan so‘ng dars yakunida o‘tkazib, ularni qay darajada darsni tushunganlarini aniqlab olish mumkin. Bu ham darsni sifatini oshirishga xizmat qiladi. Sifat ham boshqa so‘z turkumlari singari yasalish xususiyatiga ega. Sifatlar tarkibiga ko‘ra tub va yasama sifatlarga bo‘linadi. Tarkibida so‘z yasovchi qo‘shimchalar bo‘lmagan sifatlar tub sifatlar, asos va yasovchi qismlardan iborat bo‘lgan sifatlar yasama sifatlar hisoblanadi. Yasama sifatlar asosga qo‘shimchalar qo‘shish yoki so‘z qo‘shish yo‘li bilan hosil qilinadi.

Bu qoidani o‘quvchiga tushuntirishda o‘quvchilarni shu mavzu yuzasidan turli o‘yin-topshiriqlarga jalb qilish lozim. O‘quvchilarga yasama va tub sifatlar aralash holda beriladi. Ular guruhga bo‘linib birinchi guruh tub sifatlarni ikkinchi guruh yasama sifatlarni topib, ajratib jadvalga yozishadi. Bu o‘yin orqali o‘quvchilarning ham o‘rta darajadagi, ham yuqori darajada o‘zlashtiruvchi o‘quvchilarni birdek baholash mumkin.

Bu jarayonda o‘qituvchining maxorati, tashabbuskorligi aloxida ahamiyatga ega. Masalan: o‘rta darajadagi o‘quvchilar tub sifatlarni ajratishsa, yuqori bilimga ega bo‘lgan o‘quvchilarga esa yasama sifatlarni toppish vazifasini berish maqsadga muvofiq.

Yaxshi, kamtar, chiroylı, keng, katta, shirali, mazmundor, serunum, oq, mevali, mayin, bilimli, olmiy, devoriy, dono, xokisor.

Sifat yasovchi qo‘shimchalarga –li, ser-, - dor, - siz, no-, -chan, -ma, -iy, (-viy) kabilar kiradi. Bular ichida –li, -dor, ba-, ser-, -mand qo‘shimchalari asosida belgiga egalikni ifodalovchi, ifodalangan belgiga ega emaslikni bildiruvchi no-, -siz, be- qo‘shimchalari bilan zid ma’noli hisoblanadi.

O‘quvchilar bu qoidani isbotini quyidagi o‘yin orqali ko‘rishlari mumkin. Ularni “Tublar” va “Yasamalar” nomi bilan 2 guruhga ajratamiz. O‘yinning sharti quyidagicha, birinchi guruh tub sifatlarni, ikkinchi guruh yasama sifatlarni yozadi.

O‘yin nihoyasida o‘qituvchi ikkala guruhning bajargan ishlarini tekshirib umumlashtiradi. So‘ng ularga sifat faqat qo‘sishma qo‘sish bilan emas, balki so‘zga-so‘z qo‘sish orqali ham yasalishini tushuntirishi zarur. Yana shu o‘rinda ularning imlosiga ham to‘xtalgan ma’qul. Bunda o‘quvchilar ko‘p xatoliklarga yo‘l qo‘yishadi. Ya’ni yasama sifatlarni ajratib yozish holatlari kuzatiladi. Yasama sifatlar ot+ot shaklida (mexmondo‘st) sifat+ot shaklida (sofdil) bo‘lishi haqida tushuntirishda uning amaliy qismiga ko‘proq to‘xtalgan yaxshiroq.

Bunda “Izlab top” o‘yinini o‘tkazish mumkin.O‘quvchilarga turli turkumga oid so‘zlar beriladi. O‘quvchilar shu so‘zlarni bir – biriga qo‘sish orqali yasama sifat hosil qilishadi. Och, jigar, ko‘z, hayot, bag‘ir, tosh, baxsh, ish, fahm, kalta, yoqmas, parvoz, baland, rang. Na’muna: ochko‘z, balandparvoz.

Bu o‘yin nihoyasida o‘qituvchi natijalarni umumlashtiradi. Ularning kamchiliklari va yutuqlarini keltirib o‘tadi.O‘yin nihoyasida o‘qituvchi o‘quvchilarga yasama sifatlar hech qachon ajratib yozilmasligini, ajratib yozilganlari esa xato hisoblanishini uqtirishi maqsadga muvofiq sanaladi. Dars nihoyasida esa biror hikoya yoki qissadan yasama sifatlarni topish vazifa sifatida berish mumkin. Darsda mavzuni tushungan o‘quvchi kitob varaqlab yasama sifatlarni qidirishdan zerikmaydi.

Xulosa o‘rnida shuni ta’kidlash lozimki, sifatlar belgini o‘zicha ayrim olingan holda bildirmaydi, balki belgini predmet tashiydi borliqdagi u yoki bu narsa hodisalarga tegishli holda anglatadi. Shuning uchun sifat, odatda , narsa va hodisalarning nomi bo‘lmish otlarni aniqlab keladi.

НОФИЛОЛОГИК ФАКУЛЬТЕТЛАРДА ЛЕКСИКОЛОГИЯ БЎЛИМИНИ ЎТИШ

**Катта ўқитувчи Л.Ибрагимова,
М.Убайдуллаева З-курс талабаси.**

Талабаларнинг сўз бойлигини оширишда синонимлар, антонимлар, омонимлар, фразелогик бирикмалар, уядош сўзлар устида ишлаш мақсадга мувофиқдир. Дарс жараёнидаги ҳар бир мавзу ёзма ва оғзаки нутқнинг бойишига қаратилиши лозим.

Сўзларни ўринли қўланиш бадиий тилдаги умуман, бадиий ижодиётдаги муҳим масалалардан биридир.Худди шу нуқтаи назардан тилдаги сўзларнинг маъно ранг-баранглигини, улардаги

турли эмоционал буёқларни илғай билиш ғоят зарур. Нутқни бой хазина билан бойитишнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у фақат ўзбек тили машғулотларида эмас, балки фаолиятнинг барча жабҳаларида оила, кўча, мактаб шунингдек, фанларни ўқитиши жараёнида эгаллаб борилади.

Тил ҳодисаларини ўрганишда сўз, унинг маънодошлари, шаклдошлари, уядошлари, ҳар бир сўзнинг ўз ва кўчма маънолари талафзузи, имлоси устида изчилик билан ишлаш ўзбек тили дарсларидаги асосий машғулотларига айланмоғи зарур. Бунинг учун ўкувчи ўз фикрларини мустақил ва ижодий шаклда, ёзма ва оғзаки кўринишларда баён этиш устида узлуксиз шуғулланиши керак.

Ўзбек тили грамматикасининг расолиги жуда кўп ғарб олимлари (мисоли, олмон филологи Макс Мюллер ва бошқаларни ҳайратга туширган). Зотан, ер юзидағи, каттадир кичикдир, барча тилларнинг негизини грамматика ва сўз бойлиги ташкил этади.

“Тилнинг бойлиги, энг аввало, унданда сўз хазинасида намоён бўлади. Айни пайтда жамият тарихининг баланд-паст, одил-ноодил, маъкул-номаъқул йўлларида воқе бўладиган минг бир эврилишлар, “шунчаки” деган сўзнинг нимжонгина елкасини базур банд қиласиган воқеадан тортиб, жаҳоншумул деган ўлчовларнинг белини букиб ташлайдиган ҳодисаларгача, ҳеч шубҳасиз, тилнинг ана шу ҳажмдор ганжинасида ўз аксини топади”.

“Лексикология” бўлимини ўргатиш жараёнида бу бўлимга оид материалларни талабаларнинг нутқи тараққиётига хизмат қилдириш мақсадида қуйидаги иш усулларига алоҳида эътибор бериш лозим.

1. Сўзнинг ўз ва кўчма маъноларини билсаларгина, нутқда ундан тўғри ва ўринли фойдаланадилар.

Бош-одамнинг, кўчанинг боши...

Бу гаплардаги “бош” сўзи қайси гапда ўз маъноси ва қайси гапда кўчма маънода қўлланилганлигини аниқлаш орқали талаба мустақил фикрлашга ўргатиб борилади.

2. Маънодош сўзлар устида ишлаши тилимизнинг лексик бойлиги, нутқимиз гўзаллиги ва сўзларни ўз ўрнида қўлланганлигини замин ҳозирлайди.

Талабаларнинг синоним сўзлардан қанча кўп фойдаланса, фикрни баён қилиш имкониятлари шунча кенг бўлади. Масалан: аччиқланмоқ, ғазабланмоқ, қаҳраланмоқ, битирмоқ, тугатмоқ,

жилмаймоқ, илжаймоқ, томомламоқ, иржайламоқ, тиржаймоқ, тамом қилмоқ, жилмаймоқ, иршаймоқ каби сўзлар берилган бўлса, уларнинг маъноларига кўра фарқланишига қараб талабларни уч гурухга ажратиш мумкин ва ушбу сўзларни маъноларига қараб, синонимлик рўйхатини тузиш талабаларга топишрилади.

1-гуруҳ: битирмоқ, тугатмоқ, томонламоқ, тамом қилмоқ нимани англатади.

2- гуруҳ: жилмаймоқ, илжаймоқ, иржаймоқ, тиржаймоқ, иршаймоқ нимани англатади.

3- гуруҳ: аччиқланмоқ, ғазабланмоқ, қаҳрланмоқ нимани англатади.

Маънодош сўзлар устида ишлаш жараёнида гапда маълум бир сўзниг маънодоши билан алмаштириш талабаларнинг сўз топлаш моҳиятини кенгайтиради.

3. Талабалар нутқини қарама-қарши маъноли сўзлар билан бойитишда берилган сўзлардан қарама-қарши маъноли сўзлар танлаш муҳим аҳамиятга эга.

Баланд-паст, яхши-ёмон, катта-кичик, ширин-аччик каби қарама қарши маъноли сўзлар билан бирга ишлатилладиган сўзларни ажратиб, уларнинг маъносини шарҳлаш, қеча-кундуз, ота-она, ўғил-қиз, оқ-қора сингари жуфт сўзларнинг маъноси устида ишлаш, қарама-қарши маъноли сўзлар рўйхатини тузиш каби амалий ишлар анча фойдалидир.

Қарама-қарши маъноли сўзларни ўргатиш жараёнида ўзбек халқ мақолларига ҳам мурожаат қилиш мумкин.

Кўп бўлса кетар, Оз бўлса етар

Шакилдош сўзлар устида ишлаш ўқувчилар нутқини тараққий эттиришда муҳим аҳмият касб этади. Талаба нуқини омоним сўзлар билан бойитишда, айниқса, сўзларнинг маънолари устида ишлаш анча фойда беради.

Яхшилар инсоннинг кўнглини безар

Ёмонлар феълидан одамлар безар

Инсонга ой олиб бергандан кўра

Киши кўнглини тўлдир, бекумуш безор.

4. Ибора одатда бир сўзга тенг келадиган сўзлар кўнимкмаси. У нутқимизни бойитадиган, гўзаллаштирадиган ва таъсирчанликни оширадиган муҳим воситалардан бири ҳисобланади. Талабалар нутқини иборалар билан бойитиш учун, айниқса, берилган сўзлар иборалар ёки, аксинча, берилган ибораларнинг маъносини

шарҳлаш уларнинг рўйхатини тузиш каби амалий ишлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

1. Тепа сочи тикка бўлмоқ –ғазабланмоқ
2. Бармоғини тишламоқ-афсусланмоқ

Ўзбек тили дарсларида кўпроқ халқ мақоллари, ибора ва ҳикматли сўзларнинг маъноларини шарҳлаш маълум бир халқ мақоллари уларнинг бошқа шакллари билан алмаштириш амалий ёрдам кўрсатади.

Нутқи бундай ибора, матал ва мақоллар билан бойитиш, талабаларни чечанликка, ўйлаб фикр юритишга ундейди. Буларни ўрганишда ўзбек тилининг лексикалогия бўлимининг хизмати катта.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Н. Махмудов “Тилимизнинг тилла сандиги” Тошкент 2012
2. Н. Жамолхонов “Хозирги ўзбек адабий тили” Тошкент 2005
3. “Ўзбек тили практикуми”. Тошкент

ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИ ТИЛИДАГИ ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАР ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

**Ўқитувчи, З. Жумаева,
Ўқитувчи, Д.Файзуллаева**

Ўзбек тили системасидаги фразеологик бирликларнинг нутқда тайёр ҳолда ишлатилиши тилнинг социал ҳодисаси сифатида инсон фаолиятининг турли соҳалари билан боғлиқ бўлган вазифаларга мослашганлиги билан изоҳланади.

Сўзларнинг қўлланиш доираси ва хусусиятлари тил воситаларининг нутқ турларига кўра ажратилишини, бу ҳол эса адабий тилнинг бир қанча услубларининг жамлигидан иборат эканлигини кўрсатади.

Тил воситаларининг маълум бир функционал стилга кўра хосланиш хусусияти фақат лексикада эмас, балки тилнинг бошқа сатҳлари каби фразеологияда ҳам кузатилади. Функционал услуг дейилганда, ўз таркибий қисмларидаги унсурларнинг нисбатан турғунлиги билан фарқланувчи мураккаб нутқий системани англаймиз. Сўз ёки ибораларни услубий жиҳатдан таснифлаш уларнинг эмоционал-экспрессив хусусиятлари билан чамбарчас боғланиб кетади. (1).

Фразеологик бирликлар ҳам луғавий бирликлар сингари барча учун баробар ва тушунарли бўлса, улар умумхалқ фразеологик бирликлари дейиллади. Улар ҳам услубий нуқтаи назардан муайян

бир услубий кўринишга хосланмаган бўлади. Бундай фразеологик бирликлар ўзбек халқ достонлари лексик составининг муайян қисмини ташкил этади. Бу эса ўз навбатида сўзга чечан халқ баҳшиларининг ўз асарларини ширали тил билан, таъсирчан, образли ифодалашга ёрдам беради. (2).

Ўзбек халқ шоири Ҳамид Олимжон Фозил шоир куйлаган “Алпомиш” достонини нашрга тайёрлар экан, ундаги луғавий ва фразеологик бирликларнинг ранго-ранг жилосига ҳайратланиб; “Алпомиш”да бутун ўзбек тилининг тил-бойлиги акс этган” деб юксак баҳо берган. Кузатишимиз натижалари шуни қўрсатадики, Фозил шоир, Ислом шоир, Пўлкан шоирлар репертуаридаги достонларидағи фразеологизмларга нисбатан Эргаш Жуманбулбул ўғли куйлаган достонлар тилида учрайдиган фразеологизмлар табиати, таркиби ва миқдори жиҳатидан бир-биридан тубдан фарқ қиласди. Бунинг объектив ва субъектив сабабларидан бири, бизнингча шундаки, Эргаш шоир мадраса кўрган, саводхон шоир эди. Шу билан бирга 5-6 достонни ўз қўли билан ўзбек фольклористикасининг жонкуяр асосчиларидан бири профессор Ходи Зарифнинг илтимосига кўра ёзиб топширганидадир. Демак, у ёки бу достон лингвистик аспектда текширилганда, ким? қачон? ва қай даражада? куйлаганлиги ҳамда ёзиб олганлигини ҳисобга олиш лозим. Акс ҳолда тадқиқот саёз ва бир томонлама тавсифланган бўлади.

Биз тадқиқот обьекти сифатида ўрганган “Алпомиш”, “Ёдгор”, “Равшан”, “Рустам”, “Муродхон”, “Ойсулув”, “Ширин билан Шакар”, “Маликаи айёр”, “Кунтуғмиш”, “Балогардон”, “Интизор” ва “Орзигул” каби ўзбек халқ достонлари тилидаги умумистеъмолдаги фразеологизмлар семантик хусусиятларига кўра инсон ҳаётининг турли жабҳаларига тааллуклидир.

Достонлар тилида умумистеъмолдаги фразеологик бирликлардан ташқари достонлар тилига хосланган фразеологизмлар ҳам катта ўрин тутади.

Улар, асосан, инсон психологияси билан боғлиқ жараёнларни жозибали ва таъсирчан ифодалаш учун хизмат қиласди: достонлардаги персонажларнинг хурсандчилиги, қайғу, азоб-уқубати каби хусусиятларни ифодалашда ўринли қўлланган. Қуйидаги мисолларга эътибор берайлик:

- Бейлар иккови Шоҳимардон пирининг равзасига қараб жўнамоқчи бўлиб, минди бедов отти, уч кун тинмай йўл тортди. (А 6).

- Бор, ундај бўлса, биз ҳам дунёниг баҳридан ўтдик, -деп таппа тушиб, равзада турватниг остида ётди. (А 6).

- Бу сўзни эшитиб, бийларниг жуда вақти хуш бўлиб, “тилаганимиз қабул бўлди”, деб кўнгли тўлиб, минди бедов отти. (А 7).

- Иккови айтди: “Бизлар ҳам бир шоҳлик шавқатини қилсак, овга чиқиб кетсак, фарзандлар ер юзига тушса...”, деб бу ўйларни ўйлаб бийлар овга жўнаб кетди. Сенинг қўлинг хамирга ботадиган бой бир эрга берамиз (Юсуф ва Аҳмад, 158).

- Ким маслаҳат берса кесар бошини:

Маслаҳат бермаймиз Бойсарибийга

- Ҳамма ҳам сендайин кўзини ёшлаб,

Закот деб чиқарди бир ишни бошлаб.

Учирдим бошимдан давлат қушимни

Қўлимдан олдирдим гул бувишими (Б.15).

Мисоллардан кўринадики, достончиларимиз
умумистеъмолдаги фразеологизмлардан оқилона, ўринли
фойдаланганлар, чунки улар ҳар бир сўз ва таъбирни ёки мақол,
матални яхши билганлар.

Адабиётлар:

- Рахматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари. Тошкент, 1966, 226-бет.
- Райзензон Л. И.О. Понятии фольклорная фразеология “Проблемы устойчивости, вариантиности”. Тула: Тульский госпред институт им. Л.Н.Толстого. 1968 г. Ст-78-81
- Мирзаев Т. Алномиши достонинг ўзбек вариантлари. “Фан”, 1979.

SO‘ZLASHUV NUTQIDA VARIANTDOSHLIK

Dots. M.Tursunpo‘latov,
N.O‘ralova 1-bosqich magistranti

So‘zlashuv nutqi hodisasi deyilganda shu nutqqa hos vaziyatboblik, erkinlik, dialogik, yuzma-yuzlik, tayyorgarliksiz yani to‘g‘ridan-to‘g‘ri so‘zlashuvchi, hozirjavoblilik, erkinlilik, etikaviylilik, intanatsion vositalar, mimika ta’sirchanlik, ko‘chma ma’nodagi nozikliklar talaffuzdagi qisqaliklarni taminlovchi fonetik, morfologik formolar tushiniladi. Ma’nolarda qayd etilishicha so‘zlashuv nutqining quyidagi masalalari munozaralidir:

1. So‘zlashuv nutqi maxsus slashgan , oziga xos sistema sifatida ;

2.So‘zlashuv nutqi barcha stillarda funksiya otovchi nutqiy tip sifatida;

- 3.So‘zlashuv nutqi quyi stil-kundalik turmush nutqi sifatida;
- 4.So‘zlashuv nutqi yordamchi uslub ko‘rinishlaridan biri sifatida;
5. So‘zlashuv nutqi adabiy tilning nutqiy ko‘rinishlari sifatida;
6. So‘zlashuv nutqi adabiy tilning og‘zaki shakli bilan aloqador nutqiy til sifatida;

7. So‘zlashuv nutqi yarim dialogik sifatida;

8. So‘zlashuv nutqi fonetikasi va boshqalar;

Ma’lumki, badiiy asar tili jonliligi, ta’sirchanliligi emosionalligini ta’minlovchi bir qator vositalar mavjuddir. Bular: dialektizmlar jargo va argolar so‘zlarni to‘g‘ri talaffuz qilmaslik,o‘zlashma so‘zlarni buzib talaffuz qilish; So‘zlashuv nutqi so‘zlarning tarkibiga ortiqcha so‘zlarning qo‘shilishi.

Ma’lumki, so‘zlashuv nutqida so‘zlarni talaffuz qilish jarayonida turli fonetik o‘zgarishlar yuz beradi. Bu fonetik o‘zgarishlar fonetik variantlarni yuzaga keltiradi. Masalan: nayrangboz – nayrangvoz, xunarboz – xunarovoz, xo‘rozboz - xo‘rozvoz, gashtakboz – gashtakvoz,qulbachcha-qulvachcha kabi.Bunday variantlarning biri adabiy tilga, ikkinchisi oddiy so‘zlashuvga xos bo‘lishi mumkin.

Fonetik variantlar so‘zni tovush tomondan farqlanishi asosida hosil bo‘ladi.

So‘zlashuv nutqida so‘z sostavidagi tovushlarni qisqartirishga, so‘z qo‘llashda ixchamlilikka intilish mavjuddir. Masalan: To‘rtta – to‘rta, barobar – barovar, barakali – barokatli, obro‘ - obro‘y, bebosh – bevosh kabi.

-Bu ketishda, - dedi bobo ishlarga javr bo‘ladi. Buni oldini olmasak bo‘lmaydi. (“Sharq yulduzi”). -Bu qishloqdan obro‘yli - obro‘chali, oqimishli kishilar ko‘plab chiqqan, - dedi Usmon bobo quvona –quvona . (“Sharq yulduzi”).

Suv keladi aridan aridan ham naridan akaginang aylansin kokilingning tilidan.(“X.Q”)

Fonetik so‘z variantlariga xos eng muhum hususiyatlaridan biri variantlardan birining adabiy tilida,ikkinchisining dialektal yok oddiy so‘zlashuvga hosligidir.

Masalan –Bozorlarda borgan sari gursak qovunlarining navlari kamayinb bormoqda (J.S).-Bu ko‘ylaklar ozimizning shoyidan tikilgan.Barcha yoshdagи ayollarga mo‘ljallangan(Teleeshittirishdan).- Aravaning shotisi sindi aravani tuzatish uchun ikki kun vaqt ketdi

.Aravadagi qovunlar ezilib bitti,-dedi yigit javdirab (“Sharq yulduzi”). Bir qator fonetik variantlar badiiy adabiyot tilida ham uchraydi, lekin bunday variantlar shevalarga hos variantlari bilan farqlanib turadi. Bunday holat ma’lum ma’noda nutq uslubiga halaqt beradi .Masalan.-cho‘lga ko‘chamiz,qavun-tarvuz ekamiz odamlar qatori harakat qilamiz odamlarday yasheymiz.(N.S).-keltirilgan misollardagi qavun,arava so‘zlari nutq uslubini buzadi.Yoki :Oddiy so‘zlashuv elementlarini,dialekt va shevalarga xos leksik vositalarni ishlatish,so‘zlarni ba’zan qisqaroq formalarda ishlatish,badiiy nutqda ham shu nutqning xususiyatlaridan kelib chiqib ,adabiy tildan tashqaridagi leksik vositalarni ishlatish mumkunligi nazariy manbalarda qayt etiladi.Masalan .

-Qobil !Sani foydanga biru nol.

-Maning foydamgamas.Sani man bir kamdamis...

-Durus(t) , (“Jahon adabiyoti 90b aprel 2001-yil”)

Ma’lumki adabiy til o‘z asos e’tibori bilan umum xalq tilining oliv formasi sanaladi. Bu nutq halq tal’antlari, so‘z san’atkorlari olimlari tamonidan sayqallangan qayta ishlangan nutqdir.

Adabiy til normalarini saqlashda ,so‘zlovchi oz nutqini ravon aniq holatda tinglovchiga yetkazishda nutq tovushlarini to‘g‘ri talaffuz etishning muhum ahamiyati mavjuddir. Har bir so‘zdagi tovushlarni noto‘g‘ri, noo‘rin talaffuzi fonetik varientlarni yuzaga kelishiga sabab bo‘ladi .Bunday holat-g‘,-g,-r,-p,-l,-o‘,-y tovushlarining talaffuzlarida yorqinroq ko‘zga tashlanadi.

Qator yillardan buyon maktablardagi kuzatuvlarimizdan shu narsa oydinlashdiki,o‘quvchilar adabiy nutq bilan dialektal so‘zlarni,omonim paronim so‘xlarni farqlamaslik natijasida fonetik variantlar ham yuzaga keladi.Masalan.Man bu kun maytabga borolmabman (Jonli nutqdan).-Ukam bevosh bolalaga qo‘shilganini bilnapman.Atam bilsala mani ham ukamniyam o‘ldiradila.(Jonli nutqdan)

O‘quvchilar nutqida uchraydigan bunday xatoliklarni bartaraf etishni turliyo‘llari mavjuddir.Hozirgi kunda yangi pedagogik texnologiya asosida dars o‘tishning turli yo‘llari mavjuddir. Masalan:”zig-zak”,”aqliy hujum”kabi.Lug‘at doskasi ustida ishslash,to‘g‘ri talaffuz eting.

Xulosa qilib aytganda badiiy adabiyot tilida (qahramonlar nutqiga beriladigan),o‘quvchilarning kundalik so‘zlashuv nutqida uchraydigan ko‘pgina bunday xatoliklarni bartaraf etish mumkin.

Adabiyotlar ro‘yxati:

1.Begmatov E,Boboyeva A,Abdurahmonov M,Umurqulov B “o‘zbek nutqi madaniyati asoslari ”Toshkent”fan ”.1989y.114-bet.

“БОБУРНОМА”ДА ҚЎШМА ФЕЪЛЛАР ТАРКИБИДА ФОРСЧА СИФАТДОШЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИШИ

Катта ўқитувчи А.Абдувалиев, З.
Абдимўниова СамЧТИ магистри

Буюк тарихнавис ва мутафаккирнинг асарида бошқа сўзлар каби форсча сифатдошлар ҳам қўлланилган. Булар асосан кесимлик қўшимчалар ва қўшма феъллар таркибида от, сифат каби маъноларда қўлланган. Маълумки ҳозирги замон сифатдоши форс тилида –анда (-увчи), -он, -о (диган, идиган, -ар) қўшимчалар маъносини билдириб келган.

-анда (унлилар билан тугаган сўзларда -янда) қўшимчаси ёрдамида сифатдош ясалади. Бу аффикс ёрдамида ясалган сифатдошлар форс тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам жуда кўп қўлланган.

Асарда ҳам –анда қўшимчаси ёрдамида ясалган айрим сўзлар қўшма феъллар таркибида ҳам қўлланган.

-бо вужуди турклук маҳкам пайдокунанде эди (28-бет)

-беқиёс музтариб ва мунфаил ва сарафканда бўлубтурлар (180-бет)

-бу донатарнинг хурмодин юмшоқроқ гўшти бор, яъни ердурлар хейли часпандадур.

Юқоридаги жумлаларда пайдокунанда (пайдо қилувчилар), сарафканда (боши уриладиган, часпанда ёпишадиган, ёпишқоқ) каби сўзларда қўлланиб, маъно жиҳатдан от, сифат маъносида қўшма феъллар таркибида қўлланган.

-рез, -рехтан (қўймоқ, тўқмоқ) феълининг ҳозирги замон негизи ҳам, асарда бир неча жойларда қўлланган. –дараҳтнинг яхши ҳайъати бор, бисёр резабар қилибдур (261-бет)³⁷

-оқшоми резанделиқ бўлуб, бу резанделиқ йўталга торди.

-рез қўшимча сифатида ҳозирги замон феъли сифатида айрим жойларда қўлланган. Масалан: жилавзер (233-бет) Гузаштан (ўтмоқ) феълининг ҳозирги замон негизи гузар (ўт) сўзи ўзбек тилининг изоҳли луғатида ўтиш жойи, кўча, маҳалла, дарёдан, сойдан қайиқлар ўтадиган жой, Бухоро хонлигига маҳалла маъносида қўллангани ҳақида маълумот берилган.

³⁷ ЎТИЛ 1том бет

Гўзаро, гўзарон (умргузаронлик) хақида маълумот берилмаган. Асарда бир неча жойда гузаро, гузарон (ўтадиган, ўтар) маъносида келган сифатдошлар ишлатилган. Яъни –(а) р аффикси ёрдамида ясовчи форма жуда кўп вазифада қўлланган.

Шунингдек, ҳозирги ўзбек тилидаги келади, ишлайди ва келадиган, ишлайдиган формаларига хос маъноларини ифодалаш учун ҳам –(а) р аффикси билан ясалувчи форма қўлланган.³⁸

Асарда қўлланган гузаро, гузарон сўзлари ҳам юқоридаги маъноларни англатиб отар, ўтадиган маъносида қўлланган. Бундай сўзлар алоҳида-алоҳида ҳолда жуда кўп жойда қўлланган, лекин қўшма феъллар таркибида ҳам айрим жойларда қўлланганини кўрамиз.

-Хулқи бир нима гузаароқ vogе бўлуб эди. (147бет)

-Ташърини худ гузаро нозук қилур эди. (164-бет)

Асарда форсча –он аффикси ёрдамида ясалиб, ўзбекча –ар, идиган маъноларини билдирувчи қуйидаги сўзлар қўлланган.

-намудан (кўринмоқ) феълининг ҳозирги замон негизи “намо” олд ва орқа қўшимча сифатида (намоёнда, намойиш, намоён, раҳнамо, баднамо, худнамо) ўзбек тилида қўлланган. Асарда сифатдош сифатида қуйидаги жумлаларда қўлланган.

-Силтон Ҳусайн Мирзонинг бир яхши намоён иши будур.

-Кўчабекнинг бир писандида ва намоён иши бўлди.

-Рафтан (бормоқ) феълининг ҳозирги замон негизи рав, -ове, –он қўшимчаси ёрдамида сифатдош ясаб, бир неча жойда қўлланган. Алоҳида гапларнинг бошида ҳам бир неча жойда қўлланган, лекин қўшма феъллар таркибида камроқ ишлатилган. – Бурунғи подшоҳидек подшоҳ ва фармон раво бўлублар ()

1- тахтиравон била кўтариб юрур эди. (216-бет)

2-Сабоҳ отланиб, реги равонни сайр қилди

3-бу кун тахти равон била келдим. (331-бет)

4-йўллар равон бўлмайдуур эди. (270-бет)

Асарда часпидон (ёпишмоқ) феълининг чеспон, часпанда шакли ҳам бир неча жойда ўз ифодасини топган.

-дараҳтларнинг устида юқори – қуи ажаб чусту-часпон юқуур (254-бет).

-бу донларнинг хурмодин шумшоқроқ гўшти бор, яъни ейдурлар, хейли часпандадур (261-бет)

³⁸ F.Абдурахмонов, А.Хожиев Ўзбек тили грамматикаси Тошкент. 1975-йил 514 бет

-часпандалиғдин баъзи иликни, оғизни ёғлаб ер эмишлар (261-бет)

Часпон ва часпонде сўзлари қўшма феъллар таркибида (ёпишадиган, ёпишувчи) маъноларида қўлланганини қўрамиз.

Омадан (келмоқ) феълининг ўтган замон негизи омад (келди) сўзи ҳозирги ўзбек адабий тилидажуда кўп қўлланилади, лекин феъллик маъносини йўқотиб, от маъносини билдирувчи саволга жавоб беради. Унинг омади келди каби. Ҳозирги замон негизи “о” ўзбек тилида кўп қўлланилади. Асарда “хуш омад” сўзининг сифатдош шакли шакли қўлланилади.

-Қизил канирнинг таврегина идибор, хуш ояндадур (264-бет)

Юқоридаги сифатдошлардан ташқари даррондан (йиртмоқ) феълининг сифатдош шакли дарранда йиртувчи, йиртқич.

-бу феълдин даррандароқдур (253-бет), -бу маҳкам музир ва дарранда жонивордур (253-бет) каби сифатдош шакллари қўшма феъллар таркибида қўлланган.

Бир жойда реша-реша сўзи ҳам қўлланилган. Бу решадин (йигирмоқ) феълининг ҳозирги замон негизи “а” қўшимчасини олиб қўллаган. –вале норгилнинг пўсти реша-реша бўладур. (262-бет)

Юқоридаги форсча ҳозирги замон сифатдошига тегишли сўзлар қўшма феъллар таркибида келиб ўзларининг сифатдошлиқ маъносида қўлланмасдан от, сифат маъносида кўпроқ қўлланганини қўрамиз.

Маълумки ўзбек тилида сифатдошларнинг асосий синтактик вазифаси аниқловчи бўлиб келишидир. Улар отлашганда эса отларга хос синтактик вазифаларда кела олади. Форсча сифатдошлар ҳам юқоридаги вазифаларда келиши мумкин.

6-СИНФДА ФЕЪЛ СЎЗ ТУРКУМИНИНГ ҲАРАКАТ ТАРЗИ ШАКЛИНИ ЎРГАНИШГА ДОИР МУЛОҲАЗАЛАР Ўқитувчи А.Абдуллаев, ЖВПКҚТМОИ, ўқитувчи З.Жўраева.

Тилшуносликнинг морфология сатҳига киравчи феъл сўз туркумига оид батафсилроқ маълумотлар мактаб она тили курсининг 6-синфида ўрганилади. Бу сўз туркумига оид материалларнинг фойдалилик даражасини ошириш мақсадида кўпроқ ўқувчилар нутқини феъллар билан бойитиш, маънодош феъллардан нутқда унумли фойдаланиш, нутқ шароитига мос

равища ҳаракат ёки ҳолатни ифодаловчи сўзни танлашга эътиборни кучайтириш она тили фани ўқитувчиларининг доимо дикқат марказида турмоғи лозим бўлади.

Маълумки, 6-синф она тили курсининг бошланғич қисмида ўқувчиларга морфемикага оид маълумотлар: асос ва қўшимча, қўшимчаларнинг вазифасига кўра турлари, сўз ясовчи, луғавий шакл ясовчи қўшимчалар, алоқа-муносабат шакли ясовчи қўшимчаларга бўлинishi каби мавзулар ўтилади.

Асосга қўшилиб, унинг маъносига қўшимча маъно юкловчи қўшимчалар луғавий шакл ясовчи қўшимчалар дейилади. Уларга кўплик, кичрайтириш-эркалаш, сифат даражалари ва бошқа қўшимчалар киради (Н.Махмудов, А.Нурмонов, А.Собиров, Д.Набиева “Она тили” умумтаълим мактабларининг 6-синфи учун дарслик, Т., “Тасвир”-2009, 22-бет). Биз қуйида ана шу луғавий шакл ясовчи қўшимчалар сирасига мансуб бўлган феълнинг ҳаракат тарзи шаклини ясовчи қўшимчаларни ўрганишга доир фикрларимизни билдирумокчимиз.

Филология фанлари номзоди Ф.Шарипов ўзининг “Хозирги ўзбек адабий тилида ҳаракат тарзини ифодаловчи феъл шакллари” (“Тил ва адабиёт таълими” журнали, 2005 йил, 5-сон, 34-бет) номли мақоласида эса: “**Феъл асосларига қўшилувчи –гила (-кила, -қила, -гила), -га (-ка, -қа, -га), –а, (-ла, -ала) қўшимчалари асосдан англашилган ҳаракат бир оз ўзгарганлигини ифодалайди**”-деган фикрларни келтиради. Шу ўринда қўшимча тарзда шуни қайд этишни истардикки, ушбу таъриф ҳамма феълларга эмас, баъзи феълларга нисбатан ишлатилганда ўринли бўлади.

Масалан: *югурмоқ, тортмоқ, чопмоқ, эзмоқ, тепмоқ, суртмоқ, чертмоқ, опичмоқ* каби феъллар ҳаракатнинг меъёр даражасида бажарилганлигини билдиради. Мазкур феъл негизларига –гила, -кила, -қила, -гила қўшимчаларини қўшиши орқали югургила, тортқила, чопқилла, эзгила, тепқила, титқила, суртқила, чертқила каби ҳаракатнинг давомийлигини, такрорийлигини ифодаловчи феъл шакллари ҳосил бўлади (ўша мақола, 35-бет).

Тепқила сўзида тепки сўзи от бўлиб, феъл ўзагидан –ки ясовчи қўшимчаси орқали янги сўз ясалган. Демак, феъл асосли отлардан феъл ясалиб, негиздан англашилган иш-ҳаракатнинг қисман ўзгарганлигини ифодаласа-да, янги феъл ясалмайди. Бу ерда алоҳида янги маъно ифодаловчи феъл эмас, балки мавжуд

ҳаракатнинг ўзгарган ҳолатини ифодаловчи феъл ҳосил бўлади. *Теп* – *тепкила*, *тит* – *титкила* сўзларида тез-тез ва кўп марта бажарилган ҳаракат маъноси ифодаланган. Бу ҳақда профессор Ё.Тожиевнинг фикрича, *турт* ясовчи негизига аввал –*ки* от ясовчиси қўшилади ва от ясайди (*туртки*), сўнг отга феъл ясовчи –*ла* қўшимчasi қўшилади ва ундан феъл ясалади (*турткила*). Бундай ясалишда янги ҳаракатни ифодаловчи феъллар эмас, балки ўзгарган ҳаракатни ифодаловчи феъл ҳосил бўлади (Ё.Тожиев. Ўзбек тилида аффикслар синонимияси Т.: Университет, 1979. 17-бет).

Ф.Шариповнинг фикрича, *турт*, *теп* феълларига –*кила* мураккаб шакл ясовчи қўшимча қўшилган ва шунга кўра ҳаракат тарзи ифодаланган. Бизнинг фикримизча ҳам шундай. Сабаби чоп (кесмоқ маъносидаги) феълига –*ки* от ясовчи қўшимчasi қўшилиши натижасида иш қуроли номи ясалган (чопқи), сўнгра унга яна –*ла* қўшимчasi қўшилади ва феъл ясалади (чопқила). Шу сўзнинг айнан феъл туркуми доирасидаги шаклдоши бўлган чоп (югурмоқ маъносидаги) сўзига эса –*кила* мураккаб шакл ясовчи қўшимча қўшилган ва шунга кўра ҳаракат тарзи ифодаланган (чопқилла тарзида, қўшимча таркибидаги л ундоши иккилантирилган).

Худди шунингдек, -*га*, -*ка*, -*қа*, -*ға* қўшимчалари феъл негизлариға қўшилганда ҳаракат тарзини ифодалайди. Яъни *чай* – *чайқа*, *сур* – *сурка* (*сурга*) каби сўзларда асосдан англашилган ҳолатни англатиб, янги сўз ҳосил қилмай, ҳаракатнинг такрорийлиги ҳамда давомийлигини ифодалайди. Лекин бу лексемаларни *бурка*, *ишқа* сўзларидағи қўшимчалар билан алмаштираслик лозим. Булардан ташқари, -*ла*, -*а*, -*ала* қўшимчаларида ҳам айнан шундай ҳолат кузатилади. Бурмоқ феълида ҳаракатнинг маълум йўналишга бурилиши тушунилса, бурмоқ феълига –*а* шакл ясовчи қўшимчани қўшиш орқали ҳаракат тарзи: бир неча бор бураш маъноси ифодаланади. Бироқ *сон* – *сана*, , ёш – *яша* каби сўзлардаги –*а* қўшимчasi сўз ясовчи эканлиги маълум. Бундай ҳолатни ўзбек тилида –*ла* қўшимчasi ҳосил қилган сўз шакллари ва ясамаларида ҳам кўриш мумкин.

-*ла* қўшимчasi энг сермаҳсул феъл ясовчи қўшимча бўлиб, деярли барча сўз туркumlаридан ҳамда ундов ва тақлид сўзлардан ҳам феъл ясайди: *оқла*, *тузла*, *богла*, *тақирла*, *тезла* каби. Лекин феъл асосларига қўшилиб келганда, асосдан англашилган иш-

ҳаракатнинг давомийлигини, такрорийлигини ифодалайди. *Сава – савала, ишқа – ишқала, булға – булғала, қаши – қашила, силта – силтала, чимчи – чимчила, қув – қувла* каби феълларда феъл асосига қўшилиб, ҳаракат тарзини билдиради.

Юқорида келтирилган кўплаб мисолларга таяниб айтадиган бўлсак, ҳозирги ўзбек адабий тилидаги ҳаракатнинг давомийлиги ва такрорланганлигини ифодаловчи бу қўшимчалар баъзи феъл асосларига қўшилганда янги сўз ҳосил қилмай, балки ҳаракатнинг тарзини (характеристикасини) ифодалайди.

Хулоса қилиб шуни қайд этишни истардикки, ҳозирги ўзбек адабий тилидаги *-ла, -а, -гила, -га, -ала* қўшимчалари баъзи феъл асосларига қўшилиб, янги лексик маъно ифодаловчи сўз ҳосил қилмайди, балки асосдан англашилган иш-ҳаракатнинг давомийлиги, такрорланганлиги, ҳаракат тарзини ифодалаб келади. Бу қўшимчаларни ўрганиш феълнинг яна бир хусусиятини ойдинлаштиришга ёрдам беради, ўқувчиларнинг феъл сўз туркумини ўрганишдаги билимлари мукаммал бўлишини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Н.Махмудов, А.Нурмонов, А.Собиров, Д.Набиева. “Она тили” умумтаълим мактабларининг 6-синфи учун дарслик, Т., “Тасвир”-2009, 22-бет.
2. Ҳ.Неъматов, А.Ғуломов, М.Қодиров ва М.Абдураимова. “Она тили” умумтаълим мактабларининг 6-синфи учун дарслик, Т., “Ўқитувчи”-2001, 59-бет.
3. Ё.Тожиев. Ўзбек тилида аффикслар синонимияси Т.: Университет, 1979. 17-бет.
4. Ф.Шарипов. “Ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳаракат тарзини ифодаловчи феъл шакллари”, “Тил ва адабиёт таълими” журнали, 2005 йил, 5-сон, 34-36-бетлар.

ONA TILI DARSLARIDA AXBOROT TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH

Katta o‘qituvchi H. Shukurova.

O‘zbekiston Respublikasining «Ta’lim to‘g‘risida»gi Qonunida «O‘qitishning ilg‘or shakllari va yangi pedagogik texnologiyalarni, ta’limning texnik va axborot vositalarini o‘quv jarayoniga joriy etish» bugungi kundagi asosiy masalalardan biri, deb ko‘rsatilgan³⁹. Prezidentimiz I.A.Karimov ta’kidlaganidek, «Ta’limning yangi modeli jamiyatda mustaqil fikrlovchi erkin shaxsning shakllanishiga olib keladi. O‘zining qadr-qimmatini anglaydigan, irodasi baquvvat, iymoni butun,

³⁹ O‘zbekiston Respublikasining «Ta’lim to‘g‘risida»gi Qonuni// Barkamol avlod – O‘zbekiston taraqqiyotining poydevori. Toshkent: Sharq, 1997. 27-bet.

hayotda aniq maqsadga ega bo‘lgan insonlarni tarbiyalash imkoniga ega bo‘lamiz»⁴⁰. Shunday ekan, turli fanlar, jumladan, o‘zbek tili fanidan zamon talabiga javob beradigan darslar o‘tkazish, ularda axborot texnologiyalarini qo‘llash dolzarb vazifadir.

Taraqqiy etib borayotgan axborotlar oqimi jamiyatida ijtimoiy rivojlanishning asosini an’anaviy imkoniyatlar bilan bir qatorda insonlarning qobiliyati, tashabbuskorligi, ishga ijodiy yondashishi, intellektual faoliyati, mustaqil ravishda o‘z bilim va ko‘nikmalarini takomillashtirishi kabi omillar tashkil etadi. Katta hajmdagi ma’lumotni saqlash, uzatish, qabul qilish bilan bog‘liq axborot yaratish jarayoni inson faoliyatining turli sohalarida kompyuter texnologiyalarini rivojlantirishni ko‘zda tutadi

Inson tafakkuri shu qadar taraqqiy etib bormoqdaki, texnikalashtirish, kompyuterlashtirish jarayoni nafaqat ishlab chiqarishning turli sohalari, balki madaniyat va ta’lim sohalariga ham dadil kirib bormoqda. Kompyuter texnologiyalarining shiddat bilan rivojlanishi ta’lim jarayonini yangi bosqichga ko‘tardi, bu o‘z o‘rnida ta’lim mazmunini, metod va shakllarini qayta ko‘rib chiqish, uni yangi bilim hamda ko‘nikmalar bilan yanada boyitish zaruriyatini tug‘dirdi.

Bugungi kunda jamiyatimizning turli sohalarida faoliyat ko‘rsatuvchi mutaxassislarning professionallik darajasi ularning kompyuter texnologiyalarini egallaganligi bilan ham belgilanadi. Bu hol zamon talabiga aylanib qoldi.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2005 yil 30 mayda e’lon qilingan «Kompyuterlashtirishni yanada rivojlantirish va axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini joriy etish to‘g‘risida»gi Farmonida⁴¹ umumta’lim maktablari, kasb-hunar kollejlari, akademik litseylar va oliy ta’lim muassasalarining ta’lim jarayoniga zamonaviy kompyuter va axborot texnologiyalarini egallah va ulardan faol foydalanishga asoslangan ilg‘or ta’lim tizimlarini tadbiq etish axborot texnologiyalarini rivojlantirish va joriy etishning eng muhim va birinchi navbatdagi vazifalaridan deb ko‘rsatilgan.

Ta’lim sohasini texnikalashtirish, ko‘rgazmalilik tamoyiliga amal qilgan holda dars o‘tish uchun bundan bir necha yil avval, o‘qitishning

⁴⁰ Barkamol avlod orzusi. Tuzuvchilar: Qurbonov Sh., Saidov H., Akliddinov R.-Toshkent:O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2000. 162-bet.

⁴¹ I.A.Karimovning «Kompyuterlashtirishni yanada rivojlantirish va axborot-kommunikasiya texnologiyalarini joriy etish to‘g‘risida»gi Farmoni // Xalq so’zi. 2002, 1 iyun.

texnikaviy vositalaridan foydalanish ommaviy tus olgan paytda asos solingan edi. Ushbu yo‘nalishda turli ilmiy-tadqiqot ishlari olib borilgan, o‘qitishning audiovizual vositalari o‘rganilgan, o‘zbek tilidan dasturlashtirilgan topshiriqlar tizimi ishlab chiqilgan, test asosida o‘quvchilar bilimini nazorat qilish uchun maxsus qurilmalaridan foydalanish tavsiya etilgan, dasturiy boshqariladigan o‘quv mikro-EHMning tuzilishi va ishslash tamoyillari o‘rganilgan.

Bugungi kunda xorijiy davlatlarda bo‘lgani kabi, O‘zbekistonda ham ta’lim tizimida axborot texnologiyalari, kompyuter vositalaridan foydalanish muammosining o‘rganilishi alohida ahamiyat kasb etmoqda, ta’limiy-elektron materiallar tayyorlash borasida muayyan ishlar boshlab yuborilgan.

Internet tarmog‘idan olingan ma’lumotlar va respublikamizda mavjud axborot texnologiyalarining mahsullarini tahlil qilishdan aniqlanishicha, xorijiy ta’lim tizimida, shuningdek, O‘zbekistonidagi Davlat va jamiyat qurilishi akademiyasi, O‘zbekiston Milliy universiteti, Toshkent Davlat texnika universiteti, Toshkent Davlat pedagogika universiteti, Farg‘ona Politexnika instituti, Andijon Davlat tillar instituti, Jizzax Davlat pedagogika instituti va ko‘plab akademik litsey va kasb-hunar kollejlarida, umumiyo‘rta ta’lim maktablarida muayyan mashg‘ulotlar to‘la kompyuterlashtirilgan yoki ularda axborot texnologiyalaridan qisman foydalanilmoqda, fanlar bo‘yicha elektron darsliklar yaratilmoqda va bu yo‘nalishda ma’lum yutuqlarga erishilmoqda.

Hozirgi vaqtida ta’lim muassasalarida mashg‘ulotlarni kompyuter texnologiyalari vositasida tashkil etish, xususan, multimedia darslarini yaratish asosiy yo‘nalishlardan biriga aylanib qolmoqda.

Multimedia kompyuterning imkoniyatlar majmui bo‘lib, axborotni turli ko‘rinishlarda – matn, jadval, grafika, ovoz, animasiya (harakatlanuvchi rasm), videotasvir, musiqa yordamida yig‘ish, saqlash va uzatish vazifalarini bajaradi. Multimedia «inson-kompyuter» interfaol muloqotning yangi, takomillashgan pog‘onasi bo‘lib, bunda foydalanuvchi juda keng va har tomonlama axborot oladi. Mutaxassislarning fikricha, multimedia bu informatikaning dasturiy va texnikaviy vositalari asosida o‘quv materiallarini ta’lim oluvchilarga yetkazib berishning mujassamlangan holdagi ko‘rinishidir⁴².

⁴² G’ulomov S. va boshqalar. Iqtisodiy informatika. -Toshkent: O‘zbekiston, 1999, 482-bet.

Ta’lim jarayonida multimedia vositalarini qo‘llash pedagogik va psixologik nuqtai nazardan katta ahamiyatga ega. Bunda quyidagi muhim natijalarga erishiladi:

- o ‘quv-tarbiya jarayoni faollashtiriladi,
- ta ’lim samaradorligi oshadi;
- axborotning turli shaklda berilishi o ‘quvchilarning diqqatini tortadi,
- yuqori darajadagi ko ‘rgazmalilik ularda katta qiziqish uyg ‘otadi,
- mavzuning uzoq vaqt xotirada saqlanishini ta ’minlaydi;
- talaba dars davomida passiv tингlovchidan faol ishtirokchiga aylanadi;
- mustaqil ta ’lim olish imkoniyati, sohalari ko ‘payadi; kompyuter savodxonligi oshib boradi;
- o ‘qituvchi tomonidan bajariladigan ko ‘pgina tashkiliy vazifalarini kompyuter amalga oshiradi;
- dars davomida bajarilishi mumkin bo ‘lgan mashq, vazifalar soni keskin ortadi;
- o ‘yinli texnologiyalar, rolli o ‘yinlar o ‘tkazish imkoniyati ortadi.

Shuningdek, o‘qituvchining o‘z kompyuteri orqali o‘quvchilar kompyuteri monitoriga kira olishi har bir o‘quvchi faoliyatini alohida kuzatish imkonini beradi, ya’ni kompyuter tabaqlashtirish imkonini beradi. Masalan, dars mavzusi yuzasidan bahs-munozara uyushtirishda o‘qituvchi o‘zi tanlagan o‘quvchilarning monitor raqamini bosadi va ularga topshiriq beradi, javoblarni mikrofon orqali eshitib boradi. Sinfdagagi boshqa o‘quvchilar bu paytda o‘zlariga berilgan alohida topshiriq bilan band bo‘ladilar. Yana bir qulaylik - o‘qituvchi masofadan boshqaruv kalitlari yordamida o‘quvchilarning ish faoliyatini boshqarib boradi, u istalgan o‘quvchini o‘qitib eshitishi va uning nutqini yozib olib, o‘ziga eshittirishi yoki to‘g‘ri talaffuz bilan ham taqqoslashi mumkin. Bu o‘quvchiga o‘z nutqidagi kamchiliklarni bartaraf etishga yordam beradi. Bular dan tashqari, albatta, kompyuter o‘quvchilarning bilimlarini xolisona baholash, o‘qituvchining darsga tayyorgarlik ko‘rish va dars jarayonida vaqtini hamda ko‘rgazmali qurollar uchun sarflanadigan mablag‘ini tejash imkoniyatini beradi. Hozirgi paytda ommaviy tus olayotgan elektron pochta va videoanjumanlar yordamida esa o‘quvchilar boshqa viloyat, shahardagi tengdoshlari bilan o‘zbek tilida to‘g‘ridan-to‘g‘ri muloqotda bo‘lishlari, biron mavzuda bahs-munozara o‘tkazishlari mumkin.

Ko‘rinib turibdiki, o‘zbek tili dasturlaridan o‘rin olgan mavzularning didaktik maqsadini amalga oshirishda kompyuterning imkoniyatlari beqiyosdir.

YASAMA OTLAR – O‘QUVCHILAR SO‘Z BOYLIGINI OSHIRUVCHI VOSITA

**Dots.T. Almamatov,
S. Abdurahmonova 4-kurs talabasi.**

Ma’lumki, tilning lug‘at tarkibi yasama so‘zlar, shevalardan so‘z olish (ichki tomondan), boshqa tillardan so‘z qabul qilish (tashqi tomondan) orqali kengayib boradi. Demak, so‘z yasalishi lug‘atni boyituvchi manbalardan biri sanaladi. Mustaqil so‘z turkumlarining deyarli hammasida (son turkumidan boshqa) yasalish jarayoni kechadi. Bu turkumlar orasida yasama otlar ko‘pchilikni tashkil qiladi. Ot turkumi o‘rta maktabning 6-sinfida o‘tilib, o‘quv soatlarining katta qismi bu turkumga ajratilgan.

Hamma mutaxassislar e’tirof etganidek, otlar uch xil yo‘l bilan yasaladi: 1. Affiksatsiya usuli, 2. Kompozitsiya usuli, 3. Abbrevatura usuli. Bu usullarda yasalgan so‘zlar o‘quvchi so‘z boyligini oshiradi, nutq ravonligiga xizmat qiladi.

Ot so‘z turkumini o‘rganishdan ko‘zlangan asosiy maqsad – o‘quvchilarning bu so‘z turkumiga kiruvchi so‘zlarni to‘g‘ri yoza olishi, talaffuz qila olishi, va har bir so‘zning lug‘aviy ma’nosini bilgani holda ularni nutqda to‘g‘ri hamda o‘rinli qo‘llay olishiga erishiladi.

Ot so‘z turkumida grammatik kategoriyalar unchalik ko‘p bo‘lmasa-da, unga mansub so‘zlar (otlar) leksikamizda salmoqli o‘rin egallaydi. Bunday leksemalarning ko‘chiligi yasama ot (so‘z)lardir.

Maktabda yuqorida sanalgan usullar bo‘yicha yasalgan otlar o‘rganiladi. Bularidan affiksatsiya usuli bilan ot yasalish kengroq o‘tiladi. Chunki affiksatsiya usuli bilan otlarning ko‘pgina ma’no guruhlari yasaladi: shaxs otlari, narsa-qurol otlari, o‘rin-joy otlari kabi. Biz bu o‘rinda yasama otlarning xarakterli tomonlarigagina to‘xtalamiz.

Bu mavzuga o‘quvchilarni qiziqtirish maqsadida ushbu turkumga oid qiziqarli ma’lumotlar berib borish ahamiyatlidir.

1. Chunonchi, so‘z turkumlari ichida faqat ot turkumigina o‘zidan (otdan) ot yasaydi. Masalan, ishchi, temirchi, sinfdosh, tilshunos kabi. shuningdek, boshqa so‘z turkumlaridan ham otlar yasaladi: turtki, tepki, ochqich, sochiq kabi. Ot turkumiga mansub so‘zlardan ot yasalish (beton+chi, kasb+dosh) ichki yasalish deyiladi. Boshqa turkumdan

(otdan boshqa turkumdan) ot yasash tashqi yasalish deyiladi (tugma, suzma). Demak, so‘z yasovchi affiks so‘z turkumini o‘zgartirsa, (masalan, fe’ldan ot yasalsa) tashqi yasalish sanaladi. Agarda tashqi yasovchi bilan ichki yasovchi qator kelsa, avval tashqi yasovchi keyin ichki yasovchi qo‘shiladi. Masalan, beza+k+chi (beza fe’lidan –k affiksi yordamida holat oti, unga shaxs oti yasovchi –chi affiksi qo‘silib shaxs oti yasalmoqda), kura+k+chi bunga ham shuni aytish mumkin, kiy+im+lik kiy undosh bilan tugagan, -im affiksi qo‘silib, narsa-buyum oti yasalib, undan –lik vositasida mavhum ot yasalgan. Demak, avval ot bo‘limgan so‘zlardan ot yasalib, ulardan ot hosil bo‘lmoqda. Bu kabi ma’lumotlar, birinchidan, o‘quvchilar qiziqishini orttiradi, ikkinchidan, xotirasida uzoq saqlanadi, uchinchidan, bu yasamalar yordamida o‘quvchilar so‘z boyligi oshadi.

2. Otlar ifodalagan narsa-buyumlarning (ushlash, ko‘rish, sanash, o‘lchashligi) aniqligi yoki mavhumligi asosida ikki guruhga ajratiladi: aniq otlar, mavhum otlar. O‘quvchilarga avval aniq otlar haqida ma’lumot beriladi. Shundan so‘ng unga qiyosan mavhum otlar tushuntirilsa, ulrning xotirasida uzoq saqlanadi. Chunki ularni bir-biriga qiyoslash, albatta, birini ikkinchisi orqali xotirasiga keltiradi.

Nutqimida mavhum tushunchalarni anglatuvchi tub so‘zlar (uyqu, vatan, vijdon) bilan birga yasama so‘zlar ham mavjud. Yasama mavhum otlar –lik morfemasi vositasida yasaladi: ona+lik, yolg‘iz+lik.

Aniq va mavhum otlar haqida yetarli ma’lumot berilgach, bilim va ko‘nikmalarni mustahkamlash maqsadida aniq otlardan mavhum otlar yasash topshirig‘i beriladi. Masalan, talabalik, o‘quvchilik, bolalik, zargarlik, bog‘bonlik kabi. Shuningdek, buning aksi mavhum otlardan aniq otlar yasash: shirin+lik, kunda+lik, dars+lik, yo‘q+lik kabi. Bu topshiriqlar musobaqa tarzida bajarilishi ham mumkin. Bu metodda o‘quvchilar, birinchidan, aniq va mavhum ularni aniqlay olish imkoniyatiga ega bo‘lsa, ikkinchidan, o‘quvchilarning so‘z boyligi ortadi. O‘quvchilar bilimini tekshirish maqsadida shunday savol bilan murojaat qilish mumkin.

-lik affiksi yordamida faqat mavhum otlar yasaladimi?

- geografik nomlarga –lik affiksi qo‘silganda qanday ma’no anglatadi?

3. Ma’lumki, analistik yo‘l (usul) bilan qo‘shma va qisqartma otlar yasaladi. Mantiqan qaralganda ular ikkalasi ham bir hodisa, ya’ni so‘zlarning qo‘silishi natijasida boshqa tushunchani ifodalovchi yangi so‘z hosil bo‘ladi. Lekin grammatika so‘zning ma’nosidan tashqari

shakli bilan ham ish ko‘radi. Demak, bunda ikki hodisa: qo‘shma va qisqartma so‘zlar hosil bo‘ladi.

Bu o‘rinda e’tiborni tortadigan tomoni, bizningcha, qisqartma so‘zlar va ayrim so‘zlarning birikuvidir. Qisqartma so‘zlarning ma’nosi va qo‘shma so‘zlardan farqli tomonini aniqlash maqsadida o‘quvchilarga bir qator muammoli savollar bilan murojaat qilinsa, ularni mustaqil fikrlashga undaydi:

- Qisqartma so‘zlar so‘z (ot) yasalishimi?
- Har qanday qisqartma so‘z sanaladimi?
- Quyidagi qisqartmalarga fikr bildiring: JDPI, O‘zMU, BMT, H.O (Hamid Olimjon), G‘.G‘ (G‘afur G‘ulom) va boshqalar kabi.
- Orol dengizi, Jizzax shahri, G‘allaorol tumani kabi birikuvlari nima deyiladi?
- Abdulla Qodiriy, Botir Jabborovich, Shakhnoza kabi birikuvlari qanday nomlanadi? kabi.

Yasama so‘zlar, xususan, yasama otlar o‘quvchilar so‘z boyligini oshiruvchi vosita sanaladi. O‘quvchi nutqining yaxshi, ravon, aniq va ta’sirchan bo‘lishi uning so‘z boyligiga bog‘liq. Ular leksikasida mavjud bo‘lgan so‘zlarni taqqoslab, qiyoslab ishlatalish jarayonida ta’sirchan nutqi shakllanadi.

ADABIYOTLAR:

1. Hozirgi o‘zbek adabiy tili, “O‘qituvchi” nashriyoti, Toshkent. 1980, 175-187- betlar.
2. O‘zbek tili grammatikasi, I tom, “Fan” nashriyoti, Toshkent. 1975.
3. A.G‘ulomov, H. Ne’matov. Ona tili ta’limi mazmuni, “O‘qituvchi” nashriyoti, Toshkent. 1995
4. A. G‘ulomov va boshqalar. O‘zbek tilining morfem lug‘ati, “O‘qituvchi ” nashriyoti, Toshkent. 1977
5. T. Almamatov va boshqalar. O‘zbek tilini o‘qitishda innovatsion texnologiyalardan foydalanish. Toshkent. 2013

СЎЗ - ГАПЛАРНИНГ ЛИНГВОПОЭТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Ф.Ф.н. Фазилат Ибрагимова

Табиийки, лингвопоэтиканинг асосий ўрганиш объекти бадиий матн ҳисобланади. Бадиий матнни нутқнинг турли кўринишларига хос бўлган бошқа матнлар билан таққослаганди, унинг ўзига хос хусусиятлари яққол кўзга ташланади. “Сир эмаски, бадиий матн бадиий-эстетик бутунлик сифатида бениҳоя мураккаб, серқатлам ҳодиса. Бадиий матнда ифодаланган асосий ғоя – фикр - мазмунни тушуниш, англаш шунчаки эмас, балки анча қийин ва мураккаб ижодий жараёндир. Бадиий асарда мутлақо ўзига хос, гоҳо очик, гоҳо яширин, турли ишоралар, тагмаънолар, коса

тагидаги ним косалар билан шамойил топган мазмуннинг маъносини тўғри англаш маънавий-маданий, ақлий-ҳиссий ва лисоний-эстетик фаолият натижасида мумкин бўлади. Ҳар қандай матнинг мазмунини тушуниш учун тил лексикаси ва грамматикасини билиш зарур ва етарли бўлса, бадиий матнинг мазмунини идрок этиш учун, бундан ташқари, айни пайтда бадиий матнинг ўзига хос лисоний-поэтик қонуниятларини ҳам билиш лозим бўлади”.⁴³ Айтиш лозимки, лингвопоэтик таҳлил бадиий матн доирасида иш кўради. Лингвопоэтик таҳлил жараёнида бадиий матнда муаллиф томонидан қўлланилган ҳар бир тил бирлигини ўрганиш ва таҳлилга тортиш мақсадга мувофиқ эмас. Зеро, улардан фақат бир қисмигина эстетик таъсирчанликка, қўшимча маъно нозикликларини ифодалаш хусусиятларига эга. Мазкур ҳолатда кузатишнинг қайси йўналишда эканлиги, тил бирликларининг қайси сатҳда амал қилишини лингвопоэтик нуқтаи назардан ўрганишга қараб тадқиқот мақсади белгилаб олинади. Зотан, И.А.Аржанова ёзганидай, “Бадиий асарнинг лингвопоэтик таҳлили шу асар матнини таркиб топтирган тил бирликларининг жами сифатидаги яхлитлик ичидаи айрим бадиий усуслар лингвопоэтикасини ўрганишдан бошланиши мумкин; бундай ўрганиш агар таҳлилга тортилган бирликлар чиндан ҳам эстетик таъсир қилиш вазифасини бажараётган ва категориал характерга эга бўлган бўлса, етарли даражада самарали бўла олади”.⁴⁴ Бу мулоҳазаларга қўшилиш мумкин. Шунга кўра, биз ҳам сўз-гапларнинг синтактик белгилари⁴⁵, семантико-функционал шаклланиши⁴⁶ каби масалаларнинг тилшунослигимизда ўрганилганлигини эътироф этган ҳолда, бадиий матнда сўз-гапларнинг лингвопоэтик имкониятларини ўрганишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

“Ўзбек тили грамматикаси”нинг синтаксис қисмида сўз гапларда ҳақида қуйидаги мулоҳазалар билдирилган: “Шундай гаплар ҳам борки, улар биргина сўздан иборат бўлиб, турли ҳис туйғулар ифодаланаётган фикрга модал муносабатларни билдиради. Бундай гаплар тобе ёки ҳоким бўлакларни талаб ҳам

⁴³ Йўлдошев М. Кўрсатилган асар. -Б.27.

⁴⁴ Аржанова И.А.Функционально-коммуникативные и лингвопоэтические функции эллиптических конструкций в современной художественной литературе на английском языке: Дис. ...канд. филол. наук. – М., 1999. -С.140.

⁴⁵ “Ўзбек тили грамматикаси”. II том. Масъул муҳаррирлар: F.A.Абдурахмонов ва бошқ. Т.,“Фан”, 1976.,560 б.

⁴⁶ Бобокалонов Р.Р. Ўзбек тилида семантико-функционал шаклланган сўз-гаплар: Филол. фанлари номзоди... дис. автореф. –Тошкент, 2000. –20 б.

этмайди, уларда бирор бўлакнинг “яширингани” ҳам сезилмайди. Улар олдин айтиб ўтилган фикрга экспрессивлик модал муносабатларни ифодалайди. Шунинг учун ҳам улар кўпроқ диалог, баъзан, монолог гапларда қўлланади. Ана шу хусусиятларига кўра, улар тўлиқсиз гаплардан ҳам, ҳатто бир составли гаплардан ҳам фарқланиб туради”⁴⁷

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, сўз-гаплар содда гапларнинг алоҳида бир кўриниши ҳисобланади. Унинг асосий белгиси сифатида маҳсус оҳангга эга бўлиши, шунингдек, маълум бир вазиятни, матнни талаб этишини айтишимиз мумкин. Айни пайтда, уларда грамматик жиҳатдан ҳам, мантиқий жиҳатдан ҳам эга ёки кесимнинг ифодаланмаслигини кўришимиз мумкин: “-Кимга муҳаббат қўйган, хабарингиз бўлдими?

-Бўлди. Кутидорнинг қизига.

-Ҳа, ҳа-а! – деб юборди Зиё ака ва бироз ўйлангандан кейин сўради, -буни сиз аниқ биласизми?” (А.Қодирий)

Сўз-гапларни тадқиқ этган тилшунос Бобокалонов Р. шундай фикр юритади: “Тилимизда [WPm] қурилишли гаплар билан бирга шундай гаплар ҳам борки, улар кесимлик категорияси – тасдиқ/инкор, майл/замон, шахс/сон маъноларини ўзида у ёки бу даражаларда ифодалайди, лекин [Pm]ни қабул қилмайди; гап шакллари парадигмалари бўйича ўзгармайди. Бизнинг тадқиқ манбаимиз бўлган модал, ундов, тасдиқ-инкор, таклиф-хитоб сўзлар шундай сўз гаплардир. Кесимлик маъно ва вазифаси сўз гапларнинг семантик структурасида мужассамлашган ва ундан ([WPm] қолипли гаплардан фарқли ўлароқ) ташқарида эмас. Шунинг учун бундай сўз-гапларни семантик функционал шаклланган сўз гаплар деб аташ ва [W°] (лугавий маъносида сингган ва бириккан предикатив маъно) рамзи билан белгилаш маъкул”⁴⁸. Шунингдек, олим семантик функционал шаклланган сўз гапларнинг белгилари сифатида уларнинг маъно имкониятларининг чегараланганлиги, ўзида грамматик шаклларни қабул қилмаслиги, бошқа сўзлар билан бирика олмаслиги, гапда бажарадиган вазифаларининг чегараланганлиги кабиларни айтиб ўтади.

⁴⁷ “Ўзбек тили грамматикаси”. II том. Масъул муҳаррирлар: F.A.Абдурахмонов ва бошқ. Т.,“Фан”, 1976., 196-бет.

⁴⁸ Бобокалонов Р.Р. Ўзбек тилида семантик-функционал шаклланган сўз-гаплар: Филол. фанлари номзоди... дис. автореф. –Тошкент, 2000. 6- бет.

Баъзи ишларда сўз-гаплар сўз туркумлари қаторида тилга олинишини кузатишимииз мумкин⁴⁹. Модал сўзлар, ундов сўзлар, тасдиқ-инкор сўзлар, таклиф-хитоб сўзлар синтактик вазифада сўз-гап вазифасида келиши мумкинлигини ҳисобга олсак, уларни алоҳида сўз туркумлари сифатида ажратиш тўғрироқ бўлади. Бу сўзлар нутқда хилма-хил маъноларни ифодалашга хизмат қиласди. Албатта, тилдаги ҳар қандай бирлик ўз имкониятларини синтаксисда намоён қиласди. Шундан экан сўз-гаплар ифодалаётган маъноларни ҳам матндан излаган дурустроқ. Айнан бадиий матнлар тилдаги ҳар қандай сўзнинг жозибасию жилосини кўрсатувчи имкониятдир. Тилнинг муҳим вазифаларидан, эстетик вазифаси ўзига хос ва мураккаб бўлиб, унинг таъсир имкониятлари маълум услубий мақсадга бўйсундирилган ҳолда бадиий нутқда яққол намоён бўлади. Бу ҳақда Н.Маҳмудовнинг қуидаги фикрларини келтириш ўринли бўлади: “Тил фикр ифодалаш, дунёни билиш, билим-тажрибаларни тўплаш, сақлаш ва кейинги авлодларга етказиш, миллий-рухий муносабатларни акс эттириш, гўзаллик категорияларини воқелантириш каби бир қанча вазифаларни бажаради. Тилни фақат ва фақат кишилар ўртасидаги алоқа воситаси сифатида талқин этиш инсоннинг табиий тилини, бу бенихоя мураккаб ва муҳташам ҳодисани, энг ками, жўнлаштиришдан аниқ бир миллий қиёфа ёки миллий-рухий заминдан мосуво бўлган сунъий тилга (масалан, эсперанто каби) тенглаштиришдан, йўл ҳаракатини тартибга солиш мақсадида яратилган шартли “тил”га бараварлаштиришдан бошқа нарса эмас... Ҳолбуки, одамлар тил воситасида туйғу ва кечинмалари, қувонч ва қайғулари, ҳайрат ва ҳайронликлари, қалbdаги ҳузурлари каби хилма-хил сезгиларини ҳам ифодалайдиларки, булар ҳамиша ҳам соғ коммуникатив мақсадларни кўзда тутмайди... Эстетик вазифа тилнинг асосий коммуникатив вазифасини қулайлаштиради, унинг имкониятларини бойитади. Тил ва нутқ айни шу эстетик вазифаси билан ифодалилик, таъсир қувватини намоён этади”.⁵⁰ Ахир, А.Қодирий, Чўлпон, П.Қодиров, О.Ёқубов, Ў.Ҳошимов каби ёзувчиларимизни халққа севимли қилган, албатта, шу бадиий тил, сўз санъати ҳисобланади.

⁴⁹ Элтазаров Ж.Д. Сўз туркумлари ҳақидаги лингвистик назария. Самарқанд, 1994. Маъruzalар матни, 128 б.

⁵⁰ Маҳмудов Н. Нутқ маданияти ва тилнинг эстетик вазифаси // Филология масалалари. –Т., 2006. -№ 2 (11). -Б.47, 48, 51.

Бадиий матнда эмоционал – экспрессивлик, модаллик маъноларининг ифодаланишида сўз –гапларнинг алоҳида ўрни мавжуд. Ижтимоий ҳаётнинг кўпчилик соҳаларида бўлгани каби тилда ҳам тежамкорлик тамойили амал қиласиди. Тилнинг алоқа жараёнида доимо қисқаликка интилиш табиатидан келиб чиқиб, сўзловчи ёки ёзувчи нутқий ифодани юзага чиқаришда тилдаги мавжуд бирликларнинг тўғри келганини эмас, балки нутқий вазият учун зарур ҳисобланган, фикрнинг лўнда, қисқа, аниқ тарзда тингловчи ёки ўқувчига етиб боришини таъминлашга хизмат қилувчи бирликлардан фойдаланади. Тилдаги тежамкорлик тамойили асосида нутқий вазиятнинг талаби билан сўз-гапларнинг қўлланилиши кузатилади:

Отабекдаги бояги тушунмаслик бир шубҳага алинишиди. Аммо парвосизча жавобини бераверди:

-Кулимиз бўладир, Тошкандан келгандаги йўлдошим шу сиз айткан Ҳасанали эди.

-Ҳасанали бу кунда қаерда?

-Марғилонда.

-Сиз билан бирга турадими?

-Йўқ. Саройда бир мунча молларимиз бўлар эди, саройда молларга қараб туради. (А.Қодирий)

Сўз-гаплар орасида сўзловчининг айтилаётган фикрини тасдиқлаши ёки бирор фикрга қўшилишини билдирадиган турлари фаол қўлланилади ва бундай сўз-гаплар вазифасида: ҳа, шундай, тўғри, яхши, албатта, хўп, бўлмаса-чи каби сўзлар ишлатилади. “Бу онда “Қассоб”га бошқаларга нисбатан Солиев яқин келиб қолган эди. – Аёлни қўйиб юбор! –деб бақирди у тўппонча ўқталганча. –Қайт! Тўппончани ташла, бўлмаса отаман! –деб бақирди “Қассоб”.

Майор Солиев бир нафас иккиланди, сўнг юмиюқроқ тарзда гапирди: **–Яхши, ташлайман, аёлни қўйиб юбор. Болага қарасангчи!**

–Боласига ўзинг қарайвер. Қуролингни ташламасанг иккаласи ҳам ўлади. –Яхши, – Солиев шундай деб тўппончасини қўлтиги остидаги гилофга солмоқчи бўлди”. (Тоҳир Малик)

Берилган матнда қўлланилган сўз-гап таранг вазият, яъни жиноятчи ва унга қарши курашаётган, лекин қийин вазиятга тушиб қолган персонаж тилида қўлланилган: майор Солиев бегуноҳ она ва боланинг ҳаётини хавфдан қутқариш учун, жиноятчининг шартларига кўнишдан бошқа иложи йўқлигини билгандан сўнг,

асабийлашган бир вазиятда “яхши” тасдиқни ифодаловчи сўз—гапини қўллаган.

Юқорида гувоҳи бўлганимиздек, бадиий матн тури тил бирликларини ўзида қамраб олишига қўра бошқа матнлардан фарқ қиласди. Айниқса, эмоционал-экспрессивлиги, бадиий-эстетик таъсирчанлик хусусиятига эга эканлиги бадиий матнларнинг алоҳида ажралиб турувчи хусусиятидир. Чунки «бадиий нутқ стилида тил образ, характер ва манзаралар яратиш воситаси бўлиб хизмат қиласди. Бадиий нутқ ўзининг образлилиги билан адабий тилнинг бошқа функционал стилларидан ажралиб туради»⁵¹.

Бадиий нутқ воқеланишида сўз—гапларнинг ҳам ўз ўрни мавжуд эканлигини, озми –кўпми бадиий ниятнинг юзага чиқишида аҳамиятли томонлари борлигини кўриб чиқдик.

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ МАТЕРИАЛОВ ПЕРИОДИЧЕСКОЙ ПЕЧАТИ В ОБУЧЕНИИ РУССКОМУ ЯЗЫКУ

(на материале изучения заглавия текста)

**Ф.С. Касымова,
В.Исакова.**

Экономное, точное выражение мысли – важнейшее требование стилистики. Особенно важна яркость и точность для заголовка, ведь заголовок – первое, с чем сталкивается читатель газеты, первое, на что обращает внимание, просматривая газетную полосу, по заголовкам ориентируются в содержании газеты.

Заголовок является первым сигналом, побуждающим читать газету или отложить ее в сторону. Предваряя текст, заголовок несет определенную информацию о содержании публицистического произведения. В то же время заглавие газетной полосы, газетного номера имеют эмоциональную окраску, возбуждающую читательский интерес, привлекающую внимание. Исследование психологов показали, что около 80% читателей уделяет внимание только заголовкам. Заголовок – лицо всей газеты, он влияет на популярность и преобразляемость издания.

⁵¹ Шомақсудов А., Расулов И., Кўнғуров Р., Рустамов Х. Ўзбек тили стилистикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. 30-б.

В знаменитом словаре В.И. Даля о заголовке сказано, что это “выходной лист, первых листок книги или сочинения, где означено название его”. Заголовок обозначает также название отдела, главы книги, а в деловых бумагах значение в начале листа ведомства, место, откуда и куда бумага идет. Это широкое понятие заголовка.

В словаре С.И. Ожегова заглавие определено несколько уже – как название какого-либо произведения (литературного, музыкального), или отдела его частей, как заглавие литературного произведения, в той или иной степени раскрывающее его содержание.

Многие газетные заголовки в краткой спрессованной форме отражают сущность происходящих событий. Для этого в заголовке могут использоваться все известные лексические и синтаксические средства выразительности. Могут возникать экспрессивные заглавия, созданные на основе переносного значения слов, окрашенной лексики, синонимов и антонимов. В заголовке могут использоваться пословицы, поговорки, фразеологизмы, названия известных песен, кинофильмов, пьес, цитаты из этих произведений, разговорные элементы, фонетические и морфологические средства выразительности.

Таким образом, изучение структуры заглавия тесно связано с изучением различных разделов науки о языке: фонетикой, лексикологией, фразеологией, морфологии, синтаксисом. Это дает возможность работать над заглавием в школе не только на специальных уроках развития речи, но и на уроках других типов при изучении вышеперечисленных разделов языкознания.

Есть газеты универсальные, в которых встречаются самые разнообразные заглавия. К таким универсальным газетам относится “Джизакская правда”, которую можно читать всю неделю и всей семьей. В нее входят самые интересные статьи недели, главные события страны, новости из-за рубежа. Субботний выпуск предполагает вечер выходного дня: о новостях политики, о шоу-бизнесе, о новинках моды, рассказывает о забавных и интересных случаях из жизни простого народа.

Поэтому аудитория ее читателей разнообразна и пестра по своему составу: это люди разного возраста, разной

профессии, разной национальности. Каждый найдет для себя что-нибудь интересное.

В данной статье рассмотрены заголовки, выбранные нами из публикаций “Джизакской правды” в период с 20 февраля 2013 г. по 13 марта 2013 г.

Заголовок воспринимается как речевой элемент, находящийся вне текста и имеющий определенную самостоятельность. С другой стороны, заголовок – полноправный компонент текста, входящий в него и связанный с другим компонентом целостного произведения. Заголовок составляет единую систему с текстом “заголовок - текст”. Поэтому чаще всего на уроках развития речи. В смысловом отношении заголовок все же нельзя рассматривать как что-то отдельное от текста. Заголовок подготавливает к пониманию текста, с другой стороны, заголовок может становиться понятным только после прочтения текста.

Большее количество заголовков выражает тему текста. Например, заголовок “Учителя на базаре, а где ученики” (23-февраля 2013г.) полностью отражает тему статьи, где излагается информация о деятельности на базаре учителей школы № 49 Галляральского района Джизакской области, в результате чего определено халатное отношение к преподаванию и развитию материально-технической базы школы.

Заголовок может представить цитату или известное выражение, относящиеся к описываемому событию.

Так, заголовок “Шаходат поедет во Францию” (13-марта 2013 год) становится понятным после прочтения материала. Подобный заголовок информирует читателя о содержании статьи и заставляет читателя рассматривать материал под определенным углом зрения.

Таким образом, заголовок неотъемлемая часть текста, отражающая различные элементы текста, связанная с нами вербально и не вербально, полностью или не полностью отражающая элементы текста.

Использование газетных статей на уроках русского языка расширяет кругозор учащихся, развивает грамматические и стилистические знания, укрепляет знания о публицистическом стиле русского языка.

Использованная литература

1. «Джизакская правда» 23.02.2013., 13.03.2013
2. Иванов А.Л. Периодическая печать на уроке. М., 2002 г
3. Шамова Т.И. и др. Педагогические технологии: что это такое и как их использовать в школе. Москва-Тюмень, 1999.

НУТКДА ЧЕТ ТИЛИДАН ЎЗЛАШТИРИЛГАН СЎЗЛАРНИНГ ИШЛАТИЛИШИ ҲАҚИДА

Т.С.Кавылова, Г.Н.Муратова

Чет тилидан ўзлаштирилган сўз деганда нимани тасаввур қиламиш ва у нима учун зарур деган савол пайдо булади. Изохли лугатлардан маълумки, «узлаштириш»-демак бирор жойдан олиш, кабул килиш, узиники килиш ва х.к.з демакдир. Баъзи сўзларни ўз тилимизга таржимасиз шундайлигича қабул қиламиш.

Ҳозирги замонда илм-фан ва техника тараққиётининг жадал равишда ривожланиб бориши оқибатида тилимиз ҳам шундай тезликда ўзлаштирилган сўзлар билан бойиб бормокда. Бундай сўзларнинг тилимизга қачон ва қай тарзда кириб келганлигига назар ташласак куйидагиларни куришимиз мумкин. XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб рус тилидан ўзлашган сўзлар. Рус тили орқали ўзлашган инсрнационал сўзлар, мустақиллик давригача булган даврни эсласак чет тилларидан айникса инглиз, француз тилларидағи купгина сузлар узбек тилига бошка тиллар оркали таржима килинган ёки уша тилларга хос булган талаффузнинг таъсири сезилиб турад эди.

Ўзбек тилига инглиз тилидан сўз қабул қилиш XX асрнинг охири ва XXI асрнинг бошларидан бошланган бўлса мустақилликдан кейинги даврда анча тезлашди. Бунинг асосий сабаби юкорида курсатилган давр ичida урнатилган маданий, илмий, савдо-сотик ва ишбилармонлик, шунингдек туризм каби алокаларнинг тез ривожланишидир.

Кўпгина инглизча сузлар кейинги йилларда ичida ўзлаштирилган бўлишига қарамасдан тилимизга мустаҳкам урнашди. Ўзлаштирилган бундай сўзлар маълум эҳтиё сифатида тилимизда деярлик хар куни ишлатилмоқда. Инглиз ва француз тилларидан узлаштирилган сузлар аслидаги сузлардан талаффузи жихатидангина фарқ киласи: office, menadger, market, shop, paynet, site, page, menedgment, digest, menu, message, messenger, e.mail, sandwich, hot-dog, holding, importer, protector ; test ; slide ; stop каби

инглизча сұзлар ва *dentiste*, *salon*, *tableau*, *protégé*; *provençal* каби французча сұзлар ва бошқалар.

Узлаштирилған сұзлар факатгина кундалик хаётизда қулланилиб колмасдан, чет тилларини урганиш жараёнини тезлаштирумокда. Хатто инглиз тилини урганмаётган киши хам нуткида инглизча ёки бошка чет тилидаги сұзлардан фойдаланаётғанligидан шубхаланмайды хам. Демак, уз-узидан куриниб турибдики, узлаштирилған сұзларни унда учратишими兹 табиий хол, ёки аксинча хар куни учратадиган чет тилидаги сұзларни эслаб колиш ва уни ишлатиш атайлаб тил урганишдан осонрок кечади. Масалан, *home*, *e-mail*, *play*, *pause*, *stop*, *volume*, *micro*, *print*, *sleep*, *back*, *insert*, *delete*, *end*, *page down*, *page up*, *enter*, *next* каби сұзларни беихтиёр эслаб коламиз.

Шундай килиб, узлаштирилған сұзларни чет тилини урганаётған ёки уни урганишни давом эттираётғанлар тез ва осон эслаб коладилар. Бундай сұзлардан хеч кандай муаммосиз ва үйлаб утирмасдан фойдаланамиз, чунки уларни дархол куз олдимизга келтирамиз ва эслаймиз. Сабаби, уларни тез-тез фан, маданият ва маориф ходимлари, ҳарбийлар, полициягилар, транспорт ходимлари, молиячилар ҳам бундай сўзлардан тез-тез фойдаланадилар. Албатта бунда сўзларнинг талаффузга унчалик эътибор берилмайды. Лекин, кундалик чет тилини ўрганишда мулоқотда ўзлаштирма сўзларни билиш қанчалик зофур бўлса унинг тугри талаффузини хам ўзлаштириш шунчалик шарт.

Куп йиллик кузатишлар шуни курсатадики, чет тилларидан узлаштирилған сұзлар тил урганиш жараёнини тезлаштиради.

Четдан ўзлашган сўзларни нафақат чет тилини ўрганаётған кишилар, балки ҳаёт эҳтиёжи туфайли ҳар бир киши бу сўзларнинг тўғри талаффузини, маъносини тўғри англашлари шарт.

Лекин, узлаштирилған сұзлар, укиётган китобларимиз, кураётган фильмларимиз, янги сұзлар-кушимча тулдириш булиб, чет тилини мукаммал урганиш учун етарли фактор була олмайди.

Тил урганиш жараёнида куриш, эшитиш, укиш, такрорлаш ва урганилған сұзлардан фойдалана олиш мухимдир.

Фойдаланилған адабиётлар руйхати:

1. П. К. Бабинская, Т. П. Леонтьева, И. М. Андресян, А. Ф. Будько, И. В. Чепик. **Методика преподавания иностранных языков.** Издательство: ТетраСистемс, 2009 г.
2. Гак. В. Г. Теория и практика перевода : Французский язык : учебное пособие.

3. Игна, О. Н. Теория и методика обучения иностранному языку: учебно-методический комплекс.

АЛИШЕР НАВОЙ ТАРИХИЙ АСАРЛАРИДА ҚҮЛЛАНГАН ТУРКИЙ СЎЗЛАРНИНГ ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИГА МУНОСАБАТИ

Ўқтувчи Д.Абдувалиева.

Алишер Навоий қаламига мансуб тарихий асарлар, хусусан, “Тарихи мулуки Ажам”⁵² ва “Тарихи анбиё ва ҳукамо”⁵³ матнларида эски ўзбек тилида кенг истеъмолда бўлган бир қанча умумтуркий лексемаларнинг муайян қисми акс этган.

Хусусан, “Тарихи мулуки Ажам” матнида бундай лексемалар қўйидагича акс этган:

1) Семантик жиҳатдан ўзгаришсиз қўлланадиган лексемалар эски ўзбек адабий тили даврига хос маъноларни ифодалайди. Булар: ҳаракат-холат билдирувчи: *бер* (187), *е* (207), *де* (185), *кел* (191), *отлан* (230), *сев* (189); белги-хусусият билдирувчи *оқ* (229), *кўк* (194), *яхши* (189), *ёмон* (211); нарса-буюм номлари: *иц* (215), *ипак* (187), *ўтун* (226), *эгар* (186) ва ҳ.к.; айрим шахс отлари: *темурчи* (189), *элчи* (200), *ўқуғучи* (204), *қароқчи* (201), *қўйчи* (189); ҳайвон номлари: *ит* (209), *йилон* (210), *от* (210), *тева* (229) ва ҳ.к.; олмошлар: *мен* (199), *сен* (199), *биз* (204), *сиз* (218), *алар* (220), *анинг* (220), *андин* (220) ва ҳ.к.; иборалар: *кўзи ёру* (222), *юмшоғ сўз* (221), *ёрдамчи сўзлар*: *ила* (185), *учун* (185) ва ҳ.к.; тўлиқсиз феъл: *эди* (186) кабилардир.

Бир қатор туркий сўзлар ТМАда тарихий шаклда берилган. Масалан, “физиологик сокинлик ҳолатида бўлмоқ” маъносидаги ухла сўзи асар матнида *ую*, *уюқла* шаклларида воқеланган: *Дебтурларким, бир кеча Шопур тўшакида малика нола қилиб, уюй олмас эрди* (214). Қадимги туркий тилда (ДТС, 607) ҳам шу маънода кенг қўлланишда бўлган *ую-* феълидан -қ қўшимчаси билан ясалиб, “ухлаш ҳолатида” маъносини англатган *уюқ* сўзидан -ла қўшимчаси билан ясалган (ЭСТЯ, I, 581) *уюқла* (ДТС, 606) феъл лексемаси тубандагидек ифода этилган: *Йўлда чокари от ва силоҳин ани уюқлатиб, олиб қочти* (202). Бундай сўзларни изоҳлаш ҳозирда маъноли қисмларга ажралмайдиган сўзларнинг тарихан

⁵² Алишер Навоий. Тарихи мулуки Ажам. Муқаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Ўн олтинчи том. – Тошкент, 2000. (Кейинги фойдаланилган ўринлар саҳифаси қавс ичida кўрсатилган).

⁵³ Алишер Навоий. Тарихи анбиё ва ҳукамо. Муқаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Ўн олтинчи том. – Тошкент, 2000. (Кейинги фойдаланилган ўринлар саҳифаси қавс ичida кўрсатилган).

ясама эканлигини таҳлил қилишда муҳим (ўша давр тилида –ла билан феъл ясалиши унумли бўлганини таъкидлаш жоиз: *черикламак*, *иликламак*). Аввал сўз бошланишидаги у унлиси талаффуз қилинмай қўйган (уч бўғинли сўз икки бўғинли сўз ҳолатига келтирилган), кейин қ ўндоши *х* ундошига алмашган, сўнгра й ундоши ҳам талаффуз қилинмай қўйган, а унлиси ё унлисига алмашган: *уюқ + ла* *уюқла - > йўқла- > йўхла- > ухла-* (ЎТЭЛ, I, 394).

2) *Семантик структурасида ўзгариши юз берган лексемалар.* Асар лексикасидаги туркий сўзларнинг асосий қисми мустақил, луғавий маъносида қўлланади. Аммо мазкур лексемаларнинг семантик структурасидаги муайян маънолар истеъмолдан чиққан. ТМА лексикасининг функционал-семантик таҳлили туркий қатламга оид сўзларнинг эски ўзбек адабий тилида кенг семантик доирага эга бўлганини кўрсатади. Кейинги даврларга келиб, бу семантик доиранинг анча торайганлиги, яъни кўп маъноли сўзнинг қўлланиш ўринлари бир мунча қисқаргани маълум бўлади. Бир қатор туркий сўзларнинг маълум маънолари ҳозирги ўзбек адабий тилида кузатилмайди.

Асар лексикасидаги сўзларни ҳозирги адабий тилда қўлланиш даражаси ва семантик хусусиятларига кўра қуидагича умумлаштириш мумкин:

а) *асосий маъноси сақланиб, айрим маънолари истеъмолдан чиққан сўзлар.* Масалан, *асрамоқ* сўзи ҳозирги ўзбек адабий тилида “ёмон таъсирдан, салбий ҳодисадан ҳимоя қилмоқ” маъносини ифодалайди (ЎТИЛ, I, 109). Ушбу сўз асарда 1. “сақламоқ, яширмоқ, эҳтиётламоқ” (235); 2. “фарзанд қилиб олмоқ; тарбия қилмоқ” (193) маъноларини ифода этишга хизмат қилган. Шунингдек, “назорат қилмоқ, қоровулламоқ, қамаб қўймоқ” маъносида тубандагидек қўлланган: *Шопурни асрар кишининг қизи ошиқ бўлуб, ул ҳибсдин қутқариб, иков қочиб, Қазвинга борди* (215). Охирги маъно ҳозирги ўзбек адабий тилида кузатилмайди (ЎТИЛ, I, 109). *Бор* сўзи Навоий асарлари тилида беш маънода қўлланишда бўлгани аниқланган (АНАТИЛ, I, 313). Биз ўрганаётган асар матнида эса 1. “бормоқ, қадам ранжида қилмоқ” (193); 2. “кетмоқ, жўнамоқ, тарқ этмоқ” (195) 3. “ўлмоқ, вафот этмоқ, қазо қилмоқ, бандаликни бажо келтирмоқ” маъноларини англатган: ... чун *Ардашернинг ўғли йўқ эрди, дедиким ... олам мулкин олдим ва умр охирга етти, заруратан ўлмак керак ва мулкни ёт кишига қўюб*

бормоқ керак (209). Сўнгги маъно бормоқ феълининг ҳозирги ўзбек адабий тилидаги ўн етти маъноси орасида кузатилмайди (ЎТИЛ, 1, 316,) Навоий асарларида олти маънода қўлланишда бўлган (АНАТИЛ, III, 281) “яшаш учун ёки турли ташкилот, муасассаса ва ш.к. жойлашиши учун мўлжалланган бино” маъносидаги уй сўзи (ЎТИЛ, 4, 271) ТМА матнида уч маънода қўлланган бўлиб, ушбу сўзниң “тана, жисм, гавда” маъноси (АНАТИЛ, III, 281) ҳозирги ўзбек адабий тилида кузатилмайди: *Ки қўйди вужуд уйига чун қадам ...* (235).

Шунингдек, яса феълининг Навоий асарлари тилида бир неча маъноларда қўлланганлиги кузатилган (АНАТИЛ, IV, 596). Ушбу лексема ТМА матнида саккиз маънода ишлатилган. Мазкур сўзниң қуидаги маънолари ҳозирги ўзбек адабий тилида кузатилмайди: 1. “қурмоқ, барпо этмоқ, бино қилмоқ”: *Va Сус била Бобилни Ҳушанг ясади* (186) Лексема ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳажман катта обьектлар (масалан: шаҳар, бино ва ҳ.к.)ни яратишга нисбатан қўлланмайди, лекин иш-фаолият, ўйин ва шу кабиларга оид нарса (қурол, буюм) кабилар тайёрлаш, ишлашга нисбатан ишлатилади (ЎТИЛ, 5, 121); 2. “тасвирламоқ, чизмоқ”: ... аниң суратин ясаб, аниң била хурсанд бўлур эди (187); 3. “тузмоқ” (қонун, қоида, фармон, дастур ва ҳ.к.): *Рашитанниким, Дороб дастури била дастур ясаб эрди, Байри отлиғ иниси сиояти била тиладиким, азл қилгай* (200); 4. “бошқармоқ, идора қилмоқ”: *Озармидўхт* чун подиоҳлиққа ўлтурди, кишини вазир қўймади ва мулк ишин ўз тадбир ва ройи била ясамоқ муқаррар қилди (233); 5. “қаторига киритмоқ, қўшмоқ; бирга қилмоқ”: *Ардашер шодман бўлуб буюрди, ани аниң ёши атфол била ясаб, аниң қошига келтурдилар, бир-бир ўткариб, ул еткач, оталиғ меҳри ҳаракатга келиб ...*(209); 6. “лашкарни тартибга келтирмоқ, саф тузмоқ”: *Ҳумой Эрон черикини ясаб, Рум фатҳига юборадур эрди* (199).

“Бир жойнинг одамлари, аҳолиси, халқи; умуман, кўпчилик одам, халойик, ҳамма” маъносини ўзида намоён қилган эл сўзининг ҳозирги ўзбек адабий тилида уч маънони ифодалashi қайд этилган (ЎТИЛ, 5, 29). Аммо улар орасида Навоий асарларида истифода этилган “аскар, лашкар” маъноси (АНАТИЛ, III, 562) мавжуд эмас: *Va подиоҳ неча қатла қалин эл йибориб дафъ қила олмади* (220). Қон сўзи ҳозирги ўзбек адабий тилида тўрт маънода қўлланишда бўлиб (ЎТИЛ, 5, 328), бу маънолар ичida ТМАда мавжуд “хун, қон

қасоси” маъноси кузатилмайди: ... жаддининг қонини *Салм ва Турдин тилаб, аларни қатл қилди* (190).

Асар матнида қўлланган кўзи ёру фраземаси “шодланмоқ, баҳраланмоқ” маъносини ифодалашга хизмат қилган: ... *Исфорийинга еткач, ўғли Нўширавон била кўзи ёруди* (222). Ҳозирги ўзбек адабий тилида бу ибора кўзи ёримоқ тарзида қўлланилиб, “бўшанмоқ, туғмоқ” маъносини ифодалашга хизмат қиласиди (ЎТИЛ, 2, 446).

“Ҳажм-ўлчови одатдагидан ортиқ, катта, улкан” маъносидаги буюк (ЎТИЛ, I, 390) сўзи Навоий асарлари тилида *бийик* фонетик шаклида “буюк, улуғ, баланд, юксак, олий” (АНАТИЛ, I, 289) маънолари билан бирга “юқори, баланд”⁵⁴ (товушга нисбатан) маъносини ифодалашга ҳам хизмат қилган, бироқ мазкур сўз ҳозирда товушнинг баландлик даражасини ифодалаш учун қўлланилмайди: ...*Маздак ўргатган жавобни бийик ун била айтур эрди* (223).

б) ҳозирги ўзбек адабий тилида маъно доираси кенгайган лексик бирликлар. “Бир жойдан бошқа жойга итариб ўтказмоқ”, “силжитмоқ” (ЎТЭЛ, I, 308) маъносидаги сур лексемаси қадимги туркий тилда қўйидаги маъноларни ифода этишга хизмат қилган: 1. “олиб бормоқ, етаклаб бормоқ”; 2. “ҳайдамоқ”; 3. “шуғулланмоқ”; 4. “машаққат билан кун кечирмоқ”; 5. “шилинмоқ”. Навоий асарлари тилининг изоҳли луғатида унинг уч маънони ифода этишга хизмат қилгани аниқланган (АНАТИЛ, II 126). Биз ўрганаётган асар матнида қўйидагиларни англатишга хизмат қилган: 1. “давлатни идора қилмоқ, ҳукм сурмоқ”: *Ва Тაҳмурас ўттуз ийл мулк сурди* (187) 2. “ҳайдамоқ, четлатмоқ, қувмоқ”: *Ани ҳам сурдилар* (235); 3. “чизмоқ, ёзмоқ”: *Суруб нукта султонлар аҳволидин* (237); 4. “бирор томонга йўналтиromoқ”: *Шаҳанишоҳ чун сурди оламга рахи* ... (213). Ушбу лексеманинг ҳозирги ўзбек адабий тилида қўлланиш доираси анча кенгайган бўлиб, “юрмоқ” (шахмат ёки шашка ўйинида), “суртмоқ, суркамоқ” маъноларини ҳам ифодалайди ҳамда отлар билан қўшма феъл ясади (ЎТИЛ, 3, 593-594). “Юқорига ҳаракатлантиromoқ” маъносидаги ҳаракат-ҳолат маъносини ифодаловчи *кўтар* сўзи қадимги туркий тилдаги “юқорига ҳаракатланмоқ” маъносини англатувчи *коту* феълига (ДТС, 319) –*p* орттирма нисбат қўшимчасини қўшиб ҳосил қилинган (ЭСТЯ, III, 87; ЎТЭЛ, I, 231). Қадимги туркий тилда ушбу

⁵⁴ Навоий асарлари учун кисқача луғат. – Тошкент: Фан, 1993. – Б. 48.

лексема 1.“кўтармоқ”; 2. “улугламоқ”; 3. “йўқ қилмоқ, қириб ташламоқ” (ДТС, 320) маъноларида қўлланган. Навоий асарлари тилида ҳам уч маънода қўлланишда бўлгани аниқланган (АНАТИЛ, II, 157). ТМА матнида ушбу сўз қуидаги маъноларни ифодалаган: 1.“юқори лавозим, мансабга қўтармоқ”: *Аркони давлати иттифоқ била ўғли туққунча ани подиоҳ қўтардилар* (198); 2.“йўқ қилмоқ, ўлдирмоқ, орадан йўқотмоқ”: *Ардувоннинг ўғлига хуруж қилиб, ани ародин қўтардилар* (208). “Ичмоқ, шимирмоқ” ва “кўтармоқ, ердан узмоқ” маънолари асар матнида кузатилмайди. Ушбу лексеманинг ҳозирги ўзбек адабий тилида жами ўз ва кўчма маъноларда ўн саккиз ҳолатда қўлланилиши аниқланган (ЎТИЛ, 2, 474-476).

II. ЎЗБЕК АДАБИЁТИ ВА УНИ ЎҚИТИШ МУАММОЛАРИ

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ МИЛЛИЙ ТАРБИЯШУНОСЛИГИМИЗДА МАЊНАВИЙ-АҲЛОҚИЙ ТАРБИЯ МУАММОСИННИГ ҚЎЙИЛИШИ

проф. У.А.Жуманазаров,
п.ф.н. Д.У.Жуманазарова.

Истиқлол даврида олимларимиз адабий таълим жараёнида ҳалқ достонларидаги мањнавий-аҳлоқий тарбия масалаларини ўрганишга, ёш авлодни тарбиялашдаги ўрнини белгилаб беришга қаратилган бир қатор тадқиқотлар, мақолалар яратганликлари ҳамда эълон қилганликларини алоҳида таъкидлаш зарур. Хусусан, Б.О.Қодиров монографик тадқиқотидас55 фольклор намуналарига алоҳида мурожаат қилган, ҳатто унинг биринчи бобини шу соҳа материаллари таҳлилига бағишилаган; ёшларни ҳалқ анъаналари ёрдамида тарбиялашда фольклор намуналаридан фойдаланиш юзасидан муайян педагогик тизимдаги методик тавсиялар ишлаб чиқкан.

Илмий жамоатчилик эътиборида «Алпомиш» достони нафақат ғоявий-бадиий, мукаммал, серқирра, қомусий асаргина эмас, балки “китобхонга маданий, мањнавий ва маърифий озиқ берувчи панднома асар”⁵⁶ сифатида баҳоланди. Достоннинг миллий тарбиядаги ўрни, хусусан, «Алпомиш»нинг қаҳрамонлиги ва жасоратларининг ёш авлодга таъсири хусусида айrim хулосалар берилди. Хусусан, “Бу эпик сиймонинг қаҳрамонлиги ва жасоратларини ўқувчилар, талабалар ҳамда кенг омма ўртасида тарғиб этиш миллий истиқлол ғояларини такомиллаштиришга хизмат қиласди”⁵⁷, - дея ўринли эътироф этилди. Баъзи бошқа ишларда⁵⁸ эса мазкур достоннинг болалар тарбиясидаги аҳамияти, Ҳакимбек фаолиятидаги ҳавас қиласа арзигулик ибратли ўринларга қизиқишлигининг таъсир этишидаги дидактик омиллар ҳақида сўз юритилди.

Адабий таълимдаги услубчи олим О.Мадаев эса «ҳалқ қадриятларига алоҳида эътибор берилаётган бугунги кунда ҳалқ

⁵⁵ Қадиров Б. Формирование узбекской народной педагогики. – Т.: Мехнат, 1992. – Б.21.

⁵⁶ «Алпомиш» достони ва жаҳон ҳалқлари эпик ижодиёти» мавзусидаги ҳалқаро конференция материаллари. - Т.:Фан, 1999. - Б. 65.

⁵⁷ Ёрматов И. “Алпомиш” достони ва ҳалқ педагогикаси // «Алпомиш» достони ва жаҳон ҳалқлари эпик ижодиёти» мавзусидаги ҳалқаро конференция материаллари. - Т.: Фан, 1999 й. - 68-бет.

⁵⁸ Иброҳимова З. “Алпомиш” достонида кичкентойлар оламида // «Алпомиш» достони ва жаҳон ҳалқлари эпик ижодиёти» мавзусидаги ҳалқаро конференция материаллари Т.:Фан, 1999 й., 70 –71-бетлар.

оғзаки ижоди асарларини умумий ўрта таълим мактабларида алоҳида назарий курс сифатида ўрганишни жорий этиш зарурлиги»ни таъкидлайди ва қуидаги мулоҳазаларни илмий жамоатчилик эътиборига ҳавола этади: “кейинги йилларда халқ достонларида олиб борилган илмий кузатишлар шуни кўрсатадики, эпосимиз гултожи ҳисобланган “Алпомиш” достони йирик эпик асар сифатида мактабларда камида икки босқичда ўқитиш мақсадга мувофиқдир: биринчи босқични достондаги сюжет чизиги билан боғлиқ масалалар, образларга бериладиган дастлабки тавсиф, иккинчи босқични достондаги Ватан ва халқ бирлиги учун кураш, халқ қаҳрамонларининг маънавий қиёфаси, тавсифи, илм ва хунар ўрганиш масалаларининг ҳал этилиши, ирода ва шахс феълини шакллантириш, ислом дини фалсафасининг достонга таъсири, бадиий маҳорат муаммолари ташкил этади⁵⁹.

Фикримизча, умумий ўрта таълим мактабларида “Алпомиш” достонининг ёзиб олиниши, ўрганилиши ва нашр этилиши тарихи юзасидан зарур маълумотларни бериш, достоннинг бош етакчи ғояси - Ватан ва халқ бирлиги учун кураш, халқ эпик қаҳрамонларининг маънавий-аҳлоқий тарбиясининг ҳозирги ёшларга қайдаража таъсир этишини аниқлаш муаммосини ҳам кун тартибига қўйиш муддати келди. Ҳеч бўлмаса, уларни адабий таълим босқичларининг синфдан ташқари ўкув жараёнида ўзлаштириб олиши зарур. Шунинг учун ҳам биз таълим тизимининг барча босқичларида халқ достонларини ўрганишнинг ҳозирги ҳолати ва келгусида бажарилиши мумкин бўлган вазифалар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларимизни жамоатчилик эътиборига ҳавола қилган эдик (қаранг: Тил ва адабиёт таълими. Т., 2009, № 6. 75-81-бетлар).

Муаммонинг ўрганилиши билан алоқадор бўлган адабиётларни кузатиш шуни кўрсатадики, халқ достонларидағи маънавий-аҳлоқий тарбия тизимларининг баъзи жиҳатларини талқин ва тадқиқ этиш филолог олимларимиз томонидан ҳам анча салмоқли тарзда амалга оширилган.

М.Муродов ва А.Эргашев “Алпомишнома”⁶⁰ китобида “Алпомиш” ва шу туркумга мансуб бошқа достонлардаги урфодатлар, расм-руссумлар, одоб-аҳлоқ, қадриятларнинг таҳлилига

⁵⁹ Мадаев О. «Алпомиш» достонини умумий ўрта таълим мактабларида ўрганиш методикаси муаммолари. // «Алпомиш» достони ва жаҳон халклари эпик ижодиёти» мавзусидаги халқаро конференция материаллари. - Т.: Фан, 1999 й.- 69 б.

⁶⁰ Муродов М., А.Эргашев. Алпомишнома (1-китоб, Сурхондарё талқини). - Т.: Мехнат, 1999. – 486 б.

алоҳида эътибор қаратганлар ва достондаги халқ ҳикматларини “Алпомиш ўғитлари” номи остида ўқувчиларга тақдим этганлар. Халқ одобномасининг гултожи бўлган бундай ҳикмат-ўғитларни синфдан ташқари ўқиши жараёнида ўрганишнинг ўзиёқ халқимиз миллий тафаккурининг нечоғлик юксаклигидан далолат берди, халқона улуғворлик билан жуда катта қатламдаги маънавий-аҳлоқий меросга эга эканлигини тасдиқлади.

Бир гурух олимлар томонидан эълон қилинган “Қадриятнома”⁶¹ да миллатимизнинг орзу-умидлари, кураш ва интилишлари заминида туғилган ва тарихий ҳаётининг, яшаш тарзининг ажралмас бир тармоғи бўлиб қолган ижтимоий, майший, оиласиий, маънавий-аҳлоқий фазилатлар, урф-одатлар ва қадриятларнинг фольклор асарларидан олинган мисоллар асосида тарбиявий-дидактик имкониятлари анча батафсил шарҳланган.

М.Қосимованинг ишларида⁶² таълим-тарбия жараёнини илгор методлар, техник воситалар ва усулларга таяниб такомиллаштириш, айниқса, халқ эртаклари орқали янги педагогик технологиялардан фойдаланиш усуллари кўрсатиб берилганлигини алоҳида қайд этиш лозим.

О.Мадаевнинг айрим ишларида⁶³ адабий таълимдаги энг долзарб муаммолар кўтарилиган: адабиёт дарсларининг ўқитилиш жараёнлари ва уларнинг шаклида ҳам, мазмунида ҳам миллий мафкурамизнинг сезилмаётганлиги, ўқитувчилар фаолиятида бадиий асарларни эскича таҳлил қилиш усуллари ҳали ҳам давом этиб келаётганлиги ҳақида куюнчаклик билан сўз юритилган. Майший турмушимида учраб турадиган андишасизликлар, дабдабали ҳаётга интилиш, юртдошларимиз ўртасида учрайдиган хиёнатларнинг авж олишига асосий сабаблардан бири – бевосита адабий таълим дарсларининг сифатсиз ва мақсадсиз юштирилаётганлигидадир, - деб ҳисоблайди методист олим. Мақолада кўп йиллик иш тажрибаларидан келиб чиқкан ҳолда 8-синфда ўрганиладиган “Алпомиш” достони мисолида ўз мулоҳазаларини асослаб бера олган. Бундан ташқари, мазкур олим “Алпомиш билан сухбат”⁶⁴ рисоласида шу пайтгача достонда

⁶¹ Муродов М., Н.Ҳакимов, А.Эргашев. “Қадриятнома” 1-китоб. - Т.: Ф.Ғулом номли адабиёт ва санъат нашриёти, 2001. – 544 б.

⁶² Қосимова М. Таълим ва тарбия жараёнида янги педагогик технологиялардан фойдаланиш. // Мактабгача таълим. 2002. №2-сон, 3-5-бетлар.

⁶³ Мадаев О. Адабиёт дарслклари ва миллий мафкура.. // Тил ва адабиёт таълими. - Т., 1998, №2-сон, 9-16-бетлар.

⁶⁴ Мадаев О. “Алпомиш” билан сухбат. – Т.: Маънавият, 1999. – 75 б.

алоҳида ўрганилмаган шахс эрки, асарга ислом дини таъсири, инсон руҳий аҳволи ифодаси каби масалаларни ёритган. Унинг “Алпомиш” ҳикматлари” номли бўлимида достондаги ҳикматли сўзлар, иборалар ва мақоллардан намуналар илова қилинган.

Қ.Йўлдошевнинг “Алпомиш” достони талқинларига бағишенган рисоласида⁶⁵ унинг бадиияти ва миллатимиз маънавияти билан боғлиқ муаллифнинг сўнгги кузатишлари, филологик илмимизда маълум маънода шаклланган илмий-ижодий ёндошувлар тизимидағи янгича фикр-мулоҳазалари берилган. Буни олимнинг ўзига хос содда ва айни пайтда теран таҳлиллари тасдиқлай олади.

А.Эргашев ва Р.Ҳакимов халқ достонларидағи эпик қаҳрамоннинг дунёга келиши, ўсиб-улғайиши, турли-туман саргузаштларининг баёнида одоб-аҳлоқ тизимлариға кенг ўрин берилганлигини «Зайдиной» достонига мурожаат қилиш орқали асослашга ҳаракат қилганлар⁶⁶. Хусусан, сафарга чиқаётганида эпик қаҳрамонларга бериладиган халқона дуолар, хайрлашиш жараёнида қилинадиган миллий насиҳатлар ва айтиладиган яхши ниятларнинг энг сара намуналарини таҳлил қилганлар, маънавий-аҳлоқий тарбиядаги ўзига хос ўрнини белгилашга уринганлар.

М.Бозорова ўз тадқиқотида⁶⁷ кичик ёшдаги ўқувчиларда ўртоқлик ва дўстлик туйғуларини шакллантиришда халқ эртакларидан фойдаланишнинг методикасини, шакл ва усулларини кенгроқ тадқиқ қилган; таҳлил жараёнида майший, қаҳрамонлик ва фантастик эртакларнинг юксак савиядаги намуналариға кўпроқ мурожаат қилиб, болаларнинг маънавий-аҳлоқий тарбиясидаги ўзига хос ўрнини белгилаб берган.

М.Жумабоевнинг айrim ишларида⁶⁸ халқ эртаклари болаларнинг маънавий-аҳлоқий тарбиясида алоҳида мавқе касб этиши асослаб берилган. Хусусан, «Зумрад ва Қиммат», «Ўтинчи йигит билан шер», «Уч оға-ини ботирлар» каби ўндан зиёд халқ эртакларининг ғояларидаги тўғрилик, ҳалоллик, поклик, ваъдага вафодорлик, ота-боболар анъналариға ворислик, кексаларни хурмату, кичикларга иззатда бўлиш каби комиллик асосларини

⁶⁵ Йўлдошев Қ. “Алпомиш” талқинлари ёки достон бадиияти ҳамда миллат маънавияти хақида айrim фикрлар. - Т.: Маънавият, 2002. – 165 б.

⁶⁶ Эргашев А., Ҳакимов Р. Достонлар – одобнома дарслиги. // Ўзбек халқ донишмандлиги сабоқлари. Т-1993, 120-125-бетлар.

⁶⁷ Бозорова М. Использование народных традиций в воспитании чувства дружбы и товрищества у младших школьников. (На материале узб. народных сказок). Автореф. дисс.уч.степ. канд.пед. наук. – Т.:1994. 19с.

⁶⁸ Жумабоев М. Халқ тарбияшунослиги ҳикматлари. // Мактабгача таълим. 2001 йил, 9-10-сон, 5-7-бетлар.

ташкил этувчи юксак инсоний фазилатларнинг ёшлар тарбиясидаги ўрни ва тарбиявий дидактик имкониятлари қисқача очиб берилган.

М.Махмудова ўз тадқиқотида ва эълон қилган ишларида⁶⁹ талаба-ёшларни оиласи ҳаётга тайёрлашда халқ педагогикасининг кенг қамровли имкониятларини ўрганаар экан, халқ оғзаки ижодидаги тарбия тизими ва усулларига алоҳида эътиборини қаратган. Фольклорнинг ижтимоий қимматини маърифий, ғоявий-тарбиявий ва эстетик аҳамияти билан белгиланишини назарда тутган олимма мақоллар ва топишмоқлар, халқ қўшиқлари, айниқса, маросим фольклори, олқишлиар ва болалар ўйин фольклори намуналарининг ёшлар тарбиясидаги ўрнини белгилаган, ёшларни оиласи ҳаётга тайёрлашдаги дидактик имкониятларини алоҳида таҳлил этган.

Энг сўнгги вақтларда умумий ўрта таълим мактабларининг адабиёт дарслекларидаги халқ оғзаки ижоди асарларини маҳсус ўрганиш, улардаги маънавий-аҳлоқий тарбия ва қадриятларнинг қай даражада аҳамият қасб этишини текшириш тамойили кучаймоқда. Буни Г.Холбоеванинг номзодлик диссертациясида ва услубий ишларида⁷⁰ ҳам кузатамиз. Олима халқ оғзаки ижоди асарлари таҳлили воситасида 5-7-синф ўқувчиларида миллий қадриятларни шакллантириш муаммосига ўз эътиборини қаратган ва илмий асосланган методик тавсияларини ишлаб чиқкан.

Истиқлол даврида тарбияшунослик илмидаги маънавий-аҳлоқий тарбия тизимларининг халқ оғзаки ижодида қўйилиши ва уларни ўрганиш билан алоқадор адабиётларни қисқача кузатиш бизни қуйидаги хulosалар чиқаришимизга имконият берди:

1. Мамлакатимиз мустақилликка эришган йилларида халқ оғзаки ижодидаги маънавий-аҳлоқий тарбия муаммосига бағишиланган методик тадқиқотларни ўрганиш ва таҳлил этиш шуни тасдиқлайдики, биринчидан, бу даврдаги илмий изланишларда шўровий мафкурадан бутунлай холи бўлган янгиланаётган илмий тафаккурнинг тобора кучайиб борганлигини, уларда кузатиш, тавсифлаш, тизимга солиш, анкета-сўров, математик-статистик

⁶⁹ **Махмудова М.** Ижтимоий фаоликка ўргатиш // Бошлангич таълим. Т., 1995. №5-6. - 15-16-бетлар; **яна шумуаллиф.** Оиласи ҳаёт бўсағасида. - Т.: Фан, 1997. -140 б.; **яна шумуаллиф.** Халқ педагогикаси асосида талаба-ёшларни оиласи тарбиялаш. - Т.: Фан, 1995.

⁷⁰ **Холбоева Г.** Халқ оғзаки ижоди асарлари орқали ўқувчиларда миллий қадриятларни шакллантириш тамойиллари (5-7-синфларнинг адабиёт дарслари мисолида). Пед.фанл.ном..дисс. - Т.,2009.- 128 б.; **яна шумуаллиф.** Халқ оғзаки ижоди асарлари орқали ўқувчиларда миллий қадриятларни шакллантириш тамойиллари. Методик кўлланма. – Т., 2007. - 84 б.

таҳлил, тажриба-синов ишлари асосида хулосаларни умумлаштириш ва тегишли педагогик-услубий тавсиялар бериш каби қатор тамойиллар етакчилик қилганлигини кузатамиз. Иккинчидан, илмий савия масаласи илгариларга нисбатан сифат жиҳатидан анча ошганлигини, улар саноқ жиҳатдан сезиларли даражада кўпайганлигини кўрамиз. Бу давр тадқиқотларида миқдор билан сифат ҳамиша ҳам бир хил даражада бўлмаганлигини, бир қатор ишларда муаммога янги педагогик тафаккур талаблари асосида ёндошиш, қўйилган муаммонинг аввалги тадқиқотчилар назарлари илмаган жиҳатларини кўришга интилиш ёки эътиборидан четда қолган қирралари мустақиллик мафкураси асосида қайтадан тадқиқ қилиш ҳолатлари мавжудлигини ва энг муҳими, бундай илмий жараёнлар бугунги кунда тобора кучайиб бораётганлигининг гувоҳи бўламиз.

2. Мустақиллигимиз даврида унутилиб кетилаётган маънавий-аҳлоқий фазилатларимизни, миллий қадриятларимизни қайтадан тиклаш ва ота-боболаримиз яратган қўп қатламли бой маданий меросни, хусусан, ҳалқ оғзаки ижодидаги маънавий-аҳлоқий тарбия тизимларини изчил ўрганиш, улардаги умумбашарий ғояларни ёш авлодга сингдириш давлатимиз сиёсати даражасига қўтарилган долзарб муаммолардан саналади ва ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини заррача пасайтирган эмас.

БАДИЙ МАТИЛARДА НАБИЙЛАР ТИМСОЛИ ТАЛҚИНИ

Ф.Ф.н. У. Қобилов, (СамДУ)

Истиқлол туфайли маънавий-маърифий соҳаларда катта ютуқлар қўлга киритилди. Президентимиз И. А. Каримов Сурхондарё фаоллари билан учрашувда мамлакатимиз маънавият соҳасида дунёning етакчи давлатларидан бирига айланганини қайд этди. Маънавият тараққиётида мумтоз адабий матнлар ва уларда мужассамлашган поэтик қўлам ниҳоятда катта роль ўйнайди. Бу масала нубувват маърифати талқинларида янада ўзгача тароват касб этган. Шарқ, хусусан, ўзбек адабиётида нубувват алоҳида талқин жараёнига эга. Нубувват луғатларда «наба»- хабар бериш, «нубу»-юксалиш, юқорилаш маъноларини ифодалashi айтилган. У Аллоҳдан бўлган хабарнинг ваҳий орқали бандалари ичидан танланган шахсларга этишувини англатди. Бу сўз асосида наби, кўпликда анбиё тушунчаси бўлиб, унга маънодош ва асосида расул

ўзаги акс этган рисолат сўзи ҳам қўлланади. Расул ва набийлар бир маънода пайғамбарлар деб юритилса-да, улар орасида муайян тафовутлар ҳам мавжуд. Манбаларда бир юз йигирма тўрт минг пайғамбар ўтганлиги қайд этилади. Шундан уч юз ўн учтаси расул-пайғамбарлар ҳисобланади. Расуллар хабарларни оммага этказиши амр этилган, янги шариат билан келувчилар бўлса, набийлар мавжуд шариатни мустаҳкамловчилардир. Манбаларда “ ҳар бир расул набий бўла олади, аммо ҳеч бир набий расул бўла олмайди” - дейилган. Нубувват умумбашарият маънавий мулкининг ўтмиш, бугун ва келажагига дахлдордир. Дунё маданияти ва санъатининг ҳамма тармоқларида жилоланганди. Айниқса сўз санъатидаги бадиий талқинлари ўзгачадир. Бадиий ижод соҳибларига жўшқин илҳом манбаи бўлиб хизмат этган. Жаҳон халқлари маънавий-маърифий, бадиий-эстетик туйғуларини юксалтирувчи дурдона асарларининг юзага келишига замин яратган. Нубувват тарихи ва маърифатининг илк манбалари “қутуби осмоний”, яъни самовий китоблар саналади. Бу манбаларнинг жаҳон маданияти ва бадиий тафаккури тараққиётидаги ўрни ҳаммага аёндир. Ўзбек мумтоз адабиётида нубувват маърифатининг бадиий талқини Куръони карим асосида шаклланган. Зикр этилган рақамдаги нубувват гулшанидан йигирма бештаси Куръонда келтирилган. Айнан шу сиймолар тасвири ўзбек адабиёти бадиий оламида сермаҳсул ўрин тутади. Манбаларга кўра, ушбу пайғамбарларнинг асосини расуллар ташкил этади. Улардан йигирматасининг тарихи исломиятгача бўлган даврдан, Таврот ва Инжилдан бошланган , бештаси эса Куръонда зикр этилган. Албатта, нубувват талқинида ҳам тавҳиду воҳид таълимотига асосланилган. Бу сиймолар бадиий талқини миллий адабиётимиз умуминсонийлигининг яққол далилидир. Алишер Навоийнинг “Наводир ун-ниҳоя” девонига киритилган наът ғазалларидан бирида шундай сатрлар бор:

Бўлмағай эрди мұяссар “Хамса”, яъни панж ганж

Қилмаса эрди мадад ҳолимға беш олий або.

Байтда ишлатилган “беш олий або” ибораси нодир “Хамса”нинг умумбашарийлигини кўрсатади. Куръонда зикр этилган пайғамбарлардан бештаси “улул азм”, яъни азму матонат соҳиблари ҳисобланишади. Улар Нух , Иброҳим , Мусо , Ийсо ва Муҳаммад алайҳиссаломлардир. “Олий або” тушунчаси “улул азм” иборасининг бадиий ифодасидир. Демак, байтда “Хамса” беш

дурдона достоннинг вужудга келиши беш улуғ пайғамбарлар руҳий мадади туфайли эканлиги қайд этилган.

Нубувват муайян силсила сифатида ҳам, алоҳида тарзда ҳам кенг талқин этилган. Ўзбек адабиётида “нубувват хайли”, “нубувват гулшани”, “нубувват баҳри”, “нубувват тожи”, “ботин аль-нубувват”, “сурат аль-нубувват”, “хотам анъ-нубувват”, “меърож анъ-нубувват” каби қатор тушунчалар мавжуд. Улар бадиий талқини ниҳоятда жозибали ва чуқур маънога эгадир. Мумтоз бадиий тафаккурнинг моҳиятини англатишга йўғрилгандир. Манбаларга кўра, нубувват - тавхиддан кейинги ва валоятдан олдинги мақом саналади. Шарқ адабиётида Расулуллоҳ нубувват тимсоли сифатида талқин этилади. Бадиий адабиётда комил инсон пайғамбарлар тимсолида ифодаланаар экан, “ал-акмал ал-мукаммал” Муҳаммад алайҳиссалом тимсолидир. Мумтоз шеъриятдаги “хусн шоҳи” образли бирикмаси маъжозий маънода шу мукаммал комилликнинг бадиий талқинидир. Нубувват билан қўлланилган лугавий бирликларда ҳам Расулуллоҳ сийратига ишора этилган. Шарқона ботиний қараашларга биноан, нубувват нури Муҳаммадиядан ибтидоланиб, сурати Муҳаммад билан хотималанган. Навоийнинг “Ғаройиб ус-сифар” девонида келтирилган ушбу байтда айни масала назарда тутилган:

Эй, нубувват хайлиға хотам баний Одам аро,
Гар алар хотам, сен ул отким, эрур хотам аро.

Адабиётшунос Иброҳим Ҳаққуловнинг фикрича, Муҳаммад алайҳиссаломнинг тарихий шахсияти эмас, балки ҳақиқати Муҳаммадия комил инсон тимсолидир. Нубувватнинг Одамдан Муҳаммад Мустафогача давом этган силсиласи башарий тарих ҳисобланган. Набийлик баҳри талқинларга кўра, сон жиҳатдан йирик рақамга эга бўлса ҳам, бадиий талқин нуқтаи назаридан аниқ чегарага эга. Нубувват баҳри - бу исломият маърифатидир. Таврот ёки Инжил асосида шаклланган набийлар шахсияти ва шу йўрикдаги бадиий сиймолар талқини эса бундан мустасно. Томас Манн “Юсуф ва унинг биродарлари”, Бернон Томас “Исо қиссаси”, З. Фрейд “Мусо ва яккахудолик”, М. Булгаков “Уста ва Маргарита”, Ч. Айтматов “Қиёмат” каби асарлардаги бадиий тасвир нубувват талқинидан фарқли моҳият касб этади. Қуръон бир томондан нубувват маърифати ҳам саналади. Унда алоҳида “Анбиё”

сурасидан ташқари “Худ”, “Юсуф”, “Юнус”, “Иброҳим”, “Муҳаммад”, “Нух” каби суралар ҳам мавжуд. Шунингдек, “Аъроф”, “Ал-Исрө”, “Намл”, “Сабаъ”, “Зухруф”, “Ва-н-нажм”, “Ол-и-Имрон” ва бошқа суралар ҳамда пайғамбар сиймолар зикр этилган кўплаб ояти карималар бор. Шундан-да, исломият маданияти нубувват маърифатини вужудга келтирган. Унинг улуғворлиги мумтоз ижодкорларнинг шуурини ўзига ром этган ҳамда умуминсоний туйғуларга йўғрилган бадиий асарларининг пайдо бўлишига замин яратган. Нубувват шахслар тарихи сифатида ўз якунига эга бўлса-да, маърифат сифатида абадийликка дахлдордир. Унинг маънавий олами кейинчалик ҳам валоят мақомининг вужудга келиши ва ривожида ибрат бўлиб, инсоният ахлоқининг комиллашувидағи масъуллиги давом этади. Валоят тасаввуф маслагидир. Унинг ўзак масалалари нубувват маърифатидан озиқ олади. Жумладан, Муҳаммад алайҳиссаломнинг сўфийлик мақоматлари ҳақидаги: “Шариат- бу менинг сўзларим, тариқат- ҳаракатим, ҳақиқат- ҳолим”- деган шариф ҳадисларидан ҳам англаш мумкин. Тасаввуфнинг олам ҳақидаги кайҳоний таълимоти ҳам набийлар билан боғланади. Қудсий ҳадисга қўра, Довуд алайҳиссалом Аллоҳга: “Эй, Аллоҳим, олами нима учун яратдинг?” дейди. Аллоҳ: “Мен яширин хазина эдим. Ўзимни намоён қилмоқ истадим ва шунинг учун оламни яратдим” деб жавоб беради. Сўфийликдаги ориф ва маърифат (Муҳаммад алайҳиссалом), зуҳд ва зоҳидлик (Ийсо алайҳиссалом), обид ва ибодат (Идрис алайҳиссалом), сабр ва матонат (Аюб алайҳиссалом), шукр ва шокирлик (Иброҳим алайҳиссалом), ризо ва розилик (Мусо алайҳиссалом) ва бошқа ҳол мақомлари набийлар тимсолида зоҳир этилади. Нубувват маърифати бадиий адабиётда рамзий-мажозий тасвиrlарининг, умуминсоний фикр ва туйғулар талқинининг тобора кенгайишига имкон яратади. Бадиий адабиётда набийлик ҳақиқатлари ифодасининг маҳсули ўлароқ рамзий поэтика вужудга келди. Бадиий адабиёт, биринчидан, набийлик фалсафасини яхлит силсила, ягона цикл тарзида тасвир этса, иккинчисидан, алоҳида бадиий тимсол-образлар сифатида акс эттиради. Ўзбек адабиётида набийликнинг халқа тарзида тасвиrlаган асарлар гуруҳига: “қиссас-ул анбиё”лар, меърежномалар, ҳамду наът ғазаллар, бадиий достонларнинг айрим боблари , тарихий-ёднома йўналишидағи асарлар кириш қисмлари, баъзи шеърий жанрлардаги асарларни киритиш мумкин. Алоҳида

бадиий тимсол руҳидаги асарлар сирасига мумтоз лириканинг деярли барча жанридаги асарлар, маърифий ривоят ва ҳикоятлар, қиссачилик намуналари, жаҳон насридаги муайян асарларни қайд этиш мумкин. Набийлик ҳар иккала талқинда бадиий-эстетик тафаккурнинг жозибадорлигини намоён этишга хизмат этади. Шу қатори ўтмиш билан бугунни, тарих билан замонни боғлайди. Инсон ҳаётига маъно, туйғуларига поклик, қалбига орасталик, руҳиятига хотиржамлик бағшида этади. Мұхаммад Расулуллоҳ набийлик руҳи ва маърифатининг тимсоли ҳамдир. Шу ўринда бир мулоҳазани айтиб ўтишимиз ўринли бўлади. Адабиётларда етти қат осмон ва замин тасвирига алоҳида ўрин ажратилган. Рабгузий талқинича, самовот қатлари поклик рамзи бўлиб, унда эзгулик фаришталари сарбозлик қиласди. Замин қатларида эса манфурлик илдиз отган ва унда ёвузлик руҳлари ҳукмрон. Инсон эса шу икки кутбнинг марказини ташкил этади. Унда руҳ жозибаси устунлиги самовий покликни, нафс қутқусига тобелик эса заминий манфурликни келтириб чиқаради. Алишер Навоийнинг “Гар фано расмин қилмоқ...” деб бошланувчи ғазали бевосита мана шу масалага бағишлиланган(4.58). Унда ошиқнинг фано мақомидаги ҳолати баён этилган бўлиб, бадиий фикр руҳ ва нафсни англашга қаратилган. Байтдаги мисралар ўзаро зиддиятли тасвирга асосланган. Руҳ Ҳақдан берилган нур, раҳмоний сифат. Нафс зулмат, шайтоний хирс. Руҳ Калимуллоҳ, нафс эса Фиръавн йўли. Руҳ Ҳабибуллоҳ маърифати, нафс Бужаҳл(Абужаҳл-Мұхаммадга қарши шахс) жаҳолати. Лирик қаҳрамон Ҳақдан руҳоний сифатларга эришиб, нафсоний иллатлардан фориғ бўлишда сабр, чидам ва матонат истовчи комиллик йўлидаги толиб. Меърежномаларда набийлар мақоми самовий поклик рамзи сифатида талқин этилади. “Қиссаи меърож ан-набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам”да Расули Ақрам биринчи осмонда Одам алайҳиссалом, иккинчисида Исо ва Яҳё, учунчисида Юсуф, тўртинчисида Идрис, бешинчисида Ҳорун, олтинчисида Мусо, еттинчи қаватда Иброҳим алайҳиссалом билан мулоқоти баён этилади(4.147). Набийларнинг алоҳида бадиий образ-тимсол сифатидаги тасвири ҳам ниҳоятда жозибали поэтик манзараларни юзага келтирган. Набий-пайғамбарларнинг башарий тарихи ҳам бениҳоя дилдор ва жозибадор бадиий сюжет ҳисобланади. Бинобарин, ҳазрати Одам Ато, Нух, Иброҳим, Юнус, Юсуф, Сулаймон, Аюб, Мусо, Ийсо, Мұхаммад алайҳиссаломларнинг

қизиқарли тарихи асосидаги воқеликлар тайёр сюжети санъатнинг барча соҳаларини ўзига жалб этган. Бадиий адабиётда ҳам ёрқин асарларнинг вужудга келишида пойdevор бўлган. Биргина жаҳон адабиётидаги “Юсуфнома”лар анъанасининг ўзиёқ масаланинг ниҳоятда қўламдор эканлигини исбот этади. Унда қўйилган масалалар қамрови жуда кенг бўлиб, сўз санъати намунаси сифатида энг оптимистик асар вазифасини ўтаб келмоқда. Пайғамбарлар тарихи тўғрисидаги сюжетларнинг аксарияти кейинчалик модефикациялашиб улкан бадиий асарларнинг юзага келишига замин тайёрлаган. Мисол тариқасида Юнус пайғамбар тарихи (Юнус балиқ ичида узоқ яшаганлиги) сюжетининг модефикацияси сифатида “Робензон Крузо”сингари нодир асарнинг вужудга келганлигини айтишимиз мумкин. Чунончи ҳазрати Ийсо, Мусо, Нух ва бошқа пайғамбарлар ҳақидаги бадиий қиссалар ҳам дунё адабиётининг классик намуналари қаторига киради. Дунё адабий жараёнида у ёки бу маънода набийлик таъсиридан холи бадиий асарни учратиш амри маҳолдир. Бундан ташқари набийлик тарихий сюжети асосида дунёвий ва ухровий масалаларни ўзаро мутаносибликда талқин этиш тажрибалари ҳам бадиий ижод жараёнида ўзининг салмоқли самараларини бермоқда. Бунга М. Булгаков “Уста ва Маргарита”, Ч. Айтматов “Қиёмат”, Улуғбек Ҳамдам “Исён ва Итоат” каби асарларни мисол келтириш мумкин. Набийликнинг замонамизга энг яқин тарихи ҳам ҳазрати Муҳаммад Мустафо тарихидир. Расулуллоҳ ҳадисларидан бирида ўзига энг яқини Ийсо алайҳиссалом эканлигини, улар орасида бошқа пайғамбар ўтмаганлигини эслатади. Манбаларда олдинги набийуллоҳларнинг узоқ умр кечирганлиги ва ҳар бир пайғамбар орасида ҳам узоқ тарихий вақт мавжудлиги қайд этилади. Бу эса нубувват тарихи ва маърифатининг кўп асрлар давомида қиёмига етганлигини кўрсатади. Бу адoқсиз йил ва асрлар турли талқинларда турличадир. “Тарихи анбиё ва хукамо”да Одам замонидан Нухгача икки минг беш юз йил, Нух замонидан Иброҳим Халилуллоҳгача бир минг беш юз йил, Иброҳим аҳлидан Мусогача тўрт юз олтмиш йил, Мусодан Ийсо алайҳиссаломгача бир минг тўққиз юз ўттиз йил, Ийсадан Муҳаммад Расулуллоҳгача тўрт юз саксон йиллик вақт масофаси борлиги таъкидланади. Одам Ато минг йил, Нух бир ярим минг, Довуд юз йигирма йил ва ҳокозо умргузаронлик қилганлиги айтилади. Набийлик тарихида барҳаёт пайғамбарлар ҳам эътироф этилади. Чунончи “Кисаси

Рабғузий”да: “Тўрт пайғамбар тирик туур. Иккиси кўкда – Исо ва Идрис. Иккиси ерда – Хизр ва Илёс”- дейилган(5.17). Набийлар умри бадиий тасвирларида Нуҳ узоқ умр тимсоли сифатида кўрсатилиб, мажозий маънодаги ишқ ва ҳажрнинг бардавомлиги ва лекин бебақолиги таъкид этилади.

Нуҳ умрию Сулаймон мулкига йўқтур бақо,
Ич, Навоий, бодаким, олам ғами беҳудадур.

Нубувват комил ахлоқ ва инсоний фазилатлар маърифати ҳамдир. Набийлик эътимотига кўра, пайғамбарлар ахлоқий покиза, садоқатли, тўғри сўз, илоҳий хабарларни етказишга қодир, ақлу фаросатда беназир сифатлари учун танланган ва шуларга маъсулдирлар. Адабиётнинг руҳият камоли ва эстетик жозибага йўғрилганлиги айниқса нубувват гулшани мўъжизалари бадиий талқинида гулчамбар очади. Мўъжиза, эъжоз сўзларининг замирида ожиз ўзаги ётади. Мўъжиза кўрсатиш ожиз қолдириш демакдир. Манбаларда пайғамбарлар Аллоҳнинг иродаси билан мўъжизалар содир этганлар. Мусо алайҳиссаломнинг сехри ёки Ийсонинг жон бағищловчилик мўъжизалари таърифи ҳамда талқини бадиий тасвирларни ҳам соҳир ва жонбахш мўъжизаларга айлантириб юборган. Сўз санъати нағосатининг беҳад жозибадорлигини намоён этган. Довуднинг нағмадаги хушоҳанглик мўъжизаси талқини бадиий тасвирларга наво бағищлаган. Юсуфнинг мўъжизавий гўзаллиги мумтоз тасвир ва талқинлар соҳибжамоллигини таъминлаган. Набийлар мўъжизалари ёки сифатларининг мумтоз шеъриятдаги тасвирлари адабиёт илмида бадиий санъат-талмех деб қаралса-да, мисра, байт ёки яхлит шеърда келтирилган майян тимсол-образнинг бадиияти шу асарнинг бутун поэтик харитаси билан боғланиб кетади. Бунга набий алайҳиссаломларнинг ўзбек мумтоз шеъриятида сермаҳсул тасвирланган образ-тимсоллари яққол мисол бўлади.

Адабиётлар:

1. Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Ўзбекистон, 2005.
2. Каримов И. А. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. – Т.: Ўзбекистон, 2010.
3. Қуръони Карим (Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Марсур). – Т.: Чўлпон, 1992.
4. Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Ўн жилдлик. – Т.: F. Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2012.
5. Носируддин Бурхонуддин Рабғузий. Қисаси Рабғузий. – Т.: “Ёзувчи”, 1990.
6. Алишер Навоий. Тарихи анбиё ва хукамо. – Т.: Самарқанд: F. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр. бўлими, 1990.

СЎЗ МАСЪУЛИЯТИ ВА ИЖОДКОР УСЛУБИ

Ф.Ф. д. Шоира Дониярова.

Маълумки, ҳар бир халқнинг, ҳар бир миллатнинг маданияти ва миллий адабий тили мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-моддасида таъкидланишича, «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир». Шу боис айтиш мумкинки, тилнинг ривожланиши ва шаклланишида ҳам ижтимоий тараққиётнинг роли каттадир. Айниқса, бадиий адабиёт орқали қаҳрамон ҳаётини тасвирлаш, ўй-кечинмалари, орзу-интилишларини қаламга олишда миллий тилнинг аҳамияти бекиёсdir. Қолаверса, воқеликнинг бадиий сўз ёрдами орқали образли акс эттирилишида ёзувчи халқ тилининг битмас-туганмас имкониятларидан унумли фойдаланади. Ёзувчилар бадиий тилнинг барча поэтик услубларини меъёрда қўллаб, муаллиф нутқи ва персонаж тилини акс эттиришда халқ тилига хос фразеологик бирикмалар, ўткир маъноли, фош қилувчи ибора, қочирим, киноя, кесатик ва муболагага бой бирикмалардан кенг фойдаланадилар. Улар, айниқса, шевага хос сўзларни меъёр билан қўллашади. Фикримизнинг исботи учун истеъдодли адиблар Ў.Ҳошимов ҳамда Ш.Холмирзаев ижодига назар ташлаймиз.

Ў.Ҳошимов Саодат Умрзоқова билан бўлган сұхбатида шундай дейди: “”Ижод аҳли, айниқса, қаламкаш учун сўз шунчаки фикрни ифодалаш воситаси эмас. У, биринчи галда, ижодкорнинг энг муҳим қуролидир. Дейлик, ўртача романда тахминан мингта сўз ишлатилади. Табиийки, бир сўз роман давомида бир неча марта такрорланиши мумкин. Агар романни катта бир бино деб тасаввур қилсан, сўз ўша иморатнинг ғишидир. Чинаккам ёзувчи ҳар бир “ғишт”ни шу қадар тартиб билан, зичлаб териб чиқадики, бирон “ғишт”ни кўчириб олиб, ўрнини алмаштириш ёки бошқа “ғишт” қўйишга ҳожат қолмайди. У қаламкаш истеъдодини белгилайдиган жуда мураккаб жараёндир”{1} .

Ёзувчининг ушбу сўзларидан ҳам унинг миллий тилга бўлган муносабати, сўздан фойдаланиш масъулиятини ҳис этиши яққол кўриниб турибди. Демак, ёзувчининг халқ тилидан ўз асарларида юксак поэтик маҳорат билан фойдаланиши, унинг сўз бойлигидан ўзига хос услубда, меъёрни бузмаган ҳолда ижодий ўзлаштириши, сўз қўллаш масъулиятининг муваффақиятли чиқишини таъминлайдиган асосий эстетик омиллардан биридир.

Бадиий асар тили ҳақида Ш.Холмирзаев биз билан бўлган сұхбатида шундай деган эди. «Биз битта адабий тилни қабул қилғанмиз, ҳақиқий адабий тил бу Андижон тили, Чўлпоннинг тили. Мен ўзим ёзганимда ҳамма вақт автор тилида, соф Андижонча ёзишга ҳаракат қиласман. Аммо қаҳрамонларим ўз-ўзича, лекин адабий тилга ҳар нарсани тиқиширишни ёқтирганимдек, бадиий асар тилини ҳам бузишни хоҳламайман» {2}.

Бизнинг кузатишларимиз шуни кўрсатадики, ҳар икки ёзувчи ҳам ўз асарларида адабий ва халқ тилидан ўзига хос тарзда фойдаланадилар. Ў.Ҳошимов Тошкент шевасини, Ш.Холмирзаев эса Сурхон шевасини адабий тил хазинасига бадиий ижод орқали олиб киради.

Ш.Холмирзаев асарларида “диқитиб” - (ишора қилиш) деса, Ў.Ҳошимов “ҳалигидәқа” тарзида қўллади. Шунингдек “ока”- (ака), “ҳазил бўл” - (эҳтиёт бўл), “келадила, келавоттила”- (келадилар, келаяптилар), “шуттайди”-(шу ерда эди), ”лачапўшрок”-(лапашангроқ) каби Тошкент шеваси адиб асарларида яққол кўзга ташланади.

Ш.Холмирзаев эса Сурхон шевасида ишлатиладиган “исипак” - (ипак), “жув қилди”-(киноя қилди), “диқитиб”-(ишора қилиб), “хўв”-(ўша), “зомонит қилмоқ”-(сўймоқ), “choх бўл”- (тайёрланиб тургин) “жугурсангчи” (югурсангчи), “чечা” (янга-келинойи), “жут” (ют) каби Сурхон шевасига хос сўзлар кўплаб учрайди.

Бундан ташқари, ижодкорлар асарларида фразеологизмлар бадиий асар тилининг лексик жиҳатдан бой бўлишига кенг имконият яратади.

Ҳар бир халқнинг ўз тилига хос барқарор сўз бирикмалари, фразеологизмлар мавжудки, бу Ў.Ҳошимов асарларида унумли ишлатилган.

“Шавкат Қудратовичнинг ранги учиб кетди”.-(қўрқиб кетишга ишора).

“Ниятингиз яхши-ку, холва деган билан оғиз чучимайди-да ўртоқ Ҳўжайип”-(ҳеч бир иш осон ҳал бўлмаслигига ишора).

“Кеча келди югуриб, бугун олар суғуриб”-(янги ишга келган одамнинг талабчанлигига ишора).

“Туппа-тузик мол эканмизу, билмай юрганимизни қара”- (хақорат эшитган кишининг кесатиги).

“Олма-ўрик бўлармидик энди”-(Ёшининг кексалигига ишора).

“Жон борми ўзи”-(Ўзга кишининг кучсизлигини киноя билан билдириш).

Бу каби фразеологик бирикмалар Ш.Холмирзаев асарларида ҳам кенг учрайди. “Отнинг ўлими-итнинг байрами”-(Бироннинг омадсизлигидан хурсанд бўлиш), “ўлжа бўтам”-(эркалаш), “манқара”-(эҳтиёт бўл), “кўзим қиймади”-(қизғаниш), “кўзи учди”-(шубҳаланди), “анграйиб оғзига пашша киритди”-(имконини бой берди), “катта оғиз”-(гапга уддабурон, манмансираган) каби. Бу мисоллардан ҳам кўриниб турибиди, ҳар икки ижодкор сўздан ўзига хос маҳорат билан фойдалана олишади.

Сўздан фойдаланиш тўғрисида Алишер Навоий “Назм ул жавохир” асарига ёзган сўз бошисида бадиий тасвирида сўзнинг тутган ўрни ҳақида уч маъно тўғрисида ёзади. Улар: “Аъло сўз” ваҳийлар, расуллар ва авлиёларнинг сўzlари, “Авсат сўз”-“жамоати балоғатшиор”, яъни донишманд ва ижодкорлар сўзи; “Адно сўз” - авом, яъни халқ сўзлайдиган сўздир {3}.

Демак, Алишер Навоийнинг фикрича, сўз санъатида уч хил даража мавжуд: олий (“аъло”), ўрта (“авсат”) ва қуий (“адно”). Демак, бизнинг назаримизда, ижодкор сўзи ана шу таснифнинг ўрта поғонасига мансубдир.

Юқоридаги фикрлардан маълум бўладики, ёзувчи сўз санъати воситасида тарбия билан шуғулланади, ҳар икки ижодкор ҳам бадиий тасвирининг юксак намуналарини яратишда халқ тилининг лисоний имкониятлари, лексик-семантик бирликлар, фразеологизмлар, иборалар, қочирим, киноя муболоғага бой бирикмаларни ўта маҳорат билан ишлата оладилар.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Умрзокова С. Сўз энг сехрли санъат // Ёшлиқ. 1997. 3-сон. 4-бет
- 2.Дониёрова Ш. Ўз-ўзимни каşf этмоқ учун ёзганман // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2000. 16 февраль
2. Қаранг: Навоий А. Муқаддима // Ўзбек тили ва адабиёти. 1991. 1-сон.

SAID AHMADNING “UFQ” ROMAN-TRILOGIYASI TAHLILIGA BAG’ISHLANGAN BAHS-MUNOZARA DARSI

F.f.n.Yu.Karimova.

“Yaxshi o‘qituvchi bo‘lish uchun nimani o‘qitsang – o‘shanga, kimni o‘qitsang – o‘shalarga mehr qo‘ymog‘ing zarur”, - deydilar mutafakkirlarimiz.

Haqiqatdan ham o‘z kasbiga, o‘z faniga yuragida katta mehri, muhabbat bo‘lgan har bir pedagog bugungi kunda xalq ta’limi tizimida olib borilayotgan islohotlar mohiyatini, yurtimizda amalga oshirilayotgan ma’naviy-ma’rifiy yangilanish jarayonining ko‘lamini, davlat va hukumat tomonidan xalq tizimiga qo‘yilayotgan ustuvor vazifalarning mas’uliyatini teran his etgani holda mehnat qilmog‘i lozim.

Adabiyot ta’limida samarali pedagogik texnologiyalaridan maqsadli foydalanish o‘zining ijobiy natijalarini albatta ko‘rsatadi.

Oliy o‘quv yurtlarining filologiya fakulteti talabalariga mutaxassislik fanlarini o‘tishda yangi pedagogik texnologiyalarni qo‘llash fan asoslarini mukammal, chuqur o‘rganish uchun zamin yaratadi, ularni mustaqil mushohadaga chorlaydi, nutqini sayqallashtiradi, dunyoqarashini kengaytiradi, eng asosiysi – izlanuvchanlikka o‘rgatadi.

Shu ma’noda biz III bosqichda o‘zbek adabiyoti tarixi (XX asr) fanidan Said Ahmadning “Ufq” roman-trilogiyasining tahliliga bag‘ishlangan amaliy mashg‘ulotni tashkil qilish tajribasi bilan o‘rtoqlashmoqchimiz.

O‘quv mashg‘ulotining maqsadi:

a) **ta’limiy maqsad:** Said Ahmadning “Ufq” roman-trilogiyasini o‘zbek prozasida tutgan o‘rni, romanning g‘oyaviy-badiiy qimmati, obrazlar tizimi, trilogiyaning turfa xarakterdagi qahramonlarini yaratishda yozuvchi mahoratini o‘rganish.

b) **tarbiyaviy maqsad:** “Qirq besh kun”da tasvirlangan Katta Farg‘ona kanali qurilishi voqealari, “Hijron kunlarida” tasvirlangan Ikkinchiji jahon urushining suronli damlarida o‘zbek askarlari va front ortidagi o‘zbek mehnatkashlarining fidoyiligi, “Ufq bo‘sag‘asida” tasvirlangan urushdan keyingi xalq xo‘jaligini tiklash, qo‘riq va bo‘z yerkarni o‘zlashtirishda xalqimiz ko‘rsatgan buyuk jasoratlardan roman mutolaasi davomida xabardor bo‘lgan talabalar qalbida avlodlar jasoratiga havas, amalga oshirgan mehnat zafarlariga vorisiylik, Vatanni sevish, insonlarni ardoqlash tuyg‘ularini tarbiyalash.

v) **rivojlantiruvchi maqsad:** talabalarda badiiy asar o‘qishga cheksiz ehtiyoj hissini uyg‘otish, badiiy asarni tahlil va talqin qilish ko‘nikmasini shakllantirish, talabalarning estetik didini, badiiy zavqini uyg‘otish, mustaqil mulohazalarini erkin ayta bilishga o‘rgatish, adabiy tilda nutqini ravon yetkaza olish malakasini oshirish.

Dars johozi: darslik, Said Ahmad asarlaridan kichik ko‘rgazma, slaydlar, albomlar, tarqatma materiallar, ma’lum bir maqsadlarni izohlash uchun tayyorlangan plakatlar.

Dars turi: bahs-munozara, suhbat.

Darsning borishi:

I. O‘qituvchi talabalar bilan salomlashgach, navbatchi yordamida guruh davomatini aniqlaydi. Lozim topilsa, o‘qituvchi talabalarni kunning muhim voqealari bilan qisqacha tanishtirib o‘tadi. Darsning tashkiliy qismida talabalarning kiyinish madaniyati va davomat masalasiga ham o‘qituvchi e’tibor berishi, e’tirozlari bo‘lsa, albatta, aytishi kerak.

II. Seminar mashg‘ulotining mavzusi e’lon qilinadi. Monitoringda mavzu, reja, tavsiya etilgan adabiyotlar ro‘yxati ko‘rsatiladi.

Mavzu: Said Ahmadning ”Ufq” romani tahlili.

Reja:

1. Trilogiyada sujet va kompozitsiyaning o‘ziga xosligi, obrazlar tizimi.
2. Asardagi hayot haqiqati va badiiy haqiqat, asarda xalq hayoti burilish nuqtalarining badiiy talqini.
3. Asarda Ikromjon – Tursunboy – Jannat xola taqdirida urush fojealarining aks etishi.
4. Qochoq obrazini yaratishda yozuvchi mahorati.
5. ”Ufq”dan adabiyot domavoyi(A.Qahhor)ga o‘tgan qahramonlar (Azizzon, Tursunboy, Ikromjon, Inoyat oqsoqol).
6. Xulosa: Said Ahmadning ”Ufq” trilogiyasining o‘zbek romanchiligi rivojidagi o‘rni.

O‘qish uchun tavsiya etilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. N.Karimov va boshqalar. XX asr o‘zbek adabiyoti tarixi. T., O‘qituvchi, 1994.
2. U.Normatov. Talant tarbiyasi. Yosh gvardiya, T., 1980.
3. U.O‘jaboyev. Zamon talabi va ijodkor mas’uliyati. T., O‘zbekiston, 2012.
4. Said Ahmad. Ufq: trilogiya. T., G‘.G‘ulom nomidagi NMIU. 2013.
5. Said Ahmad. Yo‘qotganlarim va topganlarim. T., Sharq, 1989.
6. Said Ahmad. Kiprikda qolgan tong. T., Sharq, 2008.
7. Said Ahmad. Tanlangan asarlar. Hikoyalar. T., Sharq, 2010.
8. Ch.Aytmamatov. Qissalar. Yuzma-yuz. T., Sharq, 2006.
9. V.Rasputin. Omon bo‘lsang, unutma. T., Adabiyot va san’at n. 1984.
10. S.Ayniy. Sudxo‘rning o‘limi. T., Adabiyot va san’at n. 1978.

III. To‘g‘ridan-to‘g‘ri asar tahliliga o‘tilishdan oldin o‘qituvchi auditoriyaga roman-trilogiyaning tabiatini ochib beruvchi savollar bilan murojaat qiladi. O‘qituvchi-talabaning o‘zaro muloqoti, savol-javoblari

asnosalida, aynan tahlilga tortilayotgan “Ufq” romanini misolida roman-trilogiyaning o‘ziga xos tomonlari sanaladi. Aslida, o‘qituvchi buni ma’lumot sifatida talabalarga aytib o‘tsa ham bo‘ladi, lekin talabaning o‘zini mustaqil fikrlashga, mulohaza qilishga, solishtirishga, xulosalashga o‘rgatish ta’lim sifatining garovi ekanligini yaxshi bilamiz. Shu maqsadda talabalarga quyidagi savollar bilan murojaat qilish mumkin:

1. Trilogiya so‘zining lug‘aviy ma’nosi nima?
2. “Ufq” roman-trilogiyasi siz oldin o‘qigan “O‘tkan kunlar”, “Kecha va kunduz” romanlaridan sujet va kompozitsion qurilishida nimasi bilan farq qiladi?
3. Nisbiy mustaqillikka ega bo‘lgan bu uchta asarni qaysi jihatlar bir-biri bilan bog‘lab turibdi?

Javoblardan so‘ng auditoriyadagi talabalar guruhlarga bo‘linib, roman tahliliga kirishadilar:

“Realistlar” guruhi a’zolari “Ufq” romanining ijodiy taqdiri haqida Said Ahmadning adabiyotshunos olimlar bilan qilgan suhbatlari, roman yaratilishi bilan bog‘liq xotiralariga suyanib gapiradilar. Asar voqealariga asos bo‘lgan hayotiy lavhalar, qahramonlarning prototiplari, asarga olib kirilgan real-tarixiy shaxslar obrazlariga to‘xtaladilar. Roman-trilogiyada o‘zbek xalqi hayotidagi uch muhim davr voqealarini: Katta Farg‘ona kanali, ikkinchi jahon urushi, qo‘riq-bo‘z yerkarni o‘zlashtirish, urushdan keyin vayron bo‘lgan xalq xo‘jaligini tiklash jarayonlarini qanday badiiy talqin qilingani, yozuvchi hayot haqiqati va badiiy to‘qima me’yorini qanday saqlay olgani haqida fikr yuritadilar.

“Xaraktershunoslar” S.Ahmad badiiy konsepsiyasini yuzaga chiqarishda, davr voqealarini badiiy tadqiq etishda katta nagruzka tashigan Azizzon, Ikromjon, Tursunboy, Nizomjon, Jannat xola, A’zamjon kabi obrazlar talqini va tadrijiga e’tibor qaratadilar. Masalan, Azizzon dinamik obraz sifatida kitobxon ko‘z o‘ngida shunday yuksaladi: Vujudidagi asov, o‘jar kuchni jilovlolmay, qaynab turgan Azizzonni Lutfiniso muhabbati katta yo‘lga olib chiqdi. Bu yo‘l polvon yigitxani Katta Farg‘ona kanali qurilishiga olib keldi. Ulkan, foydali mehnat qadrini tushungan Azizzonda ezgu maqsad, xalqi, yurti uchun fidoyilik tuyg‘usini uyg‘otdi. Kutilmaganda Lutfixondan ajralib qolishi, o‘lim, ayriliq unda atrofdagi odamlarga darddoshlik, hilmlilik, andisha hislarini tarbiyaladi, yosh bo‘lishiga qaramay, hayotning achchiq-chuchuklarini tortishga ulgurgan Azizzon ikkinchi jahon urushi janggohlarida qahramon bo‘ldi.

Said Ahmad xarekterlarining yorqin chiqishida mahorat bilan qo'llanilgan ruhiy tahlilga ham xaraktershunoslар e'tibor qaratishlari lozim. Bu jarayonda yozuvchi ichki monologlar, muallif nutqi, peyzaj, detal, o'rni bilan falsafiy mushohadalarga murojaat etganki, yuqorida sanalganlarning barchasi qahramon ruhiyatini ochishga xizmat qilgan (Qochoq o'g'li Tursunboyning devordagi qo'l izlarini (detal) chopib tashlagan Ikromjon yoki bahor kelib uyg'onayotgan tabiat tasviri va qochqoq Tursunboy ko'ngil holatini kontrast usulda ko'rsatishi". Talabalar ana shu tarzda S.Ahmadning xarakter yaratish mahoratini ochib berishlari lozim bo'ladi.

"Lingvistlar" guruhi a'zolari yozuvchi asar voqealarini so'z yordamida obrazli aks ettirishda milliy tilimizning boyligidan, bitmas-tuganmas imkoniyatlaridan nechog'lik foydalana olgani haqida fikr yuritadilar. Asarning badiiy to'qimasidan joy olgan maqollar, maxsus ifodalar, qochirmalar, iboralar, so'z o'yinlari "Ufq" romanining tilini jonli, obrazli chiqishiga sabab bo'lganini asardan misollar keltirish bilan asoslaydilar. Masalan, Azizzon xarakterini ochishda yozuvchi shunday obrazli ifodadan foydalanadi: Azizzon toshqin suvgaga o'xshaydi. Uni jilovlasa xohlagan tomonga, dalalarga, chorboqlarga boshlab borsa bo'ladi. Agar jilov solmasa u qirg'oqlarni buzib, ekinlarni payxon qiladi.

"Rejissorlar" guruhi a'zolari asardan o'zlariga ma'qul kelgan biror parchani 10-12 minutlik sahna ko'rinishi sifatida namoyish qilib beradilar. Sahna ko'rinishiga urushdan qochib to'qayzorda yashirinib yurgan Tursunboy bilan ikki o't orasida qolgan, aybsiz aybdor sho'rlik ona - Jannat xolaning suhbatи tanlansa va ijro etilsa, talabalar urush fojealarini teranroq his etadilar. Qochqoq Tursunboyning ruhiy-ma'naviy dunyosi ko'z oldilarida yanada yaqqolroq namoyon bo'ladi.

"Komparativistlar" guruhi a'zolari ilgaridan talabalarga o'qishga tavsiya qilingan qirg'iz yozuvchisi Chingiz Aytmatovning "Yuzma-yuz" qissasidagi qochqoq Ismoil, rus yozuvchisi V.Rasputinning "Omon bo'lsang, unutma" qissasidagi qochqoq Andrey hamda "Ufq"dagи Tursunboy obrazlarini qiyoslab tahlil etadilar.

Qochqoq obrazini yaratishda har uchala yozuvchining o'ziga xos uslubi, o'zining individual yondashuvi talabalar tomonidan qayd etiladi.

Qochib, el ko'zidan yashirinib yurishganidagi ota-onalarining yoki sevgan qizlari, umr yo'ldoshlarining ularga munosabatlari qiyoslanadi. Tursunboy-Zebi, Ismoil-Saida, Andrey-Nastena. Ana shu qiyoslarda ham har bir qochoqning ma'naviy dunyosi yanada ochiladi.

Har uchala qochqoqning ma’naviy-ruhiy olamidagi mushtarak va farqli jihatlar qiyoslanadi. Qochqoq sifatida o‘zlarini tutishlari, suratlari va siyratlari, atrof-olamga va o‘z-o‘zlariga bergan baholari solishtiriladi va xulosalar yasaladi.

Xuddi shuningdek, asardagi yana bir muvaffaqiyatli chiqqan Inoyat oqsoqol obrazi ham o‘quvchi esida qoladigan darajada pishiq obraz. Bu tipdagи nuxxalar xalq boshiga tushgan ofatdan ham o‘z sandiqlarini to‘ldirib qolishga harakat qiladigan zag‘izg‘on mijoz tashmachi odamlardir. Inoyat oqsoqolning alohida xususiyatlari uni S.Ayniyning Qori Ishkambasi bilan qiyoslanganda yanada yorqinroq ko‘rinadiki, bu vazifani ham komprativistlar bajarishlari lozim bo‘ladi.

Asar tahlilining xulosa qismida barcha guruh a’zolari o‘z fikrlarini bildirishlari va quyidagi to‘xtamlarga kelishlari mumkin:

1. Trilogiyada xalqimiz hayotining eng muhim burilish nuqtalari badiiy tadqiq etilgan. Mutolaa davomida o‘quvchi xalqimizning buyuk irodasiga, matonatiga, yaratuvchilik kuchiga qoyil qoladi. “Ufq” romani shoirning “Xalq dengizdir, xalq to‘lqindir, xalq kuchdir” so‘zlarining epik tasvirga ko‘chgan badiiy tadqiqi va talqinidir.

2. Albatta, romandagi Inoyat oqsoqol, Risolat, A’zamjon kabi obrazlarning qilmishidan ko‘nglingiz xira tortadi, Tursunboyning ayanchli qismati o‘quvchi qalbiga toshdek cho‘kadi, lekin nima bo‘lsa ham ana shu obrazlar taqlid odamlar shu fe’l-atvor bilan insonlar orasida yashayveradilar. Muhimi ana shundaylar bo‘lganligi uchun ham biz yaxshi insonlarning, halol, diyonatli, mard odamlarning: Ikromjonlarning, Nizomjonlarning, Xolmatjonlarning, Asroralarning qadriga ko‘proq yetishga o‘rganamiz.

3. Asarda eng og‘ir damlarda doimo xalq bilan birga bo‘lgan, odamlarning yaxshi kunlarida ham yomon kunlarida ham ularga yelkadosh, darddosh bo‘la olgan raiyatparvar rahbarlar Usmon Yusupov, Yo‘ldosh Oxunboboyev, Rayimberdi To‘xtaboyevlarning tarixiy siymolari yaratilgan.

4. Trilogiyaning Azizzon, Ikromjon, Tursunboy, Inoyat oqsoqol kabi obrazlari o‘zbek adabiyotining domavoyi (A.Qahhor)dan haqli ravishda joy olgan qahramonlar.

5. Trilogiyada yozuvchi qochqoq Tursunboy obrazi orqali nafaqat bunday ojiz, irodasiz insonlarni qoralaydi, balki ayni paytda urushga ham la’nat o‘qiydi. Roman orqali biz ikkinchi jahon urushining insoniyat boshiga olib kelgan ofatlaridan xabardor bo‘lamiz.

Tursunboylar, Jannat xolalar, Ikromjonlar fojeasi takrorlanmasligi uchun hushyor tortamiz.

6. Asarda aytilgandek: "...hech bir inson oyoq tagiga qarab yashamaydi. Olis ufqlarni mo'ljalga olib yuradi. Uni hamisha ertangi kun, yashash, yosharish, yaratish ishtiyobi oyoqqa turg'izgan". Bu gap aslida bugunning, bizlarning ham shiorimiz bo'lmos'i kerak.

Said Ahmadning "Ufq" roman-trilogiyasidan biz anglab yetadigan, o'r ganadigan axloqiy-ma'naviy-tarbiyaviy jihatlar ana shulardir.

Dars so'ngida o'zlarining izlanuvchanliklari, mustaqil fikrlari, asosli mulohazalari bilan asar tahlilida faol ishtirok etgan guruh va bilimdon talabalar rag'batlantiriladi. Qo'yilgan ballar e'lon qilinadi.

Vazifa: Quyidagi mavzulardan birontasini tanlab talabalarga ilmiy maqola tayyorlash vazifasi topshiriladi:

1. "Ufq" roman-trilogiyasida yozuvchi fantaziysi va hayot haqiqati ("Qirq besh kun" misolida).

2. "Ufq"da urush fojealarining aks etishi ("Hijron kunlarida" misolida).

3. Qochqoq Tursunboy obrazida ma'naviy tuban shaxs psixologiyasining ochilishi.

4. Sadriddin Ayniyning "Sudxo'rning o'limi" dagi Qori Ishkamba va Said Ahmadning "Ufq" idagi Inoyat oqsoqol obrazlarining qiyosiy-tipologik tahlili.

"ҚУТАДҒУ БИЛИГ"НИ ЎҚУВЧИ ЁШЛАРГА ЎҚИТИШ МАСАЛАСИ

П.Ф.Н.Б.Абдураҳмонова (Кўқон ДПИ)
Ў.Алимов магистрант.

Ўқувчи ёшларнинг ахлоқий сифатларини шакллантиришда қадимги туркий адабиётнинг тамал тоши бўлган "Қутадғу билиг" асарини ўқитиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки "Қутадғу билиг" асарида илгари сурилган эзгулик ва ёмонлик, мардлик ва жасорат, оқиллик ва донолик, маънавий бойлик ва руҳий камбағаллик, мангулик ва ўткинчилик сингари тушунчаларнинг бадаий талқини ўқувчиларнинг маънавий етук бўлишларига ижобий таъсир кўрсатиши адабий таълим жараёнида тўла исботланган. Бирок ўрта мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежларида "Қутадғу билиг" асарини ўқитилиши аҳволи қай ҳолда?

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Юсуф Хос Ҳожиб ва унинг "Қутадғу билиг" асари умумий ўрта таълимнинг 8-синфида,

академик лицей ва касб-хунар колледжларининг биринчи босқичида ўрганилади. Ўқувчилар умумий ўрта таълимдан кейинги таълим босқичида ҳам асар билан танишадилар. Бироқ асарни ўрганиш учун ажратилган соатлар миқдори етарли эмас. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бошланғич таълим босқичида ўқувчилар катта аҳлоқий-маърифий асарни ўрганишдан бебахра қолмоқдалар. Негадир бошланғич синфларнинг “Ўқиши китоби”да “Кутадғу билиг” асаридан берилган парчалар киритилмаган.

Ўқитувчи ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини эътиборга олиб дарсни ташкил этиши шарт. Чунки асарни бир хил услубда ўқиб ўрганиш машғулотни зерикарли бўлишга олиб келади.

8-синфда асарни ифодали ўқишига, асар матнини таҳлил қилишга, дарсликдаги савол-топшириқлар билан ишлашга ўқувчилар диққати қаратилади. Айниқса, матн таҳлилида луғат билан ишлаш асар мағзига сингдирилган мазмун моҳиятини тез ва осон илғашларига имкон яратади.

8-синф “Адабиёт” дарсни-мажмуасида “Кутадғу билиг” асаридан “Бек фазилатлари” парчаси келтирилган бўлиб, унда изоҳталаб сўзлар кўплаб учрайди. Шунинг учун ҳам ўқитувчи асар матнини таҳлил қилишда асосий эътиборни луғат билан ишлашга қаратади.

Матн устида ишлаш жараёнида таълимнинг инновацион усулларидан фойдаланиш дарс самарадорлигини оширади. Жумладан, “Сирли сандик”, “Бек сифатлари” квадрати ўйинлари “Кутадғу билиг” достони матнини ўқувчилар томонидан тез ва осон тушунишларига имкон яратади.

Академик лицей ва касб-хунар колледжларида Ю.Х.Хожиб асарини ўргатиш ўқувчиларнинг шу соҳада таълимнинг олдинги босқичларида олган билимларига таянган ҳолда ташкил этиш уларни фаолликка ундейди, хотираларини мустаҳкамлайди. Бунда савол-топшириқларнинг мураккаблик даражаси ҳам ўқитувчининг диққат марказида туриши керак.

Асар матнини таҳлил қилишда предметлараро алоқага, асарни жанрлар тизимиға кўра ўрганишга, ҳамда услубий хусусиятлари ва тилини ўрганишга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади.

SHUM BOLA” FOLKLOR VA BADIY MAHORAT

Dots. I. Ikromov.

XX asr o‘zbek adabiyotining faxri, akademik, shoir va adib G‘ulom hayot bo‘lganida 110 yoshga to‘lgan bo‘lardi. Adabiyot maydoniga shoirlar, adiblar kelaveradi, o‘z iqtidori, ovozi bilan so‘z aytaveradi. Adabiyot – so‘z san’ati ekan, ana shu so‘zni kim qanday aytishuga ko‘ra, Sayfi Saroiv (XIV asr) topib aytganidek, qaysi biri bulbul, qaysi bir zog‘ ekanligi tayin etilaveradi (Ya’ni, Sayfi Saroiv: Jahan shoirlari ey gulshani bog‘, Kimi bulbuldurur so‘zda kimi zog‘, degan edi).

Sayfi Saroivning yuqoridagi ta’rifiga binoan baho beradigan bo‘lsak, shoir, olim, yozuvchi G‘afur G‘ulom bulbullar silsilasiga mansubdur. Ma’lumki, adabiyot maydonida so‘z yuritganlar orasida o‘zining fikr mantiqiyligi, nishonga aniq tegadigan badiiy detallarni topib ayta olishi bilan kishi diqqatini o‘ziga jalb etadigan adiblar unchalik ko‘p emas. Servantes, Shekspir, Gogol, Gulxaniy, Cho‘pon, G‘afur G‘ulomlar ana shunday noyob iste’dod sohiblaridirlar.

Adabiyot maydonida bunday martabaga ega bo‘lishga qanday erishiladi degan savolga – bunga folklor, ya’ni xalq og‘zaki ijodini yaxshi o‘zlashtirish, uni sevish, undan o‘ziga keragini ola bilish orqaligina erishish mumkin, deb javob berish mumkin. Xalq og‘zaki ijodi bir dengiz. Bu bepayon dengizdan gavhar istagan g‘avvoz chinakkam fidoiy va iqtidorli bo‘lishi kerak. Ana shundagina bu dengizdan o‘ziga keragini ola biladi. Buyuk adiblar, so‘z mulkinining sultoni bo‘lgan Alisher Navoiy ham, Abdulla Qodiriy ham, Hamid Olimjon ham xalq qalbiga yo‘l topa olgan boshqa adiblar ham xalq og‘zaki ijodidan keragini ola bilganlar va yana xalqning o‘ziga qaytarib bera bilishning uddasidan chiqa olganlar.

Akademik adib G‘.G‘ulom ham yuqoridagiday fazilatga ega edi. Uning she’rlarida, nasriy asarlarida ham xalq og‘zaki ijodidan juda katta bahramandligi sezilib turadi. G‘. G‘ulom asarlarida xalq donoligi, falsafasi, saj, humor, hayron qoldiradigan darajadagi so‘zamolik tinglovchini, o‘quvchini o‘ziga rom etib qo‘yadi. Shu jihatdan qaraganda, adib ijodida ”Shum bola” asari alohida o‘rin tutadi. Asarda yozuvchining shaxsi shundaygina bo‘rtib aks etib turibdi.

Adibning tarjimai holiga e’tibor bersak, ”Shum bola” dagi sarguzashtlar adibning hayot yo‘liga aloqador ekanligiga ishonch hosil qilish mumkin. Shoir o‘zining tarjimai holida shunday yozadi: ”Kirmagan eshigim, qilmagan xizmatim, tutinmagan ishim qolmadi.

Etikdo‘z kosibga shogird tushdim, bo‘lmadi. Sariboy deganning olma bog‘ida qo‘riqchilik qildim, bo‘lmadi. Keyin tunuka qirqib, mayda-chuyda mixlar yasay boshladim, tuzuk edi, keyin mazasi qochdi, tirikchilik o‘tmaydigan bo‘ldi...”¹

Tarjimai holga e’tibor bersak, ”Shum bola” dagi sarguzashtlar butunlay uydirma emas tag-zaminga, memuar xarakterga ega. Bolalik va o‘smirlik sarguzashtlarini tasvirlovchi L. Tolstoyning ”Bolalik”, ”O‘smirlik”, ”Yoshlik”, M. Gorkiyning ”Bolalik”, ”Odamlar orasida”, ”Mening dorulfununlarim” asarlarida, Oybekning ”Bolalik” povestida voqealarni o‘tgan zamonda tasvirlab, ”bo‘lgan edi”, ”qilgan edi” usulida hikoya qilish yo‘lidan borilgan. ”Shum bola”da voqealar hozirgi zamonda, hozir ko‘z oldingizda bo‘layotganday tasvirlanadi. Asardagi personajlar ”erkin”, ”tashqi” aftobiografik chiziq, xronologik belgilar ularni o‘z ortidan ergashtirib ketmaydi, voqealari mantiqi xarakterlar mantig‘iga, vaziyat mantig‘iga qarab rivojlantiriladi, qahramonlarning hatti-harakatlari, asar syujeti, konflikti, hayot haqiqatiga muvofiqdir.

Asarning yosh qahramoni o‘z sarguzashtlarini o‘zi bayon qiladi. Muallif hikoya qilishda o‘smirning orqasiga yashirinadi, natijada yosh qahramonning hatto ismi ham kitobxonga uzoq vaqtgacha noma’lum bo‘lib qoladi. Uning sarguzashtlarining bir qismi to‘g‘ridan-to‘g‘ri xalq og‘zaki ijodidan olinadi. Yozuvchi fantaziysi bilan bir-biridan qiziq voqyealar birining orqasidan ikkinchi sarguzashtlari kelaveradi. Masalan, asarning boshidanoq ko‘chama-ko‘cha oshiq o‘ynab yuruvchi bola ”xalfana uchun” uyidan yog‘ va tuxum olib chiqmoqchi bo‘lib onasining qo‘liga tushadi va kaltak yeb, ammasinikiga qochib ketadi. Pochchasining qushlarini o‘ldirib qo‘yishi bilan tentirash, qo‘nimsizlik, daydilik uning doimiy hamrohi bo‘lib qoladi. Shum bola ba’zi ertaklaridagday noshud, ishi o‘ngidan kelmaydigan omadsiz qahramonga aylanib qoladi. Lekin sodda quvnoq, ziyrak bola hayotni juda sevadi, turmush faoliyatlari har qadamda uni chalib-yiqitib tursa-da tezda oyoqqa turib, o‘sha zahoti ishini davom ettira oladi. U Baxt nishonasini topmasa-da, uni izlashdan tolmaydi. Bu xalqchillik va kelajakga komil ishonchning bir ko‘rinishi edi.

”Shum bola” da badiiy ijod bilan folklor bir-biriga chatishib ketgan, qaysi momentda yozuvchining o‘z ijodi boshlanib, folkloriga o‘tishini payqash qiyin. Domlaning ho‘kizi o‘rniga eshagini so‘yib qo‘yishi, ”Oshiq-mashuqlar” ustidan chiqishi, eshon oyimning bosh-qorong‘illigi va boshqa epizodlar nihoyatda kulgili va hayotiy chiqqan.

Asarda yozuvchi o‘zi kuzatgan hayotning haqqoniy lavhalarini yaratadi. Eshonning riyokorligini, o‘jar olmafurush boyning insofsizligini va hokazolarni yengil humor usulida fosh qiladi.

“Shum bola” da klassik an’analarga rioya etilib sarguzasht qissalardagi, “Ming bir kecha” hikoyalaridagi voqyealar orqasidan voqeа kelib chiqishiga, voqealar tizimining tadrijiyligiga amal qilinadi va muvaffaqiyatlarga erishiladi.

“Shum bola” dagi yangi-yangi voqeа va obrazlarning kirib kelishi, bir tomondan, xarakterlar mantig‘iga bog‘liq. Xarakterlar mantig‘i ketma-ket kulgili vaziyatni vujudga keltirib chiqaradi. Bu holat har doim personajlar xarakterini ochish, yangidan-yangi kulguli vaziyatlar uchun tugun yaratish vazifasini bajaradi.

“Shum bola” humoristik xarakterdagi asardir. Muallif asar boshidayoq humoristik ruh yaratadi. Tuyg‘ular talqiniga berilmaydi. Butun e’tiborni xarakterlar mantig‘i bilan tug‘ilgan komil vaziyatni, komil voqeа va detallarni tasvirlashga qaratadi. Buning natijasida o‘quvchini butunlay o‘ziga jalb eta olgan turli voqeа va sarguzashtlar, voqeа ishtirokchilariga berilgan “Tagdor”, ta’riflar, istioralar, sifatlashlar va bularning natijasi o‘laroq rang-barang kulgu yuzaga keladi.

Yozuvchi voqealar va sarguzashtlar bayonida turmushdagi har xil ikir-chikirlar, o‘tmish zamonning illatlarini ham fosh etib tashlaydi. Masalan, o‘lik yuvishdagi ishlari uchun quvg‘inga uchragan bola bir domлага uchrashadi. Domla undan kimligini so‘raganda, madrasa talabasi ekanligini aytadi. Domla kuladI:

- Ha, ha mullavachaman, degin darsxona emas, hirsxonada ta’lim olganman, degin,-deb bolani o‘z hovlisiga olib ketadi.

G‘. G‘ulom o‘zining “Shum bola” asarida o‘zbek tilining, jonli so‘zlashuv nutqining chuqur bilimdoni, maqol, matal va idiomatik so‘zlarni chuqur o‘zlashtirib olgan va ba’zan zarurat bo‘lsa, saj shaklida qiziqarli so‘z ohangi, xilma-xil so‘z o‘yinlarini yasay oladigan san’atkordir.

Folkloragi xalq donoligi, so‘zamolligi va topqirligi, hozirjavoblilik akademik adibga xos xususiyatlardandir.

Folkloarning doyasi, ijodkori xalqdir. Yozuvchining iqtidori ham qanday san’atkor ekanligi ham ana shu folklorga munosabati, undan bahramand bo‘la olganligi va bo‘la olmaganligiga qarab belgilanadi desak xato bo‘lmas. O‘zining aytmoqchi bo‘lgan so‘zini folklor

materialeari asosida ta'sirli, obrazli qilib aytish, san'atkorlikni bildiradigan mezondir.

G'afur G'ulom ana shunday badiiy mahoratga ega san'atkordir. Masalan, u o'zining "Shum bola" asarida xalq maqol-matallari, latifalaridan, istioralaridan, o'xshatish va qiyoslash, kesatiqlar va hokazalardan juda ustalik bilan foydalanish orqali o'z fikrini aniq yo'naltira olgan.

Masalan, Sirlangan xumchaga tushgan sichqonday to'rt tomonga alanglab, zinadan chiqqan itdek to'rt oyoqlab narvonga tirmashib, tulki quvgan tovuqday sakrab xarsillab-gursillab, qutirgan nortuyadek ko'pirib quvlab kabi o'xshatishlar haqiqatdan ham o'sha voqealar ni o'quvchiga ham ta'sirli, ham kulgulli qilib yetkazdiki, bu so'z san'atiga bo'lgan ixlosning ajoyib namunasidir.

"Shum bola" qabilidagi asarlar, oddiy kulguli qissalar emas, bu tarix, bu-falsafa, bu -ma'naviyatdir. Bu kabi asarlar o'quvchini o'ziga maftun etish barobarida xushyorlikka chaqiradi, loqaydlikdan uzoq tutadi. Qiyinchilik va mashaqqatdan najot topish, kelajak sari, porloq istiqbol sari komil ishonch bilan intilish sari yetaklaydi optimistik ruh baxshida etadi. O'simirlar hayotidagi voqealar yengil kulgu asosida tasvirlangan bu qissa barkamol avlodni teran tafakkurli inson qilib tarbiyalashga xizmat qilaveradi.

АЛИШЕР НАВОЙИ ИЖОДИ ВА МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАРГИБОТИ

Доцент Н.У. Усманов.

Халқни буюк келажак ва улуғвор мақсадлар сари бирлаштириш, ҳар бир фуқаронинг ягона Ватан баҳт-саодати учун доимо масъулият сезиб яшашига, аждодларимизнинг бебаҳо мероси, миллий қадрият ва анъаналаримизга муносиб бўлишига эришиш, юксак фазилатли комил инсонларни тарбиялаш, уларни бунёдкорлик ишларига даъват қилиш, шу муқаддас тупроқ учун фидоийликни ҳаёт мезонига айлантириш миллий ғоянинг асосий мақсадидир. Бу ғоя дунё ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаб бораётган мамлакатимиз халқининг истиқлол йилларида орттирган тажрибаларининг, босиб ўтган мураккаб ва шонли йўлининг, миллий тафаккури ва маънавиятидаги юксалишларнинг мантиқий натижаси, халқ иродасининг мужассам ифодаси сифатида шаклланди. Миллий ғоя халқимизнинг асрий анъана ва қадриятларини, миллий ўзлигимизни ўзида жамлайди, уларни умуминсоний қадриятлар, дунё

тамаддунининг янги ютуқлари билан бойитади. Шу маънода олий педагогик таълим муассасалари талабаларини халқимизнинг маънавий ва маданий меросига садоқат руҳида тарбиялаш мухим ҳисобланади.

Шарқда қадим-қадимдан миллий ғояга катта масъулият билан ёндашилган. Унинг маданий-маърифий жиҳатларига, маънавиятига алоҳида эътибор билан қаралган. Чунки, уларнинг ички дунёси, ҳаётий тамойиллари жамият сиёсий ҳаётига бевосита таъсир кўрсатиши тажрибадан маълум. Улуғ Навоий дейди:

Ёрдин айру кўнгил - мулкидуур султони йўқ,

Мулким, султони йўқ - жисмидуурким, жони йўқ.

Яъни, “ идеал мақсад – муддаога эга бўлмаган жамиятда (“мулк”) раҳбар шахс ўз вазифасини кўнгилдагидек бажара олмайди, бу худди жамият мавжуду лекин унда ғоя бўлмаганлиги учун ривожланиш бўлмаслигини англатади”. Навоий бу билан жамият аъзоларининг ўз фаолиятларида аниқ ва эзгу ғояга асосланиши лозимлигини таъкидлайди.

Шу жиҳатдан буюк алломалар ҳам, халқнинг ўзи ҳам, тупроғи ҳам, келажаги ҳам талаба учун буюkdir. “Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир”, “Бу азиз Ватан барчамизники” деганларида Ўртбошимиз минг карра ҳақдирлар. Ҳаммамизнинг бу Ватанда ҳуқуқимиз ҳам тенгдир. Уни обод, элни озод, эркин кўрмоқ, шу йўлда елиб-югирмоқ, фикрламоқ, яшамоқнинг ўзи бир баҳтдир.

Ҳазрат Алишер Навоийнинг етти ёшдан етмиш ёшгача маълум бўлган рубоийсини ёдга олайлик:

Фурбатда ғариб шодумон бўлмас эмиш,

Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш,

Олтин қафас ичра гар қизил гул бутса,

Булбулға тикондек ошиён бўлмас эмиш.

Бў ўлмас сатрлар юрагимизга жо бўлиб кетган. Нега булбулга олтин қафас тикондек ошиён бўла олмайди? Ҳа, Ватан ҳам қандай бўлишидан қатъий назар муқаддас ошёндир.

Ватан ҳисси - унинг халқини севмоқ, ҳурмат қилмоқ, қадрига етмоқ ва эътироф этмоқ демак. Ватан бу - халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажагидир. Бу туйғунинг умри боқийдир. Булар талабаларда ватан равнақи ғоясини шакллантиришнинг асосини ташкил этади.

Миллий ғоямизда шахс камолотида жисмоний ва маънавий тарбия мухим аҳамият касб этишига, умуман, инсонда барча сифатлар уйғунлашган ҳолда мужассам бўлишига алоҳида эътибор

берилган. Бундай олижаноб мақсад теран илдизга эга. Чунки бизнинг буюк аждодларимиз келгуси авлодларининг ҳар томонлама баркамол бўлишини орзу қилган. Улуғ мутафаккир бобомиз Алишер Навоий ўз тасавуридаги комил инсон тимсоли бўлмиш Фарҳодга берган таърифини эсга олайлик. “Ўзи поку сўзи поку кўзи пок...”.

Шу нуқтаи назардан бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини Марказий Осиё мутафаккирларининг қарашлари билан таништириш, уларнинг асарларидағи ғояларини ўрганиш муҳим ҳисобланади. Чунки, 1-4 синфлар “Ўқиши китоби”да Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига кам соат ажратилган. Шундай экан бўлажак бошланғич синф ўқитувчиси Алишер Навоийнинг ижодини миллий ғоя билан боғлаш ва уни кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларга тушунтиришда қуидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир. Жумладан, шу пайтгача Алишер Навоий (1441-1501) “ўзбек адабий тили ва адабиётининг асосчиси” деб келганмиз. Бугун баралла айтиш мумкинки, Навоий ўзбек миллий ғоясининг ҳам буюк асосчиси сифатида майдонга чиққан. Чунки, Навоийга қадар ҳеч бир ижодкор миллий ғояни бу даражада мукаммаллик билан тарғиб ва талқин этмаган.

Навоий ижодида миллий ғоя қўринишлари қуидагича ўз ифодасини топган:

Биринчидан, Навоий ёшлиқдан билим ва касбни эгаллашни миллий ғоянинг негизи деб билган. Бунинг ёрқин мисолини “Фарҳод ва Ширин” достонида яратилган Фарҳод образида қўрамиз. Унга кўра, Фарҳод эгалламаган билим ва касб қолмайди. Шу маънода Фарҳодда Навоийнинг ёшлигини тасаввур қиласиз. Чунки Навоийнинг 8-9 ёшида Фаририддин Атторнинг (вафоти 1221) “Мантиқ ут-тайр” достонини ёд олгани ва 12 ёшида машҳур шоир Лутфийни (вафоти 1472) истеъдоди билан қойил қолдиргани тарихий факт. Унинг ижоди бу масалага оид ўзбек тилидаги чинакам манба бўла олади.

Иккинчидан, Навоий адолатни миллий ғоянинг асосий тамоили сифатида тушунган. Буни “Садди Искандарий” достонидаги Искандар образида қўрамиз. Унга кўра, Искандар Ғарбу Шарқда адолат ўрнатади, яъжуж-маъжуҷга -ёвузлик ва зўравонликка қарши девор қуради, яъни жаҳолатга тўсиқ қўяди. Колеверса, Навоийнинг ўзи вазир ва амир сифатида фаолият юритганида адолатга қатъий риоя қилганлиги тилларда достон.

Учинчидан, Навоий миллий ғоянинг самарасини бунёдкорликда кўрган. Хондамирнинг (XV) “Макорим ул-ахлоқ” асарида ёзишича, у ўнлаб мадрасалар (таълим муассасалари), шифохоналар, хонақоҳлар (ибодат жойлари), йўллар, кўприклар, мақбараалар қурган ва боғлар яратган. У шу тариқа мамлакатни ривожлантиришга, ободонлаштиришга эътиборини қаратган.

Демақ, мутафаккирларимизнинг ҳаёти ва фаолияти миллий ғоянинг инсон ва жамият учун нечоғлиқ аҳамиятга эгалиги масаласида намуна бўлади. Шу жихатдан ҳам миллий ғоя тарғиботида миллий-ижтимоий тафаккурнинг бутун дунёда машҳур нодир намуналари, буюк аждодларимизнинг маънавий мероси, диний ва илмий қарашлари, прогрессив аҳоли қатламларининг дунёқараси, халқ орасида кенг тарқалган эзгулик ва адолат ғоялари, софқўнгиллик ва олийжаноблик, ҳалоллик, жасорат, маънавий ва жисмоний баркамоллик кабиларни талаба-ёшлар онгига етказиш, уларнинг билимларини ривожлантиришда муҳим ўрин тутади.

АЛИШЕР НАВОИЙ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТ СИФАТИДА

**П.Ф.н. Н.Кушвактов,
С.Эргашева 1-босқич магистранти.**

Улуғ мутафаккир Алишер Навоийнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида жуда кўп маълумотлар мавжуд. Уларнинг барчасида бир инсон қилиши керак бўлган ишлар унинг ҳаётида ибрат олса арзигулик тарзда амалга оширилганлиги инсонни лол қолдириб келган. Буюк мутафаккирнинг ҳаёти ва ижодини миллий қадрият сифатида талқин қиласидиган бўлсак.

И.А. Каримов « Юксак маънавият – енгилмас куч асари»да, А.Навоийга «**Агар бу улуғ зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг сultonидир**» деган гўзал таърифни берган . Бу таъриф бир улуғ инсон шахсига чексиз ҳурмат, чексиз эҳтиром, мухаббат туйғусидир. Маъна шу туйғуларнинг ўзи умуминисоний ва миллий қадриятларнинг намаён этилишидир.

Халқимиз маънавий дунёси жуда қадимдан , яъни инсон онгининг илк пайдо бўлиши даври билан чамбарчас боғлиқдир. У доимий равишда шакллантирилиб келинган. Алишер Навоий ҳам уни мантиқан, давом эттириб, халқимизнинг маънан юксалишига хизмат қилди. Шарқ оламига ўз ижодий мероси билан таъсир

ўтказиб, ота – боболаримизнинг шон – шухратини бутун оламга тархатди. Унинг асарлари бутун дунёга етиб бориб, шарқ халқларининг маънавиятини, таълим – табиядаги ютуқларини , миллий қадриятларини қўз – кўз қилди десак муболаға бўлмайди.

Буюк бобомиз Алишер Навоий ўзбек халқининг миллий тафаккурини ўзининг асарларида махорат билан баён этганлиги учун у бутун дунё халқлари томонидан мамнуният билан қабул қилинган. Бунинг сабаби шундан иборатки, буюк адиб, давлат арбоби миллатимизнинг ғуури, шаъну шарафини ифтихор билан тараннум этганлигидадир. Бундай ифтихор ўз навбатида ўзбек халқининг:

- болажонлигини;
- меҳнаткашлигини;
- халқпарвалигини;
- махаллапарварлигини;
- ота – оналарга чексиз мухаббатини;
- ватанпарварлигини;
- тилининг бойлигини;
- урф – одатларини;
- илмий ва бадиий тафаккурининг нақадар кенглигини бутун дунёга тараннум эта олганлигидадир.

Шунинг учун ҳам И. Каримов бу шахсни улуғлаб: « **Таъбир жоиз бўлса, оламда туркий ва форсий тилда сўзловчи бирон-бир инсон йўқки, у Навоийни билмаса, Навоийни севмаса, Навоийга садоқат ва эътиқод билан қарамаса**»,- деган фикрни билдирган.

Алишер Навоий ўз асарларида ижтимоий ҳаётнинг барча масалаларини ўта мохирлик билан қамраб олади ва уларни ёш авлод камолоти йўлида ибрат сифатида баён қиласи. Бунга мисол тариқасида қуйидагиларни киритиш мумкин:

- олий мақсад сари интилиш;
- ёш авлод тарбиясига жиддий ёндашиш;
- вафодорлик туйғусини шакллантирилиш;
- меҳнатсеварлик;
- оила бошқаруви;
- давлат боқарувида адолатнинг роли;
- халқнинг турмуш тарзини яхшилаш;
- замонавий бинолар қуриш;

-табиатни ўрганиш ва унга оқилона муносабатда бўлиш кабилар.

Алишер Навоий ўз асарлари орқали халқимиз маънавиятига хос қадриятларни бошқа халқларга нафақат сўзлаб берган, балки бундай қадриятлардан ибрат олиш фойдадан холи бўлмаслигини мантиқий фикрларда қўрсатиб ўтганлиги сабабли, бундай гўзал мисраларнинг ўзга халқ вакиллари томонидан тан олиниши, ўйлаймизки, халқимизнинг тарихига, турмуш тарзига, маънавиятига нисбатан ҳурмат билан қарашини англатади. Шунинг учун ҳам бугунги Москва, Токио ва Боку каби тарихий шахарларда буюк бобомиз шахсига катта ҳурмат билан ўрнатилган ҳайкали халқимизнинг ғуури ва ифтихори сифатида қад кўтариб турибди.

Миллий қадриятларни билиш ғоявий - миллий тарбияни самарали олиб борища асосий назарий маълумотлар манбаи ҳисобланади. Ана шунинг учун ҳам биз бобоколонларимиз томонидан тараннум этилган миллий қадриятларимизни ёш авлодларнинг онги ва қалбига сингдириб бориш орқали уларни замон талабларига мос равища тарбиялашга эришишимиз мумкин. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганлариdek, «Тарихсиз келажак йўқ». Демак, биз ўз тараққиётимизга, ўзлигимизга қайта-қайта, узликсиз равища мурожаат этиб туришимиз керак. Сўз мулкининг султони А. Навоий ҳам бу борада

«Эрурсан шоҳ, агар огоҳсен, сен,

Агар огоҳсен, сен, шоҳсан сен», -деб тарбиявий фикрни берган . Агар биз огоҳ бўлиб боболар изидан шахдам қадамлар билан борсак, буюк сиймоларнинг ҳақиқатдан ҳам маънавий ворисларига айланиб, ёшлар тарбиясида катта ютуқларга эришамиз.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. И. А. Каримов « Юксак маънавият – енгилмас куч». - Т.; «Манавият»- 2009й.
2. Маънавият: асосий тушунчалар изохли луғати. –Т.: 2009.

ЎЗБЕК МУМТОЗ АДАБИЁТИДАГИ МИФИК ОБРАЗЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ

**Ф.Ф.н. С.Эшонқурова,
ўқитувчи О.Хидиров.**

Миф (юн. Mythos-сўз; афсона, ривоят) қадимги кишиларнинг борлик олам ҳақидаги ибтидоий тасаввурлари мажмуи бўлиб, коинотнинг яратилиши, инсон, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсининг вужудга келиши, табиий ҳодисаларнинг сабаблари ва

моҳияти, афсонавий қаҳрамонлар, маъбудалар ва илоҳлар тўғрисидаги эътиқодий қараашларни ўз ичига олади⁷¹.

Шу билан бирга мифлар илк инсоният даврининг жамиятшунослик, санъат, адабиёт, дин кабиларга оид фанлар тизими сифатида кўрсатилади. Бу мифларнинг иккинчи умрни бошидан кечираётганлигидан далолат беради. Мифларнинг адабиётга трансформациясининг бошқа соҳаларга қараганда жадалроқ кечишининг сабаби сифатида, адабиётга хос ҳикоячилик характерининг мавжудлиги айтилади. Шу боис миф ва ёзма адабиёт ёнма-ён юради⁷².

Миф инсоният бадиий тафаккури тараққиётида ғоят катта ўрин тутади. Мифларнинг юзага келиши, ривожланиш босқичлари ва бадиий адабиётнинг шаклланишидаги аҳамияти каби масалаларни ўрганиш жаҳон адабиётшунослигининг муҳим муаммоларидан бири ҳисобланади. Чунки, фольклор анъаналари орқали етиб келган қадимги мифларнинг айрим намуналари, баъзи бир анъанавий мифологик образлар ёзма адабиётда ҳам қўлланилган. Ўзбек адабиётшунослигига мифларнинг ёзма адабиётга муносабати, хусусан, асотирий сюжетлар ва образлардан фойдаланишда ижодкорнинг маҳорати масаласи ҳам маълум даражада ўрганилган⁷³.

Жумладан, М.Жўраев ва Ш.Шомансуровларнинг фикрича, “... миф қадимги одамнинг ишонч-эътиқодлари, ўй-хаёллари, диний қараашлари ва илк ижодий изланишларининг сўз воситасида ифода этилган кўринишларидан биридир. Мифни ибтидоий одам маънавий оламнинг муайян эҳтиёжлари, яъни ўз дунёқарашини баён этиш зарурати юзага келтирган. Вокеликни бадиий идрок этиш анъанасининг ибтидоси сифатида қадим замонларда шаклланган мифологик тасаввурлар тизими фольклордаги эпик

⁷¹ Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 5 жилдлик. Иккинчи жилд. -Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. –Б. 602-603.

⁷² <http://ru.wikipedia.org>

⁷³ Маллаев Н. А.Навоий ва халқ ижодиёти -Т.: 1974.; Сайдов М. Туркий халқлар мифологиясининг ёзма адабиётга таъсири масаласига доир // Адабиёт кўзгуси №2, Т.1996. –Б.141-145.; Акромов Г. Миф ва ёзма адабиёт муносабатига доир // Ўзбек тили ва адабиёти 1996. №2. –Б 60-69, №4 –Б.70-74.; Жўраев М. Мифларнинг ёзма адабиётга муносабати/Ўзбек тили ва адабиёти. 1980. №6; Жўраев М., Нарзукулова М. Миф, фольклор ва адабиёт. -Т.: 2006., Жуманазаров У. Тарих, афсона ва дин. -Т.: Ўзбек матбуоти, 1990.; Хўжаев Т. Мифик образ ва ёзма адабиёт //Адабий мерос. 1991 №2. –Б.63-68.; Яна ўша. XV аср биринчи ярим ўзбек адабиёти ва фольклор. Фил. фан. номз...дисс.автореф. -Т.: 1996.; Матёкубова Т. Оғаҳий шеъриятида анъанавий образлар талқини.; Фил. фан. номз. дисс. автореф. -Т.: 2001.; Нарзикулова М. «Сабъаи сайёр» достонида фольклоризм ва ўзбек фольклорида Баҳром сюжетининг талқини.; Филол.фан. номз. дисс.автореф. -Т.: 2006.; Исомиддинов Ф. «Шайх Санъон»ҳақидаги киссаларнинг киёсий таҳлили. Фил.фан. номз. дисс. автореф. -Т.: 2001.

жанрларнинг сюжет силсиласи ва образлар таркибининг юзага келишига асос бўлган”⁷⁴.

Ҳозирги замон адабиётшунослигига миф билан чамбарчас боғлиқ мифологема тушунчаси ҳам мавжуд. Мифологема – Жаннат, Дўзах, Одам алайҳиссалом, Нўҳ тўфони каби кенг тарқалган мифик воқеалар билан боғлиқ сюжет, сахна, образ кабиларнинг бадиий адабиётга олиб кирилиши ҳодисаси сифатида изоҳланади⁷⁵.

Шундай қилиб, асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб келган мифлар билан боғлиқ мифологемалар (сюжет, образ, эпизодлар) ижодкорлар асарларида ўзига хос маъно-мазмун, рамзийлик касб этган ҳолда иштирок этган.

Олимлар томонидан умуман ёзма адабиётга олиб кирилган мифик образлар, сюжет ва эпизодлар уч гурухга бўлинади. Унга кўра, ёзма адабиётда антик давр, ўрта асрлар ва замонавий мифлар билан боғлиқ образлар, сюжетлар, эпизодлар турли хил рамзий маъноларда учрайди⁷⁶.

Ўзбек адабиётида ижодкорлар томонидан асарларига олиб кирилган мифик образ тизимини қуйидаги уч гурухга бўлиш мумкин: энг қадимги туркий халқлар тарихи, эътиқоди билан боғлиқ мифологик образлар, ислом дини билан боғлиқ мифологик образлар ва ижодкорнинг ўзи яшаган даврда пайдо бўлган мифлар билан боғлиқ образлар тизими. Шундай қилиб, ўзбек адабиётида мифик образлар тарих, диний эътиқод ва замонавий воқелик билан боғлиқ тарзда пайдо бўлган ва улар ижодкорлар асарларида турлича маъноларда талқин қилинган. Чунончи, баъзи мифик образларнинг илк манбаларида характерининг бир нечта жиҳатлари намоён бўлса, кейинги даврларга келиб ўша образ характери билан боғлиқ эпизодларда ижодкорнинг хоҳиш-истагига мос келадиган жиҳатларигагина эътибор қаратилган. Ёинки, илк манбаларда учрамайдиган қирралари қайд қилинган ҳоллар ҳам мавжуд.

Хуллас, ўзбек адабиётидаги мифик образларнинг илдизлари антик даврларга бориб тақалган. Улар тарихий, диний ва замонавий тушунчалар билан боғлиқ тарзда шаклланади ва ёзма

⁷⁴ Жўраев М., Шомансуров Ш. Ўзбек мифологияси ва араб фольклори.-Т.: Фан, 2003.

⁷⁵ <http://ru.wikipedia.org>

⁷⁶ <http://ru.wikipedia.org>

адабиётга кириб келади. Ўз навбатида вақт ўтиши билан ўша образга хос хусусиятлар бир ижодкор томонидан ёрқинроқ тарзда тасвирланган бўлса, бошқасида эса унга қараганда заифроқ кўринишда намоён бўлади. Шунингдек, замон ўтиши билан муайян бир образнинг давр ва муҳит талаблари, қаламкаш истаклари, бадиий тафаккури, асар композициясидан келиб чиқиб, характерининг янги қирралари кашф қилинади. Бу эса мифик образларнинг эволюцион характерга эгалиги, қотиб қолмаганлиги, ҳар бир ижодкор ўз истагига кўра унга янгича қарашлар билан ёндаша олиши мумкинлиги, янгича маъно ва мазмун юклай олиши мумкинлигини кўрсатади. Булар билан бир қаторда бирор бир мифик образнинг бир ижодкор томонидан кашф қилинган қирраси баъзан тўлалигича, баъзан қисман бошқа бир ижодкор асарида ҳам намоён бўлиши мумкин.

ЁШЛАРДА ЮКСАК МАЪНАВИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

п.ф.н. Д. У. Жуманазарова.

Ахлоқий тарбияга дахлдор юксак маънавиятли инсон фазилатлари жамият тараққиётининг ҳар бир босқичида энг долзарб саналган. Аммо бу масаланинг педагогик муаммо сифатидаги долзарблиги жамиятнинг янгиланиши, янги бир поғонага кўтарилиш ва сифат ўзгаришлари рўй бераётган даврида янада ҳам кучаяди. Чунки жамиятнинг сифат жиҳатидан янги поғонага кўтарилиши маънавиятнинг, ахлоқийликнинг юксалишини талаб этади, фақат тарбия орқалигина ҳар бир жамият аъзосига юксак маънавий-ахлоқий фазилатлар сингдирилади. Ана шулар эвазига маънавиятли инсоннинг ижтимоий фаоллиги ошади, тарбияси ўзгаради. Бу эса жамиятнинг навбатдаги тараққиётини тезлаштиради. Ушбу педагогик муаммо айнан ҳозирги кунда қуидаги ҳолатлар билан долзарблиқ касб этади:

Биринчидан, ахлоқий тарбияга дахлдор фазилатлар миллат тарихида юксак маънавиятнинг асосини, юксак маънавият эса давлатнинг негизини ташкил этади. Чунки “ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат ... биринчи навбатда ўзининг юксак маданияти ва маънавияти билан кучлидир”⁷⁷. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг миллий ғоя ва миллий мафкура, баркамол авлодлар тарбияси билан боғлиқ асарларидаги назарий

⁷⁷ Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ. – 1997. – 5-бет.

қарашларда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг маънавий-маърифий ишлар соҳасидаги қарорлари ва дастурий хужжатларида, “Таълим тўғрисида”ги Қонунида таълим олувчиларнинг маънавий-ахлоқий тарбияланишига алоҳида эътибор берилган. Хусусан, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”да “миллий мустақиллик принциплари ва ҳалқнинг бой интеллектуал мероси ҳамда умумбашарий қадриятларнинг устуворлиги асосида таълимнинг барча даражалари ва бўғинларида таълим олувчиларнинг маънавий ва ахлоқий фазилатларини ривожлантириш”⁷⁸ муаммоси назарда тутилган. Бу муаммо, ўз навбатида, мустақиллик мафкурасининг асосини ҳам ташкил этади, уни бус-бутунича ҳозирги ёшлар шуури ва онгига сингдирилиши, таълим тизими ва тарбия мазмунининг турли шаклларида амалга оширилиши шарт ва зарур. Бу эса ушбу муаммонинг ниҳоятда долзарблигини кўрсатади.

Иккинчидан, ахлоқий маданият ва юксак маънавиятнинг доимий ривожланишини миллатимизнинг тафакккури, дунёқараши, педагогикаси, урф-одатлари, расм-русумлари, маънавий-ахлоқий тарбияси билан боғлиқ тугал ва сермазмун хulosаларида кўрамиз. Бинобарин, бу хulosалар ҳалқ достонларида ҳам ўз ифодасини тўлиқ топганки, улар ўз навбатида авлодларни маънавий камолотга етказувчи, миллий ва умумбашарий қадриятларга асосланган ахлоқий фазилатларни сингдирувчи тарбия воситаси ҳам ҳисобланади. Бу эса ўз-ўзидан яна кундалик ҳаётимизда миллий тарбияга, таълимда ҳалқ достонларига қайта-қайта мурожаат этишни, айниқса, маънавий-ахлоқий тарбия тизимларига дахлдор жихатларни илмда маҳсус ўрганиш ва таълим жараёнида ўргатиш вазифасини кун тартибига қўймоқда. Айни шу ҳолат ҳам ҳозирги кунда ниҳоятда долзарблиқ касб этади.

Учинчидан, ҳозирги даврдаги демократик жамият замондошларимиздан миллий анъаналаримизга таянган ҳолда янгича дунёқараш ва янгича фикрлашни, юксак маънавий-ахлоқийлик мезонларига қатъий риоя қилишни талаб қилмоқда. Шундай экан, ҳалқ достонларидағи ватанга содиқлик ва эътиқодлилик, хушмуомалалик, оқибатлилик, ота-онани қадрлаш, фарзандга меҳр-муҳаббатлилик, ҳамжиҳатлик, омонатни сақлаш, хиёнат қилмаслик, тухмат ва нафс балосидан сақланиш, дўстликни сақлаш ва умрни қадрлаш, қўшничилик ва қўшни қадрига етиш

⁷⁸ Кадрлар Тайёрлаш Миллий дастури. - Т.: Шарқ, 1997. – 45-бет.

каби юздан ортиқ энг етакчи миллий одоб мезонларимизнинг дидактик асосларини очиб бериш орқали баркамол авлодларда юксак маънавий-аҳлоқий фазилатларни ривожлантиришнинг самарали усуллари ва методларини ишлаб чиқиш бугунги замон талаби саналади. Буларнинг барчаси таъкидланаётган мавзунинг ниҳоятда долзарблигини, унинг бугунги кунлардаги жиддий талаблар билан уйғун келишини исботлаб турибди.

Ёшларнинг юксак маънавиятини шакллантириш жараёнида барча ўқув-тарбиявий масканларнинг ўрни алоҳида ва бекиёсdir. Биз бу ўринда, истисно сифатида, фақатгина умумтаълим мактабларини назарда тутаяпмизки, қуйида дастлаб ўқувчиларнинг кундалик фаолиятида юксак маънавий-аҳлоқий фазилатларнинг ривожланишига замин тайёрлайдиган илмий фараз ва омиллар, ўқитувчи амалга ошириши учун зарур бўлган методик ишлар тизими ҳақида сўз юритмоқчимиз.

Хўш, биз назарда тутаётган ва таъкидламоқчи бўлган илмий фараз ва омиллар нималардан иборат? Фикримизча ва кузатишларимизча, агарда:

- умумтаълим мактабларининг адабий таълими машғулотларида мустақил ўқилган асарлар юзасидан сухбат учун алоҳида ва муҳокама қилиш учун алоҳида ажратилган ўқув соатлари ҳисобидан халқ достонлари ҳақидаги ўқувчиларнинг билимлари янада кенг қамровда чукурлаштирилса; билим, кўникма ва малакалари ривожланиб борувчи ҳодиса сифатида босқичмабосқич шакллантирилса;

- халқ достонларидаги миллий ва умумбашарий ғояларнинг мазмун-моҳияти изчил тушунтирилса, ватанпарварлик, инсонпарварлик, иймон, диёнат, адолат, меҳр-шафқат, эътиқод, поклик, ҳалоллик, вафодорлик каби шахс маънавий фазилатлари ўқувчилар томонидан узлуксиз равишида ўзлаштирилиб борилса;

- умумтаълим мактабларидаги адабиёт дарсларида халқ достонларидан олинган ўгит-насиҳатларга, маънавий-маърифий ва дидактик аҳамият касб этган ўринларга назарий жиҳатдан асосланилган ягона методик тизим тарзида ёндошилса;

- адабий таълим машғулотларида замонавий ва илгор педагогик технологиялар талаб даражасида тадбиқ этилса, таълим тизимида халқ достонларини ўрганишнинг самарали бўлиши кафолатланади, охир-оқибатда, бундай асарлар ўқувчиларнинг

кундалик фаолиятида юксак маънавий-ахлоқий фазилатларнинг ривожланишига катта замин тайёрлайди.

Ҳар бир тил ва адабиёт фани ўқитувчиси адабий таълимда ўз ўқувчилиарида халқ достонлари воситасида юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни ривожлантириш учун бир қатор методик ишлар тизимини амалга ошириш зарур. Бу борадаги бажариладиган ишларнинг тахминий мазмуни қуйидагича бўлиши мумкин:

1. Халқ достонлари билан боғлиқ машғулотларни ҳам тарбиявий мақсадда режалаштириш, улардаги маънавий-ахлоқий тарбияни ривожлантиришнинг мақсади, вазифалари, шунга доир тушунча ва ғояларни аниқлаш.

2. Адабий таълим машғулотларида ўқувчиларда халқ достонлари воситасида маънавий-ахлоқий фазилатларни ривожлантиришнинг усуллари, метод ва воситаларини ҳам аниқлаш.

3. Маънавий-ахлоқийлик мезонларига доир асосий ғоя ва тушунчаларни ўқувчилар қайдаражада ўзлаштириб олганлигини ҳисобга олиш, натижасини аниқлаш, уларни баҳолаш ва рағбатлантириш.

4. Тегишли меъёрий ҳужжатлар асосида ўқув-методик талабларнинг бажарилганлигини баҳолаш.

5. Ўқувчиларда халқ достонлари воситасида юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни ривожлантириш учун режалаштирилган ва амалга оширилган бир қатор методик ишлар тизимидан олинган натижаларни таълим тизимига жорий этиш юзасидан амалий йўналтирилган тавсиялар ишлаб чиқилишини таъминлашдан иборат.

Бундан ташқари, тил ва адабиёт фани ўқитувчилари ишлаб чиқадиган методик вазифалари қуйидагилардан иборат бўлади:

а) ўқитувчилар адабий таълимнинг синфда ва синфдан ташқари машғулотларда халқ достонлари воситасида маънавий-ахлоқий фазилатларни ривожлантиришга оид мавзуларни белгилаб чиқиши;

б) белгиланган ҳар бир машғулотдаги мавзу асосида халқ достонлари воситасида ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий фазилатларини янада ривожлантириш борасида ўзларининг имкониятларини аниқлаб олиш;

в) маънавий-ахлоқий фазилатларни ривожлантириш мақсадини ҳисобга олган ҳолда белгиланган мавзу бўйича дарс ишланмаларини яратиш;

г) ўқитувчилар бир-бирларининг ўзаро дарсларни кузатиш, тажриба алмашиш ва улар асосида маълум бир тўхтамларга келиш ҳамда тегишли методик хулосалар чиқариш;

д) охир-оқибатда тўпланган илгор тажрибаларни танланган умумий ўрта таълим мактабларида оммалаштириш.

МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРГА ТАЪЛИМ- ТАРБИЯ БЕРИШДА БАДИЙ АДАБИЁТНИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ

Мария Мусурмонова ВПКҚТМОИ

Мактабгача 6-7 ёшдаги болалар ўтказилган машғулотлар орқали эртакни ҳикоядан, шеърни топишмоқдан, мақолни тез айтишдан фарқлай оладилар. Бунда ҳар бир жанрнинг ўзига хос муҳим белгилари ёрдам беради. Масалан, эртакнинг «Бор эканда, йўқ экан» деб бошланиши, ҳикояда қандайдир воқеа-ҳодисанинг келтирилиши, шеърнинг ёддан ўқилиши, мақолда панд-насиҳат берилиши, латифада Афанди образи орқали ҳажв қилиниши болалар онгига сингиб қолади ва шу орқали улар бу жанрлар намуналарини ўзаро осон фарқлай оладилар.

Болалар маънавиятини шакллантиришда адабиётларни танлаш ва улардан фойдаланиш ўзига хос масъулият касб этади. Бадиий адабиёт орқали мактабгача ёшдаги болаларни маънавий шакллантириш уларда Ватан олдидаги бурчни тушунишда, гўзалликни ҳис қила олишда, хунук нарсалардан жирканиб, ёмонлик ва ёвузликдан нафратланишида, табиат, моддий борлик ҳақидаги дастлабки тасаввурларни сингдиришда хизмат қиласи. Бадиий адабиёт нафақат болаларнинг бадиий фикрлаш тафаккурини ўстиради, балки уларнинг ҳисоб (математика), ҳажм-ўлчов шакллари (геометрия), тарих, ботаника (ўсимликлар олами), зоология (ҳайвонот олами), тасвирий фаолият, мусиқа ва ҳ.к. фанларига оид дастлабки билимларини шакллантиришда ҳам ёрдам беради. Демак, биргина шеър, эртак, ҳикояларда бир неча фанга оид маълумот уйғунлашиб келади. Натижада, болалар оламнинг серқирралиги, бепоёнлиги ҳақидаги тасаввурга кела бошлайдилар.

Шеър, эртак, ҳикоялар болалардан инсонларга, теварак атрофга, табиатга нисбатан эътиборли ва саҳоватли бўлишни талаб этади. Чунки шеър, эртак, ҳикоялар болаларга у ёки бу нарса, ҳодисанинг, инсонларнинг, ҳайвонларнинг хусусиятлари, энг муҳим белгилари ҳақида, уларнинг ижтимоий вазифалари тўғрисида билим бериш имконига эга бўлгани учун юксак тарбиявий аҳамият касб этади. Масалан:

Толиб Йўлдош “Увол нима”

Халқимизнинг бир сўзи бор:

“Увол”деган.

Увол демак-нобуд қилма,

Увол!-демак.

Нон ушатсанг ушоқларин

Тўкиб, сочма.

Кўриб туриб нобудга ҳеч

Сен йўл очма!

«**Увол**» ҳақида айтилаётган шеър орқали болаларга нафақат озиқ-овқат маҳсулотларига, балки сувга, кийим-кечакка ҳам айтилиши ҳақида билим берилади ва аста-секин кўникмага айланиб бола «увол» ҳақидаги тушунча ва малакаларини ўз ҳаётий тажрибаси давомида янада бойитиб боради. Болаларни кичик ёшдан бошлаб атрофида нималар содир бўлаётганлигини қўра билиш ва унга ўз муносабатини билдиришга ўргатиш, эҳтиёт қилиш каби тежамкорлик, кўникма ва малакалари “увол” тушунчаси орқали шакллантирилади. Натижада боланинг озиқ-овқат маҳсулотларига, сувга, кийим-кечакка, уйдаги ҳар бир нарсага хурмати ошади.

Шеър, эртак, ҳикояларнинг болаларни маънавий шакллантиришдаги ўрни ва роли қуидагиларда намоён бўлади:

1. Шеър, эртак, ҳикоялар болаларга инсоний фазилатлар ҳақида сабоқ беришда қўл келади:

а) Камтарлик ҳақида. Бунда юриш-туриш, кийиниш, одамларга нисбатан самимий муносабатда бўлиш ҳақида тушунтирилади.

б) Мехнатсеварлик ҳақида. Масалан: Инсоннинг бутун ҳаёти ва фаолиятида амалга ошадиган жараён эканлиги, ҳар бир ҳаракат, ҳар бир босган қадам меҳнат туфайли эканлиги, одамлар биргалашиб бир-бирларига ёрдамлашишлари, бошқалар тўғрисида қайғурганликлари, меҳнатсеварлик билан касб-хунар эгаси бўлиш мумкинлиги тўғрисида фикр билдирилади.

с) Сабр – қаноат ҳақида. Бунда сабр–қаноат инсонлар учун буюк бир фазилат эканлиги, ҳар бири ишда сабр билан ҳаракат қилиш, сабр-тоқат қанчалик оғир бўлмасин кейинчалик шодлик келтириши ҳақида маълумотлар берилади.

д) Тўғрилик ҳақида. Бунда тўғрилик маънавий бойлик, табиий бир фазилат эканлиги, тўғри одамга ҳамма ишониши, тўғрилик инсон қадрини юксакка кўтариши, тўғрилик яхши хулқларнинг посбони эканлиги тўғрисида тушунчалар сингдирилади.

2. Сўз құдрати ҳақида маълумот беришга кўмаклашади.

Ширинсуханлик инсон фазилатининг асосий омилларидан бири эканлиги, унинг ақл-заковат, фикр-туйғулари, билими ва маданияти, савияси, тафаккури маълум даражада, сўзда ифода этилиши, яхши сўз билан кишиларнинг ишончини эгаллаши, уларнинг қалбидан жой эгаллаш мумкин эканлиги очиб берилади.

3. Ватанпарварлик ҳақида маълумот бериб ўтилади. Масалан: Инсон учун Ватандан юксакроқ бойлик йўқлиги, Ватан туйғуси ҳар кимнинг қонига она алласи, болалигига эшитган шеър, эртак, ҳикоя, қўшиқлар билан кириши, ватанпарварлик-бу она заминга бўлган муҳаббат, уни севиш, эъзозлаш эканлиги ҳақида тушунча берилади.

Хуллас, шеър, эртак, ҳикоялар мактабгача ёшдаги болаларни маънавий шакллантиришда энг қулай усул бўлиб, улар орқали болалар ўзларининг инсонлар билан, теварак-атроф билан муомала-муносабатларини тўғри ташкил қилиб оладилар.

Юқоридаги мулоҳазалар асосида тарбиячилар мактабгача ёшдаги болалар учун бадиий адабиёт танлашда қуидаги талабларга қатъий риоя қилишлари лозим:

а) Шеър, ҳикоя, эртакларнинг таълимий ва тарбиявий аҳамиятига;

б) болаларга тушунарлилигига;

в) қандай тузилишга эгалигига;

г) бадиий тилига;

д) яратилиш даврига;

е) болаларнинг ёши ва руҳий ҳолатига мос келиши ёки келмаслигига;

ё) болалар турмуш тарзига мувофиқлигига;

ж) мактабгача таълим муассасалари учун ишлаб чиқилган ўқув дастурларига мувофиқлигига ва ҳакозолар.

Хулоса шуки, ҳозирги кунда таълим-тарбия олдида турган асосий мақсадлардан бири - ёш авлодга аждодларимизнинг асрлар давомида орттирилган маънавий бойликларини сингдириш, уларда инсоний фазилатларни қарор топтириш ва мунтазам ривожлантириб бориш, Ватан ва миллат олдидаги бурч ва масъулиятини ҳис этишга ўргатишдан иборатdir.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Жумабоев М. «Болалар адабиёти». Дарслик. Республика олий ўқув юртларининг мактабгача тарбия факультетлари учун. «Ўқитувчи» нашриёти, Тошкент 1994 йил.
2. Иномова М. «Фарзанд -нихол, ота-она боғбон». «Ўқитувчи» нашриёти. 1998 йил.
- 3..Иброҳимова З. «Кичкинтойлар адабиётининг хусусиятлари». «Ўқитувчи нашриёти», Тошкент 1994 йил.
4. Фозиева С, Очилова Д, Долимова Л. Бадиий терма китоб. Тошкент. Ўқитувчи 1993 йил

БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ БАДИЙ АСАРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШГА ЎРГАТИШ

Ўқитувчи С.М. Мамаюсупова.

Ўқиши дарсларига қуйилган замонавий талаблар ўқитувчидан бошлангич синф ўқувчиларини ўқишига жалб қилиш, бадиий адабиётни санъатнинг бир тури сифатида қарашга, асарларнинг бадиий мазмунини, эстетик аҳамиятини ва образлар мазмунини тушунишга эътибор қаратиш талаб этилади. Бадиий асарни яхши идрок этиш учун уни тушунишнинг ўзигина етарли эмас. Асарни идрок этиш мураккаб жараён бўлиб, асарга унда тасвирланган воқеликка қандайдир муносабатнинг юзага келишини ўз ичига олади.


Бошлангич синфларда бадиий асарни таҳлил қилиш методикасида кичик ёшдаги ўқувчиларнинг бадиий асарни идрок қилишидаги психологик хусусиятлар ҳисобга олинади. Психолог олимларнинг текширишларидан маълум бўлишича, асарни идрок қилишга, билим олишга хизмат қиласиган компонентлар билан бирга, уни эмоционал – эстетик ҳис этиш ҳам киради. Ҳозирги кунда таълимнинг анъанавий тизимидан фарқли ўлароқ модулли ўқиши дарсларининг асосида унинг ҳар бир этапида ўқувчининг фаоллигига асосланган мустақил фаолияти, ўзлаштириш қобилиятини ҳисобга олган ҳар хил даражали модуллар алгоритми асосида таълим жараёнига тўлиқ жалб этиш ётади. Бу жараён ўқувчилар бадиий асарни ўқиб бўлишгач, мазмуни қайта ҳикоя қилишдан бошланади. Ўқитувчи топшириғи билан матнни бўлакларга бўлиш топшириғи берилади. Асар қаҳрамонини

аниқлаш, унинг ҳаракатлари ва бу ҳаракатларнинг сабабларини аниқлаш топширифи берилади. Асарнинг асосий ғоясини тушунишда, ундаги воқеа ҳодисаларга ўқувчининг шахсий муносабатини билдиришга ўргатишимиш керак. Бунинг учун биз адабий асар қаҳрамонларини таҳлил этишга доир қуидаги саволларни беришимиз мумкин.

1. Асар қаҳрамони билан дўстлашишни хоҳлармидинг?
2. Сен унинг ўрнида бўлсанг нима қиласар эдинг?
3. Ҳикоя (ёки эртак) қаҳрамонинг ҳамма ишларини тўғри деб ўйлайсанми? Нима учун у шундай қилди?
4. Қаҳрамонни шундай қилишга нима мажбур қилди? Бошқача ҳам бўлиши мумкин эдими?
5. Қаҳрамондаги қайси сифатлар сенга ёқади? Қайси сифатлар ёки хулқидаги айrim ўзига хосликлар сенга ёқмайди?
6. Унинг одамларга муносабати сенга ёқадими?
7. Қаҳрамонга қандай маслаҳат берган бўлар эдинг?
8. Асадаги воқеалар ичida бўлишни хоҳлармидинг?
9. Асада бўлиб ўтган воқеаларда ким бўлиб қатнашишни хоҳлар эдинг?
10. Шундай вазиятга тушиб қолсанг қандай чоралар кўтарар эдинг (ёки нима қиласар эдинг)?
11. Шундай вазиятда ўзингни қандай тутган бўлар эдинг?
12. Агар ҳикоя қаҳрамонлари сизнинг синфингизда ўқиганда синфингиз ҳаётида қандай ўзгариш бўлиши мумкин эди?

Асада қатнашувчи шахсларга баҳо беришда ўқувчилар ўз шахсий ва ахлоқий тушунчаларидан фойдаланадилар. Бундай ахлоқий тушунчалар кичик ёшдаги ўқувчиларда чегараланган бўлади. Улар ахлоқий сифатлардан ботирлик, тўғрилик, меҳнатсеварлик, яхшилик тушунчаларни кўп ишлатадилар. Қаҳрамонларнинг бошқа сифатларини тасвирлаш учун уларнинг сўз бойликлари етишмайди. Ўқитувчининг вазифаси ўқувчилар билан асарни таҳлил қилиб, улар нутқига персонажларнинг ахлоқий, интеллектуал, эмотционал сифатларини тасвирловчи сўзларни кирита боришдан иборатдир. Бу адабий қаҳрамонларнинг характерини яхши ёритиш шартларидан бири ҳисобланади. Асадаги қаҳрамонларнинг характери уларнинг ахлоқий сифатларини англаш асосида тушунилади. Бунда қаҳрамоннинг нима қилиши эмас, нима учун шундай қилиши кераклигини билиш муҳимдир. Ушбу жараёнда асар қаҳрамонларининг

ахлоқий сифатлари устида күпроқ ишлаш лозим. 4-синфда М.Аъзамнинг “Нурхон билан Бурхон” шеърида Нурхон ва Бурхоннинг хислатларини очишда танлаб ўқиши асосида тармоқлаш усулидан фойдаланиш мумкин. Ўқитувчи ўқувчиларга берган саволларига жавобни хаттахтада тармоқлаш усулида ёритиб беради. Масалан, “Бурхон нима учун Нурхоннинг устидан кулди?”, “У йиқилганда, Нурхон нима қилди?” “Бурхон нима учун уялди?” каби саволлар асосида қуидагича жадвал ҳосил бўлади:



Ўқиши китобларида турли жанрдаги бадиий асарлар ва илмий-оммабоп мақолалар берилган. Исталған асарнинг объектив мазмуни бутун борлиқ, мавжудот, унинг турли томонлари, фактлар ва уларнинг бир-бирига таъсири ҳисобланади. Бадиий асарда ҳаёт образлар орқали тасвирланади. Шуни таъкидлаш керакки, бадиий асар марказида инсон унинг жамият ва табиатга муносабати туради.

Бадиий асарда борлиқни, воқеликни образлар воситасида тасвирлаш, объектив мазмун ва субъектив баҳони конкрет материалда бериш ҳақидаги қоидалар методика учун катта назарий-амалий аҳамиятга эга. Биринчидан, бадиий асар устида ишлашни ташкил қилишда қаҳрамонлар ва муаллифнинг асарда тасвирланган воқеаларга муносабати ўқитувчининг дикқат марказида туради. Ўқувчилар воқеликни образлар орқали тасвирлашнинг ўзига хос хусусиятларини тушуна бошлайдилар. Иккинчидан, ҳар қандай бадиий асарда аниқ тарихий даврдаги воқеалар тасвирланади. Шунинг учун асарда тасвирланган воқеаларга тарихий ёндашилган шахсларнинг хатти-ҳаракати сабабларини тушуниш, воқеаларни ҳаққоний баҳолаши мумкин. Болаларни асарда тасвирланган давр билан қисқача таништириш, кейин ўқувчиларда қатнашувчи шахсларнинг хатти-ҳаракатини, улар яшаган даврни ва ижтимоий омилларни ҳисобга олган ҳолда

баҳолашни ўстириш тушунилади. Учинчидан, ёзувчининг ҳаёти ва қарашлари билан ўқувчиларнинг ёшларига мос равища танишириш мақсадга мувофиқ. Муаллиф бадиий асарда тасвирланган ҳаётий фактларга, ижтимоий ҳодисаларга, жамиятнинг вакилларига ўз муносабатини ифодалашга ҳаракат қиласи. Ёзувчининг ҳаётий материалларига баҳоси аниқ фактлар асосида яратилган бадиий асарнинг ғоявий йўналиши ёзувчининг дунёқарашига боғлиқ. Тўртинчидан, бадиий асарни таҳлил қилишда ўқувчиларни асарнинг ғоявий йўналишини тушунишга ўргатиш мухимдир, бу асарни тўғри идрок этиш учун, матн устида ишлаш кўникмасини, ўқувчиларнинг дунёқарашини, инсонпарварлик туйғусини шакллантириш учун зарур. Асарнинг тарбиявий аҳамияти, ўқувчига таъсир кучи унинг ғоявий йўналишига боғлиқ. Бадиий асар устида ишлашни тўғри ташкил қилиш учун шакл ва мазмун бирлиги ҳақидаги қоида эътиборга олинади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Т. Фаффорова. “Бошлангич таълимда замонавий педагогик технологиялар” Тафаккур нашриёти Тошкент. 2011й
2. К. Қосимова, С. Матжон, Х. Ғуломова, Ш. Йўлдошева, Ш. Сарiev “Бошлангич синфларда она тили ўқитиши методикаси “Маънавият нашриёти Тошкент. 2007 й.

FITRAT ARUZ VAZNI HAQIDA **O‘qituvchi J.Lutfullayev.**

Aruz vazni bugungi kun o‘quvchilari nazarida boshqa vaznlarga qaraganda qiyinroq vazn hisoblanadi. Fitratning ushbu vazn haqidagi fikrlari bilan tanishish, ularni boshqa olimlar fikrlari bilan taqqoslash, bugungi kun aruzshunosligi nuqtai nazaridan talqin etish o‘quvchilar uchun qiziq, shu bilan birga foydali hamdir.

Fitrat ushbu vaznning kelib chiqishi haqida fikr yuritar ekan, ”Aruz vazni arabnikidir. Arab shu vaznlarda she’r yozgan”(Fitrat,Adabiyot qoidalari, Tanlangan asarlar, T.: 2009, 28-bet),-deya A.Navoyning “Me’zon ul-avzon” asaridagi fikrlarini davom ettiradi. (Qarang: A.Navoiy, “Me’zon ul-avzon”, To‘la asarlar to‘plami, o‘ninchи jild, T.: 2012,534-bet) Aruz vazning arab-fors adabiyoti orqali kirib kelganligi haqida to‘xtalar ekan, bu vaznning qachon kirib kelganligi haqida “Bizning O‘rta Osiyo xalqlari qachon qabul etgani aniq emas. Biroq hijriy 462 da Qashg‘arda yozilgan mashhur “Qutadg‘u bilig” kitobining

shu aruz vaznida yozilg‘ani e’tibor etilsa, juda eskidan qabul etilgani ma’lum bo‘ladir”, -deya ta’kidlaydi.

Aruz vazni xususiyatlari haqida fikr yuritib shunday deydi: ”Bizda tizim o‘lchovi so‘z bo‘g‘umlarining sanashidir. Aruz ham shundaydir. Aruz ham asos qilib so‘z bo‘g‘umlarini oladir. Biroq u cho‘zg‘ilarning uzunlik, qisqaligini ham ko‘zda tutadir”. (Fitrat cho‘zg‘i deganda unlilarni (Navoiy va boshqa olimlar asarlarida bu atama harakatlar deyilgan) nazarda tutadi. (Fitrat, Adabiyot qoidalari, Tanlangan asarlar, T.: 2009, 29-bet) Fitratning ushbu so‘zlari juda o‘rinli (Chunki ayrim darsliklarda “aruz vazni bo‘g‘inlar soniga emas, sifatiga asoslanadi” degan bir tomonlama yondashilgan fikrlar keltirilgan), haqiqatdan ham, bu vazn bo‘ginlarning son va sifatiga quriladi.

Fitrat hijo turlari haqida fikr yuritar ekan, ”Aruzchilar so‘z bo‘g‘umlarining, asosan, shu qismlarg‘a ajratganini ko‘zda tutadi”, -deya quyidagilarni sanaydi: a) bir harf, bir qisqa cho‘zg‘li bo‘g‘um: ma, ba kabi; b) bir harf, bir uzun cho‘zg‘ili bo‘g‘um: yo, bu kabi; j) iki harf, bir qisqa cho‘zg‘ili bo‘g‘um: gal, bul kabi; d) iki harf bir uzun cho‘zg‘ili bo‘g‘um: forscha shoh, xo‘b kabi”. (Fitrat, Adabiyot qoidalari, Tanlangan asarlar, T.: 2009, 29-bet)

Fitrat tariflagan birinchi qismdagi misollar qisqa hijo. (Chunki ochiq bo‘g‘in tarkibida qisqa unli kelgan) Ikkinci qismda cho‘ziq hijo haqida fikr yuritilgan. (Ochiq bo‘g‘in tarkibida cho‘ziq unli “o”, ba’zan “u” unlisi kelsa, cho‘ziq hijo sanaladi) Uchinchi qismdagi gal, bul so‘zlari cho‘ziq hijo. (Yopiq bo‘g‘in tarkibida qisqa unli kelgani uchun) To‘rtinchi qismda keltirilgan shoh, xo‘b so‘zlari vazn talabiga ko‘ra ba’zan cho‘ziq, ba’zan o‘ta cho‘ziq hijo sifatida talaffuz etiladi (yopiq bo‘g‘in tarkibida “o” unlisi kelsa, o‘ta cho‘ziq hijo sanaladi)

Ruknlar haqidagi fikrlariga e’tibor bersak, rukn atamasini “aruz usullari” deb ataydi. Rukn va uning turlari, ya’ni asl va furu’ (tarmoq rukn)lar haqida esa, arablarda o‘nta usul borligi, ”ular bu o‘n usulni turli-turli o‘zgartirib ko‘paytirgan”ligini ta’kidlaydi. Bu fikr orqali arab aruzida ham zihof (Qarang: zihof, O‘zbek aruzi lug‘ati, Sharq, T.:1998, 53-bet) mavjudligini ko‘rsatadi.

Adabiyot qoidalari asarining “Aruz bizning tilga yaramag‘anlig‘i” sarlavhali qismida ushbu vaznning qiyinligiga arab-fors so‘zlarida “madd”(arabcha cho‘zish, cho‘ziqlik) mavjudligi, turkiy so‘zlarda bu hodisa yo‘q ekanligi, turkiy so‘zlardagi bosim (Fitrat urg‘u atamasi o‘rnida bosim so‘zini qo‘llagan) “madd”ga o‘xshamasligi kabilarni sabab qilib ko‘rsatadi. Madd ham urg‘u kabi cho‘zish, cho‘zib talaffuz

etish, lekin urg‘uli bo‘g‘in so‘zning ma’lum bir o‘rnida (odatda oxirgi bo‘g‘inda) bo‘ladi, ”arab-fors so‘zlaridagi “madd”ning bizning bosim kabi belgili bir o‘lchovi yo‘q”ligi, ”bir uzun cho‘zg‘idan to‘rt uzun cho‘zg‘igacha tortmoq mumkin”ligi bizning til xususiyatlarimizga xos emasligini ko‘rsatadi. Bu esa, Fitrat aytganidek, ”aruzning bizning tilga yaramag‘anligi”, ya’ni aruz vaznining biz uchun qiyin tomonidir. Fitratning ushbu mulohazalari bir tomondan to‘g‘ri. Bu vaznning Fitrat uchun, biz uchun, shoirlar uchun qiyin ekanligining yana bir sababi jamiyat rivojlanishi natijasida ko‘plab so‘zlar (ularning ichida arab va fors tilidagi so‘zlar anchaginani tashkil etadi) iste’moldan chiqishi, ular o‘rnida bir qancha (Yevropa tillari tasirida) neologizmlarning paydo bo‘lishi, aruz vazniga ko‘proq arab-fors so‘zlari mos tushishi (Bunga she’r so‘zining “fe’l”, shoir so‘zining “foil”, shuar so‘zining “fualo” vaznlarida ekanligi misol bo‘ladi), turkiy va boshqa tillar orqali o‘zlashgan so‘zlar vaznga to‘la mos tushmaslidandir.

К ВОПРОСУ ОТБОРА МАТЕРИАЛОВ ПРИ ОБУЧЕНИИ ИНОСТРАННОМУ ЯЗЫКУ

Т.С.Кавылова, У.А. Инамов

В наше время необходимо и престижно знание одного или нескольких иностранных языков. Обучение иностранным языкам преследует комплексную реализацию практической, воспитательной, образовательной и развивающей целей; при этом воспитательная, образовательная и развивающая цели достигаются в процессе практического овладения иностранным языком. Цель обучения иностранным языкам имеет еще лингвострановедческое, педагогическое и психологическое содержание. При определении содержания цели обучения нельзя упускать ни одну из сторон этого содержания. Все они в комплексе взаимосвязаны, взаимозависимы и проявляются в виде обучающего, познавательного, развивающего и воспитательного результата, который достигается постепенно, в процессе овладения иностранным языком. Однако в таком общественном виде иностранная культура не может явиться целью обучения, так как овладение ею происходит не сразу, а постепенно. Главной функцией речевой деятельности является коммуникативная: человек говорит для того, чтобы воздействовать на поведение, мысли, чувства, сознание других людей. Наконец без речевой деятельности невозможно никакое познание. Сопоставив функции речевой деятельности и культуры, можно увидеть, что они

тесно взаимосвязаны. К предмету «иностранный язык» уделяется большое внимание как в психологии, так и в методике обучения этому предмету. Сложность и многогранность подчеркивают многие методисты и в соответствии с этим предлагают различные подходы к решению этой проблемы:

- 1) созданием специально разработанной системы упражнений;
- 2) вовлечением эмоциональной сферы в процесс обучения;
- 3) педагогическим воздействием учителя;
- 4) использованием на уроках аудиовизуальных средств;
- 5) использованием личностной индивидуализации;
- 6) разработкой системы внеаудиторных занятий, усиливающих мотивационную сторону изучения языка.

При обучении иностранному языку усилия учителя должны быть направлены на развитие внутренней мотивации, которая исходит из самой деятельности и обладает наибольшей побудительной силой. В настоящее время имеется достаточное количество исследований в психологии и методике преподавания иностранных языков, позволяющих использовать их в дальнейших поисках решения проблемы и осуществить ценностный подход в ее рассмотрении. Таким образом, при формировании положительного отношения к предмету необходимо учитывать факторы, исходящие из того, как обучаем и чему обучаем. Прогрессирующее развитие международных контактов и связей в политике, экономике, культуре и других областях обуславливает последовательную ориентацию современной методики обучения иностранным языкам на реальные условия коммуникации. Стремление к коммуникативной компетенции, как к конечному результату обучения, предполагает не только владение соответствующей иноязычной техникой но и усвоение колossalной неязыковой информации, необходимой для адекватного обучения и взаимопонимания. Таким образом, общепризнанным стал вывод о необходимости глубоко знать специфику страны изучаемого языка и тем самым о необходимости страноведческого подхода как одного из главных принципов обучения иностранным языкам. В нашей стране различные сведения о том или ином государстве, преподаваемые процессе обучения языку (или в связь с изучением языка), принято называть страноведением, в Германии—культуреведением (*kulturkunde*), в Американских учебных заведениях существуют курсы языка и территорий (*language and*

area), во Французской методической школе бытует понятие «язык и цивилизация» (langue et civilisation). Английскими коллегами используется теория linguacultural studies—«лингвокультурные исследования». Страноведение включает в себя разнообразные сведения фрагментарного характера и определяется, как дисциплина в системе географических наук, занимающаяся комплексным изучением материалов, стран, крупных районов. Ведь для того, чтобы переводить, нужно, прежде всего, полностью понять иноязычный текст со всеми нюансами значения, включая подтекст, затем с учетом адресата подбирать соответствующие эквиваленты в языке перевода, а их незнание приводит к затруднению в общении на иностранном языке. Поэтому можно свободно говорить о лингвистических основах страноведческого аспекта в преподавании иностранного языка, которые следует понимать как часть общих лингвистических основ его преподавания выступающих в одном ряду с другими науками: психологией, педагогикой и др., в качестве теоретического фундамента обучения иностранному языку в целом. Мы видим, что проблема, связанная с преподнесением текстов лингвострановедческого характера весьма актуальна.

Список использованных литератур:

1. J.P. Rioux (sous la dir.de), Histoire de la France contemporaine, Paris: Le Seuil (Points Histoire),1983.
2. Sites d'Internet:[www.ladocumentationfrançaise/fr](http://www.ladocumentationfrançaise.fr).
3. www.admifrance.gouv.fr. www.cnrs.fr www.francophonie.org
4. Рапопорт И.А. Проблемы обучения иностранным языкам. Таллин, 1978.
5. Рапопорт И.А. Проблемы повышения эффективности обучения иностранным языкам. Таллин, 1983. с152

О значении текстов на уроках иностранных языков.

У.Алматова, Н.Абраймова.

Эффективность обучения аудированию зависит, в первую очередь, от заинтересованности обучающегося в понимании содержания речи. Однако в практике преподавания часто приходится сталкиваться с тем, что обучение аудированию проводится на текстах неинтересных, неинформативных, бессодержательных. Использование подобных текстов объясняется стремлением облегчить задачу обучающемуся, поскольку

иноязычная форма трудна, следует все усилия слушающего сконцентрировать на ней, сделав содержание сообщения максимально простым и доступным. Основным требованием к содержанию текстов для аудирования следует считать их идеино-воспитательную ценность, содержательность или занимательность. На более продвинутом этапе следует, наряду с занимательными текстами, использовать содержательные тексты, т.е. тексты, содержащие новую и полезную для учащихся информацию. К ним относятся тексты публицистические, научно-популярные и др.

Содержательность текстов не должна противопоставляться их посильности. Посильность текста – один из основных принципов отбора. Наряду с новыми сведениями тексты должны содержать и сведения, уже известные учащимся. Насыщение текстов информацией и сокращение смысловой избыточности должно происходить постепенно, от текстов менее информативных либо содержащих более трудным по языковой форме или по содержанию.

Надо учесть целесообразность использования при аудировании текстов, имеющих достаточно сложную главную мысль и глубокий подтекст. Рассматривая вопросы смыслового содержания текстов для аудирования, нельзя не упомянуть о роли названия текста и его композиции.

Для осмыслиения информации текста большое значение имеет построение сообщения, т.е. его композиция. Последовательное и логичное изложение информации способствует ее успешному приему. Ясная и четкая структура сообщения играет положительную роль.

Таким образом, целесообразно в начале обучения использовать тексты с простой и ясной композицией, постепенно усложняя ее к следующему этапу. Однако и на этом этапе не рекомендуется использовать тексты с особенно сложной композицией так же как и для аудирования, основополагающим требованием к текстам для чтения является их посильность и доступность для обучающихся. Чрезмерное облегчение текста снижает его обучающую ценность. Следует отметить также, что посильность текстов для чтения определяется не только языковым и жизненным опытом обучающегося, но и видом чтения, для которого предназначен текст. Другим важным требованием к текстам для чтения является требование обучающей ценности текста. Под обучающей

ценностью текста понимается его воспитательная, образовательная и практическая ценность. Практическая ценность определяется эффективностью текста как средства формирования умений и навыков чтения. Кроме того, требования к языковой форме текстов для чтения будут варьироваться в зависимости от вида чтения. Поэтому посильность текста для чтения определяется также количеством трудного для понимания языкового материала и неизученных языковых явлений, но реализация этого требования будет иной. Прежде всего, трудности узнавания изученных языковых явлений будут определяться не звуковой, а графической формой. Такие трудные для аудирования явления, как омофоны, легко идентифицируются чтецом благодаря особенностям их графической формы, например, английские слова: no, know, meet, meat, to, too, two и т.д. Наоборот, омографы, которые не затрудняют аудирование, могут осложнить понимание при чтении. Например: read, red и др.

Трудность, которую необходимо учитывать и в текстах для чтения, и в текстах для аудирования, связана с синтаксической структурой предложений и их длиной. Длинные сложные предложения с несколькими придаточными являются наиболее трудными. Важно также учитывать корреляцию структур в родном языке: структуры, не имеющие аналогов в родном языке, являются для учащихся весьма трудными. Целесообразно включить в тексты для чтения незнакомого языкового материала, так же как и при обучении аудированию и по тем же причинам. Исключение составляет начальный этап, где тексты строятся только на изученном и активно усвоенном материале. Количество неизученных слов в текстах, используемых на продвинутых этапах, зависит прежде всего от вида чтения. В текстах для ознакомительного чтения могут использоваться только такие незнакомые слова, о значении которых можно догадаться, либо такие, понимание которых несущественно для общего смысла текста, т.е. новый для учащихся языковой материал может использоваться только как средство передачи избыточной информации. Что касается изучающего чтения, то, поскольку данный вид чтения не исключает возможности пользоваться словарем, количество незнакомых слов в текстах не имеет решающего значения и может быть довольно большим.

Объем учебных материалов для чтения, как и для аудирования, играет немаловажную роль и, так же как и другие аспекты проблемы обучения чтению на иностранном языке, связан с видом чтения.

Требования к объему текстов для чтения зависят также и от темпа чтения и определяются временем, которое обучающийся должен затратить на чтение.

Список используемой литературы.

- 1 Ермакова ЛК. Некоторые приемы работы с лексикой по английскому языку - festival.1september.ru/articles/312667
- 2 Костерина Л.Б. Интерактивные занятия, газета English №5/2009
- 3 Самостоятельное изучение английского языка Native-English. Статьи
- 4 Ушинский К.Д. Собрание сочинений. Т 8.-М.:изд. АПН, 1950.

АДАБИЁТ ДАРСЛАРИДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ЎРНИ

Д.Аралова Зарбдор иқтисод колледжи ўқитувчиси
Р.Сойипова Жиззах шаҳар 13-мактаб
ўқитувчиси

Адабиёт-инсон маънавияти асосларини ташкил этувчи ҳамда руҳий қадриятларни шакллантиришга хизмат қила оладиган санъат туридир. Бошқа ўқув машғулотларида билим бериш устувор бўлса, адабиётда боланинг кўнгли ва туйғулари билан ишланади. Шу сабабли адабиётни чинакам инсонийликнинг асосий белгиси бўлмиш бошқа одамларнинг ҳолатини тушуниш, уларга туйғудош бўла олишдан иборат деб биламиз. Бирорта ҳам ўқув предмети ёки бирор бир санъат тури адабиётнинг ўрнини боса олмайди. Бадиий адабиёт ўқувчиларнинг ҳиссиётларини шакллантириб, туйғуларини нозиклаштириб, кечинмаларини теранлаштиради.

Адабиёт дарсларида ўқилган асар бўйича ўқувчиларга тайёр хulosалар берилмаслиги керак. Ўрганилаётган бадиий асаддан ҳар бир тарбияланувчи қалдан таъсирланиши, ўзи истаган хulosага келиши лозим. Бундай ҳолатни юзага келтириш учун ўқитувчи ижодкор бўлиши, адабиёт дарслари эса бадиий матннинг жозиба қудратини оширишга қаратилган бўлиши ва ўқувчиларни бадиий ҳодисалардан завқлана билишга йўналтирилган бўлиши мақсадга мувофиқдир. Бадиий асар ўқувчиларнинг кўнгил мулкига айланиши, уларнинг ҳиссиётларига таъсир этиши учун ўқитувчи

бадиий асар билан тарбияланувчилар орасида воситачилик қилиши керак.

Президентимиз И.А.Каримов “Мамлакатни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш тараққиётимизнинг муҳим омилидир” мавзусидаги маъruzасида эса, бу масала ҳақида: “Ҳозирги кескин рақобат шароитида инновацион технологиялар ва илм-фанни янада ривожлантириш мақсадида иқтидорли ёшларни илмий фаолиятига кенг жалб этиш, ўз ижоди ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришлари учун уларга зарур шарт-шароитлар яратиш муҳим аҳамиятга эга” деган эди. Ушбу масалани бажаришда ўқувчи ёшларни эркин, мустақил фикрлашга ўргатиш таълимнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Ўқувчи эркин фикрлашни ўрганмаса, берилган таълим самараси паст бўлиши муқаррар.

Педагогик технологиялар тадқиқотчиларнинг фикрича, ахборот технологияси билан боғлиқ, ҳамда ўқитиши жараёнида қўлланиши зарур бўлган компьютер, масофали ўқитиши ёки турли хил техник воситалардан фойдаланиш деб белгиланади. Бизнинг фикримизча, педагогик технологиянинг энг асосий негизи, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг белгиланган мақсадга эришиш учун танланган технологияларга боғлиқ яъни ўқитиши жараёнида, мақсад бўйича кафолатланган натижага эришишда қўлланиладиган ҳар бир таълим технологияси ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида ҳамкорлик фаолиятини ташкил этиб, ҳар иккаласи ижобий натижага эриша олса ҳамда ўқув жараёнида ўқувчилар мустақил фикрлай олсалар, ижодий ишласалар, излансалар, мавзуни таҳлил эта олсалар, ўқитувчи эса уларнинг бундай фаолиятлари учун имконият ва шароит яратади олса, ана шу ўқитиши жараёнининг асоси ҳисобланади. Ҳар бир дарс, мавзу ва ўқув предметининг ўзига хос маҳсус технологияси бор, яъни ўқув жараёнидаги педагогик технология, якка тартибдаги жараён бўлиб, у ўқувчиларнинг эҳтиёжидан келиб чиқсан ҳолда бир мақсадга йўналтирилган, олдиндан лойиҳалаштирилган ва самарали натижа беришга қаратилган педагогик жараён бўлиши керак.

“Фан ва техниканинг мавжуд янгиликлари, ўқув дастурлари ва дарсликлар мазмунига жадал киритишни талаб этади ва бу орқали талабаларнинг замонавий билимларини шакллантиришга замин яратади. Замонавий ўқитиши технологияларининг жорий этилиши ва турли методик ёндашувлар эса, ўз навбатида, талабаларда кўплаб

фундаментал тушунчаларнинг нисбатан енгил ва мустаҳкам шаклланишига яхши шароит яратади”⁷⁹.

Бугунги мамлакатимизнинг тараққиёт босқичида адабиёт дарслариға ҳам талаб кучли бўлиб, бадиий адабиёт ўқувчиларнинг ғоявий-сиёсий ва аҳлоқий тарбиясида етакчи ўрин тутиб келмоқда. Дарҳақиқат, адабиёт ўқитишидан бош мақсад – соғлом эътиқодли, ўзга инсоннинг туйғуларини англайдиган, ўткир ҳиссиётли, юксак дидли, аҳлоқан баркамол, ақлан етук, ўз ҳатти-ҳаракатларига маъсул бўлса оладиган комил инсонни маънавий дунёсини шакллантиришидан иборат.

Фарзандларимиз камолотининг шаклланиб бориши жараёнига ижобий таъсир этувчи омиллар қаторида адабиёт дарсликларида берилган шоир ва ёзувчилар ҳаёти ва ижодини ҳамда адабий бойликларимиз, хусусан, халқ оғзаки ижоди намуналари, ривоят ва ҳикоятларини ҳам кўришимиз мумкин. Шунинг учун ўқувчилар қалбига йўл топиш, қайси йўл билан бўлмасин дарс мавзусини ва топшириқларини уларнинг онгига чуқур сингдиришга ҳаракат қилмоқ керак. Булар ёшларни “одил ва ҳақгўё бўлишга, ўз юртимизни, оиласиз қўргонини қўриқлашга, дўст-у ёrimизни, орномусимизни, ота-боболаримизнинг муқаддас мозорларини ҳар қандай тажовуздан ҳимоя қилишга ўргатади”².

Ўқувчиларга тўғридан тўғри билим беришга қаратилган жиддий маъruzалардан кўра ҳикоя, эртак, мақол, ривоят, достон, шеър, қўшиқлар ҳаётнинг бадиий инъикоси сифатида тез таъсир этади. Қолаверса, овунмачоқ, санама, эртак, қўшиқ, топишмоқ, тез айтиш, мақол, панд-насиҳат каби бадиий асарларда тасвиранган воқелик ўқувчилар томонидан ҳис-туйғулари орқали идрок қилинади. Хуллас, бир сўз билан айтганда, бадиий адабиёт ўқувчиларнинг ҳиссиётларини шакллантириб, туйғуларини нозиклаштириб, кечинмаларини теранлаштиради. Жонли ижро ўқувчиларни доим ўзига жалб этиб келган. Кейинги пайтда таълим тизимларига илғор педагогик технологиялар ва ўқитишининг инновацион усуллари шиддат билан кириб келмоқда. Лекин улардан ўринли фойдаланилганда гина кўзланган натижага эришиш мумкин. Шу сабабли ахборот коммуникация технологиялар ва педагогик технологиялардан, яъни инновацион технологиялардан

⁷⁹ Бегимқулов У.Педагогик таълимда замонавий технологиялар.”Педагогик таълим” журнали.2005,6-сон.15-17-бет.

² И.Каримов”Юксак маънавият-енгилмас куч”Т.2008,33-бет.

адабиёт дарсларида фойдаланиш самараси тўғрисида тўхталиб ўтамиз.

Ахборот коммуникацион технологияларининг асосий негизини компьютер техникиси ташкил қиласди деб ҳисоблайдиган бўлсак, бунда ўқиши, ҳаракатни қўриши, эшитиши имкониятлари вужудга келади. Шунинг учун ҳам таълим тизимини ривожлантиришда ахборот технологияларидан қолаверса, интеренет технологияларидан фойдаланиб дарсларни ташкил этиш таълим сифатини оширади. Хусусан, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тайёрланган слайдлар, қўшиқлар, қадриятларимизни ифода қиласдиган урф-одатлар мавзусига бағишлиланган кичик фильмлар ўқувчиларда яхши таассурот қолдириши табиий.

Инновация янгилик киритиш маъносини англаади. Педагогик инновация эса таълимга киритилаётган янгилик ҳисобланиб, у кўзланган мақсадларнинг сифат самарадорлигини оширишга қаратилган бўлади.

Дарсни ташкил этиш борасида ўқитувчи таълим технологияларидан фойдаланганда мавзуга мувофиқини танлай билиши муҳим ҳисобланади. Жумладан, “Ақлий ҳужум”, “Интерфаол”, “Кластер”, “Ахборот-технология”, “Мультимедия”.

Хулоса қилиб айтганда, ахборот технологиялари ва янги педагогик технологиялар асосида дарс ўтишини ташкиллаштиришдан мақсад шуки, ёш авлодни билимдон, нутқи равон, баркамол, эҳтиқоди бут, маънавий мағкураси ва фикри соғлом қилиб тарбиялашдан иборатдир. Шунингдек, бу технологиялар асосида ташкил этилган дарслар ўқувчиларнинг билимларни яхлит ўзлаштиришга ёрдам беради, тафаккурини ўстиради, мустақил ижодий фикрлашга ўргатади. Зоро, баркамол авлод тарбияси жамият тараққиёти ва миллат маънавий камолотининг муҳим белгисидир.

BOBUR-MADANIYAT ARBOBI VA HOMIYSI

O‘qituvchi S Abduvaliyeva.

Zahiriddin Muhammad Bobur o‘zbek mumtoz adabiyotining yirik vakili , tarixchi olim, temuriy hukmdorlarining mashhur namoyondalaridan biri, “Buyuk mo‘g‘illar imperiyasi” deb nom olgan va Hindistonning yarmidan ko‘pini egallab turgan Boburiylar davlatining asoschisi. Otasi Umarshayx Mirzo Amir Temurning evarasi,

Farg‘ona viloyatining hokimi, onasi Qutug‘ Nigorxonim Toshkent hokimi Yunusxonning qizi.

Boburning bolaligi asosan Andijon va uning atoflarida o‘tdi . U saroy muhitida o‘qidi va tarbiya topdi. Yoshligidan ilm-fanga, she’riyatga qiziqa boshladи. Dovyurakligi va jasurligi uchun u yoshligidan “Bobur” (she’r) laqabini olgan .

Otasining vafotidan keyin o‘n ikki yoshida taxtga chiqadi . 1504-yilda Amir Temur imperiyasini qayta tiklash uchun olib borgan ko‘p yillik kurashi kutilgan natijani bermagandan so‘ng, Afg‘onistonga o‘tdi va u yerda tarqoq afg‘on va turk qabilalarini bo‘ysindirib, 1508- yilda o‘zini rasmiy ravishda ularning podshohi deb e’lon qiladi .

O‘z davlatini kengaytirish va mustahkamash uchun kurashib, Hindistonga vaqtı-vaqtı bilan hujum qiladi va uni jiddiy o‘rganib boradi. 1526-yilda Dehli yaqinidagi jangda 12 ming askari bilan 100 mingtacha askar , 2 ming harbiy filga ega hind podishosini yengadi, jangda birinchi marta porox ishlatadi, o‘zining o‘tkir lashkarboshi ekanligini ko‘rsatadi. Bobur o‘z davlati poytaxtini Hindistonga ko‘chiradi, u yerdagi tarqoqikka barham beradi, yangi hududlarni bosib olingan yer deb qaramaydi, mamlakat iqtisodiy, madaniyati va mavqeyini ko‘tarish uchun astoydil g‘ayrat bilan, keng miqyosda ish olib boradi, olimlar, fozillar va oriflarni o‘z atrofiga yig‘adi, to‘rt o‘g‘li va uch qizini shu ruhda tarbiyalaydi .

1525-1530 yillarda u o‘zining she’riy ijodini davom ettiradi , o‘zbek tili va adabiyotining durdonalaridan biri “Boburnoma” asarini yaratadi.

“Boburnoma” – dastlab “Vaqoe” voqealar deb atalgan. So‘ng “Voqeoti Boburiy”, “Tuzuki Boburiy”, “Boburiya” nomlarini oldi. Oxirida “Boburnoma” bo‘lib shuhrat topdi.

“Boburnoma” Zahiriddin Boburning butun umri davomidagi esdaliklardir. U 12 yoshidan hayotining so‘nggigacha bo‘lgan voqealarni qayd qilib borgan va umrining oxirgi yillarida ushbu asarni yaratgan.

“Boburnoma”ning o‘ndan ortiq qo‘lyozma nusxalari bo‘lib, jahoning turli kutubxonalarida saqlanadi. Asarni 1857 yilda Qozonda N.I.Ilminskiy, 1905 yilda Londonda Beverij xonim nashr etdilar. O‘zbekistonda dastlab professor Fitrat 1928 yilda “Boburnoma”dan parchalar e’lon qilgan edi. Asar 1948 – 1949 yillarda ikki jildda nashr etildi. 1960, 1989 – yillarda Boburnomaning tuzatilgan nashri amalga oshirildi.(1).

“Boburnoma”da Boburning ilk she’r mashqlaridan tortib, yirik asarlarigacha yozilish tarixi, ular bilan bog‘liq voqealar haqida ma’lumot berilgan.

906-yil (1500-1501) voqealarini bayon qilar ekan, Bobur Navoiy bilan xatlashganini, buyuk shoirga ilk baytlaridan yuborganini yozgan edi. “Bu ikkinchi navbat Samarqandni olg‘onda, Alisherbek tirik edi. Bir navbat manga kitobati (xati) ham kelib edi .

Men ham bir kitobat yuborib edim , orqasida turkiy bayt aytib , bitib yuborib edim, Javob kelgumcha tafriqa va g‘avg‘o bo‘ldi”.(78-bet)

Bobur o‘z asarining “909 (1503-1504) yil voqealari” degan sahifasida. “Ushbu mahallarda “Boburiy xat”ni ixtiro qidim” (132-bet), deb yozadi. (2).

“Boburnoma” Bobur kezgan yurtlar haqidagidagi o‘ziga xos qomusdir. Lekin bu qomus faqat sinchkov emas, badiiy zavqi ham baland bo‘lgan ijodkor tomonidan yozilgan. Asarda turli fanlarga oid ma’lumotlar bilan bir qatorda go‘zal ijodiy kuzatishlar, chiroyli badiiy lavhalar ham bor. Ayniqsa Xuroson va Hindiston manzaralarini chizganda, xususan, o‘zbek o‘quvchisiga notanish urf-udumlar, o‘simlik va hayvonlar haqida hikoya qilganda Boburning badiiy iste’dodi ish beradi.

Bobur vatanidan uzoqda ham ona tili ravnaqini o‘ylaydi. Uning Kobul va Hindistonda turib, turkiy tilda ijod etishining o‘zi ona tiliga mehr-muhabbatidan edi. Bobur bu bilan cheklanmaydi . Turkiy tildagi ijodni rag‘batlantiradi.

Bobur qaysi yurtga bormasin, u yerni obod qilishga, turli tuman imoratlar, obidalar qurushga harakat qiladi. Chunonchi, Hindistonda katta qurulishlarni amalga oshiradi. Sharafiddin Ali Yazdiy “Zafarnoma”da Amir Temurning “Masjidi Sangi” imoratida Ozarbayjon, Fors, Hindiston va boshqa mamlakatlardan har kuni 200 kishi ish qilur edi”-deb yozgan ekan, Bobur uni tilga olar ekan , “Ograda ushbu Ograning sangtarosh (tosh yo‘nuvchi) laridan mening imoratlarimda har kunda olti yuz sakson kishi ish qilurlar edi. Yana Ograda va Sekrida va Biyonada va Dulpurda va Guvalyorda va Ko‘lda ming to‘rt yuz to‘qson bir sangtarosh har kunda mening imoratimda ish qilurlar edi” deb yozadi .

Bobur xalqimizning har jihatdan yetuk, g‘oyat iste’dodli farzandi edi. U o‘ta notinch, sarson-sargardonlikda kechgan umrini ongi, salohiyati tufayli jozibali qila oldi. Uning hayoti faqat qahramonliklar bilan emas, ijodkorlik va bunyodkorlik bilan ham to‘la edi. U 20

yoshida yangi bir yozuv – “Xatti Boburiy”ni kashf qildi. Ajoyib she’rlar yozdi, devon tartib qildi. “Boburnoma”day ulkan tarixiy badiiy asarni yaratdi, musiqa bilan shug‘ullandi.

Bobur adabiyotimizning Navoiydan keyingi eng e’tiborli va buyuk vakilidir. U 1483- yilning 14-fevralida Farg‘ona viloyatining poytaxti Andijonda tug‘ildi. U 1530 yilning 26- dekabrida Agrada vafot etadi va vasiyatiga ko‘ra Kobul (hozirgi “Bog‘i Bobur” ziyoratgohi)da dafn etilgan. Boburning hayoti va ijodi, faoliyati O‘zbekiston mustaqilligiga, yurtimizning milliy tiklanish g‘oyalariga xizmat qilmoqda.

“Boburnoma” o‘zbek adabiyotida nasr taraqqiyotiga juda katta ta’sir ko‘rsatdi. Buning yorqin namunasi Abulg‘ozzi Bahodirxonning “Shajarai turk”, “Shajarai tarokima” asarlaridir. “Boburnoma”ning tasvir va bayon usuli tarjimalar orqali boshqa adabiyotlarga ham o‘tdi. G‘arb va Sharqning fan va davlat arboblari Boburning tarix va madaniyat oldidagi xizmatlarini belgilashda bu kitobga asosiy manba sifatida qaradilar. Hindiston tarixini yoritishda esa, mutaxassislar fikricha, hali ham buyuk bobomiz Beruniyning “Hindiston”idan keying muhim asar “Boburnoma” bo‘lib turibdi. Shoir, olim va shoh Boburning ijodi va faoliyati mana shu xususiyatlarga ko‘ra ardoqlanib keladi. Bobur xalqimizning faxridir.

Adabiyotlar ro‘yxati:

1. Begali Qosimov, Nusratullo Jumaho‘ja. “O‘zbek adabiyoti” darsligi. G‘ofur G‘ulom nomidagi Adabiyot va san’at nashriyoti Toshkent – 2001.
2. Zahiriddin Muhammad Bobur. “Boburnoma” Toshkent – 1960.

III. ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ВА УНИ ЎҚИТИШ МУАММОЛАРИ

ЎҚУВЧИЛАРДА ЯНГИ ТАЪЛИМ ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА КАСБ ТАНЛАШГА МОЙИЛЛИКНИ УЙГОТИШ

**Доц. М. Турсинпўлатов,
ўқитувчи А.Усмонов**

Хозирги кунда “Таълим тўғриси”даги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” даги муҳим масалалардан бири ўқувчиларда касб танлашга мойилликни тарбиялашдир.

Ўқувчиларни касб танлашга тайёрлашда ўқув жараёнидан ташқари синфдан ташқари ўтказиладиган тадбирларнинг ўрни каттадир. Жумладан ўқувчиларнинг амалий конференциялар, диспунтлар, турли касб эгалари, ўз касбининг усталари билан учрашувлар ва шу каби тадбирларни ўтказиш ва кузатишнинг ўрни каттадир. Шу нарсани алоҳида қайд этиш лозимки, ўқувчиларни мустақил фикрлашга ундашда, уларни ҳар томонлама тайёргарлигини амалга оширишда хозирги шароитда кам қўлланилади. Янги мазмундаги педтехнология асосида олиб бориладиган дарсларнинг, учрашувларнинг ўрни бениҳоядир. Тўғри, дарс жараёнида ҳам касб танлаш масалаларини муҳокама қилиш мумкин, лекин булар янги таълим талаблари асосида касб танлаш масалаларини муҳокама қилиш мумкин. Лекин булар янги таълим талаблари асосида касб танлаш бўйича олиб борилган илмий – амалий ишларнинг ўрнини боса олмайди. Бунинг боиси шундаки, касб танлаш бўйича амалган оширилган дарснинг ёки илмий – амалий конференциянинг бошидан то охиригача касб танлашга бўлган мойилликнинг у ёки бу масаласи, албатта ўз аксини топиши керак.

Мен дейди... тил ва адабиёт ўқитувчиси сифатида ҳар икки ёки уч ойда янги таълим талаблари асосида касб танлашга бағищланган илмий – амалий конференция, иншо, ота – оналар билан жонли мулоқот ташкил қиласман. Мавзуларини бир ой олдин эълон қиласман. Бу борада ўқувчиларга ўзим доимий кўмак бериб бораман. Масалан, Яхши инсонлар ҳақида ёзилган адабиётларни, лавҳаларни, ўқиши, фикрларни қўриши, қишлоғимизнинг энг мўтабар одамлари билан суҳбатлашишларини тавсия этаман. Ўқувчилар касб танлаш бўйича кўрган билганлари ва ўқиганлари асосида материал тўплаб борадилар мен ҳар бир боланинг бу борадаги тўплаган материалларини тартибга солишга ёрдам

бераман, баъзи ўқувчилар “касбим - фаҳрим” албомини ҳам тайёрлайдики, бу ҳол уларда маълум касбга бўлган қизиқишдан гувоҳдир.

Мен иш тартибларим жараёнида бу борада мусобақа дарсини ҳам ташкил этдим. “Мен ким бўлишни хоҳлайман”, “Менинг келажакдаги орзуйим” каби мавзуларни ёнма ён (“а” “б” “в”) синфларга бўлиб берган ҳолда маълум мусобақа дарсини ташкил этдим. Бу жараён шунчалик қизиқарли бўлдики, ҳатточи синфдаги болалар бир – бирлари билан баҳслашиб кетдилар. Масалан, Мен ёнма – ён синфдаги ёзилган ишларни ҳар иккала синф иштирокида ўқий бошладим. Бир ўқувчининг иншосини ўқиябман, унда шундай сатрлар ёзилган: “Менинг келажакдаги ниятларим катта. Мен мактабни (9-синфни демоқчи) битириб Академик лицейда ўқийман. Сўнгра СамДунинг юрфагига ўқишга кирмоқчиман ва яхши юрист бўлиб етишмоқчиман...” ўқиш шу ерга келганда бир синфдоши қўл кўтарди ва у мен бир сўз сўзласам (бир савол берсам демоқчи) мумкинми? деб қолди. Мен унга марҳамат ишорасини қилдим, шунда бояги бола: “Юрист бўлиш учун катта мантиқий билимга эга бўлиши, тарих, она тили ва адабиёт, нотиқлик, санаътшунослик фанларини пухта ўзлаштириш лозим. Унинг нутқи равон, шиддатли, исботли, мантиқий бўлиши керак. Сиз иншосини ўқиган боламиз зўрға гапирадию, қандай бу соҳани орзу қиласи” деди. Демакки, касб танлашда факат орзунинг ўзи эмас, иқтидор ҳам, билим ҳам кераклигини, ҳар бир киши иқтидорига қараб ўз йўналишини танлаши лозимлигини ўқувчиларга тушунтиришимиз лозимдир. Ана шунда ўқувчиларимизни янги таълим талаблари асосида касб танлашга тўғри йўналтирган бўламиз.

Келтирилганлардан ташқари ҳар бир шоир ёки ёзувчининг ҳаёти ва ижодини ўтганда ўша шоир ва ёзувчининг ҳаётидан, ёзган асарларидан мисоллар келтириб, болаларда касб танлашга мойилликни уйғотиш мумкин. Масалан, Алишер Навоийнинг асарлари ҳақида болаларга маълумот бериш жараёнида Алишер Навоийнинг турли касбларга бўлган муносабати ҳақида сўз юритиб, болаларда касбга мойилликни тарбиялаш мумкин. Масалан, шоирнинг

Камол эт касбим, олам уйидан
Синга фарз ўлмағай ғамнок чиқмоқ.
Жаҳондин натамом ўтмак биайних,
Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ.

Демакки, ушбу қитъанинг моҳиятини, мазмунини ўқувчиларга: илму ҳунарга эга бўлмасангиз, ҳаммомга кириб нопок чиқиб кетиш билан баробардир, ҳар бир ўқувчи аввало, билим олишингиз, сўнгра маълум ҳунар эгаллашлари мисоллар орқали тушунтирилади.

Алишер Навоийнинг “Хамса” достонидаги Фарҳод образи ёки Мажнун образи ҳақида маълумот берганда ҳам илму ҳунар, билим, билимдонлик масаласига алоҳида эътибор бериш керак. чунки ақл, идрок, тафаккур, касб ҳунар мадҳи “Хамса” нинг барча достонларида ўзига ҳос тарзда намоён бўлади. Масалан:

Ҳунарни асрарон кетгумдир охир.

Олий туфроққами кетгумдир охир.

Мажнун 4-5 ёшларида борганида унинг илму ҳунар ўрганиши ҳақида устознинг Мажнунга берган баҳосини ўқувчиларга тушунтириб ва шу йўл билан уларда илму ҳунар ўрганишга бўлган мойиллик уйғотилади.

Топилди ҳунарвар устозде

Одам ичида малак ниҳоде.

Таълимига белни чуст қилди
Не ул деди, бу дуруст қилди
Ҳар неча сабоқ дебон фузуроқ
Ҳамдамлари бу ҳолатидин,
Отиз эдилар ҳижолатидин
Кун бор эдиким, беш – ўн сабоқни
Англаб, эрур эди вароқни
Оз вақтда айлади замона
Они бори илм оро ягона

Илм, касб – ҳунар тавсифи “Садди Искандарий”да ҳам “Тарихи мулки ажам”да ҳам “Тарихи анбиё ва ҳукомда” ҳам, “Ўқотиш рисоласи”да, “Мажолс ун нафоис” асарида ҳам илму ҳунарнинг қадри ва қиммати юксак даражада улуғланади. Масалан, “Садди Искандарий” достонида Искандарни илму-ҳунарли кишиларга алоҳида хурмат ва эҳтиром қўрсатганлиги таърифланади. Бу жараёнда эътибор Искандарнинг устози Алкумоҳис ниҳоятда илму ҳунарга бой, донишманд эканлигига қаратилади ва шунинг учун ҳам Искандар ундан илму ҳунар

ўрганишга жидду жоҳид (яни қатъий ҳаракат) кўрсатганлигига қаратиб Искандарнинг ҳаётидан лавҳалар келтирилади:

Киши йўқ билик ичра минар анга,
Арастуйи фарзона фарзанд анга.

Билик касбини қилди, то жони бор,
хунар билди ангаки имкони бор.

Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, киши бой бўлиши, мансабдор бўлиши мумкин. Аммо унда илму хунар бўлмаса ундей одам бир кун келиб ҳор бўлиши ҳаётий мисоллар билан тушунирилади ва Алишер Навоийнинг “Тарихи актиё ва ҳукома” асаридаги Довуд пайғамбар бўлса ҳам темирчилик, дурадгорлик – совут, темир қопқон ишлаб чиқиш касби билан шуғулланганлигини, инсу – жинс, қурту – қуш ҳам ихтиёрида бўлган Сулаймон пайғамбар эса қамбалбофлик касби билан тушунирмоқ керак.

Маълумки, Алишер Навоий буюк сўз устаси, машҳур олим ва шоирлиқдан ташқари рассомлик, мусиқачилик, давлат бошқариш хунарлари ҳам борлигини, Бобур шоирлик, ёзувчилик касбидан ташқари саркардалиқ, яхши хаттотлик касби борлиги ҳақида ҳам болаларга маълумот бериб бориш мақсадга мувофиқдир.

Ўқувчилар янги таълим талаблари асосида касб танлашга мойилликни тарбиялашда Ойбек, А.Қодирий, А.Авлоний, F.Ғулом, Ҳ.Олимжон ижодларини ўтиш жараёнида ҳам амалга ошириш мумкин.

Масалан: F.Ғуломнинг
Азиз асримизнинг азиз онлари
Азиз одамлардан сўрайди қадрин
Фурсат ғаниматдур шоҳ сатрлар-ла
Безамон чоғидур умр дафтарин

Ушбу шеърнинг мазмунини ўқувчиларга тушунириб: Президентимиз И.А.Каримов “Ёшлилар ватанимиз келажаги” эканлигини ҳар доим алоҳида таъкидлашларини, чунки келажак сизларники, бирингиз олим, бирингиз шоир, бирингиз инженер, бирингиз ўқитувчи, бирингиз врач бўлган ҳолда, элимизга, юртимизга фидой хизмат қилишларини бунинг учун ўқиши ва яна ўқиши кераклигини, илму – хунар ўрганиш фурсатини қўлдан бой бермасликларини, бугунги кун ҳаётимиз мазмунини белгилайдиган

кун эканлигини, эрта индин кеч бўлишини ҳар дарсда, ҳар соатда сингдириб бориш керак.

Ўқувчиларни касбга йўналтириш асосни, давлат таълим стандартлари, ўқув режаси, дастурлар, дарсликлар каби дидактик материаллар мазмунига сингдирилган ҳолда машғулотлар жараёнида ва машғулотлардан ташқари ҳолатда ўқувчилар онгига сингдирилиб борилади. Бу жараённи дарсдан ташқари материаллар билан таққослаб ўтиш орқали ҳам амалгам ошириш мумкин. Машғулотлар мазмунини шу тариқа ташкил этиши ўқувчиларни касбларни танлашга бу борадаги тушунча ва билимларни яхлит эгаллашларига имкон беради. Ҳар бир ўқитувчи ўзи ишлаётган мактабда бу борада амалга ошириши керак бўлган ишларни яхши қўйиши лозим. Масалан: 9-синф ўқувчиларидан “Сиз қайси касб – ҳунар эгаси бўлмоқчисиз?:” мавзусида олинган иншо тахлил этилганда шу нарса равshan бўлдики, қўп ўқувчилар ўзлари ўқитувчи, ўймакор, шофёр, сотувчи бўлишга иштиёқлари борлигини, ота – оналари ёки қариндошлари бошқа касбни тавсия этишайдиганларини ёзишган.

Ўқувчиларни касбга йўналтиришда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ва “Давлат таълим стандартлари”дан келиб чиққан ҳолда қуйидагиларга эътибор бериш даркор:

–ўқувчиларни касблар, ихтисосликлар билан таништириш;
касб танлаш ишида маҳаллий ва минтақавий эҳтиёжлар уциворлигини таъминлаш;
бўлажак касбий фаолиятнинг мазмуни, унинг шарт – шароитлари билан таништириш;

–ўқувчиларга ўзи танлаган касбга оид етарли маълумотга эга бўлиши учун шарт – шароитларни яратиш;

–касб – ҳунарга оид турли тўгараклар ташкил этиш;
–касб – ҳунарга йўналтириш орқали уларда тадбиркорликни ҳам шакллантириш ва бошқалар.

Маълумки, ҳозирги кунда ҳаётимизга бозор иқтисодиётининг жадал кириб келиши ҳаётимизни анча ўзгариб бошига ҳам, тилимизда турли амалларнинг пайдо бўлишига ҳам сабаб бўлмоқда. (Иқтисодиёт, мененжер, брокер, банкрот, тижорат, банкер. Бартер, коллеж, лицей, нодавлат ташкилот) дарс жараёнида бундай касбий атамаларнинг маъноларини шархлаб бориш фойдадан ҳоли эмас. Айниқса она тили дарсларида ушбу амаллардан биронтаси

иштирокида гап тузиш. Гапни граматик таҳлил қилиш жараёнида атаманинг маъносини ҳам тушунтириб бориш.

МАЪНАВИЙ ЖАСОРАТ – БУЮК СИЙМОЛАРДАН МАЪНАВИЙ МЕРОС СИФАТИДА

**П.ф.н. Н. Кушвактов,
Д.Уролов 2- босқич магистранти.**

Ёшларни ҳар томонлама етук, баркамол шахс қилиб тарбиялашда, халқ оғзаки ижодининг умуман олганда бадиий адабиётнинг ўрнини бирон бир тарбия воситаси билан алмаштириб бўлмайди. Чунки бадиий асарлар инсонларга турлича таъсир этиб, уларни инсоният оламида кенг тафаккур билан фаолият юритишига замин тайёрлайди.

Маълумки, ёш авлод ишонувчан, таъсирчан бўлиш билан бир қаторда тақлид қилувчан ҳам бўлади. Шунинг учун ҳам болаларни маънан етук қилиб тарбиялашда, бадиий адабиётнинг сехрли кучидан фойдаланиш мақсадга муофиқ ҳисобланади. Маънан етуклик деганда биз кишилар томонидан амалга ошириладиган ишлар, инсон омилига қаратилган бўлишини, инсонларнинг манфаатлари йўлида хизмат қилишини, ҳар бир саъи – ҳаракатлар юксак маданият билан амалга оширилишини тушунамиз.

Бизга маълумки, ота-боболаримизнинг ўз фаолиятлари давомида тўплаган ҳаётий тажрибаси, диний, ахлоқий, илмий, адабий қарашларини ифода этадиган бир қатор асарлар яратганки, улардан бири албатта, «Авесто» асаридир. Бу асарда:

- теран фикр ва ғоялар,;
- ҳаёт фалсафаси;
- «Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал» деган тамойили;
- борлиқнинг яхлитлиги ва бир бутунлиги;
- инсон ҳаётининг табиат билан уйғунлиги масаласи;

Маълумки, бу дунёда ҳар қайси миллатнинг ўз афсонавий қаҳрамонлари, ўзи севиб ардоқлайдиган паҳлавонлари бўлади. Халқимиз азалдан ўз вужуди, ўз томирида мавжуд илоҳий қудратга муносиб бўлмоққа интилиб, ўз ўғлонларини мардлик ва ҳалоллик, жасурлик руҳида, эл-юрт учун жонини ҳам аямайдиган асл паҳлавонлар этиб тарбиялаб келган.

Шу билан бир қаторда халқ оғзаки ижодининг ноёб дурдонаси «Алпомиш» достонининг ҳам инсон маънавий оламини

боитишдаги ахамиятига эътиборни қаратиш керак. Чунки бу асар миллатимизнинг қаҳрамонлик асари ҳисобланади. Бунда:

- миллатимизнинг ўзлигини намоён этиш;
- қаҳрамонликни мадх этиши;
- ҳаёт-мамот синовларига бардош беришни;
- бағрикенгликни;
- вафо ва садоқатни;
- матонатни;
- олижанобликни
- ватанпарварликни;
- одилликни;
- ор номусни тараннум этади. Бу асар ўз моҳиятига кура ёшларни маънан юксакликка даъват этувчи фазилатлар билан куроллантиради.;

«Бир сўз билан айтганда, халқимизнинг енгилмас баҳодири - Алпомиш тимсолида биз Ватанимизни ёмон кўзлардан, балоқазолардан асрашга қодир, керак бўлса, бу йўлда жонини ҳам фидо қилишга тайёр бўлган азamat ўғлонларимиз - бугунги алпомишларнинг маънавий қиёфасини кўрамиз» - дейди И.А. Каримов ўзининг «Юксак маънавият енгилмас – куч» асарида.

Ёшларга маънавий қиёфа бахш этадиган қадриятларимиздан бири ҳеч шубҳасиз бу халқимизнинг Наврӯз баёрамидир. Бу байрам:

- шодлик;
- хурсандчилик;
- табиатга муҳаббат;
- урф – одатларга хурмат;
- инсониятга меҳр – муҳаббат улашади.

Ёш авлодни маънан юксалтиришда миллий қадриятларимиздан бири сифатида буюк сиймоларимизнинг ибратли ҳаёт йўли ва уларнинг ижодидир. Шунинг учун ҳам биз буюк сиймоларимизнинг фаолиятига бир назар ташлашни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

Мусулмон оламида «муҳаддислар султони» дея улкан шухрат қозонган Имом Бухорий бобомиз «Ал-жомеъ ас-саҳиҳ» китоби билан ислом динида Қуръони каримдан кейинги иккинчи муқаддас манбаани тухфа қилди. Шунинг учун ҳам бу бебаҳо асар ислом оламида инсон тафаккури маҳсули сифатида энг улуғ асар ҳисобланади.

Буюк боболаримиздан яна бири Абу Исо Мұхаммад ибн Исо Термизийдир. Бу даҳо инсон ўзининг маънавий меросларидан бири «Сунани Термизий» асари билан мусулмон оламига яна бир бебаҳо асарни тухфа қилди. Бу асарда:

- инсоф ва адолатни;
- маънавиятни ;
- саховатни
- ор – номусни ;
- инсонпарварликни тарғиб этувчи маънавий – маърифий ғоялар ўз аксини топган.

Имом Мотуридий «ислом оламида «Мусулмонларнинг эътиқодини тузатувчи» деган юксак шарафга сазовор бўлгани бу нодир шахснинг улкан ақл-заковати ва матонатидан далолат беради» - деб баҳо беради юртбошимиз «Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида

Бурҳониддин Марғилонийнинг эллик етти китобдан иборат «Ҳидоя» - «Тўғри йўл» деб аталган асари билан бутун мусулмон оламида энг нуфузли ва мукаммал хуқуқий манба сифатида эътироф этилганлиги бу мўътабар алломанинг Шарқ оламида «Бурҳониддин ва милла», яъни «Дин ва миллатнинг ҳужжати» деган юксак унвонга сазовор этган.

Ота-боболаримиз улуғ авлиё Баҳовуддин Нақшбанд меросини ўрганиб, унга эътиқод қилиб, ихлос ва хурмат билан уни «Баҳовуддини Балогардон» деб таърифлаган.. Баҳовуддин Нақшбанднинг «Дилинг Оллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин» деган ҳикматини ардоқламаган ва унга амал қилмаган мусулмон бўлмаса керак.

Бугунги кунда она заминимизда яшаб ўтган буюк алломаларнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти, улар томонидан фан оламига киритилган янгиликлари, кашфиётлари, ихтиrolари бизларга ифтихор ва ғурур бағишлайди. Мисол учун, Мұхаммад Мусо Хоразмийнинг ўнлик саноқ системасини, алгоритм ва алгебра тушунчаларини дунёда биринчи бўлиб илм-фан соҳасига жорий этгани, Аҳмад Фарғонийнинг «Астрономия асослари ҳақида китоб» номли асари муаллифини ўз замонасининг фундаментал фан асосчиларидан бири сифатида фан оламига машҳур қилди.

Абу Райҳон Беруний фаолиятига берилган ҳаққоний баҳо бу XI асрни «Беруний асри» деб таърифланишидир.

Ибн Сино ўзининг «Тиб қонунлари» асари билан инсониятни соғлом турмуш тарзи маданиятига амал қилиб яшашга даъват этган олимдир.

Маҳмуд Замахшарий ўзининг жисмоний ногиронлигини эсдан чиқарип, Хоразмдан Арабистонга бориб, араб тили грамматикасини мукаммал тарзда ишлаб чиқкан. Шу билан бирга дунёning кўплаб мамлакатларига бориб илм- фан учун бор куч ғайратини сафарбар қилган.

Юқоридаги фикрлар бу алломаларнинг дунёвий илмларни , диний илмларни, маданиятни, маърифатни чуқур эгаллаганликлари маънавий оламининг нақадар бойлигидан далолат беради.

Соҳибқирон Амир Темур фаолияти унинг :

- тенглаб бўлмас шижаатини;
- мардлигини;
- буюк салтанат барпо этиш маҳоратини;
- давлатни бошқариш сънатини;
- илму фанга берган эътиборини;
- бунёдкорлик ғояларини тараннум этади

Мирзо Улуғбек энг оғир шароитда олиб борган илмий изланишлари бу муҳтарам зотнинг илмий жасоратидан далолат беради. У сал кам қирқ йил мобайнида Мовароуннаҳр диёрида, донишманд ҳукмдор сифатида фаолият юритиб, у ўз **«халқининг азалий орзуси - тинчлик, тотувлик, илм-фан ва маданиятни тараққий топтириш йўлида улкан шижаат ва матонат кўрсатди»**. Алишер Навоий халқимизнинг маънавиятини юксалтиришда тинимсиз меҳнат қилиб бебаҳо асарлар қолдирди.Агар бу улуғ зотни авлиё десак, у **авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг сultonидир»**.- деб юксак баҳо беради И. Каримов.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. И. А. Каримов « Юксак маънавият – енгилмас куч». - Т.; «Манавият»- 2009й.
2. Маънавият: асосий тушунчалар изохли лугати. –Т.: 2009.

АМИР ТЕМУР ДАВРИДА БОШЛАНГАН БУЮК ЎЛКАН ТАРАҚҚИЁТ БУГУНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛДА

**Доц.А.Холмуродов,
катта ўқит.Ф.Исройлова.**

Амир Темурнинг тарихий хизматлари қанчалик улуғ бўлса, унинг фазилатлари ҳам шунча шарафли. У – энг аввало, буюк давлат арбоби, марказлашган давлатнинг асосчиси, қонунчилик ва адолатга таянган ҳукмдор. Буюк давлат арбоби сифатида ҳам, истеъдодли саркарда сифатида ҳам етти иқлимга машҳур бўлди. Соҳибқирон яратган марказлашган давлатнинг маъмурий ҳукуқий, ижтимоий – маънавият тизимларини ўрганишга бағишлиланган ўнлаб асарлар яратилди ва ҳозирда ҳам ёзилмоқда. Бу бежиз эмас, чунки ўрта асрлар тарихида, узлуксиз босқинчилик урушлари пайтида ўзининг ҳудудий ўрни жиҳатидан жуда улкан давлатни яратиш ва бошқариш учун нодир қобилият, нодир ақл – заковат, улкан тадбиркорлик ва шижаот зарур эди. Мана шундай даҳо фазилатларнинг Амир Темур сиймосида мужассам бўлганлиги халқнинг озодликка ва адолатга бўлган орзусини амалга ошувига имконият яратди. Улкан маънавиятимизнинг ўзак томири бўлган Амир Темур сиймоси, унинг мустақил давлат яратиш салоҳияти ҳақида ўйлар эканмиз, элу юртимизни бугунги истиқлолга етаклаган, унга жуда катта тадбиркорлик ва шижаот билан йўлбошчилик қилаётган Президентимиз И.А.Каримовнинг давлатимизни бошқаришда қонунчилик ва адолатга таяниши кўз олдимизга келади. Дарвоҷе, юртбошимиз “Амир Темур даврини бошқатдан ўрганишимиз лозим. Нега деганда “Темур тузуклари”ни ўқисам, худди бугунги замоннинг катта – катта муаммоларига жавоб топгандек бўламан”, деган эди. Амир Темур марказлашган давлат тизимини яратдики, бу дунёвий тараққийпарвар улкан ҳодиса ҳисобланади. Шунингдек, иқтисодий муносабатларнинг ривожи учун дехқончилик, ҳунармандчилик, савдода муайян шарт – шароитлар, тартиб – қоидаларни давлат сиёсати тарзида амалга оширди. Солик тизими, мулкчиликда давлат ва жамият манфаатларига асосланиш, илм – фан, маънавият ва маърифатга ғамхўрлик қилиш, ташқи сиёсатда тадбиркорлик ва қатъиятликка таянишда ҳам ўз замонаси учун кўплаб янгиликлар яратди.

Амир Темур ҳукмронлиги даврида давлат иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги асосий ўрин тутар эди. Аммо унумдор,

суғориладиган ерлар, боғ – роғлар катта ер әгалари, амирлар, беклар, ҳарбий бошлиқларга инъом – суюрғол сифатида берилганилиги сабабли улар учун қатъий солиқ тизими белгиланган эди. Дехқонлар эса кўпинча ижарага ер олиб ишлар эди. Шу муносабат билан Амир Темур янги ерлар барпо этишга катта аҳамият беради. Бунинг учун Амир Темур ўз фармони билан “... кимки бирон сахрони обод қилса, ёки кориз курса ё бирон боҳ кўкартирса, ёхуд бирон ҳароб бўлиб ётган ерни обод қилса биринчи йили раият ўз розилиги билан берганини олсинлар, иккинчи йили раият ўз розилиги билан берганини олсинлар, учинчи йили (солиқ) қонун – қоидасига мувофиқ хирож йиғилсин... ҳароб бўлиб ётган ерлар эгасиз бўлса, холиса (давлат даромадлари ва ерлари билан шуғулланувчи мансабдорлар) тарафидан обод қилинсин. Агар эгаси бўлса – ю, обод қилишга қурби етмаса, унга турли асбоблар ва керакли нарсалар берсинлар, токи ўз ерини обод қилиб олсин” (“Темур тузуклари”, 99-бет) деб қонулаштиради. Ҳунармандчилик, савдо – сотиқни ривожлантириш бўйича ҳам улкан ишларни амалга оширади. Илм – фан, маънавият ва маърифатни юксалтиришда илму фозилларга “Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ” вазифасини юклайди.

Амир Темур хизмати ғоят буюkdir. Ўз давлатининг куч қудратини ошириб, уни мустаҳкамлаш учун авваламбор у ҳарбий ва иқтисодий ислоҳот ўтказди. Яхши қуролланган мунтазам қўшин тузди.

Мовароуннаҳр ва Ҳурсонда марказий ҳокимиятнинг маълум даражада барқарорлиги, йирик шаҳарлар ва булуклар (шаҳар атрофи) да амалга оширилган ободончилик ҳамда дехқончиликнинг кенгайиши, шубҳасиз, мамлакатнинг иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутган ҳунармандчилик, савдо ва товар – пул муносабатларининг ривожланиши учун кенг йўл очиб беради. 15-асрда, хусусан унинг охирги чораги ҳамда 16-аср бошларида ҳунармандчиликнинг турли тармоқлари ривож топиб, истеъмол молларини ишлаб чиқариш ғоят кўпаяди. Ички чакана савдо ва пул муносабатлари кенгайиб, у шаҳар ва унинг атрофи аҳолисини айниқса омилкор табақаларни ўз гирдобига қамраб олади. Ҳунармандчиликнинг ривож топиб, унинг турли – туман тармоқлари бўйича ихтисосланишнинг кучайиши, шаҳарларнинг тарихий топографиясини ҳам ўзгартириб юборади. Шаҳарда ҳунармандчилик маҳаллаларнинг сони ортиб, касб – ҳунар билан

боғлиқ бўлган янги – янги гузарлар, кўчалар, бозор расталари, тим ва тоқлар (усти гумбазли бозор) вужудга келади. Кўпгина шаҳарларда заргарон (заргарлик), мисгарон (мисгарлик), сўзангарон (игнасозлик), совутсазон (совутсозлик), сангтарашон (тоштарошловчилар), шишапазон (шиша пиширувчилар), чармгарон (кўнчилик), камонгарон, пичоқсозлик, эгарчилик каби хунармандчилик маҳаллалари бўлган.

Маҳаллий ва четдан келтирилган ипакдан турли нав шойи газламалар тўкиш кенг йўлга қўйилган эди.

Самарқанд хунармандчилигида, айниқса, қоғоз ишлаб чиқариш алоҳида ўрин тутган. Шаҳар яқинидаги Обираҳмат ариғи соҳилида қоғоз ишлаб чиқариладиган маҳсус обжувоз ва корхоналар бўлган. Самарқанд қоғози Ўрта аср Шарқи ҳаттотлари орасида ғоят машхур бўлиб, унинг бир қисми бирмунча четроқ ўлкаларга ҳам чиқарилган.

Бу даврда тери ошлаш, чарим пишириш (чармгар, кемухтагар) касблари ҳам анча ривож топган. Чармдан енгиз камзул, пойафзал, от – улов анжомлари тикилган. Чарм буюм тикувчилари орасида этикдўз (музадўз), маҳсидўз, кавшдўз, эгарчи (саррожон), юганчи (лажомдўз) лар каби касблар бўлган. Ҳарбий юришларга тайёргарлик пайтида чарм садоқ (ўқдон) ва камоннинг чарм филофлари, пичоқ ва қиличларнинг чарм қолланган қинларига талаб катта бўлган. Савдо дўконлари турли хил матолар: карбос, қатон, парча, тарғу, қирмизи духоба, дебо, атлас, фута ва бошқа анвойи газмоллар ва улардан тикилган турли – туман кийим кечаклар билан тўла бўларди. Расталарда эса тармевалар, ширинликлар Самарқанднинг обий, пўлатий, ширмойи, седана пайванд, заргарон, осиёй каби машхур анвойи нонлари, зираворлари, атторлик моллари сотилар эди.

Шундай қилиб, бу даврда хунармандчиликнинг асосини кундалик турмушда бевосита ишлатиладиган ва истеъмол қилинадиган моллар ишлаб чиқарувчи корхона ёки дўкон каби устахоналар ташкил этарди. Мулкий ва ҳуқуқий жиҳатдан хунармандлар гарчи бир бутун ижтимоий табақага мансуб бўлсаларда, ҳар ҳолда уларнинг сафи шогирдлик таълимини ўтаган турли табақа фарзандлари ҳисобига тўлиб боради.

15-асрда Темурийлар давлати Хитой, Ҳиндистон, Тибет ва бошқа қўшни мамлакатлар билан савдо алоқаларини олиб боради. Чет эллардан турли – туман хунармандчилик маҳсулотлари ва хом

ашёлар келтирилди. Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Русия, Волга бўйи ва Сибирь билан мунтазам савдо – сотик қилинарди. Хитойдан, асосан ипак, шойи матолар, хусусан атлас ва парчалар, чинни, лаъл, гавҳар ва мушк; Ҳиндистондан нафис оқ рангли ип матолар, нил бўёқлари, хушбуй зираворлар (мускат ёнгоғи, қалампирмунчоқ, долчинанбар); Эрондан сурп, марварид ва дурлар; Русия, Татаристон ва Сибирдан қимматбаҳо мўйна, тери ва мум олиб келинар эди. Европа мамлакатларидан Самарқандга олиб келинган моллар орасида фаранг газмоллари, мовути, черкас пичоғи бўларди. Ишратхона мақбараси вақфида Миср фатони ва Хитой духобасидан тикилган чойшаблар, мисрий салла қайд этилган.

Самарқанддан чет мамлакатларга, хусусан, Русия, Татаристон ва Сибирга, асосан арzon нархли ип матолар, духоба, шойи, қофоз, қуруқ мева, гуруч, пахта ва калава иплар чиқарилган.

15-асрда Самарқанд ва Ҳиротда меъморчилик, наққошлиқ, тасвирий санъат ва адабиёт ниҳоят даражада тарақкий этади. Бу икки пойтахт шаҳарларида кўплаб ҳашаматли жамоат бинолари қад кўтаради. Темурий ҳукмдорлар орасида айниқса, Улуғбек бобоси Темур каби мамлакатда қурилиш ишларига катта аҳамият беради. У ҳукмдорлик қилган даврда бир қанча масжид, мадраса, ҳонақоҳ, ҳаммом, сардоба ва карvonсаройлар қурилади. Аввало у Темур даврида қуриб битказилмаган талайгина бинолар итномига етказади. Гўри Амирнинг кириш пештоқи, Шоҳизинда ансамблидаги Кўкгумбаз масжиди, Яссидаги Аҳмад Яссавий қабри устига қурилган бинолар шулар жумласидандир.

Клавихо ва унинг “кундалигига” ўша вақтларда Амир Темур қўл остидаги мамлакатлар ва шаҳарларнинг умумий аҳволи, аҳолининг кун кечириши, Темур яқинлари ташаббуси билан барпо этилган бинолар: қасрлар, масжидлар, мадрасалар, ҳонақоҳлар, савдо расталари, дўконлар, устахоналар; темурийлар давлатининг Хитой, Ҳиндистон, Олтин ўрда (Клавихо уни, Татаристон деб атайди), Мўғалистон ва бошқа мамлакатлар билан бўлган сиёсий ва савдо алоқалари, Темур саройида амалда бўлган тартиб – қоидалар ва ниҳоят Темурнинг хотинлари ва уларнинг мамлакат ижтимоий – сиёсий ҳаётида тутган ўрни ҳақида эътиборга молик маълумотлар келтирилган.

Самарқанд бойлиги ҳақида... «Бу юрт дон – дун, май, мева – чева, парранда гўшти, (бошқа) ҳар хил гўшт, қўйингки, ҳамма

нарсага бойдир... бир жуфт семиз қўйнинг нархи 1 дукат». – деб ёзади.

Буюк Соҳибқирон марказлашган давлат бошқарувини такомил-лаштириш, мамлакатда ободончиликни ривожлантириш, Мовароуннахрни Ислом маданиятининг марказига айлантириш йўлида наинки ўз раҳбарлик салоҳиятини, ҳарбий қудрати, балки мавжуд илмий – маънавий имкониятларидан ҳам кенг фойдаланади. У мамлакат пойтахти Самарқандда, Ҳирот, Бухоро, Шаҳрисабз, Тошкент каби шаҳарларда илму фозилларни жамлаш, улар учун илмий - фанний шарт – шароит яратишга эътиборини қаратди. Бошқа ўлка ва мамлакатлардаги йирик олимлар, муҳандис меъморлар, мусаввирлар, шоир ва баҳшилар, ҳаттот ва мунаҷжимларни Самарқанд, Шаҳрисабз, Ҳирот, Бухоро шаҳарларига жалб этди. Натижада, Амир Темур даврида Моварауннахрда салоҳияти бақувват илмий – адабий муҳит тез етилди. Бу, айниқса, унинг Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Қарши, Тошкент, Ҳирот каби шаҳарларда нодир бинолар, сарой масжид, мадраса, хонақоҳ, роботлар барпо этишига ижобий таъсир этди. Чунки Шоҳизинда, Жоме масжиди, Бибихоним, Кўксарой, Оқсанарой сингари тарихий меъморий обидалар айни пайтда улуғвор санъат асарлари сифатида барпо бўлди.

Самарқанд ва бошқа шаҳарларда кўплаб боғлар яратиб, уларда олиму уламолар давраларини ўтдказиши, тую томошаларда турли санъаткорлар, машойихлар, қизиқчилар, қиссаҳонларнинг чиқишиларини ташкил этиш ҳам мамлакатда илму – фан маданиятга бўлган эътиборнинг ўзига хос кўринишидир.

Шу сабабли ҳам Амир Темур даврида Самарқанд илм – фан ва маданият марказига айланди. Бу марказнинг шарофати туфайли темурийзодалар орасида фалакиёт илмининг сultonи Мирзо Улухбек, дилбар шоир З.М.Бобур каби кўплаб ижодкорлар, олимлар этишиб чиқди. Амир Темур ўз давлатини бошқаришда ижтимоий – сиёсий масалалар билан бир қаторда Самарқанд ободончилигига катта эътибор билан қараган. Айниқса, унинг бевосита раҳнамолигида яратилган Боғи Чинор, Боғи Шамол, Боғи Дилкушо, Боғи Беҳишт, Боғи Нав каби боғ ва саройлар ўша давр муҳитида катта аҳамиятга эга бўлган.

Бугунги Ўзбекистон – янгидан – янги имкониятларни намоён этаётган, кучга тўлиб, нуфузи ошиб бораётган мамлакат. Бугунги Ўзбекистон – барча қийинчиликларни енгиб, мустақиллик йўлидан

ёруғ истиқбол сари дадил қадам ташлаётган, халқаро майдонда обрўси ошиб бораётган давлат. Бу – халқ билан давлат бирлигидан, омма фикри билан давлат сиёсатининг муштараклигидан, Президент сиёсий йўлининг нақадар халқчиллигидан далолат беради.

Германия матбуоти Ислом Каримовни мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ “Ўрта Осиёдаги энг кучли президент”, Ўзбекистонни эса “Ҳамдўстлик мамлакатлари орасидаги энг тинч ва ривожаланаётган мамлакат” деб тан олган эди.

Халқимиз ўзининг кўхна тарихида Уйғониш ҳодисасининг турли шакллари кўрган. Жумладан, Абу Наср Фаробий, ал – Хоразмий, ал – Беруний, Абу Али ибн Сино ва бошқа ўнлаб улуғ бобокалонларимиз номи билан боғлиқ бўлган IX – XII аср Уйғониш даври Туронзамин халқлари тарихидаги биринчи Ренессанс ҳодисаси бўлди.

Соҳибқурон Амир Темур ва темурийлар номи билан боғлиқ бўлган қарийиб 500 йиллик давр туркийлар ҳаётидаги иккинчи Уйғониш даври, миллий тикланиш, миллий тараққиёт палласи бўлиб тарихда абадий қолди. Бу иккинчи Ренессанс ҳодисаси жаҳон фани, маданияти, умуминсоний қадрятларни олиймақом даражада ўзида мужассам этган миллий давлатчилик ва бошқарув тизимининг шаклланиши билан боғлиқ бўлган буюк воқеликдир.

XX асрнинг сўнгги йиллари ўзбек халқи тарихида бутунлай янги даврни бошлаб берди. Бу Мустақиллик, Миллат тушунчалари билан боғлиқ бўлган Миллий Уйғониш, бутунлай янги тарихий шароитларда бутунлай янги миллий давлатчиликка асос солиш сингари абадиятга дахлдор ҳодисадир. Ўзбекистон республикаси ўзининг жуда катта ақлий ва жисмоний имкониятларини намоён этиб, жаҳон сиёсатига энг замонавий фикрлар билан кириб бораётган, ўзининг новаторлик кучини кўрсатаётган, давлат ҳаётида юз бераётгани сингари жаҳон ижтимоий – сиёсий жараёнларини ҳам тубдан ислоҳ қилишга таъсир қиласидан ғоятда янги имкониятларини кўрсатиб бормоқда.

Миллий уйғониш, миллий ўзлигини англаш мустақиллик берган буюк неъматdir. Ана шулар туфайли ҳам миллат қаддини ростламоқда. Қадимий, асрлар мобайнида тўплаган нуфузини қайтадан тикламоқда. Дарҳақиқат, ҳамиша уйғоқ халқ яратувчиликка, бунёдкорликка қодир бўлади. У ўз имкониятларини тобора бойитиб боради.

Ана шу нуқтаи назардан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, Мустақиллик, Миллат тушунчалари ва бевосита унинг ташаббускори Ислом Каримов номи билан боғлиқ бўлган учинчи Ренессанс даври бошланди.

Мустақиллик – ўзбек халқининг тарихий ва энг буюк ютуғи. Уни қўлга киритиш учун халқимиз ўта таҳликали ва таҳдидли, мураккаб ва мashaққатли йўлни босиб ўтди. Асрлар оша халқимиз қалбида асраб – авайлаб келинган бу буюк орзуга кўплаб қурбонлар, таҳқирлар ва истироблар билан етишдик. Шу сабабли халқимиз бугунги тинч ва осойишта ҳаётга, тўкин ва фаровон дастурхонга, нурафшон орзулар ва режалара буткул ҳақли ва муносибдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Амир Темур ҳақида сўз. Т., 1996.
2. Каримов И.А. Амир Темур – фахримиз, ғуруримиз. Т., 1997.
3. Каримов И.А. Амалга оширилаётган ислоҳатларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини қуриш – ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир. Т., 2013.
4. Темур ва Улугбек даври тарихи. Т., 1996.
5. Клавихо Р.Г. Самарқандга – Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403-1406 йиллар). Т., 2010.

СОҒЛОМ БОЛАНИ АҲЛОҚИЙ, МАЬНАВИЙ РУҲДА ТАРБИЯЛАШДА ОИЛАНИНГ ВАЗИФАСИ

Доцент Ф.Маматқулов,

Катта ўқитувчилар Ш.Камолова, Н.Пўлатова

Мухтарам юртбошимиз И.Каримов “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида оила тўғрисида шундай фикрларни илгари суради: “Бугунги кунда бизнинг қилаётган барча ишларимиз фарзандларимизнинг баҳту-саодати, уларнинг ёруғ келажаги учун амалга оширилмоқда. Лекин баҳту-саодат фақат бойлик, молу-мулк билан белгиланмайди. Одобли, билимдон ва ақлли, меҳнатсевар, иймон-эътиқодли фарзанд нафақат ота-онанинг, балки бутун жамиятнинг катта бойлигидир”.

Фарзанд тарбиясида ота-онанинг шахсий ибрати жуда муҳимдир. Ота-онанинг меҳнатга, ҳаётга муносабати болалар тарбиясига бевосита таъсир этади. Оилада болага шундай тўла талаб қўйиши керакки, уни бажариш фарзандлар учун муқаддас ҳисобланиши, унинг бажарилиши устида назорат ўрнатилиши керак. Шуни унутмаслик керакки, ота-она ўғил – қизларининг эрта-индин ота-она бўлишини назарда тутган ҳолда, уларга турмушдан таълим

бериб боришилари лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаб ўтганидек , “Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятининг шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оилани ўрни ва таъсири бекиёсдир”. Авлодларимиздан қолган, давом этиб келаётган оддий одоб-қоидаларига кишининг хатти-харакати, хулқидаги, муомала ва муносабатидаги барча яхши сифатлари киради.

Инсоннинг у ёки бу қилган муомаласидан унинг одобини аниқлаб олинади. Ота-боболаримиз оила тарбиясида болаларнинг илк ёшлигидан бошлаб кўпчилик, жамоатчилик олдида, ҳар қандай ҳолатда ҳам одоб сақлашга одатлантирганлар.

2014 йил муҳтарам юртбошимизнинг таклифларига биноан “Соғлом бола” йили деб жорий йилнинг номланиши ҳам бежиз эмас. Бу борада муҳтарам президентимиз И.Каримов қуйидаги фикрларни баён этган,- “Биз таянчимиз ва суюнчимиз, фуруримиз болаларимизга, фарзандларимизга ишонч билан ҳурмат-эътибор билан қарашни келажагимизга бўлган ишонч, миллатимизга, ҳалқимизга бўлган ҳурмат эҳтиром ифодаси-деб биламиз”.

Бугунги кунда ҳар бир оиласида соғлом бола тарбияси жамиятда муҳим ўринга эга. Бунинг учун оиласида соғлом бола тарбиясини тўғри ташкил этиш, унда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, чуқур билим ва юксак масъулият талаб этади. Чунки инсоний муносабатлар оиладан, оила муҳитидан бошланади.

Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири бекиёсдир.

Инсоннинг соғ ва покиза туйғулари, илк ҳаётй тушунча ва тасаввурлари биринчи навбатда оила бағридан шаклланади. Соғлом боланинг феъл атвори ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар, яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр оқибат, ор-номус ва андиша, шарму ҳаё каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топиши табиий. Юртбошимиз “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида: “Ақли расо ҳар қандай инсон яхши англайдики, бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди”,-деган эди.

Оиласида соғлом бола ота-онасининг хатти ҳаракатлари, бутун

ҳаётий фаолиятини кузатиб юради, ҳамда нарса ва ҳодисаларга таъсир қилиш эҳтиёжи ва қизиқиши туфайли ўз-ўзини англай бошлайди. Оила соғлом бола тарбияси учун ўзига хос ва мос қўзгу бўлиб хизмат қилади. Фарзанд беихтиёр ўзини қўриши учун унга қарайди. Ҳар қандай ота-она боласининг кучли, билимли, ахлоқли, иродали, ақлли ва қобилиятли бўлишини истайди ҳамда орзу қилади. Аммо орзу-истакнинг ўзи етарли эмас, бунинг учун ота-она ҳам ўзини-ўзи англаган, билим ва умумий маданиятини тинимсиз ривожлантириб бориши лозим.

Президентимиз И.А.Каримов “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида: “Биз ўз фарзандларимизнинг баҳту саодатини, иқболи ва камолини қўришни истар эканмиз, нафақат оиласидаги, балки маҳалла куйдаги одамларнинг хатти-ҳаракатлари ҳам боланинг шаклланиб келаётган қалби ва онгига қандай таъсир кўрсатиши ҳақида доимо ўйлашимиз, бу масалада зиммамизда қандай улкан масъулият борлигини унутмаслигимиз зарур”,-дея алоҳида таъкидлаб ўтган.

Улуғ бобокалонимиз Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб» асари алломанинг ахлоқ одоб борасидаги йирик рисоласидир. У ушбу асарида болага қўз-қулоқ бўлмаслик, уни назоратсиз қолдириш, ўз вақтида тўғри тарбия бермаслик кейинчалик ёмон оқибатларга олиб келиши, тарбияси издан чиқсан боланинг келажаги эса барбод бўлиши, аксинча унга яхши тарбия берилса, тўғри йўлдан борувчи ақли расо, яхши фарзанд бўлиб ўсишига кафолат бериб, оиласидаги ахлоқ-одоб тарбияси катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Баркамол шахс бўлиб етишиш учун болада ўз-ўзини англаш қобиляти шакилланиши лозим. Оиласидаги тўғри тарбия ота-онанинг намунали, мазмунли, маънавиятли, илиқ, уларнинг ўзаро самимий муносабаталари замирида амалга оширилади.

Оилавий тарбия бу-аввало, ота-онанинг ўзини тарбиялаш демакдир. Ота ва она оила деб аталмиш муқаддас қўрғоннинг устунлари. Улар қанчалик пишиқ ва пухта бўлса, бу қўрғон ҳам шунчалик мустаҳкамланиб бораверади.

Оиланинг болага тарбиявий таъсири эса ота-оналарнинг ҳурмати ҳамда обрўсига боғлиқдир. Демак, юртбошимиз айтганлариdek, ҳар бир давлат, ҳар бир миллат аввало, ўз фарзандлари қиёфасида, униб-ўсиб келаётган ёш авлод тимсолида шу халқقا хос хусусият ва фазилатларни намоён этадиган, унинг

азалий орзу-истакларини рўёбга чиқарадиган буюк қучни кўради. Биз учун эса ёшларимиз, фарзандларимиз нафақат ишончимиз, келажагимиз, балки улар бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир. Ислом Каримов таъбири билан айтганда, “...бу олиб бораётган сиёсатимиз ва маҳсадларимизга жавоб берадиган даъват бўлади.”

Оилада киши характерининг, унинг меҳнатига, энг муҳим маънавий ғоявий ва маданий бойликларига муносабатининг асоси шаклланади. Шунинг учун ҳам жамият оиланинг мустаҳкам, маънавий ва ахлоқий жиҳатдан соғлом бўлишидан ғоят манфаатдордир.

Барчамиз яхши тушунамиз, мустаҳкам оила ва баҳтли турмуш авваломбор оила қурадиган ёшларнинг ўзига, уларнинг ақлзаковатига, маънавий фазилатларига, оила, жамият олдидаги ўз бурчи ва масъулиятларини чуқур англаб етишига боғлиқ. Бизнинг ворисларимиз бўлган ёшлар эса Президентимиз иборалари билан айтганда “Биздан кўра қучли, билимли, доно ва албатта, баҳтли бўлишлари шарт”.

Адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Маънавият, Т., 2008 й., 56-бет
2. Инсон ва қонуни. //201347-48 (887-888) 1.бет.
3. Хайруллаев. М.М Темурйлар ва марказий осиё ренессанси // “Шарқшунослик” тўплами. 1996 йил, 7-сон. 8-9- бетлар.

ТАЪЛИМДА ИНТЕРФАОЛ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЎРНИ
Ф.Ф.Н. А.Негматова,
Шахноза Мамажонова талаба (Андижон ДУ)

Ўзбекистон Республикасида «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида олиб бориладиган ислоҳотларнинг туб мақсади давлат ва жамиятнинг таълим жараёни олдига қўйган буюртмасини таъминлашдан иборат. Жумладан, давлат ва жамият тараққиёти учун зарур, рақобатбардош, илмий салоҳиятга эга бўлган етук мутахассисларни тайёрлаш, уларга бериладиган таълим-тарбия ва илмий билимлар мазмунини такомиллаштиришга қаратилган.

Президент И. А. Каримов таъкидлаб ўтганидек: “Бу мураккаб дунёning азалий ва абадий муаммолари, шу билан бирга, ҳар бир даврнинг долзарб масалаларига ҳар томонлама асосли илмий жавоблар топилган тақдирдагина маънавият олами янги маъно-

мазмун билан бойиб боради. Бошқача айтганда, ҳар бир илмий янгилик, яратилган кашфиёт бу-янгича фикр ва дунёқарашга туртки беради, маънавиятнинг шаклланишига ўзига хос таъсир ўтказади”.⁸⁰

Таълим амалиётидан маълумки, ўқувчи талабаликка қабул қилингандан бошлаб, ҳар бир фанинг илмий-назарий асосларини чуқур ўрганиши билан бирга касб тайёргарлигига алоҳида эътибор қаратилади.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ҳамда «Таълим тўғрисида»ги қонун асосида Ўзбекистонда амал қилинаётган кўп босқичли таълим тизимида, жумладан, олий таълим жараёнида янги стандартлар ва дастурларга асосан таълимнинг эскирган методикалар бўйича олиб борилишига асло йўл қўйиб бўлмайди. Таълим тизими тузилишидаги кенг қамровли ислоҳотларни Республика педагоглари илғор педагогик технологияларни ўзлаштириш ва ўқув жараёнида қўллаш билан мустаҳкамлашлари зарур. Бунинг учун ўқув жараёнини технологик ёндашув асосида ташкил этишда талабаларни илмий тадқиқот ишларига мақсадли йўналтиришга ўргатиш талаб этилади. Бу эса таълим жараёнини инновацион ёндашувлар асосида ташкил этишда талабаларнинг илмий дунёқарашини шакллантирмай таълим тизимини ислоҳ қилишни ва уни тараққий эттиришни тасаввур қилиб бўлмаслигини кўрсатади.

Ёшларни интерфаол билимлар тизими билан қуроллантириш, уларда илмий дунёқарашни шакллантириш олий таълим тизими бош мақсадидан келиб чиқсан, бажарилиши зарур бўлган асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Таълим технологиялари воситасида талаба - ёшларни таълим-тарбия олишга йўналтирилган қуйидаги вазифаларни амалга оширишни тақозо этади:

- Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мақсади ва вазифаларини рўёбга чиқариш;
- баркамол авлоднинг илмий дунёқарашини шакллантириш мақсадида уларга энг илғор билим бериш усули ҳисобланган объектив борлиққа тизимли ёндашув тамойилидан фойдаланиш.

⁸⁰ И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч – Т.: Маънавият, 2008, -40,41-6.

Бугунги даврга келиб, фан ва техниканинг жадал ривожланиши илмий ахборотлар кўламининг кўпайишига олиб келмоқда. Бу эса, ўз навбатида, илмий билимлар асосида шакллантирилган ўқув фанларининг мазмуни йил сайин янги билим ва тушунчалар билан бойитиб борилиши туфайли фан асосларидағи ўқув материалининг ҳажми ортишига сабаб бўлмоқда. Амалдаги ўқув машғулотлари учун ажратилган вақт меъёрлари эса катта ҳажмдаги ўқув материалининг ўқувчилар томонидан тўлақонли ўзлаштирилишига имкон бермайди. Демак, мавжуд вақт меъёрларига амал қилган ҳолда ўқув материалининг мазмунини ўқувчиларга етказиб бериш учун таълимда янгича ёндашув талаб этилади. Бундай ёндашув замонавий таълимда фанлараро боғланиш тарзида амалга ошириб келинмоқда. Бунда кузда тутилган мақсад-таълим тизимини ривожлантириш, талаба-ёшларнинг илмий-ижодий фаолиятини самарали ташкил этиш асосида рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш.

Фаолиятни амалга оширишнинг асосий коидалари таркибида иктиносидий-

давлат ва жамият тараққиёти учун зарур муаммо ечимиға қаратилганлиги.
Ижтимоий-педагогик- жамият талабига мос рақобатбардош кадрлар тайёрлашдан иборат. Мазкур холатнинг вазифаси - талаба-ёшларда илмий - ижодий ишларни ташкил этишга оид билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш.

Ўрта маҳсус қасб-хунар таълими муассасаларидағи, дарсларда амалга ошириладиган таълим-тарбия ишларининг мақсади, мазмуни, моҳияти ва мазкур жараёнда қўшллаш мумкун бўлган янги технологиялардан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиб чиқиш заруратини юзага келтиради.

Бугунги ижтимоий воқеликдаги ўзгаришлар ва уларнинг шахс онгига кўрсатаётган таъсири таҳлил этилса, таълим муассасалари хусусан, ўрта маҳсус қасб-хунар колежларидағи дарсларни ташкил этишда интерфаол, турли технологиялар ва методлардан фойдаланиб, амалий изланишлар асосида ўтказиш мазкур жараёнларда кутилаётган натижани кафолатлаш учун хизмат қилиши табиий.

Интерфаол дарслар жараённида асосий обьект ҳам субъект ҳам ўқувчи шахси эканлиги кўзда тутилса, мазкур жараённи шахснинг имкониятлари, эҳтиёжлари, қизиқишлари доирасидан келиб чиқиб

ташкиллаштириш таълимий-тарбиявий мақсадларини тўлик рўёбга чиқаришга, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолияти самарасини таъминлашга хизмат қиласди. Шу нуқтаи назардан, коллажларда фан ўқитувчилари дарсларини ўтказишда мутахассис, билими ва тажрибаси асосида интерфаол дарсларни ташкил этиши лозим.

Интерфаол дарсларда қўлланилган дидактик воситалар, янги технологиялардан фойдаланилганда, биринчидан, касб-ҳунар коллажлари шарт-шароитидан келиб чиқиш, иккинчидан, ўқувчиларнинг ўшбу янги воситаларга муносабатини инобатга олиш ва ниҳоят учинчидан, уларнинг самарадорлигига ва қўйилган мақсадларнинг аниқлиги бўлиши лозим бўлади.

Умуман олганда, интерфаол дарслар таълим олувчиларни фаоллаштириш, таълим жараёнини жадаллаштириш, ўқув-билув жараёнини самарали ташкил этиш ва бошқариш, ўқув материалларини ўқувчи онгига етказиш самарадорлигига эришиш вазифаларини ҳал этади.

Жамият тараққиётида илм-фаннынг ривожи ва уни такомиллаштиришга бўлган интилиш, изланишлар ҳар бир жамиятнинг илмий-ижодий тараққиёти ва маданиятининг юксак кўрсаткичларидан бири бўлиб ҳисобланган.

ТАЛАБАЛАР МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИНИНГ ПСИХОЛОГИК МУАММОЛАРИ

**П.Ф.н. Р.Атамуродова,
Ўқитувчилар Ш.Юлдашев, Д.Исмоилова**

Мустақил Ўзбекистонимиз буюк давлатчилик сари дадил одимлаётган хозирги вақтда ижтимоий хаётнинг мухим соҳаларидан бири инсон маънавияти кучайди, турмуш талаби ошди.

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳар бир ҳалқ ва унга хос бўлган маънавий олам, хис-туйғулар хамиша ижтимоий хаётда мухим рол уйнаб келган ва бундан кейин хам шундай бўлиб қолади.

Кейинги вақтларда илмий психологик жамоатчилик томонидан бу мухим соҳани тадқиқ қилиш учун ҳаракат бошланди. Эндиликда Ўзбекистонда ҳалқ оммасининг маънавий ва маърифий хаётини кенг кўламда ўрганишга эътибор кучаймокда. Бу борада Республикализ Президенти томонидан қабул қилинган қатор

фармонлар мамлакатимиизда халқ оммасининг маънавий ва маърифий хаётини кенг кўламда ўрганишга ғоят мухим дастур бўлиб хизмат килмоқда.

Бой маънавиятга эга булган йигит ва кизларгина ўз Ватанига, халқига, оиласига, ота-онасига садокатли бўлишилиги ҳам маънан, ҳам мазмунан исботланган. Улардаги фидоийлик ва инсонийлик хулқи ана шу сифатлар билан белгиланади.

Ўзбек халқига хос инсонийлик, катталарни ҳурмат қилиш, оила ва фарзандлар камолоти тўғрисида ғамхўрлик қилиш, очиқкўнгиллилик, одамга хайриҳоҳлик билан муносабатда булиш, ўзгалар кулфатига ҳамдардлик ва узаро ёрдам туйғуси ҳалкларимиз ўртасидаги муносабатларнинг асосий меъёри эканлигини психология фани ўқитувчилари талабалар онгига сингдирмоғи лозимлиги бугунги кунда ўта мухим бўлиб, инсон маънавияти мазмунига психологик жихатдан кенг маънода ёндошиш имконини беради ва у инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, қолаверса, давлатнииг куч- қудратидир. Шунинг учун ҳам маънавияти бой инсоний мазмунига эга булмаган жойда хеч қачон хақиқий баҳт-саодат бўлмайди.

Ушбу соҳадаги муаммолардан яна бири ҳозири шароит талаби асосида ёш авлодни тарбиялаш оила ва олий мактаб ўртасидаги ўзаро алоқани мутлақо яхшилашни талаб этмоқда. Бу талаблар асосида иш тутмок учун хар бир оила хилма-хил мазмундаги тарбия воситаларидан усталик билан фойдаланиши, ёшлар тарбиясининг турли қирраларини очиб берувчи манбалар билан мустаҳкам куролланиши зарур.

Психологик конуниятларга кўра, инсоннинг шахс сифатида ривожланиши тайёр наслий қобилиятларни мукаммаллаштириш ўюли билан эмас, балки аввалига авлодлар тажрибасини ўзлаштиришиб боришга асосланади. Шунинг учун шахс камолотининг биринчи асоси аввалги авлодлар тажрибаси ва уни ўзлаштирганлик даражасидадир.

Кўриниб турибдики, инсон боласи тайёр мантиқий тафаккур ёки дунё ҳақидаги батафсил билимлар билан туғилмайди, табиат конунларини, мантиқий фикрлашни кашф этмайди.

Инсон ўз ҳаёти давомида ҳамма вакт ҳар хил мазмундаги амалий ва ақлий ишларни бажаради. Ақлий ва амалий ишларни бажариш усулларини ёш авлод катталардан ўзлаштиради. Ёшлар куриш, фикрлаш, сўзлаш, тинглаш, юриш, фарқлаш, таниш каби

психологик сифатларни катталар билан мулоқат жараёнида ўзларига сингдирадилар. Аммо катталар тажрибасини ўзлаштриш жараёни ёшларнинг индивидига боғлиқ тарзда уларнинг ҳар бирида ўз даврийлиги ва мазмун доирасига эга булади. Буни оддий мисол билан тушунтириш мумкин бир гурӯҳ талабалар таълим материалларини турли муддатларда ўзлаштирадилар, зарур миқдорда ўзлаштриш учун жуда катта куч ва вақт сарфлайдилар. Бу куч ва вақт турлича сарфланишининг сабаби, талабанинг мия ўйлаш фаолиятидир. Чунки, унинг ҳаракати мия буйруғига асосланади ва индивидуал имкониятлар доирасида реаллашади.

Демак, олий мактабда ўқиш ақлий куч талаб қилувчи ва сермашаққат жараён бўлиб унинг муваффақияти талабани доимий равища ўз устида ишлашга, узлуксиз ўқишига боғлиқ бўлиб, у келажак авлодни маънавий камолотини мунтазам равища тақомиллаштириб, ривожлантириб боришга хизмат қиласи.

ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА- КОМПЕТЕНЦИЯ

Доцент А.Т.Содиков,
ўқитувчи М.А.Тилакова ЖВПКҚТМОИ.

Мамлакатимизнинг таълим тизимини изчилик билан ислоҳ қилиш ва бу соҳадаги давлат сиёсатини мустаҳкамлаш борсида 1997 йил 27 августда қабул қилинган “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги ва “Таълим тўғрисида”ги Конунлари, тарихий қадам бўлган бўлса, мазкур қонуннинг 3- моддасида таълим соҳасида давлат сиёсатининг асосий принциплари, узлуксизлиги ва изчиллиги, шунингдек, умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълимининг мажбурийлиги белгиланган.

Компетентли ёндашув терминига эътибор қаратганимизда “Компетенция”- у ёки бу соҳа буйича билимдонлик маъносида қўлланилади.

Компетенция- (lot- competo)-эришябман, муносибман, лойиқман деган маънода қўлланади.

- 1) муайён давлат органи(маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органи) ёки мансабдор шахснинг қонун устав ёки бошқа ҳужжат билан белгиланган ваколатлари, хуқуқ ва бурчлари доираси;
- 2) У ёки бу соҳадаги билимлар тажриба.

Компетенция, иммунологияда одам ва иссиқ қонли ҳайвонлар организмининг специфик иммунреакция кўрсатиш,

организимга махсус антигенлар киришига жавобан тегишли антителолар ҳосил қилиш қобиляти. Ўз ўрнида Иммунология(Immunitet va logiua) тиббий биологик фан маъносида қўлланиш доираси кенг қамровли бўлган тушунчадир.

Компетенция шахснинг эгаллаган маълумотларни намоён қилишда акс этади.

Бугунги кунда фан ва техника тез суръатда ўзгариб бораётган бир даврда ўқувчиларни ҳаётга тайёрлаш орқали уларни олдида кутилмаганда дуч келадиган муаммоларнинг тўғри ечимини топадиган, мактабда олган билимларини ўз ҳаётида қўллай оладиган ҳолда тарбиялаш таълим соҳаси олдидаги вазифасидир.

Ҳозирги кунда интернет тармоғида қўплаб турли йўналишлар бўйича ахборотлар берилмоқда. Ўқувчилар интернет тармоғидан зарурӣ маълумотларни излаб топиш, ундан кераклигини ажратиб олиш ва фойдаланишини ўрганиши керак. Шунга кўра бу вазифаларни мактабда ўқувчиларни жисмоний тарбия фанини ўрганиш жараёнида зарурӣ билим, кўникма ва малакаларга эга бўлиши билан бирга уни ҳаётда қўллай олишга тайёрлаш керак. Таълимда компетентциявий ёндашув-ўқувчиларнинг шахсий, касбий ва ижтимоий ҳаётларида учрайдиган вазиятларда эгаллаган турли типдаги малакаларини самарали равишда қўллашга ўргатиш лозим

Жисмоний тарбия фани компетенцияси – ўқувчининг жисмоний тарбия фани бўйича эгаллаган билим, кўникма ва малакаларини кундалик ҳаётда соғлигини сақлаш, жисмоний тайёргарлигини мустаҳкамлаш ҳамда амалиётда қўллай олиш қобилиятини шакллантиради. Бунда асосий эътиборни соғломлаштирувчи машқларни бажаришни тушуниш ва қўллай олиш, жисмоний сифатларни ривожлантирувчи машқларни ҳамда жисмоний машқлар мажмуасини кетма-кетлиқда тўғри бажариш, ўз-ўзини ўрганиш, таҳлил қилиш, назорат қилиш, спорт асбоб-анжомларининг номи ва тузилишини тушунтиришга қаратиш билан бирга, ўқувчини ўз-ўзини бошқаришга, иродани мустаҳкамлашга ўргатилади, ҳар бир бажариладиган ишни натижасини кўриш учун сабр-тоқатли бўлишга, тизимли меҳнат ва ҳаракатни амалга оширишга, кун тартибига риоя қилган ҳолда режали ташкил этилиб, самарали натижа беришини онгли равишда тушуниб, уни бажаришга йўналтирилади.

Компетентлик ёндошувига асосланган жисмоний тарбия фанини ўқитиши орқали ўқувчиларда қуидаги компетенциялар шакллантирилади:

- *Соғломлаштирувчи машқларни бажаришини тушуниши ва қўллай олиши компетенцияси;*
- *Жисмоний машқлар мажмуасини кетма-кетликда тўгри бажариши компетенцияси;*
- *Жисмоний сифатларни ривожлантирувчи машқларни бажариши компетенцияси;*
- *ўз-ўзини ўрганиши, таҳлил қилиши, назорат қилиши компетенцияси;*
- *Спорт асбоб-анжомларини номи ва тузилишини тушунтириши компетенцияси.*

Соғломлаштирувчи машқларни бажаришини тушуниши ва қўллай олиши компетенцияси. Спорт зали ва майдончаларида фойдаланилдиган спорт анжомларининг номлари ва уларни машқ бажариш вақтида қўлланишини ўргатишида “Тушунчалар таҳлили”, “Лабиринт”, “Блиц сўров” каби ва бошқа технологиялардан фойдаланилади. Шахсий гигиена ва кун тартибига риоя қилиш, табиатнинг соғломлаштирувчи (қуёш, сув, хаво) омилларининг инсон организмига таъсири, саломатликни мустаҳкамлашга қаратилган жисмоний машқлар, жисмоний сифатларни ривожлантириш, қадди-қоматни яхшилаш, иш қобилиятини оширувчи машқлар ҳақида тушунчалар берилади. Инсон мушакларини бўшаштирилишининг аҳамияти ва қадди-қоматнинг тузилишига маҳсус машқларнинг таъсири ҳақида тушунчалар берилади.

Жисмоний машқлар мажмуасини кетма-кетликда тўгри бажариши компетенцияси. Саф, умумривожлантирувчи (буюмларсиз машқлар, буюмлар билан машқлар билан бажариш), таяниб сакраш, тирмасиб чиқиш, осилиш ва таянишлар, таяниш, мувозанат сақлаш машқларини ҳамда рақс элементларини (қўл ва оёқ ҳаракатларини) бажариш. Жисмоний машқларни бажариш қоидаларини билиш, машғулот жараёнида бирор бир машқни бошқаси билан боғлай олиш.

Жисмоний сифатларни ривожлантирувчи машқларни бажариши компетенцияси. Чаққонлик, кучлилик, тезкорлик, эгилувчанлик, чидамийлик ва ҳаётий зарур кўникумалар (юриш, югуриш, сакраш, отиш, ошиб ўтиш, сафдан юришга тайёргарлик,

қоматни ростлашга доир машқлар), ҳаракатлар аниқлиги ва мувофиқлиги, ритм ҳамда суръат сезгиси, жамоа бўлиб ҳаракат қилиш кўникмалари орқали ўқувчиларни “Барқамол авлод учун” меъёрий талабларини бажаришга тайёрланишни шакллантириш.

Жисмоний машқларни бажариш вақтида шикастланишни олдини олиш қоидаларини ўрганиш, машғулот вақтида ўз-ўзини назорат қилиш, жисмоний машқларни бажаришдан олдин ва кейин юрак уриш частотаси ва нафас олишни аниқлаш, бажарилаётган машқлар юкламасини тўғри белгиланганлигини таҳлил қилиш ва ўзини-ўзи назорат қилиш, **ўз-ўзини ўрганиши, таҳлил қилиши, назорат қилиш компетенциясининг бир кўринишиидир.**

Гимнастика, енгил атлетика, ҳаракатли ва спорт ўйинларида ишлатиладиган спорт асбоб-анжомларини номларини билиши, уларни тузилишини таҳлил қилиши ҳамда машғулот жараёнида мустақил қўллай олиши **Спорт асбоб-анжомларини номи ва тузилишини тушунтириши компетенциясида акс этади..**

Ёш авлод тарбияси ҳар доим энг долзарб ва устувор вазифа сифатида эътибор қаратиб келинмоқда. Келажак авлод ҳақида қайғуриш, жисмонан ва руҳан баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларни таълим тарбиясига ҳайёт мамот масаласи сифатида эътибор қаратиш, ёш авлодни жисмонан соғлом, ақлан етук, маънан баркамол бўлиб вояга етишиши учун барча жамоат ташкилотлари, ватан равнақи келажаги учун бефарқ бўлмаган ҳар бир соғлом фикрли фуқаролар масъулдирлар.

Адабиётлар

1. И.А.Каримов Ўзбекистон Мустақилликка эришиш остонасида 2011 йил
2. Истиқлол ва таълим 2001 йил
3. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси 2002 йил
4. Таълим ва тарбия ўйғунлиги комил инсонни шакллантириш гарови А.Мадалиев 2011
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати 2008 йил

ҮҚУВЧИЛАРДА МАЬНАВИЙ ДУНЁҚАРАШНИ ШАКЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

**п.ф.н. И.Х.Тўрақулова
У.И.Зокирова магистранти**

Келажакда фарзандларимиз баркамол инсон бўлиб етишишлари учун улар оилада, таълим – тарбия муассасаларида ҳамда ҳаётда яхши тарбия олган бўлишлари керак ва бу уйғунлик жамият маънавиятини шакллантиришда муҳим дидактик асос бўлади. Бундай сермасъулиятли ижтимоий ишни амалга ошириш, ёшларимизнинг маънавиятили бўлиб шаклланишига узвий боғлиқлиги бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас. Бу борада ёшларимизнинг одобли, хушхулқли, виждони пок кишилар бўлиб шаклланиши учун ўқитувчилар, тарбиячилар, мураббийлар ўз хулқ – атворлари билан уларга яхши ибрат - намуна бўлишларининг ўзи ҳам ушбу соҳанинг долзарб масаласидир.

Мазкур мақолада ҳам бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий дунёқарашини шакллантириш орқали уларни обод турмуш муҳитининг фаол иштирокчиси бўлишга чақириш методикасини баён қилишни мақсад қилиб қўйганмиз.

Маълумки, ибрат тарбияси инсонни қадимдан қизиқтириб келган. Бу айниқса, Юноистоннинг машҳур мутафаккирлари – Афлотун ва Арастунинг номи билан боғлиқ пандномалардан кенг ўрин олган. Жумладан, Шарқ мамлакатларида Афлотуннинг Арастуга, Арастунинг Искандарга насиҳатлари ва васиятномалари яхлит асар сифатида тарқалган ва улар асосида ижтимоий институтлар юзага келган. Бу қайд этилган ижтимоий институтлар негизида турли тарздаги турмуш шароити ва муҳитлари шаклланган. Юқорида қайд этилган оила ва таълим – тарбияси муассасадаги маънавият орқали жамият маънавияти шаклланади. Бу борада энг аввало оила маънавияти муҳим асос бўлади. Ушбу муаммо ечимини биз оилада бола маънавияти, таълим – тарбия муассасаларидаги маънавий муҳит ва обод турмуш муҳити тизими асосида олиб бордик. Қуйида улар тўғрисидаги маълумотларни келтирамиз:

Оилада бола маънавияти. Ҳар бир оила ижтимоий тизим сифатида жамият олдида маълум бир вазифани бажаради. Инсоният тараққиётининг ҳозирги босқичида замонавий оиланинг бажарадиган вазифалари кўлами янада кенгаймоқда.

Ота – оналар ўз фарзандларини тарбиялашда ё салбий жиҳатдан ёки ижобий жиҳатдан ўrnак бўлиши мумкин. Бунда оиладаги ота – она ўртасидаги зиддиятлар ёки ички оилавий низолар ота – онанинг ўз фарзандларига салбий жиҳатдан ўrnак бўлишига олиб келади.

Ота – онанинг ўзаро ҳамжиҳатлиги, ҳамфирклилиги, билимлилиги, маънавиятлилиги бола тарбиясига ижобий жиҳатдан таъсир кўrsатиши аниқ, чунки болалар маънавий дунёсининг ўзига хос хусусиятларидан бири уларнинг тақлид қилишга мойиллиги, айниқса уларни ўз идеаллари – обрўли сиймолари, деб билишадилар. Бу ўз – ўзидан маълумки, улар ихлос қилган одамларининг маслаҳатларини қадрлайдилар ва автоматик тарзда уларга амал қиласадилар.

Демак, оилавий муҳитнинг соғлом бўлишида ота – оналарнинг юқоридаги каби жиҳатларнинг қай тарзда ўrnак кўrsатишига боғлиқ бўлади ва бунда оилавий ахлоқ меъёрларига амал қилиниши муҳим аҳамият касб этади. Булар болаларнинг обод турмуш муҳитида фаол иштирокчи бўлишига муҳим асослардир.

Таълим – тарбия муассасаларидаги маънавий муҳит. Маълумки, айни пайтда дунёда глобаллашув жараёни шиддат билан ривожланмоқда ва табиийки унга мос маънавий – маърифий тараққиёт ҳам ўзининг янги сифат босқичига ўтмоқда. Шу сабабли ҳам ҳозирдаги миллий – маънавий тарбия тарбияшунослиқда энг уствор йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Бундай муаммони ҳал қилиш орқали ўқувчи – ёшларимиздаги соғлом иммунитетни тўлиқ шакллантиришга ва пировард натижада уларда миллий менталитетнинг янада мустаҳкамланишига эришилади.

Мазкур соҳада олиб борган изланишларимиз натижаларининг кўrsатишича фарзандларимизга маънавий жиҳатдан тарбия беришни оиладан бошлаб узлуксиз таълим тизимининг барча таркибий қисмларида олиб бориш керак экан [2 - 4].

Мазкур тадқиқот ишимиз айнан бошланғич синф ўқувчиларининг маънавий тарбиясига бағишлиланган бўлгани учун биз уни **биринчи синф** ўқувчиларининг маънавиятини юксалтиришга ҳисса қўшишдан бошладик, зоро муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов айтганидек маънавият инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч – қудратидир.

Бундан кўзланган **мақсад** ўқувчиларни миллий мафкурага эътиқод, фидойилик, миллий қадриятларга содиқлик, миллий

ғуурли, ўз халқига ғамхүрлик, баркамолликка интилиш, яъни уларни миллий менталитети мустаҳкам ва иммунитети кучли бўлишлик руҳида тарбиялашга кўмаклашишдан иборат.

Бу мақсадни бажаришни биз кўпроқ Жиззах шаҳридаги 19 – сонли умум ўрта таълим мактабнинг бошланғич синфларида тадқиқ этиб келмоқдамиз. Унинг натижалари шу мактаб бошланғич синф ўқитувчиси Нигора Тўракулова ва бошқаларнинг иш фаолиятида қўлланилиб келинмоқда.

Ушбу соҳада олиб борган ишлар айниқса “Маънавият соатлари” машғулотларида ижобий педагогик самараларни берди. Бунда дарсга қўйилган мақсадларни (таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи) амалга оширишга кўпроқ эътибор бериш ижобий самараларни қўлга киритишга мустаҳкам асос бўлишлиги исботланди. Бунга сабаб ўқувчиларни маънавий жиҳатдан тарбиялаш уларни обод турмуш муҳитининг фаол иштирокчиси бўлишига дастлабки пойdevор бўлади, чунки ўқувчилар **биринчи синфданоқ** нима яхши – ю, нима ёмон; нима мумкин – у, нима мумкин эмас; нима инсоний фазлат – у, нима иллат; ким маданиятли – ю, ким маданиятсиз (қўпол); ватанпарвар ким – у, ватанга сотқин ким (ватанфуруш ким)? кабиларни чукур англаши керак. Бу ўқувчиларга берилган маънавий – иммуниологик тарбиянинг (уларни огоҳликка чақиришнинг) асосий элементларини ташкил этади, яъни улардаги мафкуравий иммунитетни шакллантиришга асос бўлади. Шуларни эътиборга олиб биринчи синфлар учун “Маънавият соатлари” машғулотларининг бир ўқув йилига мўлжалланган мавзулари ва уларнинг таълимий, тарбиявий ҳамда ривожлантирувчи мақсадларини эътиборга олиб дарс ишланмаларини тайёрладик. Куйида уларнинг фақат номларини келтириш билан чегараланамиз: “Энг улуғ, энг азиз байрам”, “Соғ танда – соғлом ақл”, “Дўстлик ва иноқлик ҳақида”, “Мактабимиз қоидалари”, “Устозга таъзим”, “Ким бўлсан экан”, “Нон қадри”, “Она тилим – жону дилим”, “Фавқулотда вазиятлар”, “Олов – тилсиз ёв”, “Байроғимиз - Фахримиз”, “Эртаклар – яхшиликка етаклар”, “Қонунимиз - қомусимиз”, “Мадҳияни куйлайлик”, “Күшлар бизнинг дўстимиз”, “Яхшилик – юксак инсоний фазилат”, “Янги йил”; “Ватан нима?”, “Хуқуқларимиз - бурчларимиз”, “Соғ юрай десанг – озода бўл!”, “Юрт тинчлиги”, “Мехмон кутиш одоби”, “Мехрибоним Онам”, “Наврўз байрами”, “Меҳнат – меҳнатнинг таги роҳат”,

“Ширинсўзлик – инсон кўрки”, “Миллий урф - одатларимиз”, “Саломлашиш ва муомала одоби”, “Бобом хотиралари”, “Она табиат”, “Китоб менинг дўстим”, “Ёз – ўтмоқда соз”, “Менинг мактабим”.

Келтирилган “Маънавият соатлари” машғулотларининг номлари таклиф этилаётган намуна, буни бошқачароқ ҳам қилиб тузиш мумкин. Биз мавзуларни белгилашга миллий байрамлар, муҳим саналар, йил фасллари ва оиласдаги бола маънавий тарбияси давомини ўйлаган ҳолда ёндашдик. Аммо, ҳар қандай шароитда ҳам асосий мақсад ўқувчиларимизни маънавий жиҳатдан тарбияланган бўлишига эришишимиз керак, чунки биринчи синф ўқувчилари узлуксиз таълим тизимининг “Ёш ниҳоллари”, улар онгига (ёш ниҳол танасига) сингдирилган маънавий сифатлар (ёш ниҳол танасидаги ёзувлар) уларнинг умумий жисми билан баб – баравар ўсиб баркамоллик сари ҳаракатда бўлади, яъни жамият доирасига кўтарилади.

Демак, бошланғич синф ўқувчисининг энг аввало, юқори синфларда яхши ўқиб кетиши учун, уларнинг мактабга ихлос қўйиши учун биринчи синфдаги “Маънавият сабоқлари” машғулотларининг аҳамияти катта экан. Бу орқали уларда инсоний сифатларнинг дастлабки куртаклари шаклланади, номақбул сифатларга (иллатларга) нисбатан улар онгida нафрат уйғотиш осон кечади. Ушбу ҳолатлар биринчи синф ўқувчиларини ва ҳаттоқи барча бошланғич синф ўқувчиларини ҳам маънавий жиҳатдан тарбиялашда мустаҳкам дидактик асосдир. Ўз навбатида бу дидактик асос уларни маънавий – иммуниологик жиҳатдан тарбиялашда қўл келади. Бу кўрсаткич обод турмуш муҳитини шакллантиришнинг мустаҳкам маънавий асосидир.

Обод турмуш муҳити. Мустақиллик туфайли яратилаётган шароитлар ўқувчи – ёшлар қалбига халқимизнинг асрлар мобайнида шаклланган миллий – маънавий қадриятларини сингдиришга кенг имкониятлар яратмоқда.

Бундай масалалар давлат аҳамиятига молик масалалардан биридир. Бунга биргина далил – исбот сифатида 2013 йилнинг “Обод турмуш йили”, деб эълон қилинишининг ўзи етарлидир.

Республикамиз президенти И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағищланган тантанали маросимида “Инсон манфаати, хукуқ ва эркинликларини таъминлаш; ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш –

бизнинг бош мақсадимиздир” мавзусидаги маъruzасида бу борада, яъни ёшлар сиёсати тўғрисида алоҳида тўхталиб, эртанги ёруғ кунимиз ва ҳеч кимдан кам бўлмайдиган келажагимизни онгли равишда қуришда келажагимиз бўлмиш ёшларга таянишини айтиб, бу ҳақда қуидаги қимматли фикрни билдири:

“Бу йўлда бизнинг энг катта таянч ва суюнчимиз, ҳал қилувчи кучимиз ёш авлодларимиздир.

Бу – Ўзбекистонда ташкил этилган, дунё миқиёсида катта қизиқиши ва ҳавас уйғотаётган мутлақо янги ўқув тизимида юксак таълим – тарбия олаётган, эски асоратлардан, қарашлардан узок бўлган, замонавий касб – хунарларни ўзлаштирган, мустақил фикрлайдиган, эртанги қунга интилаётган бизнинг фарзанларимиздир” ва бундай сай – ҳаракатлар аҳамияти тўғрисида ҳам Президентимиз тўхталиб, қуидаги аҳамиятли фикрни қайд этди:

“Кириб келаётган янги йилга мамлакатимизда “**Обод турмуш иили**” деб ном берганимиз бизнинг мустақиллик йилларида олиб бораётган сиёсатимизнинг асосий, бош мақсади бўлмиш инсон манфаати, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада обод ва эркин, эртанги кунимизнинг янада ёруғ бўлиши йўлида яна бир улкан қадам бўлиб хизмат қилишига аминман” [1].

Демак, хулоса ўрнида шундай таъкидлаш мумкинки, оиладаги болалар, ўқувчи – ёшлар маънавиятини юксалтиромай туриб инсонлар ва жамият маънавиятини юксалтириб бўлмайди. Бу мамлакатимиз тараққиётига ҳам ижобий таъсир қиласи. Бундан кўзланган мақсад **биринчидан**, миллий маънавиятимизни янада юксалтириш бўлса, **иккинчидан**, “Шахс → оила → жамият” интеграциясидаги маънавий юксалишга эришишdir. Бунинг натижасида инсонларга обод турмуш муҳитида фаол фаолият кўрсатишга имконият яратилиб, пировард натижада маънавий соғлом кучли жамиятни шакллантиришга эришилади.

ЁШЛАРДА МИЛЛИЙ ГУРУРНИ ШАКЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

**П.Ф.н. Н. Кушвактов,
О.Азизов 2- босқич магистранти**

Юртимизда олиб борилаётган ислоҳатлар давлатимизнинг равнақига хизмат қилувчи асосий омилардан ҳисобланади. Ҳар

қандай жамиятнинг равнақ топиши, давлатнинг юкаслиши, кишиларнинг гўзал турмуш тарзига эга бўлиши бу улардаги ғуур билан боғлик бўлади.

А. Шеров ва К. Алиевалар «Маънавият луғатида» ғуур тушунчасига қуйидаги фикрни бериб ўтишган.

Ғуур — инсонда, унинг атрофида, миллати, халқи ва давлатида қадр-қиммат, номус, иззат-нафс каби фазилатлар мавжуд бўлиши ёки амал қилиши натижасида унинг ўзини-ўзи хурмат қилиш ҳиссини англатадиган маънавий тушунча.

Демак, қачонки инсон ўзини ва ўзгаларни севса, ўзини ва ўзгаларни қадрласа, ўзининг ва ўзгаларнинг иззат — нафсини улғласа, инсон номусини ҳаёт маънавияти билан боғлай олса ундан инсонлар жамиятни, ватанини, ўзини қуршаб турган оламини тушунади, хурмат қиласди, эъзозлайди.

Шунинг учун ҳам муҳтарам юртбошимиз ўзининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида, “**Фарзандларимиз — бизнинг ғуурумиздир. Бу ҳар бир инсон учун тушунарли, албатта. Биз ҳақиқатан ҳам ўз фарзандларимиз ва набираларимиз билан фахрланишни истасак — улар замонавий билим ва тажрибага эга, иймонли-эътиқодли бўлишларига, Ватанимиз тарихида ўчмас из қолдирган буюк аждодларимизнинг ишларини давом эттиришларига эришишимиз лозим**”- деган фикрни берган. Ундан шу нарса кўриниб турибдики, албатта ёшлар;

- билимли;
- тажрибали;
- иймон – эътиқодли;
- маънавиятли;
- фикри теран;
- дунёқараши кенг;

- замон билан ҳамнафас бўлишлари керак. Анна шундагини биз ўз ёшларимиз билан фахрланиб, улар бизнинг ғуурумиз дея оламиз.

Давлатнинг озод ва ободлиги ҳамда ундаги эркин ва форавон ҳаётнинг йўлга қўйилиши унинг фуқароларининг миллий ғууррга эгалиги билан характерланади. Чунки инсонларнинг давлат ва жамиат равнақи йўлида қиласиган саъии – ҳаракатлари том маънода ижобий ва ижодий мазмун мохият касб этиши билан белгиланади. Шу маънода таълим – тарбия жараёнинг самарали

ташкил этилиши ҳам кўп жихатдан ўқитувчининг касбий ҳамда миллий ғуури билан боғлиқ бўлади. Қачонки ўқитувчи;

- ўз кассбини севса;
- касбини ардоқласа;
- болаларга жонини фидо қила олса;
- боларани замон билан ҳамнафас қилиб тарбиялай олса;
- замонавий фан ва технологияларнинг ютуқлари билан таништира олса;
- ўқувчиларни ижодий фикрлашга йўналтира олса;
- ўқувчиларда миллий ғуурни тарбиялай олса;
- назарий билимларни иамалиётда қўллай олса;
- билим ва истедодни рағбатлантира олса унда ҳам касбий ҳам миллий ғуур шаклланган деган фикрга кела оламиз.

Ўқувчиларни ўз Ватанини севгучи ватанпавар қилиб вояга етказиша юртимизнинг давлат рамзларига ҳурмат туйғусини шаклантириш ҳам мухим ахамият касб этади. Булар:

- миллий байрок;
- мадхия;
- герб;
- миллий валюта.

Таълим – тарбия жараёнларида давлатимиз рамзларига ёш авлодниннг ҳурмат туйғусини таркиб топтиришда куйидагиларга эътибор қаратиш мухим ахамият касб этади. Ўзбекистон Конституциясининг 5-моддасида шундай деб ёзилган: “Ўзбекистон Республикаси қонун билан тасдиқланадиган ўз давлат рамзлари байроғи, герби ва мадхиясига эга”.

Президент Ислом Каримов давлат рамзлари, яъни байроғи, герби, мадхияси юртимиз харқларининг шон-шарафи, ғуури, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида мужассамлаштиради, деган пурмаъно фикрни билдириб, мана шу рамзларни эъзозлаш орқали халқимиз ўзининг қадр-қамматини, ўз мамлакатига ва шахсан ўзига бўлган ишончини мустаҳкамлаб боради деганда халқимиз уни гулдурос қарсаклар билан кутиб олганлигининг ўзи, юрт фарзандларига миллий ғуур боболардан меърос эканлиги ҳеч кимда шубха уйғотмаган.

Ўзбекистон давлатининг рамзий белгиларидан бири – давлат байроғи ҳисобланади. Ёш авлодга ватан байроғининг ахамиятини ёрита туриб, уларда байроқقا нисбатан чексиз ҳурмат туйғуси шаклантирилиб борилиши тарбия жараённинг мухим томонларини

акс этиради. Уларга “Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тўғрисида”ги қонун ўтган асрнинг 1991 йил 18 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг саккизинчи сессиясида тасдиқланганлигини тушунтириш керак. Юртимизнинг бу бебаҳо рамзи республиканинг ўзига хос хусусиятларини, ҳалқимизнинг миллий ва маданий соҳаларидағи ўзлигини акс эттирган. Ундаги;

- ҳаворанг – зангори осмон ва мусаффо сувнинг, шунингдек ер ва осмондаги ҳаёт манбаларининг рамзидир. Ҳаворанг – Амир Темур давридаги байроқнинг асосий белгиси бўлган.

- оқ ранг – тинчлик ва поклик тимсоли ҳисобланади. Бу ранг йўлимизнинг мусаффо ва ҷароғон бўлиши учун яхши ният рамзидир

- қизил йўллар – бу ҳар бир тирик жоннинг қон томирларида уриб турган ҳаётий куч, ҳаёт рамзидир.

- яшил ранг – табиатнинг тимсоли, гуркираб яшнаётган ҳаёт ва ҳосилдорликнинг рамзидир.

Она Ватанимизнинг рамзий белгиларидан яна бири давлатимизнинг герби ҳисобланади. У “Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида”ги қонуни билан 1992 йил 2 июл куни қабул қилинган. Гербнинг марказида қанотларини кенг ёзиб турган Хумо қуши тўғрисида маълумотлар берилиши жараёнида баддий адибиётга, ҳалқ оғзаки ижодига мурожаат қилиш ҳам фойдадан холи бўлмайди.

Хумо қуши давлатимиз гербидаги баҳт – саодат, эркинлик, озодлик, эркесварликни англатадиган тимсол сифатида тасвирланган. Ундаги юлдузлар ва қуёшнинг акс этирилиши ўқувчиларга фанлараро интегратиф ёндошувни амалга ошириш имкониятини яратади.

Бошоқлар, пахта чаноқлари меҳнаткаш ҳалқимизнинг меҳнати натижаларини ифодалаб турибди. Бунда бободехқон тўғрисида ҳикоялар, мақолалар, репортажлар, кўрсатувлар, шеърлар бободехқонга бўлган самимий туйғуларни ифодалашга ёрдам беради. Буғдой бошоқлари ва пахта чаноқларига диққат билан қаралса улар давлат байроғига ўхшаган лента билан ўраб қўйилганлиги давлатимиздаги барча ҳалқларнинг бирлигини англатади..

Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳияси тўғрисида”ги қонун 1992 йил 10 - декабрда қабул қилинди. У ҳам Она

Ватанимизнинг рамзий белгиларидан бири ҳисобланиб, халқимизда ватанпарварлик туйғуларини уйғотиб, халқларни ягона мақсад йўлида бирлаштиришга хизмат қиласди.

Давлат рамзларининг ўзига хос мазмун мохиятини ёш авлодга сингдирилиши уларда ватанга бўлган чексиз мухаббатини уйғотади. Ватанпарварлик миллий ғууррга эга бўлган ёшлардагина таркиб топиши ҳеч кимга сир эмас. Демак, миллий ғуурни шакллантирилиши, ёш авлодда инсоний хислат ва фазилатларнинг тарбкиб топишига кенг йўл очиб беради.

Ёш авлодда миллий ғуурни шакллантириш таълим – тарбия жараёнинг барча шаклларида амалга оширилиши мумкин. Бунда қизиқарли маълумотлар ўқувчиларнинг ёш даврлар хусусиятини инобатга олган холда тушунирилса, таъсир кучи ўз натижасини беради.

Мисол учун. Алишер:

“Менга қилса минг жафо, бир марта фарёд айлабон,
Элга қилса бир жафо, минг марта фарёд айларам”. – деган. Шу каби бебаҳо сатрларни ўқувчиларга етказишида замон руҳи билан боғлаб, муаллиф нима демоқчи эканлигини ёрқин мисолларда тушунириш орқали уларда ҳам муаллиф шахсига, ҳам жамиятнинг илгор ғояларига ҳурмат туйғуси шакллантирилади.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. И. А. Каримов «Юксак маънавият – енгилмас куч».- Т.; «Манавият»- 2009й.
2. Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. –Т.: 2009.

BOSHLANG‘ICH TALIMDA MATEMATIK BILIMLARNI INTEGRATSIYALASH

**Dots. N.R.Asadov,
o‘qituvchi M.N.Asadova.**

Mustaqil Respublikamizda ta’lim-tarbiya jarayonining mazmuni, shakli tubdan o‘zgardi, ta’limiy-tarbiyaviy ishlar aniq maqsad tomon yo‘naltirildi, bu jarayonda sub’yektlarning o‘zaro hamkorlikda bo‘lishlari uchun uzviylikda bo‘lgan ta’lim shakli, vosita va usullari ishlab chiqilib, amaliyotga tatbiq etilmoqda. Hozirgi kunda boshlang‘ich maktab ta’limini integratsiya qilish haqida ko‘p gapirilmoqda. Integratsiya – bu ayrim bo‘lak, qismlarning birlashib, bir butun bo‘lishidir. Ta’lim jarayonida o‘quv fanlarini integratsiyalashda asosiy masala vazifalarning o‘zaro birligini ta’minlash, metod, shakl, vositalar va kuzatilgan natijalarni belgilab olishdan iborat.

Bizga ma'lumki, kichik mактаб o'quvchisi atrofidagi olamni bir butunligicha qabul qiladi. Uning uchun tabiatshunoslik, musiqa va boshqa o'quv fanlari nomi emas, balki atrofidagi olam ob'yektlarining tovushlari, ranglar hajmlarining turli-tumanligi qiziqarlidir. Bolalarni tabiat va kundalik hayotdagi barcha narsalarning bog'liqligini ko'rishga o'rgatish kerakligini o'qituvchi sezadi, biladi. Shunday ekan, ta'lim integratsiyasi hozirgi zamon talabiga javob beradimi? Bu masala qanday yechilishi kerak, uning mohiyati nimada?

Ta'limni integratsiyalash fikri xalq ta'limida tabaqalashtirish va individuallashtirish bilan birga muhokama qilina boshlandi. Agar kichik mактаб ta'limini tabaqalashtirish asosida kitob, darslik va boshqa adabiyotlar bilan mustaqil ishlashda tayyorgarlik darajasi hamda kichik mактаб yoshida qiziqishlarni faol shakllantirishni taqozo etsa, integratsiyaning asosi qilib turli fanlarni o'rgatish ob'yektlari bo'lgan ba'zi umumiyl tushunchalarini chuqurlashtirish, aniqlashtirish va kengaytirish mumkin.

Ta'limni integratsiyalashning asosiy maqsadi – boshlang'ich mактабdayoq tabiat va jamiyat haqida aniq tasavvur asoslarini qo'yish va ularning rivojlanish qonunlariga o'z munosabatini shakllantirishdir. Ta'limni integratsiyalashtirish o'quvchilarda jo'shqinlik, fanlarni o'rganishga qiziqish hissini kuchaytiradi, o'quv fanlari bo'yicha bilim darajasini oshiradi, ularning aqliy faoliyatini rivojlantiradi, o'quv materiallarining o'zaro, tabiiy ravishda uzviylikda bo'lishini ta'minlaydi. Darsda o'quvchilarda ongli qiziqish faoliyati, mustaqil fikrlash qobiliyati rivoj topadi, ularda o'quv faniga nisbatan shaxsiy munosabatda bo'lish, ijodkorlik hissi shakllanadi. Integratsiyalashtirilgan darsda ta'lim-tarbiya uzviyligi ham bir butun holda amalga oshadi. O'quv fanlarni uzviylikda o'rganish o'quvchilar bilimini mustahkamlashning muhim omillaridan biri sifatida o'quv tarbiya jarayonining ham uyg'unlikda bo'lishini taqozo etadi.

Asosiy fanlarni o'zlashtirish va olamdagи bor narsalar qonuniyatlarini tushunishda predmetlar ichidagi va predmetlararo aloqalarni o'rnatish ta'limni integratsiyalashda yondashuvning metodik asosidir. Bunga turli darslar tushunchalariga ko'p marta qaytish, ularni chuqurlashtirish va boyitish, shu yoshga tushunarli bo'lgan muhim belgilarni aniqlash orqali erishish mumkin.

Shunday qilib, yaxshi shakllangan tuzilish va o'tkazish tartibiga ega bo'lgan, tushunchalar guruhi kiritilgan har qanday dars integratsiyaga asos qilib olinishi mumkin. Lekin integratsiyalangan

darsga boshqa fanlar, boshqa o‘quv predmetlari bilan bog‘liq tushunchalar tahlilining natijalari kiritiladi. Masalan, “qish”, ”sovuq”, ”bo‘ron” kabi tushunchalar o‘qish, rus tili, tabiatshunoslik, musiqa, tasviriy san’at darslarida ko‘rib chiqiladi. Tushunchalarning tahlil qilinishi boshqa o‘quv darslarida o‘zlashtirilgan bilimlarga murojaat qilinadigan darslar integratsiyalangan hisoblanadi.

Dars ijodiy, erkin bo‘lishi bilan birga yaxlit, mantiqan ketma-ket, o‘ziga xos o‘tish metodikasiga ega. Umumiyligi ta’limning poydevorini qo‘yadigan boshlang‘ich maktabdagi ko‘p tushunchalar tabiatshunoslik, rus tili, musiqa, tasviriy san’at va boshqalar uchun umumiyyidir. Hozirgi kunda bir qator o‘quv predmetlari uchun umumiyligi bo‘lgan tushunchalar orasidagi aloqalarni o‘rnatish psixologik va metodik asos bo‘lgach integratsiyalashgan darslar tizimini ishlab chiqish va sinovdan o‘tkazish lozim. Shu bilan birga predmetlararo aloqalar dars tartibi darajasida o‘rgatilishi va zarur o‘qitish vositalari bilan ta’minlanishi kerak.

Boshlang‘ich maktablarda matematika darsi elementidan har bir o‘quv predmeti orqali foydalanish mumkin. Matematika darsida integratsiya elementidan foydalanishdan maqsad – darsda o‘quvchilarning faolligini rivojlantirish va darslarni qiziqarli o‘tkazishdir.

Boshlang‘ich maktabda matematik bilimlar hamma o‘quv predmetlarida qo‘llanilishi mumkin. Matematik bilimlarni integratsiyalash darsning qiziqarli va jonli bo`lishiga yordam beradi. Masalan, 1-sinfda savod o`rgatish davrida o`quvchilar so`zdagi tovushlar, harflar, bo`g`inlar sonini sanaydilar, urg`u berilayotgan bo`g`inning tartib raqamini, gapdagi so`zlar sonini aniqlashadi. Bu esa yozuv va o‘qish darslarida natural sonlar qatori va tartib sonlar haqidagi bilimlarni qo`llash imkonini beradi. O‘qish darslarida ham o‘quvchilar tez-tez topshiriqlar olib turishadi: matnning uchinchi bo‘limini o‘qish, to‘rt qator she’rni yod olish va h.k. Shuningdek, kitoblarning sahifasi, sana, mashq nomlarini bilish, uni aytish uchun ham matematik bilim zarur bo`ladi. Tarkibida sonlar qatnashgan maqollarni topish ham o‘quvchilar uchun qiziq bo`ladi: “Yetti o‘lchab, bir kes”, “Sanamay, sakkiz dema”, “Birniki mingga, mingniki tumanga” va hakozo.

Turli sanalar va miqdorlarga oid sonli ma`lumotlar ham uchraydi. Yozuvchi shoirlarning hayotiga oid sana va bosqichlar matematik bilimlarni talab qiladi. Ayniqsa, sonli ma`lumot tabiatshunoslik

darslarida ko`p uchraydi. Masalan, kuzatuvlar kundaligining to`ldirilishi kunlar, kunlik harorat kabi sonli ma`lumotlarni o`z ichiga oladi. Tabiatshunoslik darslarida integratsiyadan alohida foydalanish, bu biron narsaning hajmini o`lhash topshiriladi, masalan, 4-sinfning “Tabiatshunoslik” darsligida o‘quvchilarga shunday topshiriq beriladi:

1) O‘quvchi partaning eni va bo‘yini o‘lhab, qog‘ozga uning chizmasini chizadi: 1sm, 10 sm. Partaning qog‘ozdagи chizmasi aslidan necha marta qisqargan?

2) O‘zingiz yashaydigan xonaning chizmasini chizing (masshtab – 1sm:2m). O‘ziga nisbatan qog‘ozda necha marta qisqartirganingizni ko‘rsating.

Shuningdek, matematika fani “Mehnat”, “Rasm”, “Jismoniy tarbiya” darslari bilan aloqadorlikda ham o`rganilishi mumkin.

Ta’lim jarayonida o‘quv fanlarini integratsiyalash hozirgi davr talabidir. Zero, o‘quv fanlarini integratsiyalash ta’lim va tarbiyaning uzviylikda bo‘lishida, o‘quvchilarning insonparvar, vatanparvar bo‘lib, ma’naviy-axloqiy fazilatlarni o‘zida mujassam etgan barkamol shaxs sifatida voyaga yetishlarida muhim ahamiyatga egadir.

Fanlarni integratsiyalash muammosini o‘rganish, tadqiq etishda shu narsa ma’lum bo‘ldiki, fanni va ilmiy bilimni integratsiyalash jarayonining negizi moddiy olamning birligi, ya’ni tabiat, jamiyat va uni anglashning o‘zaro uzviyligidir. Fanlar o‘rtasidagi uzviylik, o‘zaro bog‘liqlikning rivoji, bu sohada axborot vositalarining muhim ahamiyat kasb etishi natijasida ta’lim va tarbiyada erishilayotgan yutuqlar tabiat, jamiyat, texnika sohasi – moddiy olamda ham namoyon bo‘lmoqda. Bu o‘zaro ta’sir rivoji har bir fanning ichki tabiiy rivoji uchun ham zarur omil bo‘lmoqda.

ЁШЛАР МАЬНАВИЙ КАМОЛОТИНИНГ МУХИМ ПСИХОЛОГИК МУАММОЛАРИ

П.Ф.н. Р.Атамуродова,

Ўқитувчилар, Д.Исмаилова, Г.Келдиёрова.

Мустақил Ўзбекистонимиз буюк давлатчилик сари дадил одимлаётган ҳозирги вақтда ижтимоий хаётнинг муҳим соҳаларидан бири инсон маънавияти кучайди, турмуш талаби ошди.

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳар бир халқ ва унга хос булган маънавий олам, хис-туйғулар ҳамиша ижтимоий хаётда муҳим роль уйнаб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Кейинги вақтларда илмий психологик жамоатчилик томонидан бу муҳим соҳани тадқиқ қилиш учун ҳаракат бошланди. Эндиликда Ўзбекистонда халқ оммасининг маънавий ва маърифий ҳаётини кенг кўламда ўрганишга эътибор кучаймокда. Бу борада Республикаиз Президенти томонидан қабул дилинган қатор фармонлар мамлакатимизда халқ оммасининг маънавий ва маърифий ҳаётини кенг қаламда ўрганилишига ғоят муҳим дастур бўлиб хизмат қилмоқда.

Президентимиз И.А.Каримовнинг фармонлари, асарлари ва нутқларида олға сурилган ғоялар асосида ўзбек халқининг бой тарихга эга бўлган маънавий —психологик хусусиятларини чуқур илмий тадқиқ этиш жуда муҳим амалий аҳамиятга молик ишдир.

Ушбу маърузада талабалар маънавий камолоти босқичларида рўй бериши мумкин бўлган психологик муаммолари ва уларни бартараф этиш хусусида фикр юритилади.

Бой маънавиятга эга бўлган йигит ва қизларгина ўз Ватанига, халқига, оиласига, ота-онасига садоқатли бўлишлиги, ҳам маънан, ҳам мазмунан исботланган. Улардаги фидоийлик ва инсонийлик худди ана шу сифатлар билан белгиланади.

Бунда талаба-ёшларнинг маънавий камолоти муаммоларига даврнинг муҳим талаби сифатида ўзбек халқининг аслига хос бўлган қадриятлар асосида шакллантириш усулларини илмий асослаш ва улардан амалий фаолиятда унумли фойдаланиш истиқболли педагогик самараларни беришлигини тадқиқотимиз натижалари кўрсатмоқда.

Ўзбек халқига хос инсонийлик, катталарни ҳурмат қилиш, оила ва фарзандлар камолоти тўғрисида ғамхўрлик қилиш, очиқкунгиллилик, одамга хайриҳоҳлик билан муносабатда бўлиш, ўзгалар қулфатига ҳамдардлик ва ўзаро ёрдам туйғуси халқларимиз ўртасидаги муносабатларнинг асосий меъёри эканлигини психология фани уцитувчилари талабалар онгига сингдирмоғи лозимлиги бугунги кунда ўта муҳим бўлиб, инсон маънавияти мазмунига психологик жихатдан кенг маънода ёндошиш имконини беради ва у инсоннинг, халқининг, жамиятнинг, қолаверса, давлатнииг куч- қурдатидир. Шунинг учун ҳам маънавияти бой

инсоний мазмунига эга бўлмаган жойда хеч қачон хақиқий баҳтсаодат бўлмайди.

Ушбу соҳадаги муаммолардан яна бири ҳозири шароит талаби асосида ёш авлодни тарбиялаш оила ва олий мактаб ўртасидаги ўзаро алоқани мутлақо яхшилашни талаб этмоқда. Бу талаблар асосида иш тутмоқ учун ҳар бир оила хилма-хил мазмундаги тарбия воситаларидан усталик билан фойдаланиши, ёшлар тарбиясининг турли қирраларини очиб берувчи манбалар билан мустаҳкам қуролланиши зарур.

Психологик қонуниятларга кўра, инсоннинг шахс сифатида ривожланиши тайёр наслий қобилиятларни мукаммаллаштириш ўли билан эмас, балки аввалга авлодлар тажрибасини ўзлаштириш боришга асосланади. Шунинг учун шахс камолотининг биринчي асоси аввалги авлодлар тажрибаси ва уни ўзлаштирганлик даражасидадир.

Кўриниб турибдики, инсон боласи тайёр мантикий тафаккур ёки дунё хақидаги батафсил билимлар билан туғилмайди, табиат қонунларини, мантикий фикрлашни кашф этмайди.

Инсон ўз ҳаёти давомида ҳамма вақт ҳар хил мазмундаги амалий ва ақлий ишларни бажаради. Ақлий ва амалий ишларни бажариш усулларини ёш авлод катталардан ўзлаштиради. Ёшлар кўриш, фикрлаш, сўзлаш, тинглаш, юриш, фарқлаш, таниш каби психологик сифатларни катталар билан мулоқат жараёнида ўзларига сингдирадилар. Аммо катталар тажрибасини ўзлаштириш жараёни ёшларнинг индивидига боғлиқ тарзда уларнинг ҳар бирида ўз даврийлиги ва мазмун доирасига эга бўлади. Буни оддий мисол билан тушунтириш мумкин: бир гурух, талабалар таълим материалларини турли муддатларда ўзлаштирадилар, зарур миқдорда ўзлаштириш учун жуда катта куч ва вақт сарфлайдилар. Бу куч ва вақт турлича сарфланишининг сабаби талабанинг мия ўйлаш фаолиятидир. Чунки, унинг ҳаракати мия буйруғига асосланади ва индивидуал имкониятлар доирасида реаллашади.

Демак, олий мактабда ўқиши ақлий куч талаб қилувчи ва сермашаққат жараён бўлиб унинг муваффақияти талабани доимий равища ўз устида ишлашга, узлуксиз ўқишига боғлиқ бўлиб, у келажак авлодни маънавий камолотини мунтазам равища такомиллаштириб, ривожлантириб боришга хизмат қилмоғи лозим экан.

ОИЛАВИЙ МУҲИТНИНГ СОҒЛОМ БЎЛИШИДА ОТА – ОНА ИБРАТИ

**п.ф.н. И.Х. Тўрақулова,
Ф.С. Махамматова магистр.**

Маълумки, ота – оналарнинг оилада ўзини тутиши фарзандлари учун **андоза** бўла олишлигини таъминлаш лозим, чунки фарзанд дастлабки таассуротларни ота – онасидан олади ва уларга тақлид қилишни фарзандлар жудаям ёқтиради. Мазкур жараёнлар бобо – бува ҳамда ота – оналарнинг фарзандлар тарбиясида ибрат – намунаси билан безатилган бўлса, оилада боланинг маънавий – ахлокий тарбиясига фундаментал асослар яратилган деб айта оламиз. Бу ота – боболаримиздан авлоддан – авлодга ўтиб келаётган “**Олманинг тагида олма ётади**” ёки “**Дараҳтнинг меваси ўзидан узоққа тушмайди**” ёки “**Яхшидан ёмон чиқди, деб қуйинма, ёмондан яхши чиқди, деб суюнма**” каби нақлларнинг далил – исботини таъминлай олади.

Демак, фарзандларимизнинг баркамол шахс бўлиши учун биз ибрат – намуна кўрсата олишимиз керак. Бунга сабаб ибрат – намуна улар хотирасида бир умрга муҳрланиб қолади, чунки бу пайтда улар тақлид қилишга ишқивоз бўлади. Бу ҳақда В.Гюгонинг қуидаги фикри ҳам ибратлидир: “**Одамга болаликдан сингдирилган одатлар ёш дараҳт танасига ўйиб ёзилган ҳарфларга ўхшайди, улар дараҳт билан бирга ўсади, вояга ётади, дараҳтнинг таркибий қисмига айланиб қолади**”.

“Бола жуда кўп вақтини оила даврасида ўтказади, у катталарнинг қилиқ ва ҳатти – ҳаракатларини ўз фаолиятида тақрорлайди. Болалардан бирор ишга қўл ўрганганига нима сабаб бўлгани сўралганди, унинг “Дадам шундай қиладилар”, “Онам шундай деганлар”, “Бувам шундай ўргатганлар” дея жавоб берганига гувоҳ бўламиз.

Оила муҳити – бу ота – она ва катта ёшдаги кишилар олиб борадиган кўп қиррали тарбиявий ишлар, оила аъзоларининг ижодий таъсир кўрсатишлари натижалари асосида шаклланган ҳолат.

Оилавий муҳитнинг соғлом бўлишида **тўғри сўзлик** билан иш тутиш ва оилада ҳолатлар ва жараёнлар (ҳатти - ҳаракатлар) ҳақида ҳукм чиқаришда **адолатли қаттиққўллик** билан ёндашиш асосий мезонлардан биридир.

Демак, оилада соғлом мұхитнинг шаклланишида ота – она ибрати ўта мұхим бўлиб, бунга ҳар қандай ота – она ҳаракат қиласи. Бунинг қатор сабаблари бор. Қуйида улардан баъзиларини санаб ўтамиз: **биринчидан**, фарзандининг ҳурмат – эътиборига сазовор бўлишни хоҳламаган ота – она топилмайди, **иккинчидан**, ҳар қандай ота – онанинг муқаддас вазифаси баҳтли инсонни вояга етказиш; **учинчидан**, ҳар қандай ота – она фарзандлари ардоғида бўлишини истайди; **тўртинчидан**, ҳар қандай ота – она фарзандлари ҳаётини доимо мухофаза қилишни ва уларнинг соғлигини мустаҳкамлашни хоҳлайди; **бешинчидан**, ҳар қандай ота – она ўз оиласида бола шахсининг асосларини шакллантиришга, унинг билимга қизиқишини ривожлантиришга ҳамда боласининг интеллектуал, маънавий ва жисмоний ривожланишини таъминлашга ҳаракат қилиши, **олтинчидан**, ҳар қандай ота – онанинг ўз фарзандини мактабгача таълим ва бошланғич таълим муассасаларига муносиб қилиб тайёрлашга ҳаракат қилиши ва шу кабилар.

Умуман олганда барқарор соғлом оилавий мұхитни таркиб топтиришда нафақат эр – хотин ва фарзандлар иштироки, балки ота – оналар, бобо – бувилар, aka – укалар каби оилавий бўғинлар ҳам иштирок этади. Бунда уларнинг оиладаги ўзаро муносабатлари, оиланинг бошланғич жамоа сифатидаги турмуш тарзига асосланган мұхити ва унинг мазмун – моҳияти, ота – оналарнинг ўз фарзандлари билан маънавий яқинлиги, ота – оналарнинг болаларининг ички дунёсини сезишлари, қизиқишлири ва интилишларини олдиндан сезишлари оилада соғлом оилавий мұхитнинг барқарорлигини таъминлади. Бундай оилалар ўз фарзандларига ва оиланинг истиқболини таъминлашга ғамхўрлик кўрсата оладилар. Бу эса соғлом оилавий мұхитнинг асосини ташкил этади.

Ушбу соҳада олиб борган изланишларимиз ва шахсий кузатувларимиз натижаларининг кўрсатишича барқарор соғлом оилавий мұхитни таъминлашга **қўйидагича тавсиялар** беришни лозим топдик: оилангиздаги никоҳ муносабатлари ўзаро ҳурмат ва ишонч ҳамда мұхабbat асосида қурилганлиги, оилавий ҳаёт ва ундаги фарзанд тарбиясига тайёрлигингизни доимо ҳис қилиш; фарзанд тарбиясида оилавий ҳаётнинг фаол ва етакчи ташкилотчиси ҳамда фаолиятингиз уларда қатнашишдаги ифтихор ҳисси билан йўғрилган бўлиши; ота – она фарзанд шахси ва

хуқуқларини оиланинг аъзоси сифатида билиб, ҳурмат қилишлари, унинг тарбияси учун жавобгар эканлиги; бола тарбиясида ўта муҳим бўлган соғлом оилавий муҳитнинг асосини ташкил этувчи сифатга, яъни оила бошлиқларидан бири сифатида турмуш ўртоғингиз билан доимо ўзаро ҳурматда бўлиш; бола тарбиясида донишманд, мутафаккирлар ўгитларига амал қилиш, бобо – бувилар насиҳатларини эътиборга олиш ва уларнинг ҳурматларини жойига қўйиш; фарзандларга нисбатан самимий муносабатда бўлиш: уларнинг фикрларига эътибор бериш; aka – опа – сингил, aka – сингил, опа – укалар ўртасидаги муносабатларни холисона баҳолаб ва назорат қилиб бориш ва шу кабилар; оиласда катталар кичикларга ғамхўрлик қилишини, кичиклар катталарга иззат – ҳурмат кўрсатишини таъминлаш доимий вазифангиз бўлсин; зурриёдингиз бўлмиш фарзандларингизни баб – баравар яхши кўринг; фарзандлар тарбияси шарқона бўлгани яхши, чунки қуёш ҳам шарқдан чиқади ва уларда умуминсоний ҳамда миллий қадриятларга бой бўлган урф – одатлар ва хикматлар хоҳлаганча топилмайди; оилавий тадбирлар ва анъаналар, байрамлар ва маросимларда оила аъзоларининг барчаси қатнашгани маъқул ҳамда уларнинг ҳар бирининг ўзига яраша иштироқи бўлсин; фарзандларингизни мустақил ва эркин фикр юритишга ўргатинг, уйда оила даврасида тарбиявий масалалар тузиб, уларнинг ечимларини топиш бўйича оилавий таҳлиллар ўtkазинг ва шу кабилар.

СОҒЛОМ ТУРМУШ МАДАНИЯТИГА АМАЛ ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Ўқитувчилар Х.М. Содиков, Д.Р. Содикова

Президент И.А.Каримов эътибор бериб таъкидлаганларидек “Халқ соғлигини мустаҳкамлаш муҳим вазифамиздан биридир, ёш авлоднинг соғлиги ҳақида қайфуриш ҳам давлат сиёсати даражасига кўтарилиган”. Буларнинг барчаси ёш авлоднинг соғлигига таъсир қилувчи асосий омилларни билишни, ёшларда соғлом турмуш маданиятини шакллантиришни тақозо этади. Шу боис республикамизда ҳар томонлама соғлом шахсни тарбиялаш вазифасининг давлат сиёсати даражасига қўтарилиши ўзига хос аҳамият касб этади. Соғлом турмуш маданияти – бир қараганда оддийгина жўн жумла. Кимдир уни жисмонан соғломликда деб

тушунса, кимдир ташқи жихатдан дадиллик, поклиқда деб тушунади. Бироқ бу жумлаларнинг кенг қамровли эканлигини ҳис қилиш учун унинг мазмунига чуқурроқ назар ташламоқ лозим. Инсон хаёти, соғлиги энг катта ижтимоий бойликдир. Соғлом турмуш маданияти – инсон турмуш шароитини фаол ўзлаштириш усули бўлиб, қун тартибига риоя қилиш, фаол ҳаракат асосида организмни чиниктириш, спорт билан шуғулланиш, тўла ва сифатли овқатланиш, овқатланишнинг гигиеник қоидаларига роия қилиш, мулоқот ва экологик маданиятга эришиш, умуминсоний ва миллий қадриятлар асосида маънавий тарбия олиш, зарарли одатларда ўзини тута билиш демакдир. Қатор манбаларни ўрганиш натижасида шунга амин бўлдикки, жамиятимизнинг илк давридаёқ соғлом турмуш маданиятини қарор топишига ижтимоий эҳтиёж бўлганлиги, ушбу эҳтиёжни қондириш мақсадида амалий ҳаракатлар олиб борилганлиги маълум бўлди. Жумладан, Греция ва Рим давлатларида йигитларнинг жисмоний камолотини таъминлашга алоҳида эътибор қаратишган. Хусусан қадимги Грецияда ўсмирларнинг тарбиясига алоҳида эътибор қаратилиб, уларнинг жисмоний чиникишларини таъминловчи усуллардан кенг фойдаланишган. Ўрта асрларга келиб ёшларнинг жисмонан ва ахлоқан камол топишлирини таъминлашда “Рицарлик тарбияси” ғояси устувор ўрин эгаллаган. Бу ғояга кўра улар етти фазилатни ўзлаштира олишлари шарт эди: отда юриш, қиличбозлик, найза билан жанг қилиш, сузиш, ов қилиш, шашка(шахмат) ўйнаш, қўшиқ айта олиш ҳамда шеър тўқиши.

Зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто”да ҳам соғлом турмуш маданиятига оид фикрлар илгари сурилган. Мазкур асарда шахсий ҳамда ижтимоий гигиена масалаларига алоҳида ўрин ажратилган. Турли юқумли касалликларнинг келиб чиқишида муҳим манба бўлувчи омиллар сифатида: иссиқ ва совук ҳаво, очлик, руҳий изтироб, бузилган таомни исътемол қилиш, тозалик ва атроф-муҳит озодалигига амал қиласли, захарли ҳашоратларнинг кўпайиши кабилар келтирилган.

Ислом дини ғоялари ҳам инсонлар ўртасида маънавий – ахлоқий фазилатларни шакллантириш борасидаги қарашларни тарғиб этиш билан бирга, мўътадил ҳаёт кечириш, шунингдек инсон саломатлиги учун жиддий хавф соловчи омилларни бартараф этиш борасида ҳам қимматли маълумотларни беради. Хусусан, Куръони Карим оятлари ҳамда Ҳадиси Шарифда келтирилган

гояларга кўра, атроф – муҳит озодалигини таъминлаш кишилар саломатлигини таъминловчи муҳим омилдир. Дарҳақиқат, атроф – муҳитнинг ифлосланиши турли микробларнинг кўпайиши ҳамда уларнинг яшовчанлигини таъминловчи муҳитни юзага келтиради. Шу боис ҳадисларда уй – жойларни тоза тутиш, шахсий гигиенага амал қилиш, инсон яшайдиган жойни унга озор етказувчи нарсалардан тозалаш, шунингдек, кишиларга соя берувчи дaraohтларни кесмаслик, аксинча дaraohтлар экиш каби хайрли ишларни қилишга ундовчи даъватлар ўз ифодасини топган.

Ҳадисларда, шунингдек, инсон томонидан ўзлаштирилиши мумкин бўлган, бироқ унинг саломатлигига салбий таъсир этувчи одатлар, хусусан, организмнинг сархуш бўлишини таъминловчи ичимлик(май)ни истеъмол қилиш оғир гуноҳ эканлиги қайд этилган. Зоро, май истеъмол қилиш оқибатида киши ўз хатти – ҳаракатини бошқариш имконидан маҳрум бўлади, ноаҳлоқий ишларга қўл уради. “...ичимлик ичувчи айни вақтда мўъмин бўла олмайди, чунки у ичимлик ичаётганда иймондан ажралади.” Анас (ибн Молик) ривоят қиласидар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салам ичимлик ичган бир одамни хурмо новдаси ҳамда ковуш билан қалтакладилар. Абу Бақр эрса қирқ дарра урдилар” дейилди.

Ёшлар ўртасида соғлом турмуш маданиятини тарғиб этишга йўналтирилган фаолият уларда ўта даражада хавфли бўлган касаллик ОИТСга чалинишнинг олдини олиш борасидаги хавфсизлик чора тадбирларининг моҳияти борасидаги тушунчаларни ҳосил қилишни таъминлаш лозим. Бугунги кунда тиббиёт фанига яхши маълумки, ОИТС касаллигини чиқарувчи омиллардан бири – бетартиб ҳамда хавфсизлиги таъминланмаган жинсий алоқадир. Ислом дини асослари яртилган даврда ҳам никоҳдан ташқарида, шунингдек, номаҳрам аёл ва эркак ўртасида кечадиган жинсий алоқа (зино)ўта гуноҳ саналувчи хатти - ҳаракатларнинг бири сифатида эътироф этилган. Зинони содир этувчи шахслар тошбўрон қилинган. Ушбу фикр қуйидаги ҳадислар асосида ўз тасдигини топади: “Оллоҳ таоло: “Солиҳ бандалар зино қилмайдилар, зинога яқин юрмангизлар. Дарҳақиқат, зино фахш ва ёмон йўлдир!” дейди. Абу Ҳурайра ривоят қиласидар: “Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам масjidда ўтирганларида бир киши уларга келиб: “Ё Расулуллоҳ мен зино қилиб қўйдим” деб айбига иқрор бўлибди. Шунда Жаноб Расулуллоҳ (нафратланиб) юзларини ўгириб олдилар. Бояги одам:”Ё Расулуллоҳ мен зино қилиб

кўйдим!” деб гапини такрорлабди, ул зот яна ўгирилиб олдилар. Шу тариқа ул тўрт бор айбини тан олиб ўзига ўзи гувоҳлик берди. Нихоят, Жаноб Расулуллоҳ уни ёнларига чақириб.”Жиннилик дардинг йўқмиди?”- дедилар. Ул:”Йўқ, Ё Расулуллоҳ!”- деди. Ул:”Ха, ё Расулуллоҳ!”- деди. Шундан сўнг, ул зот:”Олиб чиқиб тошбўрон қилингизлар!”- деб амир қилдилар”.

Мазкур ҳадислар ғояси кишилар, чунончи, ёшларда бетартиб, хавфсизлиги таъминланмаган, никоҳсиз жинсий алоқа жиддий оқибатларни келтириб чиқариши хусусидаги тушунчаларни қарор топтиришга хизмат қиласди. Бегона эркак ёки аёл билан содир этилган жинсий алоқа маънавий – ахлоқий сифатларга эга эмаслик, носоғлом турмуш кечириш, шунингдек, ўз ҳаёти ҳамда ўзгалар тақдирига нисбатан масъулиятсизлик каби хислатларнинг киши сиймосида барқарор эканлигини англатади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқсан ҳолда, илк даврларда ёқ кишиларда маънавий – ахлоқий сифатларни шакллантиришга эътибор қаратилганлиги, улар маълум маънода соғлом турмуш ва одамларда уни қарор топтирувчи ҳаётий одатларга эга бўлиш йўлидаги интилганликларини кўришимиз мумкин. Зеро, соғлом турмуш маданиятининг шаклланишида кишиларнинг маънавий – ахлоқий сифатларга эга бўлишлари ўзига хос аҳамият касб этган. Хусусан, мустаҳкам характер, кучли иродада каби хислатлар меҳнатсеварлик, ростгўйлик, ўзгалар манфаатларини ўз манфаатларидан устун қўйиш каби фазилатларга эга бўлиш негизида юзага келган.

TARBIYASI QIYIN BOLALAR SHAXSI SHAKLLANISHINING OMILLARI

**O‘qituvchi B.Norbekova,
T. Mirzayeva talaba.**

Bugungi kunda mustaqil O‘zbekistonimizda yosh avlodni har tomonlama yetuk, aqlli, axloqli, odobli kishilar sifatida tarbiyalash, kamol toptirish pedagogika sohasida muhim vazifa hisoblanadi.

Ta’lim-tarbiya natijasi hamisha ham ijobjiy bo‘lavemasligi tajribadan ma’lum. Chunki, o‘quvchi shaxsini shakllantirish bir necha omillarga bog‘liq bo‘lib, turli salbiy ta’sirlar natijasida tarbiyasi og‘ir bolalar shaxsi ham shakllanmoqda.

Tarbiyasi og‘ir bolalar deb oila, jamoa, maktab va ijtimoiy hayot talab qiladigan xulq - atvor me’yorlariga amal qilmaydigan ta’lim,

tarbiya jarayoniga befarq hamda bepisand qaraydigan, xatti-harakati ko‘proq maqsadsiz faoliyat turidan iborat bo‘lgan bolalarga aytildi.⁸¹

Tarbiyasi og‘ir bolalar to‘g‘risida, oqibatlari to‘g‘risida gapishimizdan oldin bunday holatning yuzaga kelish sabablarini, shart-sharoitlarini aniqlashimiz va bartaraf etish uchun profilaktik chora tadbirlar ishlab chiqib, uni amaliy hayotga tadbiq etishimiz kerak.

Ma’lumki, hech bir bola tarbiyasi og‘ir bo‘lib dunyoga kelmaydi, ijtimoiy hayotda, sog‘lom muhitda, sog‘lom tarbiyani o‘z vaqtida berilmasligi bois tarbiyasi qiyinlik shakllanadi. Turmushimizda ularning o‘rnini topib berish va sog‘lom muhitga qaytarish har birimizning insonparvarlik burchimiz bo‘lib qolmog‘i darkor.

Kuzatishlardan ma’lum bo‘lishicha, voyaga yetmaganlarda xulq og‘ishi jaroyoni shaxs xususiyatlari bilan tashqi muhit voqeа-hodisalar o‘rtasidagi murakkab bog‘lanishli jarayon bo‘lib, bu jaroyonda o‘smir shaxsi subyekt sifatida tashqi muhit axborotlarini qabul qiladi va qayta ishlaydi. Ob‘yekt sifatida esa tashqi muhit elementlari shaxsga ta’sir etuvchi element sifatida ifodalanadi. Sub‘yekt va ob‘yekt o‘rtasida o‘zaro ta’sirlar mutanosibligini ta’minalash esa voyaga yetmaganlarda xulq og‘ishi kelib chiqishining oldini olishga xizmat qiladi.

Avvalo, bola tarbiyasi buzilish sabablarini aniqlash lozim, ularning oilaviy ahvolini o‘rganish, mahalla bilan ota-onan o‘rtasidagi uzviy aloqani o‘rnatish, mакtab o‘quvchilari bilan aloqani mustahkamlash, o‘quvchining darsga qatnashishini kuzatish, darsdan tashqari faoliyatini nazorat qilish orqali tarbiyasi og‘ir bolalar bilan ishlash bo‘yicha dastur va rejalar belgilab olinadi.

Ma’lumki, bola tarbiyasi eng avvalo oilada shakllanadi, oila muhitining sog‘lomligi, ota-onalar va oiladagi boshqa a’zolarning madaniy, aqliy, ma’naviy va axloqiy jihatdan barkamolligi unda tarbiya olayotgan bolaga ijobiy ta’sir ko‘rsatadi. Ota-onalarning ilmu-ma’rifatliligi bolalar va o‘smirlarda g‘ayriqonuniy xulqning oldini olishda muhim omil bo‘lib hisoblanadi.

Oiladagi nosog‘lom muhit va sharoit ham tarbiyasi qiyin o‘smirlarning yashashi, o‘qishi uchun imkoniyatlar, qulay sharoitlar yo‘qligi uning ruhiy dunyosiga salbiy ta’sir ko‘rsatadi. Oilada ota ona o‘rtasidagi samimiy munosabatning bo‘lmasligi, ichimliklar iste’mol qilinishi, chayqovchilik, sudxorlik, xalq mulkini talash kabi nopol ishlar bilan shug‘ullanish o‘smirning ruhiy dunyosida yomon iz qoldiradi. “Qush uyasida ko‘rganini qiladi” deganlaridek, o‘smir ham

⁸¹ Maktab va hayot. 2010.7-8son. 25-bet.

ota-onasi orqasidan ketishi mumkin. Ba'zan esa u oiladagi bunday jirkanch holatni ko'rmaslik uchun o'z uyini tark etgan hollar uchrab turadi. Bugungi kunda ota-onalar yo'lga qo'yayotgan eng katta xato farzandining bo'sh vaqtini nazoratsiz qoldirishidir. Ota-onalar farzandining bo'sh vaqtini zarur va foydali mashg'ulotlar bilan band qilishi kerak, aks holda bola ongida buzg'unchi g'oyalar ta'siri kuchayadi. Bo'sh vaqtni nazoratsiz o'tkazishga o'rgangan bolalar ko'cha ko'yda bevaqt va behuda yuradigan bolib qoladi. Shunga ko'ra, har bir ota - ona o'z o'g'il yoki qizining bo'sh vaqtini maqsadga muvofiq tashkil etishiga ko'maklashishi, shart-sharoit yaratishi va albatta, nazorat qilishlari zarur.

Olib borgan kuzatishlarimiz natijasiga ko'ra, oilada tarbiyasi qiyin bolalarning kelib chiqishida :

- ba'zi voyaga yetmay oila qurban va bola tarbiyalash to'g'risida bilimga ega bo'lмаган ота-оналаринг бола тарбијасидаги сабаблари;
- oilaviy nosog'lom muhit (ichuvchi, chekuvchi, fohisha, jinoyatchi) ota-onalarning bevosa ta'siri;
- ota-onalarda bola rivojlanishiga doir psixologik, pedagogik bilimlarning yetishmasligi;
- oilaviy moddiy ta'minotni haddan tashqari oshirib yuborish yoki kam ta'minlanganligi;
- oilada bolaning qiziqishlariga ahamiyat bermasligi;
- ota-onadan mehr ko'rmay boshqalardan ushbu mehrni topishi;
- ota-onaning farzandlar oldida nizolashishi;
- ota-onaning farzadlar bilan teng munosabatda bo'lmasligi;
- oilada bolalar o'rtasida mehnatning teng taqsimlanmasligi;
- ba'zi hollarda noto'liq oilada tarbiyalanishi va shu kabilarda.

Yuqorida keltirib o'tilgan sabablar tarbiyasi og'ir bolaning shakllanib qolishining ob'ektiv jihatlari bo'lsa uning sub'ektiv jihatlari ham mavjud. Har xil sabablar bilan tarbiyasi qiyin bolalar shakllanar ekan, ular bilan ishlashda quyidagi tamoyillarga asoslanish lozim:

1. Bolalarda ijobjiy xulq atvor va xarakter xislatlarini shakllantirishga yo'naltirilgan tarbiyaviy jarayonni tashkil etish;
2. Psixolog boladagi eng yaxshi insoniy fazilatlarni ko'ra olishga va bolalarda o'ziga ishonish, o'z xulqini o'zi yaxshilash motivlarini shakllantirish zarur;
3. Bolalarning o'zlaridagi ijobjiy xarakter xislatlarini anglashini rag'batlantirish;
4. Bolalarni o'z xulq atvorini o'zi baholashga o'rgatish;

5. Bolalarning ijobiylari xatti harakat qilishlarini muntazam nazoratga olish;

6. Bolalarga ishonch bildirish;

7. Bolalar oldiga qo‘yilgan vazifalarni bajarishda erishgan yutuqlarini rag‘batlantirish va shu kabilalar.

Tarbiyasi qiyin o‘smirlarni tadqiq qilish, o‘rganish, tekshirish va qayta tarbiyalash jarayonida ijtimoiy muhitdan tashqari pedagogik-psixologik qonuniyatlariga murojaat qilish tarbiya samaradorligini oshirish, shaxslararo munosabatni to‘g‘ri yo‘lga qo‘yish va oilada sog‘lom muhitni vujudga keltirish juda katta yordam beradi.

МЕҲР – ПСИХОЛОГИК МЕЗОН

П.Ф.н Р.Атамуродова,

ўқитувчилар Г. Келдиёрова , Н. Жабборов.

Мамлакатимиз ижтимоий муҳитини умуминсоний ва миллий қадриятлар даражасида бўлишида, жамиятимиз аъзолари орасида ҳақиқий инсоний муносабатларни барқарор этишда бунинг аҳамияти катта. Инсоннинг шахс сифатида шаклланиш жараёни унинг ақлий, аҳлоқий, эмоционал, иродавий сифатларини ўрганиши билан боғлиқ. Инсоннинг эзгу одатлари уни ўраб турган ташки муҳитга, жамиятга, имкониятларга, ижтимоий муносабатларга боғлиқдир. Шундай экан, хукукий жисмоний муносабатлар шахс фаолиятининг маҳсули сифаида намоён бўлади.

Инсоннинг юз тузилиши, бўй-басти, қўл-оёғи ва бошқа органларнинг ривожланиши, умуман ташки қиёфаси, сўзлашиши, ўзини жамоа орасида тутиши, билимга интилишлари, нафосат билан ошнолиги каби факторларининг барчаси унинг маънавий қиёфасини белгилайди.

Аммо одам жисмоний жиҳатдан қанча ривожланган, баркамол бўлмасин, унинг ўзини тутиши, хатти-харакатлари жамиятнинг умумий ахлоқ меъёрларига мос бўлмаса, бундай одамни меҳрибон одам деб бўлмайди. Агар инсонда ўзгаларга нисбатан ҳурмат-эътибор ҳисси бўлмаса, у ўзи кўзлаган обрў-эътибор эриша олмайди.

Рухий, жисмоний жиҳатдан камолот сари интилаётган шахс турли мураккаб вазиятларда, хилма-хил ижтимоий муносабатларда ўзларининг самимий маслаҳати, йўл-йўриқ

кўрсатишига мойил бўлади ва бу билан ўзини ўткинчи ҳавас, ҳирс, жаҳолат, нафс балоларидан асрайди.

Ҳар бир шахснинг индивидуал фазилатлари - униг ўз муҳитидаги одамлар билан мулоқотлари жараёнида, муносабатлари мазмунидан маълум бўлади ва бу сифат одамнинг жуда ёшлиқ чоғидан бошланади.

Инсондаги барча психологияк сифатларга, шунингдек, меҳрли бўлишга ҳам илк бор оилада асос солинади. Бунинг боиси шундаки, оиланинг ҳар бир аъзоси ўзларининг мурувватига ҳам ўзларида табиий эҳтиёж сезади. Айниқса онадаги оила аъзоларига, фарзандларига нисбатан меҳр ҳамма учун мактаб бўлади. Ана шу адоксиз меҳр туфайли она ўғил қизини тарбиялашда йиллар давомида барча қийинчиликларга бардош беради. Оилада дунёга келган фарзандларнинг ҳар бири она меҳри билан нурафшон бўлади. Бу меҳр фарзанд хотирасида абадий сақланади, унинг маънавий мулкига айланади.

Меҳр - меҳрдан унади. Ўз фарзандига бағишилаган она ўғил қизларининг меҳрига мұяссар бўлиши табиий. Бир сўз билан айтганда ота-она ва фарзандлар ўртасида меҳр – мурувват сув ва ҳаводек зарурки бусиз оилавий ҳаётни тасаввур этиш мүмкин эмас. Психологияк ҳақиқат шуки, инсонда ҳамма вақт ўзгалар меҳрига муҳтоjлик ҳисси мавжуд. Бу ҳиснинг даражаси одамлар ўртасидаги қон-қариндошлиқ ришталарига ҳам боғлиқ. Аслида, қариндошлар ўртасида ҳақиқий инсоний меҳр мурувват доим ҳукмрон бўлмоғи зарур. Президентимиз қайта- қайта таъкидлаганларидек, ҳар ким, ҳар куни бирор савоб ишга қўл урса, шунинг ўзи меҳр мурувват сарчашмасига айланади.

Миллий қадриятлар тарихдан маълумки, меҳрибон инсон бўлиб етишишнинг ҳам психологияк сифатлар сингари илохиёт билан боғлиқ жиҳатлари бор. Бунинг маъноси шуки, инсон зоти албатта маълум даражада меҳр эгаси сифатида дунёга келади. Кейинроқ ҳар бир оиладаги ижтимоий-психологияк муҳит ўша оиладаги фарзандларни меҳр билан ошно этади. Табиий тарзда ота онадаги меҳрни фарзандлар турли миқдорда ва мазмунда идрок қиласидилар ва ўзлаштирадилар. Аммо ота она ҳар қанча уринмасин, уларнинг ўз фарзандларига меҳр мурувватлари болалари томонидан тўлалигича ўзлаштирилмайди. Агар баъзи сабаблар билан бола етим ўssa

бундай болада ота онали болага нисбатан меҳрлилик даражаси анча қуи бўлади.

Бола ўсаётган оилада маъданий ва маънавий савия қанчалик юқори бўлса, бу ерда ўсаётган йигит қизлардаги меҳр ҳисси шунчалик қучли бўлади.

Психологик манбаларнинг гувохлигига караганда, чинакам инсоний меҳр эгаси булиш шахснинг аклий даражасига боғлик. Ақли заиф шахс ҳакикий меҳр эгаси була олмайди. Яна бир жихати борки, ақли заиф шахс ўзга шахсларга етказадиган зиён ва зарарнинг асосий сабаби меҳрсизлик эканини ҳам тушуниб этмайди.

Ўзбек оиласида ёш авлоднинг меҳр – шафқат фазилатларини ўзлаштиришлари учун барча шарт – шароитлар бор. Шунингдек, узбек оиласида меҳр ифодасининг ўз меъёрлари бор. Масалан, ташқарида эшик тақилласа, уй эгаси ҳар кандай кайфиятда бўлишидан қатъий назар, эшикни очиқ чеҳра билан очади ва меҳмонни ичкарига таклиф этади. Бошқа миллатлардан фарқли ўлароқ, уйга кирган меҳмон олдига дастурхон ёзади. Меҳмондан илгари уй егаси дастурхонга қўл узатмайди, дастурхонга дуони албатта меҳмон ўқиди. Уй соҳиби меҳмонни эҳтиром билан кузатиб қўяди. Бундан ташқари узбек аёлининг, уй бекасининг овоз оханги, юз мимикаси, қўл ҳаракатлари, ҳатто нигоҳларида ҳам меҳмонга бўлган меҳр даражаси ифодаланади.

Меҳр психологиясининг муҳим жихатлари бор. Аввало, ҳаммада ўзгалар меҳрига эҳтиёж мавжуд. Лекин бу эҳтиёж ҳар инсон қалбида бир ҳил даражада акс этмайди. Меҳр инсон ёши, ижтимоий психологик муҳити, касби, яшаш тарзи билан боғлик ҳолда ўзгариб боради. Айникса, болалик даврида катталар меҳрига эҳтиёж қучли булади. Кейинчалик у муҳаббат ҳисси билан кушилиб янада кучаяди. Кексалик даврида эса ёшлар меҳрга эҳтиёж ортади. Аммо ҳар қандай шахс учун ўз хаётининг истаган даврида меҳр чукур мазмун ва ҳаётдан қониқиши ҳиссини уйғотади. Умуминсоний ва миллий кадриятлар қундалик ҳаётимизда ўз ўрнини топаётган ҳозирги вақтда кекса авлод ёшларининг ҳакикий меҳрибон, комил инсон бўлиб шаклланишлари учун мактаб ролини ўташлари керак. Бу борада ота – оналар, тарбиячилар, ўқитувчи-устозлар олдида жуда муҳим вазифалар турибдики, улар буни яхши тушунишлари керак.

Мехр куртаклари ҳар бир инсонда туғма тарзда булади. Жамият ва жамоатчилик мана шу куртакларини авайлав устиришлари керак. Бунинг оқибатида албатта, жамиятимизнинг ҳозирги талабларига жавоб берадиган хақиқий меҳр – муруватли инсонлар етишади. Мехр ва муруватга бой фукаролик жамияти ўзидағи барча муаммоларни осон ҳал этади, тараққиёт йулида дадил қадам ташлайди.

ТАРИХИЙ ДУНЁҚАРАШНИНГ ШАХС ТАКОМИЛЛАШУВИДАГИ ЎРНИ

**Ҳ.Аширматов, И.Ахмедов,
ЖДПИ ўқитувчилари
А.Жўраев, СамДУ магистранти**

Дунёқараш – бу дунёни яхлитлигича англаш, унинг сир – синоатини қайсиdir даражада тушуниш, шахснинг ана шу олам ичра ўз ўрнини англаб етишга ҳаракат қилган ҳолда ҳаққонийликни маънавий – маърифий ва амалий жиҳатдан идрок қилишининг натижасидир. Бошқача қилиб айтганда, дунёқараш инсоннинг атроф – муҳитга муносабати, ҳаётдаги ўрни ва позицияси, инсонлик моҳияти, одам ва олам ҳақидаги қарашлари инъикосидир. Инсон мавжудлигини, маъно ва мақсадларини аниқлаш, инсоннинг борлифи, унинг яшаш мазмуни ва моҳиятини ўрганиш, шу асосда кишилик дунёсига баҳо беришга интилиш тарихий – ижтимоий дунёқарашнинг асл моҳиятини белгилайди. Тарихий дунёқараш эса кишилик ўтмиши билан боғлиқ бўлган, уни ўрганиш жараёнида юзага келган қарашлар тизимиdir.

Аслини олганда ҳар қандай дунёқараща ижтимоий ҳаёт моҳияти уфуриб туради. У айни ана шу ижтимоий ҳаёт орқали озиқланади, ривожланади ва камолотга етади. Дунёқараш ҳар бир инсоннинг ўзига хос имконияти, биологик, физиологик, ҳисрий, руҳий ва маънавий камолот даражаси, ақлий имкониятлари доирасида бўлади. Алоҳида шахсларнинг дунёқараши орқали яхлит жамият дунёқараши вужудга келади ва у ижтимоий – маданий ҳаётини ҳаракатлантирувчи куч сифатида ўзини намоён этади. Ана шу дунёқарашлар уйғунлиги асосида ижтимоий фикр ва яхлит жамият тафаккури шаклланади ҳамда унинг қатларида у ёки бу тарихий даврнинг руҳияти, моҳияти, мазмуни, ўзига хос дунёси акс этади. Тарихий дунёқараш ижтимоий фикр о рқали ижтимоий ҳаёт

ва жамият тарихий тараққиёти, унинг босқичлари ҳақидаги тасаввурлар асосида вужудга келади.

Дунёқарашнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, у одам ва олам, инсон ва табиат, алоҳида индивид ва жамият ўртасидаги муносабатларни, қарашлар ва ёндашувларни ўзида мужассам этади. Жамият миқёсида эса ижтимоий фикр сифатида умумлашган тасаввурларнинг кўламини ва моҳиятини ўзида ифода қиласди.

Ҳар қандай даврда вужудга келган дунёқараш, албатта, табиий равишда қайсиdir даражада дунёning яратилиши, унинг ривожланиш омиллари, сир – синоати, унда инсоннинг пайдо бўлиш ва шаклланиш омиллари, инсоннинг мўъжизавий олами каби муаммолар атрофидаги дастлабки тасаввурларга бориб тарқалади. Ана шу ҳолатда ўз – ўзидан инсонда тарихга қизиқиши, тарих моҳиятини билишга интилиш эҳтиёжи юзага келади. Бу бевосита тарихни ва инсоният тараққиёти босқичларини фалсафий идрок этиш, фалсафий тушуниш ва фалсафий хулосалар орқали мантикий хулосаларга келиш имконини беради.

Баъзи ҳолларда дунёқараш ташқи дунёning яхлитлиги, унинг бир бутунлиги ва бу дунёни севинчу изтироблари, эзгулиги ёвузыллари билан яхлитлигича англаш билан бир қаторда инсоннинг табиий ва ижтимоий имкониятлари, гентик жиҳатдан фикрлашга қодир бўлган жонзот сифатида тарихий реалликларга ҳам йўналтирилиши мумкин. Ана шу шаклда илк мифологик дунёқарашдан тортиб то бугунги шаклланган фалсафий дунёқарашгача бўлган узлуксиз, тадрижий, доимий ўзини ўзи бойитиб, тўлдириб бораётган инсоният ақли ва закосининг мўъжизаси сифатида ўзини намоён этаётган дунёқарашлар давомийлиги, ворисийлиги, шажараларининг узвийлиги кўзга яққол ташланади.

Дунёқарашларнинг хилма-хиллиги, уларнинг асосли ё асосли эмаслиги доимий мунозара майдонига айланган. Ана шу ҳолатдан келиб чиқиб инсоният ҳамиша тасаввурлар ва дунёқарашларнинг қай даражада реал ё нореаллиги, уларнинг тўғри ё нотўғрилиги тўғрисида фикрлайди. Ҳар қандай дунёқараш бир вақтнинг ўзида ҳам илмий, ҳам ноилмий бўлиши мумкин. Шу билан бирга унга ижтимоий йўналиши, моҳияти ва мазмуни, қадру қиммати юзасидан ҳам баҳо беришимиз мумкин. Бу ҳолатга, айниқса, инсоният ўтмиши, тараққиёти, ривожланиш омиллари, унинг

эволюцион босқичлари хусусида фикр борганда алоҳида эътибор беришга тўғри келади.

Тарихнинг мазмун – моҳияти хусусидаги фикр-мулоҳазалар уни фалсафий идрок этиш билан бирга маънавий маданиятнинг турли шаклларида номоён бўлиши, дунёни яна ҳам чуқурроқ англаш, хусусан, инсон оламини бутун кенгликлари ва қирралари билан тушуниш предметига айланмоғи лозим. Тарихий дунёқарашнинг илмий, дунёвий фалсафа категорияси сифатидаги мавқеи унда инсон қай даражада акс этгани, аникроғи, тарихий жараёнга қай даражада иштирок этганини ифодалагани билан белгиланади. Ана шу ҳолатдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, тарих алоҳида халқлар, миллатлар бўладими ёки умуминсоният тақдирига дахлдор бўладими, тараққиётнинг яхлит жараёни сифатида яратилиши биланоқ унинг моҳиятида дунёвий мазмун пайдо бўлади.

Тарихни фалсафий англаш, уни дунёқарашлар ва тафаккур асосида тушуниш, мушоҳада этишнинг муҳим хусусиятларидан бири унинг назарийлиги, фалсафий идрок ва мантиқий хулосага асосланганлигидир. Бу тарихий тафаккур орқали шаклланган тарих фалсафаси фанининг табиатидан келиб чиқадиган ҳодиса. Чунки фалсафа дунёвий муаммоларни назарий мушоҳадалар, муҳокамалар, мунозаралар орқали ҳал қиласр экан, тарихий жараён таҳлили натижасида тарих фалсафаси пайдо бўлади. Шунинг натижасида юзага келган ўз хулоса ва умумлашмаларини мантиқан асослаб беради. Ана шу асосда, демак, маълум бир давр, тарихий жараён ёки воқеа ва ҳодисалар тарих фани нуқтаи назаридан ўрганилиб, унинг артофида мушоҳада қила бошлишнинг ўзи тарих фалсафасининг дебочасидир.

Тарих фалсафаси фалсафанинг кенг маънода инсоннинг маънавий, ахлоқий, руҳий ва ҳис – туйғулари асосидаги кўникмалари орқали олами идрок этиш, тарихий воқеликни илмий англашдаги ва уни амалий – маънавий ўзлаштиришдаги ўзига хос илмий билимлар тизимиdir.

Дунёни англаш ва тушуниш, олам ранг-баранглигини ва бутун моҳиятини идрок этиш шакллари ичида фақат тарих фалсафасигина тарихни англаш масаласига назарий жиҳатдан ёндашади. У тарих фани орқали маълум бўлган инсоният тараққиёти жараёнлари ҳақидаги билимларни, қадр – қимматини, маънавий – ахлоқий ва амалий натижаларни тадқиқ этади ва етарли фалсафий хулосаларга

келади. Тарихни англашнинг ана шундай соф инсонний моҳияти хусусида гапирап экан, М.Мамардашвили тарих фалсафаси ва тарихни ўрганиш муаммолари ҳақида фикр юритиб, “Дунёнинг яратилиши ва тарихнинг мазмуни инсон моҳиятининг бир қисмидир. Инсон моҳияти эса унинг инсон сифатида шаклланишидадир, инсон бўлмоғидадир”⁸², - дейди.

Демак, ўтмишни ўрганишга дахлдор бўлган тарихий билим фалсафий мушоҳада орқали дунёнинг яратилиши, кишилик оламининг ибтидоси ва бу узундан-узоқ тарихнинг сирсиноатининг инсон моҳияти орқали очиш билан ўз мақомини эгаллайди ва тарих фалсафасига айланади. Инсоният дунёсининг, кишилик жамиятининг моҳияти эса алоҳида-алоҳида индивидларнинг инсон сифатида қай даражада шаклланганлиги, аниқроғи, бу чексизликдаги шаклланиш босқичларида яшаган одамларнинг қай даражадаги инсон эканлигини ўрганиш ва асосли баҳолаш билан боғлиқ.

Инсоният тарихи ва уни фалсафий идрок этиш борасида гапирап эканмиз, тарихнинг мазмунига инсоннинг моҳияти, унинг анъанавий узвийлиги, давомийлиги ва истиқбол билан боғлиқлиги нуқтаи назаридан ёндошмоғимиз лозим. Айни тарих моҳияти “ўтмиш-буғун-истиқбол” формуласининг фалсафий-мантиқий ечимини нечоғли топганимиз билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам ушбу муаммога эътибор берган донишмандларнинг хulosаларини у ёки бу даврнинг ҳис-туйғулари, эҳтирослари, бошқача қилиб айтганда, қалб ҳарорати уфуриб туради.

Демак, тарихчи маълум бир давр ёки умуман инсоният тарихи ҳақида гапирап экан, ўз таассуроти, дунёқараши, ўз тушунчasi ва ўзига хос таҳлил қилиш даражаси нуқтаи назаридан баҳо беради. У тарихий воқеликни ўз ақлий имконияти доирасида тушунади. Ўз мушоҳада майдони орқали англайди ва шундай баён этади. Ана шу нуқтаи назардан қараганда бизнинг хulosаларимизга ҳам айни бир шахснинг ўз нуқтаи назари, ўз хulosалари деб қарашиб мумкин. Албатта, айни шу мунозарада бошқа одам масалани бошқача қўйиши, бошқача идрок этиши, бошқача тасаввур қилиши ва унинг ечимини топишда бошқача ёндашиши ҳамда ўз хulosаларини бошқача ифодалashi мумкин.

Ана шу ҳолатдан келиб чиқиб, умуман инсоннинг ақл-идроқи тарих моҳиятини бутун яхлитлигича англай олармикан, унинг бир

⁸² М. Мамардашвили. Как я понимаю философию. М., 1990, стр. 58.

бутунлигига ва шаклан хилма-хиллигига, қарама-қаршиликларга, зиддиятларга бойлигиги, моҳиятнинг бетакрор ва ранг-баранглигига нималар асос бўлиши мумкин, тарихнинг гуманистик, ижтимоий мазмуни ва йўналиши нималардан иборат, деган кўпдан – кўп саволларга тўла – тўкис жавоб бера оладими, деган муаммога дуч келади. Афсуски, бу муаммо ҳали – бери ўз ечимини топгани йўқ ва бундан кейин ҳам муаммолигича қолса керак. Чунки тарих моҳияти инсон ва ҳаёт каби шу даражада кенг, шу даражада хилма – хил ва ранг – барангки, у баъзан мазмунан бир – бирини инкор қиласиган, бир – бирини рад этадиган ҳиссиёт ва туйғулар оламики, уни бус – бутунлигича англаш ва унга қатъий таъриф бериш амри маҳол. Бироқ уни бутун кўлами, салмоғи ва моҳияти билан англашга интилиш юксак маънавий эҳтиёжлардир, инсоният истиқболи ва тараққиётининг мабайдир.

Ҳар қандай шароитда ҳам тарихни англашда унинг ташкилотчиси ва фаол иштирокчиси, бошқача қилиб айтганда субъекти бўлган инсон қобилиятини, ақл-закосини, интеллектуал имкониятларини ва умуман яхлит олганда инсоний қадриятларни билиш учун ва унга холис баҳо бериш учун фикрга айланаётган қарашлар тўғри асосланган негиз туфайлигина шаклланиши мумкин. Ана шундай фикр ва хulosалар инсон орқали тарихий жараёнларнинг гуманистик моҳиятини, умуминсоний қадриятларини ва йўналишларини бирмунча қамраб олмоғи мумкин.

Яхлит инсоният тарихини ўрганиш хусусида гап борар экан, у энг аввало турли маданиятларнинг ўзаро таъсири ва алоқадорлиги туфайли юзага келганлигини инобатга олиш орқали моҳиятни очиш мумкин. Ушбу илмий ҳақиқат эса макон ва замондагина ўз ифодасини топади. Чунки ҳар қандай замонда, ҳар қандай маконда маълум бир ҳудудда шаклланган, ўз ҳудуди тараққиёти, ижтимоий ҳаёт эҳтиёжлари нуқтаи назаридан вужудга келган қарашлар, манфаатлар ва уларни ўзида ифода этган яхлит маданият дунёга келадики, тарихни ўрганиш ва англашда унга эътибор бермасликнинг иложи йўқ.

Бугунги кунда инсоният иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий эҳтиёжлар муштараклиги ва ўзаро дахлдорлиги туфайли яхлитдир. Лекин бу умумий дунёвий бирлик, биринчидан, даррорв ўзича дунёга келгани йўқ. У кўп асрлик, балки кўп минг йиллик тарихий тараққиётимиз инъикосидир. Иккинчидан, бу тарихий

бирлик остида ҳар бир халқ, ҳар бир давлат, қолаверса, ҳар бир мантақа миллий манфаатларининг устуворлиги ҳам борки, бунга алоҳида эътибор бермоқ лозим.

Демак, бугунги цивилизация, XXI аср тараққиёти нуқтаи назаридан зарурий эҳтиёжга айланган дунёвий интеграция айни пайтда ҳам умумий ва ҳам хусусий моҳиятга эга. Ундан ҳар бир халқ, ҳар бир давлат, ҳар бир жамият ўзича манфаатдор. Дунё яхлит олганда умумий манфаатлар уюшмасидир. Агар у аксинча мазмун касб этиб, манфаатлар тўқнашуви оламига айланадиган бўлса, бу энди янги давр цивилизациясининг таназзули билан боғлиқ бўлган ғоят хатарли ижтимоий – тарихий ҳодисадир.

Н. Конрад “Инсоният тарихи – бу қандайдир жонсиз жараён эмас. У жудаям конкрет ҳолда ўз тутумига эга бўлган алоҳида халқлар фаолиятининг бирлашуви билан шаклланади. Лекин шу билан бир вақтда кўпинча тарихий жараёнларнинг мазмуни битта халқнинг тарихига тааллуқли бўлиб кўринсада, у том маънода фақат умумбашарий тарих туфайлигина очилади”⁸³, - дейди.

Ушбу фикрни англашда инсоният босиб ўтган бир неча минг ийллик тарихий йўл, тарихий ҳодисаларнинг мазмуни ёрдам беради ва унинг исботига айланади.

Тарихнинг мазмун моҳияти тарихий боғлиқ ва унинг бутун кўламини англаш, унга объектив ёндашиш ва фалсафий – мантиқий мушоҳадаларнинг қай даражада шаклланганлиги ороқалигини умуминсоният ютуғига ёки умуминсоний қадриятга айланади. Умуман олганда мавжудод сифатида инсон олами ўтмиш билан алоқадорликни ҳис қилиш, бугунги кун хусусида қайғуриш ва келажакка доимий эҳтиёж билан интилиш каби изчил тадрижий жараёндир. У ана шундай тарихни англаш каби мураккаб маънавий – ахлоқий, маърифий – руҳий жараёнда ўзини намоён этади, иродади кучини кўрсатади ва ундан тегишли хулосалар чиқариш орқали истиқбол моҳиятини англайди. Ҳар қандай индивид ўзига хос бўлган ижтимоий ҳаёт, ўз манфаатларига тўғри келадиган жамият қуради. Ана шу жиҳатдан олиб қараганда тарихни англашда, унга баҳо беришда ҳам ўз ақл заковати ва дунёқараши орқали ёндашади. Демак, тарихга тўғри баҳо бериш учун энг аввало инсон том маънодаги инсонга айланиши лозим. Бошқача қилиб айтганда, комил инсон ўтмиш, бугун ва келажак билан чамбарчас боғлиқ бўлган яхлит ва зарурий эҳтиёждир.

⁸³ Н. Конрад. О смысле истории: Запад и Восток. М., 1972, стр. 454.

ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Ўқитувчи Даврон Алибеков.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги қонуни, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ва Вазирлар Махкамасининг таълимга оид бир қатор қарорларидан қўзланган асосий мақсад билимли, ижодкор, изланувчан, дунёқараши кенг, жамият тараққиёти учун хизмат қиласиган ёшларни тарбиялашдан иборатдир. Бундай вазифаларни тўлақонли амалга ошириш учун албатта таълим сифатига эътибор қаратиш лозим.

Бизга маълумки, таълим тизими ҳар қандай жамиятнинг ажралмас таркибий қисми бўлиб, маданиятнинг қўрсаткичи ва тараққиётининг асоси ҳисобланиб, боғловчи бўғин сифатида, ижтимоий тажриба ҳамда жамият ривожини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг асосий мақсади – баркамол шахс ва малакали мутахассисларни тарбиялашдан иборатдир. Бу мақсаднинг тўлақонли амалга оширилиши узлуксиз таълим тизимини ижтимоий талабларга мувофиқ равишда қайта шакллантиришга боғлик.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Кадрлар тайёрлаш миллий модели ҳамда дастури халқнинг ижтимоий-иктисодий, маънавий ва маданий ривожланишининг, интелектуал салоҳиятининг ортиши ҳамда жамият тараққиёти ва равнақини таъминлашдаги аҳамиятини баҳолаб, шундай дейди: **“Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалга оширилиши, ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, бизнинг гуллаб-яшнаётган, кучли демократик давлат барпо этиш ва фуқоролик жамиятини шакллантиришдан иборат стратегик мақсадимизга эришишнинг асоси бўлиб хизмат қилишимиз лозим”.**

Таълим – тарбиянинг давлат ва жамият учун қадр – қимматини олдиндан белгиловчи ижтимоий негизлар муҳимлигига қарамай, улар асосий нарсани – таълимнинг шахс билан боғлик қадриятларини, яъни инсонларнинг ўз билимига, унинг даражаси ва сифатини оширишга рағбатлантирадиган муносабатларини акс эттириши лозим.

Таълим жараёнининг сифати, таркибидаги умумий ва хусусий жиҳатларини, уларнинг ўзаро бир – бирини тўлдириши, бойитиб

боришини кўриш муҳимдир. Шу нуқтай назардан келиб чиқиб, таълим сифатини оширишда педагогик технологиялардан фойдаланишнинг ўрни ва аҳамиятини асослаб ўтиш жоиздир.

Шу ўринда педагогик технология тушунчаси нимани англатишига тўхталиб ўтиш лозим. Педагогик технология – ўқитувчи маҳоратига боғлиқ бўлмаган ҳолда педагогик муваффақиятни кафолатлай оладиган, ўқувчи шахсини шакллантириш жараёнининг лойиҳасидир.(В.Беспалько).

Педагогик технологиянинг моҳияти дидактик мақсад, талаб этилган ўзлаштириш даражасига эришишдан иборат бўлиб, уни тадбиқ этишни ҳисобга олган ҳолда таълим жараёнини илгаргидай лойиҳалаштиришда намоён бўлади.(У.Нишоналиев).

Педагогик технология – бу ўқитувчининг ўқитиши воситалари ёрдамида ўқувчиларга муайян шароит ва кетма-кетликда таъсир кўрсатиш ва бу фаолият маҳсули сифатида уларда олдиндан белгиланган сифатларни шакллантириш жараёнидир. (Н.Сайдаҳметов). Ушбу таърифлардан хулоса қилиш мумкинки, педагогик технология баркамол инсонни шакллантириш фаолияти.

Демак, биз таълим жараёнини педагогик технологиялардан фойдаланиш орқали ташкил этишда қуйидагиларга эътибор қаратишимиз керак:

- ўқувчи шахсининг ривожланишига;
- таълимга оид меъёрий хужжатларга;
- мустақил муроҷаула қилишига;
- ўқиши асосида билим олишига;
- ўз-ўзини англаб етишига;
- ўз кучи ва имкониятларига ишонч билан қарашига;
- ўз бурчига масъулият билан ёндашишига;
- ўзи ва ўзгалар меҳнатининг қадрига етишига;
- мустақил фикрлай олишига;
- ўз фаолиятини мустақил ташкил эта олишига;
- ўз олдига мақсад қўя олишига;
- ўкув меҳнатига ўзида ҳоҳиш-истак уйғота олишига;
- ҳарқандай вазиятда фаоллик кўрсата олишига;
- тезкор фикрлай олишига;
- манбалардан унумли фойдаланишига;
- бошқалар фикрини ҳурмат қилишига;
- Ўқувчилар дунёқарашига;
- маълумотларни эсда сақлаб қолишига.

Таълим жараёнида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш, дарс жараёнида интерфаол методларни қўллаб дарс ўтиш бугунги кун таълимининг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Чунки таълим жараёнига қўйилаётган энг асосий талаблардан бири анъанвийликдан яъни бир хилликдан чекиниб, ҳар бир дарсимизда ҳар хил усуллардан фойдаланиб ўтишни тақозо этади. Таълим жараёнида ҳар хил интерфаол методлардан фойдалансак, биз ўқувчиларга бераётган таълим сифати янада ошади.

Интерфаол методлар ўқитувчи-ўқувчи ҳамда ўқувчиларнинг ўзаро фаолиятида намоён бўлади. Интерфаол методларнинг бош мақсади ўқув жараёни учун энг қулай вазият яратиш орқали ўқувчининг фаол, эркин фикр юритишига муҳит яратишидир. Интерфаол методлар асосида ўтган дарсни ташкил этиш шундай кечадики, бу жараёнда бирорта ўқувчи четда қолмайди, яъни билган, ўйлаган фикрларини очиқ-ойдин билдириш имкониятига эга бўладилар.

Таълим жараёнида интерфаол методлар орқали ташкил этишда қўйидаги ўқитиши муҳити яратилади:

- ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида соғлом муҳит яратилади;
- ўқиш ва тадқиқотларга кўмаклашади;
- ўқув материалларига эга бўлади;
- ижодкорликка рағбат берилади;
- фикрлар ва ахборотлар алмашинувига имкон яратилади;
- нутқий ривожланишни рағбатлантиради;
- маълумотларни мустақил олиш кўникмалари шаклланади.

Таълим сифатини ошириш ва уни юксалтиришга таъсир этувчи ташқи ва ички омиллар мавжуд. Бу омилларни тўғри ташкил этиш педагоглардан юксак малака, масъулият, маҳорат, ижодкорлик, билимдонлик, нотиқлик, ташкилотчилик каби хислатларга эга бўлишни талаб қиласи. Таълим сифатига таъсир этувчи омиллар қўйидаги схемада батафсил кўрсатилган.

BOLALAR NUTQINI RIVOJLANTIRISHDA TARBIYACHI NUTQI NAMUNA SIFATIDA

**Katta o‘qit.M.Usmonova,
L.Umirova talaba.**

Maktabgacha ta’limning maqsadi mакtabda o‘qish uchun tayyor bo‘lgan, so‘g‘lom va to‘laqonli shaxs sifatida shakllangan bolani

tarbiyalashdan iborat. Maktabga tayyorgarlikni bildiruvchi omillardan biri nutq hisoblanadi. Bolani maktabda muvaffaqiyatli ta’lim olishga tayyorlash uchun unga ona tilining barcha boyliklarini egallab olish uchun tegishli shart-sharoitlarni yaratish zarur.

Maktabgacha ta’lim muassasasining asosiy vazifalaridan biri bolalarning o’z xalqining badiiy tilini o’zlashtirib olishlari natijasida ularning to‘g’ri og‘zaki nutqini shakllantirishdan iboratdir. Bu umumiy vazifa quyidagi maxsus vazifalardan iborat: nutqning tovush madaniyatini tarbiyalash, lug‘atni boyitish, mustahkamlash va faollashtirish, nutqning grammatik to‘g’riliгини takomillashtirish, og‘zaki (dialogik) nutqni shakllantirish, ravon nutqni rivojlantirish, badiiy so‘zga qiziqishni tarbiyalash, savod o‘rgatishga tayyorlash.

Bolalar nutqini to‘g’ri rivojlantirishda tarbiyachi nutqi namuna sifatida xizmat qiladi. Yosh avlod ongu shuuriga ma’naviyat, ma’rifat yog‘dularini singdirish uning kamolotida hal qiluvchi ro‘l o‘ynaydi. Chunki, ma’rifat g‘oyaga aylangandagina u ma’naviyat uyg‘otadigan va real kuchga aylantiradigan omil sifatida namoyon bo‘ladi⁸⁴.

Bolalar aniq va tushunarli so`zlaydigan, iboralar, so`zlar va har bir tovushni alohida-alohida aniq talaffuz etayotgan, ya’ni yaxshi diksiyaga ega bo`lgan pedagog yordamida ona tilidagi tovushlarni muvaffaqiyatli ravishda o’zlashtiradilar. Ko`pincha pedagoglarning talaffuzi biroz noaniq va tushunarsiz bo`ladi, ular tovushlar va so`zlarni og`izni yetarli darajada ochmasdan talaffuz qiladilar, ayrim tovushlar yutib yuboriladi, undoshlar tushunarsiz talaffuz etiladi.

Pedagog talaffuzning adabiy me’yorlariga rioya qilishi, o’z nutqida turli shevalar, mahalliy so`zlashuvlar ta’sirini bartaraf etishi, so`zlarda urg`uni to`g`ri qo`yishi lozim. Nutqda hissiyotlar, fikrlarning eng nozik qirralarini ham ifodalash mumkin. Bunga nafaqat tegishli so`zlar yordamida, balki ifodalilikning intonatsion vositalari, ovoz kuchi, sur’ati, mantiqiy urg`usi, pauza, ritm, tembr, ohangdan to`g`ri foydalanish tufayli erishiladi. Ushbu vositalardan foydalangan holda tarbiyachi tomonidan o`qib berilgan she’rlar, ertaklar, hikoyalar bolalarga ularning mazmunini yaxshi tushunish, ona tilining qudrati va go`zalligini his qilish imkonini beradi⁸⁵.

Bir xil ohangdagi nutq kichik tinglovchilarni toliqtirib qo`yadi, matn mazmuniga bo`lgan qiziqishni pasaytiradi. Bolalar bunday nutqni

⁸⁴ I.A.Karimov O’zbekiston Mustaqillikka erishish ostonasida. T.: O’zbekiston. 2011 y

⁸⁵ F.R.Qodirova. Nutq o’sirish metodikasi, Darslik,Toshkent-2005 yil

tinglash davomida tez toliqib qoladilar, boshqa tomonlarga qaraydilar, chalg`iy boshlaydilar, keyinroq esa umuman tinglamay qo`yadilar. Tarbiyachining nutqi emotsiyalarga boy, yetarli darajada baland va tezligi bir maromda bo`lishi lozim. Bolalar bilan muloqotda xuddi tovushlarni noto`g`ri talaffuz etib bo`lmaganidek nutqning shoshqaloqligiga ham yo`l qo`yilmaydi. Ovozdan noto`g`ri foydalanishni masalan, uning haddan tashqari balandlatishda (guruhda, maydonda shovqin bo`lganida) ko`rish mumkin.

Agarda ovoz past va zaif bo`sса, uni balandlashguncha mashq qildirish va maxsus mashqlar bilan mustahkamlash zarur. Ovozning yoqimsizligini (xirillash, chiyillash) ham bartaraf etish mumkin. Bolalar kattalardan nafaqat tovushlar va so`zlarni to`g`ri talaffuz qilishni, balki ertaklar, hikoyalar mazmunini aytib berish, atrof-olam haqidagi o`z kuzatishlarini bayon qilish, o`z fikrlarini izchil bayon qilish va xulosalar chiqarishni ham o`rganadilar. Bolalarga nutqda u yoki bu mazmunni ravon, qiziqarli va imkonli shaklday etkaza olish pedagog nutqining zarur sifatlaridan biri hisoblanadi. Tarbiyachi o`z fikrlarini izchil bayon qilar ekan, u o`z nutqini tushunarsiz so`zlar, uzoq iboralar bilan qiyinlashtirib yubormasligi lozim. Bolalar nutqni agarda, u qisqa iboralardan iborat bo`lsagina yaxshi qabul qiladilar. Chunki uzun, buning ustiga grammatik jihatdan juda murakkab tuzilgan iboralarni qo`llashda bolalarga uning qismlari o`rtasida aloqa bog`lash, uning mazmunini mulohaza qilish va tushunish qiyin kechadi. Faqat oddiy gaplarni qo`llash bilan cheklanmaslik lozim. Ayniqsa, bog`langan qo`shma gap va ergashgan qo`shma gaplarni keng qo`llash juda muhimdir. Bolalarga hikoya qilib berishda (o`tkazilgan ekskursiya, tabiat haqida va h.k.) faqat asosiy narsani, ya`ni barcha ikkinchi darajali va ahamiyatsiz narsalarni tashlab yuborgan holda faqat ushbu mavzuga aloqador narsalarni ajratib olish va bolalarga yetkazish zarur. Ko`p so`zlash, ortiqcha iboralarni qo`llash tarbiyachining nutqini og`ir, tushunish uchun qiyin qilib qo`yadi. Ona tilining lug`at zahirasi boy, u doimo yangi so`zlar bilan boyib boradi; muomaladan chiqqan so`zlar yo`qolib ketadi. Bolalar bilan muloqotda tarbiyachi bolalarning yosh xususiyatlarini inobatga olgan holda ona tilining leksik boyligini keng qo`llashi: tushunish mumkin va o`zlashtirish oson bo`lgan so`zlarni tanlashi va ulardan o`z nutqida foydalanishi lozim. Bolalar bilan suhbat chog`ida adabiy tilga oid so`zlarni qo`llash, qo`pol so`zlarga yo`l qo`ymaslik, oddiy so`zlashuv tili va shevalardan, shuningdek muomaladan chiqqan so`zlardan ochish lozim. Tarbiyachining lug`ati

qanchalik boy va turli-tuman bo`lsa, uning nutqi qanchalik yorqin bo`lsa, bolalar shunchalik ko`p so`zлarni o`zlashtirib olishlari mumkin.

Tarbiyachining lug`atidagi kamchiliklar sifatida so`zлarni kichraytirilgan-erkalash suffikslari bilan qo`llash (Sevaraxon, qo`lchalaringni yuv; Samadjon, piyolalarni yig`ishtirib qo`y va h.k.), nutqni ortiqcha so`zlar bilan to`ldirib yuborish (Xo`s, aytish mumkinki, demak), nisbatan katta bolalar bilan muloqot qilishda ularga xuddi go`daklarga kabi muomala qilish (Vov-vov qani?) kabi holatlarini keltirish mumkin.

Bolalar bilan ishslash orqali pedagog quyidagilarga e'tiborini qaratishi lozim:

- ona tilining barcha tovushlarni to`g`ri talaffuz qilish, nutqdagi mavjud kamchiliklarni bartaraf etish;
- aniq, tushunarli nutqqa, ya'ni yaxshi diktsiyaga ega bo`lish;
- o`z nutqida adabiy talaffuzlardan foydalanish, ya'ni orfoepik qoidalarga rioya qilish;
- ifodalilikning intonatsion vositalaridan bildirilgan fikrlarni hisobga olgan holda to`g`ri foydalanishga intilish;
- bolalar bilan muloqotda biroz sekinlashtirilgan sur'atda, ovozni sal pasaytirgan holda nutq so`zlash;
- matnlar mazmunini so`zlar va grammatik tuzilmalardan foydalangan holda ravon hamda imkonli shaklda hikoya qilish va bolalarga yetkazish;
- bolalar va xodimlar bilan suhbatda ovozni balandlatish va qo`pol muomalaga yo`l qo`ymaslik.

Nutqning to`g`riliги uning adabiy til normalariga mosligidir. Adabiy til normalari ko`p tarmoqli bo`lgани учун nutqning to`g`riliги ham bir qancha shartlarni o`zida qamraydi. To`g`ri nutq o`zida adabiy tilning fonetik talaffuz, lug`aviy so`z yasalishi, grammatik (morfologik, sintaktik), uslubiy normalarini mujassamlashtirilgan bo`lishi lozim. Bularning birortasidan biroz chetlashgan nutq ham to`g`ri bo`la olmaydi⁸⁶.

Yuqoridagi fikrlardan kelib chiqib quyidagi xulosalarni bildiramiz:

- Tarbiyachining nutqi – bu bolalar ona tili va madaniy nutq na`munalarini o`zlashtirib oladigan asosiy manba hisoblanadi.
- Bolalar bog`chasi tarbiyachisi учун namunali nutqqa ega bo`lish – bu uning kasbiy tayyorgarlik darajasidir.

⁸⁶ Mahmudov N. O`qituvchining nutq madaniyati. Darslik. T.2007.

- Nutqni takomillashtirish haqida qayg‘urish – har bir pedagogning axloqiy va ijtimoiy burchidir.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Karimov I.A. O‘zbekiston Mustaqillikka erishish ostonasida. T.: O‘zbekiston. 2011 у
2. Qodirova F.R. Nutq o‘stirish metodikasi. Toshkent.: 2005 у
3. Mahmudov N. Madaniy nutq muammolari. O‘zbek tili doimiy anjumani. Ta’lim jarayonida nutq madaniyatini shakllantirish masalalari. T. “Sharq” 1999yil.
4. Mahmudov N. O‘qituvchining nutq madaniyati. Darslik. T.2007.

ИНТЕРНЕТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ЮТУҚЛАРИДАН ОҚИЛОНА ВА МАҚСАДЛИ ФОЙДАЛАНИШ


**Катта ўқитувчилари Р.Мунарова,
Н.Аҳмедова, талаба А.Мирзаев**

Хозирги кунда фан-техниканинг ривожланиши умумий таълим тизимини жумладан, унинг принциплари, мазмуни, таълим-тарбия жараёнининг шакл ва усуллари кабиларни тубдан ислоҳ қилишни тақозо этмоқда. Бундай муаммолардан бири таълимни компютерлаштириш муаммосидир.

Замон тараққиётига мос ривожланиш, яъни ҳозирги даврнинг шиддаткор ва шаҳдам одимлари мунтазам равишда юксалишда бўлиб, олдимизга масъулиятли вазифаларни қўймоқда. Айниқса, илм–фаннинг ривожланиб бориши, соғлом турмуш тарзининг такомиллашиб бориши қайси соҳада бўлмасин ўз натижасини кўрсатмоқда.

Дарҳақиқат, интернет – бозор: турли мақсад ва маслакда, турфа шаклларда тарқатилаётган ахборот оқими орасидан зарур ва фойдалисини топиш – олтин излаб қум элашдай гап. Одноклассники, Фейсбуқ, Твиттер, Ютуб, Ватсабб каби ижтимоий тармоқларда ёшларнинг бирор масала – китоблар, суратлар, фильмлар, қўшиқлар ҳақида баҳслашаётганига қўп гувоҳ бўласиз. Фикр алмашилаётгани дидни чархлайди, тафаккурга қувват беради. Лекин баъзи ижтимоий хавфли ахборотнинг акс таъсири унинг ўзидан ҳам хавфлироқ манзараларни ҳосил қилиши мумкин.

Ёшларга интерннтнинг таъсирини икки турга: салбий таъсир ва ижобий таъсирларга ажратишимииз мумкин. Буни замонавий педагогика технологиянинг Венна диаграммаси усули ёрдамида қуйидагича тасвирлашимиз мумкин.



Ёшлар ва компьютер ўйинлари

• Ижобий

- Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишини, клавиатура билан ишлашни ўргатади. Бу ўз навбатида замонавий ахборот воситаларини ўзлаштиришга хизмат қиласди.
- Компьютер ўқув ва машқ (тренажёр) ўйинлари ақл идрокни, билим ва салоҳиятни ўстиришга хизмат қиласди, бу эса қувонарли ҳолат.

• Салбий

- Ўйинларнинг асосий мақсад ва ғоясини таҳлил этадиган бўлсак, улардан фақат қўпорувчилик, ваҳшийлик ва шафқатсизликни ўрганиш мумкин
- Компьютер ўйинлари ёшларнинг руҳиятига салбий таъсир кўрсатади, бунда болалар инжиқ, хаёлпараст, таъсирчан, баджаҳил бўлиб қолади.

Интернет кафелар, уларнинг изжобий ва салбий оқибатлари
Ижобий:

- Компьютер саводхонлигини ошириш
- Янги замонавий технологияларни ўзлаштириш
- Очиқ ахборот манбаидан фойдаланиш
- Турли миллатлар маданияти билан танишиш

- Электрон тијорат ютуқларидан фойдаланиш
- Электрон хабарлар алмашиш ва мулоқот қилиш

ва х.к.

Салбий:

- Виртуал жанговор компьютер ўйинлари
- Даҳшатли фильмлар
- Ёшлар онгини заарловчи турли фильмлар ва ахборотлар

Бундай Интернет кафеларда фойдаланувчилар кўнглига келган ишларни қилиши, турли хил стратегик ва вахшийликка йўналтирилган ҳамда рухиятга таъсир этувчи ўйинларни ўйнаши, турли жанрдаги мусиқаларни тинглаши видео фильмларни ва роликларни томоша қилиши мумкин. Бундай Интернет кафелар ёшларнинг тарбиясида салбий аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтганда маънавий салоҳиятни ўстириш ва баркамол авлод тарбиясида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан тўғри фойдаланишни ташкил этиш

- Интернет ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳамда компьютер ўйинлари ва Интернет-кафе фаолиятини тартибга солиш
- Ахборот - коммуникация ва Интернет технологиялари ютуқларидан оқилона ва мақсадли фойдаланиш.
- Ахборот - коммуникация технологияларидан ва ахборотлардан фойдаланиш маданиятини ва муҳитини шакллантириш.
- Интернет тармоғида ёшларга, уларнинг қизиқишлирига ва интилишиларига, ахборот эҳтиёжларига ҳамда ютуқларига йўналтирилган электрон манбаларни ташкил этиш
- Ёшларни турли хил ахборот хуружларидан ҳимоя қилиш

Ёшларни ахборот технологияларидан фойдаланишга ўргатади ва уларнинг мустақил таълим олишларига шароит яратади, яъни уларнинг касбий фаолиятида, мустақил ҳолда, билимлар эгаллашларида ишончли универсал восита сифатида бўлиб, янги интернет технологияларидан фойдаланишга эҳтиёж ва мойилликни шакллантиради. Интернет тармоғи жадал ривожланиб бораётган ҳозирги шароитда айниқса муҳим аҳамият касб этади. Унинг ёрдамида таълим-тарбия жараёнининг истиқболли ва самарали услубиятини яратиш ҳамда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да қайд этилган рақобатбардош замонавий кадрларни тайёрлашга эришиш мумкин экан.

Бундай жараённинг диққатга сазовор томони шундаки, ёшларни ўз касбий фаолиятини такомиллаштиришга онгли ва ижодий ҳолатда ёндашади.

ЧЕТ ТИЛИ ДАРСЛАРИДА ЯНГИ ЛЕКСИК МАТЕРИАЛНИ ЎЗЛАШТИРИШ

Ўқитувчилар Ш.Н.Пардаев, М.Пардаев

Тажрибалар шуни курсатадики, талабаларнинг чет тили дарсларидан ўзлаштиришлари нафақат уларнинг машғулотлар вақтидаги диққат-эътибори, топшириқларнинг ўз вақтида бажарилиши, қийинчиликларни зabit этишига, балки ўқитувчининг ўқувчини чет тилини ўрганишидаги мустақил кундалик вазифаларини сидқидилдан бажаришга ўргатишига, методик усуллардан самарали фойдаланишига ҳам боғлиқдир.

Шуни таъкидлашимиз керакки, талабалар тил ўрганиш жараёнида лексика устида ишлашга қизиқишлари ва сўзларни шунчаки ёд олмасдан, уларни туғри талаффуз қилишни ўрганишлари, ҳар бир сўзнинг маъносини билишлари ҳамда тўғри ёза олишлари зарурлигини тушунишлари лозимдир. Тушуниб ёдда сақланган сўз хотирада яхши сақланади, акс ҳолда уни нотуғри талаффуз қилиши, хато ёзиши ёки бошқа маънода қўллаши мумкин, чунки ёд олинган сўзни ўзгартириш қийин.

Сўзларни эслаб қолища хотиранинг барча турларидан фойдаланиш муҳимдир: кўриш, яъни сўзни ўқиши ёки ёзиши йўли билан; эшитиш, яъни чет тилидаги сўзни нутқ жараёнида тушуниш; талаффуз қилиш ва сўзларни ёзиши билан эслаб қолиш; ва ниҳоят мантиқан тушуниш, яъни фикрлаш ва ўзлаштирилган материални ўзлаштириш усуллари билан.

Демак, мақсадимиз талабага чет тилини ўргатишда лексик материални тўлиқ ўзлаштириши учун хотирада сақлашнинг барча турларидан унумли фойдаланишни ўргатишдан иборат.

Янги лексик материални ўзлаштириш жараёнида ҳам алоҳида сўзларни ёдда сақлаш, ҳам танланган матнда шу сўзлар устида қайта ишлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Сўзларни ўрганишда фақат уларнинг биринчи даражали маъносини эслаб қолинган бўлса, матндаги бошқа маъносини тушуниш қийин.

Масалан: инглизча **plant** сўзи – ўсимлик, асбоб-ускуна, завод, фабрика маъноларини англатишини билмасдан контекстни

тушуниш осон бўлмайди.

Шунга ўхшаган мисоллар шуни кўрсатадики, луғатдан ёд олинган битта сўз контекстдаги мазмунни англаб етишга етарли бўлмайди.

Алоҳида сўзларнинг аниқ бир тизимдаги ўрнини билиш, уларни ўзлаштиришни осонлаштиради.

Бир мавзу бўйича гурухларга бўлинган сўзлар осон ва мустаҳкам эслаб қолинади. Шунинг учун талабаларни алоҳида сўзларни эмас, балки уларни мавзуга боғлаб ёд олишга ўргатиш зарур. Масалан: “My native town”, “Food”, “My family”, “Animals”, “Plants”, “Seasons and the weather”, “My studies”, “Traveling”, “Transport” ва шу каби мавзуларга тегишли сўзларни бир вактда ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади. Аммо барча сўзларни ҳам алоҳида бир гурухларга ажратиб бўлмайди, бундай ҳолда уларни контекстга боғлаб ўрганиш керак бўлади.

Кўйидаги усуллардан фойдаланиш яхши самаралар беради:

- маълум бир мавзу бўйича таниш сўзлар ёрдамида баён ёзиш ҳам яхши самара беради.

- бир ҳил ўзакли сўзларни таҳлил қилиш, масалан: patriot, patriotic, patriotism; to arm-куроллантиrmok, army-армия, disarmed-куролсиз, arms-қурол, armed-куролланган ва х.к.з ;

- синоним сўзларни ўрганиш: to close, to shut; to fire, to shoot;

- антоним сўзларни ўрганиш: cold – warm, big-small, many-few, much-little, old-new, good-bad, black-white ва хоказо.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, ўхшаш ёки қарама-қарши сўзлар ёдда тез қолади, синоним ёки антоним сўзлар тил ўрганиш доирасини кенгайтиради.

Сўзларни ёдда сақлашни осонлаштириш учун уйин тариқасида бир тарафига инглизча сўз, иккинчи тарафига ўзбек тилидаги таржимаси ёзилган карточкадан фойдаланиб, уни мақсадга мувофиқ равишда давом эттириш мумкин. Яъни, мақсадга йўналтирилган ҳолда, сўзларни гурухлар бўйича жамлаб, танланган мавзу бўйича матнлар яратиш ёки мухокамалар ўtkазиш, диалоглар, монологлар тузиш мумкин.

Бундай карточкалардан фойдаланиш, талабаларни хар қандай мавзу бўйича сўзларни гурухларга жамлаштириб, қуйилган мақсадни амалга оширишга ўргатади.

Юқорида кўриб ўтганимиздек, карточкалардан фойдаланиш лексик хотирани мустаҳкамлашга ёрдам беради. Аммо, сўзларни бутунлай хотирада сақлаш хотиранинг барча турларини системали

равища шуғуллантириш ёрдамида амалга оширилади. Бу эса, турли хилдаги оғзаки ва ёзма лексик маққаларни бажаришни талаб қиласи.

Психологларнинг таъкидлашича, янги лексикани ўзлаштириш уни олти-саккиз марта хар хил маққалар ёрдамида такрорланганидан кейингина амалга ошади. Шунинг учун маққалар турлича ва талабаларнинг оғзаки нутқида қўлланилган бўлишлари керак.

Юқорида айтиб ўтилганлардан келиб чиқиб, ўрганилаётган лексикани мустаҳкамлаш ва оғзаки нутқ қўникмаларини ривожлантириш бўйича мустақил иш учун қуидаги оғзаки ва ёзма маққаларни тавсия қилиш мумкин:

- таркибида ўрганилаётган лексика мавжуд матнни овоз чиқариб ўкиш;
- оғзаки ва ёзма равища янги сўзлардан фойдаланиб, инглиз тилида ўртача қийинликда бўлган гаплар тузиш;
- ўқилган матн буйича, ўрганилаётган сўзлар ёрдамида саволлар тузиш (оғзаки ва ёзма равища) ва уларга жавоб қайтариш;
- она тилида матн мазмунига мос гаплар тузиб, уларни инглиз тилига таржима қилиш;
- маълум бир мавзу буйича, сўзлардан фойдаланиб матнлар яратиш.

Бундай турдаги маққалар талабалардан фаолликни талаб қиласи, ўзлаштирилган сўзлардан фойдаланишни ўргатади.

Лексикани ўзлаштириш устида мустақил ишлаш нафақат хар ҳил турдаги маққаларни бажариш балки, мустақил машғулотларни туғри ташкил қилишни хам кўзда тутади. Шундай қилиб, системали ва туғри ташкил қилинган мустақил машғулотлар талабаларнинг луғат бойликларини ошириш ва улардан унумли фойдаланишга ўргатади. Мустақил машғулотларнинг марадорлигини оширишда компьютердан фойдаланиш, ўрганилган лексика ёрдамида танланган мавзулар буйича ўз дастурларини яратиш алоҳида аҳамиятга эгадир.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, чет тили ўрганаётган талаба янги лексикани ўзлаштиришда мустақил ишларга алоҳида эътибор қилиши талаб қилинади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ахметова Л.Р. Преемственность обучения письменной английской речи на продвинутом этапе языкового вуза (бакалавриат и магистратура):Дис. ...канд.пед.наук.-Ташкент, 2011.

2. Гальскова Н.Д. Современная методика обучения иностранным языкам. –Москва, 2003.
3. Beaumont M., O'Brien, T. Teaching Communicatively through Reading and Writing Activities. Manchester: CELSE, University of Manchester, 1995.

MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALAR NUTQINI RIVOJLANTIRISH OMILLARI

**O‘qituvchi B.Norbekova,
Z.Komilova talaba**

Uzluksiz ta’limining dastlabki bo‘g‘inini maktabgacha ta’lim tashkil etadi va bu bosqich keyingi ta’lim turlariga bola ongiga dastlabki bilimlarni beruvchi “fundament” vazifasini bajaradi. Bu borada Prezidentimiz I.A.Karimov shunday deydi: “ Ko‘p yillik ilmiy kuzatish va tadqiqotlar shuni ko‘rsatadiki, inson umri davomida oladigan barcha informatsiyaning 70 foizini 5 yoshgacha bo‘lgan davrda olar ekan”.⁸⁷ Shu jihatdan ushbu ta’lim bosqichidagi muammolarni o‘z vaqtida aniqlash va bartaraf etish har bir pedagoglarga muhim vazifa yuklaydi.

Sog‘lom bolani tarbiyalash masalasiga yurtimizda asosiy e’tibor qaratilgan bo‘lib, bir necha yil nomlari ona va bolani ularni har tamonlama himoya qilishga, rivojlantirishga yo‘naltirilgan bo‘lib, uning yorqin misoli sifatida 2014- yilni “Sog‘lom bola yili” deb nomlanishidan ham anglash mumkin. Sog‘lom bolani tarkib toptirish juda ko‘p omillarga bog‘liq bo‘lib, bolaning kamolot mezonlaridan biri uni psixikasini har tomonlama rivojlantirishdir. Bolaning psixik taraqqiyoti unda sezgi, idrok, diqqat, xotira, nutq, hayol va tafakkurning rivojlanishi bilan uzviy bog‘liq.

Bolaning ruhiy kamolotining ko‘p jihatlari nutq bilan bog‘liq ravishda rivojlanadi. Chunki, bola muloqotga kirishishi ya’ni tengdoshlari va kattalar bilan bo‘ladigan muloqotlari jarayonida juda ko‘plab ma’lumotlarga ega bo‘ladi va o‘zining ruhiyatini keyingi rivojlanish bosqichiga ko‘tarib boradi. Shuning uchun, bola hayotining dastlabki birinchi oyidan tarbiya faqat uni parvarish qilish bilan chegaralanmasligi kerak. Bolaning ilk yosh davridan eshitish qobiliyatini tarbiyalash, shuningdek, bolaning emotsional sohasi – jilmayish, kulish, va ovoz tonini uyg‘otish lozim. Bularning xammasi birgalikda nutqining rivojlantirishga xizmat qiladi.

⁸⁷Karimov I.A. Yuksak ma’naviyat yengilmas kuch. Toshkent. “Ma’naviyat” nashiriyoti. 2008 yil 53-bet.

Bolalarda nutq faoliyatining rivoji o‘zgalar nutqini oqilona idrok qilish va tushunish imkonini yaratadi, shaxslararo muomala ko‘lамини yanada kengaytiradi.⁸⁸ Shu jihatni hisobga olib mактабгача та’лим muassasalarining pedagoglariga qo‘yиладиган asosiy talablardan biri ularning ijodkor bo‘лишлари, zamonaviy texnologiyalardan unumli foydalana olgan holda bolalar nutqini rivojlantirishga o‘z hissalarini qо‘shishлари shuning bilan birgalikda o‘z kasbini yaxshi ko‘rish, bolalar bilan ishslash, metodikasini ham chuqur o‘zlashtirgan bo‘lishi zarur. Bu jarayon bolalarning bilishga bo‘lgan qiziqishlarini oshiradi. Bolalarni sevish pedagogning mehnatini jozibali va yengil qiladi. Tarbiyachining bolalarga munosabatida tarbiyalanuvchi shaxsiga hurmat, unga talabchanlik bilan qarash talab etilsa, bu munosabat bolada pedagogga nisbatan ishonchni uyg‘otadi, tarbiyachiga esa bolalarga chinakam ma’naviy murabbiy bo‘lishga imkon beradi.

Bog‘cha yoshidagi bolalar eng avvalo ko‘rgazmali ifodalangan yoki ularning faoliyatlargia jalb etilgan predmetlar, hodisalar, sifatlar, xususiyatlar, munosabatlarning nomlanishini o‘zlashtiradi. Buni bola tafakkurining ko‘rgazmali-harakat va ko‘rgazmali-obrazli harakterda ekanligi bilan tushimtirish mumkin. Shu tufayli ham, bog‘cha yoshidagi bolalar lug‘atida abstrakt (mavhum) tushunchalar deyarli uchramaydi.⁸⁹ Bolalar nutqidagi bu hususiyatni ham mashg‘ulotlar jarayonida hisobga olish zarur. Bolalarning nutqlari kattalarning nutqlaridan keskin farq qilinadi: Masalan: “r” o‘rniga “l” yoki “y”, “sh” o‘rniga “s” tovushlarini ishlatishlari kuzatiladi. Nutqi to‘liq rivojlanmagan mактабгача yoshidagi bolalar uchun pedagogik mahorat alohida ahamiyatga ega. Mактабгача та’лим yoshdagi bolalarda dastlabki ma’naviy – ahloqiy tushunchalarni shakllantirish bolaning dastlabki rivojlanish bosqichlaridayoq amalga oshirilishi lozim bo‘lgan pedagogik talablardan biri bo‘lsa, ma’naviy sifatlar: mehribonlik, to‘g‘rilik, vatanparvarlik, insonparvarlik, intiluvchanlik, tashabbuskorlik, milliy qadriyatlarga hurmat, milliy g‘urur kabi va ahloq – odobga oid sifatlar: ota – onaga hurmat, salomlashish odobi, kiyinish va ovqatlanish odobi, mehnatsevarlik, uyda va jamoat joylarda o‘zini tutish kabi fazilatlarni tarbiyalash jarayoni ham bolalarda nutq zahirasining yetarlicha rivojlanishini talab etadi.

⁸⁸Goziyev E. Psixologiya. Toshkent. “O‘qituvchi” nashiriyoti. 1994 yil. 92-bet.

⁸⁹Nishanova Z., Alimova G. Bolalar psixologiyasi va uni o‘qitish metodikasi. Toshkent. “Adabiyot” nashiriyoti. 2006 yil.

Maktabgacha ta’lim mazmunini tashkil etishda bolalar nutqini rivojlantiruvchi noan’anaviy usullardan foydalanish; ularda mashg‘ulotlarga qiziqishni yanada orttirish uchun har-xil integrasiyalashgan xususiyatga ega bo‘lgan ko‘rgazmalardan foydalanish; maktabgacha yoshdagi bolalarga mashg‘ulotlarni tashkil etishda doimo bolalarning tafakkur xususiyatini(ko‘rgazmali obrazli, ko‘rgazmali harakatli, emotsonal) hisobga olish; ta’lim jarayoni bola yoshiga mos bo‘lishi yoki imkoniyatlarini hisobga olgan holda metodlarni tanlash bilan bog‘liq bo‘lishi; bolalarga yondashuvda logoped, difektolog, psixolog, tarbiyachi, ota – onalar o‘zaro hamkorlikda ish olib borishlari maqsadga muvofiqdir.

Maktabgacha ta’lim yoshdagi bolalar tafakkurini rivojlantirish ularda nutq jarayonini rivojlantirishga uzviy bog‘liq bo‘lib, tafakkur nutqning mahsuli ekanligini hisobga olsak, bolalarda nutqni rivojlantirishda tarbiyachilar asosan quyidagilarni mashg‘ulotlarda hisobga olishlari zarur:

- Bolaning yosh davr xususiyatlarini;
- Bolaning individual imkoniyatlarini;
- Bolaning xarakter xususiyatlarini;
- Bolaning tarbiyasiga kuchli ta’sir yetuvchi omillarni (kattalar, do‘stlari, tarbiyaviy vositalar va hakazo).

Bola tarbiyasi hech qachon o‘zining dolzarbligini yo‘qotmagan muammolardandir. Chunki, har tomonlama rivojlangan yosh avloddan jamiyat ham manfaatdordir.

MA’NAVIYAT SOATLARIDA YANGI PEDAGOGIK TEXNOLOGIYLARDAN FOYDALANISH

**Arnasoy iqtisodiyot kolleji
o‘qituvchisi Sh.Tuyg‘unova**

Yangilanayotgan jamiyatimizda sog‘lom avlodni, tarbiyalash, erkin fuqarolik ma’naviyatini shaklantirish, ma’naviy-ma’rifiy ishlarni yuksak darajada ko‘tarish orqali barkamol avlodni voyaga etkazishga katta e’tibor berilmoqda “*Ma’naviyat soati*” darsi “*Qiz bolaning sha’ni*” mavzusida yangi pedagogik texnologiyaning “*Muammoli vaziyat*” usulining qo’llanilishi bo'yicha bir soatlik dars ishlanmasini tavsiya qilamiz

Dars mavzusi: “Qiz bolaning sha’ni”.

Darsning maqsadi:

Ta’limiy: Qiz bolaning sha’ni haqida tushuncha hosil qilish.

Tarbiyaviy: Qizlarni odob –ahloqqa chaqirish. Qizbolaning sha’ni haqida tushuncha berish.

Rivojlantiruvchi: O’quvchilarni mustaqil fikrlashga o’rgatish.

Darsning natijasi: O’quvchilarda Muomala madaniyati, kiyinish, yurish-turish, o’zini tutish madaniyati haqida bilim berish, ko’nikma hosil qilish va malakasini oshirish.

Darsning turi: Aralash turda foydalilanilgan noanъanavий usullar:

a) “Aqliy hujum” usuli.

b) “Muammoli vaziyat” usuli

Darsning tipi: Ma’ruza.

Darsning jihojlanishi: Kitob, maruza matni, ko’rgazmali qurollar, tarqatma materiallar, xat.

Mashgulotning tartib raqami: № 14

№	Guruh, bosqich, yo’nalish	III-bosqich, 72-guruh.
	Bajarish vaqtি:	

Dars uchun ajratilgan vaqt: 80 daqiqa.

Dars o’tish joyi: 6 xona.

Darsda qo’llaniladigan asosiy metodlar.

1) Ma’ruzani hikoya qilib berish metodi.

2) Suhbat metodi.

3) savol- javob metodi.

Darsga kerakli ko’rgazmalar:

1) Ma’ruza matni;

2) xat;

3) Rasmlar.

Darsning borishi va mazmuni:

1) Ma’ruzani hikoya qilib berish metodi.

2) Suhbat metodi.

3) savol- javob metodi.

Darsga kerakli ko’rgazmalar:

4) Ma’ruza matni;

5) xat;

6) Rasmlar.

Dars boshlandi. O'uvchlar bilan salomlashiladi va davomat olinadi. Darsda yo'q o'quvchilar jurnalga qayd etiladi. Uyga qanday vazifa berilganligi so'raladi.**Uyga vazifa “Tadbirkorlik davr talabi” edi.**

O'tgan mavzuni so'rash: (“Aqliy hujum” usulidan foydalaniladi”)

S A V O L A R:

1. Tadbirkorlik nima?
2. Hozirgi kunda tadbirkorlik faoliyatiga qo'yilgan talablar?
3. Qanday kishilarni tadbirkor deb ataymiz?
4. Tadbirkor niqobi ostidagi odamlarni biz tadbirkor deya olamizmi?
5. Tadbirkorlikning ahamiyatli tomonlari.
6. Tadbirkorlikka ochilgan keng yo'l.

Juda yaxshi, bolalar, bugungi darsga tayyorgarliklaringiz yaxshi endi biz sizlar bilan yangi mavzu o'tamiz

Yangi mavzu: «Qiz bolaning sha'ni»

Reja:

1. Milliy an'analar va qadriyatlar haqida.
2. Qiz bolaning sha'ni haqida tushuncha.
3. Bugungi kun yoshlari.

O'zbek milliy ma'daniyati degan qisqagina jumla tahlili xususida so'z borar ekan, uning zamirida millatimizning turmush tarzi, xarakteri yashash sharoiti, urf-odatlari, qadriyatлari va ayrim hollarda o'ziga xos bo'lган kiyimlarni mavjudligi tilga olinadi. Darhaqiqat, milliy madaniyatimiz boy. Ammo, asrlar qa'ridan, tahlikali zamonlardan bizga qadar yetib kelgan madaniy boyliklarimizga munosabat bugun e'tirofga arzigelik darajada deb ayta olamizmi?

Markaziy Osiyo davlatlari ichida O'zbekiston o'zining asriy qadriyatlari, uzoq o'tmishga va e'tirofga loyiq tarixiy madaniyatiga ega davlat. Unda istiqomat qilayotgan xalq esa asriy an'analarini va qadriyatlarni e'zozlaydi, unga hurmat bilan munosabatda bo'ladi.

O'zbek yigit deganda-baquvvat, mard, matonatli, qat'iyatli, g'ururli va hokazo sifatlarga ega bo'lган yigitlar ko'z oldimizda namoyon bo'ladi. O'zbek qizi deganda esa-hayoli, iboli or-nomusli, andishali, farosatli, oilasi va farzandini doimo birinchi o'ringa qo'yadigan oqila ayollar siy wholemosiga ta'rif keltiriladi Erkaklarni-ku, qo'ya turaylik, ammo ayollarimizdagи yuqorida tilga olingan eng go'zal fazilatlar ikkinchi qutb kishilari nazdida ularning erkinligiga daxl

qilarmish. Ayollarimiz doimo uzun ko'yakda yurishadi, otalari, akalari, turmush o'rtoqlarining ko'zlariga tik qaramaydi. "Bolam" deb yashaydi. Kerak bo'lsa, kechalari uxmlamay alla aytib tong orttiradi. Axir bu, o'zbek ayolineng eng go'zal fazilati va ayni paytda baxti emasmi?

Afsuslar bo'l sinki, bu baxtga ham go'yo ko'z tegdi. Ayni paytda ba'zi o'zbek qizlari ham o'zlarini "erkin inson" sifatida his qilayotgan bo'lsa, ajabmas.

Hozir ta'lim muassasalariga qatnayotgan qizlarga chetdan bir razm solib ko'ring-a. Ular bu dargohga bilim olish uchun emas, kiyimlarini va shu bilan o'zlarini ko'rsatish uchun kelayotgandek ko'rindi, nazarimda. Ko'pchiligining sumkasida esa bitta qayrilgan daftar yonida upa elikdan boshqasini topolmaysiz.

Inson har doim yaxshi niyatlar bilin yashaydi, kelajakda o'z oldiga qo'ygan maqsadlari sari intiladi. Albatta buning uchun, avvalo ilm ma'rifatli bo'lish lozim. Poydevor esa maktabda egallangan bilimlar evaziga qo'yiladi. Endi bir mulohaza qilib ko'ring. Bilim dargohiga qizlarimiz nima niyatda kelayaptilar, umuman, ularning hayotda yashashdan maqsad-muddaosi nima?

Yaqinda o'zim guvoh bo'lga bir voqeani sizga bayon qilsam. O'zim dars bergan o'quvchim menga maktub yo'llabdi. Aslida xatni begona kishiga o'qib berish odobdan emas, lekin siz-u, bizni maslahatimiz kerak.

Assalomu alaykum Shoira opa!

Sizga qog'oz qoralab maktub yuborishimdan maqsad dilimdagи gaplarimdir.

Men ota - onamning qarshiligiga qaramay qo'shni qizlar bilan Q'ozoqistoniga ishlash uchun borishga qaror qildim. Bordim ham, ko'rdim ham, lekin men o'ylagandan butunlay boshqacha ekan.

Biz u yerdagi fermerlarning paxtasida ishladik, ular bizga qozoq mengesida haq to'lashini aydi. Lekin aytilgan haq to'lanmadid. Bizni olib ketganlar sotib ketgan ekan. Biz janjal ko'tardik. Ular bizni rosa kaltaklashdi va qiynoqqa solishdi.. Boshimdan ko'p narsalar o'tdi...

Axiri bu yerdan qochishga qaror qildik. Dala dasht bo'y lab qochdik. Och qolgan vaqtlarimiz, kechasi o't - o'lanlarichida pisib uxlaganlarimizni, odamlarni ko'rsak mahluqni ko'rgandek qo'rjanlarimizni tasavyr qilolmaysiz. Bularni sizga yozyapman-u ko'llarim titrab, ko'zim yoshga to'lib ketyapti.

Shoira opa Q'ozogiston chegarasidan o'tdigu xo'ngrab yig'lab yubordik. Biz o'z yurtimizni ko'rolmay o'lib ketamizmi deb qo'rqqan

edik. Men shunday vaqtida yomon qo'rqan odamlarimni ham yaxshi ko'rib ketdim. Endi hech qachon ota - onam fikriga qarshi bormaslikka, ular buyurgan ishni o'z vaqtida bajarishga ahd qildim. Hammasidan ham achinarlisi mening ko'z yoshlarim misoli, orzularim ham oqib ketdi. Hayotni men uchun qizig'i qolmadi. Nima qilay qanday yo'l tutsam, men bu holatdan chiqaman. Ota-onam yuzini yerga qaratdim bu aybimni qanday yuvay deb o'quvchingiz....

Deb maktubini tamomlabdi.

Endi sizlarga shunday topshiriq maktub egasiga o'z o'rtoqlik maslahatlaringizni berishingiz mumkin. Keling bunga javob berishdan oldin sizlar bilan "Muammoli vaziyat" o'yinidan foydalananib savollarga javob topsak.

"Muammoli vaziyat" usuli

Muammoli vaziyat	Muammoli vaziyatning sababi	Vaziyatdan chiqib ketish yo'li
O'quvch qilgan ishidan pushoymon.	1.Ota-onasining gapiga quloq solmaganligi. 2.O'ta manmanligi. 3.O'zgalarning gapiga kirganligi.	1? 2.....? 3.....?

Doskaga chizmasini chizib o'quvchilarga tushuntiramiz. Ularni ikki yoki uch guruhga bo'lib, vaziyatdan chiqish sabablarini birgalikda bahs-munozara tarzida olib borsak ham bo'ladi. (O'quvchilar bu o'yinda muammoni yechishida 10-15 daqiqa vaqt ketadi.)

O'quvchilar muammoni yechib bo'lgach, men ham xulosalarimni aytib yakunlayman va o'zim yozgan xatning javobini o'qib eshittirdim.

Aziz o'quvchim...

Hayot tekis yo'l emas. U o'nqir-cho'nqir yo'ldan iborat. Mana shu yo'ldan borar ekansan, senga duch kelgan mashaqqatlarga sabrliroq bo'lishni maslahat beraman.

Vaqt oily hakam. Hamma narsa unitilib, hamma narsa kechiriladi. Endi ota-onang oldida, mahalladoshlarining oldida aybingni

yuvish uchun aql bilan ish tut. Har bir yaxshi harakatlaring bilan ularni hursand qil. Shunda hammasi yaxshi bo'ladi. Sendan yaxshi farzand, vafoli yor, mehribon ona chiqishiga ishongim kelyapti. Meni ishonchimni oqla deb o'qituvching Shoira.

Deb o'z maslahatlarimni berdim. Sizlarning javoblariningizni eshitib, shu vaziyatga tushganda o'zlariningizni qanday tutasizlar, bu vaziyatdan qanday chiqib ketishingizlar, qanday yo'l topishingizni bilmoqchi edim. Demak, sizlar shunday vaziyatga tushganda o'zlariningizni bu vaziyatdan chiqarib olishlaringizga, hayotda to'g'ri yo'l tanlashlaringizga ishondim.

Demak, bugungi darsimiz o'z nihoyasiga etdi. Mening o'quvchimga bergen maslahatlariningiz, ko'rsatgan to'g'ri yollariningiz uchun o'quvchim uchun rahmat.

Uyga vazifa o'qib, bilib kelish. Darsimiz tugadi hayr.

Foydalanilgan adabiyot:

1. Pedagogika -Toshkent 2000 yil
2. Kasb mahoratini oshirish yo'llari.
3. "Ma'rifat" gazetasi 2007 yil
4. Ta'lim texnologiyasi. 2009 yil

IV- SHUBA: MUBORAK QADAMLAR

SAFARNOMALARING INSON MA'NAVIYATIDA TUTGAN O'RNI VA AHAMIYATI

H.Ne'matova II-bosqich magistranti.

Zahiriddin Muhammad Bobur o'zbek xalqining sevimli farzandi. Otashqalb shoirning hayoti va ijodiga qiziqqan ixlosmand insonlar talaygina. Z.M.Boburning ijodiy merosini asrab-avaylash, ularni kelajak avlodga etkazish borasida respublikamizda bir qancha ishlar amalgalashgan. Ulardan eng e'tiborlisi, 1992 yil "Bobur" nomli xalqaro jamg'arma hamda "Bobur izidan" ilmiy ekspeditsiyasining tashkil etilganligidir. Ushbu ekspeditsiya a'zolari bugunga qadar 30 dan ortiq xorijiy davlatlarga 15 marotaba ilmiy safarlar uyushtirib, "ko'hna tariximizga oid va buyuk ajdodlarimiz qoldirgan noyob asarlarning asl va foto nuxsalari mamlakatimizga olib kelindi, ular asosida 30 dan ortiq kitoblar chop etildi, 27 ta hujjatli videofilmlar yaratildi, 300 dan ortiq Bobur va Boburiylar tarixiga oid noyob kitob va qo'lyozma asarlar ilmiy iste'molga kiritildi".

Ekspeditsyaning bir qancha safarlarida bevosita ishtirok etgan hamda safar hayajonlarini kitobat etib borgan yozuvchi Qamchibek Kenjaning bir qancha safarnomalari kitobxonlar e'tiboriga havola etildi. Masalan, "Andijondan Bag'dodgacha" asaridagi birida lirik, birida yumoristik jumjalarga boy voqealar bayonini o'qir ekanmiz, bevosita o'zimizda safar ishtirokchilari bilan birga yurgandek tasavvur uyg'onadi.

Safarnomani yozish mobaynida muallif ibratomuz she'rlar, g'azallar, rivoyatlar hamda tarixiy dalillardan o'rinali foydalangan. Muallif har bir narsa, voqe-a-hodisalardan shunchaki beparvo o'tib ketolmaydi, balki atrofga sinchkov va ziyrak nigoh bilan boqadi. Ulardan qandaydir ibrat, ezgulik kabi inson ma'naviyatiga daxldor tuyg'ularni axtaradi. Jumladan, ekspeditsiya a'zolari Gulistonning cho'llaridan o'tayotib, behisob qarg'alarning xas-xazon titkilayotgan manzarasiga guvoh bo'lishadi. Bu manzarani tasvirlash mobaynida yozuvchi "Ota o'g'il va qarg'alar" rivoyatidan ta'sirlanib yozgan she'rini keltiradi. She'rda tasvirlangan kimsasiz cho'lning g'amgin sukunatini qiroqli qish kunlaridagi ko'rinishini ko'z oldimizda gavdalantirib, shoirning hikoya qilmoqchi bo'layotgan ibratlari voqeasining tadrijini o'qishda davom etamiz:

Yurishgandir o'n chaqirim,

So‘roq yuz bor bo‘lgandir.

Ota o‘g‘lin yuz bora ham

Suyib javob bergandir...

She'r juda ta'sirli yozilgan. Unda otaning ermaktalab bolasining bir xil savollariga erinmaygina, hafsala bilan javob berishi tasvirlangan. Bolalar dunyoni, olamning sir-sinoatlarini bilishga oshiqishadi, tabiiyki, bu jarayon ularning tabiatan sersavol bo‘lishlariga asos bo‘la oladi. Ba’zan bir savolni takror va takror so‘rashlari kattalarni biroz asabiylashtirsa ham ular bunga ko‘pam e’tibor bermaslikka harakat qilib, savollariga qoniqarli javob berishga urinishadi. Demak, she’rning ushbu baytlarida anashu bola tabiatidagi sersavollik munosib javobini topa olganligi, bolaning yuz bor berilgan savollariga otaning suyib javob bergenligi o‘z aksini topgan. Ammo taqdirning g‘alat ishlarini ko‘ring. Oradan yillar o‘tgach, shu farzand ulg‘ayib otasini xuddi o‘sha yo‘ldan olib ketayotganda, otasi o‘g‘lini gapga solish uchun bergen bir xil so‘roqli savolini ketma-ket takrorlashidan o‘g‘il zada bo‘lib ketadi va otasini haqorat qiladi :

Ot yo‘rg‘alar, faromush chol,

So‘rar uchinchi marta

Tig‘day tegdi bu gal javob:

-Kar bo‘ldingizmi ota ?!

Bizning mintalitetimizga xos bo‘lgan kattalarga hurmat, kichiklarga izzat ko‘rsatish, o‘zaro mehr-oqibatli, diyonatli bo‘lish kabi xususiyatlar azal-abad qon-qonimizga singib ketgan qadriyatlardandir. Ma'naviyatimiz sarchashmalari bo‘lmish bu kabi rivoyatlar, doimo insoniyatni komillik sari da'vat etadi. Safarnomalarni mutolaa qilish barobarida, unda o‘zimiz uchun nimadir kashf etayotgandek bo‘lamiz va albatta, yangidan-yangi ma'lumotlarga ham ega bo‘lib boramiz. Safar taassurotlari, qutlug‘ qadamjoylarning ziyorati haqidagi tafsilotlar zamirida inson ma'naviyati va ruhiy kamoloti uchun xizmat qiluvchi bir qancha ibratomuz rivoyatlarning ahamiyati xususida o‘yga tolamiz.

Demak, safarnomalar shunchaki sayohat asnosida ko‘rgan-kechirganlarni qayd etib borishidangina iborat bo‘lgan asar emas. Unda turfa xil taqdirlarning qa‘rida yashiringan turfa ma’nolarni topish mumkin. Keltirilgan ushbu rivoyat she'r insonlarni hushyor torttiradi. O‘zingiz haqingizda, sizning keksalarga bo‘lgan munosabatingiz haqida yana bir bor o‘ylab ko‘rishga da'vat etadi. Oqibatli bo‘lishga undaydi.

Dunyoning tugamas tashvishlarini bir zum chetga qo‘yib, mushohada yuritishga chorlaydi.

Ma'naviyatga, ilm-ma'rifatga tashna ziyo lilarimizning bu kabi xayrli ishlari bardavom bo‘lsin! Zero, yurtboshimiz aytganlaridek, shu yurtda yashayotgan har qaysi inson o‘zligini anglashi, qadimiy tariximiz va boy madaniyatimiz, ulug‘ ajdodlarimizning merosini chuqurroq o‘zlashtirishi, bugungi tez o‘zgarayotgan hayot voqeligiga ongli qarab, mustaqil fikrlashi va diyorimizdagi barcha o‘zgarishlarga daxldorlik tuyg‘usi bilan yashashi zarur.

Adabiyotlar ro‘yxati:

1. Internetdan olindi: <http://www.google.ru>.Bobur fondi
- 2.Qamchibek Kenja. Andijondan Bag‘dodgacha (Buyuklar izidan)/ Safarnoma-4. - Т.: “Sharq”, 2007.- 16-bet.
- 3.I.Karimov. Yuksak ma'naviyat - engilmas kuch. T.Ma'naviyat.2008 yil, 17-bet.

«АНОР» ҲИКОЯСИДА ЎХШАТИШЛАР

Л. Қаюмова 2-босқич магистранти.

«Инсонни, унинг маънавий оламини кашф этадиган яна бир қудратли восита борки, у ҳам бўлса, сўз санъати, бадиий адабиётдир. Адабиётнинг инсоншунослик деб, шоир ва ёзувчиларнинг эса инсон руҳининг муҳандислари деб таърифланиши бежиз эмас, албатта.»- дейди Юртбошимиз И.А.Каримов .¹

Юртбошимизнинг бу сўзларини машхур сўз заргари Абдулла Қаҳҳор ижоди орқали кўришимиз мумкин.Абдулла Қаҳҳор ўз она тилимиздан ниҳоятда моҳирона фойдалана олган десак янглишмаймиз.Абдулла Қаҳҳор ҳикояларидаги сўзлар халқ дилидан чиқсан халқ тилидир.

«Тилимизда муайян бир фикрни бир қанча шаклу шамойилларда ифодалаш имкониятлари мавжуд, айнан қайси шаклу шамойилни танлаш , мулоқот вазияти учун энг уйғун ифодани топа билиш нутқ эгасининг маҳорату малакаси, маърифату маънавиятига боғлиқ.»²

Адид мана шу тилдан фойдалана олиш маҳоратини юксак даражада ўз асарларида кўрсатиб берган. Абдулла Қаҳҳор

¹ И.А.Каримов “Юксак маънавият енгилмас куч” Т.Маънавият. 2008 й. 136-бет

² Низомиддин Махмудов “Тилимизнинг тилла сандиги” Т.2012 й. 6-бет.

ҳикояларида халқ тилини ўз ҳолича унга ўзгартиришлар киритмай, китобхонга таъсир ўтказа оладиган, унинг қалбига етиб борадиган қилиб тасвирлаган.

Қуйида Абдулла Қахҳорнинг «Анор» ҳикоясини таҳлил этамиз:

«-Бу ер юткур қандай бало экан!...Одамлардай гулутага, тузга, кесакка бошқоронғи бўлсам-чи!

Туробжон дўпписини бошдан олди ва қоқмокчи бўлганида кўзи йиртиқ енгига тушди, юраги ачиди: энди уч-тўрт ювилган янгигина яктак эди!

Ахир бошқоронғи бўл, эвида бўл-да! –деди дўпписини қоқмасдан бошига кийиб,-анор, анор... Бир қадоқ анор фалон пул бўлса! Шоҳимардондан сув ташиб, ўтин ёриб, ўт ёкиб бир ойда оладиганим ўн саккиз танга пул. Акам бўлмаса, укам бўлмаса...»³

Матн оддий сўзлашув услубида ёзилган. Ҳикояда бош қаҳрамон Туробжон ва унинг анорга бошқоронғи бўлган хотини тасвирланган.

Бошқоронғи хотин учун унинг эри келтирган мумли асал ҳам бир оддий нарсага айланди. Унинг қорнида кўтариб юрган, туғилмаган гўдаги ҳам кўзига ёмон кўриниб уни ер юткур, бало деб атайди. Хотинининг шунчалик анор ейишни ҳоҳлашини, «одамлардай гулутага, тузга, кесакка бошқоронғи бўлсам-чи»-деган сўzlари орқали очиб берган.

Туробжон ҳам анор олиб бера олмаганидан қийналади. «-Ахир бошқоронғи бўл, эвида бўл-да! »- дейди, лекин унинг бир ойлик маоши бир қадоқ анорга ҳам етмаслигини айтади.

Ёзувчининг маҳорати шундаки, иқтисодий танг, кун кўриш тасаввур қилиб бўлмайдиган даражада оғир эканлигини тасвирлар экан Туробжоннинг хотини тилидан «Одамлардай гулутага, тузга, кесакка бошқоронғи бўлсам-чи», деб бошқоронғилик ҳолатини тасвирлайди. Бу ўринда шуни таъкидлаш лозимки, оддий сўзлашув тили имкониятларидан заргарона фойдаланган ҳолда аёл турмушдан эмас ўз-ўзидан норози бўляпти. Бу орқали оила муқаддаслиги янада равshanлашади. Агарда бу жараённи ҳозирги турмушга, ҳозирги «Муқаддас оила йили», «Обод турмуш йили» каби Ҳукуматимиз юритаётган тадбирларга муқояса килинса, давр нуктаи назаридан ўзбекона аҳлок- одоб намоён бўлади. Туробжоннинг ўз турмушидан айни пайтда ижтимоий

³ Абдулла Қахҳор “Қисса ва ҳикоялар” Т.2012 й. 73-бет

тузумдан норози бўлиши ўлкамизда энг мўл-кўл бўлган анорга нисбатан қўллаш орқали ўқувчи хиссиётига ўта тъсирчанликни юзага келтиради.

Туробжоннинг ижтимоий тузумдан норози эканлиги яна бир карра Муллажон қозининг бешик тўйини тасвирлаш орқали ҳам очиб берилган. Ўша даврнинг ҳолатини ёзувчи бир хонадонда бир дона анорга зор хотин, бошқа хонадоннинг боғини боғ эмас, анорзор деб тасвирлайди. Чунки ўша даврда элликбоши, мингбоши, қозилар энг яхши хонадон эгалари ҳисобланишарди.

Ёзувчи Туробжоннинг бир дона анор олишга пули йуқ пайтда, Муллажон қозининг уйидан отилган мушакларнинг нархларигача тасвирлайди.

«-Мушак,-деди Туробжон ,-Муллажон қозининг боғида. Муллажон қози бешик тўйи қилган.

Хотин индамади.

-Шаҳардан тўралар ҳам чиққан,- деди Туробжон яна. Хотин яна индамади. У Муллажон қозининг боғини кўрган эмас, аммо таърифини эшитган. Бу боғни кўз олдига келтириб кўрди: боғ эмас, анорзор... Анор дараҳтларида анор шифил, чойнакдай-чойнакдай бўлиб, осилиб ётипди.

Битта мушак уч мири, деди Туробжон ,- юзта мушак отилса ... биттангадан юз танга.

Бир миридан кам етмиш беш танга бўлади.»⁴

Ҳаётнинг аччиқ зарбаларидан, йўқчилик азобидан қийналган Туробжон, оиласи учун ўғрилик қилишга ҳам мажбур бўлади.

Абдулла Қахҳор ҳикояларини ўқиган китобхон, унинг беназир, юксак маҳоратига тан бериб кўя қолади. Чунки Абдулла Қахҳор ҳикояларини ўқиб туриб, ҳар бир китобхон ўша давр рухиятини, ёзувчини айтмоқчи бўлган фикрини аниқ англай олади ва ҳозирги обод турмуш тарзимизга бениҳоя шукроналар келтиради.

ABDULLA QODIRIY IJODI TARIXIGA BIR NAZAR Ravshan Sattarov II -bosqich magistranti.

Abdulla Qodiriy 1914-1916-yillar oralig‘ida o‘zining “Baxtsiz kuyov”, “Juvonboz”, “Uloqda” singari badiiy pishiq asarlarini e’lon qildi. “To‘y”, “Ahvolimiz”, “Millatimga bir qaror”, “Fikr aylag‘il” kabi

⁴ Абдулла Қахҳор “Қисса ва ҳикоялар” Т.2012 й. 74-75 бетлар.

ajoyib she'rlar yozdi. Biroq shunday bo'lsa-da, Qodiriy o'zini yozuvchi yoki shoir, asarlarini esa chinakam badiiyat maxsuli deb sanamagan. Chunki yozuvchining ijodi ayni inqilobdan keyingi yillarda o'zining qizg'in pallasiga kirdi. Boisi 1917-yilgacha bo'lgan davrda Qodiriy kundalik matbuotda havaskor yozuvchi sifatida ishtirok etib keldi. Zamonasining asl farzandi, vijdoni uyg'oq kishisi sifatida zulm o'chog'iga aylangan podsho hukumatiga qarshi norozi ruhda ulg'aydi. Ammo o'z kayfiyatini ochiq namoyon etishning iloji bo'lmaydi. "Buyuk Oktabr" esa yozuvchiga ana shunday imkoniyatni yaratib berdi. Yozuvchi inqilobning mamlakatda katta o'zgarishlar yashashini bilgan, shuning uchun ham uni zo'r ishtiyoq bilan kutib olgan. Shu voqeadan keyin Qodiriy davlat ishlariga faol aralashadi, matbuot idoralarida, jumladan, "Ishtirokiyun", "RosTA" gazetalarida adabiy xodim, muhbir bo'lib ishlaydi, rahbarlik qiladi. Bu hol unga uzoq yillardan buyon qalbida tugub yurgan orzu-istiklarni oshkor etish uchun zamin hozirladi.

Mavjud vaziyat to'g'risida " – Biz jasorat so'rар edik. Lekin berish qayerda – jasoratimizning qolgan-qutganini ham olmoq muddaosida edilar. Biz so'z erkinligi so'rар edik. Lekin tilimizni tek-tugidan kesmoqchi edilar. Jasorat bitkan edi, til kesilgan edi... Yuragimizdagi bir oz umidni istisno qilg'anda, boshqa narsalar yulinib-yulqing'an edi. Nihoyat, fig'on va nolalarimiz arshia'lolarga yetganda umidimiz quyoshi istiqlol tug'di. Jasorat bug'magarlarining oyog'lari osmondan, til qassoblarining manfur gavdalari jahannam tegidan keldi. Istiqloldan biz boshliqcha jasorat oldiq, so'z erkinligi oldiq"⁹⁰,-deb yozadi Qodiriy. Haqiqatdan ham yozuvchining Oktabrdan keyingi yillarda yaratgan ilmiy-adabiy asarlariga ko'z tashlaydigan bo'lsak, ularda o'sha yillardagi ijtimoiy-siyosiy hodisalar, kundalik voqealar, milliy urf-odatlarimiz, umuman, hayotiy muammolar to'g'risida achchiq, ammo haqqoniy qarashlar ilgari surilganiga amin bo'lamiz. Birgina misol, adibning "Echkining oti Abdukarim" nomli hajviyasida shunday lavha bor: "Tuzuk, sen yaxshi niyat bilan tariq ekasan va ustiga suvlar sepesan. Natija? Uyi kuysin natijaning, bolasi o'lsin burniga yel tushgan haqiqatning. Ko'ngil ayniydir. Bu elning nesi ko'p? Cho'talchisi yoki butalchisi. Aytish uyat ammo aytmasang nomus. Qo'ldan bir ish kelishi gumon, biroq ishtaha karnay! Darmon yo'q va lekin yurakning qora burchagini obod qilgan bir armon bor!"⁹¹. Bir qarashda faqat kulgi

⁹⁰ Xabibulla Qodiriy. "Otamdan xotira". T.: Yangi asr avlod. 2005, 413 b, 38-bet.

⁹¹ Qodiriy, Abdulla. She'rlar. Hikoya va ocherklar. Hajviyalar/A. Qodiriy:mas'ul muharrir N. Karimov. –T.: O'qituvchi. 2011.160 b, 99-bet.

uchun aytilgandek tuyuluvchi bu fikrlar zamirida ulkan haqiqat yashiringan bo‘lib, Qodiriy xalqimizning 20-yillardagi og‘ir turmush-tarzini, mansabdorlar zulmidan aziyat chekayotgan, soliqlardan madori qurigan dehqonlar hayotini shu yo‘sinda hajv qilgan. Shuni alohida ta’kidlash kerakki, Abdulla Qodiriy ijodining ko‘lami nihoyatda keng. 20-yillar adabiyotida u qalam tebratmagan birorta janr bo‘lmasa kerak.

Yozuvchi zamonasining ilg‘or kishisi sifatida bilim olishni hecham kanda qilgan emas. Agar boshqacha bo‘lganda edi, adabiyot maydoniga kirib kelganiga o‘n yildan oshgan, yuzlab ilmiy-adabiy maqolalar, o‘nlab hikoya va ocherklar e’lon qilgan, hatto, “O‘tkan kunlar”dek shoh asarni yozib tugatayozgan adib tarjimai holida “O‘ktabr kundan kunga o‘sdi. Uning o‘sishi barobarida madaniy, ilmiy ehtiyojlar ham o‘sdi. Men tartiblik, maktab ko‘rmagan nodon bir yigit edim. Uncha-muncha bilgan narsalarim ham o‘z tirishuvim orqasida zamona sharoiti va majburiyati ostidagi chala-chulpa gaplar edi. Keyingi kunlarda nodonligim o‘zimga qattiq his etila boshlab, bu hol bilan uzoqqa keta olmasligimni sezdim va 1924-yilda xizmatimdan javob olib, Moskvaga o‘qishga ketdim. Maqsadim uch-to‘rt yil ilmiy muassasalarda bo‘linmak edi”⁹², -deb yozmagan bo‘lardi. Bizningcha uning bu fikrlarini kamtarlikka yo‘yib bo‘lmaydi. Aksincha, “yetti o‘lchab bir kesadigan”, ham aqliy, ham jismoniy mehnatni kanda qilmaydigan, atrofdagilarga nisbatan o‘ta talabchan bo‘lgan bir kishining o‘zi haqida bildirgan xolisona fikri deb tushunish lozim. Bunday deyishimizga sabab Abdulla Qodiriy bilan bir davrda yashab, birga faoliyat olib borgan Mo‘minjon Muhammadjon o‘g‘li-Toshqin bu to‘g‘rida o‘z xotirlarida shunday yozadi: “Abdulla Qodiriy har narsaga tanqidiy nazar bilan qarar, xurofot, bid’atlarga g‘oyatda qarshi edi. Uning har bir so‘zidan hajviy ifoda anqib turar edi. G‘oyatda jasoratli, o‘z so‘zida ustuvor va barqaror, g‘oyatda zakovatli edi”⁹³. Qodiriy go‘zal asarlar yaratish bilan birga o‘zbek adabiyotining mazmun-mundarijasini belgilab beruvchi nazariyalar ham yaratdi. “Bir millatning har bir sohada tutkan mavqeyi madaniyatidagi darajasiga, ya’ni saviyasiga qarab hukm qilinsa ham, ammo hajviyotdagi darajasi bunga qaramaydir. Millatning kulgililik dahosi aksar o‘sha qavmning intiboh tarixining qaldirg‘ochi bo‘lib ko‘rinadir. Masalan, Italiyada-Dante, Ispaniyada-Sevantes va Rossiyada-Gogol kabi. Chunki daholarni yetishtirguchi bosh omil buzuq sharoit

⁹² Xabibulla Qodiriy. “Otamdan xotira”. T.: Yangi asr avlod. 2005, 413 b, 56-bet.

⁹³ Abdulla Qodiriy. /To’plovchi va nashrga tayyorlovchi Xondamir Qodiriy/. -T.: Abdulla Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti, 2004.-32 b, 9-bet.

edi”⁹⁴. Uning ko‘ngil bulog‘idan otilib chiqqan bu kabi “oltin qoidalar” hajvchiligidiz rivojidagi asosiy omillardan biri bo‘lib keldi. Qodiriy ezgulik yo‘lida hech narsadan cho‘chimas edi. Kezi kelganda esa rahbar hodimlarni ham ayab o‘tirmasdi. 1926-yilda yozuvchi o‘zining yuqori mansab egalarini tanqid qiluvchi ana shunday maqolasi(“Yig‘indi gaplar”)ni e’lon qildi.

Xulosa qilib aytganda Abdulla Qodiriy har bir asarida jamiyat qitig‘ini keltiradigan, uning rivojlanishiga to‘sqinlik qiladigan muammolar yuzasidan so‘z ochadi. Ularni bartaraf etish uchun kurashadi. Ta’lim jarayonida huddi shu jihatlarni inobatga olish, ta’lim oluvchilarda mardlik, jasurlik kabi fazilatlarning qaror topishida muhim o‘rin tutadi.

СЎЗ БАДИЙ МАТНДАГИ АСОСИЙ ЎЛЧОВ БИРЛИГИДИР

Ў.Алимов магистрант

Она тили дарсларида матннинг ниҳоятда хилма-хил турлари билан ишланади. Улар орасида илмий услугга дахлдорлари ҳам, бадиий асарлардан олинган парчалар ҳам, расмий-идора услугига тегишли ҳужжатлар, илмий-оммабоп услугдаги материаллар ҳам, публицистик жанр намуналари ҳам мавжуд. Дарс жараёнида мана шу хилма-хил типдаги матнларни турли мақсад нуқтаи назаридан таҳлил қилишга тўғри келади. Айни пайтда бу матнлар хилма-хиллиги фақат она тили дарсларида эмас, балки турли фанларни ўрганиш жараёнида ҳам тавсия этилади, ўқувчилар улар билан танишади, улардан ўз оғзаки ва ёзма нутқида фойдаланади. Она тили дарслари эса уларнинг интеграцияси учун масъуллик вазифасини ҳам адо этади. Ўқувчи қайта ҳикоялаш, конспект тузиш, реферат ижод қилиш, тақриз ва аннотациялар ёзишда матннинг хилма-хил турларига дуч келади. Айниқса, турли хилдаги оғзаки матнларни кўплаб тузишга ҳаракат қиласи. Улар тасодифий, бадиҳатан ҳам, ёки олдиндан бирмунча тайёргарлик кўриб ҳам амалга оширилиши мумкин.

Бадиий асар тилини таҳлил қилишда турли тил сатҳларининг ўрни ва ўзаро муносабатлари ҳам айрича аҳамият касб этади. Биз фақатгина бадиий асар тилини лексик таркибига кўра таҳлил қилишга эътиборни қаратайлик.

⁹⁴ Abdulla Qodiriy. /To’plovchi va nashrga tayyorlovchi Xondamir Qodiriy/.-T.: Abdulla Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti, 2004.-32 b,17-bet.

Дасталаб сўзнинг лексик маъносидан бошлайлик. Сўз бадиий матндаги асосий ўлчов бирлигидир. Сўз маъносининг тўлиқ англанишигина матн маъносини тўла ва тўғри англашнинг бош омили бўла олади. Сўз маъноси англанмас экан, бу матннинг тўла ўзлаштирилиши амалга ошмайдиган мақсад ва вазифа бўлиб қолаверади. Мумтоз асарларимизни, айниқса, таълимнинг турли босқичларидан кўп ўрин олган ғазал, рубоий, мухаммас каби классик адабиётимизнинг фаол жанрларидағи асарларнинг яхши ва кенг даражада ўзлаштирилмаслигининг асосий сабабларидан бири ҳам, бизнингча, бир томондан уларнинг таркибидаги сўзлар маъносининг охиригача мукаммал тарзда ўзлаштирмаслиги, уларнинг асосий ва лексик маъноларининг тўла англаб етилмаслиги билан алоқадор бўлса керак. Шу ўринда, айрим мисолларга мурожаат этайлик. Масалан Хоразмий ҳақида гапирганимизда, жумладан, шундай деймиз:

“Хоразмийнинг тили ниҳоятда ширали. У ўзбек тилининг нозик ва нафис ички имкониятларини муҳаббат билан намойиш эта олган. “Шакардек тил”, “тонг ёқтуситек”; “тан ичра жон”, “арслон юрак”, шунингдек, “олдини тутмоқ”, “олдин кечмоқ”, “ер ўпмоқ”, “елга бермоқ” каби ифодалар Хоразмий тилининг нафосатини белгилаб беради. Асарда Фаридун, Сулаймон, Масих, Юсуф, Хотами Той, Рустам, Али, Муҳаммад Хўжабек сингари тарихий ҳамда афсонавий номлар учрайди. Муаллиф ўрни-ўрни билан арабча ва форсча сўзлардан ҳам усталик билан фойдаланади.

Шунинг учун ҳам “Муҳаббатнома” ўзбек тили тарихини ўрганиш учун ҳам бой манба бўла олади. Унинг ўша давр тилининг бадиий ёдгорлиги сифатидаги қадри баланддир”.

Бу гаплар мағзини чақиш учун эса Хоразмийнинг “Муҳаббатнома”си тили устида ишлаш талаб этилади.

Бунинг учун дарслик материалига мурожаат қиласиз:

Номалар ошиқнинг ўз маъшуқасига дил изҳорлари тарзида ёзилган. Уларда маъшуқа таърифи асосий ўрин тутади. Биринчи номанинг дастлабки мисралари ёқ худди шу тарзда бошланган. Маъшуқанинг кўрки тенгсиз. У кўрклиларнинг подшоҳи унинг гўзаллиги ҳақидаги мадҳ (хуснунг сипоҳи) оламни тутган.

Маъшуқа-парирухсор. Аммо парирухсорларнинг ҳам гўзали – кўркабойи.

Юз, қош, кўз хол, бўй (қад) тасвиrlари ниҳоятда хилма-хил ҳолатларда жуда гўзал ва оригинал тарзда тасвиrlанади:

*Турубдур кўзда қаддингиз хаёли,
Анингдекким сув узра тол ниҳоли.*

Лирик қаҳрамон назарида маъшуқа гўзаллик, латофат ва назокатда тенгсиз. У оламдаги энг азиз ва мўътабар инсон. Мумтоз адабиётимизда бўлганидек, Хоразмий тасвирида ҳам маъшуқа бепарво, қаҳри қаттиқ, жафокор ва ҳатто бевафодир. Шунинг учун ҳам маъшуқа “номеҳрибон”, “аҳди бақосиз”.

*Қамуқ ёқут эринли, сўзи дурлар,
Вафасизликни сиздан ўрганурлар.*

Бироқ ошиқ кўнгил изҳорида собит, у ўз ишқига содик. Фикрида қатъий:

*Давр сизнинг дуурур даврон боринча,
Кулунгизмен танимда жон боринча.
... Киши қайда ўларин билса бўлмас,
Ҳақиқат ёридан айрилса бўлмас.*

Ҳатто:

*Аюурмен, юз нечаким келса меҳнат,
Жафо сиздан, тақи биздан муҳаббат.*

Умуман, асарда ҳақиқий гўзалликни таъриф ва тасвир этиш, инсоний муҳаббат туйғуларини самимий ифодалаш, инсон қалбидаги нозик кечинмаларни қаламга олиш асосий ўрин тутади. Бу гоҳ маъшуқа ва сабога мурожаат, гоҳ ошиқ қалб изҳори тарзида намоён бўлади. Уларнинг барчасига хос хислат – юксак бадииятдир. Адибнинг ўхшатиш ва сифатлашларидан бошлаб, танлаган вазни, жанри, қофия ва радифларигача ана шундай нозик бадииятни юзага келтиришга хизмат қиласди.

*Агар десам сени Рустам, ёрарсен,
Қиличининг бирлса сафларни ёрарсен.*

Муҳаммад Хўжабек мадҳига бағишлиланган бу парчада мамдуҳ-мақталаётган одам Рустамга ўхшатилмоқда. Биринчи мисра охиридаги “ёрарсен”-ярайсан, лойиқсан, арзугуликсан маоноларини беради. Кейинги мисрадаги шу сўз эса “ёрмоқ”, “бўлиб ташламоқ” маъноларига эга. Бундай тажнисли қофиялар адибнинг оғзаки анъаналар билан яқиндан танишлигини кўрсатади. Бугина эмас, халқона киноя ва қочирилмлар, анъанавий тасвир воситалари, хусусан, муболага ва ўхшатишлар тизими ҳам бу фикри қувватлайди.

Бундай таҳлилни замонавий шеърият мисолида ҳам амалга ошириш мумкин.

*Юртим, сенга шеър битдим бу кун,
Қиёсингни топмадим асло.
Шоирлар бор ўз юртим бутун-
Оlam аро атаган танҳо.
Улар шеъри учди кўп йироқ,
Қанотида кумуш диёри.
Бир ўлка бор дунёда бироқ.
Битилмаган достондир бори:
Фақат ожиз қаламим маним
Ўзбекистон, Ватаним маним.
Асарнинг гоявий мазмуни:*

А.Орипов “Ўзбекистон” шеърини Ватан мавзусида яратди.

Унда ватанпарварлик ғояси илгари сурилди.

Шоир Ўзбекистонни баланд овоз билан Юртим-Ватаним дея олди. Шеър орқали юртимизнинг тарихи эса олинди, Беруний, Навоийдек буюк инсонлар ўзбекнинг фарзанди эканлиги таъкидланди. Ўзбекистонни битилмаган достон деб таърифлади.

Шеърнинг бадиий таҳлили:

1. “Ўзбекистон” шеъри бармоқ вазнида ёзилган. Шеър 15 банддан иборат, ҳар бир бандда 10 тадан мисра бор, бир мисра 9 та бўғинга бўлинади.

2. шеър қуидагича қофияланади:

Буқун- бутун, асло – танҳо, йироқ-бироқ, диёри-бори, қаламим-Ватаним.

Ўқувчиларга саволлар билан мурожаат қилиш мумкин:

Шоир нима учун қофияда айнин шу сўзларни келтирган? Кофияда ватан тушунчаси билан боғлиқ бўлган сўзлар борми? Шундан сўнг шеър таркибидаги ҳар бир сўз устида ишлаш мумкин бўлади. Бунинг учун уларни

- а) сўз туркумлари бўйича;
- б) сўз бирикмалари бўйича;
- в) таянч сўзлар бўйича;
- г) ўз ва кўчма маънодаги сўзларнинг нисбати бўйича;
- д) банддаги фикрнинг изчил ва узвийлиги бўйича таҳлил қилиш мумкин бўлади.

Шеърда ўхшатиш, сифатлаш ва қиёслаш каби бадиий тасвир воситаларидан унумли фойдаланилган, яъни шеърни қушга, шеър ёзилган варақни қанотга, рус шоирларини кумуш диёр вакилларига қиёсланган.

Ҳар қандай бадиий асарни тўғри ва тўла тушуниш учун унинг сўз бойлигини охиригача англаб етиш зарурати бор. Шунга эришиш керакки, бадиий асар ўқилганида ундаги бирорта сўз ҳам эътибордан четда қолмасин. Ҳар бир сўзнинг луғавий маъноси ҳам, унинг айни матндаги маъноси ҳам ўқувчилар томонидан онгли тарзда ўзлаштирилсин. Ана шундагина бадиий асардан олинадиган завқ учун тўла ва мустаҳкам пойдевор яратилган бўлади.

ЎЗБЕКИСТОНДА ШАРОФ РАШИДОВ МУЗЕЙИННИГ ХУҚУҚИЙ ФАОЛИЯТИ

**З.Ахмедов магистр СамДУ
Илмий раҳбар доцент Б.Эргашев**

Ўзбекистон Мустақилликка еришгач, музейлар маданий ва маънавий тарбия берувчи маърифат ўчоғига айланди. Президентимиз И.А.Каримов " Таълим тўғрисида" ги қонун, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" асосида ёшларимизни билимли, юксак салоҳиятли, жисмонан ва маънан етук инсонлар етиб тарбиялашнинг яхлит механизми шакллантирилди. Ушбу дастурларни амалга оширишда музейларнинг ҳам ўзига хос ўрни бор.

XX1 аср музейлари фаолиятига назар ташласақ, улар кечаги экспозитциялардаги бирхиллик узгармас кургазмалар ва зерикарли экскурсиялардан воз кечиб ташрифчиларга манзур буладиган Янги йуналишларда фаолият курсатмоқдалар.⁹⁵

Мустақиллик йилларида таниқли ўзбек ўғлони Шароф Рашидов шахсини тиклаш тўғрисидаги хурматли Президентимиз И.А.Каримовнинг фармонлари эълон қилинди. "Ушбу фармонга асосан бир қатор хайрли ишлар амалга оширилди. Ш. Рашидов ёдгорлик музейи 1992 йил Шароф Рашидовнинг 75 йиллик юбилейини ўtkазиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг XI-сонли қарорига асосан Шароф Рашидов ёдгорлик музейи ташкил қилинди."⁹⁶

Шароф Рашидов музейи 1992 йил 6 ноябр қуни иш бошлади.
"Кўргазма майдони 150 м кв. М.
Умумий экспонатлар сони-**2363** та.
Асосий фондда-**1633** та.

⁹⁵ Исмоилова Ж.Музей педагогикаси. Т, 4(52) 2011. 26.

⁹⁶ "Ўзбекистон музейлар ишини такомиллаштириш ва ривожлантириш ҳақида" Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг қарори. Ўзбекистон адабиёти ва санъати 1998 йил 10 январ.

Ёрдамчи фондда-730”⁹⁷

Республикада ягона Ш.Рашидов ёдгорлик музей ташкил этилди. 1992 йил 6 ноябр куни Ш.Рашидов таваллудининг 75 йиллиги кенг миқиёсида Жиззах ва Тошкент шаҳрида ўтказилди. Ушбу тадбирда президентимиз И. Каримов шундай деган еди . “Тинч ётганини гуридан олиб рухини чирқиратган нобокорларнинг айбу хатоларини тузатиб, енди шу инсоннииг хурматини жойига куяйлик .

Агар олий адолат мавжуд булса, бизнинг этикодимизга кура халк фикри олий хакикатdir , худи анна шу адолат , худи ана шу хакикат Шароф Рашидов номи билан бөглиқ булган , жумхурият хаётидаги узгаришларда катта ахамиятга эга булган улкан узгаришларни рад ета олмайди... Шароф Рашидов таваллудининг 75-йиллигини нишонлашдан максад: Авваломбор, бу улуг зотнинг уттиз йилдан кўпроқ Узбекистонимизга, халкимизга килган хизматини улуғлаш, номини авлодлар учун тиклашдир.”⁹⁸ “Шароф Рашидов тўғрисида Исмоил Сулаймоновнинг “Эл отаси эди”, Ўрол Носировнинг “Шароф Рашидов давр фарзанди”, Асил Рашидовнинг “Акам ҳақида”, Шароф Рашидов сафдошларидан Очил Мўминовнинг “Мен Шароф Рашидовдан қарздорман” номли бир қатор рисола ва хотира китоблари ёзилди.”⁹⁹

Бинонинг экспозицион сатҳи 250 м.кв. бўлиб, музейни жихозлаш ва безатиш ишларини Тошкентдаги “Ойбек” уй музейининг тажрибали музейшунослари ва безакчи рассомлари томонидан амалга оширилган.

“Музей экспозицияси 14 бўлимдан иборат бўлиб, 50 дан ортиқ мавзулар ёритилган.”¹⁰⁰

Дастлабки бўлимга қўйилган экспонатлар Шароф Рашидовнинг ёшлиқ йиллари, болалигидан ҳикоя қилинади.

Шароф Рашидов 1917 йил 6 ноябрда Жиззахда Совунгарлик маҳалласида оддий дехқон оиласида дунёга келди. Отаси Рашид бобо Ҳалилов дастлаб “Қизил карвон” (хозирда Ҳамроқул Носиров) номидаги жамоа хўжалигига узоқ йиллар меҳнат қилди ва бу даврда пахтачиликда ишлаб, катта обрў-эътибор қозонган пахтакор эди. Онаси Қўйсиной буви уй бекаси булади. Болаларини тарбияси билан жиддий шуғулланади.

⁹⁷ Музей фондидан

⁹⁸ Нарзулла Жураев, Шоди Каримов. Узбекистон тарихи. Шарқ. Тошкент. 2011 й. 626-627 б.

⁹⁹ Мозийдан садо журнали. Т. 2009 йил. 76.

¹⁰⁰ Музей фондидан

Шароф Рашидов дастлабки билимини Наримонов номли етти йиллик тўлиқсиз ўрта мактабда таҳсил олади (ҳозирда Жиззах шаҳар 10-мактаб).

Шароф Рашидов 1941 йилда Дорулфунуни мувафақиятли тугатганда Улуғ ватан уруши бошланади.

Шароф Рашидов биринчилар қаторида август ойидаёқ журналистик қаламини қуролга алмаштириб ватанини ҳимоя қилишга жўнаб кетади. У Шимолий-Ғарбий фронтнинг 38 ўқчи биригадасининг сиёсий раҳбари сифатида иш олиб боради.

1942 йилда Шароф Рашидов оғир ярадор бўлиб, ватанига қайтиб келади, бу вақтда Шароф Рашидовнинг икки қовурғаси синади, бир буйрагини олиб ташлашади.

Ана шундай ярадор бўлиб келган Шароф Рашидов Жиззахдаги Ленин номли ўрта мактабда ҳам ўқитувчи, ҳам мудир бўлиб ишлай бошлади.

1944 йилда Шароф Рашидов Самарқанд вилояти Фирқа қўмитасининг котиби қилиб сайланади. Самарқанднинг халқ хўжалигининг ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшади.

1959 йил Шароф Рашидов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари деб сайланди. Секретарлик фаолияти давомида ҳам доимо ҳалқ билан яшайди.

“Шароф Рашидов бутун умри давомида Ўзбекистонни гуллаб яшнашига катта ҳисса қўшади. Шаҳарлар билан бир қаторда қишлоқларни газлаштиришга ҳам катта эътибор беради.

Буни Ўзбекистоннинг газлаштириш бош схемасидан кўришингиз мумкин. Ўзбекистоннинг чекка қишлоқларига ҳам газ қувурлари етиб борган”¹⁰¹.

Шароф Рашидов жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида хорижий сафарларда бўлади. Жазоир, Чили, Австрия ва бошқа мамлакатлар бунга мисол бўла олади.

Шароф Рашидовнинг бутун фаолияти аввало она Ўзбекистонни ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган эди. Бугунги кунда эришган буюк баҳтимиз мустақиллик асрий орзуимизни ушалганлигидан далолатdir. Шубҳасиз шу мустақиллик кунларни Шароф Рашидов ҳам орзу қилган эди. 1966 йилда Тошкентда кучли ер силкиниши бўлиб, шаҳарни вайронга қилди. Шароф Рашидов Тошкентни жуда яхши қўрган. Шунинг учун Шароф Рашидов қўшни республикаларнинг ёрдами билан

¹⁰¹ Музейшунослик. Москва 1988 й 29 б

бевосита раҳбарлигига Тошкент янги замонавий шаҳарга айлантиради.

Тошкентни бутун дунёни энг гўзал шаҳарларидан бирига айлантиришга ҳаракат қиласди. Шунинг учун ҳам Тошкентнинг энг катта кўчаларидан бирига Шароф Рашидов номи берилди.

“Ўрта Осиёда биринчи бўлиб Тошкент метросини қуриш Шароф Рашидов фаолиятининг муҳим қирраларидан бирини ташкил этади. Замонавий ер ости қатнови воситаларини қуриш учун кўпдан кўп хизматлари сингди.”¹⁰²

Шароф Рашидов Тошкент шахрида метрони яратишда катта тўсиқларга дуч келган. Бу ҳакда “халқ сўзи” рўзномасида Қорақолпоғистон вилояти партия Кўмитасининг собиқ биринчи котиби Қаллибек Камолов ўз эсталикларида ёзишига қараганда Шароф Рашидов Тошкент метрополитени қурилиши масаласи бўйича КПСС МҚнинг Бош котиби Л. И. Брежнев қабулига турли пайтларда ва холатларди олти марта кирган экан. Еттинчи марта кирганида “Сен, Рашидов, метроинг билан жонимга тегдинг” деб хужжат устига қўл кўйиб берган экан. Мамлакат “отаси”нинг хонасидан оғир хўрсиниб “Нихоят ҳал бўлди... деб чиқсан Рашидов холатини, дард аралаш севинчини Қ. Камолов алоҳида такидлади”¹⁰³

Шароф Рашидов қаерда бўлмасин Ўзбекистоннинг равнақи учун курашади. Ўрта Осиёда ягона Жиззах вилоятидаги Аккумулятор заводини маҳсулотини мисол қилиб қўрсатишимиш мумкин.

“Шароф Рашидов ўз халқига, ватанига фидоий фарзанд эди. Ўз халқини келажаги устида кўпроқ ўйлар эди. Катта ўзбек тракти Тошкент-Термиз йўлини ишга тушганлиги фикримизнинг далилидир.”¹⁰⁴

Шароф Рашидов Ўзбекистоннинг Мудофаа Кучларини мустаҳкамлашда катта ҳисса кўшган.

Навбатдаги бўлимда барча экспонатлар, яъни сурат ва эсталиклар чет мамлакатлар билан дўстона алоқанинг рамзидир.

“Музей экспозицияларда Шароф Рашидовнинг Буюк Британия министри Д.Макмилон, Франция министри билан, “Совет Ўзбекистони” китобини инглиз ва француз тилларидаги нашри,

¹⁰² И. Содикова Маданий ёдгорликлар ҳазинаси Т. Фан 1981 й 35 б

¹⁰³ Нарзилла Жўраев, Шоди Каримов Ўзбекистон тарихи Шарк Тошкент 2011 й 623 б

¹⁰⁴ Музейшунослик. М.1988 й. 266.

Индонезия Президенти Сухарко, Куба Президенти Федель Кастро, Вьетнам давлати раҳбари Хоши Мин, Эрон шаҳаншоҳи Ризо Пахлавий билан, Афғонистон қироли Муҳаммад Зокиршоҳ билан, Бангладеш миллий партияси Президенти Музффар Аҳмад билан, Ҳиндистон бош вазири Жавохирлаъл Неру билан, кейинчалик Индра Ганди билан учрашувлари акс эттирилиши билан бир қаторда Куба, Бирма, Ҳиндистон, Алжир ва Вьетнамдан берилган совғалар ҳам ўрин олган”¹⁰⁵.

1979 йилда Москвада ўтказилган хоккей бўйича Европа чемпионатига, 1980 йил бўлиб ўтган олимпиадага фахрий меҳмон сифатида таклиф қилинади. Музейда Европа чимпионати ва олимпиададан берилган эсталик совғалари бунинг ёрқин мисолидир.

Навбатдаги бўлим лирик бўлимлардан бири бўлиб, Шароф Рашидовнинг ижодий фаолиятига бағишлиланади.

Шароф Рашидов бадиий ижодига 30 йилларнинг охирларида кириб келган. Самарқанд Давлат Дорулфунунининг талабаси бўлган даврида шеърият ва журналистикада қалам тебратা бошлади.

“1938 йил “Ленин йўли” рўзномасининг 8 март сонида “Санъатинг кулсин” шеъри босилди. Шундан кейин унинг шеърлари матбуот юзини кўра бошлади. Шароф Рашидов шеърларини жамлаб 1945 йил “Қахрим” номи остида китобхонларга тақдим этди.”¹⁰⁶

Шароф Рашидов драматург А.Ақрам билан ҳамкорликда 1946 йилда “Равшан” драмасини ёзади. Бу асар 1916 йилги Жиззах қўзголонига бағишлиланади.

Шароф Рашидов ҳинд халқи билан яқин алоқада бўлиб келган. 1965 йилда Ҳиндистон сафарида бўлди. Сафар чоғи Ҳиндистон халқининг ҳаёти, бой маданияти, санъати ва адабиёти билан танишди.

“Музейда кўза ва хонтахта ҳам Ҳиндистондан эсталик учун берилган”¹⁰⁷.

Музейда Шароф Рашидовнинг оила аъзолари билан таништирувчи бўлим ҳам бор.

¹⁰⁵ Музей фондидан

¹⁰⁶ Мозийдан садо журнали. Т.2008 33 б

¹⁰⁷ Мозийдан садо журнали Т. 2010 й. 22 б

“Оиланинг тўнғич фарзанди С.Рашидова Тошкент илмий текшириш институти директори ва президент ҳузуридаги инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлимни бошлиги.

Раъно Рашидова турмуш ўртоғи Абдулазиз Комилов билан биргаликда Америка Кўшма Штатларида Ўзбекистон вакили сифатида иш олиб боришади. Гулнора Рашидова турмуш ўртоғи билан биргаликда Бирлашган Миллатлар Ташкилотида Ўзбекистон вакили сифатида иш олиб боришади. Дилором Рашидова техника фанлари номзоди, оиланинг ёлғиз ўғли Илхом Рашидов Ўзбек рангли металл концернида олтин сотиш бўйича бўлим бошлиги вазифасида фаолият кўрсатиб келмоқда”¹⁰⁸.

Музейда, Шароф Рашидовнинг иш хонаси мемориал, яъни шахсий ишхонаси хам жой олган. Китоб жавонида Шароф Рашидов ёзган ва фойдаланган китоблар терилган, жавон тепасида дон маҳсулотларидан тайёрланган Шароф Рашидовни портрети қуйилган. Портрет Шароф Рашидовнинг 60 йиллигига бағишилаб тайёрланган.

Музейда Шароф Рашидов фойдаланган стол-стул, стол тагига тўшалган гилам Эфиопиядан берилган совға.

“Австралиядан берилган эсталик совға “Зебра” териси ўрин олган.”¹⁰⁹ **Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки: Ҳақиқат эгилади, букилади лекин ҳеч қачон синмайди. Ҳақиқат эса кеч бўлсада рўёбга чиқади. Шароф Рашидовнинг руҳи ҳеч қачон ватандошларнинг қалбидан ўчмайди.**

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ислом Каримов. Халқимизнинг оташқалб фарзанди. Т. Ўзбекистон. 1992 йил
2. Исмоилова Ж.Музей педагогикаси. Т, 4(52) 2011.
3. “Ўзбекистон музейлар ишини такомиллаштириш ва ривожлантириш хақида” Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг қарори. Ўзбекистон адабиёти ва санъати 1998 йил 10 январ.
4. Мозийдан садо журнали. Т. 2009 йил.
5. Музейшунослик. Москва 1988 й
6. И. Содикова Маданий ёдгорликлар хазинаси Т. Фан 1981 й
7. Музей фондидан
8. Нарзулла Жураев, Шоди Каримов. Узбекистон тарихи, Шарқ. Тошкент. 2011 й.

¹⁰⁸ Музей фондидан

¹⁰⁹ Музей и школа. М. 1985 г. 20 б

ҲАМИД ОЛИМЖОН ВА ФОЛКЛОР

**Орифжон ОДИЛОВ талабаси,
илмий раҳбар: ф.ғ.н. А. Турсунқулов.**

Ўзбек халқ оғзаки ижоди ва фолклоршунослик ҳақида сўз кетганда, албатта, оташнафас шоир ва жамоат арбоби Ҳамид Олимжонни эсламаслик мумкин эмас. Машҳур фолклоршунос олим Ҳоди Зариф шоирнинг ўзбек фолклори олдидағи хизматларини эътироф этар экан, “Ҳамид Олимжон ўзбек халқ оғзаки ижодиётининг ривожланишига бебаҳо ҳисса қўшган, уни камситувчи унсурларга ўз вактида қақшатқич зарба берган оташин шоир, йирик жамоат арбоби, кўзга қўринган жонкуяр олим эди”, - дея таъкидлаганди. Болалигидан онаси Комила аядан эшитган эртаклари, бобоси Мулла Азим совунгарнинг машҳур баҳши Фозил Йўлдош ўғли билан бўлган борди-келди алоқалари табиатан туғма сўз санъаткори бўлган ёш Ҳамидга ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. У болалигидан адабиётга, халқ оғзаки ижодиётига меҳр ҳислари билан улғайди. Ҳамид Олимжон ижодий бисотини кузатар эканмиз, деярли барча асарларида халқ оғзаки ижодининг таъсири яққол уфуриб туради. Асарларининг тили равон ва содда шаклда тузилганлиги худди халқ эртакларини эслатса, шоир яратган образлар халқ достонлари қаҳрамонларидек чапани, жўмард, самимий ва тантилиги билан ўқувчини ўзига ром этади. Бу ҳақида шоирнинг ўзи шундай деган эди: “Халқчил бўлмаган ижод ўлимга маҳкумдир, ҳақиқий ижод доим халқчил бўлади”. Шу ўринда Ҳамид Олимжоннинг ўзбек халқ оғзаки ижоди олдидағи салмоқли хизматларини эътироф этиш жоиз. Буни биз рамзан 4 асосий характеристерини кўрсатишими мумкин.

Биринчидан, Ҳамид Олимжоннинг халқ оғзаки ижоди ривожидаги энг катта иши, шубҳасиз, фолклор наъмуналарини ёзиб олинишидаги ташабbusи эди. Унинг саъй-харакатлари билан ўнлаб халқ достонлари, бир неча юзлаб эртаклар ва бошқа миллий фолклоримиз наъмуналари мукаммал китоб холига келтирилди. Биргина мисол “Алпомиш”дек ўзбекнинг фахри бўлган дурдона илк маротаба Ҳамид Олимжоннинг шахсий ташабbusи ва харакатлари билан 1939 йилда ёзиб олинади ва шоирнинг таҳрири остида нашр этилади. Айни шу нашр матнига таянган ҳолда кейинги йилларда “Алпомиш” бир неча марталаб қайта нашр этилди. Гарчи бу нашрлар Ҳоди Зариф ва Тўра Мирзаевлар

томонидан тайёрланган бўлсада, улар Ҳамид Олимжон тайёрлаган оригинал матнга асосланган эди.

Иккинчидан, Ҳамид Олимжон Ўзбекистон Ёзувчилар ўюшмасига раҳбарлик қилган кезларда саводи бўлмаган халқ бахшиларига зиёли ёзувчи-шоир ва олимлардан котиб тайинлади. Ҳусусан Ислом шоирга Қуддус Муҳаммадий, Фозил шоир Йўлдош ўғлига фолклоршунос олима Музаяна Алавия ва Буюк Каримовларни котиб сифатида бириткирилганлигини кўрсатишимиз мумкин.

Учинчидан, Шоир ўз ижодида халқ эртакларини қайта ишлаб бадиий сайқал берди ва бунинг натижасида ўнлаб адабий эртаклар дунёга келди. Ҳамид Олимжон адабий меросидаги “Ойгул билан Бахтиёр” достони (халқ эртаги “Маликаи Ҳуснобод”нинг адабий талқини), “Семурғ”, “Икки қиз ҳикояси” каби қўплаб нодир асарлар бугун халқимизнинг маънавий сандигидан ўрин олган.

Тўртинчидан, Ҳамид Олимжон ўз асарларида халқ оғзаки ижоди руҳидан узоқлашмади. Унинг барча лирик асарларида оғзаки ижодиётга ҳос бўлган бахшиёна оҳанг ҳукмронлик қиласи. Унинг шеърларини ўқиганимизда, халқ қўшиқларининг жозибаси, достонларнинг дўмбира қуига солинган оҳанглари ўқувчига хамроҳлик қиласи ва шу сабабли ҳам унинг шеъриятини икки-уч марта ўқиганда қалбимизда муҳрланиб қолади. Шўролар даврида кўп миллий удумлар-у, анъаналар қаторида халқ достонларига ҳам бот-бот сиёсий ҳужумлар бўлиб турарди. Шундай таҳликали бир пайтда, Ҳамид Олимжон халқ оғзаки ижоди дурданаларимизнинг қалқони бўлди десак, муболаға эмас. 2013 йил июнь ойида ЖДПИ Ўзбек тили ва адабиёти факултетининг бир гуруҳ талабалари Жиззах вилояти Баҳмал туманига, халқ баҳиси Фозил Йўлдош ўғли яшаб ўтган Лойқа қишлоғига, қилган фолклоршунослик экспидитсиямиз давомида машҳур бахшининг кенжа қизлари 95 ёшли Тўҳсулув Фозилова билан учрашдик. Шунда у киши Ҳамид Олимжон ҳақида сўз кетганда бир воқеани хотирлаб ўтди. Ушбу тарихий фактни Тўҳсулув ая бевосита отаси Фозил Йўлдош ўғидан эшитган бўлиб, Ҳамид Олимжоннинг халқ оғзаки ижодининг қанчалар жонкуяри бўлганлигига яна бир чизги. Яъни, 1952-йилда Самарқанд Давлат Университетида бўлиб ўтган йиғилишда “Алпомиш” достони муҳокама қилинади. Шундай бебаҳо асарга “ғоявий тутуруқсиз, заарли асар” дея тамға босишиганда Фозил Йўлдош ўғли кўзларида ёш билан

фолклоршунос олим, академик Вохид Абдуллоҳга “Агар Ҳамид Олимжон тирик бўлганида эди, “Алпомиш”га бу қадар тош отишларига йўл қўймаган бўларди” деган экан.

Гарчи Ҳамид Олимжон жуда қисқа умр кўрган бўлсада авлодларга катта адабий мерос қолдирди. Унинг хизматлари билан ёзиб олинган Ўзбек фолклори дурданалари, шунингдек шоирнинг 10 томлик ҳажмга эга бўлган адабий мероси Ҳамид Олимжоннинг мангуликка қўйилган олтин ҳайкали бўлиб қолди.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QUROLI KUCHLARI MARKAZIY MUZEYI TARIXI

Zoir Rahmanovich Ahmedov magistir
Ilmiy rahbar: T.f.n.Dots.B.Ergashev SamDU

Tarixdan ma`lumki, miloddan avvalgi IX – VIII asrlarda odamlarni urug`iga qarab emas qaysi hududdan ekanligiga qarab ajratish ilk davlatchilik uyushmasidan guvohlik beradi. Demak, davlat paydo bo`lishi uchun avvalo o`zining hududiy chegarasiga, qurolli kuchlariga ega bo`lishi kerak.

Bizning milliy armiyamiz ham O'zbekiston respublikasi milliy manfaatlarini, suverenitetini, hududiy yahitligini hamda aholining tinch hayotini himoya qilish, urushlar va qurolli mojarolarni qaytarish va oldini olish uchun davlat tamonidan tashkil etilgan harbiy birlashmadir.

Ta`kidlash joizki, qurolli kuchlarimiz isloh qilish uning huquqiy asosini yaratish bilan chambar-chas bog`liq. Mustaqillik yillarida mamlakatimizdagi harbiy soxa islohatlari bilan bog`liq stirategik maqsadlarga erishishning muhum huquqiy poydevori yaratildi. Eng avvalo konstitutsiyamizda O'zbekiston Respublikasini himoya qilish – har bir fuqaroning burchi ekanligi belgilab qo'yildi. Asosiy qonunimizda O'zbekiston Respublikasi qurolli kuchlari mamlakat suvereniteti va hududiy yaxlitligi, Respublika aholisining osuda hayotini va xavfsizligini tashkil etilishi mustahkamlandi. 1991 yiling 31 avgustida „O'zbekiston Respublikasi davlat mustaqiligi asoslari to'g'risida” gi qonun qabul qilinib, mazkur muhim hujjat yosh Respublikamizga harbiy siyosatni amalga oshirish huquqini berdi. Bugungi kunda O'zbekiston amalda o'zning zamonaviy, ixcham va harakatchan yaxshi qurollangan, mamlakatimiz barqarorligi va xavfsizligi, sarhadlarimiz daxlsizligi, xalqimizning tinch va osoyishta hayotini ishonchli himoya

qilishga qodir bo'lgan milliy armiyamiz tuzildi. 2012 yil 11 sentabrda O'zbekiston Respublikasining qonuni bilan tasdiqlangan „O'zbekiston Respublikasining Tashqi siyosiy faoliyati konsepsiyasi” da mustaqil davlatimizning xalqaro munosabatlardagi siyosiy – huquqiy pozitsiyasi ham alohida ko'rsatilgan bo'lib, unga ko'ra „**O'zbekiston tinchliksevar siyosat yuritadi va harbiy-siyosiy bloklarda ishtirok etmaydi, har qanday davlatlararo tuzulmalar harbiy siyosiy blokga aylangan taqdirda, ulardan chiqish huquqini saqlab qoladi.** O'zbekiston Respublikasi qo'shni davlatlardagi qurolli mojarolarga va keskinlik o'choqlariga tortilishining oldini olish yuzasidan siyosiy, iqtisodiy va boshqa chora tadbirlarni ko'radi, shuningdek, o'z hududida xorijiy davlatlarning harbiy bazalari va ob`ektlari joylashtirilishiga yo'l qo'ymaydi”¹¹⁰

2010 yil 12 yanvar kuni Prezident I.A.Karimovning bevosita tashabbusi g'oyasi bilan poytaxtimizda „**Vatanga qasamiyod**” haykali barpo etildi. Ushbu muhtasham yodgorlikning ochilishiga bag'ishlab o'tkazilgan tadbirda Yurtboshimiz shunday degan edi: „Bu muhtasham baddiy majmuada tasvirlangan xalqimizning munosib o'g'loni davlatimizning betakror timsoli bo'lmish bayrog'imizni ko'zga to'tiyo qilib, Vatan himoyasi uchun, ota bobolarimiz hoki yotgan qutlug' zaminning har qarich tuprog'ini asrash uchun tayyorman, deb tiz chukib qasamiyod qilmoqda.

Ana shu mard va jasur farzandga oq sut bergen, bag'rida ko'tarib voyaga yetkazgan, vatan timsoli bo'lgan munis va mo'tabar ona bamisol o'z qo'rg'oni oldida turib, harbiy xizmatga otlangan jondan aziz bolasiga oq yo'l tilamoqda.

Ushbu haykal siymosida Qurolli Kuchlarimiz safiga kirishga tayyorgarlik ko'rayotgan ming-minglab azmu shijoatli yoshlarimizning ham yuksak orzu-intilishlari o'z aksini topgani, ayniqsa e'tiborlidur. Bu bohodir er yigitning qaddi qomati, mardona qiyofasiga qarab, farzandlarimizning yuragida, qalbida „Men ham shu jasur akam singari harbiy bo'laman, o'z uyimni, o'z yurtimni, ota – onam, o'z qadirdonlarimni himoya qilaman“, degan qattiy qaror paydo bo'lishi shubhasizdir”¹¹¹. Bu so'zlardan ruhlangan har bir vatandoshimiz qalbida yurtga sadoqat, muhabbat tuyg'ulari josh uradi.

Mustaqillik yillarida davlatimizda harbiy sohada tubdan islohotlar o'tkazilib ularning o'tmishi va bugungi yutuqlarini aks ettirish

¹¹⁰ Inson va qonun gazetasi 2014 yil 7 yanvar № 1 (893)

¹¹¹ Mustaqillik davri o'zbek me'morchilik va monumental haykaltaroshlik san`ati T. 2011y 154 b

maqsadida, O'zbekiston Respublikasi qurolli kuchlari markaziy muzeyi – O'zbekiston Respublikasi Mudofaa vazirligiga qarashli muassasalardan biri tashkil etildi. 1965 yilda Markaziy ofitserlar uyi qoshida Turkiston harbiy okrugi jangovarlik shuxrati muzeyi sifatida tashkil etilgan. 1975 yil 7 mayda hozirgi binosiga ko`chadi. Umumiy maydoni 3 ming kv. m dan ortiq. Eksponatlari 10 mnigdan ziyod. Muzeyning asosiy ish faoliyati ekspozitsiyalar (buyum-ashyolar, hujjatlar, jangovar mukofotlar va qurol-yarog`lar) orqali yoshlari va harbiy xizmatchilarni harbiy vatanparvarlik, ona yurtga muhabbat va sadoqat ruhida tarbiyalashga qaratilgan.

Muzey binosi «Jasorat» nomli bog`da joylashgan. Bino oldida qo`lida qurol ushlagan askar haykali qo`yilib, unda «Vatan himoyachisiga» yozuvi bor. Haykal atrofida ikkinchi jahon urushida Qahramon unvoniga sazovor bo`lgan 338 O'zbekistonlik jangchilarning, 53 ta Shuhrat ordeni nishondorlari va «O'zbekiston Qahramoni» unvonini olgan vatandoshlarimiz nomlari marmarga o`yib yozilgan. Bog` xiyoboni bo`ylab ikkinchi jahon urushi davridagi va jangovar zamomaviy, haqiqiy texnika (MIG-21 samolyoti, «Katyusha» JM-13 mashinasi, tanklar, pushkalar) qo`yilgan. Razvedkachilar, desantlar, havo hujumidan mudofaa jangchilari, dengizchilar, uchuvchilar, artilleriyachilar, tankchilar, piyoda askarlar, chegarachilar, harbiy tibbiyat xodimlari, aloqachilar byustlari o`rnatilgan. Harbiy xizmatga chaqirilganlar bog`da qasamyod qilishadi.

Bino uch qavatdan iborat bo`lib, ekspozitsiyalar uch harbiy tarixiy davrga bo`lib yoritilgan. “1-davr «Temuriylar davridagi harbiy san'at (14-15-asrlar)» ga bag`ishlangan. Amir Temur harbiy sarkarda sifatidagi ko`p qirrali faoliyati yoritib berilgan”¹¹². Zal ekspozitsiyalari asosini «Amir Temuring To`xtamishxonga qarshi uchinchi harbiy yurishi» tashkil etadi. Shu bilan bir qatorda «Amir Temur ot ustida» portreti (muallif R.Ziyodillaev), qurol-yarog`lar namunalari, bayroqlar, «Amir Temur davlati xaritasi» nog`oralar o`rin olgan. 1-qavatda ko`rgazma va kino zallari joylashgan.

“2-davr fashizmga qarshi kurash 1941-45 yillarida o'zbek xalqining qahramonligiga bag`ishlangan”¹¹³. Har bir ko`rgazmada u yoki bu jangda qatnashgan o'zbekistonlik askarlarni shaxsiy buyumlari, jangovar mukofotlari, hujjatlari qo`yilgan. Vatandoshlarimizning mehnat frontidagi faoliyati keng yoritilgan. Eksponatlar orasidan fashistlar

¹¹² O'zbekiston milliy ensiklopediyasi T.2006 yil 11 tom 467 b.

¹¹³ O'sha joyda

Germaniyasidan tortib olingan o`ljalar (fashistlar Germaniyasi harbiy mukofotlari, o`t ochish qurollari), qurol-aslahalar, harbiy mashina, tank va samolyotlarning maketlari joy olgan. Zal ekspozitsiyalari xronologik xarakterga ega bo`lib, Brest qal`asi uchun bo`lgan janglardan tortib to Berlingacha bo`lgan janglarni o`zida yoritgan hamda to`liq, ma'lumot berilgan.

3-davr «Mustaqil O`zbekiston himoyasida» deb nomlanadi. O`zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari tashkil topishi tarixi, uning qonuniy asoslari, Qurolli Kuchlarimiz qo`shinlari tarkibi, harbiy hududiy bo`linmalar — harbiy okruglar, ulardagi qism va qo`shilmalarning jangovar tayyorgarligi, oliy harbiy bilim yurtlarida, serjantlar tayyorlash maktablarida harbiy kadrlarni tayyorlash. Shu bilan bir qatorda milliy armiyamizning xalqaro harbiy hamkorligi, tarbiyaviy madaniy-ma'rifiy, sport hamda harbiy ommaviy axborot vositalari faoliyati keng yoritilgan. Muzey armiya faoliyatini yoritishda respublikamiz muzeylari orasida o`ziga xos ilmiy markazga aylangan. Muzey qoshida urush va Qurolli Kuchlar faxriyalarining kengashi tuzilgan.

Bugungi kunda O`zbekiston Respublikasida Qurolli Kuchlarining beshta quyidagi harbiy okruglari bor.

Shimoliy – g`arbiy harbiy okrug Qoraqolpog`iston Respublikasi, Xorazm viloyati, okrug shtabi Nukus shahrida.

Janubi – g`arbiy maxsus harbiy okrug Buxoro, Navoiy, Qashqadaryo va Surxondaryo viloyatlari, okrug shtabi Qarshi shahrida.

Markaziy harbiy okrug Samarqand, Jizzax, Sirdaryo viloyatlari, okrug shtabi Jizzax shahrida.

Toshkent harbiy okrugi Toshkent shahar va Toshkent viloyati, okrug shtabi Toshkent shahrida.

Sharqiy harbiy okrug Andijon, Namangan, Farg`ona viloyatlari, okrug shtabi Marg`ilon shahrida.

Xulosa o`rnida shuni aytishimiz munkunki dunyoda kasblar ko`p zero, kindik qoni tomgan ona zamini himoya qilish, shu mustaqil yurtni ko`z qorachig`iday asrab avaylash, o`z oilasini, sha`nini or nomusini himoya qilishdek sharaflı kasbni tanlagan va buni vijdoni burchi, deb bilgan askarlarimiz postida sergak ekan, yurtimining osoyishtaligi barqaror bo`ladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro`yxati:

1. O`zbekiston Respublikasi konstitutsiyasi 1992 yil
2. O`zbekiston Respublikasi ensklopediyasi 2006 yil
3. Inson va qonun gazetasi 2013 yil 7 yanvar № 1(893)
4. Mustaqillik davri o`zbek me`morchilik va monumental haykaltaroshlik san`ati T. 2011y
5. O`zbekistonning yangi tarixi 2003 yil

-GANI QO`SHIMCHASI HAQIDA IKKI OGIZ SO`Z

**M.Hadjiyev talaba,
Ilmiy rahbar Sh.Haydarov.**

Hamma tillar kabi o`zbek tili grammatikasi ham murakkab qonun-qoidalardan iborat. Xususan,morfemikadan sintaksisga qadar bir-birini taqozo etuvchi va bir-birini inkor eta olmaydigan tushunchalar mavjudki, ularni o`quvchilar ongiga tushunarli va aniq yetkazish o`qituvchi-murabbiylarning pedagogik mahoratlari bilan bir qatorda DTSga asoslangan darslikdagi ma`lumotlarning aniqligi va to`g`ri ekanligiga aloqador hisoblanadi. Ammo DTS asosida chiqarilayotgan darsliklarning ba`zilarida mulohazali holatlar kuzatiladi, nazarimda.

Bilamizki, sifatdoshlar ismlar qatorida mavjud va ismlarning munosabat shakllarini so`zsiz qabul qiladi. Masalan:*o`qiganim, ishlayotgani, chizgani o`qiganinggiz* kabi. Endi e`tiboringizni 8-sinf darsligida berilgan sabab holi qurilishidagi quyidagi jumлага qarating: "*Sabab holi -lik, -sizlik qo`shimchasini olgan otlar, -gani qo`shimchali ravishdoshlar* va *sababli, uchun ko`makchili qurilmalar bilan ifodalananadi. Tinchlik tufayli yurt obod. Yaxshi o`qigani uchun u mukofotlandi.*"(ona tili 8-sinf darslik. T; 2010-yil 85-bet 179- mashq).

Qoida aynan to`g`ri, lekin qoida tarkibiga kiritilgan qo`shimchalarga noto`g`ri tavsif berilgan. E`tibor bering: *-gani qo`shimchali ravishdoshlar...* Bizga ma`lumki, fe`lning xoslangan shakllari ichida ravishdosh shakli ham mavjud bo`lib, uning bir turi hisoblangan maqsad ravishdoshi *-gani qo`shimchasi* orqali hosil qilinadi va bu qo`shimcha *maqsad ravishdoshi qo`shimchasi* deb yuritiladi. Bu shakl asosida yuzaga kelgan so`zlarning sintaktik vazifasi ***maqsad holi*** hisoblanadi. Yuqoridagi qoidada biroz anglashilmovchilik ko`zga tashlanadi: *-gani* bu o`rinda ravishdosh (ya`ni maqsad ravishdoshi) qo`shimchasi emas, balki III shaxs egalik qo`shimchasini olgan sifatdosh shaklidir (sifatdoshning ism ekanligi haqida fikrimiz boshida aytib o`tildi).

Keltirilgan qoidadagi *-gani qo`shimchasi ravishdosh qo`shimchasi* emas, balki, egali qo`shimchasini olgan sifatdosh ekanligini quyidagicha asoslash mumkin:

1. Shaxs – sonda mosligi. Sifatdosh va harakat nomlari tarkibidagi egalik qo`shimchasi bajaruvchining shaxsi va sonini bildiradi: *Bo`zchi bilganini to`qir, baxshi bilganini o`qir.*(ona tili 7-sinf 41-bet). *Salima darsni yaxshi tayyorlagani uchun maqtovga sazovar bo`ldi*(ona tili 8-s. 179-mashq). Yuqoridagi *sabab holi* mavzusida

berilayotgan misolida kelayotgan *tayyorlagani* so`zi tarkibida III shaxs egalik qo`shimchasi kelayapti va u III shaxsdagi ega – *Salima* (U) bilan III shaxs birlikda moslashayapti. Maqsad ravishdoshi esa fe`lning shaxs-sonda moslashishini o`zida namoyon qila olmaydi, u uch (I; II; III) shaxsda ham, hox birlik bo`lsin, hox ko`plik bo`lsin, **-gani** shaklida keladi. Moslashish yuz bermaydi, chunki uning tarkibida egalik qo`shimchasining o`zi yo`q: Eshik oldi gul hovuz, gul tergani kelganmiz.

2. Turli egalik qo`shimchalarini qo`shish orqali. Qoidada III shaxs egalik qo`shimchasini olgan sifatdosh shakli berilgan. Uning egalik qo`shimchasi ekanligining isboti sifatida I va II shaxs egalik affikslarini biriktirib ko`ramiz:

Men	-im	-m
Sen	darsni yaxshi tayyorlagan	-ing
bo`ldi- ng		uchun maqtovga sazovor

U	-i	---
---	----	-----

Eshik oldi gul hovuz, gul tergani kelganmiz. Ushbu gapning egasi I shaxs ko`plikda, lekin u *tergani* so`zi bilan shaxs-sonda moslashmaydi. Chunki, yuqorida aytganimizdek, maqsad ravishdoshi o`zida ega bilan shaxs-sonda moslashish xususiyatini namoyon qilmaydi.

Misollardan ko`rinib turibdiki, faqat III shaxsnigina ifodalash bilan cheklanuvchi *-gani uchun (sababli, tufayli)* shakllarigina emas, balki I va II shaxsdagi birlik va ko`plikni ifodalovchi *-ganim(imiz) uchun (tufayli, sababli)*,

-ganing(ingiz) uchun (tufayli, sababli) qurilmalari ham sabab holi vazifasida kela oladi.

3. Sifatdoshning boshqa zamon shaklini qo`llash orqali: Nargiza olimpiadaga tinimsiz tayyorlanayotgani uchun direktor unga katta ishonch bildirmoqchi.

Nima uchun? *Tayyorlanayotgani uchun...* Ko`rinib turibdiki, egalik qo`shimchasini olgan hozirgi zamon sifatdoshi ko`makchilar bilan birikib, sabab holi yasashga xizmat qilayapti. Maqsad ravishdoshi esa o`zida fe`lning zamon shakllarini namoyon qila olmaydi.

4. Morfemik nuqtayi nazardan ushbu isbotimiz juda ahamiyatli bo`lib, unda bir xil shaklda, yani **-gani** shaklida tugagan so`zlarni eng kichik ma`noli qismlarga ajratib chiqamiz: A) Bolalar anhorda uzoq vaqt **cho`milgani** uchun rangi bo`zdek oqardi.

B) Bolalar ***cho`milgani*** anhorga ketishdi.

Birinchi gapdagi ***cho`milgani*** so`zini quyidagicha ma`noli qismlarga ajratamiz: Cho`milmoq(asos) +gan (o`tgan zamon sifatdosh shakli)+ i

(III shaxsni ifodalovchi qo`shimchasi).

Ikkinci gapda quyidagicha: Cho`milmoq (asos) + - gani (maqsad ravishdoshi qo`shimchasi).

5. **Bo`lishsizlik shaklini kiritish orqali:** Bizga ma`lumki, sifatdosh o`zida fe`lning bo`lishli-bo`lishsizlik xususiyatini namoyon qiladi. Darslikda keltirilgan “*Salima darsini yaxshi tayyorlagani uchun maqtovga sazovar bo`ldi.*” misolini quyidagi shaklga o`tkazib ko`ramiz: *Salima darsini yaxshi tayyorlamagan* uchun ustozidan dakki eshitdi. Ushbu gapda *nima uchun?* so`rog`iga javob bo`luvchi sabab holi ishtirok etgan. Bu ko`makchili qurilmaning asosini esa kesim vazifasini bajara olmagan, bo`lishsizlik shaklini o`zida namoyon qilgan, fe`lning sifatdosh shakli (*tayyorlamagan* so`zi) tashkil etgan.

Maqsad ravishdoshi esa

o`zida fe`lning bo`lishli-bo`lishsizlik xususiyatini

namoyon qila olmaydi: Eshik oldi gul hovuz, gul ter(ma)gani kelganmiz.

6. **So`zlashuv nutqidagi holat:** Qoidada *-gani* yaxlit ravishdosh qo`shimcha emasligini, ularning *-gan* va *-i* singari mustaqil qo`shimchalar ekanligini isbotlashda so`zlashuv nutqidagi bir holatga e`tibor beraylik: U yaxshi *o`qiganligi* uchun mukofotlandi. Ko`rinib turibdiki, *-lik faoliyat-jarayon oti yasovchi qo`shimcha -gan* va *-i* kabi alohida-alohida qo`shimchalar orasida kelayapti. *-gani* maqsad ravishdoshi esa yaxlit qo`shimcha bo`lganligi uchun ularning orasiga hech qanday qo`shimcha kiritib bo`lmaydi.

7. **-gani ravishdoshining so`zdagi o`rni:** *-gani* maqsad ravishdoshi so`z tarkibida oxirgi o`rinda keladi. Sabab holi qurilishidagi *-gani uchun* shaklini so`zlashuv nutqida *-ganidan* shaklida ham ishlatishimiz mumkin: Xo`rliklardan zada bo`lgani uchun (*bo`lganidan*) uyidan bosh olib chiqib ketdi.

E`tibor bergen bo`lsangiz, yuqoridagi har bir yondashuvda maqsad ravishdoshini yuzaga keltiruvchi *-gani* maqsad ravishdoshi qo`shimchasi va *sabab holini* shakllantiruvchi *-gan+i uchun (tufayli; sababli)* shakllari bir necha misollar bilan izohlandi.

Yuqoridagi dalillardan eng asosiy isbot ko`zga tashlanishi tabiiy: bu

isbot *uchun*, *tufayli*, *sababli* ko`makchilarining hech qachon maqsad ravishdoshi bilan qo`llanilmasligi, balki, ikkinchi isbotimizda aytilganidek, egalik qo`shimchalarini olgan sifatdoshlardan keyin kelib, ko`makchili qurilma

hosil qilishi va u gapda sabab holi vazifasida kelishi. Yana bir tushuncha: maqsad ravishdoshi qo`shimchasi maqsad holi strukturasida

ishtirok etishi mumkin, ammo hech qachon sabab holi qurilishida ishtirok eta olmaydi.

E`tiroz bildirilmasa, qoidani quyidagicha o`zgartirish mumkin: *Sabab*

holi -lik, -sizlik qo`shimchalarini olgan otlar va egalik qo`shimchalarini

olgan sifatdoshlardan so`ng uchun, sababli, tufayli ko`makchilarini biriktirish orqali hosil qilinadi. Tinchlik *tufayli* yurt obod. Yaxshi o`qigan+i *uchun* u mukofotlandi.

Ushbu darsliklar foydalanishga tayyor holga kelgunga qadar qanchadan qancha mutaxassislarning qo`lidan o`tadi: tuzuvchilar, taqrizchilar, muharrir va kompyuterda tayyorlovchilar... Lekin muammo bu emas, muammo xatolikning qaysi ma`sul shaxs aybi bilan bo`lmasin, foydalanuvchilarga yetib kelganligidadir.

CHINGIZ AYTMATOV ASARLARIDA BARQAROR BIRIKMALARNING QO`LLANISHI

**E. Mo‘minov talaba,
Ilmiy rahbar Z. Jumayeva.**

Barchamizga ma'lumki, har bir ijodkor o'zining asarlarida turlicha obraz, turlicha xarakter yaratishga harakat qilishadi. Bu obraz yoki qiyofaning xarakterini ochib berishda turli xil vositalardan foydalanadi. Asarlarda shunday obrazlar bo'ladiki, ularga berilgan ta'rif yoki chizgilar, boshqa personajlarnikiga qaraganda yaqqol ko'zga tashlanadi. Bunday qahramonlar asar davomida o'zining xattiharakatlarida, qiladigan ishlarida va qolaversa so'zamolligi bilan ajralib turadi. Ijodkorlar o'z asarlarida obrazlarning so'zamolligini, gapga chechanligini ko'rsatishda, “barqaror birikma”lardan (ibora, maqol, hikmatli so'z) foydalanadi. Keling oldin tilshunoslik faniga tayangan holda barqaror birikma o'zi nima va uning xususiyatlari haqida qisqacha to'xtalsak; Nutqiy jarayonda biz fikrimizni kimgadir yetkazib berishda, faqat so'zlardangina emas, balki nutqimizni ta'sirchan

qiladigan,uning go‘zalligini ta’minlaydigan bir necha so‘zlardan tarkib topgan barqaror birikmalardan ham unumli foydalanamiz.

Ikki va undan ortiq so‘zlarning birikuvidan tashkil topib,so‘zlovchi tamonidan nutqqa tayyor holda olib kiriladigan,so‘zlovchi xotirasida imkoniyat tarzida mavjud bo‘ladigan til birliklari barqaror birikmalar deyiladi.Bu kabi birliklardan unumli foydalanish nutq ta’sirchanligini ta’minlaydi,shuning uchun ular nutqimiz ko‘rki hisoblanadi.

Endi o‘z asarlarida barqaror birikmalarni mohirona qo‘llay olgan adib,Chingiz Aytmatovning asarlaridan bu kabi birliklarning qo‘llanishiga doir misollar keltirsak; „Ha, ablah. Bozordagi piyonistaday ichib olibsan, tuyog‘ingni shiqillatib qol! Esingda bo‘lsin ;yaxshilikcha dumingni qisib yur,tag‘in kech bo‘lib qolmasin”(1). Endi e’tiboringizni asarda qo‘llangan iboraga qaratsak. „dumingni qisib yur” odatda dumini qisib yurish itlarga xos xususiyat.Adib bu iboradan nima maqsadda foydalandi? U qanday fikrni ochib bermoqda,bu fikrning tagidagi mohiyati qanday,shunga e’tibor qarataylik.Bu ibora orqali adib o‘z asaridagi so‘zlovchi uchun tinglovchi qadri itcha emasligini,it ham undan ustun turishini nazarda tutadi.Tinglovchining so‘zlovchi uchun qanday qimmatga egaligi,qadr borasida gap borganda tinglovchining qadri umuman hisobga olinmaganligini ochib beradi.

Ch.Aytmatovning „Jamila” qissasida Sodiq tilidan keltirilgan maqolga e’tiboringizni jalg qilsak.

- Ketgan bo‘lsa sadqayisar! Sarson –sargardon bo‘lib yurib, oxiri bir kun ochidan o‘ladi-ketadi.Xotinman deganing to‘lib yotibdi,chetrib-chetrib olish mumkin.oltin boshli xotindan,baqa boshli er yaxshi!-derdi jahl bilan.(2) Qirg‘iz xalqi tamonidan ishlatiladigan maqolni adib o‘z qahramoniga nima sababdan ayttirayapti. Axir bu qahramonning xotini uni tashlab ketayapti-ku,u jabrlanuvchi-ku. Uning yonidagi do‘stlari unga ta’na qilishayapti-ku.Adib bu yerda o‘z qahramonini vaziyatdan olib chiqish maqsadida yuqoridagi maqolni “oltin boshli xotindan, baqa boshli er yaxshi” maqolini qo‘llaydi.Asarda bu maqolni aytib ayol kishidan erkak kishining hamisha ustun turishini ta’kidlab o‘tadi.Har qanday chiroy,har qanday go‘zallikka ega bo‘lgan ayol asarda tasvirlangan baqa boshli erkakdan ortiq turolmasligini nazarda tutadi.

Ch.Aytmatov “Oq kema” asarida ham iboralardan juda unumli foydalanadi. Misol tariqasida ulardan birini keltirsak; “Meni bezovta qilishga qanday jur’at qildilaring. Biz axir qirg‘iz zotini butunlay qirib tashlamagan edikmi? Men sizlarni Enasoyning abadiy hukmroni qilib qo‘ymadimmi? Na muncha o‘pkalarining qo‘ltiqlab yugurib

kelmasanglar, qo‘rqaqlar? Qaranglar oldilaringda kim turibdi! Ey, cho‘tir yuzli baymoq kampir”-qichqirdi xon.3 O‘zbek xalqi tamonidan ham ishlatiladigan yuqoridagi „o‘pkasini qo‘ltiqlamoq” iborasi asarda ko‘chma ma’noda qo‘llangan, Axir inson o‘z o‘pkasini qo‘ltiqlay olmaydi-ku. Asarda adib xon tilidan shoshqaloq, vahimachi, vos-vos odamlarga nisbatan ishlatadi .Bu holat ba’zan yaxshi tarbiya ko‘rgan odamlarda ham voqeа hodisalarda sodir bo‘ladi; Kishi qattiq cho‘chib qolsa, ruhi, kayfiyati tushib ketsa, yoki aksincha, kutilmagan xursandchilikdan shoshib, hovliqib qolsa, „o‘pkasini qo‘ltiqlagan” i kuzatiladi. Adibning, “Oq kema” asarida ham bu ibora qirg‘iz bolalarini ko‘rib shoshib qolgan insonlarga nisbatan qo‘llangan.

„Er xotin yaxshi kunlarda ham, og‘ir kunlarda ham birga bo‘lishi kerak!-deganlar deb o‘ylardi Saida.- Boshga tushganini ko‘z ko‘rar, hammasiga bardosh beraman. Ismoilim omon yursa bo‘lgani”⁴. Adibning “yuzma-yuz” qissasida keltirilgan iborada aytilganidek, insonning hayotiy faoliyatida uning boshiga ko‘p qiyinchiliklar, tashvishlar, sinovlar tushadi. Bularga bardosh berish uchun esa bosh temirdan, bardoshi po‘latdan bo‘lmog‘i lozim. Boshga tushganini esa ko‘z ko‘radi, qalbing eziladi, yuraging siqiladi, lekin yengib o‘tishga majbursan. Bu iboraning yana bir mazmuni bo‘lib, „qo‘rqib-pisib o‘tirasanmi, tavakkal qil, bu yog‘iga xudo poshshodirda” qabilida bo‘lib, odamning ikkilangan, bir yechim, xulosaga kelish qaydidir.

Ch. Aytmatovning asarlaridan keltirilgan yuqoridagi barqaror birikmalar orqali, badiiy asarlarda va so‘zlashuv uslubida ham bu kabi birliklarning ahamiyati naqadar baland ekanligi namoyon bo‘ladi. Chunki bu birliklar nafaqat personaj nutqini, balki asar tilini ham ta’sirchanligini ham oshiradi. Shuning uchun ham barqaror birikmalar nutqimiz ko‘rki hisoblanadi. Adib bu birikmalardan juda ustalik bilan mohirona foydalangan. Asarlarida bu kabi birliklarning ko‘plab uchrashi adibning katta iste’dod sohibi ekanligidan darak beradi. Ma’lumotlarga qaraganda adibning asarlari 77million nushada, 156 davlatda, 200 dan ortiq tillarda tarjima qilingan. Bu esa yuqoridagi fikrimizning yorqin isbotidir.

Adabiyotlar ro‘yxati:

- 1) Ch. Aytmatov „Tog‘lar qulayotgan zamon” T; VEKTOR PRESS nashriyoti 2009-yil 46-bet.
- 2) Ch. Aytmatov, „Tanlangan asarlar” T; G‘, G‘ulom nomidagi adabiyot va san’at nashriyoti 1978-yil 111-bet.
- 3) „Adabiyot” darslik 7-sinf. T; sharq nashriyoti 2009-yil 53-bet.
- 4) Ch. Aytmatov „Tanlangan asarlar” T; G‘, G‘ulom nomidagi adabiyot va san’at nashriyoti 1978-yil 31-bet.

VATAN TUYG‘USI OZOD SHARAFIDDINOV TALQINIDA
Maftuna Ubaydullayeva 3-bosqich talabasi,
Ilmiy rahbar:o‘qituvchi Jahongir Lutfullayev.

Vatan - muqaddas tushuncha. Vatanni sevmoq iymondandir , deyiladi hadislarda. Vatanni sevish deganining o‘zi nima? Uni so‘z bilan ta’riflash , ko‘z bilan ko‘rishning iloji bormi? Vatanni sevish,aslida,farzandning ota-onasi yuzlariga termulganda his etadigan nur,ziyo emasmikan?! O‘z mahallang ,qishlog‘ing koriga yarashni o‘ylash,kimgadir yordaming tekkanligidan mammuniyat hissini tuyish,o‘zingni yashayotgan maskaningning bir bo‘lagi deb his etish vatanni sevish emasmi?! Demak, vatanni sevish unga bo‘lgan cheksiz muhabbat bilan ifodalanar ekan,unda vatan tushunchasiga qanday ta’rif berish mumkin? Bu so‘zga har kim o‘zining fikricha yondashadi. Lekin yosh-u qarining vatan haqidagi fikrlarida uning muqaddasligi ifoda etiladi. Chunki bu muborak vatanni sevish,unga bo‘lgan farzandlik burchini his etish bizga ona mehri bilan yo‘g‘rilgan sut orqali singgan. Vatan deganda,ko‘z oldimda jonajon uyim,ota-bobolarim yurti bo‘lgan go‘zal qishlog‘im,men uchun dunyodagi jamiki boyliklardan ham qadrli ota-onam,yaqinlari birin-ketin gavdalanadi.Ota-onam va yaqinlarim,men sevgan insonlarning menga bo‘lgan qaynoq mehrlari bilan vatanim mehrini muqoyasa qilaman.Qay biri “yutib chiqadi?” dersiz.Aslo! Ular bir-birini to‘ldiradi,ularni ajratib bo‘lmaydi,ular birgalikda bir butun.Bu qaynoq mehr taftidan qalbimda ertangi kunimga,,hayotga nisbatan yuksak qat’iyatga sug‘orilgan umid chechaklari gullaydi.Bu holatni,yuksak mehrni hech narsa bilan qiyoslab bo‘lmaydi,chunki ular men uchun har narsadan aziz va qadrli.

Har bir ijodkor borki,vatanga bo‘lgan muhabbatini izhor etish uchun oz bo‘lsa-da ijod qiladi, vataniga bag‘ishlab ash’orlar bitadi. Ularning ba’zilarida bir xil balandparvoz gaplar aytilsa,ba’zilarida haqiqiy, vatanga bo‘lgan muhabbatning hokisorligi sezilib turadi.Ana shunday xokisor muhabbatni Muhammad Yusuf,Abdulla Oripov,Hamid Olimjon,Erkin Vohidov kabi qator ijodkorlar she’rlarida ko‘rishimiz qiyin emas.Vatanga bo‘lgan beg‘ubor muhabbat taniqli adabiyotshunos, buyuk munaqqid Ozod Sharafiddinovning “O‘lsam ayrilmasman quchoqlaringdan...” maqolasida ham juda chiroyli ifoda etilgan. Bu maqolani ko‘p bora takroran o‘qiganman, lekin har gal o‘qiganimda

o‘zgacha ma’no topaveraman, ilk bora o‘qiyotganday hayajonlaman. Bu tasir ustoz otgan o‘qlarining “nishon”ga tekkanidan darakdir,balki.Maqolani o‘qir ekanman,Ozod domlaning quyidagi fikrlaridan judayam ajablanaman:”.... Vatan oldidagi farzandlik burchimni o‘tay olmayapman,deb o‘kinib qo‘yaman.Bu o‘kinch meni ko‘p narsalar to‘g‘risida o‘ylashga undaydi...”.Vo ajab!Bor umrini,ijodini el dardi,xalq g‘ami uchun baxshida etgan insonning bu so‘zlari nimadan darak?Butun hayotini Vatan ravnaqi uchun sarflagan inson shu so‘zlarni aytganda,biz nima deyishimiz kerak?!Ustoz vatanni “Olloh tuhfasi” deya e’zozlaydi.Ajdodlar qoldirgan xazinalarni “tekin meros ekan,deb uning boyliklarini bir chekkadansovuraverishim kerakmi?Axir,yotib yesa tog‘chidamas ekan”,-degan fikrlari bilan “kuyib-yonib” yozadi. Xalqimizda “Aqli insonlarning muhabbatiham aqli bo‘ladi”,-degan gaplar yuradi. Ustozning vatan taqdiriga chin dildan yonib,achinib yozayotgan so‘zlari shunchaki so‘zlar emas,balki vatanini chin dildan yonib sevadigan vatanparvar farzandning qalb madhiyasidir.Vatanga ta’rif,uning taqdiriga achinish haqida hali hech kim bunchalik yuksak darajada qalam tebratmagan bo‘lsa kerak.Chunki bu ishning o‘zi ham insondan katta qalb,mustahkam iroda talab etadi.Ozod Sharafiddinov aynan shu maqolasi orqali vatanga mehr,haqiqiy vatan farzandi qanday bo‘lishi kerakligini insonlarga eslatib qo‘ydi.Adibning “Vatanga muhabbat bozorga solinadigan matoh emas,balki inson qalbining to‘rida gard yuqtirmay pokiza saqlanadigan eng nafis,eng injabir tuyg‘udir”kabi qator fikrlari yuqoridagi so‘zlarning rad etib bo‘lmas isbotidir.

Vatan haqida so‘z ketganda,o‘zbek ekanligimga, O‘zbekiston atalmish muqaddas zaminda tug‘ilganligimga ming bora shukrona aytaman.Chunki dunyoda vatanimning qiyosi yo‘q! To‘g‘ri,har kim o‘z vatanini maqtaydi,lekin men uning go‘zalligi,moddiy yoki ma’naviy boyliklari uchun maqtamayman. Men vatanimni mehnatkash xalqi,saxovatpesha yurtboshi borligi uchun,vatanimda o‘tayotgan har bir tinch kunim uchun sevaman. Xo‘s,aytingchi,qaysi yurtning odamlari tinch va osuda vatan bag‘rida yashayotganligidan shukrona aytib uyg‘onadi,bir ho‘plam choyini erta tongda muqaddas oilasi bag‘rida xurramlik bilan ichadi?! Faqat o‘zbeklarda!!!Shunday ekan,bu go‘zal zaminni sevmay bo‘ladimi?!Vatanga bo‘lgan muhabbatni ifodalash uchun har bir vatan farzandi yoshi,mansabidan qat’iy nazar qo‘lidan kelganicha vatani uchun xizmat qilishi kerak.Ozod Sharafiddinov “O‘lsam ayrilmasman quchoqlaringdan” maqolasida aynan shu haqda

ta'kidlab o'tadilar:" Vatan uchun kimlar nimalar qilmagan?Birovlar vatan deb jon fido qilgan,birovlar vatan deb gap sotgan...".Ushbu gaplarning isboti tarzida olim misollardan ham o'rini foydalangan:"...Men falon sohada vatan uchun o'ttiz,qirq yoki ellik yil xizmat qilib qo'yganman...",- deydiganlar ham oramizda uchrayotganligini yozadilar va buni "Vatanga muhabbatimizni ko'proq "gap sotish" yo'li bilan ifodalashga berilib ketmayapmizmi?"- deydilar.Vatan,unda qurilayotgan jamiyat bir uyga o'xshaydi.Akademik shoirimiz G'afur G'ulom ta'biri bilan aytganda, vatan tuprog'ida yashayotgan har bir inson o'sha uyga "bir g'isht "qo'ya olsa, u haqiqiy vatan farzandidir.O'zbek zaminida yashar ekanmiz, vatanimizning "hayot imoratiga" "bir g'isht" qo'ya olsakkina vatan oldidagi farzandlik burchimizni oz bo'lsa-da ado etgan bo'lamiz.Shundagina vatanga bo'lgan muhabbatni ifodalovchi so'zlar shunchaki "gap sotish" emas,haqiqatga aylanadi! "Eng mukammal jamiyatni ... hech kim bizga oltin tovoqqa solib tutmaydi.Uni har kim o'z sohasida,birov qo'li bilan,birov aqli bilan o'z vazifasini o'tab yaqinlashtiradi",- deb yozgan edi betakror ijodkorimiz Abdulla Qahhor.Demak,qay bir sohada bo'lmasin, vatan uchun xizmat qilish mumkin.Balki,vatanga xizmat,farzandlik burchini o'tash kabilar shunchaki aytilgan gaplardek tuyular, Lekin bir o'ylab ko'ring-a,bizni bir umr kaftida asrab o'stirgan vatanga qachon "qarzlarimizni to'laymiz"? vatan uchun qancha xizmat qilmaylik,uning oldidagi burchlarimizni to'liq ado eta olmaymiz.Tug'ilganimizdanoq bizni o'stirgan vatan ruhimiz tanamizni tark etsada, "tashlab qo'ymaydi",jonsiz tanamizni ham Ona vatan o'z bag'riga oladi.Shunday ekan,aziz zamondoshim,vatan uchun,uning kelajagi uchun bor mehringizni,shijoatingizni berib harakat qiling.Har daqiqa,har soniyada Ozod domla keltirgan quyidagi misralar yuragingizda vatan oldidagi burchlaringizni yodga solib turuvchi "uyg'otgich"ga aylansin:

Vatan-on-a so'zi naqadar laziz,

Sensan har narsadan mo'tabar,aziz.

Hurmatingni saqlar har bir o'g'il-qiz,

Muqaddas,mo'tabar,ulug' Vatanim,

O'lsam ayrilmasman quchoqlaringdan...

ТОХИР МАЛИК АСАРЛАРИДА ҚЎШМА ГАПЛАР СИНОНИМЯСИ

Шаҳноза Шаропова талаба,
Илмий раҳбар ўқит. Усмонов Аслам

«Тил кишиларнинг энг муҳим алоқа воситасидир». Бинобарин, кишилар ўртасидаги алоқа-аралашув процессини юштирувчи ижтимоий ҳодиса бўлган тилнинг роли ниҳоятда каттадир.

Кишилар ҳар қандай шароитда ва фаолиятнинг барча соҳаларида алоқа қилиш жараёнида тилдаги лексик, фразеологик, грамматик ва фонетик воситаларни танлаш ва ишлатишида бир-бирларидан маълум даражада фарқ қиласидар. Умумхалқ тили доирасида тил воситаларининг бундай танлаб олиниши нутқнинг хилма-хил қўринишларининг пайдо бўлишига олиб келади. Нутқнинг бу хилма-хил қўринишлари нутқ стиллари деб юритилади.

Ҳар бир нутқ стили ўзининг барча элементлари билан ягона ва алоҳида мақсад учун бўйсунган муайян тил воситалари комплексига эга. Шунга кўра, нутқ стили — ифода воситаларнинг мақсадга мувофиқ юшган системасидан иборат дейиш мумкнин. (1)

Синонимия ҳодисаси доирасида қараладиган синтактик синонимия анча кенг тарқалган алоҳида нутқий ифода воситаси саналиб, қўшма гаплар синонимияси масаласи ҳам унинг таркибида ўрганилади. Ўзбек тилшунослигида қўшма гаплар синонимияси масаласи анча ўрганилган.

Қўшма гаплар синонимияси деганда бир турдаги қўшма гапларнинг турли конструкцияда тузилиши ёки ҳар хил турдаги қўшма гапларнинг мазмунан уйғунлашуви тушунилади.(2) Тадқиғчиларнинг таъкидлашича, синтактик синонимияда ўзаро синонимик муносабатга киришаётган қурилмалардаги умумий мазмун сағданади. Фарқ фақат мазмун оттенкаларида ва гап қурилишида бўлиб, содда гап қўшма гапга айланishi ёки аксинча бўлиши мумкин. Шунингдек, содда ёки қўшма гапнинг бир тури иккинчи турга айланади. (3)

Тохир Малик ҳикояларида қўлланган қўшма гаплар синонимияси қаторига кирувчи гапларни куйдаги гурухларга ажратиб тахлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Боғловчили ва боғловчисиз күшма гаплар синонимяси.

Тохир Малик ҳикояларидан олинган ушбу гапларни солишириб кўрайлик:

Йўғонвой иккинчи тўхтамга келди, бир оз хотиржамлик билан ўрнидан туриб ювинди.

Йўғонвой иккинчи тўхтамга келди ва бир оз хотиржамлик билан ўрнидан туриб ювинди.

Улар хонада ёлгиз қолишгач, Бўрон ўтирган стулини Акмалга яқинроқ сурди.

Бу гаплар мазмун томондан бир хил ёки жуда яқин: ҳаммасида ҳам пайт муносабати ифодаланган. Улар ўзаро синонимик гаплар қаторини юзага қелтиради ва исталганидан фойдаланиш мумкин бўлади. Лекин бу гаплар грамматик томондан, маъно оттенкасида маълум даражада бир-биридан фарқ қиласи: бу, аввало, боғловчиларда, оҳангда, гаплар тартибида кўринади.

Кўшма гаплар синонимияси бундан ташқари, мазмун-муносабат ифодалашига кўра қуидаги турларга бўлинади.

Бириктирув муносабатини ифодаловчи қўшма гап қисмларида ифодаланган воқеа-ҳодиса бир пайтда ёки кетма-кет рўй бериши мумкин. Бундай мазмуннинг юзага чиқишини Тохир Малик ҳикояларида учрайдиган қуидаги қўшма гапларда ҳам кўриш мумкин.

1. Бириктирув муносабатини ифодаловчи қўшма гап:

У гапини охирига етказмади, Мелиев қўшимча қилди.

Ботирнинг акасини иши жойидан олиб келадилар ва уни бир кечакундуз асоссиз равишда ушлаб турадилар.

Икки юз минг қайдо-ю, беш минг қайдо!

Кўриниб турибдики, бириктириш мазмuni боғловчисиз қўшма гапда ҳам, боғланган қўшма гап таркибида ҳам бир хилда мавжуд бўлади.

Бириктириш мазмuni ифодаланган боғловчисиз ҳамда боғловчили қўшма гаплар тузилиши билан фарқланса-да, уларда бир хил воқеа-ҳодисалар ифодаланиб, ўзаро синонимик қатор ҳосил бўлади.

2. Зидлаш муносабатини ифодаловчи қўшма гаплар синонимияси

Бир-бирига мос келмайдиган, зид воқеа-ҳодисаларни ифодалашда икки қисмли турли хил қўшма гаплардан: боғловчили

- эргашган қўшма гаплар ва боғланган қўшма гаплар, шунингдек, боғловчисиз қўшма гаплардан фойдаланилади. Масалан:

Биз мўмиёни энг яхии шифобаҳи дори сифатида эъзозлаймиз, лекин меъёрбузилса унинг ҳам заарга айланиши ҳақиқат (Тоҳир Малик Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 1984, январь.) - боғланган қўшма гап.

Бу жанрда ижод қилиши учун арузда газал ёзмаса ҳам, бадиийлик нима эканини билиши шарт (Тоҳир Малик “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 1984, сентябрь.) - эргашган қўшма гап.

Она бизга юрак беради, бу юракни муҳаббат, меҳр, шафқат билан ҳам сугориши керак - боғловчисиз қўшма гап.

Зидлик мазмуни боғланган қўшма гап, боғловчисиз қўшма гап ҳамда эргашган қўшма гапларда аниқ ифодаланади. «Қисмлари аммо, лекин, бироқ боғловчилари орқали боғланган қўшма гапларда ҳам кўпмањолилик ҳодисасини кузатиш мумкин. Бундай қўшма гаплар учун «зидлик» семаси инвариант ҳисобланади. Бевосита «зидлик» семаси ўсиб чиққан ва унга боғлиқ бўлган «қиёс», «изоҳ», «шарт», «тўсиқсизлик» маъно муносабатлари бундай моделдаги қўшма гапларнинг фарқловчи семалари ҳисобланади».(5)

Юқорида келтирилган - *Она бизга юрак беради, бу юракни муҳаббат, меҳр, шафқат билан ҳам сугориши керак*. боғловчисиз қўшма гапи қисмларидан англашилган мазмун бир-бирига қарама - қарши қўйилган. Мазкур қўшма гап қисмлари орасига зидлов боғловчиси қўйилса, боғланган қўшма гапга айланади.

Демак, таҳлил этилаётган боғловчисиз қўшма гап зидлов боғловчили боғланган қўшма гап билан синоним бўлади. Яъни: *Она бизга юрак беради, аммо бу юракни муҳаббат, меҳр, шафқат билан ҳам сугориши керак*. Шунингдек, мазкур боғловчисиз қўшма гап пайт эргаш гапли қўшма гап билан ҳам синонимик қаторни ҳосил қиласди: *Она бизга юрак бергач, бу юракни муҳаббат, меҳр, шафқат билан ҳам сугориши керак*. Маълумки, аммо, лекин, бироқ боғловчиларининг қўлланиш доираси матнда ифодаланаётган ахборот мазмунига мос равишда чегараланганд бўлиб, улардан аммо боғловчисида зидлик маъноси бироқ, лекин боғловчиларига нисбатан кучсизdir, шунингдек, у чоғиштириш, қиёслаш муносабатини ҳам ифодалаш хусусиятига эга. Баъзан аммо боғловчили қўшма гаплар таркибида -у(-ю), -ку, -я, -да юкламалари иштирок этиб, у гапнинг қайси қисмида иштирок этган бўлса, шу қисмнинг семантикасини таъкидлаб, кучайтириб келади.

-у(-ю), -ку, -я юкламалари асосан биринчи содда гапнинг кесимида қўшилиб келади ва зидлик маъносини янада кучайтиради.(6) Масалан:

Хотинингнинг йигиси кўзингга кўринди-ю, мушитипар онангнинг кўз ёшлари кўринмадими.

Нима учун АЭСда эҳтиёт чоралари қатъий йўлга қўйилади-ю, далада кимёвий моддалар ишлатганда эътибор берилмайди.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбек тили стилистикаси.-Тошкент: ўқитувчи, 1983 йил
2. Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивлик ифодалашнинг синтактик усули. - Тошкент: Фан, 1987.
3. Мамажонов А. Қўшма гап стилистикаси. –Тошкент: Фан, 1990. –111 б.
4. Махмудов Н. Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. –Т.: Ўқитувчи, 1995.
5. Розиқулова Г. Ўзбек тилида синтактик полисемия. ИДА. –Тошкент, 1999,
6. Нурмонов А., Махмудов Н., Ахмедов А., Солихўжаева С. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. –Т.: Фан, 1992.

ЁШЛАР ТАРБИЯСИНИ ШАКЛАНТИРИШДА БАДИЙ АДАБИЁТНИНГ РОЛИ

Шоҳсанам Ҳусанова талаба.

Кишилик жамиятининг пайдо бўлишида инсон тафаккури ва унинг беқиёс туйғулар олами билан чамбарчас боғланиши мухим рол ўйнаган. Шу сабабли у ҳанузгача ардоқланиб, такомиллаштирилиб, сайқаллаштирилиб ўзига хос жило берилиб, авлоддан авлодга маънавий мерос сифатида етказиб келинмоқда. Бу гўзал жамиятда инсонга хос хислатлар ва фазилатлар билан баҳтиёр фаолият юритиш учун бадиий тафаккур тарбияланади. Бу тафаккурнинг оъекти сифатида баддий адабиётларга мурожаат қилинади. Бадиий адабиётлар ёш авлоднинг шакланишида ўзига хос тарзда таъсир кучига эгалиги билан характерланади.

Бадиий адабиёт – деганда биз кишилик жамиятининг маънавий оламида энг асосий ўринларни эгаллайдиган оғзаки ёки ёзма шаклдаги бадиий сўз санъатини тушунамиз.

Бизга шу соҳага тааллуқли манбалардан маълумки, бадиий адабиёт кишилик жамиятининг пайдо бўлиши билан боғланиб, у халқ оғзаки ижоди сифатида пайдо бўлиб, аста – секинлик билан ёзма ижод шаклида ривожланган. Бадиий адабиётда :

- гўзалликка интилиш;
- туйғуларни тарбиялаш;
- орзуларни ифода этиш;

- истакларни руёбга чиқариш;
- одамлар ўртасидага муносабатларни барқарорлаштириш;
- умуминсоний қадриятларни улуғлаш;
- миллий қадриятларни эъзозлаш;
- ҳаракат, сўз ва мусиқанинг интеграциялашуви;
- инсоннинг меҳнат фаолияти;
- кишиларнинг мифологияси;
- одамларнинг тарихий, диний қарашлари;;
- урф – одатларнинг тарбиявий ахамиятини ёритиш ўз ифодасини топиб боради. Шунинг учун ҳам бадиий адабиётда инсоннинг умри давомида кўзга ташланиб турадиган жамики холатлари акс эттирилади.

Инсонлар бадиий ижод билан шуғилланар экан биринчи навбатда ўз олдига улкан мақсадларни қўяди. Яъни, халқнинг асрий орзуларини амалга ошириш учун бел боғлайдилар. Улар бадиий талқинда турли кўринишларда ўз ифодасини топади. Булар қўйидаги йўналишларда:

- классицизм;
- романтизм;
- танқидий реализм;
- натурализм.

Бу йўналишлар инсоният тараққиётининг турли даврларда пайдо бўлган ва ривожлантирилган. Ижод аҳли доимий равища, турли йўналишларда жамиятдаги ҳодисаларни илҳом билан баён этиб келган.

Ёшлар тарбиясини шакллантиришда бадиий адабиёт муҳим ахамият касб этишини қўйидагиларда асослаб бериш мумкин. Булар: эртаклар, мақоллар, маталлар, ҳикоялар, ривоятлар, қўшиқлар, шеърлар ва ҳок. Мисол учун эртаклар орқали болажонларни яхшиликка етаклаш, топишмоқлар орқали болажонларнинг топқирлигини ривожлантириш, мақоллар орқали болажонларга ҳаётнинг фалсафий томонларини англатиш, ҳикоялар орқали жамиятда бўлаётган воқеаларга холисона баҳо беришга одатлантириш, салбий томонлардан нафратланиш, жамиятнинг ижобий томонларидан гуурланиш ҳисларини тарбиялаш, қўшиқлар орқали рухиятни тетиклаштириш, мақсад сари олға қадам ташлашга одатлантириш амалга оширилади.

Бизга маълумки, ижтимоий ҳаётнинг кўпкиррали муносабатларига қараб бадиий адабиёт эпос, лирика, драма каби

шаклларини ишга солади ва уларни ўзига хос жанрларда ифода этади. Бадий адабиётни кузатиб олимларимиз ҳаққоний, мантикий хулоسага келишган.У:

- ҳаётни қандай бўлса шундай тасвирлаб бериши;
- ҳаётнинг икир – чикирларини бадий бўёқда бериши;
- воқеаларни топишмоқ усулида баён қилиши;
- инсонлар муносабатларини шеваларда баён қилиши;
- инсонлар муносабатларини нафис туйғуларда баён қилиши;
- тил стилларидан унумли фойдаланиши замирида ёш авлонинг эстетик туйғу ва тафаккурини тарбиялаши, ёш авлодни баркамол шахс сифатида вояга етказиши жараёнларида ўз таъсир кучини ўтказиб боради. Бадий адабиётнинг мақсади инсон қалбига эзгулик ва муҳаббат уруғини қадашдан иборатдир. Қачонки инсонларнинг қалбига эзгулик туйғулари гулласа, ёвузликка нафрат ҳис ўз – ўзидан пайдо бўлади .

Шунинг учун ҳам президентимиз И. А. Каримов ўзининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида “**Инсонни, унинг маънавий оламини кашф этадиган яна бир қудратли восита борки, у ҳам бўлса, сўз санъати, бадий адабиётдир. Адабиётнинг инсоншунослик деб, шоир ва ёзувчиларни инсон руҳининг муҳандислари, деб таърифланиши бежиз эмас**”. – деган фикрни билдиради. Шундан кўриниб турибдик, бадий адабиёт том маънодаги инсон руҳиятини тарбияловчи бекиёс маънавий кучдир.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. И. А. Каримов « Юксак маънавият – енгилмас куч». - Т.; «Манавият»- 2009й.
2. Маънавият: асосий тушунчалар изохли лугати. –Т.: 2009.

**СОҒЛОМ БОЛА ДУНЁҚАРАШИ ЮКСАЛИШИДА
ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТНИНГ АҲАМИЯТИ**
К.Қаршибоева талаба,
Илмий раҳбар катта ўқит Ш.Камолова.

Баркамол авлодни тарбиялаш, ўзининг маънавий-маърифий, ташкилий-услубий, ижтимоий-иктисодий жиҳатлари билан мураккаб ва масъулиятли динамик жараёндир.

- соғлом болаларда шахс камолати босқичлари асосида Ватан туйғусини шакллантириш ва бунда улар онгига Она тупроқ, Она

Ватан, Ватан соғинчи, Ватан қайғуси каби тушунчаларга ҳурмат үйғотиши;

- бола тарбиясида «Баркамол авлод», «Комил шахс», «Олим», «Паҳлавон», «Аллома», «Мутафаккир», «Донишманд» каби камолат босқичларидан аниқ далиллар асосида ибрат-намуна тизимидан кенг фойдаланиш лозим;

Бугуниги куннинг келажагини белгилаш ва таъминлаш кўп жихатдан ҳозирги ёш авлоднинг дунёқарашини кенг маънавий етук қилиб тарбиялашга боғлиқ.

Ўзбек миллатининг умумий маданияти ва унинг ўзига хос хусусиятлари узоқ ўтмиш билан боғликдир. Бу хақда Авесто, ундаги зардуштийлар хаёти Алпомиш, Шохнома, Гўрўғли Тохир ва Зухра, Рустамхон Муродхон, Авазхон ва бошқа шунга ўхшаш достонлар ва тарихий олтин меросларимиз бунга гувоҳлик беради. Миллий маданиятимиз мазмун моҳиятида таълим-тарбия билим, санъат, меҳнат, соғлиқни сақлаш, ватанга мухаббат, оналар ва болалар, қарияларни қадрлаш, жисмоний тарбия, спорт каби соҳалар мужассамланиб улар ижтимоий –иктисодий ва маданий тараққиётимизда устивор туради. Шу сабабли жисмоний маданият соҳаси соғлом турмуш тарзимизда, баркамол авлод дунёқарашини юксалишида мустаҳкам омил булиб жамиятимизда яшовчи ҳар бир онгли киши эркин фикрга ва илмий дунёқараашга эга бўлган шахс, жамият тароққиятининг асосини ташкил этади.

Бундай улуғвор ва ўта мураккаб, маъсулиятли, тарбиявий жараёнларни амалга оширишда умуммаданият ва жисмоний маданият тарбиясини бойитиш ҳамда кенгайтиришга хизмат қилувчи баъзи бир тадбирларнинг ўзига хос хусусиятлари ва моҳиятлари мавжуддир. Уларни болалар боғчаларида ўтказилаётган “Полвонжонлар”, “Чаққон ва эпчиллар”, умумтаълим мактаб ўқувчиларининг “Қувноқ стартлар”, “Умид ниҳоллари”, касб-ҳунар коллеж ўқувчи талабаларининг “Баркамол авлод” спорт мусобақалари ҳамда Олий ўқув юртлари талабаларининг “Универсиада”лари мисолида кўриш мумкин бўлади.

Шу боис баркамол авлоднинг маънавий қиёфаси, илмий дунёқараши юксалишида умуминсоний қадриятларимиздан фойдаланишимизга тўғри келади. Чунки улар туфайлигина баркамол авлод зомон талаби асосида олиб бориш мумкин ва улар келажак авлодни она Ватанга садоқат руҳида тарбиялашнинг асосий илдизлари ҳисобланади. Қадимдан шарқ халқлари соғлом

турмуш, жисмоний маданият деган тушунчаларни ишлатмаган бўлсаларда, уларнинг асосий мазмунлари, шакллари ва мақсад вазифалари ҳамда моҳиятлари узоқ ўтмишишимизга бориб тақалади. Яъни “Пахлавон”, “Чавандоз”, “Ўтда ёнмас”, “Қилич кесмас”, “Енгил”, “Чаққон”, “Учкур”, “Жасур” каби ибораларда ифодаланган. Буларни юқорида таъкидланган шоҳ асарлар, достонлар, халқ оғзаки ижоди дурдоналарида кўриш мумкин.

Жисмоний маданият ибораси ва унинг мазмуни ифодаси миллатимиз ва халқимиз орасида расмий истеъмолда полвон (кураш), чавандоз (от ўйинлари), мерган (ёй, камон, ўқ отиш қуроллари), ҳаракатли ўйинлар (оқ теракми, кўк терак, бекинмачо, читтигул) каби иборалар ўз қимматини сақлаб келган ҳолда кенг ишлатилмоқда. Шунингдек, жисмоний маданиятнинг юқори чўққиларини эгаллаган кишиларни халқаро андозалар асосида спорт устаси, хизмат кўрсатган спорт устаси, чемпион, рекордчи каби замонавий иборалар билан аташ одатланган.¹

Масалага шу тариқа қаралса, болаларни соғлом қилиб тарбиялаб ўстириш, касб-хунар йўлида меҳнатга яроқли қилиб етишириш ва вояга етказишида таълим-тарбиянинг барча омилларида, жисмоний маданият тарбиясидан ҳам мақсадли фойдаланишга тўғри келади.

Шундай қилиб, болалар ҳаётида бошланғич таълим даврида йўналадиган ўйинлар, айниқса спорт характеристидаги қоидали ҳаракатли ўйинлар уларни ҳам жисмоний, ҳам психик жиҳатдан ҳар тарафлама ўстиришида ва келгуси фаолиятга тайёрлашда муҳим роль ўйнайди.

Жисмоний маданият ўқувчиларни ҳаётга бўлган интилишига, илмий дунёқарашини юксалишига, ҳар бир масалага ижодий ёндашишига, ҳаётининг мазмунли бўлишига, одобига таъсир этади.

Жисмоний маданият асосида ўқувчиларининг ахлоқий маданиятини шакллантиришида ўқитувчилар қуидагиларни амалга оширишлари мақсадга мувофиқдир.

Дарс ва синфдан ташқари машғулотларда ўқувчиларини жисмоний маданиятини шакллантиришида изчилликка эришиш; умуминсоний анъаналар асосида ўқувчилар жисмоний маданиятини шакллантириш тажрибаларини ривожлантириш.

¹ И.М.Алибеков. Баркамол инсонни тарбиялашда жисмоний тарбиянинг ўрни ва уни ташкил қилиш Жиззах 2010

Аждодларимиз яратган буюк маданий меросларимизга мурожаат этиш. Уларни ўрганиб, ўқувчиларни халқимизнинг миллий маданиятидан баҳраманд қилиш. Ўқувчиларни жисмоний маданиятини шакллантиришда мактаб, оила ва жамоатчиликнинг ҳамкорлигига эришиш.

Ўқувчиларимизнинг баркамол илмий дунёқараши кенг бўлишида жисмоний маданият самарали таъсир этади.

Хуллас Истиқлол сари одимлаб келаётган бир шароитда умуминсоний маданиятни юзага чиқариш, уларни асраб-авайлаш ҳамда бугунги маданият мулкига қўшиб юбориш давримиз талаби бўлиб қолиши лозим.

ШАХС МАЬНАВИЙ КАМОЛОТИ ВА УЛАРГА МОС ДУНЁҚАРАШНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

**Ш. Камолова талаба (ЖДПИ),
С.Икромов Шарқшунослик институти талабаси.**

Шахс камолоти асосини у яшаб турган ижтимоий муҳит ва тарбия белгилайди. Инсондаги ақл, онгнинг ривожланиб бориши натижасида табиат ва жамиятдаги ҳодиса ва жараёнлар кечишини ўрганишга, уларни имкон бўлганда бошқаришга бўлган қизиқиши, интилиш ҳамма вақт ҳам долзарб муаммо бўлиб келган. Энг асосийси булар масофа ҳам, ирқ ҳам, миллат ҳам танламайди.

Бизга маълумки, тарбия масаласи билан дунёга машхур донишманлар ва улуғ бобокалонларимиз доимо шуғулланиб келган. Улар Абу Наср Фаробий, Алишер Навоий, И мом ал-Бухорий, Юсуф Хос Ҳожиб ва ҳоказолар. Бу борада Абу Наср Фаробийнинг «Фозил одамлар шахри», «Фазилат, баҳт ва камолот ҳақида» ва шу каби асарлари бугунги ёшлигини тарбиясида ҳам ниҳоятда ибратлидир. Қайд этилган асарларнинг асосий мазмунини тарбия воситалари, шакллари ва шу кабилар ташкил этади.

Тарбия ўзи нима, деган саволга Фаробийдан қуйидагича кетма-кетликдаги жавобни топиш мумкин:

- «**Камолот**» - бу яратган Аллоҳнинг борлигини онгли равища сезиши ва ундан воқиф бўлиш»;
- «**Камолотга элтувчи йўл** – гўзал фазилатли ва хайрли (яхши) ишларни ички хоҳиш ва истак билан тақрорлаш, уларга мунтазам амал қилиш»;
- «**Баҳт** – ахлоқий фазилатларни ўзлаштириш натижаси»;
- «**Баҳт белгиси** – руҳнинг лаззат олиши ва яратганни севиши»;

- «**Камолот натижаси** – абадийликка эга бўлиш»¹.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, бола тарбиясини она қорнидаёқ бошлаш лозим экан. Чунки, тарбия туфайлигина шахс камолоти узлуксизлигини ва узвийлигини муваффақиятли таъминлаш мумкин.

Бола ҳаётининг ҳар дақиқаси ҳар бир ойи жисмоний ва руҳий жиҳатдан шаклланишдаги муҳим давридир. Болани туғилгандан бир ёшга етгунгача педагогик-психологик фаолият нуқтаи-назаридан унга ёндашиб, қуидаги ёш даврларни босқичларга ажратиш мумкин:

- 1) чилла даври (1 ойдан – 1,5 ой)
- 2) илк чақалоқлик даври (1,5 ойдан 6 ойгacha)
- 3) чақалоқлик даври (6 ойдан 9-10 ойгacha)
- 4) сўнгги чақалоқлик даври (10 ойдан 1 ёшга етгунгача) ва
х.к.

Инсоният пайдо бўлибдики, унда яшовчи онгли инсонлар тинч ва фаровон, баҳтли-саодатли, сиҳат-саломатли умр кечиришни орзу қиласи.

Умуман олганда, инсонни камолот пиллапояларига ва ундаги соғлом маънавий турмуш тарзига тайёрлаш учун уни маънавий-ахлоқий жиҳатдан жамият тараққиёти асосида тарбиялаш лозим бўлади, чунки тўғри тарбия натижасидагина инсонлар ўз баҳтларини топиш имкониятига эга бўладилар.

Демак, баҳтли, маънан ва жисмонан соғлом ҳаёт кечириш инсон **умрининг мазмунини** белгилайди.

Мустақиллик, халқимизни ўз турмуш тарзини, яъни умр мазмунини белгилаш имкониятини берди ва улар миллийлигимизга хос турмуш кечира бошлади. Бундай баҳтни қўлга киритишимизда Юртбошимизнинг миллий давлат сиёсати асосий омил бўлди. «Соғлом ҳаёт», «Соғлом турмуш тарзи», «Соғлом авлод», «Соғлом миллат», «Соғлом эътиқод», «Соғлом халқ», «Соғлом онг», «Соғлом муҳит», «Баркамол авлод», «Комил инсон» ва шу каби тушунчалар халқимиз турмуш фаолиятининг асосига айланади. Булар Ватанимиз ижтимоий-маънавий қиёфасини юксалтиришда давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12 йиллиги тантанасида Президентимиз «Соғлом халқ, соғлом миллатгина

¹ Фаробий Абй Наср. Фазилат, баҳт-саодат ва камолат ша=ида. – Т.: «Ёзувчи», 2002. – 14-б

буюк ишларга қодир бўлиши»ни ҳар томонлама ва чуқур мазмунда асослаб берди².

Бу борада шуни таъкидлаш мумкинки, ўз қадр-қимматини, соғлигини, саломатлигини сақлашни билган одам ўз соғлом турмуш тарзини барпо эта олади ҳамда ўзгаларни қадрлайди ва пировард натижада халқнинг, миллатнинг умумсоғлиги муҳити яратилади.

Халқ умумсоғлиги муҳити яратилганлигини қўйидаги омиллар орқали англаш мумкин:

- миллий қадриятларга садоқат руҳининг мавжудлиги; жамиятдаги тинчлик, хотиржамликни сақлашга онгли муносабатнинг мавжудлиги; тинч ва фаровон ҳаёт яратишга интилиш;
- ижтимоий маънавиятни юксалтиришга интилиш;
- сиҳат-саломатлик («Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада», «Ўзбек кураши» ва турли республика миқёсидаги мусобақалар) масалаларининг доимий равища давлат ва жамият эътиборида туриши;
- соғлом муҳитнинг ҳар бир аъзоси ўз соғлиги ҳақида қайғуришни қундалик вазифаси деб билсин ва бошқаларни ҳам ушбу йўналишга даъват эта олиш қобилиятига эга бўлсин;
- соғлом муҳит аъзоси ўз қадрига етишни билсин, яъни ўзлигини англай билсин ва бунда «кече → бугун → эртага», деган тизим асосида фикр юрита олсин;
- соғлом муҳитнинг ҳар бир аъзоси ортиқча, реакцион, мантиқсиз фикрлардан холи бўлмоғи лозим, яъни улар онгига ғоявий бўшлиқ бўлмаслиги лозим.

Умуман олганда, инсонни камолот пиллапояларига ва ундаги соғлом –маънавий турмуш тарзига тайёрлаш учун уни маънавий-ахлоқий жиҳатдан жамият тараққиёти асосида тарбиялаш лозим бўлади, чунки тўғри тарбия натижасидагина инсонлар ўз баҳтларини топиш имкониятига эга бўлади.

Демак, шахс тарбияси жараёни ижтимоий муаммо бўлиб, уни ечими эса ҳар бир инсон ўша жамиятнинг тўлақонли фаол аъзоси бўлишлиги билан белгиланади.

² Каримов И.А. Соғлом хал=, соғлом миллатгина буюк ишларга =одир былади // «Хал= сизи», 2004 йил 8 декабр сони

Бу борада, дунёқарааш тушунчаси одамнинг ўзининг онадан туғилиши билан дунёни кўришидан бошланиб, юксак интеллектуал салоҳиятни эгаллагунга қадар ривожланиб боради. Улар «акл → онг → фикр → илм → билим → қарааш → ғоя → таълимот» тизим орқали шаклланиб, ривожланиб, такомиллашиб боради.

Дунёқарааш шаклланишининг яна бир хусусияти шундан иборатки, хусусий кўринишлардан умумий кўринишларга, яъни индивидуал хусусиятлардан ижтимоий хусусиятларгача ривожланиб, такомиллашиб бораверади ва шунинг билан бирга у ижтимоий муносабатлар билан чамбарчас боғлиқ. Дунёқарааш кишиларнинг ёши, ҳаёт тажрибаси, интеллектуал салоҳияти, мафкураси ва шу кабилар билан боғлиқ равища ривожланиб, такомиллашиб боради.

Демак, дунёқарааш инсоннинг ўзини ва дунёни зарурий равища англаши ҳамда баҳолаши асосида шаклланади. Бу борада ҳозирги ёшларимиз онгини ўстириш ва тафаккурини кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади. Булар орқали уларни интеллектуал салоҳиятли сиёсий онгли қилиб тарбиялаш имконияти яратилади. Бу эса эркин ва мустақил фикрлайдиган, ўзлигини англай оладиган, яъни ҳар хил заарли оқимларга қўшилиб кетавермайдиган бўлажак мутахассисларни тайёрлашда мустаҳкам асос бўла олади.

Адабиётлар:

¹ Фаробий Абу Наср. Фазилат, баҳт-саодат ва камолат хақида. – Т.: «Ёзувчи», 2002. – 14-б

² Каримов И.А. Соғлом ҳалқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади // «Ҳалқ сўзи», 2004 йил 8 декабр сони

ИНТЕРНЕТНИНГ ЁШЛАР ХАЁТИДАГИ ЎРНИ

Ш.Н Камолова талаба.

Эркин ва мустақил фикрловчи, дунёқараши кенг, ижодкор, миллий мафкурамизга садоқатли бўлган интеллектуал салоҳиятли баркамол шахсни шакллантириш, фан-техника ва технологияларнинг энг сўнгги ютуқларидан таълим-тарбия соҳасида кенг фойдаланишини тақозо этади ва бу билан жаҳон андозалари талабларига тўлиқ жавоб берадиган рақобатбардош кадрлар тайёрлашга эришилади. Бунда «XXI аср – интеллектуал аср»нинг, яъни ахборотлашган жамиятнинг фаол иштирокчиларини тарбиялаш энг муҳим долзарб муаммолардан бири бўлиб, унда

ақлий меҳнатнинг ривожланишини таъминловчи интеллект ва билимлар рўёбга чиқарилади, ҳамда истеъмолда улардан фойдаланилади. Ушбу муаммо ечимини ҳал этишда жамиятни ривожлантиришнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлиш, ахборотларни ишлаб чиқиш ва ундан режалаштирилган мақсадларда самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Республикамизда ҳам ушбу соҳага, яъни жамиятни ахборотлаштириш бўйича эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда. Республикализнинг барча тармоқларини ахборотлаштириш ва уни такомиллаштириш бўйича қатор қарорлар, қонунлар, фармойишлар, йўриқномалар ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар қабул қилинмоқда ва улар амалиётга жорий қилинмоқда. Жумладан, «Ахборотлаштириш», «электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурлар ва маълумотлар базаларини хукуқий муҳофаза қилиш», «Алоқа», «Интернет», «Масофавий таълим», «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот – коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида» гилар бўйича телекоммуникация тармоқларини ривожлантиришнинг меъёрий хукуқий асослари яратилди.

Яратилган имкониятлар талабаларнинг дунёқарашини кенгайтириш ва уларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш асосида таълим жараёнида янги техника-технологияларни қўллашни ўзлаштиришнинг истиқболли йўналишларини очиб беради. Бу эса ахборот – коммуникацион технологиялардан фойдаланган ҳолда илмий дунёқараши кенг баркамол авлодни шакллантиришнинг дидактик асосларидан бири ҳисобланади.

Давлатимиз Президенти Ислом Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобида таъкидлаганидек, “инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам, ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин заарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин”.

Интернет – кўплаб локал ва минтақавий компьютерлар тармоқларини бир бутун қилиб бирлаштирувчи бутун дунё компьютер тармоғи.

Интернет – (лот. Inter – аро ва net - тармоқ) – катта (глобал) ва кичик (локал) компьютер тармоқларини ўзаро боғловчи бутун жаҳон компьютер тизими. Демак, ИНТЕРНЕТ – бутун дунё бўйлаб

фаолият кўрсатадиган халқаро ахборот алмашишнинг глобал компьютерли тармоғидир.

Маълумки ахборот нафақат жамиятнинг мўҳим элементи, балки жамият доимо ахборотга эга бўлиб келган ва унингиз мавжуд бўла олмайди. Инсон ахборотнинг бевосита ва билвосита ташувчиси ҳисобланади. Бугунги кунда жамиятимизда кенг қамровли модернизацияллаш жараёнлари кетмоқда. Ёшларимиз дунёқарашидаги ўзгаришлар ва янгиланишлар зиддиятли ва мурракаб ҳарактерга эга бўлган ахборотлашган жамият шароитлари ўтиш даврида рўй бермоқда. Ёшларимиз онгига ахборотнинг замонавий усули ва воситаси, яъни интернет ёрдамида бир вақтнинг ўзида ҳам ижобий, ҳам салбий ҳусусиятга эга бўлган ҳабар ва маълумотлар таъсир кўрсатмоқда. Бу ҳолат ёшларимиз ахборот маданиятини юксалтиришга омил бўлса баъзан ёшларда номакул ҳиссиётлар воқеа ҳодисалар ҳақида нотўғри тасаввурларнинг шаклланишига ҳам сабаб бўлмоқда. Жумладан;

– Ёшлар онгини заарловчи турли фильмлар ва ахборотлар.

Бундай Интернет кафеларда фойдаланувчилар кўнглига келган ишларни қилиши, турли хил стратегик ва вахшийликка йўналтирилган ҳамда рухиятга таъсир этувчи ўйинларни ўйнаши, турли жанрдаги мусиқаларни тинглаши видео фильмларни ва роликларни томоша қилиши мумкин. Бундай интернет кафелар ёшларнинг тарбиясида салбий аҳамият касб этади.

Ёшларимиз ўртасида итернет олимпиадаларини ўтқазиш ижобий натижаларни беради. Булар қўйидагича:

- Олий таълим муассасалари талабалари ўртасида дастурлаш бўйича жаҳон чемпионати
- Чемпионатнинг асосий мақсади ёш дастурчи мутахассисларни топиш, қўллаб-қувватлаш ва етук дастурчи кадр қилиб тарбиялаш

2008/2009 йиллар даври мусобақаларида олти минтақанинг 84 давлатидан 6000 дан ортиқ командалар иштирок этишди.

Ахборот истеъмоли маданияти соғлом тафаккур тарзини шакллантириш айни вақтда демократик фикрлаш ғоя ва қарашлар хилма – хиллиги мўҳим асосидир. Хулоса қилиб шуни айтиш жойизки; ёшларни интеллектуал салоҳиятни ўстириш ва баркамол авлод тарбиясида замонавий ахборот-коммуникация

технологияларидан тўғри фойдаланишини ташкил этишдан иборатдир.

Адбиётлар рўйхати

1. И.А.Каримов Юксак маънавият енгилмас куч. Тошкент, “маънавият нашриёти”, 2008.
8. А. А. Абдуқодиров. Ва бошқалар. Аҳборот технологиялари. Тошкент, “Ўқитувчи”, 2002.
9. Ж. Хасанбоев, Х. Тўрақулов, М. Ҳайдаров. Педагогика фанидан изоҳли луғат. Тошкент, “Фан ва технология”, 2008.
10. Толипов Ў. Тажриба – синов ишларида янги педагогик технологиялар. Тошкент, “Халқ таълими ж.”, 2000.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИНИНГ ТАФАККУРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ДИДАКТИК ЎЙИНЛАРНИНГ РОЛИ

**Н. Муродова талаба,
М.Нормурадова талаба.**

Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” да “Ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялашда халқнинг бой маданий-тариҳий анъаналарига, урф-одатлари ҳамда умумбашарий қадриятларига асосланган самарали, ташкилий, педагогик шакл ва воситалари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилади. Шахсни тарбиялаш ва уни ҳар томонлама камол топтиришнинг устуворлиги таъминланади. Умумий ҳамда педагогик маданиятни ошириш мақсадида, мамлакат аҳолиси орасидаги маънавий-маърифий ишлар такомиллаштирилиб борилади”, - деб таъкидланади (1). Шунингдек, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” да мактабгача таълим – узлуксиз таълим тизимининг биринчи тури эканлиги қайд этилиб, унда мактабгача таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнини олиб боришга қўйилган замонавий талаблар акс эттирилган.

Бу масалада Президентимиз И.А.Каримовнинг “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” рисоласининг “Мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизлари” деб номланган фаслида қуйидаги асосий негизлар қайд этилган:

- умуминсоний қадриятларга содиклик;
- халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши;
- ватанпарварлик (2).

Бизга маълумки, мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларининг асосий фаолият тури ўйин ҳисобланади. Ўйин жараёнида бола шахси шакллана бошлади. Педагогик нуқтаи назардан тўғри ташкил этилган ўйин боланинг ахлоқий, иродавий хусусиятларини шакллантириш билан бирга, унда ақлий тафаккурни шакллантиришга ҳам хизмат қиласди.

Мактабгача таълим тизимидағи ўйинларни биз учта асосий турга ажратишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Улар дидактик, тарбиявий ва ривожлантирувчи ўйинлардир. Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари учун аҳамиятли бўлган дидактик, яъни ақлий ўйинлар ҳақида фикр юритамиз.

Ақлий ўйинлар мактабгача таълим муассасаларида таълим-тарбия воситаси сифатида кенг қўлланилади. Ақлий ўйинлар таълим жараёни билан бевосита боғлиқ бўлиб, боланинг дунёқарашини тубдан ўзгартиради ва уларни фикрлашга чорлади. Ақлий ўйинлар тарбияланувчиларининг теварак-атроф тўғрисидаги билимларини кенгайтиришга ёрдам беради, ўз шахсий тажрибалари ва машғулотларда олган билимларини амалиётда қўллашга, уни билишга ўргатади, улардаги фикрлаш қобилиятини, нутқ жараёнини, шу жумладан ақлий тафаккурини ривожлантириб олган билимларини тартибга солади. Бугунги кунда савол-жавоб, саноққа ўргатиш ва тўғри сўзлашга ўргатиш ўйинлари самарали ҳисобланади. Бола билан турли мавзуларда савол-жавоб қилиш, тўғри жавоб берганида мақташ ва нотўғри жавоб берганида уларнинг фикрларини тўғрилаш оқилона йўлдир. Тажрибали мураббийлар бола билан савол-жавоб қилишда кенг қўламлиликка эътибор беради. Жумладан, қуйидаги саволлар берилиши мақсадга мувофиқ:

- ота-она, яшаш манзили тўғрисида;
- оила аъзолари ҳақида;
- сен ким бўлмоқчисан;
- телевидениеда қайси кўрсатувларни кўрасан;
- уйларингда ким кўп китоб ўқиуди ва ҳ.к.

Бола саволларга жавоб бериш жараёнида фикрлайди ва фикрини равон ифодалашга одатланиб боради. Ақлий ўйинлар болаларнинг тафаккур доирасини кенгайтириб боради, унинг фикрлашини такомиллаштиради, тасавурларнинг ривожланишига таъсир этади. Биргалиқда ўтказилган ақлий ўйинлар болалар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга хизмат қиласди. Шунинг

учун ақлий үйинларнинг мазмуни хилма-хил бўлиб, унда үйин элементлари қанча кўп бўлса, болаларга у шунча қувонч боғишлиди. Ҳозирги кунда ақлий үйинлар катталарнинг касбига оид: ўқитувчилик, тарбиячилик, врачлик, мусиқа ходими, сотувчилик, ҳайдовчилик, ватан посбонлари кабилар тарбияланувчиларнинг касб танлашига, ўйлаб мушоҳада юритишига ундейди. Катталарнинг ўзаро муносабати болаларда ақлий тафаккурнинг ривожланишида асос бўлиб хизмат қиласи. Ақлий тафаккурнинг муҳим вазифаларидан бири турли хил үйинлар сюжети орқали ифодаланишидир. Булар: “Кийикни овлаш”, “Оқсоқ турна”, “Мерган бола”, “Шолғом тортиш”, “Подачи билан пода”, “Ботир болалар”, “Қувноқ жавоб”, “Тўрт бурчак”, “Ҳайвонлар қироли”, “Ўйинчақларни олиб кел” каби. Ақлий үйинларни ечиш топқирлик, зеҳн ва ҳазил туйғуси талаб қилинади. Бундай үйинларнинг берилиши болаларни ақлий тафаккурлашга йўналтириб, муҳим маълумотлардан муҳим эмасларини ажратиб олиш кўникмасини шакллантиради. Бунда дастлаб ҳазил расмдан фойдаланиш лозим. Ҷўпоннинг нечта боласи бор? Улар билан яна ким яшайди? Ҷўпон оиласидагиларнинг умумий сонини айтинг. Энди шеърга навбат:

Кўтариб келиб тўрва,
Эчки пиширди шўрва.
Сузиб икки товоққа,
Уларнинг ҳар бирини,
Берди икки улоққа,
Улоқлар тўйиshmади,
Онасини қўйиshmади,
Таққиллатиб товоқни,
Тешай деди қулоқни.
Нечта улоқ қилмай тоқат,
Кутаяпти яна овқат.

Шеърда нечта улоқ овқат кутаяпти? Жавоб – 4 та.

Шеър ўрнига мантиқий фикрлашни ривожлантирувчи қисқа үйинлардан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан, фақат битта таёқча билан стол устида қандай қилиб учбурчак ҳосил қилиш мумкин? (Уни стол бурчагига қўйиш мумкин), ёки кетаётиб қайрағоч тагида битта кучук думи, битта эчки, иккита мушук қулоғини кўрдим. У ерда кимлар бор ва улар нечта? Бу каби үйинлар нафақат ақлий тафаккурининг ривожланишига, балки

идроклиник ва зеҳнлиликни ҳам тарбиялади. Шундай ақлий ўйинлардан бири “Тез жавоб”. Бунда тарбиячи тарбияланувчилардан бирини тургизади ва бирор нарсанинг номини айтади. Бола шу нарса мансуб бўлган турга кирувчи сўз топиб айтиши лозим. Жавоб то учгача санагунча айтилиши керак. Жавоб беролмаган бола ўйиндан чиқарилади. Ўйин битта бола қолгунча давом эттирилади. Бундай ўйин давомида болаларда ҳозиржавоблик, мустақил фикрлаш қобилияти ривожланиб, атроф-муҳитни синчковлик билан кузатади, атрофдаги содир бўлаётган воқеа ва ҳодисаларга қизиқиши ортиб, фиклайди.

Масалан: Тарбиячи: “Хайвон”

Тарбияланувчи: “Ит”

Тарбиячи: “Мултъфильм”

Тарбияланувчи : “Бўри ва қуён”.

Тарбиячи: “Мева”

Тарбияланувчи “Олма”.

Тарбиячи: “Болалар исми”

Тарбияланувчи: “Анвар” ...

Бу каби ўйинлар болаларда зийраклик, топқирлик, кузатувчанлик, атроф-муҳитга эътибор шаклланиб, ўйинлар воситасида Ватанга эътиқод, табиатга нисбатан муҳаббат ҳисларини тарбиялаш мумкин. Бундан ташқари, ўқувчилар нутки ривожланиб боради, луғат бойлиги ортади, мустақил фикрлаш доираси кенгайиб боради.

Ақлий ўйинларни ўтказишда тарбиячининг ўрни жуда муҳим ҳисобланади. Чунки тарбиячи тарбияланувчиларга ақлий ўйинларнинг қонун-қоидаларини, ўтказиш тартиби тўғрисида тушунча беради, ўйинда бевосита иштирок этиб улар билан ҳамкорликда фаолият юритади, ўйинлар тўғрисида қўшимча маълумотлар бериб боради.

Ақлий ўйинларни олиб боришда қуйидаги талабларга риоя қилиш зарур:

-танланган ақлий ўйинлар тарбияланувчиларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларига мос келиши;

-ҳар бир ақлий ўйинлар педагогик ва психологик жиҳатдан асосланган бўлиши;

-бир хилдаги ўйинларнинг кўп марта такрорланишига йўл қўймаслик;

-ўйинни ўтказишдан мақсад унинг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи жиҳатларига эътиборни қаратиши;

-ўйин якунида ғолиб чиққан болаларни рағбатлантириб бориш.

Шу тариқа болалар билан олиб бориладиган ақлий ўйинлар мураккаблаштириб барча тартиб қоидаларга риоя қилиб ўтказилса, тарбияланувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиб бориши шубҳасиздир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т.: Шарқ, 1998. 8-б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. –Т.: “Ўзбекистон”, 1996. 74-б.
3. Болангиз мактабга тайёрми? Тошкент, 2009.
4. Толипова Ж. Ноанъанавий таълимнинг дидактик асослари. Тошкент, 1995.

Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларини ақлий тафаккурини миллий қўғирчоқлар ва ўйинчоқлар воситасида шакллантириш

М. Нормуродова талаба.

Жамиятимизда мактабгача таълим муассасалари баркамол авлодни вояга етказиши мустақил бўғини ҳисобланади. Бугунги бу муассасалар болаларни жисмоний, ақлий ва аҳлоқий жиҳатдан ривожлантириш, уларни мактабга тайёрлашдек муҳим вазифаларни бажармоқда. Бу жараёнда тарбиячиларнинг **ақлий тафаккурини шакллантириш** ҳам муҳим аҳамиятга эга¹.

Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларининг ақлий тафаккурини шакллантиришнинг усул ва воситалари кўп. Улардан бири **миллий қўғирчоқ ва ўйинчоқлар** воситасида шакллантиришdir. Қўғирчоқ ва ўйинчоқлар мазкур тоифа болаларининг ақлий тафаккурини шакллантиришда қуйидагича аҳамиятга эга:

- 1) Болани ўзига жалб қиласди;
- 2) Болада тасаввур уйғотади;
- 3) Бола тасаввури орқали янгиликлар яратишга интилади;
- 4) Бола унга нисбатан муносабатга киришади;
- 5) Бола унга эркин муомалада бўлади.
- 6) Бола қўғирчоқ ва ўйинчоқлар орқали дунёни англайди;
- 7) Боланинг миллийлигимизга бўлган муҳаббатини уйғотади;
- 8) Боланинг мантиқий фикрлаш қобилияти ривожланади;
- 9) Бола миллийлигимизни англаш орқали тарихимизни билишга интилади;

10) Бола қўғирчоқга алла айтиб, онага ва ватанга бўлган меҳр-муҳаббатни ўрганади;

11) Қўғирчоқ ва ўйинчоқлар орқали ролли ўйинларни саҳналаштиришга ҳаракат қиласди.

Шу сабабли қўғирчоқ ва ўйинчоқлар воситасида ақлий тафаккурнинг таркиби бўлган қизиқиш, тасавур, муносабат ва муомала ҳаракатларини юзага келтириш мумкин. Бунинг учун мураббий муайян **тайёргарликка** эга бўлиши керак. Кузатишлар ва таҳлиллар шуни қўрсатадики, бу тайёргарликда қуидагилар муҳим ўрин тутади:

1. Қўғирчоқ ва ўйинчоқларни оқилона танлаш.
Мураббий бу масалада қуидагилдарга эътибор бериши керак:

- Қўғирчоқ ва ўйинчоқ боланинг ёши, жинси ва вазнига мос бўлиши;
- қўғирчоқ ва ўйинчоқ чиройли ва қулай қиёфада бўлиши;
- қўғирчоқ ва ўйинчоқ имкон қадар овозли бўлиши;
- қўғирчоқ ва ўйинчоқ юмшоқ ҳусусиятга эга бўлиши лозим.

Оқилона танланган милий қўғирчоқ ва ўйинчоқ болани ўзига тез жалб қиласди ва унда қизиқиш уйғотади. Шу сабабал муҳтарам Президентимиз И. А. Каримов “хунук ва бадбашара қиёфа”га бўлган қўғирчоқларни танқид қилган эди¹. Чунки миллий қўғирчоқ ва ўйинчоқлар ғоя ва фикр “ташийди”. Шу сабабли Украиналик олим П.Е.Шлара узоқ йиллик тадқиқотларидан кейин “ ёвуз ғояларни берувчи қўғирчоқларни ишлаб чиқарувчилар инсоният душманларидир”, - деган фикрга келган эди².

2. Миллий қўғирчоқлар ва ўйинчоқлар воситасида мақсадли ўйин ташкил килиш. Мазкур масалада мураббийлар қуидагича диққат қилиши мақсадга мувофиқ бўлади:

- болани қўғирчоқ ва ўйинчоқни тўғри тутиш ва унга тўғри муносабатда бўлишга қўнистириш;
- болани қўғирчоқ билан “сўзлашиш”га ўргатиш;
- болага турли қўғирчоқ ўйинларини кўрсатиб бериш;
- болани қўғирчоқни уҳлатиш, “овқатлантириш”, устбошини тўғрилаш каби ҳаракатларга дават қилиш ва ҳоказо.

Бола турли қўғирчоқ ва ўйинчоқлар ўйинлари билан мақсадли таништирилиши кутилган самарани беради. Эътибор берилса, бола

қўғирчоқ ва ўйинчоқ билан кўпроқ “сўзлашиш”га интилади. Айнан шу жараёнда болада фикрлаш бошланади ва бу ҳолат энг муҳимиdir. Фирклаш жараёнида болада ғоя туғилади. Тасаввур ҳосил бўла бошлайди ва сўз бойлиги қўпаяди. Қўғирчоқ ўйинлари қанчалик ранг-баранг ва ҳилма-хил бўлса бу жараён шунчалик кенгаяди. .

3. Болани қўғирчоғи ва ўйинчоқлар тўғрисида сўзлаб беришга одатлантириш.

Мураббийнинг бу борада қуидагиларга эътибор бериши тавсия этилади:

- боладан қўғирчоғи ва ўйинчоғи қандайлигини ва нима учун уни яхши кўришини сўраш;
- болага қўғирчоқ ва ўйинчоқнинг нималари ёқишини аниқлаш;
- бола қўғирчоқ ва ўйинчоғи хақида сўзлаётганида дикқат билан эшлиши;
- болани қўғирчоқ ва ўйинчоғи хақида эркин сўзлаб беришга одатлантириш ва ҳоказо.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, мактабгача тарбия ёшидаги бола ўз қўғирчоғи ва ўйинчоғи тўғрисида кўпроқ сўзлаб беришга ҳаракат қиласи. Бу ҳолатдан унумли фойдаланиш керак. Чунки бола қўғирчоғи ва ўйинчоғи хақида сўзлаётганида ўз тасаввурларини тўлиқ баён қиласи. Бизнингча, бола билан қўғирчоғи ва ўйинчоғи тўғрисида мунтазам сўхбатлашиб туриш унинг ақлий тафаккурини ривожлантириб боришининг муҳим омилиdir.

Мутаҳассисларнинг фикрича, мактабгача тарбия ёшидаги болаларда қуидаги қўғирчоқ ва ўйинчоқлар катта қизиқиш ўйғотади³:

- қўғирчоқ аравачалари;
- ип орқали тортиб юргизиладиган қўғирчоқ ва ўйинчоқлар;
- одам ва ҳайвонлар шаклидаги қўғирчоқлар;
- Плассмассали ўйинчоқлар ва ҳоказо.

Зоро, мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларинин ақлий тафаккурини шакллантиришда қўғирчоқ ва ўйинчоқлар муҳим восита хисобланади. Бу масалада мураббийлар учун турли

илмий-услубий тавсиялар мажмуини ишлаб чиқиш долзарб вазифа бўлиб турибди.

Адабиётлар.

1. И. А. Каримов “Юксак маънавият-енгилмас куч” асаридан. Тошкент . “Маънавият”. 2009 йил.
2. Шлара. П. Е. Техническая эстетика и осново художественного конструирования. – Киев.: “Высшая школа”. 1978 йил.
3. “Болангиз мактабга тайёрми?”. Тузувчилар X. Ахмедова ва бошқалар. Тошкент. “Маърифат-Мададкор”. 2000 йил.

QO’SHMA GAPNING O’RTA TA’LIM MAKTABLARIDA O’TILISHIGA DOIR AYRIM MASALALAR


**F.Shukrullayeva 3-bosqich talabasi
Ilmiy rahbar Z.Jumayeva (JDPI)**

O’rta ta’lim maktablarida ona tili darslaridan o’quvchilarga saboq berish uchun shu soha mutahasislari tomonidan ko’plab ilmiy ishlar amalga oshirilmoqda. Bundan ko’zlangan asosiy maqsad ularni o’z ona tillarini chuqur o’rgatishdan iboratdir. O’quvchilarning darslikdagi mavzularni o’zlashtirish darajasini kuzatishlari natijasida ular uchun murakkab ko’ringan mavzular orasida “Qo’shma gap” mavzusi yetakchilik qiladi. Bu mavzu bir qaraganda juda oson va bir qaraganda murakkabdek tuyuladi. O’qituvchi o’quvchiga mavzularni tushuntirish jarayonida unga qoidalarni yozdiribgina cheklanmasdan, chizmalar orqali tushuntirish maqsadga muvofiq sanaladi. Bunday usul orqali o’quvchi mavzu qanday yoritilgan bo’lsa, shunday tarzda xotirasida saqlab qoladi. Chizmalarda qoidalalar ham aks etib, u turli jadval, yo’nalish chiziqlari va turli shakllar orqali ifodalanadi. Keltirilgan chizmalar faqat gaplardan iborat bo’lgan qoidalardan ko’ra bola xotirasiga oson qabul qiladi. Uni yodga olganda o’sha o’qituvchi tushuntirgan chizmalar, qoidalalar ko’z oldida gavdalanadi. Ularni yanada mustahkamlash uchun atrofda yuz berayotgan misollar bilan tushuntirish, ana undan keyin o’quvchini bilim doirasini kengaytirish uchun badiiy asarlardan misollar keltirish mumkin. Asarlardan keltirilgan misollar ham ibratli yoki ta’sirchanlik kuchiga ega bo’lgan misollar bo’lsa, bolaning tarbiyaviy dunyosiga ham ijobjiy ta’sir qiladi va bola uni eslab qolishga urinadi. Pedagog bolaga har tomonlama saboq bera olishi darkor. Mavzuni oldingi mavzu bilan bog’lab, ketma-ketlikda tushuntirish bola miyasiga yetkazishning oson usulidir.

GAP

SODDA GAP	QO'SHMA GAP
Bir kesimlik belgisiga, mazmuniy va ohang tugalligiga ega.	Ikki va undan ortiq sodda gapning o'zaro grammatik va mazmuniy munosabatidan tashkil topgan, ohang tugalligiga ega bo'lgan butunlik.

Gap uchun muhim belgi → **kesimlik**



QO'SHMA GAP

Nº	Turlari	Ifodalanishi	Misollar
1	Bog'langan qo'shma gaplar	Qisimlari teng bog'lovchilar, <i>bo'lsa</i> , <i>esa so'zlari</i> , <i>-u(-yu)</i> , <i>-da</i> yuklamalari yordamida bog'lanadi.	Gapni cho'zma, <i>chunki</i> hayot qisqadir.(M.Larin)
2	Ergashgan qo'shma gaplar	Qismlari ergashtiruv bog'lovchilar yoki shunday bog'lovchi vazifasidagi so'zlar yordamida bog'lanadi.	Ortiqcha g'urur obro'yingni yo'q qilur, <i>shuning uchun</i> o'zingni boshqalardan baland tutma.
3	Bog'lovchisiz qo'shma gaplar	Tarkibida soda gaplar mazmunan bir-biri bilan bog'liq bo'lib, maxsus bog'lovchi vositalarsiz, faqt ohang yordamida bog'lanadi.	Sabr ila bog'liq ish ochilur, Ishda oshiqqan ko'p toyilur. (A.Navoiy)

Qo'shma gap qismlarini bog'lovchi vositalar.



Ular:

bog'lovchilar(Biriktiruv,zidlov,
1 Bog'lovchilar :

2 Bog'lovchi vazifasidagi vositalar:

kabi)

3 Ohang

a)Teng

ayiruv bog'lovchilari)

b)Ergashtiruvchi bog'lovchilar (sabab, maqsad,shart,qiyoslash-chog'ishtiruv bog'lovchilari)

-bo'lsa, esa so'zlari

-Deb so'zi

--u(-yu), -da, -ki yuklamalari

-Nisbiy so'zlar (kim-o'sha,nima-u, qanday-shunday,qayer-o'sha yer

-Ko'makchili qurilmalar (Shuning ucun,shu tufayli,shu sababli ko'p)


-sa mayli

Bog'langan qo'shma gaplar

Turlari	Bog'ovchi vositalar va qolipi	Misollar
Birikturuv bog'lovchili bog'langan qo'shma gap	<p>Birikturuv bog'lovchisi, ba'zan – u (-yu), -da yuklamalari qo'shma gapning payt, sabab natija munosabatlarida bo'lган qismlarini bog'lab keladi.</p> <p>Qismlari orasida sabab-natija munosabati ifodalangan qo'shma gaplarda ikkinchi qism oldidan natijada so'zini qo'yish mumkin bo'ladi.</p> <p style="text-align: center;">Biriktiruv bog'lovchiligi</p>	<p>1. To'satdan eshik sharaqlab ochildi va ostonada Boltayev paydo bo'ldi. 2. Gazlama ko'paydi-yu, ishimiz kasod bo'ldi. 3. Kuzning o'rtalarida havo bir-ikki ayniyida, vodiya qalin tuman tushadi.</p>

Zidlov bog'lovchili bog'langan qo'shma gap	Zidlov bog'lovchilari, -u (-yu), -da yuklamalari bog'langan qo'shma gap qisimlarini bog'laydi va ular o'rtasida zidlash, ketma-ketlik munosabati mavjudligini ifodalaydi. ,zidlov bog'lovchilari	1. Soni ko'p, lekin salmog'I yo'q. 2. Mayli, siz yashirdingiz, ammo men yashirmayman. 3. Har kimning zari bo'lmasa-da, hunari bo'lsin.
Ayiruv bog'lovchili bog'langan qo'shma gap	Ayiruv bog'lovchilari qo'shma gap qisimlarini bog'laydi va ularda ifodalangan voqeahodisalarining galma-gal ro'y berishini yoki ulardan faqat bittasining yuzaga chiqishini ta'kidlaydi. Yo (yoki) bog'lovchilari yolg'iz holda ham qo'llanishi mumkin. Ayiruv bog'lovchila	1. Dam kun birdan qizib ketadi, dam bulut kelib, jala quyadi. 2. Yo mehmon kelganini bilmaydi, yo o'zini bilmaslikka oladi. 3. Mashinaning nuqsoni bo'lsa, tuzatiladi yo yana yaxshirog'i yasaladi.
Bo'lsa, esa so'zlari yordamida bog'langan qo'shma gap	Bo'lsa, esa so'zlari bog'langan qo'shma gap qisimlarini bog'laydi va ular o'rtasida qiyoslash va zidlash munosabati mavjudligini ifodalaydi. Bo'lsa, esa so'zlari qiyoslanuvchi bo'lakdan so'ng keladi.	1. Dono aybni o'zidan axtaradi, ahmoq bo'lsa do'stini ayblaydi. 2. Yaxshilik qilmoqlik ulug' fazilatdir, buning qadriga yetmaslik esa illatdir.

2.Ergashgan qo'shma gap.



Bog'lovchi vositalar:

Ergashtiruvchi bog'lovchilar:	chunki, negaki,
toki,go'yo,agar,basharti...	
Ko'makchili qurilmalar:	Shuning uchun, shu sababli, shu
tufayli	
Yuklamalar:	-ki
Nisbiy so'zlar:	Kim-u, qayer-o'sha yer,qanday-shunday
Shart mayli shakli:	-sa
Deb so'zi	Masalan:



Ushbu mavzu shu tarzda davom etadi...

3.Bog'lovchisiz qo'shma gap.

Ohang yordamida ifodalanadi.



Ta'lim muassasalarida o'quvchi uchun murakkabdek tuyulgan mavzularni shu yoki shunga o'xshash usullardan foydalanib tushuntirishimiz mumkin. Fandagi arzimasdek ko'ringan kichik muammolar ham biz uchun muhim. O'tilayotgan mavzularni bir-biridan farqlab, ularni bir-biriga solishtirib tushuntirish dars mazmuni va sifatini oshirishda muhim ahamiyat kasb etadi.

М У Н Д А Р И Ж А:

ТҮЙХАТ ЎРНИДА

- О.М.Дўсматов ЖДПИ ректори. Устозга эҳтиром----- М.
Zokirov O‘zbekiston Qahramoni. Asrlarga tatigulik umr-----
Б.Йўлдошев. Самарқанд тилшунослик мактабининг забардаст вакили-----
У.А.Жуманазаров. Дилбар инсон, устоз, олим-----
И. Икромов. Қувноқ ва зукко устоз-----

I. О‘ЗВЕК ТИЛИ ВА УНИ О‘ТИШ МУАММОЛАРИ

- С.А. Каримов., Г.У. Жуманазарова. Халқ достонлари тилидаги сифат метафораларнинг лингвопоэтик хусусиятлари-----
Б. Йўлдошев., Ф.Назарова. Фраземалар таркибида сўз-компонентларнинг жойлашиш тартиби ҳақида-----
А.Солиев. Бадиий матн ва сўз қадри-----
Б.Йўлдошев., М.Исройлова. “Тангри қудуғи” романидаги антропонимларнинг кўлланиш хусусиятлари ҳақида-----
Т.Алмаматов, Л.Қаюмова. Абдулла қаҳхор ҳикояларида ўхшатишлар-----
Б.Файзуллаев., Д.Файзуллаева. Ўзбек тили луғат составида диалектал лексиканинг ўрни-----
М.Турсунпўлатов, О.Хидиров. Кон-қариндошлик муносабатини ифодаловчи эркалов сўзлари-----
А.Мусаев, Г.Умурзоқова. Кириш бўлаклар ва киритмалар билан мураккаблашган содда гапларда бўлаклар тартиби-----
Қ.М.Ядгаров, Ў.Алимов. Таққослаб тушунтириш ўкувчи тафаккурини ошириш омили сифатида-----
Ш.Ҳайдаров, С.Каримов. Лингвопоэтиканинг баъзи муаммолари -----
T.Almamatov, M.Abdug`aniyeva. Maktabda sinonimlarni o‘tishda tarqatma materiallarni qo`llash-----
Б.Файзуллаев, Х.Ибрагимов. Бадиий матнда фонетик такрор-----
М.Турсунпўлатов, А. Турсунпўлатова. Бахмал туманида яшовчи туркий қавмлар лексикаси-----
Ш.Алмаматова. Фраземалар таркибидаги компонентлар-----
А.К. Suvonqulov, Z. Atamurodova. Ona tili darslarida interfaol usullardan foydalananishning afzalliklari -----
Б.Файзуллаев, И.Умаров. Ўткир ҳошимовнинг “икки эшик ораси” асарида уюшиқ бўлакларнинг қўлланиши-----
T.Almamatov, N.Xasanova. Leksikalagiya bo‘yicha umumiyligi ma’lumot mavzusini o‘tishda grammatik o‘yin-topshiriqlar qo`llash-----
Б.Файзуллаев, С.Абдурасурова. Ўзбек фраземаларида салбий муносабатнинг ифодаланиши-----

- Q.M.Yadgarov, G.Nurmatova.** O‘quvchilar fikrlash qobiliyatini o’stirish usullari-----
- T.Almamatov, Sh.Saidova.** Holni o‘tishda yangi pedagogik texnologiyalarni qo‘llash-----
- Ж.Жўраев.** “Маҳбуб ул-кулуб” да имло қоидалари ва нутқ маданияти----
- A.Abduvaliyev.** “Boburnoma”da forscha sonlarning qo‘lanilishi va ularning ma`nolari-----
- Ф.С. Касымова, Х.Бекиева.** К вопросу использования интерактивных упражнений и заданий на уроках русского языка-----
- Т.Алмаматов, Л.Қаюмова.** Абдулла қаҳдор хикояларида ўхшатишлар-----
- З.Узоқова, З.Абдумўминова.** Алишер навоийнинг “муҳокаматул лугатайн” асарининг баъзи тил хусусиятлари-----
- T.Almamatov, M. Egamjonova.** Sifatlarning yasalishini o‘tishda grammatik o‘yin topshiriqlar qo‘llash-----
- Л.Ибрагимова, М.Убайдуллаева.** Нофилологик факультетларда лексикология бўлимими ўтиши-----
- З. Жумаева, Д.Файзуллаева.** Xалқ достонлари тилидаги фразеологизмлар ҳақида баъзи мулоҳазалар -----
- M.Tursunpo‘latov, N.O‘ralova.** So‘zlashuv nutqida variantdoshlik-----
- А.Абдувалиев, З. Абдимўминова.** “Бобурнома”да қўшма феъллар таркибида форсча сифатдошларнинг қўлланиши-----
- А.Абдуллаев, З.Жўраева.** 6-синфда феъл сўз туркумининг ҳаракат тарзи шаклини ўрганишга доир мулоҳазалар-----
- H. Shukurova.** Ona tili darslarida axborot texnologiyalaridan foydalanish-----
- T.Almamatov, S. Abdurahmonova.** Yasama otlar – o‘quvchilar so‘z boyligini oshiruvchi vosita-----
- Фазилат Ибрагимова.** Сўз - гапларнинг лингвопоэтик хусусиятлари -----
- Ф.С. Касымова, В.Исакова.** Использование материалов периодической печати в обучении русскому языку (на материале изучения заглавия текста)-----

Т.С.Кавылова, Г.Н.Муратова. Нуткда чет тилидан ўзлаштирилган сўзларнинг ишлатилиши ҳақида-----

Д.Абдувалиева. Алишер навоий тарихий асарларида қўлланган туркий сўзларнинг ҳозирги ўзбек адабий тилига муносабати-----

II. ЎЗБЕК АДАБИЁТИ ВА УНИ ЎҚИТИШ МУАММОЛАРИ

- У.А.Жуманазаров, Д.У.Жуманазарова.** Истиқлол даври миллий тарбияшунослигимизда маънавий-аҳлоқий тарбия муаммосининг қўйилиши-----
- У. Қобилов.,** Бадиий матнларда набийлар тимсоли талқини-----
- Ш. Дониярова.** Сўз масъулияти ва ижодкор услуби-----

- Yu.Karimova.** Said ahmadning “ufq” roman-trilogiyasi tahliliga bag‘ishlangan bahs-munozara darsi-----
- Б.Абдураҳмонова., Ү.Алимов.** “Қутадғу билиг”ни ўқувчи ёшларга ўқитиши масаласи-----
- I. Ikromov.** “Shum bola” folklor va badiiy mahorat-----
- Н.У. Усманов.** Алишер навоий ижоди ва миллий ғоя тарғиботи-----
- Н.Кушвактов, С.Эргашева.** Алишер навоий ҳаёти ва ижоди миллий қадрият сифатида-----
- С.Эшонқулова.,О.Хидиров.** Ўзбек мумтоз адабиётидаги мифик образларнинг шаклланиш жараёнлари-----
- Д. У. Жуманазарова.** Ёшларда юксак маънавиятни шакллантириш: муаммо ва ечимлар-----
- Мария Мусурмонова.** Мактабгача ёшдаги болаларга таълим-тарбия беришда бадиий адабиётнинг имкониятлари-----
- С.М. Мамаюсупова.** Бошланғич синф ўқувчиларини бадиий асарни таҳлил қилишга ўргатиши-----
- J.Lutfullayev.** Fitrat aruz vazni haqida-----
- Т.С.Кавылова, У.А. Инамов.** К вопросу отбора материалов при обучении иностранному языку-----
- У.Алматова, Н.Абраимова.** О значении текстов на уроках иностранных языков-----
- Д.Аралова., Р.Сойипова.** Адабиёт дарсларида инновацион технологияларнинг ўрни-----
- S. Abduvaliyeva.** Bobur-madaniyat arbobi va homiysi-----

III. ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ВА УНИ ЎҚИТИШ МУАММОЛАРИ

- М. Турсинпўлатов., А.Усмонов.** Ўқувчиларда янги таълим талаблари асосида касб танлашга мойилликни уйғотиши-----
- Н. Кушвактов., Д.Уролов.** Маънавий жасорат – буюк сиймолардан маънавий мерос сифатида-----
- А.Холмуродов., Ф.Исройлова.** Амир темур даврида бошланган буюк ўлкан тараққиёт бугунги ўзбекистонда амалда-----
- Ф.Маматқулов., Ш.Камолова, Н.Пўлатова.** Соғлом болани аҳлоқий, маънавий руҳда тарбиялашда оиланинг вазифаси -----
- А.Негматова., Ш.Мамажонова.** Таълимда интерфаол технологиялар ўрни-----
- Р.Атамуродова., Ш.Юлдашев, Д.Исмоилова.** Талабалар маънавий камолотининг психологик муаммолари-----
- А.Т.Содиков., М.А.Тилакова.** Жвпкқтмои ёшлар тарбиясида- компетенция-----
- И.Х.Тўракулова. У.И.Зокирова.** Ўқувчиларда маънавий дунёқарашни шакллантириш омиллари-----

- Н. Кушвактов, О.Азизов.** Ёшларда миллий ғуурни шакллантиришнинг педагогик асослари-----
- N.R.Asadov., M.N.Asadova.** Boshlang‘ich talimda matematik bilimlarni integratsiyalash-----
- Р.Атамуродова., Д.Исмаилова, Г.Келдиёрова.** Ёшлар маънавий камолотининг муҳим психологик муаммолари-----
- И.Х. Тўракулова, Ф.С. Махамматова.** Оилавий муҳитнинг соғлом бўлишида ота – она ибрати-----
- Х.М. Содиков, Д.Р.Содикова.** Соғлом турмуш маданиятига амал қилишнинг ўзига хос жиҳатлари-----
- B.Norbekova., T. Mirzayeva.** Tarbiyasi qiyin bolalar shaxsi shakllanishining omillari-----
- Р.Атамуродова., Г. Келдиёрова, Н. Жабборов.** Мехр – психологик мезон---
- Х.Аширматов, И.Ахмедов, А.Жўраев.** Тарихий дунёқарашнинг шахс такомиллашувидағи ўрни-----
- Д.Алибеков.** Таълим сифатини оширишда педагогик технологиялардан фойдаланишнинг аҳамияти-----
- M.Usmonova., L.Umirova.** Bolalar nutqini rivojlantirishda tarbiyachi nutqi namuna sifatida-----
- Р.Мунарова., Н.Аҳмедова, А.Мирзаев.** Интернет технологиялари ютуқларидан оқилона ва мақсадли фойдаланиш-----
- Ш.Н.Пардаева, М.Пардаев.** Чет тили дарсларида янги лексик материални ўзлаштириш-----
- B.Norbekova., Z.Komilova.** Maktabgacha yoshdagи bolalar nutqini rivojlantirish omillari-----
- Sh.Tuyg‘unova.** Ma’naviyat soatlarida yangi pedagogik texnologiyalardan foydalanish-----

IV.MUBORAK QADAMLAR

- H.Ne'matova.** Safarnomalarning inson ma'naviyatida tutgan o‘rni va ahamiyati----
- Л. Қаюмова.** «Анор» ҳикоясида ўхшатишлар-----
- R. Sattarov.** Abdulla qodiriyl ijodi tarixiga bir nazar-----
- Ў.Алимов.** Сўз бадиий матнаги асосий ўлчов бирлигидир-----
- З.Ахмедов., Б.Эргашев.** Ўзбекистонда шароф рашидов музейининг ҳуқуқий фаолияти -----
- О. Одилов., А. Турсункулов.** Ҳамид олимжон ва фолклор-----
- Z. R. Ahmedov B.Ergashev.** O‘zbekiston respublikasi quroli kuchlari markaziy muzeyi tarixi-----
- M.Hadjiyev Sh.Haydarov.** -gani qo’shimchasi haqida ikki og‘iz so‘z-----

E. Mo'minov., Z. Jumayeva. Chingiz aytmatov asarlarida barqaror birikmalarining qo'llanishi-----

M.Ubaydullayeva., J.Lutfullayev. Vatan tuyg'usi ozod sharaiddinov talqinida---

Ш.Шаропова., А.Усмонов. Тохир малик асарларида қўшма гаплар синонимяси-----

Ш.Хусанова. Ёшлар тарбиясини шаклантиришда бадий адабиётнинг роли--

К.Қаршибоева., Ш.Камолова. Соғлом бола дунёқараши юксалишида жисмоний маданиятнинг аҳамияти-----

Ш. Камолова., С.Икромов. Шахс маънавий камолоти ва уларга мос дунёқараашнинг шаклланиши -----

Ш.Н Камолова. Интернетнинг ёшлар хаётидаги ўрни-----

Н. Муродова., М.Нормурадова. Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларининг тафаккурини шаклантиришда дидактик ўйинларнинг роли-----

М. Нормуродова Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларини ақлий тафаккурини миллий қўғирчоқлар ва ўйинчоқлар воситасида шаклантириш-----

F.Shukrullayeva., Z.Jumayeva. Qo'shma gapning o'rta ta'lif maktablarida o'tilishiga doir ayrim masalalar-----